$$L = \frac{4\mu}{\alpha} \frac{(\alpha F)^{\frac{\nu+3}{4}}}{\left(1 + (\alpha F)^{\frac{\nu}{4}}\right)^{1+\frac{\mu}{\nu}}}$$

$\alpha > 0$ parametri nochiziqli ta'sir kuchini tavsiflaydi, $\mu > 0$ nochiziqli darajasini xarakterlaydi va $\nu > 0$ aniq yechim uchun elektromagnit maydon xarakterini boshqaruvchi erkin parametr. Faraday skalyari $F > 0$ bo'lganda magnit zaryadli umumiy qora o'ra yechimlari uchun NED nazariyasi yaxshi natijalarga ega [4,6]. Umumiy sferik simmetrik qora o'ra fazovaqt metrikasi Schwarzschild metrikasiga o'xshash shaklga ega va standart Schwarzschild koordinatalarida uning chiziq elementi quyidagi shaklga ega [3]

$$ds^2 = -\left(1 - \frac{2m(r)}{r}\right)dt^2 + \frac{dr^2}{\left(1 - \frac{2m}{r}\right)} + r^2 d\theta^2 + r^2 \sin^2 \theta d\varphi^2 \tag{1}$$

Bu yerdagi $m(r)$ funksiyasi quyidagi ko'rinishga ega [3,2].

$$m(r) = M - \frac{q^3}{\alpha} \left[1 - \frac{r^\mu}{(r^\nu + q^\nu)^{\frac{\mu}{\nu}}} \right] \tag{2}$$

Ushbu yechim bilan bog'liq magnit zaryad quyidagicha ifodalangan

$$Q_m = \frac{q^2}{\sqrt{2\alpha}} \tag{3}$$

Parametr q magnit zaryadga bog'liq integral doimiysi bo'lib bizning maqsadimiz uchun $q > 0$ [3] deb olingan. Aylanmaydigan magnit zaryadli umumiy qora o'ralar elektromagnit maydon potentsiali quyidagiga teng deb qaraladi

$$A_\alpha = (0,0,0, Q_m \cos \theta) \tag{4}$$

ν parametrining qiymatlari umumiy qora o'ra turini aniqlaydi; $\nu = 1$ uchun bizda qora o'ralarning Maxwell turi, $\nu = 2$ uchun Bardeen turli, $\nu = 3$ uchun Hayward turlari mavjud.

Bu yechimda Arnovitt-Deser-Misner (ADM) massasi quyidagicha aniqlanadi

$$M_{ADM} = M + M_{em}$$

$$M_{em} = \frac{q^3}{\alpha}$$

elektromagnit induktsiyalangan tortishish massasi.



Shuni e'tiborga olish kerakki, umumiy regulyar qora o'ralar (markazida fizik singulyarlikka ega bo'lmagan, $r = 0$) $\mu \geq 3$ shartida

$$M=M_{em} \tag{5}$$

holatida paydo bo'ladi. (5) shartni e'tiborga olib massa funksiyasi (2.2) uchun regulyar yechim uchun quyidagi tenglikni olamiz.

$$m(r) = \frac{Mr^\mu}{(r^\nu + q^\nu)^\frac{\mu}{\nu}} \tag{6}$$

Takidlab o'tamiz, regulyar yechimlarga faqat $\mu \geq 3$ parametr uchun ruxsat beriladi.

Tadqiqotimizda biz massa funksiyasi (2) bo'lgan umumiy singular magnit zaryadlangan qora o'ralarni (1) metrika doirasida ko'rib chiqamiz. Biz (5) shart hosil qilgan regulyar (singulyar) qora o'ralarni ko'rib chiqmaymiz. Olib borilgan o'rganishlar tufayli astrofizik jihatdan tegishli holatlar $\nu = 1$ parametri uchun ro'y berishi va Maksvel NED qora o'ralariga mos kelishi aniq. Shuning uchun o'rganishlarimizda yuqoridagi fazovaqt holatini afzal ko'ramiz.

Soddalik uchun biz: o'lchamsiz radiusdan foydalanamiz $r/M \rightarrow r$, o'lchamsiz zaryad parametri $q/M \rightarrow q$ va o'lchamsiz parameter $\alpha/M^2 \rightarrow \alpha$, mos ravishda $M=1$ deb qabul qilamiz.

Qora o'ra gorizontining holati quyidagi shart bilan belgilanadi

$$f(r) = -g_{tt}(r) = 1 - \frac{2m(r)}{r} \tag{7}$$

Umumiy qora o'ralar gorizontlarining mavjudligi holatlari va umumiy geometriyaning boshqa xususiyatlari [5] da o'rganilgan. Gamilton formalizmidan [4] singular umumiy magnit zaryadlangan qora o'ralar yonida $q_p \neq 0$ elektr zaryadlangan zarralar dinamikasini tavsiflash uchun foydalanamiz. Gamiltoniyan H bu holda quyidagi shaklni oladi.

$$H = \frac{1}{2}g^{\alpha\beta}(\pi_\alpha - q_p A_\alpha)(\pi_\beta - q_p A_\beta) + \frac{m^2}{2} \tag{8}$$

Gamilton harakat tenglamalari esa quyidagicha tavsiflanadi

$$\frac{dx^\alpha}{d\lambda} = \frac{\partial H}{\partial \pi_\alpha}, \quad \frac{d\pi_\alpha}{d\lambda} = -\frac{\partial H}{\partial x^\alpha} \tag{9}$$

bu yerda m - sinov zarrachasining massasi, π_α kanonik 4-impuls, q_p - sinov zarra zaryadi va λ affine parametri bo'lib xususiy vaqt bilan quyidagicha bog'langan $\lambda/\tau=m$.

Sferik simmetrik umumiy singulyarlik foni simmetrikligi sababli metrika (1) magnit monopol maydoni bilan bog'langan. Zaryadli zarra harakatining saqlanuvchi kattaliklari, (solishtirma) energiya va (solishtirma) impuls momentlari mos ravishda quyidagicha,

$$\begin{aligned} \varepsilon &= \frac{E}{m} = -\frac{\pi_t}{m} = -g_{tt}u^t \\ L &= \frac{l}{m} = \frac{\pi_\varphi}{m} = g_{\varphi\varphi}u^\varphi + \bar{q}_p A_\varphi \end{aligned} \tag{10}$$

Bu yerda zarraning solishtirma elektr zaryadi $\bar{q}_p=q_p/m$. Saqlanuvchi kattaliklar (10) dan foydalanib, Gamiltonianni (8) dinamik va potentsial qismlarga ajratish mumkin

$$H = H_{dyn} + H_{pot} \tag{11}$$



Bu hisoblashlarda;

$$H_{dyn} = \frac{1}{2}(g^{rr} p_r^2 + g^{\theta\theta} p_\theta^2) \tag{12}$$

$$H_{pot} = \frac{m^2}{2}(g^{tt} \varepsilon^2 + g^{\varphi\varphi} (L - \bar{q}_p A_\varphi)^2 + 1) \tag{13}$$

Harakat effektiv potentsiali va ekvatorial bo'lmagan doiraviy orbitalar.

Zaryadli zarra harakatining energetik chegarasi (8)-ifoda bilan hisoblanadi. Effektiv potentsial qiymatini $\varepsilon = V_{eff}(r,\theta)$ ifoda bilan aniqlashda bir vaqtning o'zida burilish nuqtalar radial va kenglik (latitudinal) harakatlari uchun (10)-(13) tengliklarda $p_r = p_\theta = 0$, yetarli shart bo'lib hismat qiladi va quyidagi tenglikka asosan topiladi.

$$V_{eff}(r,\theta) \equiv \sqrt{-g_{tt} [g^{\varphi\varphi} (L - \bar{q}_p A_\varphi)^2 + 1]} \tag{14}$$

Effektiv potentsial gravitatsion ta'sirni, impuls momenti va elektromagnit potentsial energiyasi tomonidan berilgan markaziy kuch potentsialini tavsiflaydi. Musbat impuls momenti $L > 0$ soat yo'nalishiga teskari aylantirilgan zarraga to'g'ri keladi. Elektromagnit va gravitatsiyaviy o'zaro bog'liqlikni tavsiflovchi parametr e quyidagicha kiritilgan


$$e = \frac{q_p Q_m G M}{m c^4} \tag{15}$$

Bu yerda gravitatsion konstant G va yorug'lik tezligi c . Ushbu parametr e zaryadlangan zarrachalar harakatini boshqaradi - biz musbat ($e > 0$) va manfiy ($e < 0$) holatlarda elektromagnit ta'sirlarni farqlaymiz. Effektiv potentsial (14) ni keyin qayta yozish mumkin

$$V_{eff}(r,\theta) = \sqrt{\left(1 - \frac{2m(r)}{r}\right) \left[\frac{(L - e \cos\theta)^2}{r^2 \sin^2\theta} + 1\right]} \tag{16}$$


$m(r)$ massa funksiyasi.

Effektiv potentsial $V_{eff}(r,\theta)$ uchun e parametrning musbat va manfiy qiymatlarining ko'rinishlari 1-rasmda aks ettirilgan. Parametr e ga nisbatan effektiv potentsialning muhim simmetriyasi mavjud bo'lib agar biz gravomagnit parametrning ishorasini va $\theta \rightarrow \pi - \theta$ larni bir vaqtda o'zgartirishlarini bajarsak bir xil natijalar hosil bo'ladi. Biz bu tasdiqni effektiv potentsial (16) ifodasidan osonlikcha ko'rishimiz mumkin $\{(L - e \cos\theta)^2\}$.



1-rasm. Umumiy qora o'ra maydonidagi zaryadli zarra effektiv potentsiali, parametrlari $\alpha=0.3$, $q = 0.5$, $\mu = 3$, $\nu = 1$ va $L = 3$ bo'lgan qiymatlarda. Chap tomonda parametr $e = -1$, o'ngda $e = 1$.

2-rasmda biz effektiv potentsialning $\theta = \text{const}$ va $r = \text{const}$ bo'lgan qism kesimlarini ko'rishimiz mumkin. Ushbu rasmlar effektiv potentsialning ekvatorial tekislikka nisbatan $\theta = \pi/2$ simmetrik emasligini aniq ko'rsatib beradi va bu e parametr mavjudligidan, elektr zaryadlangan zarrachaning qora o'ra magnet monopol zaryadi bilan elektromagnit o'zaro ta'siri natijasiga muvofiqdir. Neytral zarralar uchun bu assimetriya yo'qoladi.



2-rasm. Parametrlari $\alpha=0.3$, $q = 0.5$, $\mu = 3$, $\nu = 1$, $L = 3$ va $e = -1$ va $L = 3$ bo'lgan umumiy qora o'ra maydonida zaryadlangan zarrachalarning effektiv potentsiali. Chap tomonda $\theta = 0.5, 1.57, 2.5$ qiymatlarida (ko'k, to'q sariq, yashil) egri chiziqlar; va o'ngda $r = 4, 8, 13$ qiymatlarida (ko'k, to'q sariq, yashil) bo'lgan egri chiziqlar .

Shunday qilib effektiv potentsialning ko'rinishi (xususiyati) bizning o'rganishimizdagi elektromagnit o'zaro ta'sirning juda muhim natijasini, ya'ni doiraviy ekvatorial harakatning



mavjud emasligini aniq ko'rsatib beradi. Ammo, biz rasmlardan radial yo'nalishidagi buzilishlarga qarshi turg'un ekvatorial bo'lmagan doiraviy orbitalar mavjudligini ko'ramiz, biroq ular barqaror ham, beqaror ham, bo'lishi mumkin. Belgilangan θ kenglik uchun doiraviy orbita radiusi r_{co} ni topishda $dV_{eff}(r,\theta)/dr=0$ bog'liqlikdan foydalaniladi va u quyidagi shaklda ifodalanishi mumkin:


$$\left[q^3 \left(2 - 2r^\mu (r^\nu + q^\nu)^{\frac{\mu}{\nu}} \right) + \alpha (r - 2) \right] (L - e \cos(\theta))^2 + (r^\nu + q^\nu)^{\frac{\mu+\nu}{\nu}} [(e \cot(\theta) - L \cos(\theta))^2 + r^2] * (q^3 - \alpha) (r^\nu + q^\nu)^{\frac{\mu+\nu}{\nu}} - q^3 r^\mu [r^\nu - (\mu - 1)q^\nu] = 0 \quad (2.17)$$

Quyida biz kuchsiz elektromagnit maydon chegarasida NED ning aniq qiymatlar beradigan eng oddiy Maksvell NED qora o'ralari ($\nu = 1$ va $\mu = 3$ bilan) holatiga e'tiborimizni qaratamiz, chunki Kepler akkretsiyon disklari bilan bog'liq optik hodisalarni to'g'ri modellashtirishni

Barqaror doiraviy orbitalar

Ichki barqaror doiraviy orbita (ISCO) o'ziga xos impuls momentiga ega L_{ISCO} va $\dot{r} = 0$, $\frac{dV_{eff}(r,\theta)}{dr} = 0$, $\frac{d^2V_{eff}(r,\theta)}{dr^2} = 0$ tenglamalarini bir vaqtda yechishidan kelib chiqadi. Schwarzschild fazovaqtida ISCO radiusi $r_{ISCO} = 6M$ ga teng. Umumiy magnit zaryadli qora o'ra fazovaqtlarida, zaryadlanmagan zarrachalarning ISCO radiusi barcha metrik parametrlarga bog'liq va radiusi $r=6M$ dan kichik bo'lgan barqaror doiraviy orbitalarga ega bo'lish mumkin [5]. Misol uchun umumiy qora o'ra fazovaqt parametrlarining $\alpha=0.3$, $q=0.5$, $\mu = 3$, $\nu = 1$ qiymatlarida $r_{ISCO}=4.46M$ ga teng bo'lgan qiymatga erishadi.

Elektr zaryadlangan zarrachalar harakatini o'rganadigan ushbu ishimizda, shuningdek, gravitatsiya ta'siriga nisbatan elektromagnit o'zaro ta'sirning nisbiy intensivligini ifodalaydigan e parametri ham asosiy ro'l o'ynaydi. α va q parametrlarining barqaror aylana orbitasiga ta'siri 3-rasmda ko'rib chiqilgan. Biz bu yerda q parametrining r_{ISCO} ga to'g'ri va α parametrining barqaror aylana orbitasiga teskari bog'liqlik ta'sirini ko'rishimiz mumkin.




3-rasm. r_{co} ning q ga bog'liqligi parametrlarning $\mu = 3$, $\nu = 1$, $\theta = \pi/2$, $e=1$ va $L=3$, $\alpha=0.3$ (chap tomona), $q=0.5$ ga teng bo'lganda va r_{co} ning α ga bog'liqlik grafiklari (o'ng panelda).

Barqaror doiraviy orbitalar va ularning r_{co} pozitsiyalarining mavjudligini ISCO cheklaydi. 4-rasmdan ko'rinib turibdiki, θ kenglik koordinatasining barcha qiymatlari uchun barqaror

doiraviy orbitalar mavjud emas (xususiyl L uchun). Bu tasdiq e parametrning har ikki (musbat va manfiy) qiymatlariga to'g'ri keladi.


4-rasm. r_{co} barqaror doiraviy orbitalarning θ ga bog'liqligi, parametrlari $\alpha=0.3$, $q=0.5$, $\mu=3$, $\nu=1$ va $L=3$ ga teng bo'lganda. Ko'k egri chiziq $e=-1$ parametr uchun va to'q sariq $e=1$ uchun. Uzlukli qora egri chiziq bu neytral zarraga bog'liqlik grafigi, ingichka qora chiziq esa ISCO ni bildiradi.

5-rasm, e parametrning musbat va manfiy qiymatlari uchun o'ziga xos impuls momentining qiymati oshishi bilan barqaror doiraviy orbita radiusi oshishini tasvirlaydi.



rasm.


4-



5-rasm

5-rasm. Parametrlar $\alpha=0.3$, $q=0.5$, $\mu=3$, $\nu=1$ va $\theta=\pi/3$ ga teng bo'lganda r_{co} barqaror doiraviy orbitalarning L ga bog'liqligi. Ko'k egri chiziq $e=-1$ parametr uchun va to'q sariq $e=1$ uchun. Uzlukli qora egri chiziq bu neytral zarraga bog'liqlik grafigi, ingichka qora chiziq esa ISCO ni bildiradi.

Biz 6-rasmda barqaror doiraviy orbitalarni uch jihatdan tahlil qilamiz. Birinchi va ikkinchi panelda dekart koordinatalarining X-Y va X-Z tekisligidagi harakat, uchinchi panel zarrachaning aylanma harakatini e'tiborga olmasdan, radial va kenglik yo'nalishlaridagi harakatlarini dekart koordinatalarining X-Z tekisligiga konvertatsiya qilingan harakatini aks ettiradi. Harakatni bunday namoyish qilish kontseptsiyasini ushbu ishda ishlatishda davom etamiz. 6-rasmdan bunday orbitalar doiraviy ekanligini ko'rish mumkin. Lekin u ekvatorial tekislikdan uchirilgan bo'lsa ham, uni bu tekislik cheklamaydi, ammo uning trayektoriyasi siqilgan aylana bo'ladi. Bu magnit maydon mavjudligidan kelib chiqadi va buni kuzatish mumkin. Masalan, tashqi magnit monopoli maydonida joylashgan Schwarzschild qora tuynugi atrofida harakatlangan zaryadlangan zarracha harakatida.



6-rasm. Trayektoriyalar (qora qalin chiziqlar) va harakatlanish cheklovlari (uzlukli egri chiziqlar) turli parametrlari $\alpha=0.3$, $q=0.5$, $\mu=3$, $v=1$ va $e = 1$ ga bog'liqlik holatlari. Boshlang'ich shartlari $L=L_{\text{ISCO}}=2.9$, $\mathcal{E}=0.9$, $r_0=r_{\text{ISCO}}=4.5$, $\theta_0=\pi/2$. Chap panelda X-Y tekislikdagi harakat, o'rta panelda X-Z tekislikdagi harakatni ko'rsatadi va o'ng panelda ϕ yo'nalishdagi harakatni e'tiborga olmasdan yana X-Z tekisligidagi harakatni ko'rsatadi


Zaryadli zarra effektiv potentsiali shuningdek θ kenglik koordinatasiga ham bog'liq bo'ladi. Kenglik yo'nalishidagi statsionar nuqtalar $\frac{dV_{\text{eff}}(r,\theta)}{d\theta} = 0$ tenglik yechimi orqali topiladi. Makswell umumiy qora o'ralarida $\mu=3$ va $v=1$ holatida, qora o'ra hodisalar gorizonti yuqoridagilarni hisobga olgan holda quyidagi bog'liqlikka kelinadi.

$$-2(L^2 + e^2) \cos(\theta) + eL[\cos(2\theta) + 3] = 0 \quad (18)$$

θ_{stat} dagi effektiv potentsialning ekstremumi (minimal) radial koordinataga bog'liq emas (bu 2-rasmning o'ng tomonidagi panelda o'z aksini topgan) va u shuningdek α va q parametrlaridan ham mustaqildir. θ_{stat} faqat burchak impulsiga bog'liq bo'lishi mumkin (va parametr e ga). Analitik yechimni quyidagicha yozish mumkin

$$\theta_{\text{stat}} = \begin{cases} \arctan\left(\frac{\sqrt{e^2 - L^2}}{e}\right), & \text{agar } L < |e| \\ \arctan\left(\frac{\sqrt{L^2 - e^2}}{L}\right), & \text{agar } L > |e| \end{cases} \quad (19)$$

\arctan funksiyasini cheksizlikda $\pi/2$ qiymatga tengligidan, statsionar yechimlarda doiraviy orbitalarni ekvatorial tekislikda topish mumkin emasligiga muoffiqligi kelib chiqadi.




7-rasm. θ_{stat} ning L ga bog'liqligi $\alpha=0.3$, $q=0.5$, $\mu=3$, $\nu=1$ parametrlarining qiymatlarida. Ko'k egri chiziq parametr $e = 1$ ning qiymati uchun, to'q sariq chiziq parametr $e=-1$ uchun, yashil chiziq esa shunchaki $\pi/2$ ni ko'rsatadi. Qora uzlukli chiziq berilgan θ uchun L_{ISCO} ni ko'rsatadi. Qora ingichka parallel chiziqlar mumkin bo'lgan barqaror doiraviy orbitani θ qiymatini bildiradi.

Raqamli tahlillardan, ISCO pozitsiyasi θ koordinataga bog'liq emasligi aniqlandi. Lekin faqat L_{ISCO} qiymati θ bilan o'zgaradi va bu bog'liqlik 7-rasmda uzlukli chiziq bilan aks ettirilgan.

Agar biz barqaror doiraviy orbitalarga qiziqsak, ISCO L_{ISCO} ning eng kichik burchak impulsini aniqlaydi. Shunday qilib, L qiymatlari bo'yicha yangi cheklovlar paydo bo'ladi. Agar θ_{stat} dagi impuls momenti L_{ISCO} dan kichik bo'lsa, unda barqaror doiraviy orbita θ da mavjud emas. $\theta_{\text{stat}}(L)$ ning bog'liqligiga bog'liq bu cheklov 7-rasmda keltirilgan. L ning soya sohadagi har qanday qiymati barqaror doiraviy orbitaning shartini qanoatlandirmaydi. Barqaror doiraviy orbitada bo'lishi mumkin bo'lgan θ_{stat} qiymatlari 7-rasmda ikkita qora parallel chiziqlar orasida belgilanadi. 7-rasmdan kelib chiqadigan asosiy natija shundaki, ekvatorial tekislikdan tashqarida ekvatorial tekislikka parallel bo'lgan doiraviy orbitalar ($\dot{\theta}=0$) mavjudligidir. Bundan tashqari, umumiy magnit zaryadlangan qora o'ralar atrofida elektr zaryadlangan zarrachalarning ekvatoryal tekisligida ($\theta = \pi/2$) harakatlanishiga yo'l qo'yilmaydi.

Qutblar yaqinadigi holat boshqacha. Qutblar yaqinida L ning ISCO qiymatini cheklashining sababi, effektiv potentsial barcha L uchun maksimal darajaga ega bo'lishi bilan bog'liq. ISCO ning standart tushunchasi hisobga olinmayapdi va bunday holatda faqat nostabel orbitalar mavjud bo'ladi. 8-rasmdan ko'rinib turibdiki, berilgan e va har xil L uchun ISCO lar mavjud bo'lgan deyarli barcha sohalar va qutb sohalari uchun effektiv potentsiallar grafigi chizilgan. Deyarli qutbli hududda effektiv potentsial maksimalari mavjudligiga e'tibor qaratamiz, va effektiv potentsial maksimalining balandligi L ning oshishi bilan monotonik ravishda o'zgarmaydi.



8-rasm. Umumiy qora o'ra sohasidagi zaryadlangan zarrachalarning effektiv potentsiali $\alpha=0.3$, $q=0.5$, $\mu=3$, $\nu=1$, $e=1$ va L : $L=0$ (ko'k), $L=1.6$ (yashil) va $L=2.4$ (qizil). Chap panelda $\theta=0.001$, o'ng panelda $\theta=0.5$.

Xulosa

Ushbu ishda biz zaryadlangan zarrachalarning fazovaqt metrikasi (1), massa funktsiyasi (2) bo'lgan singulyar umumiy magnit zaryadlangan qora o'radagi harakatini va fotonlar va neytral zarralarning harakatini o'rganib chiqdik. Ushbu fazovaqt metrikasini va uning asosiy xarakteristikalarini tanishtirdik. Biz asosan umumiy fazovaqt metrikasining $\mu=3$ va $\nu=1$ parametrlarining qiymatiga e'tibor qaratdik. Zaryadlangan zarrachalar harakati va effektiv potentsialni boshqaruvchi tenglamalar Hamiltonian bilan tanishtirildi va biz ushbu tenglama va effektiv potentsialni o'rganib chiqdik. Effektiv potentsialning birinchi muhim xususiyati parametrlar e va θ dagi ba'zi bir simmetriyalarning mavjudligidir. Agar biz e ning ishorasini o'zgartirsak va $\theta \rightarrow \pi - \theta$ ga almashtirish bajarsak, biz bir xil effektiv potentsialga ega bo'lamiz. Ikkala o'zgaruvchida r va θ da effektiv potentsialning statsionar nuqtalarini ko'rib chiqdik. Barqaror aylana orbitasi θ ga bog'liqligini, L va boshqa fazovaqt parametrlarini tahlil qildik, θ yo'nalishidagi statsionar nuqtalar faqat L ga bog'liqligini aniqladik. Shuningdek, biz boshqa fazovaqt parametrlarining r_{∞} ga ta'sirini o'rganib chiqdik va barqaror doiraviy orbitani q zaryad parametri ortib borishi bilan kamayib yakunda umuman yo'qolishini aniqladik. Biz har xil μ va ν uchun magnit monopoldagi Schwarzschild qora tuynugi fazovaqtida zarralar trayektoriyalarini taqqosladik. Ushbu traektoriyalarni taqqoslash shuni ko'rsatadiki, $\nu \geq 2$ uchun zarrachalar trayektoriyalari Schwarzschildning magnit monopoldagi fazovaqtidagi kabi, deyarli bir xil va μ parametri kuchli ta'sirga ega emas.

Adabiyotlar ro'yxati

- [1] F. de Felice, F. Sorge, and S. Zilio, *Classical Quantum Gravity* 21, 961 (2004).
- [2] K. Haydarov, A. Abdujabbarov, J. Rayimbaev, and B. Ahmedov, *Universe* 6, 44 (2020).
- [3] Z.-Y. Fan and X. Wang, *Phys. Rev. D* 94, 124027 (2016).
- [4] M. Kološ, Z. Stuchlík, and A. Tursunov, *Classical Quantum Gravity* 32, 165009 (2015).
- [5] Z. Stuchlík, J. Schee, and D. Ovchinnikov, *Astrophys. J.* 887, 145 (2019).



- [6] J. E. McClintock, R. Narayan, S. W. Davis, L. Gou, A.Kulkarni, J. A. Orosz, R. F. Penna, R. A. Remillard, and J. F. Steiner, *Classical Quantum Gravity* 28, 114009 (2011).
- [7] L.D. Landau and E.M. Lifshitz, *Mechanics* (Oxford: Pergamon Press, 1969, 2nd ed.).
- [8] L.D. Landau and E.M. Lifshitz, *The classical theory of fields* (Oxford: Pergamon Press, 1975, 4th rev.engl.ed.).
- [9] A.A.Abdujabborov, B.J.Ahmedov, V.G.Kagramanova – “Particle motion and electromagnetic fields of rotating compact gravitating objects with gravitomagnetic charge”. (Springer Science + Business Media, LLC 2008)
- [10] F. de Felice and F. Sorge, *Classical Quantum Gravity* 20, 469 (2003).
- [11] J. M. Bardeen, W. H. Press, and S. A. Teukolsky, *Astrophys. J.* 178, 347 (1972).
- [12] K. Mori et al., *Astron. J. Lett.* 770, L23 (2013).

AXBOROT TEXNOLOGIYASI BILAN OB'EKTLARNI TAYYORLASH

Baymuratova Irina Viktorovna
Magistr talaba, axborot texnologiyalari o'qituvchisi
Islom Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika universiteti
O'zbekiston, Toshkent
Pochta: xerson2681@gmail.com
Bozorov Erkin Hojievich
Muhandislik fanlari professori
ANRUz Yadro Fizikasi Instituti.
O'zbekiston, Toshkent

Izoh: Maqolada turli xil ilmiy sohalarda o'qitish va qo'llashda axborot texnologiyalaridan foydalanish tasvirlangan.

Kalit so'zlar: "Tibbiy informatika", teletibbiyot, kibernetika, interaktivlik, pedagogik usullar.

ПРЕПОДАВАНИЕ ПРЕДМЕТОВ С УЧЕТОМ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Баймуратова Ирина Викторовна
Студентка-магистрантка, педагог по информационным технологиям
Ташкентский государственный технический университет
имени Ислама Каримова
Узбекистан, г.Ташкент
E-mail: xerson2681@gmail.com
Бозоров Эркин Ходжиевич
Профессор технических наук
Институт Ядерной физики АНРУз.
Узбекистан, г.Ташкент

Аннотация: В статье описывается применение информационных технологий в преподавании и применении в различных научных направлениях.

Ключевые слова: «Медицинская информатика», телемедицина, кибернетика, интерактивность, педагогические методы.



TEACHING OBJECTS WITH AN INFORMATION TECHNOLOGY TAKING INTO ACCOUNT

Irina Baymuratova

Master's student, information technology educator
Tashkent State Technical University named after Islam Karimov
Uzbekistan, Tashkent city
E-mail: xerson2681@gmail.com
Erkin Bozorov
professor of technical sciences
Institute of Nuclear Physics ANRUz.
Uzbekistan, Tashkent city

***Abstract:** The article describes the use of information technology in teaching and application in various scientific fields.*

***Key words:** "Medical informatics", telemedicine, cybernetics, interactivity, pedagogical methods.*

Информатика, как наука тесно влилась во все сферы деятельности человека.

Её нельзя уже оценивать, как «недонауку».

Несмотря на свою молодость, она четко занимает позиции в современном мире.

Порождая все новые ответвления и методы своего использования. Основываясь на разработках мирового научного сообщества, можно выделить такие её части, как кибернетика, медицинская информатика, телемедицина. Все эти новые течения объединены в одно целое работой над предметом информатики, то есть работой с информацией. У каждого ответвления есть свои особенности, если кибернетика основана на изучении процессов управления в системах, то медицинская информатика включает в себя аспект, а именно медицины, то есть информация, которая помогает быстро находить и определять правильно поставленный диагноз по средствам электронно-вычислительных машин, а также диагностических компьютерных центров.

Первооткрывателем в использовании вычислений в медицине было Национальное бюро стандартов США, под руководством Роберта Ледли для стоматологических проектов в 1950-х годах, в это же время в Бостонской лаборатории компьютерных наук Окто Барнетта штата Массачусетс Нил Папшлардо, Кертис Марбл и Роберт Гринс разработали «Многопрограммную систему для коммунальных служб Массачусетской больницы» (MUMPS).

Переработка или преобразование информации - процесс изменения формы представления информации или её содержания.

Пример обработки информации	Входная информация	Правило преобразования	Выходная информация
Постановка диагноза болезни	Жалобы пациента и результаты анализов	Знания и опыт врача	Диагноз

Таблица №1.



Но информатика затрагивает не только эти науки, она проникает дальше, внедряясь, казалось бы туда, где её быть не может. Например, музыка. Исследования показывают, что применение информационных технологий при обучении не только музыке дает положительный результат.

В университете VUUniversity Amsterdam ,было проведено долгосрочное исследование, участвовали ученики 147 школ Голландии, после 2,5 лет результаты эксперимента были следующие. В тех классах где проводились предметы с использованием технологии музыкальной подачи предметов успеваемость намного выросла , чем в других классах.

Понятие синусоиды:



Рис. №1

Такой же эксперимент, в течение года, был проведен мною в школе №21 города Ангрена среди учащихся 9-11 классов. Группа разновозрастных детей была распределена на команды, и каждая команда не зная друг друга, но работая над одним проектом, должна была показать свой результат. Задание для всех групп было одинаковое: как можно быстрее распространить информацию о полезных диетических продуктах. По результатам исследования быстрее всех справилась группа, которая больше всех применяла информационные технологии. Расчет обхвата распространения информации в процентном соотношении составляет:




Диаграмма №1.

Такое обучение помогает осуществлять свою деятельность на расстоянии, не ограничивая себя территориальными проблемами, проводить сложнейшие операции советуясь с ведущими специалистами, получать быстро ту или иную информацию, хранить, обрабатывать, передавать.



Созданные информационные системы используются как при работе промышленности, так и в национальных библиотеках, информационных системах. Информатика дает неограниченные возможности к мировым копилкам знаний.

Foydalanilgan adabiyot ruuxati:

Семенова Н.Г., Вакулюк В.М. Применение мультимедиа в учебном процессе: Учебное пособие. Оренбург, ОГУ, 2004.

Вакулюк В.М., Семенова Н.Г. Мультимедийные технологии в учебном процессе // Высшее образование в России. 2004.

Бухарбаева Л.Я., Егорова Ю.В. Автоматизированная система поддержки принятия решений врачом при диагностике состояния пациента // Экономика здравоохранения. – 2005. – № 2.

4. Гаспарян С.А. и др. Технология разработки информационного обеспечения автоматизированных рабочих мест врачей лечебных отделений стационаров: Методические рекомендации. – М., 2000.

5. Журнал Frontiers in neuroscience;

6. Научная статья Г.В. Князева «Применение мультимедийных технологий в образовательных учреждениях».

6. Ксенакис Я. Формализованная музыка

РИЧАРД МЕТОДИ ЁРДАМИДА ХАВО УЧУН АДИАБАТА КЎРСАТКИЧЕНИ АНИҚЛАШ

¹Мамаджанов Ахроржон Ибрагимович
Физика – математика фанлари номзоди

¹Назаров Шохрух
ўқитувчи

¹Турғунов Адхам
ўқитувчи

Наманган муҳандислик - қурилиш институти

***Аннотация:** Хавони идеал газ деб ҳисоблаб, адиабатик ҳолат тенгламаси яъни Пуассон тенгламасининг келиб чиқишини таҳлил қилинди. Хаволи най ичида пўлат шарча гармоник тебранишларининг частотаси ва даври аниқланди. Пўлат шарнинг шиша най ичида гармоник тебранишларининг ҳаракат тенгламаси аниқланди. Ричард усулида аниқланган ҳаракат тенгламадан фойдаланиб хаво учун адиабата кўрсаткичи аниқланди. Олинган натижалар график кўринишда таҳлил қилинди.*

***Калит сўзлар:** Адиабатик жараён, Пуассон коэффиценти, Ричард методи.*

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИНДЕКСА АДИАБАТЫ ВОЗДУХА ПО МЕТОДУ РИЧАРДА

¹Мамаджанов Ахроржон Ибрагимович



кандидат физика–математических наук

¹Назаров Шохрух

Преподаватель

¹Тургунов Адхам

преподаватель

Наманганский инженерно-строительный институт

Аннотация: Предполагая, что воздух является идеальным газом, было проанализировано происхождение уравнения адиабаты, уравнения Пуассона. Определены частота и период гармонических колебаний стального шара внутри трубы. Получено уравнение движения гармонических колебаний стального шара внутри стеклянной трубки. Показатель адиабаты воздуха определялся по уравнению движения, определенному по методу Ричарда. Полученные результаты проанализированы графически.

Ключевые слова: Адиабатический процесс, коэффициент Пуассона, метод Ричарда.

DETERMINATION OF THE ADIABATIC INDEX OF AIR BY RICHARD'S METHOD

¹Mamadjanov Akhrorjon Ibragimovich

PhD in Physics and Mathematics

¹Nazarov Shoxrux

Teacher

¹Turgunov Adham

Teacher

Namangan engineering-construction institute

Abstract: Assuming that air is an ideal gas, the origin of the adiabatic equation, Poisson's equation, was analyzed. The frequency and period of harmonic oscillations of the steel ball inside the pipe are determined. An equation of motion of harmonic vibrations of a steel ball inside a glass tube is obtained. The adiabatic index of air was determined by the equation of motion, determined by Richard's method. The results are analyzed graphically.

Key words: Adiabatic process, Poisson's ratio, Richard's method.

Кириш

Турли газларнинг адиабата кўрсаткичини аниқлаш молекуляр физикада катта аҳамиятга эга. Чунки адиабата кўрсаткичи орқали идеал газларнинг ўзгармас босим ва ўзгармас хажмда солиштирма иссиқлик сифимини аниқлаш ҳамда текшириладиган газ кўп атомлими ёки чекли сондаги атомли газми деган саволларга жавоб олиш мумкин.

Ушбу мақолада адиабатик жараён учун Пуассон тенгламаси ва Ричард методи ёрдамида, ҳаво учун адиабата кўрсаткичи аниқланиб унинг қийматларини график кўринишда таҳлили қилинди. Мақоланинг биринчи қисмида Пуассон тенгламасининг келиб чиқиши ҳақида қисқача ёритилган. Иккинчи қисмида шу Пуассон тенгламасидан фойдаланиб Ричард методи ёрдамида ҳаво учун адиабата кўрсаткичи аниқланган.

1. Адиабатик жараён ($\delta Q = 0$).



Адиабатик жараён деб, термодинамик системалар орасида ва атроф муҳит билан ўзаро иссиқлик алмашинмай содир бўладиган жараёнга айтилади ($\delta Q = 0$).

Адиабатик жараёнларга барча тез ўтувчи яъни иссиқлик алмашинишга улгурмасдан содир бўладиган жараёнларни киритиш мумкин, масалан муҳитда товушнинг тарқалиши, ички ёнув двигателида кенгайиш ва сиқилиш цикллари, совитувчи қурилмалар ва хоказо.

Термодинамиканинг биринчи қонунидан адиабатик жараёнда

$$\delta Q = \delta A + dU \Rightarrow \delta A = -dU \quad (1)$$

эканлиги келиб чиқади. Термодинамикада газнинг кенгайишида бажарилган иш ва ички энергияси қуйидаги ифодалар билан тавсифланади [1]

$$\delta A = p dV \quad \text{ва} \quad dU = \frac{m}{\mu} C_v dT \quad (2)$$

(1) ва (2) – муносабатлардан фойдаланиб,

$$p dV = -\frac{m}{\mu} C_v dT \quad (3)$$

эканлигини аниқлаймиз. Бошқа тарафдан адиабатик жараёнда ҳажм ҳам босим ҳам ўзгаришини инобатга олиб идеал газ учун ҳолат тенгламасини иккала томонини дифференциаллаб қуйидагиларни аниқлаймиз

$$pV = \frac{m}{\mu} RT \Rightarrow p dV + V dp = \frac{m}{\mu} R dT \quad (4)$$

(3) – ифодани иккала томонини (4) – ифоданинг иккала томонига бўлиб қуйидагиларни оламиз:

$$\frac{p dV + V dp}{p dV} = -\frac{R}{C_v} = \frac{C_p - C_v}{C_v} \quad \text{ёки} \quad \frac{dp}{p} = -\gamma \frac{dV}{V} \quad (5)$$

бу ерда $\gamma = \frac{C_p}{C_v}$

Пуассон коэффициенти деб аталади. (5) – тенгламанинг интеграли

$$\ln V^\gamma + \ln p = \ln const \quad (6)$$

ни беради, бу ердан адиабатик жараён учун ҳолат тенгламаси, Пуассон тенгламаси эканлиги келиб чиқади [2].

$$pV^\gamma = const \quad (7)$$

Меңделеев – Клапейрон тенгламасидан




$$pV = \frac{m}{\mu} RT \quad (8)$$

фойдаланиб қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин:

$$TV^{\gamma-1} = const \quad \text{ёки} \quad T^{\gamma}V^{1-\gamma} = const \quad (9)$$

(p, V) координаталарда адиабатик жараён диаграммаси – **адиабата**, гиперболаси билан тасвирланади. Адиабата $pV^{\gamma} = const$,

изотермага $pV = const$ нисбатан тикроқ. Буни, адиабатик 1-3 сиқилишда газ босимнинг ортиши, нафақат унинг ҳажмининг қисқариши, балки температуранинг ортишини ҳам юзага келиши билан тушунтирилади.



2.Ричард методи ёрдамида хаво учун адиабата кўрсаткичини аниқлаш

Расмга биноан, агар хаво қамалган баллондаги босим p атмосфера босими p_0 билан пўлат шарча оғирлиги юзага келтираётган босим йиғиндисига тенг бўлса, шиша трубкадаги шарча мувозанат ҳолатида бўлади:

$$p = p_0 + \frac{mg}{A} \quad (10)$$

Бу ерда m - пўлат шарча массаси, g - эркин тезланиши, A - шиша трубканинг қўндаланг юзаси.


Шарча мувозанат ҳолатидан x - масофага силжиса, унда босим dp га ўзгаради. Шу сабабдан $F = Adp$ куч пўлат шарни ҳаракатлантиради ва унга Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан тезланиш беради:

$$Adp = m \cdot \frac{d^2x}{dt^2} \quad (11)$$

Бундай жараён тез амалга ошгани учун, уни адиабатик деб ҳисоблаш мумкин. (8) – тенгламани иккала томонини дифференциаллаб қуйидаги тенгламани аниқлаш мумкин:

$$V^{\gamma} dp + p \cdot \gamma \cdot V^{\gamma-1} dV = 0 \quad (12)$$

ёки



тушиш
кесим

амалда



$$dp = -\frac{\gamma \cdot p}{V} dV \quad (13)$$

Пўлат шар шиша найнинг ичида x масофага силжийди деб фараз қилинди, бу эса хажмнинг қуйидагича ўзгаришига олиб келади:

$$dV = A \cdot x \quad (14)$$

dV ва dp учун олинган (10) ва (14) ифодаларни (13) ифодага қўйиб, шарча ҳаракат тенгламасининг қуйидаги кўринишига эга бўламиз:

$$\frac{d^2x}{dt^2} + \frac{\gamma \cdot p \cdot A^2}{m \cdot V} = 0 \quad (15)$$

(15) ифодани гармоник осциллятор тенгламаси билан [3] солиштириб циклик частота учун қуйидаги ифодани оламиз:

$$\omega = \sqrt{\frac{\gamma \cdot p \cdot A^2}{m \cdot V}} \quad (16)$$

Бу ифодадан пўлат шар гармоник тебранишининг даврини аниқлаш мумкин

$$T = \frac{2\pi}{\omega} = 2\pi \sqrt{\frac{m \cdot V}{\gamma \cdot p \cdot A^2}} \quad (17)$$

Юқоридаги тенгламадан хавонинг адиабата кўрсаткичи учун қуйидаги тенгламани олиш мумкин [4]

$$\gamma = \frac{4\pi^2 m \cdot V}{p \cdot T^2 \cdot A^2} \quad (18)$$

(18) – тенгламадаги барча катталикларни тажрибада ўлчаб, улар асосида хаво учун адиабата кўрсаткичини ўлчаш мумкин. Қуйида 1-3 жадвалларда тажриба натижалари келтирилган.

1-жадвал

№	Хажм (V)	Тебраниш вақти (t)	Тебраниш сони (n)	Тебраниш даври (T)	Адиабата кўрсаткичи (γ)	Ўргача тебраниш даври (ΔT)	Ўргача адиабата кўрсаткичи (Δγ)	хатолик
1	2.5	4.11	8	0,51	1,56	0.55	1.37	2%
2	2.5	4.45	8	0,56	1,3			
3	2.5	4.17	8	0,52	1,5			
4	2.5	4.83	8	0,60	1,13			




2-жадвал



№	Хажм (V)	Тебраниш вақти (t)	Тебраниш сони (n)	Тебраниш даври (T)	Адиабата кўрсаткичи (k)	Ўртача тебраниш	Ўртача адиабата кўрсаткичи	хатолик
1	3	4.38	8	0,55	1,60	0.60	1.36	3%
2	3	5.65	9	0,62	1,28			
3	3	5.60	9	0,62	1,28			
	3	5.55	9	0,61	1,32			

3-жадвал

№	Хажм (V)	Тебраниш вақти (t)	Тебраниш сони (n)	Тебраниш даври (T)	Адиабата кўрсаткичи (k)	Ўртача тебраниш	Ўртача адиабата кўрсаткичи	хатолик
1	3.5	6.00	9	0,66	1,30	0.65	1.42	2,5%
2	3.5	4.60	7	0,65	1,35			
3	3.5	4.50	7	0,64	1,39			
4	3.5	4.45	7	0,63	1,42			



Хулоса

Ушбу мақолада идеал газ адиабатик ҳолат тенгламаси яъни Пуассон тенгламаси ёрдамида, Ричард усули билан ҳаво учун адиабатик кўрсаткичи аниқланди. Шунингдек турли ҳажмлар учун аниқланган адиабата кўрсаткичларини графиг усулда таҳлил қилинди. Таҳлилий графиглардан кўришиб турибдики Ричард усулида олинган натижаларда хатоликлар кам бўлиши билан ажралиб туради. Бундай хатоликлар



шарчанинг най ичида гармоник тебранишида шиша най билан ишқаланиш туфайли юзага келади деб хисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Н. Огурцов. Лекции по физике. Харьков: ФТИНТ им. Б.И. Веркина НАН, 2004.
2. R. A.Serway. J.W.Jewett. Physics for scientists and engineers. Thomson Brooks. 2004.
3. С.Э.Фриш. А.В.Тиморева. Курс общей физики. Москва. 1995.
4. A.I.Mamadjanov. A.R.Turgunov. Life time Kerr-NUT black hole. Scientific Bulletin of Namangan State University. 2019.



02.00.00

**КИМЁ ФАНЛАРИ
ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
CHEMICAL SCIENCES**

**O'ZBEKISTONDA O'SADIGAN PHLOMOIDES INTEGRIOR O'SIMLIKINING
EFIR MOYI TARKIBI**

Хайдарова Дилрабо Рахимжоновна

Докторант, Наманган Давлат университети, Ўзбекистон, Наманган ш.

E-mail: dilrabo_khaydarova@mail.ru

Сиддиқов Ғ'опуржон Усмонович

Кимйо фанлари бойича фалсафа доктори, вб.досент Наманган Давлат университети, Ўзбекистон, Наманган ш. E-mail: ximiya@list.ru

Абдуллаев Шавкат Воҳидович

Кимйо фанлар доктори, профессор, Наманган Давлат университети, Ўзбекистон, Наманган ш. E-mail: abdullaev_sh_v@mail.ru

Аннотасија: Бу мақола биринчи бо'либ, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгиқо'рг'он туманида тарқалган *Phlomoides integrior* о'симлигининг вегетатив органи эфир moyining кимйовий таркибини о'рганашга бағ'ишланган. О'симликнинг эфир moyлари гидроdistillash орқали ажратилган, уларнинг кимйовий таркиби хроматомасс-спектрометрија yordamida о'rganilgan. Ма'lumotlarga ko'ra, *Phlomoides integrior* gullagan davridagi yer ustki qismini uchuvchan komponentlari β -Myrcene (2.4%), 1,8-Cineol (3,9%), D limonene (9,2%), va D Carvanon (68.8%) major moddalar sifatida uchrashi aniqlandi.

Калит so'zlar: *Phlomoides integrior*, distillash, limonene, xromatomass-спектрометрија, carvanon.

**ВЫРАЩИВАНИЕ РАСТЕНИЙ PHLOMOIDES INTEGRIOR В УЗБЕКИСТАНЕ
СОДЕРЖАНИЕ ЭФИРНОГО МАСЛА**

Хайдарова Дилрабо Рахимжоновна

Докторант Наманганского государственного университета, Узбекистан, г.

Наманган: E-mail: dilrabo_khaydarova@mail.ru

Сиддиқов Ғопурджон Усмонович

Доктор философских наук по химии, и.о. доцента Наманганский государственный университет, Узбекистан,

Наманган: E-mail: ximiya@list.ru

Абдуллаев Шавкат Воҳидович

Доктор химических наук, профессор, Наманганский государственный университет, Узбекистан, Наманган: E-mail: abdullaev_sh_v@mail.ru

Аннотация: В данной статье впервые исследуется химический состав эфирных масел вегетативных органов растения *Phlomoides integrior*, распространенного в Янгикурганском районе Наманганской области Республики Узбекистан. Эфирные масла растения разделяют методом гидродистилляции, химический состав которой изучается с помощью хромато-масс-спектрометрии. Согласно полученным данным, летучими компонентами поверхности



Phlomooides integior в период полного цветения были β -мирцен (2,4%), 1,8-цинеол (3,9%), D-лимонен (9,2%) и D-сарванон (68,8).%.) были определены как основные вещества.

Ключевые слова: *Phlomooides integior*, дистилляция, лимонен, хроматомасс-спектрометрия, карванон.

PHLOMOIDES INTEGIOR PLANT GROWING IN UZBEKISTAN ESSENTIAL OIL CONTENT

Khaydarova Dilrabo Rakhimjonovna

Doctoral student, Namangan State University, Uzbekistan, Namangan:

E-mail: dilrabo_khaydarova@mail.ru

Siddikov Gopurjon Usmonovich

Doctor of Philosophy in Chemistry, Acting Associate Professor Namangan State University, Uzbekistan, Namangan: E-mail: ximiya@list.ru

Abdullaev Shavkat Voxidovich

Doctor of Chemical Sciences, Professor, Namangan State University, Uzbekistan, Namangan: E-mail: abdullaev_sh_v@mail.ru

Abstrakt: *This article is the first to study the chemical composition of essential oils of the vegetative organs of the plant *Phlomooides integior*, distributed in Yangikurgan district of Namangan region of the Republic of Uzbekistan. The essential oils of the plant were separated by hydrodistillation, the chemical composition of which was studied by gas chromatography-mass spectrometry. According to the data, the volatile components of the surface of *Phlomooides* during the integral flowering period were β -Myrcene (2.4%), 1.8-Cineol (3.9%), D limonene (9.2%), and D Sarvanon (68.8). %) were identified as major substances.*

Key words: *Phlomooides integior*, distillation, limonene, gas chromatography-mass spectrometry, carvanon.

Kirish

Phlomooides turkum o'simligi O'zbekistonda 43 ta bo'lib, Namangan viloyatida 8 tur o'sadi [1-2]. O'simliklarni xalq tabobatida damlama, qaynatma sifatida ishlatiladi. [3].

Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumanida o'suvchi Ph. *integior* kimyoviy tarkibi o'rganilmagan.

Yuqorida aytilganlarga asosanib, bu ishning maqsadi *Phlomooides integior* o'simlikning gullagan vaqtda terilgan yer ustki qismidan efir moyi tarkibini o'rganish.

Materiallar va uslublar. Biz *Phlomooides integior* o'simligining efir moylari o'rganish uchun may oyida yer ustki qismidan terib, gidrodistilyatsiya usuli qo'llanildi.

Efir moyini ajratib olish usuli *Phlomooides integior* o'simligining yer ustki qismi (200 g) Clevenger apparati yordamida 2 soat davomida gidrodistillyatsiya qilindi. Olingan distillyatdan efir moyini ajratib olish uchun dixlormetan bilan ekstraksiya qilindi va suvsiz natriy sulfat yordamida quritildi. Olingan efir moyi shisha idishda -4°C darajada qorong'i joyda tajribaga qadar saqlandi. *Phlomooides integior* efir moyi tarkibi Agilent 5977A mass-selektiv detektorli (Agilent Technologies) VF-Wax CP 9205 kolonkada (100% polietilenglikol, 30 m × 0,25 mm, plenka qalinligi 0,25 mkm, Agilent Technologies, Niderlandiya) Agilent 7890B xromato-



mass-spektrometrik dan foydalanilgan holda tahlil qilindi. Olingan natijalar xromato-mass-spektrometrik ma'lumotlar kutubxonasi, Wiley Registry of Mass Spectral Data (9-chi nashr), NIST Mass Spectral Library (2011) ma'lumotlar ba'zasi hamda kataloglardan foydalangan holda identifikatsiya qilindi [4-7].

Natijalar va uni muhokama qilish

Phlomoides integior o'simligini gulagan vaqtda terilgan yer ustki qismidan ajratilgan efir moyining mass-spektrlari olingan va xromato-mass-spektrometri yordamida tahlil qilingan. Efir moylarining xromato-mass-spektrometrik natijalarini tahlil qilish 1 - jadvalda ko'rsatilgan.

Phlomoides integior o'simlik efir moyining kimyoviy tarkibi


1 - jadval.

T/r	Nomi	RI	Tarkibi %
	β -Myrcene	1154	2,4
	α -Terpinene	1168	0,5
	D-Limonene	1193	9,2
	1,8-Cineole	1204	3,9
	β -cis-Ocimene	1226	0,1
	γ -Terpinene	1233	0,8
	α -Ocimene	1239	<0,1
	m-Cymene	1260	0,1
	α -Terpinolene	1273	0,2
	Isopentylisovalerate	1289	<0,1
	p-Cymenene	1422	<0,1
	1,3,8-p-Menthatriene	1427	<0,1
	Furfural	1450	<0,1
	Dihydroedulan	1493	0,2
	α -Copaene	1500	0,1
	β -Bourbonene	1524	0,6
	trans-Dihydrocarvone	1595	5,7
	Caryophyllene	1599	0,4
	cis-Dihydrocarvone	1609	0,3
	Pinocarveol	1646	0,1
	γ -Muurolene	1680	0,1
	α -Terpineol	1699	0,2
	Dihydrocarvyl acetate	1707	0,4
	Germacrene D	1712	0,1
	D-Carvone	1740	68,8
	Neodihydrocarveol	1752	2
	δ -Cadinene	1762	0,4
	Carveolacetate	1770	0,3
	Calamenene	1828	0,1
	trans-Carveol	1832	1,0
	cis-Carveol	1860	0,2
	Phenylethyl Alcohol	1892	0,1
	cis-Jasmone	1928	0,1
	Spathulenol	2112	0,1
	Eugenol	2153	<0,1
	tau-Cadinol	2173	<0,1
	Carvacrol	2209	<0,1
	Hexadecanoic acid	2902	0,1
	Bcero:		97,1



Phlomis integror o'simlik efir moyining kimyoviy tarkibi

1-grafik.



Tahlillarga ko'ra, efir moyi o'simlikning asosiy komponenti jadval va grafiklardan ko'rinib turibdiki, β-Myrcene (2.4%), 1,8-Cineol (3.9%), D limonene (9.2%), va D Carvanon (68.8%) larni tashkil qilar ekan.

Karvonon har xil toifadagi oziq -ovqat mahsulotlarini xushbo'ylashtiruvchi modda sifatida ishlatiladi. Bundan tashqari, karvon o'z ichiga olgan ovqatlar tabiiy tarkibiy qismlar, xushbo'y hidli ingredientlar sifatida ishlatiladi; masalan, zira urug'lari nonni (masalan, javdar nonini), pishloqni, tuzlangan karamni, konfetlarni, go'shtni lazziqlash foydalanadi. Shu jumladan kosmetika va shaxsiy parvarish mahsulotlari, masalan, tish pastasi tarkibida ham uchraydi.

Xulosa. Shunday qilib, o'tkazilgan tadqiqotlar davomida *Phlomis integror* o'simlikining gullagan yer ustki qismidan efir moylari ajratib olindi Carvanon miqdori ko'p bo'lgani uchun efir moyini oziq-ovqat sanoatida qo'llash mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Флора Узбекистана. – Ташкент, 1962.–Т. VI.–С. 78–81.
2. Определитель растений Средней Азии.–Ташкент, 1993.–Т. X. – С. 464–467.
3. Круглая А.А. Фармакогностическое изучение зопника колючего и зопника клубненоносного, произрастающих на Северном Кавказе: автореф. Дис.... канд. Фарм.наук.-Пятигорск, 2008. 23 с.
4. Шушеначева А.Б., Шергина О.С. Особенности компонентного состава эфирного масла хмеля обыкновенного и зопника клубненоносного// Молодежь и наука: сборник материалов 6 Всероссийской научно-технической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых-2011 [электронный ресурс].-Красноярск: Сибирский федеральный ун-т.- URL:<http://conf.sfu-kras.ru/sites/mn2010/section16.html>.



5. Круглая А.А. Макро- и микроэлементный состав травы зопника колючего и зопника клубненосного, произрастающих на Северном Кавказе // Вестник ВГУ. Сер.: Химия, биология, фармация.-2006. 294-196.
6. Круглая А.А. Накопление фенольных соединений в зопнике клубненосном, произрастающем на Северном Кавказе // Разработка, исследование и маркетинг новой фармацевтической продукции: сб.науч. тр. – Пятигорск, 2006. Вып.61.-С.30-31.
7. Э.Э. Эчишили, Н.В. Портиягина, В.В. Пунегов, К.С. Зайнуллина
Биоморфологическая и биохимическая характеристика растений *Phlomis Tuberosa* (Lamiaceae) в культуре в средней подзоне тайги республики коми Известия Самарского научного центра Российской академии наук, том 19, No 2 (3), 2017. 582-586.

ТАРКИБИДА ФОСФОР, АЗОТ ВА МЕТАЛЛ САҚЛОВЧИ Д-60 МАРКАЛИ ОЛИГОМЕРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

¹Набиев Дилмурод Абдуалиевич, ²Тураев Хайит Худайназарович,

³Джалилов Абдулахат Турапович

¹Термиз давлат университети, докторант;

²Термиз давлат университети, к.ф.д., проф. декан;

³Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти, директор
к.ф.д., проф., ЎЗРФА академиги,

Тел: 90 248-50-50 E-mail: dilmurod.nabiyev.89@bk.ru

Аннотация: Ушбу мақолада таркибида фосфор, азот ва металл сақловчи олигомернинг физик-кимёвий хоссалари, ИК-спектроскопияси ва сканерловчи электрон микроскоп таҳлиллари ўрганилган. Олинган бирикмани амалиётда ёғоч материаллар учун оловбардош қоплама ҳамда полимер моддалар учун тўлдирувчи ва қўшимча сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланди.

Калит сўзлар: фосфор, азот, металл сақловчи, олигомер, физик-кимёвий хоссалар, ИК-спектроскопия, сканерловчи электрон микроскоп, полимер, антипирен, қўшимча, тўлдирувчи.

ИССЛЕДОВАНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ФОСФОР, АЗОТ И МЕТАЛЛОСОДЕРЖАЩЕГО ОРГАНИЧЕСКОГО ОЛИГОМЕРА МАРКИ D-60

¹Набиев Дилмурод Абдуалиевич, ²Тураев Хаит Худайназарович,

³Джалилов Абдулахат Турапович

¹Термизский государственный университет, докторант;

²Термский государственный университет, док.хим.наук., проф. декан;

³Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии, директор,
док.хим.наук., проф., акад. АН РУз,

Тел: 90 248-50-50 E-mail: dilmurod.nabiyev.89@bk.ru

Аннотация. В данной статье рассматриваются физико-химические свойства, ИК-спектроскопия, СЭМ анализ фосфор, азот и металлосодержащих олигомеров. Было обнаружено, что полученные соединения могут быть использованы на практике как огнеупорное покрытие для древесных материалов, а также как наполнитель и добавка для полимерных веществ.



Ключевые слова: фосфор, азот, металлосодержащий, олигомер, физико-химические свойства, ИК-спектроскопия, сканирующий электронный микроскоп, полимер, антипирен, добавка, наполнитель.

RESEARCH OF PHYSICAL AND CHEMICAL PROPERTIES OF PHOSPHORUS, NITROGEN AND METAL-CONTAINING ORGANIC OLIGOMER D-60

¹Nabiev Dilmurod Abdualievich, ²Turaev Hayit Khudaynazarovich,

³Djalilov Abdulakhat Turapovich

¹Termiz State University, doctoral student;

²Termiz State University, doctoral student, prof. dean;

³Tashkent Scientific Research Institute of Chemical Technology, Director Professor, Academician of the Uzbekistan Academy of Sciences.

Тел: 90 248-50-50 E-mail: dilmurod.nabiyev.89@bk.ru

Annotation. This article discusses physical and chemical properties, IR spectroscopy, SEM analysis of phosphorus, nitrogen and metal-containing oligomers. It was found that the obtained compounds can be used in practice as a refractory coating for wood materials, as well as a filler and additive for polymeric substances.

Key words: phosphorus, nitrogen, metal-containing, oligomer, physicochemical properties, IR spectroscopy, scanning electron microscope, polymer, fire retardant, additive, filler.

Кириш. Ҳозирги кундалик ҳаётда энг кўп ишлатиладиган материаллар ичида полимерлар ва ёғоч материаллари ўзига хос ўринга эга. Ёғоч - асосий қурилиш материали ҳисобланади, унинг асосий камчилиги ёнғин ҳавфининг юқори эканлигидир. Ҳозирда ёниш жараёнининг интенсивлигини пасайтириш учун бир нечта усуллардан фойдаланилади: ёнишга қарши қопламаларни қўллаш; полимерларнинг структурасини модификациялаш; ёнмайдиган ва ёнишни секинлаштирувчи қўшимчалар қўшиш [1]. Ёнғинга бардошли қўшимчаларни қўллаш билан биргаликда уларнинг экологияга, инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳам анча долзарбдир. Экологик жиҳатдан қўшимчалар ёғоч хизмат муддати тугагач, ёнғандан сўнг ёки чириш жараёнида атроф-муҳитга захарли ва зарарли моддалар чиқармаслиги лозим [2].

Турли полимер моддалар ёнғанда атроф-муҳитга турли захарли моддалар ажралиб чиқади. Шунинг учун ҳам уларнинг ёнғинга бардошлилигини оширадиган бирикмаларни қўллаш долзарбдир. Техникада ҳам бундай бирикмалар кенг қўлланилади [3-4]. Олигомер ва полимер шаклидаги антипиренларни олишда асосан кимёвий таркиби барқарор ва металл сақлаган структуралар кенг ишлатилади. Бунда полимерлар ва ёғоч материаллари таркибига киритилиши натижасида уларнинг аланганлиниш даражаси камайтиради [5-7]. Ундан ташқари полиэтиленга турли тўлдирувчилар ва қўшимчалар қўшилиши унинг физик-механик ҳоссларига кучли таъсир қилади. Бундай усулда амалда кенг фойдаланилади. Нисбатан термик барқарор бирикмалардан тўлдирувчилар сифатида фойдаланиш полимернинг ишлаш ҳароратининг ортишига олиб келади [8].

Тажрибавий қисм. Совутгич, аралштиргич ва термометр билан жиҳозланган 250 мл сизимли колбада 49 гр фосфат кислота ва 2,217 гр рух (II) оксид аралашмасига 60 гр



карбамид қўшилиб 145 °С да қиздирилади. Қиздириш аммиак гази ажралиши жараёни тугагунча давом эттирилади. Бунда оқ рангли олигомер маҳсулот олинган. Реакция унуми 91,5%. Жараёни бошланғич моддаларнинг 1:2:0,02; 2:1:0,02 ва 1:1:0,02 моль нисбатларида ҳам олиб борилиб, олинган бирикмаларнинг хусусиятлари ўрганилган. Тажрибанинг оптимал шароитларини аниқлаш учун реакция 80°С, 100°С, 110°С ва 145°С ҳароратларда ҳам олиб борилди.

Натижалар таҳлили. Таркибида фосфор, азот ва металл сақлаган олигомерларни синтез қилиш жараёнига бошланғич моддаларнинг моль нисбати ҳарорат каби параметрларга боғлиқ. Маҳсулот синтез қилиш жараёнининг оптимал шароитлари ўрганилди. Олинган асосий маҳсулот 94,8% қўшимчалар 5,2%. Оқ рангли кукунсимон учмайдиган сувда эрийдиган бир жинсли модда. Тажрибалар натижасида бошланғич моддалар моль нисбатлари 1:2:0,02 бўлганида маҳсулот унуми энг юқори кўрсаткичга эга бўлади. Оптимал тажриба вақти 90 мин. ҳарорат 140-145 °С.


1-жадвалдан кўриниб турибдики олинаётган олигомернинг молекуляр массаси фосфат кислота ва карбамиднинг мол нисбатига бевосита боғлиқ. Олигомернинг энг юқори молекуляр массаси 1:2:0,02 моль нисбатда кузатилиб, 0,5 % ли сувли эритманинг қовушқоқлиги 114 мПа·с гача ортиши билан аниқланган.

Маҳсулот таркибининг бошланғич моддаларнинг мол нисбатига боғлиқлиги. (T = 443 К, τ = 2 с)

1-жадвал

Нисбат ФК:К:ZnO, моль	Чиқиш, %	<i>η, 0,5% - сувли эритмада, мПа·с</i>	Элемент анализ					
			Азот		Фосфор		Рух	
			Ҳисобланган	Топилган	Ҳисобланган	Топилган	Ҳисобланган	Топилган
1:2:0,02	91,5	114	20,7	21,2	17,4	18,6	1,85	1,9
2:1:0,02	88,6	97	16,4	16,1	31,3	32,9	1,54	1,62
1:1:0,02	85,3	108,6	23,8	22,9	26,2	25,7	2,1	1,97


Тадқиқотлар натижасида фосфор, азот ва металл тутган Д-60 маркали олигомерга асосланган ёнғин бардош қоғлама ҳамда полимер моддаларга тўлдирувчи ва қўшимча сифатида қўлласа уларнинг хусусиятлари яхшиланади. Синтез қилинган олигомернинг физик-кимёвий хоссалари, ИҚ-спектр таҳлили ва сканерловчи электрон микроскоп таҳлиллари ўрганилди.




1-расм. Д-60 маркали органик олигомернинг ИҚ-спектри.

Key words: : *Vinca minor var. typica*, polycarp, phenorhythm.

КИРИШ

Кичик бўригул (*Vinca minor*) – келиб чиқиш Ватани Ўртаер денгизи, Кичик Осиё деб таҳмин қилинади [Семенова-Тяньшанская, 1962; 399-409-б.]. Кичик бўригул (*Vinca minor* L.) Европа, Кичик Осиё минтақаларида ёввойи ҳолатда ўсади, Буюк Британия, Шимолий Африка, Жанубий Америка, Австралия, Янги Зеландия, МДХ, Европа минтақасида маданийлаштирилган, кўкаламзорлаштириш мақсадларида фойдаланилди [Молчан ва Юрин, 2016; 162-169-б.]¹. *Vinca* L. туркуми турлари Шимолий яримшарда, Европа, Шимолий-Ғарбий Африка, Ғарбий ва Марказий Осиё (Ўрта ер денгизи) минтақаларида тарқалган ~5-7 (12) та турни ўз ичига олади. Жумладан, Европа минтақасида таксономик

¹ Барвинок малый // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1275426> дата обращения: 18.07.2021 г.



нуқтаи назардан *Pervinca* DC. секциясига мансуб бўлган ёввойи 5 та тури, МДХ миқёсида 4 та тури аниқланган [Победимова, 1952; 802-б.; Stearn, 1972; 55-370-б.].

Тадқиқотнинг мақсади – Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида кичик бўригул (*Vinca minor* var. *typica* C.K.Schneid.) ўсимлик турининг фенологияси, ривожланиш фазалари давомийлиги ва айрим био/экологик хусусиятларини тадқиқ қилишдан ташкил топган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСУЛЛАРИ

Тадқиқотларда **объект** сифатида – Самарқанд давлат университетининг Ботаника боғи (Самарқанд ш., Олийгоҳ кўчаси, 15-уй) ҳудудига экилган кичик бўригул (*Vinca minor* var. *typica* C.K.Schneid.) ўсимлик тури танлаб олинди. Тадқиқотларда вегетация даври давомида фенологик кузатишлар умумий қабул қилинган стандарт услуб ёрдамида амалга оширилди [Beideman, 1974; 25-126-б.; Зайцев, 1981; 15-120-б.; Фомина, 2008; 151-153-б.].

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида кичик бўригул *Vinca minor* var. *typica* C.K.Schneid. ўсимлик турининг фенологияси. *Vinca minor* var. *typica* C.K.Schneid. Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида тик турувчи ($l \sim 18,2-26,5$ см) ва судралиб ўсувчи пояси ($l \sim 43,6-54,8$ см) ер юзасида зич қоплам ҳосил қилади, «доимий яшил» барглари (баргларнинг тўлиқ ривожланиши 5-11.II–19-24.II даврда кузатилади) силлиқ, эллипс шаклида, кўк-ҳаворанг гуллари ($\varnothing \sim 2,6-5,3$ см) тик ўсувчи поясида барг қўлтигида жойлашади, гуллаш фазаси 10-14.III дан бошлаб, 2-10.VI гача давом этиши, уруғларининг пишиб-етилиши фазаси эса 12-16.VI–25-30.VI диапазонни ташкил этиши аниқланди (1-расм; 1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида *Vinca minor* var. *typica* C.K.Schneid. ўсимлик турининг ривожланиш фазалари

Т/р	Ривожланиш фазалари	Давомийлик даври	
		Бошланиш даври	Яқунланиш даври
1.	Барг чиқариш	5-11.II	19-24.II (тўлиқ шаклланиши)
2.	Гуллаш	10-14.III	2-10.VI
3.	Уруғларининг пишиб-етилиши	12-16.VI	25-30.VI



1-расм. Кичик бўригул (*Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд.). А. Ўсимликнинг тик турувчи ва судралиб ўсувчи пояси қолами. В. Ўсимлик гулининг ташқи кўриниши (24.IV.2020 йил; Самарқанд шаҳри).

Мазкур фенологик кузатиш натижалари мавжуд адабиёт маълумотларига мос келади [Koelsch, 1992; 3-55-б.]. Ҳозирда *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. (*Аросунасеае*) ўсимлик тури (тахминан ~1 000 йил олдин маданийлаштирилган) Шарқий Осиё, Европа, Кавказолди, МДХ, Ўрта Ер денгизи минтақаларида манзарали ўсимлик тури сифатида кенг миқёсда интродукцияланган бўлиб, *Vinca* L. турлари ва навларида барг, гул ранги ўзаро фарқланиб, *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. турида қарама-қарши жойлашган барглар тўқ-яшил рангда, гуллари кўк-настарин рангида бўлиши қайд қилинган [Koelsch, 1992; 3-55-б.]^{2,3,4}.

Vinca minor var. *typica* С.К.Снейд. одатда, турли хил тупроқ/иқлим ($pH \sim 5-6,5$) шароитларида оптимал даражада ўсиб-ривожланиши таъкидланади [Koelsch, 1992; 3-55-б.]^{5,6,7}.

Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. ўсимлик тури кенг спектрдаги (жумладан, қурғоқчил, соя, сув таъминоти кам) иқлим шароитларида оптимал ўсиб-ривожланиши кузатилади.

«Доимий яшил» ўсимлик турларида вегетация даврини фенологик фазаларга ажратишда гуллаш даври давомийлиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [Фомина, 2012; 43-51-б.]. *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. ўсимлик тури нисбатан гуллаш давомийлиги нисбатан қисқалиги билан тавсифланади [Фомина, 2012; 43-51-б.]. Жумладан, Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида мазкур турнинг гуллаш даври давомийлиги 10-14.III–2-10.VI диапазон оралиғини ташкил қилиши аниқланди. Ўсимликнинг эрта баҳорда барг

² Известные и малоизвестные виды и сорта барвинка // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://glav-dacha.ru/vidy-i-sorta-barvinka/> Дата обращения: 17.05.2020 г.

³ Барвинок // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://flo.discus-club.ru/barvinok.html> Дата обращения: 17.05.2020 г.


⁴ Барвинок, или Любовь до гроба // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://7dach.ru/Vestnik-Cvetovoda/barvinok-ili-lyubov-do-groba-177196.html> Дата обращения: 17.05.2020 г.

⁵ Известные и малоизвестные виды и сорта барвинка // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://glav-dacha.ru/vidy-i-sorta-barvinka/> Дата обращения: 17.05.2020 г.

⁶ Барвинок // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://flo.discus-club.ru/barvinok.html> Дата обращения: 17.05.2020 г.

⁷ Барвинок, или Любовь до гроба // [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://7dach.ru/Vestnik-Cvetovoda/barvinok-ili-lyubov-do-groba-177196.html> Дата обращения: 17.05.2020 г.

чиқариши ва баргларнинг тўлиқ шаклланиши даври 5-11. II–19-24. II оралиқда кузатилиб, «доимий яшил» барглари ноябрь-декабрь ойларида ҳам кузатилиши қайд қилинди (2-расм).



2-расм. Кичик бўригул (*Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд.). А. Ўсимликнинг «доимий яшил» қолами. Б. Ўсимликнинг мева ҳосил қилган баргли новдаси. Ўсимликнинг гулининг (В), қўзқча мевасининг (Г) ташқи морфо/анатомик тузилиши (27.V.2020 йил; Самарқанд шаҳри). Турли хил тупроқ/иқлим шароитларида интродукцияланган шароитда *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. ўсимлик тури мева ҳосил қилиш интенсивлиги бўйича ўртача даражадаги кўрсаткичларга эгаллиги билан тавсифланади [Фомина, 2012; 43-51-б.].

«Доимий яшиллик» (қишда барглари тўқилмаслиги) – иқлим омиллари, экологик шароит ва ўсимлик турининг онтогенетик тавсифларига боғлиқ муҳим факультатив биоморфологик белги ҳисобланади [Шулькина, 1975; 109-117-б.; Горышина, 1975; 20-127-б.; Фомина, 2012; 43-51-б.]. Айниқса, мазкур фенологик тавсиф шаҳар шароитида манзарали ўсимликлар турларини танлашда муҳим аҳамиятга эга [Фомина, 2012; 43-51-б.].

Шундай қилиб, *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. ўсимлик тури Самарқанд шаҳри тупроқ/иқлим шароитида йил давомида (баҳор-куз-қиш) фаол вегетация даврига эгаллиги қайд қилинди.

Тадқиқотларда *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. ўсимлик тури ярим бутасимон, «доимий яшил», поликарп ўсимликлар гуруҳига киритилади [Фомина, 2012; 43-51-б.]. Борисова И.В. [Борисова, 1965; 64-99-б.] ва Карпионовна Р.А. [Карпионовна, 1985; 10-205-б.] томонидан ишлаб чиқилган классификация бўйича *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. ўсимлик турини вегетация даври узоқ давомийликка эга бўлган ритмологик гуруҳ, феноритм бўйича эса баҳорги-ёзги-кузги-қишки яшил («доимий яшил») ўсимликлар гуруҳига киритиш мумкин. «Доимий яшил» ўсимлик турларида ассимиляция ашарати қиш фаслида ҳам фаол ҳолатда бўлиши ва эрта баҳорда қисқа муддатларда фотосинтез жадаллиги максимал юқори кўрсаткичга эришиши қайд қилинади [Ворошилов, 1960; 15-136-б.; Голубев, 1965; 25-287-б.].

Хулоса

Шундай қилиб, *Vinca minor* var. *typica* С.К.Снейд. МДХ миқёсида шаҳар муҳитини кўкламзорлаштириш, экологик муҳитни оптималлаштиришда истиқболли ўсимлик



турларидан бири сифатида қайд қилинади [Мурох ва Стекольтков, 1986; 166-168-б.; Федосеева ва бошқ., 2011; 94-108-б.]. Жумладан, Самарқанд шаҳри тупрок/иқлим шароитида *Vinca minor var. typica* С.К.Сcheid. ўсимлик тури ўзига хос фенологик тавсифга эга манзарали тур ҳисобланиши қайд қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Beideman I.N. Methods of study of plant und plant communities phenology // Novosibirsk. – «Nauka», 1974. – P.25-156.
2. Зайцев Г.Н. Фенология древесных растений // Москва. – Изд-во «Наука», 1981. – С.15-120.
3. Фомина Т.И. Основные закономерности интродукции декоративных видов природной флоры в лесостепи Западной Сибири Материалы VIII Междунар. науч.-метод. конф. «Интродукция нетрадиционных и редких растений». – Мичуринск, 2008. – Т.2. – С.151-153.
4. Семенова-Тяньшанская А.М. Изменение ритмики развития степных и луговых сообществ в зависимости от разных режимов их использования // Проблемы ботаники. – 1962. – Т.6. – С.399-409.
5. Молчан О.В., Юрин В.М. Влияние фитогормонов на каллусогенез и ростовые характеристики культур *in vitro* *Vinca major* L. // Труды БГУ. – 2016. – Т.11. – Ч.1. Физиология растений. – С.162-169.
6. Победимова Е.Г. Флора СССР. // Москва. – 1952. – С.646-652.
7. Stearn W.T. *Vinca* L. // Tutin T.G., Heywood V.H., Burges N.A., Moore D.M., Valentine D.H., Walters S.M., Webb D.A. (Eds), Flora Europaeae. – V.3. *Diapensiaceae* to *Myoporaceae*. – Cambridge: University Press, 1972. – 55-370.
8. Koelsch M.C. Etiology and control of foliar diseases of common periwinkle (*Vinca minor* L.) // Thesis submitted to the Faculty of the Graduate College of the Oklahoma State University in partial fulfillment of the requirements for the degree of Master of Science. – Oklahoma State University Stillwater (Oklahoma). – 1992. P.3-55.
9. Шулькина Т.В. Особенности сезонного развития некоторых видов рода *Campanula* L. // Ботанический журнал. – 1975. – Т.60. – №1. – С.109-117.
10. Горышина Т.К. Экология травянистых растений лесостепной дубравы // Ленинград. – Изд-во Ленингр. ун-та, 1975. – С.20-127.
11. Фомина Т.И. Биологические особенности зимнезеленых поликарпиков в лесостепной зоне Западной Сибири // Вестник Томского государственного университета (Биология). – 2012. – №1(17). – С.43-51.
12. Борисова И.В. Ритмы сезонного развития степных растений и зональных типов степной растительности Центрального Казахстана // Труды БИН им. В.Л. Комарова. – Сер. 3 (Геоботаника). – 1965. – Вып. 17. – С.64-99.
13. Карпионова Р.А. Травянистые растения широколиственных лесов СССР: Экологофлористическая и интродукционная характеристика // Москва. – Изд-во «Наука», 1985. – С.10-205.
14. Ворошилов В.Н. Ритм развития у растений // Москва. – Изд-во АН СССР. – 1960. – С.15-136.



15. Голубев В.Н. Эколого-биологические особенности травянистых растений и растительных сообществ лесостепи // Москва. – Изд-во «Наука», 1965. – С.25-287.
16. Муроx В.И., Стеколытков Л.И. Наш зеленый исцеляющий друг // Минск. – Изд-во «Ураджай». – 1986. – С.166-168.
17. Федосеева Г.П., Благодаткова Т.С., Окошечникова Т.Ф. Оптимизация системы озеленения города Екатеринбургa // Известия Иркутск гос. универ-та. – Серия «Биология. Экология». – 2011. – Т4. – №2. – С.94-108.

САМАРКАНД ВИЛОЯТИНИНГ ТУРЛИ БИОГЕОКИМЁВИЙ ҲУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР СОЧИНИНГ ЭЛЕМЕНТАР ТАРКИБИ

Расулов С.К., Тўрамкулов Ш.Н.Ахмадеев А.В.

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд Давлат университети, Башкeрия Давлат университети

Резюме: Ушбу мақолада Самарқанд вилоятининг турли биогeокимёвий ҳудудларида истиқомат қилувчи кичик мактаб ёшидаги болалар сочи таркибидаги макроэлементлар(МаЭ): Са, На, К, Mg ва микроэлементлар(МЭ) Zn, Со, Си, Mn, Cr ни миқдорий кўрсаткичи нейтрон-активацион усулда аниқланди. Мактаб ёшидаги болалар сочи таркибида аниқланган МаЭ- ва МЭларнинг ўртача миқдорий нормативлари ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: Соч, макроэлементлар, микроэлементлар, танқислик, концентрация, мувозанат, миқдор, меёр, физиологик кўрсаткичлар.

ЭЛЕМЕНТНЫЙ СОСТАВ ДЕТСКИХ ВОЛОС В МАЛЫХ ШКОЛАХ, ПРОЖИВАЮЩИХ НА РАЗНЫХ БИОГИОХИМИЧЕСКИХ ТЕРРИТОРИЯХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Расулов С.К., Тўрамкулов Ш.Н. Ахмадеев А.В.

Самаркандский государственный медицинский институт, Самаркандский государственный университет, Башкирского государственного университета

Резюме: В данной статье представлены количественные показатели макроэлементов (МаЭ): Са, На, К, Mg и микроэлементов (МЕЭ) Zn, Со, Си, Mn, Cr в волосах детей младшего школьного возраста, проживающих в различных биогeохимических регионах Самаркандской области определялись нейтронно-активационным методом. Разработаны средние количественные нормы МаЭ- и МЕ в волосах детей школьного возраста.

ELEMENTAL COMPOSITION OF CHILDREN'S HAIR IN SMALL SCHOOLS LIVING IN DIFFERENT BIOCHEMICAL TERRITORIES OF THE SAMARKAND REGION

Rasulov S.K., Turamkulov Sh.N.Axmadeev.A.B.

Samarkand State Medical Institute, Samarkand State University, Bashkirskogo State University

Резюме: This article presents the quantitative indicators of macroelements (MaE): Ca, Na, K, Mg and trace elements (MEE) Zn, Co, Cu, Mn, Cr in the hair of primary school children living in various biogeochemical regions of Samarkand. the areas were determined by the neutron activation



method. The average quantitative norms of MaE- and ME in the hair of school-age children have been developed.

Key words: hair, macronutrients, microelements, deficiency, concentration, balance, quantity, norm, physiological indicators.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, макро- ва микроэлементлар инсон танасининг фаолиятида муҳим ҳал қилувчи рол ўйнайди ҳамда ҳаётий барча жараёнларни тартибга солишда бевосита иштирок этади. Шунга кўра, танадаги кимёвий элементлар турғун ҳолатини баҳолашда унинг морфо-физиологик тизимларини ишлашини ва маълум патологик ҳолатини ривожланиш механизмларини юқори аниқликда диагностика қилиш имконини беради (1,3).

МаЭ ва МЭнинг асосий манбаи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Аммо кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда аҳолининг овқатланиш таркиби турли биогеохимёвий ҳудудларда сезиларли ўзгаришларга учради ва кўплаб витаминлар ва зарур бўлган МаЭ ва МЭ танқислиги тарқалишига сабаб бўлди (3,4).

Муаллифларнинг таъкидлашича, танадаги МаЭ ва МЭ учун етарли талабнинг озгина оғиши турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳар қандай элементнинг етишмаслиги ушбу элементга хос бўлган ўзига хос клиник аломатлар билан бирга келади (5,6).

Тадқиқотнинг мақсади. Самарқанд вилояти турли биогеохимёвий ҳудудларида истиқомат қилувчи кичик мактаб ёшидаги болалар сочи таркибининг элементар ҳолатини аниқлашдан иборат.

Материал ва услублар. Тадқиқот ишларида Самарқанд вилояти турли биогеохимёвий ҳудудларида (Самарқанд шаҳри, Ургут, Оқдарё, Булунгур, Жомбой туманлари) истиқомат қилувчи кичик мактаб ёшидаги 120 нафар болаларнинг сочи таркибидаги макроэлементлар (кальций, магний, натрий, калий) ва эссенциал микроэлементлар (темир, рух, мис, марганец, кобальт, хром) ҳолати ўрганилди. Шулардан ўғил болалар 70 нафарни ва қиз болалар 50 нафарни ташкил қилди.

Болаларнинг сочи таркибидаги макро- ва микроэлементларни аниқлаш ЎзР ФАнинг ядро физикаси институти лабораториясида “нейтрон – активацион” усулда болаларнинг сочи таркибидаги биоэлементларга мансуб макроэлемент гуруҳига кирувчи кальций, натрий, хлор, калий, магний ва эссенциал микроэлементлар гуруҳига кирувчи темир, рух, мис, марганец, кобальт, хром жами 10 та элемент аниқланди.

Статистика дастури асосида ўргача миқдор аниқланди.

Олинган маълумотлар Фишер, Студент вариатцион статистика усулида ҳисоблаб чиқилди. Қайта ишлаш Microsoft Excel усулида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг сочи таркибидаги МаЭ ва МЭлар турли миқдорий кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг сочи таркибидаги макроэлементлар (мкг / г).



Жадвал 1

элементлар	1 ёшдан 18 ёшгача		Олинган натижалар					
	бўлган соғлом болаларнинг физиологик меъёрлари (А.В.Скальный, 2003)		Ўғиллар			Қизлар		
			Ўртача кўрсаткич, $M \pm m$		Центил буйича (25-75) центил		Ўртача кўрсаткич, $M \pm m$	
	қўйи	юқори	n-70	қўйи	юқори	n=50	қўйи	юқори
Натрий	75	562	1223,2 \pm 1,6	120	2500	825,0 \pm 1,5	195	2020
Кальций	254	611	825,4 \pm 1,7	250	1750	1043,4 \pm 1,3	250	1900
Калий	53	663	768,6 \pm 1,5	40	1650	536,0 \pm 1,4	60	1770
Магний	18	56	61,4 \pm 1,9	16	1000	80,4 \pm 1,7	25	870

Аниқланган ўғил болалар сочи таркибидаги натрий миқдори (1223,2 \pm 2,7 мкг) ни ташкил этди ва бу белгиланган физиологик меъёрдан юқорилиги аниқланди, буни қизларники билан таққослаганда 0,40 барабар кўплиги қайд этилди.Текширилган болаларнинг 85,4% ҳамда қизларда эса 60 % да (p< 0,01) сочлардаги натрий миқдори физиологик меъёрдан юқорилигини кўрсатди.

Танадаги натрийнинг кўпайиши болаларда натрий хлориднинг ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиниши натижасидир.Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича болаларда натрийнинг танадаги концентрацияси ярим тайёр маҳсулотларни истеъмол қилиш билан бевосита боғлиқлиги аниқланган[5,6].

Текширилган болаларнинг сочи таркибида аниқланган калий миқдори ўғил болаларда 768,6 мкг/г га қизларда эса 536,0 мкг/г га тенг бўлиб , физиологик меъёрдан биров юқори кўрсаткичи аниқланди. Маълумки калий тананинг ички муҳитини натрий ва хлор билан маълум нисбатда ушлаб туришида иштирок этади ва унинг таркибидаги меъёрдан ортиқча ва танқислиги йўналиши бўйича оғиш болалар саломатлигига тенг равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Болалар сочи таркибидаги калий миқдорининг физиологик меъёр даражасидан ошиши ўғил болаларда36,4%га қизларда эса 31,3% га тенг эканлиги қайд этилди..Тадқиқотларимиз натижаларига кўра Зарафшон воҳасида истиқомат қилувчи болалар организмида калий танқислиги ўғил болаларда 14,4% га қизларда эса 20,1% га тенг эканлиги аниқланди(2-жадвал)

Натрий,калий, магний ва кальций таркибидаги физиологик меъёрдан оғиш билан кичик



мактаб ёшидаги болалар сони % да (2-жадвал)

Элемент	Ўғиллар		Қизлар	
	<нормалар	>нормалар	<нормалар	>нормалар
	P% p%	P%	P% p%	P%
Калий	14,4	36,4	20,1	31,3
Кальций	14,3	25,3	10,5	35,3
Магний	15,6	30,7	13,2	33,4
Натрий	--	85,4	-	60

Кальций Магний

Маълумки кальций, магний ҳаётини муҳим аҳамиятга эга бўлган МАЭлар бўлиб уларнинг физиологик роли маълум нисбатда бўлганда амалга оширилади. Кальций ионлари турли орган ва тўқималарда содир бўладиган кўплаб биологик жараёнларда фаол иштирок этади[7,8].

Ўғил болалар сочлари таркибидagi кальций миқдорининг ўртача кўрсаткичи қизларники билан таққослаганда 0,2 баравар камлиги аниқланди. Шу билан бирга текширилган болалар гуруҳининг физиологик меъёр даражасидан ошиши 25,3% ни қизларда эса 35,3% ни ташкил этиб ўғил болалар билан таққослаганда бироз пастроқ даражаси қайд этилди. Физиологик меъёр даражасидан пасайиши эса қизларда 14,3% ўғилларда 10,5%ни ташкил этди. (2 жадвал).

Тадқиқотда иштирок этган болаларнинг сочи таркибидagi магний элементини миқдорини ўрганиш натижаларига кўра ўғил ва қизларда белгиланган физиологик меъёр даражасидан ошиши ўғилларда 30,7% ва мос ҳолда қизларда 33,4%ни ташкил этди. Тадқиқот натижаларига кўра физиологик меъёрдан пасайиши ўғилларда 15,5% ва мос ҳолда қизларда 13,2% ни ташкил этди.

Темир, Мис, Рух

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики текширилган болалар сочи таркибидagi темирнинг ўртача даражада иккала жинс вакилларида ҳам юқорилиги қайд этилди. (3 жадвал) Қиз ва ўғил болалар ўртасидagi нисбати солиштирганда 11,1мкг/г юқорилиги аниқланди. Шу билан бирга текширилган қиз ва ўғил болалар гуруҳида белгиланган меъёрнинг 56,5% ўғил ва қизларда 40,6% юқорилиги қайд этилди. ($p < 0,01$).

Кичик мактаб ёшидаги болалар сочи таркибидagi темир, мис, рух, марганец, коболт, хром миқдори мкг/г



3-жадвал

элементлар	1 ёшдан 18 ёшгача		Олинган натижалар					
	бўлган соғлом болаларнинг физиологик меъёрлари (А.В.Скальный, 2003)		Ўғиллар			Қизлар		
			Ўртача кўрсаткич, $M \pm m$	Центил буйича (25-75) центил		Ўртача кўрсаткич, $M \pm m$	Центил буйича (25-75)центил	
	қўйи	юқори	n-70	қўйи	юқори	n=50	қўйи	юқори
Темир	13	27	64,1±1,3	10	178	73,2 ±1,5	11	181
Мис	8	12	12,0±1,7	0,41	18	9,3±1,3	1	12
Рух	94	183	184,8±1,6	30	320	163,1±1,4	40	245
Марганец	0,32	0,93	2,1±1,2	0,28	5,5	3,1±1,7	0,73	4,3
Коболт	0,02	0,11	0,16±1,1	0,08	0,76	0,21±1,1	0,031	0,54
Хром	0,26	0,70	0,88 ± 1,3	0,8	2,4	0,81 ± 1,2	0,4	1,6

Турли тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра организмдаги темирнинг юқори даражаси болалар танаси жигар ва ошқозон ичак тракти кассалликларини ривожланиш ҳавфини ошириш қон ивиш жараёнларини бузиши мумкин. Бу жараёнлар айниқса ёш болаларда ривожланиши осон эканлиги, улар организмнинг адаптив тизимларини бузилишидан далолат беради[3,6]. Текширилган болалар гуруҳида темирнинг етишмовчилиги ўғилларда 25,4% ва қизларда 20,4% ни ташкил этди. Темир моддасининг етишмаслиги бу темир танқислиги кам қонлик ривожланишини келтириб чиқаради. Маълумки темир гемоглобин кислород ташувчиси учун ажралмас МЭ ҳисобланади. шунингдек темир болаларнинг кунлик овқатланишининг муҳим таркибий қисми эканлиги исботланган унинг етишмаслиги темир танқислиги камқонлигининг пайдо бўлишига олиб келади. Болаларда темир етишмовчилигига кўпроқ мойил бўладилар чунки уларнинг темирга бўлган эҳтиёжи тез ўсиш ва ривожланиш туфайли ортади[3,5].

Тадқиқот натижаларига кўра болалар сочи таркибидаги мис концентратциясини ўртача даражаси ўғил болаларда $12,0 \pm 1,7$ мкг/г, қизларда $9,3 \pm 1,3$ мкг/г ни ташкил этди. Қиз ва ўғил болалар сочи таркибидаги мис ўртача нисбати солиштирилганда 2,7 мкг/га ўғил болаларда юқорилиги аниқланди. ($p < 0,01$) Аммо текширилган ўғил болалар гуруҳининг 50,4 %да, қизларда эса 40,5% мис концентратцияси физиологик меъёрдан паст кўрсаткичи қайд этилди. Болалар организмда мис МЭнинг етишмаслиги озиқ – овқат ва



суддан темирни ҳаддан ташқари кўп қабул қилиниши билан боғлиқ деб тахмин қилиниши учун асос бор. Ушбу тахмин бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўтказилган экспериментал тадқиқотлар орқали аниқланди, унда озиқ-овқат ва сувда темирнинг кўпайиши миснинг биологик мавжудлигини оширмайди, аксинча унинг сўрилишига тўсқинлик қилади[2,6].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики ўрганилган кичик мактаб ёшидаги болалар сочи таркибидаги рух моддасининг ўртача концентратцияси ўғилларда 184,8 мкг/га, қизларда эса 163,1 мкг/га тенг бўлиб физиологик меъёрга тўғри келди. Текширилган болалар гуруҳининг сочи таркибидаги ушбу элементнинг физиологик меъёр даражасидан ошиши ўғил болаларда 61,3 % га, қизларда эса 24,6% га эгаллиги аниқланди. Рух, мис ва темир ўртасидаги муносабатларга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотларда, овқат ҳазм қилиш тизимида сўрилиш пайтида рухнинг асосий антогинистлари темир ва мис эканлиги кўрсатилган [4,5]

Кичик мактаб ёшидаги болаларда рух етишмовчилиги болаларда юқумли касалликлар ҳамда ичак инфекциялари билан касаллик даражаси юқори бўлган болаларда рух концентратцияси паст бўлиши аниқланган. Рухни танага қўшимча киритиш билан болаларда иммунитетни ошиши туфайли болаларда ичак инфекциясининг аломатлари яхшиланади[3,7]. Бундан ташқари турли тадқиқотчиларнинг таъкидлашича болалар танасидаги рухнинг етишмаслиги нафақат унинг озиқ –овқатлар билан етарли истеъмол қилинмаслиги балки био мавжудлиги бузилишидан ҳам келиб чиқиши мумкин[2,5]. Экспиремнтал ва клиник кузатувларга кўра ичакдан рухнинг сўрилишига у билан рақобатдошланадиган мис ва темирнинг таркиби катта таъсир кўрсатади.

Тадқиқотларимизда кичик мактаб ёшидаги болаларда рух танқислиги ўғил болаларда учрамади қизларда эса 12,32% ни ташкил этди. Рух микроэлементи ўсиш жараёнлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу элемент тананинг ўсиши билан боғлиқ жараёнларда масалан, ўсиш гормонларини фаолиятини оширади, оқсил синтези, суяк ва тўқималарнинг шаклланиши ва бошқалар билан бевосита боғлиқ[1,6]. Шундай қилиб, танадаги ушбу элементнинг етарли миқдори унинг ўсишини меъёрий фаолиятини нормал бўлишига, етишмаслиги эса ўсиш жараёнларининг секинлашишига олиб келади.

4 -жадвал

Темир, рух, марганец, коболт ва хромни кимёвий таркибини физиологик меъёрдан оғиш билан кичик мактаб ёшидаги болалар сони %да

Элемент	Ўғиллар		Қизлар	
	<нормалар	>нормалар	<нормалар	>нормалар
	P% p%	P%	P% p%	P%
Рух	-	61,3	12,3	24,6
Мис	50,4	20,4	45,5	18,5
марганец	-	57,3	-	55,4
хром	21,4	55,5	20,1	50,4
Темир	25,4	56,5	20,4	40,6
Коболт	20,2	50,2	30,1	10,7

Марганец Коболт Хром



Маълумки марганец коболт хром биологик роли танадаги турли метаболик жараёнларни катализловчи ферментларнинг қурилиш ва ишлаши билан боғлиқ бўлган муҳим МЭлардир .Шу билан бирга экспериментал ва клиник тадқиқотлар шуни кўрсатадики организмда ҳаддан ташқари кўп марганец коболт ва хром токсикантларга айланиши мумкин уларнинг ҳаракати турли ҳил биологик муҳитда уларнинг асосий биогеокимёвий хусусиятларининг ўзига ҳос хусусияти билан белгиланади[3,5,6]

Марганец ҳар бир хужайранинг шаклланиши учун зарур элемент ҳисобланиб, аминакислоталарни парчаланиши, энергия ҳосил бўлиши ферментлар ҳосил бўлишида, репродуктив органлар ҳосил бўлиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади, ўсишни оширади[2,4,6].

Сочни Марганец даражаси бўйича кимёвий таҳлил қилинганда кичик мактаб ёшидаги болаларда физиологик меъёр даражасида яъни ўғилларда 2,1мкг/г ва қизларда 3,1 мкг/г эканлиги аниқланди.Шу билан бирга тадқиқотда иштирок этган ўғил болаларнинг 57,3%да, қизларда эса 55,4% физиологик меъёрнинг юқори кўрсаткичи ,ҳамда текширилган болалар гуруҳининг иккала жинс вакилларида физиологик меъёрнинг паст кўрсаткичи қайд этилмади.Танада марганецнинг кўпайиши нерв системаси фаолияти бузилишини чақиради(паркенсон) темирни сўрилишини қийинлаштиради, камқонликни келтириб чиқаради[1,7,8].

Коболт одам организми учун муҳим бўлган микроэлемент ҳисобланиб у физиологик жиҳатдан юқори активликка эга.Қон ишлаб чиқариш,нуклеин кислоталар сентизи ва модда алмашинувига таъсир этади[3,5].

Тадқиқот натижаларига кўра коболтнинг ўғил болалар сочларидаги концентрацияси 0,16 мкг/г га тенг,қизларда эса 0,21 мкг/га тенг бўлиб белгиланган физиологик меъёрнинг юқори даражаси аниқланди.Шу билан бирга текширилган ўғил болалар гуруҳида 50,2 % да коболтнинг концентрацияси физиологик меъёрнинг юқори кўрсаткичи қайд этилди,қизларда эса 10,7% юқорилиги қайд этилди.($p < 0,001$) Коболтнинг 200 мкг/гдан ортиғи токсик хусусиятга эга бўлиб ,аллергик касалликлар,нафас аъзолари касалликларини келтириб чиқариши аниқланган[6,7].Текширилган ўғил болалар гуруҳида коболт элементининг физиологик меъёр даражасидан паст кўрсаткичи 20,2% ни қизларда эса 30,1% ташкил этиши аниқланди.Болаларда коболт микроэлементининг етишмаслиги камқонлик касаллигини келтириб чиқаради,болаларнинг ўсишдан орқада қолишига олиб келади[2,4].

Тадқиқот натижаларига кўра соч таркибидаги хром концентрацияси ўғил ва қизларда белгиланган физиологик меъёр чегарасида яъни ўғилларда 0,88 мкг/га қизларда эса 0,81 мкг/га тенг эканлиги аниқланди. Аммо текширилган ўғил болалар гуруҳида 55,5 % қизларда эса 50,4%физиологик меъёрдан юқори кўрсаткичи қайд этилди.Хром бирикмалари хужайра мембранасидан глюкоза ўтишини осонлаштиради.Хром етишмаса қонда шакар ҳамда холестерин миқдори кўпайиб кетади[1,6].Хром элементининг кичик мактаб ёшидаги болалар гуруҳида етишмовчилиги ўғил болаларда 21,4%, қизларда эса 20,4% га учраши қайд этилди.

Хулоса

1.Шундай қилиб кичик мактаб ёшидаги болаларнинг сочи таркибидаги элементар ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра бир қатор муҳим кимёвий элементларда гепер ва гипоелементозлар ҳолати аниқланди.Аниқланган болаларнинг сочларидаги



натрий, темир ва марганец концентратцияси белгиланган физиологик меъёрдан юқорилиги, рух, мис ва кобальт эса физиологик меъёр даражасида эканлиги қайд этилди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Агаджанян.Н.А., Лесенков С.П., Егоров Г.А., Ожева Р.Ш. Сравнительный анализ содержания макро- и микроэлементов в волосах детей подростков, проживающих в южных и северных регионах России. // Новые технологии, №3, 2011-1-7.с.
2. Бутаев Т.М., Цирихова А.С., Дзуллаева И.Ю., Бутаев А.П. Микроэлементозы детей дошкольного возраста. Причины, профилактика. // Современные проблемы науки и образования. 2016. №-3: 54-57 с.
3. Бахтина Е.А., Захарина Т.Н. Оценка элементного статуса детей на крайнем севере. // ГУНИИ Медицинских проблем Крайнего севера РАНН, Надьм. 2013. №6. 26-29 с.
4. Горбачев В.В., Горбачева В.Н. Витамины. Макро – и микроэлементы Справ./ Москва. 2011.-432.с.
5. Детков. В.Ю. Скальный А.В. Содержание химических элементов в волосах детей, проживающих в Санкт-Петербурга. // Вестник Российской военно -медицинской Академии №6. 2013. 155=158.с.
6. Скальный. А.В. Рудаков. И.Я. Биоэлементы в медицине./ Москва издательский дом ОНИКС Мир, 2004.-272. С.
7. Егорова. Р.А. Элементный статус детского населения территорий Республики Саха (Якутия) // Вестник ОГУ №10. 2006-374-377.
8. Луговая Е.А., Атласова Е.М., Максимов А.Л. // Элементный “Портрет” детей 7-14 лет Г. Магадана. Фундаментальные исследования №11. 2012-846-850.с.

УЎТ: 631.42+631.8

СУҒОРИЛАДИГАН ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Турдалиев Авазбек Турдалиевич – б.ф.д., доцент, Асқаров Камолиддин Абдуғаниевич – мустақил изланувчи, Ходжиболаева Нозимахон Маъмуровна – мустақил изланувчи
Фарғона давлат университети

Мақолада чўл минтақасида тарқалган сугориладиган ўтлоқи тақир ва ўтлоқи саз тупроқларининг агрохимёвий таркиби ва уни маданийлашганлик даражасига кўра ўзгариб бориши ёритилган. Сугориладиган гидроморф тупроқларда пахта етиштиришида барча агротехник тадбирлар билан бирга ноанъанавий усулларни қўллашнинг самаралари ва ҳосилдорликни оширишдаги ижобий роли келтирилган.

Калит сўзлар: гидроморф, ўтлоқи тақир, ўтлоқи саз, маданийлашганлик даражаси, гумус, озиқа моддалар, гўза, ҳосилдорлик.

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОРОШАЕМЫХ ГИДРОМОРФНЫХ ПОЧВ

Турдалиев Авазбек Турдалиевич – д.б.н., доцент, Асқаров Камолиддин Абдуғаниевич – соискатель, Ходжиболаева Нозимахон Маъмуровна – соискатель
Ферганский Государственный Университет



В статье приведены агрохимические свойства орошаемых лугово- такырных и луговых сазовых почв, распространенных в пустынной зоне, и их изменения в зависимости от степени окультуренности. При выращивании хлопчатника на орошаемых гидроморфных почвах показана эффективность и положительная роль использования нетрадиционных методов обработки наряду со всеми традиционными агротехническими мероприятиями.

Ключевые слова: гидроморф, лугово-такырный, луговой сазовый, окультуренность, гумус, элементы питания, хлопок, урожайность.

EFFECTIVE USE OF IRRIGATED HYDROMORPHIC SOILS

Turdaliev Avazbek Turdalievich, Askarov Kamoliddin Abduganievich, Khodjibolaeva Nozimakhon Mamurovna
Fergana State University

The article presents the agrochemical properties of irrigated meadow-takyr and meadow saz soils, widespread in the desert zone, and their changes depending on the degree of cultivation. A number of field experiments were carried out to obtain high and high-quality cotton yields on irrigated meadow saz soils. As a result of the experiments carried out in the cultivation of cotton on irrigated hydromorphic soils, the effectiveness and positive role of the use of non-traditional methods of processing along with all the traditional agrotechnical measures was shown.

Key words: hydromorph, meadow-takyr, meadow saz, cultivation, humus, nutrients, cotton, yield.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳамда сифатли ҳосил олиш учун чўл минтақаларида кенг тарқалган, мелиоратив ҳолати ёмон, унумдорлиги паст бўлган гидроморф тупроқларни тадқиқ этиш, унумдорлигини орттириш чора тадбирларини илмий асосда ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, тупроқ таркибида органик моддалар қандай миқдор ва сифатда бўлмасин, улар ўсимликлар учун карбонат ангидриди, озика элементлари ва энергия манбаи ҳисобланади. Гумус деҳқончиликни турғунлигини орттиради ва тупроқни шаклланишида кўпчилик функцияларни бажаради.

Кўриқ ерларни ўзлаштириш натижасида ҳамда ўзлаштирилган ерларни маданийлашганлик даражасини ортиб боришида тупроқдаги гумус миқдори ва сифатини ўзгариши кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган ва тупроқни маданийлашганлик даражаси ортиши билан гумус миқдорини дастлаб камайиб сўнг ортиб бориши аниқланган [1, 2].

Марказий Фарғона тупроқларида табиий ва маданий ўсимликларнинг илдиз системаси кўпинча тупроқнинг устки қатламларида жойлашади, шунинг учун ҳам гумус қатлами бу тупроқларда кичик бўлиб, унинг захираси ҳам бошқа тупроқларга нисбатан кам бўлади [3, 4, 8, 9].

Услуглар ва материаллар. Тупроқ намуналарининг кимёвий таҳлили, тупроқ гумуси, яши ва ҳаракатчан азот, фосфор, калий миқдорларини аниқлашда умум қабул қилинган Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ, 1973) услубиятидан ҳамда “Руководство по химическому анализу почв” [6] усул ва услубиятларидан фойдаланилди. Тажрибаларни қўйиш, уларда тадқиқот ишларини



олиб боришда ЎзПТИ (СоюзНИХИ, Тошкент, 1981 йил)нинг «Методика закладки полевых опытов с хлопчатником» қўлланмасидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлар ва турли хил пестицидларни сурункали равишда ва меёридан ортиқча қўлланилиши натижасида тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг камайиб бориши ҳамда тупроқдаги органик моддаларнинг гумуста айланиш жараёни сезиларли даражада пасайганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тупроқларнинг агрохимёвий таркиби

Кес- ма т/р	Қатлам, см	Гумус, %	C:N	Ялпи, %			Ҳаракатчан, мг/кг		
				Азот	Фосфор	Калий	Азот (NH ₄)	Фосфор	Калий
Эскидан суғориладиган ўтлоқи тақир тупроқлар									
1 ^A	0-29	1,140	6,0	0,124	0,308	1,86	17,3	19,6	187,0
	29-44	0,925	6,2	0,098	0,226	1,77	12,1	17,8	135,0
Эскидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар									
12 ^A	0-28	1,185	5,7	0,135	0,320	1,90	18,5	20,1	210,5
	28-42	0,962	5,8	0,108	0,245	1,81	13,2	18,5	143,0
Янги ўзлаштирилган ўтлоқи саз тупроқлар									
20 ^A	0-30	0,820	5,9	0,091	0,295	1,73	15,2	17,8	175,0
	30-45	0,630	5,9	0,070	0,220	1,65	11,0	16,2	118,0
Янги ўзлаштирилган ўтлоқи саз тупроқлар									
24 ^A	0-30	0,760	6,1	0,082	0,262	1,70	14,9	17,0	168,0
	30-46	0,645	6,1	0,069	0,210	1,61	10,6	15,7	112,0
Эскидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар									
28 ^A	0-35	1,405	6,7	0,138	0,345	1,94	21,5	20,7	229,0
	35-54	0,910	6,2	0,096	0,320	1,85	14,7	17,2	192,0
Янгидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар									
35 ^A	0-30	0,960	6,0	0,105	0,302	1,86	16,8	17,1	172,0
	30-43	0,775	6,2	0,082	0,250	1,75	11,2	12,0	114,0

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, эскидан суғориладиган тупроқ кесмаларининг ҳайдов қатламларида гумус миқдори 1,140-1,405 % атрофида бўлса, янги ўзлаштирилган ва янгидан суғориладиган тупроқ кесмаларининг ҳайдов қатламларида 0,760-0,960 % оралиғида тебранади. Эскидан суғориладиган тупроқларнинг гумус миқдори янги ўзлаштирилган ва янгидан суғориладиган тупроқ кесмалари қатламларига нисбатан юқори кўрсаткичларга эга.

Тупроқлардаги C:N нисбати гумусни азотга бойлигини кўрсатувчи нисбий катталиқ бўлиб, бу нисбат бўз тупроқлар учун 8 ни ташкил қилади ва гумусни азотга бойлигидан далолат беради [5, 7].


Ўрганилган тупроқлардаги C:N нисбат 5,7-6,7 оралиғида эканлигини кўриш мумкин. Ялпи азот миқдори билан гумус ўзаро боғлиқ бўлиб, тадқиқ этилган тупроқларда азот миқдорининг кесма бўйлаб ўзгариш қонунияти гумус миқдорлари билан параллел равишда тарқалган. Ялпи фосфор миқдори тупроқ кесмаларида 0,210-0,320 % атрофида, ялпи калий миқдори эса 1,61-1,90 % атрофида тебранади.



Харакатчан озиқа элементлар миқдорига кўра бу тупроқлар ушбу элементлар билан кам таъминланган гуруҳга киради.

Бу эса қишлоқ хўжалиги экин турларидан юқори ва турғун ҳосил олиш учун суғориладиган, ўртача шўрланган ҳар хил механик таркибли гидроморф тупроқлари тизимли тарзда минерал ва органик ўғитларга муҳтожлигини кўрсатади. Ўрганилган тупроқларда гумус, азот, фосфор, калий миқдорлари қишлоқ хўжалиги экинларини яхши ўсиши ва ривожланиши учун етарли эмас, айни вақтда тупроқларни маданийлашган ҳолатига қараб улар ўзаро фарқ қилади. Бу кўрсаткичларни қуйидаги 1-расм маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Ушбу тупроқларда пахта ҳосилдорлигини ошириш борасида бир қатор тажрибалар ўтказилди. Тажриба майдонида 2018 йилда қўшимча равишда бир марта рихления ўтказилди. Бу ғўза илдизини яхши ривожланишига ижобий таъсир ўтказди.



1-расм. Ҳайдов қатламлардаги гумус, ялпи азот, фосфор ва калий миқдорларини ўзгариб бориш динамикаси

Пахта ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири, ғўза экилган майдонларга қўшимча равишда ноанъанавий агротехник усулларни қўллаш ҳисобланади. Тадқиқот ҳудудида ана шундай ноанъанавий усуллардан икки йил давомида турли даражада фойдаланиш натижасида юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди.

Бунинг учун биринчи навбатда, тажриба майдонида қўшқаторли (60*30 схемада) экиш сеялкаларидан фойдаланиб, 2018 йилда 120 - 130 минг дона/га кўчат қолдирилди. 2019 йилда эса кўчатлар сонини 130 – 140 минг дона/га гача етказилди. Ғўза қатор оралиғини ишлашдаги асосий воситалардан бири культивация қилишдир. Шунинг учун ҳам тажриба участкасида ўсув даврида 14-17 (шундан 3 мартгаси чуқур юмшатиш) марта сифатли культивация қилинди. Бунда ғўза илдизи ҳамда вегетатив органларини жадал суръатларда юқори даражада ривожланишига эришилади.

Тажриба майдонида бутун ўсув даврида 2 марта минерал ўғитлар билан озиқлантириш ўтказилди. Биринчи озиқлантиришда ўсимликнинг 3 – 4 чин барги пайдо бўлганда 2018 йилда гектарига 100 кг ҳисобида азотли ўғит, 100 кг фосфорли ўғит, 2019 йилда эса гектарига 165 кг ҳисобида азотли ўғит, 150 кг/га фосфорли ўғит берилди. Иккинчи озиқлантириш ғўзанинг гуллаш даврида ўтказилиб, 2018 йилда гектарига 75 кг азот ва 75 кг/га калийли ўғит солинди. 2019 йилда эса 100 кг/га азотли ва 100 кг/га калийли ўғит берилди.



Бундан ташқари, тажриба майдонида 2018 йилда 4 маротаба, 2019 йилда 5 маротаба суюқ комплекс озуқа эритмаси билан ишлов берилди. Ушбу қўшимча равишда бажарилган баргдан озиклантириш усулида ғўза ҳосилдорлиги ва сифати сезиларли даражада ортганлигига гувоҳ бўлдик.

Қишлоқ хўжалиги экинларини иддиздан озиклантирилишини камайтириб, иложи борича баргдан озиклантириш усулига эътибор қаратилганда тупроқларнинг оғир металллар ва радиоактив элементлар билан ифлосланишини камайишига олиб келади.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири, баргдан озиклантириш жараёнида ғўза, бошоқли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг зарарли хашаротларга қарши бардошлилиги ҳам ортади. Мўл пахта ҳосилини барвақт етиштириш учун амалга ошириладиган агротехник тадбирлар ичида ғўзани ўз вақтида ва тўғри суғориш ҳамда чеканка қилиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Йил давомида 2-3 маротаба қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш, 4-5 маротаба суғориш ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Тажриба натижаларига кўра қуйидагича ҳосил олишга эришилди (2-жадвал).

2-жадвал

Теримлар бўйича ҳосилдорлик, ц/га

Вариантлар	Теримлар сони, ц/га									Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил		
	1		2		3		4		Жами, ц/га	ц/га	%	
	ц/га	%	ц/га	%	ц/га	%	ц/га	%				
2018 йил ҳосили												
1	18,3	76,9	3,8	16	1,1	4,6	0,6	2,5	23,8	-		
2	25,0	79,6	4,6	14,6	1,4	4,5	0,4	1,3	31,4	7,6	24,2	
3	32,4	89,7	2,9	8,0	0,8	2,2	-	-	36,1	12,3	34,1	
4	27,3	76,3	6,1	17,0	1,7	4,7	0,7	1,9	35,8	12,0	33,5	
2019 йил ҳосили												
1	18,0	74,7	4,2	17,4	1,3	5,4	0,6	2,5	24,1	-		
2	27,6	80,1	4,7	13,7	1,6	4,7	0,3	0,9	34,2	10,1	29,5	
3	29,8	81,6	5,3	14,5	1,0	2,7	0,4	1,1	36,5	12,4	38,3	
4	37,6	91,0	3,4	8,2	0,3	0,7	-	-	41,3	17,2	41,6	

Жадвалдан кўриниб турибдики, назоратга нисбатан тажриба вариантларида ҳосилдорлик 7,6-17,2 ц/га кўп ҳосил олишга эришилди.

Барча агротехник тадбирларни тўғри қўллаш ҳамда ноанъанавий усуллар қўлланилиши ҳисобига 2018 йилда назоратга нисбатан 3-вариантда 12,3 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди. Бунда ҳосилнинг асосий қисми, яъни 89,7 % 1-теримда териб олинган ва 1-навга топширилган. 2019 йилда эса 4-вариантда назоратга нисбатан 17,2 ц/га кўп ҳосил олинган ва ҳосилнинг 91,0 % қисми 1-теримда териб олиниб, 1-навга топширилган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, суғориладиган тупроқларнинг маданийлашганлик даражасига кўра янги ўзлаштирилган, янгидан суғориладиган, эскидан суғориладиган тупроқлар тартибида озика элементлар миқдори ҳамда шу билан бирга унумдорлик даражалари ҳам секинлик билан ортиб боради.

Ќўза етиштириладиган майдонларда барча агротехник жараёнларга қўшимча равишда ноанъанавий агротехник усуллардан фойдаланиб, яъни қўшқаторли экиш схемасидан фойдаланиб, кўчат қалинлигини 120-140 минг/га гача етказилиб, 14-17 марта культивация қилиниб, иддиздан озиклантириш меёрини камайтириб, баргдан



озиклантиришни 4-5 мартаба ўтказилганда ғўза ҳосилдорлиги ва сифати юқори даражага етади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қўзиев Р.Қ. Бўз воҳа тупроқлари, уларнинг тадрижий ривожланиши ва унумдорлиги. - Т., 1991. -137 б.
2. Беседин П.Н., Шадманов К.Ш., Юлдашев Г.Ю. Почвенный покров опытного участка СоюзНИХИ в совхозе "Правда": Сб. науч. тр. приемы освоения эродированных почв Центральной Ферганы. Т., 1979. 15-35 с.
3. Турдалиев А.Т., Юлдашев Г. Геохимия педолитных почв. -Т., 2015. - 200 с.
4. Турдалиев А.Т., Аскарлов К.А., Мирзаев Ф.А.У. Морфологические особенности орошаемых почв Центральной Ферганы //Почвы и окружающая среда. - 2019. - Т. 2. - №. 3.
5. Юлдашев Г., Турдалиев А. Геохимические особенности циклических элементов в агроландшафтах пустынь //Аграрная наука. - 2014. - №. 1. - С. 10-12.
6. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. - М., 1961, -490 с.
7. Кононова М.М. Органическое вещество почвы. - М., 1963. -305 с.
8. Askarov K.A, Musayev I.I, Turdaliev A.T, Eshpulatov Sh.Ya. (2020) Geochemical barriers in irrigated soils and the impact of them on plants. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, Vol. 7, Issue 3. pp. 3082-3089.
9. Исақов В.Ю., Юсупова М.А. Фарғона водийси қум даҳаларига инсон омиллини таъсири. // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси – Наманган. 2019. №9. 60-67 б.

ЎЗАДА 2 ХРОМОСОМАСИ АЛМАШГАН МОНОСОМИК F₁ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ SSR МАРКЕРЛАР ЁРДАМИДА *IN SILICO* ТАҲЛИЛИ.

Абдукаримов Шарофиддин Сайфидинович таянч докторант¹, Макамов Абдусалом Хасанбоевич PhD¹, Бобохужаев Шухрат Умарович PhD², Санамьян Марина Феликсовна б.ф.д.², Буриев Забардаст Таджибаевич. б.ф.д.¹
¹ЎЗР ФА Геномика ва биоинформатика маркази
²Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
Тел. +99894 303-74-88. e-mail: sharofiddinabdukarimov@gmail.com

Аннотация. Мақолада ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб моносомик линиялари билан *G.barbadense L.* турига мансуб P₁та 3-79 линияларининг ўзаро чапиштирилишидан олинган F₁ авлод моносомик дурагайларининг 2 хромосомаси-алмашган шаклларининг SSR маркерлар ёрдамида *in silico* таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар. Ғўза, моносомик линиялар, SSR маркерлар, *in silico* ПЗР.

АНАЛИЗ *IN SILICO* С ПОМОЩЬЮ SSR-МАРКЕРОВ У МОНОСОМНЫХ ГИБРИДОВ F₁ С ЗАМЕЩЕННОЙ ХРОМОСОМЫ 2 ХЛОПЧАТНИКА.

Абдукаримов Шарофиддин Сайфидинович базовый докторант¹, Макамов Абдусалом Хасанбоевич PhD¹, Бобохужаев Шухрат Умарович PhD², Санамьян Марина Феликсовна д.б.н.², Буриев Забардаст Таджибаевич. д.б.н.¹

¹Центр геномики и биоинформатики Академии наук Республики Узбекистан

²Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улутбека



Тел. +99894 303-74-88. e-mail: sharofiddinabdukarimov@gmail.com

Аннотация. В статье представлены данные молекулярный анализ моносомных F₁ гибридов поколения с замещениями по хромосоме 2 с помощью SSR-маркеров анализ *in silico*, полученно от скрещивания моносомных линий хлопчатника вида *G.hirsutum* L. и линий Pima 3-79 вида *G. barbadense* L.

Ключевые слова. Хлопок, моносомные линии, SSR маркеры, *in silico* ПЦР

IN SILICO ANALYSIS OF MONOSOMIC F₁ HYBRIDS WITH CHROMOSOME 2 SUBSTITUTION IN COTTON USING SSR MARKERS.

Abdukarimov Sharofiddin Sayfidinovich basic doctoral student¹, Makamov Abdusalom Khasanboevich PhD¹, Bobokhuzhaev Shukhrat Umarovich PhD², Sanamyana Marina Feliksovna Doctor of Biological Sciences², Buriev Zabardast Tadjibaevich. Doctor of Biological Sciences¹

¹Center for Genomics and Bioinformatics of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

²National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Phone. +99894 303-74-88. e-mail: sharofiddinabdukarimov@gmail.com

Annotation. The article presents data on molecular analysis of monosomic F₁ hybrids of the generation with substitutions on chromosome 2 using SSR markers, *in silico* analysis obtained from the crossing of monosomal cotton lines of the species *G. hirsutum* L. and Pima 3-79 lines of the species *G. barbadense* L.

Key words: cotton, monosomal lines, SSR markers, *in silico* PCR

Ўзанинг серҳосил, эртапишар, турли касалликлар ва зараркунандаларга чидамлилигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда хромосомаси алмашган ўсимликларни олиш алоҳида ўринга эга. Хромосомаси алмашган ўсимликларни олишда моносомик ўсимликлар кўприк вазифасини бажаради. Бунда моносомик линиялар билан ижобий белги-хусусиятларга эга бўлган ўсимликлар ўзаро чатиштирилиб, улардан олинган авлод молекуляр жиҳатдан ўрганилади.

Молекуляр тадқиқотларда SSR маркерлар алоҳида ўринга эга. 2006 йилгача ғўзада 5484 та микросателлит маркерлар ишлаб чиқарилган бўлиб, улар Cotton Microsatellite Database (CMD – ғўза микросателлитлар базаси) да йиғилган. Бу базада 379 та BNL, 309 та JESPR, 392 CIR, 53 CM, 84 MGHEs, 1169 MUSS/MUCS, 1032 NAU, 750 TMB, 1316 MUSB SSR маркерлари мавжуд [1]. База кейинчалик янги маркерлар билан бойитилди. 2007 йил S.M. Hoffman ва бошқалар 700 та Gh маркерларни [2], 2009 йил J. Xiao ва б. 2937 та микросателлит маркерлар[3]ни ишлаб чиқишди.

SSR маркерлардан фойдаланган ҳолда ўзанинг генетик харитасини яратилган (J.-M.Lacape 2003, Z.-Sh.Zhang 2009, A.Blenda 2012 ва ҳ.). Бундан ташқари хромосомаси алмашган ғўза ўсимликларини молекуляр таҳлил қилишда фойдаланилади [4] [5] [6].

Ўзбекистонда ҳам хромосомаси алмашган ўсимликларни молекуляр ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда. Геномика ва биоинформатика марказида ЎЗМУ даги ўзанинг Ноёб Цитогенетик коллекциядаги *G.hirsutum* L. турига мансуб моносомик линиялар билан *G.barbadense* L. турига кирувчи Pima 3-79 линиясининг ўзаро



чатиштирилишидан олинган моносомик ва монотелодисомик ўсимликлар SSR маркерлар ёрдамида молекуляр ўрганилмоқда [7][8][9].

Тадқиқот объекти ва услуби. Тадқиқот объекти сифатида жами 23 та ўсимлик: она (L-458), ота (Pima 3-79), нормал дисомик F₁ ва 20 та F₁ турлараро дурагайлар олинди. 2 хромосомаси алмашган моносомик ўсимликларни аниқлаш мақсадида шу хромосомага хос 10 та SSR маркерлар танлаб олинди (1-жадвал).

1-жадвал

SSR маркерлар ва нуклеотидлар кетма-кетлиги

№	SSR маркер номи	Нуклеотидлар кетма-кетлиги	Такрорланиши
1	BNL1434	F: AAATTC AAGAATCAAAAAACAACA R: TTATGCCAAAGTATATGGAGTAACG	AG (13)
2	BNL1897	F: TTAAAAGAAGATTGAGATGACATTATG R: ATTTGTA CTTAGATGTGCCAAATG	TA+GA
3	BNL2877	F: TCGATCCCTTTTCTCTCTCTCTC R: TTGACTCGGCAGATTGACAAA	TC (10)
4	BNL3545	F: AGTCAGTTTTTTGTTAGCAATATGC R: AACCATTAATCCCTATTTAACCG	CA (10)
5	BNL3590	F: TCTTCCCTCTCTTTCTCTTTTCG R: ACACGGAAGACCAACCAAGT	CA (20)
6	BNL3971	F: CACATATTTTTGCCTCACGC R: TGTGGACCCAAAAAGGAAGA	TC (15)
7	BNL3972	F: AGGACAGCGATGTGTTGTTG R: CACCATACACTTGTTAATAATTCAGC	CT (18)
8	BNL834	F: TCGAGATTCATGGCTCTCCT R: TGGCAAAAGTGGACATACCA	CA (13)
9	TMB0471	F: AAGAATTAGCGGAAGTGGTCA R: TTTGACAAAACATGGATGGA	GA (30)
10	JESPR179	F: CTGACACTGTATGCTTGCAG R: CATATTTGGCATATCACATAGAG	CTT (12)

Олинган 10 та SSR маркерларнинг 4 таси: BNL3590, BNL3972, BNL2877 ва BNL3545 мономорф; 4 таси: BNL3971, BNL834, TMB0471 ва JESPR179 полиморф маркерлар ҳамда 2 таси: BNL1434 ва BNL1897 да амплификация бўлмади. Тажриба учун олинган F₁ моносомик дурагай ўсимликларнинг F₁(Mo11×Pima 3-79, Mo19×Pima 3-79 ва Mo16×Pima 3-79) дурагайлари 2 хромосомаси бўйича моносомик эканлиги тасдиқланди (1-расм).

а

б

1-расм. 2 хромосома учун қўйилган ПЗР электрофореграммаси:

а) JESPR179; б) BNL3971

In silico ПЗР. Тажриба учун олинган полиморф маркерларнинг худудида қайси оксил (ген) жойлашганлигини аниқлаш мақсадида Unipro UGENE 1.21.0 биоинформатик дастури ёрдамида *in silico* ПЗР амалга оширилади. Бунда *G.barbadense* L. нинг геноми


<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/genome/10770> ссилкаси орқали юклаб олинди. Маркер жойлашган ҳудуддаги генлар(оқсиллар)ни аниқлашда AUGUSTUS веб-дастуридан фойдаланилди. Бунда маркер жойлашган ҳудуддаги 100 000 нуклеотид қамраб олинди ва қуйидагича микдордаги оқсил ҳамда транскриптлар аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

In silico ПЗР асосида 100 000 нуклеотиднинг бошланиш ва тугаши ҳамда оқсил ва транскрипт сони

№	SSR маркер номи	Upstream >50000	Downstream <50000	Оқсил сони	Транскрипт сони
1	BNL3971	44498619	44598738	7	7
2	TMB0471	63067116	63167283	7	9
3	JESPR179	7758935	7859087	12	14

Олинган оқсилларнинг кетма-кетлиги асосида ген(оқсил)ларни аниқлашда NCBI BLAST маълумотлар базасининг Protein BLAST алгоритмидан фойдаланилди.



SSR маркерлардан BNL3971 маркерининг 1986 нуклеотид жуфтлигидан иборат ампликони асосида long-chain acyl-CoA synthetase 4 (LACSs) оқсили аниқланди.

Бу оқсилнинг энг яхши тавсифланган функцияларидан бири ёғ кислоталарни ташиш ҳисобланади. Бундан ташқари организмнинг нормал ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга [10]. TMB0471 маркерининг 600 нуклеотид жуфтлигидан иборат ампликони E3 ubiquitin-protein ligase UPL3 -like protein оқсилни синтезлайди. Бу оқсил Арабидопсис ўсимлигида яхши ўрганилган. У трихомаларнинг ривожланишида иштирок этади. Трихомалар – бу барглار юзасидан чиқадиган ва ҳашаротлар хужуми, буғланиш ва ортиқча ёруғлик, шунингдек, учувчи ҳимоя воситаларини синтез қилиш ва ажратиш вазифасини ўз ичига оладиган махсус эпидермал хужайралар ҳисобланади [11].

JESPR179 маркерининг 2544 нуклеотид жуфтлигидан иборат ампликони асосида receptor-like protein kinase оқсили синтезланиши аниқланди. Бу оқсил атроф-муҳитнинг турли стресс омилларига жавоб беришда иштирок этади. Ғўзада бу оқсилни GbRLK гени



синтезлайди. Бу ген ғўзада қурғоқчилик ва шўрланиш стрессига жавоб беришда қатнашади [12].

Хулоса. Шундай қилиб, тадқиқот натижасида 2 хромосомаси алмашган моносомик F₁ дурагай ўсимликлар 7 та аниқланди. ПЗР учун олинган полиморф SSR маркерлар келгуси авлодларда ичидан моносомик дурагайлар аниқлаш ишларида фойдаланилади. Бундан ташқари, *in silico* ПЗР таҳлили шуни кўрсатдики, ғўза *G.barbadense* L. турининг А – субгеномининг 2 хромосомасида ташқи муҳитнинг турли – абиотик ва биотик омилларига жавоб берувчи генлар жойлашганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

Гусеницы таких видов как *Proserpinus proserpina*, *Macroglossum stellatarum*, *Hyles euphorbiae*, *Hyles zygophylli* встречающихся главным образом на территориях естественных ландшафтов, питаются травянистыми растениями.

Все отмеченные 5 видов бабочек локально распространены в экосистемах Ферганской долины и считаются видами нуждающимися в охране.

Литература

1. Азимов Д.А. и др. Насекомые Узбекистана. Под.ред. Азимов Д.А. –Ташкент: Фан, 1993. - 340 с.
2. Ефетов К. А., Будашкин Ю. И. Бабочки Крыма: (Высшие разноусые чешуекрылые). – Симферополь: Таврия, 1990. - 112 с.
3. Китчинг, И. Дж. Таксономический инвентарь Sphingidae (<http://sphingidae.myspecies.info>). Лондон, Великобритания: NHMUK, 2019.
4. Комаров Д.А. (очерк) Красная книга Волгоградской области. Т.1: Животные. Волгоград: Волгоград, 2004. 172 с.
5. Синёв С.Ю. (ред.). Каталог чешуекрылых (Lepidoptera) России. Издание 2-е. Санкт-Петербург: Зоологический институт РАН, 2019. 448 с.
6. Ходжаев Ш.Т. Основы интегрированной защиты растений от вредителей и агротоксикологии.(на узб. языке) – Ташкент, 2014. - 540 с.
7. Шерматов М. Р., Ахмедов М. Х. Морфология туговой огневки (*Glyphodes pyloalis* Walker (Lepidoptera, Pyralidae) //Узбекский биологический журнал. – 2002. – Т. 4. – С. 53-57.



8. Яхонтов В.В. Вредители сельскохозяйственных растений, сельхозпродукции Средней Азии и борьба против них (на узб. языке). –Ташкент: Средняя и высшая школа, 1962. – 696 с.
9. “Красная Книга” Республики Узбекистан - Ташкент: Chinor ENK, 2009.
10. Coombs, E. M., et al., Eds. Биологический контроль инвазивных растений в США. Corvallis: Oregon State University Press, 2004. – 254 p.
11. Pittaway, A. R. (1993): The Hawkmoths of the Western Palaearctic. Harley Books & Natural History Museum, London. ISBN 0-946589-21-6.
12. Pittaway, A.R. (2021). Sphingidae of the Western Palaearctic (including Europe, North Africa, the Middle East, western Siberia and western Central Asia). <https://tpittaway.tripod.com/sphinx/list.htm>. [Site accessed: July 05, 2021]
13. Pittaway, A.R. & Kitching, I.J. (2021). Sphingidae of the Eastern Palaearctic (including Siberia, the Russian Far East, Mongolia, China, Taiwan, the Korean Peninsula and Japan). <https://tpittaway.tripod.com/china/china.htm>. [Site accessed: July 07, 2021].
14. Scoble, Malcolm J. (1995): The Lepidoptera: Form, Function and Diversity (2-е издание). Издательство Оксфордского университета и Музей естественной истории в Лондоне, 1995. ISBN 0-19-854952-0.
15. Uzokov S. M., Shermatov M. R., Khomidova Z. M. Data on the Biology and Harmfulness of Pests (Insecta) of Apricot Trees in Western Fergana //TJM-Tematics journal of Microbiology ISSN. – 2021. – С. 2277-2952
16. van Nieukerken; et al. (2011). "Order Lepidoptera Linnaeus, 1758. In: Zhang, Z.-Q. (Ed.) Animal biodiversity: An outline of higher-level classification and survey of taxonomic richness" (PDF). Zootaxa. 3148: 212–221. doi:10.11646/zootaxa.3148.1.41.
17. Witt T.J., De Freina J.J. Die Bombyces und Sphinges der Westpalaearktis. Band 1. Edition Forschung & Wissenschaft Verlag GmbH, München. 1990. – 95 p.
18. Zokirov I. I. et al. Phytophagous insects of vegetable and melon agrocenosis of Central Fergana //International Journal of Agriculture, Environment and Bioresearch (IJAEB). – 2020. – Т. 5. – №. 02. – С. 64-71.



**УН – ШУДРИНГ ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЛАРДА ТАРҚАЛИШИ**

Шеркулова Жамила Паяновна,
Эшонкулов Эркин Йўлчи ўғли
Қарши давлат университети
e-mail: j.shirkulova@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё воҳаси манзарали дарахт ва буталарда тарқалган ун-шудринг замбуруғи тарқалиши келтирилган. Тадқиқот натижасига кўра, ун-шудринг замбуруғининг 5 туркуми ва 8 тури учраши кузатилди. Ун-шудринг замбуруғининг *Microsphaera alphitoides* Griffon., *Uncinula ulmi* M.N. Kusnezowa., *Sawadaea bicornis* (Wallr.) Miyabe), *Uncinula adunca* (Wallr.) Lév., *Leveillula leguminosarum* f. *sophorae* (Jacz.) Golovin., *Leveillula bignoniacearum* f. *catalpae* (Teich) Golovin., *Phyllactinia fraxini* (DC.) Fuss. *Erysiphe communis* Grev. f. *robiniae* (Tschern.) Golov каби турлари аниқланди.

Таянч сўз ва иборалар: ун-шудринг, облигат паразит, *Microsphaera*, *Uncinula*, *Leveillula*, *Phyllactinia*, *Erysiphe*.

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ МУЧНИСТОРОСЯНЫХ ГРИБОВ НА ДЕРЕВЬЯХ И
КУСТАРНИКАХ В КАШКАДАРЬИНСКОМ ОАЗИСЕ**

Шеркулова Жамила Паяновна,
Эшонкулов Эркин Йулчиевич
Каршинский государственный университет
e-mail: j.shirkulova@mail.ru

Аннотация: В статье приведены данные о распространении мучнисторосяных грибов на декоративных деревьях и кустарниках Кашкадарьинского оазиса. По результатам исследований нами было выявлено 8 видов (*Microsphaera alphitoides* Griffon., *Uncinula ulmi* M.N. Kusnezowa., *Uncinula adunca* (Wallr.) Lév., *Sawadaea bicornis* (Wallr.) Miyabe), *Leveillula leguminosarum* f. *sophorae* (Jacz.) Golovin., *Leveillula bignoniacearum* f. *catalpae* (Teich) Golovin., *Phyllactinia fraxini* (DC.) Fuss. *Erysiphe communis* Grev. f. *robiniae* (Tschern.) Golov) мучнисторосяных грибов относящихся к 5 родам.

Ключслова: мучнистая роса, облигатный паразит, *Microsphaera*, *Uncinula*, *Leveillula*, *Phyllactinia*, *Erysiphe*.

**DISTRIBUTION OF POWDERY MILDEW FUNGI ON ORNAMENTAL TREES AND
SHRUBS IN THE KASHKADARYA OASIS**

Sherkulova Jamila Payanovna,
Eshonkulov Erkin Yulchievich
Karshi State Universty
e-mail: j.shirkulova@mail.ru

Annotation: This article provided data on the distribution of powdery mildew fungi on ornamental trees and shrubs of the Kashkadarya oasis. According to the research results, we identified 8 species (*Microsphaera alphitoides* Griffon., *Uncinula ulmi* M.N. Kusnezowa., *Uncinula adunca* (Wallr.) Lév., *Sawadaea bicornis* (Wallr.) Miyabe), *Leveillula leguminosarum* f. *sophorae* (Jacz.) Golovin.,



Leveillula bignoniacearum f. catalpae (Teich) Golovin., *Phyllactinia fraxini* (DC.) Fuss. *Erysiphe communis* Grev. *f. robiniae* (Tschern.) Golov of powdery mildew fungi belonging to 5 genera.

Key words: powdery mildew, obligate parasite, *Microsphaera*, *Uncinula*, *Leveillula*, *Phyllactinia*, *Erysiphe*.

Ун - шудринг замбуруғлари замбуруғлар оламининг *Ascomycota*, яъни халтачали замбуруғлар бўлимига мансуб облигат паразитлар бўлиб, ўсимликларнинг барглари, пояси, гуллари ва меваларида ривожланади ҳамда уларда ун-шудринг касаллигини келтириб чиқаради. Касалланган ўсимликларнинг аъзоларида унинг мицелийси худди ун сепилганга ўхшаш оқиш белгилар кўринишида ривожланади. Ун - шудринг замбуруғлари ер шарида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг катта қисми мўтадил минтақага тўғри келади.

Ун - шудринг замбуруғларининг кўп вакиллари қишлоқ хўжалиги экинларида касаллик қўзғатиши сабабли уларни ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ascomycota бўлими *Erysiphaceae* оиласига 19 туркум ва 700 дан ортиқ тур киради ва вакиллари ўсимликларнинг пояларида, гулларида ва меваларининг эпидермис хужайраларида густория ёрдамида кириб паразитлик қилади [1]. *Erysiphales* тартибига мансуб замбуруғларни дарахт ва буталарда тарқалиши [2] ҳақида маълумотлар келтирилган. 2014 йилда Эронда *Robinia pseudoacacia* ўсимлигида ун-шудринг замбуруғини *Erysiphe robiniae* var. *robiniae* тури учраши қайд этилган [3],

Ўзбекистон худудидида ун - шудринг замбуруғлари бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Н. Г. Запрометов (1926, 1928) [4], [5], П. Н. Головин (1949,1956), [6], [7], Т. С. Панфилова, Н. И. Гапоненко (1963) [8], Гапоненко Н.И ва бошқ. [9], Я. С. Солиева (1989) [10], Ш.Г. Камиллов (1991) [11], Ҳ.Ҳ.Нуралиев (1998) [12], Ш. Ю. Ғаффоров (2005) [10] ва бошқа олимлар томонидан табиий флора ўсимликларида учрайдиган *Erysiphales* тартиби вакиллари бўйича микологик тадқиқотлар олиб борилган. Аммо юқоридаги келтирилган илмий натижалар манзарали дарахт ва буталарда тарқалган ун-шудринг замбуруғлари ҳақида тўлиқ маълумот ёритиб бера олмайди.

Тадқиқот методи. 2014-2019 йиллар давомида Қашқадарё воҳасининг айрим шаҳарлари яъни, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳрларида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу худудларда зарарланган ўсимликлардан гербарий намуналари йиғилиб, ЎЗР ФА Ботаника институтининг микология ва аългология ҳамда Қарши давлат университетининг микробиология ва биотехнология лабораторияларида микробиологик ва микологик таҳлиллар қилинди. Замбуруғларни тур таркибини аниқлашда бир қатор услубий дастурлар, аниқлагичлар ва илмий адабиётлардан фойдаланилди [14], [15], [16]. Замбуруғ турларининг замонавий номенклатураси mycobank (<http://www.mycobank.org>) [14] ва хўжайин ўсимликларнинг номлари эса «The plant list» (<http://www.theplantlist.org>) [15] асосида берилди.

Тадқиқот натижалари. Олинган натижалар асосида ун-шудринг замбуруғларнинг 5 туркум, 8 тур ва формага учраши аниқланди. Улар дарахт ва буталарнинг барглари, пояси ва гулларида ривожланиши кузатилди.

УН-ШУ ДРИНГ ЗАМБУРУҒЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХЎЖАЙИН ЎСИМЛИКЛАРИ

Қўзғатувчи замбуруғ	Ўсимлик номи	Касалланган қисми
<i>Microsphaera alphitoides</i> Griffon.	<i>Quercus robur</i> L.	Барги ва пояси
<i>Uncinula ulmi</i> M.N. Kusnezowa.	<i>Ulmus pumila</i> L.	Барг
<i>Sawadaea bicornis</i> (Wallr.) Miyabe).	<i>Acer negundo</i> L.	Барг ва гуллари
<i>Uncinula adunca</i> (Wallr.) Lév.	<i>Salix dahynoides</i> Vill.	Барг
<i>Leveillula leguminosarum</i> f. <i>sophorae</i> (Jacz.) Golovin.	<i>Sophora japonica</i> L.	Барг
<i>Leveillula bignoniacearum</i> f. <i>catalpae</i> (Teich) Golovin.	<i>Catalpa bignonioides</i> Walt.	Барг
<i>Phyllactinia fraxini</i> (DC.) Fuss.	<i>Fraxinus sogdiana</i> Bunge.	Барг
<i>Erysiphe communis</i> Grev. f. <i>robiniae</i> (Tschern.) Golov	<i>Robinia pseudoacacia</i> L.	Барг


1. *Microsphaera alphitoides* Griffon. замбуруғи ҳудуд учун янги тур бўлиб, воҳа ҳудудида кенг тарқалганлиги аниқланди. Ушбу ун-шудринг замбуруғи *Quercus robur* L. ўсимлик турида учраши кузатилади (1-расм). Касалликни *Microsphaera alphitoides* Griffon. замбуруғи қўзғатади. Касалликнинг биринчи белгилари баҳорда ёш баргларда ингичка мицелий ҳосил бўлиши билан бошланади. Касаллик июнь охири ва июль ойининг бошларида яққол кўриниши кузатилади. Бу даврда мева танадан (аскокарп) чиққан халтачалар ва биринчи куртақдан чиқиб касалланган барглардаги ҳосил бўлган конидиялар ҳисобита янги барглар касалланади. Натижада дарахтлар ёшасига қуриб қолади. Йиғилган гербарийлар Қарши 07.07.2014, JРQ001, 03.04.2016, JРQ202, 28.03.2017, JРQ201, 22.05.2017, JРQ160., 24.10.2014, JРQ035. 5.08.2016, JРQ047. Шаҳрисабз, 9.06.2016, JРSh101.



1-расм. *Microsphaera alphitoides* Griffon. – *Quercus robur* L.: а – Эман дарахтининг зарарланган барги; б – аскокарпдан халтаспоранинг чиқиши; в – халтаспоралар ва ўсимталари.

2. *Uncinula ulmi* M.N. Kusnezowa. замбуруғи *Ulmus pumila* L. ўсимлигининг барг юзасида оқиш ғубор доғ кўринишида бўлиб, вақт ўтиши билан доғлар катталашиб боради. Баъзи ҳолларда доғлар барг юзасини бутунлай қоплаб олади. Бу доғлар аста-секин қулранг тусга киради, кейин доғлар қора нуқталар кўринишида аскокарпларни ҳосил қилади. Аскокарпларда халта ва споралари етилади. Қулай шароитда замбуруғ споралари

орқали бошқа ўсимликларга тарқалади. *Uncinula ulmi* M.N. Kusnezowa. замбуруғи қайроғоч дарахтида ун-шудринг касаллигини қўзғатади (2 –расм). Йиғилган гербарийлар Қарши, 24.10.2014, JРQ004. Қарши, 17.10. 2015, JРQ089.



2 -расм. *Uncinula ulmi* M.N. Kusnezowa.–*Ulmus pumila* L.: а,б – ўсимлик барги устидаги аскокарплар; в – аскокарп ва ўсимталари; г – аскокарпдан халталарни чиқиши.

3. *Sawadaea bicornis* (Wallr.) Miyabe). замбуруғи *Acer negundo* L. да учраши аниқланди. Замбуруғ дастлаб ўсимлик баргининг устки қисмида оқ рангдаги доғчалар кўринишида учраши кузатилади (3- а расм). Ун – шудринг билан касалланган ўсимликларнинг барглари юзаси тўрсимон оқиш тусли мицелий билан қопланади. Кейинроқ вақт ўтиши билан мицелий зичлашиб қалинлашади ва баъзида ранги жигарранг тусга киради. Ўсимликнинг касалланган қисмларидаги мицелий юзасида қора нуқталар кўринишидаги ун-шудринг замбуруғининг мева таналари пайдо бўлади.




а

б

3-расм. Ун-шудринг билан касалланган – *Acer negundo* L.: а – *Sawadaea bicornis*; *Sophora japonica* L. б – *Leveillula leguminosarum* f. *sophorae*.

4. *Uncinula adunca* (Wallr.) замбуруғи *Salix dahynoides* Vill., ўсимлик баргида учраши кузатилди. 25.07.2016, JРQ145.
5. *Leveillula leguminosarum* f. *sophorae*, замбуруғи *Sophora japonica* L. да ун-шудринг касаллигини кўзгатади (3.б -расм). Ҳамда *Catalpa bignonioides* Walt. ўсимлигида ҳам учраши кузатилди (2- расм).
6. *Leveillula bignoniacearum* f. *catalpae* (Teich) Golovin. замбуруғи *Catalpa bignonioides* Walt., баргида учраши аниқланди. Қарши, 04.06.2013, JРQ008. Шаҳрисабз, 28.09.2014, JРSh023, Қарши, 03.08.2016, JРQ040.
7. *Phyllactinia fraxini* (DC.) Fuss.) замбуруғи воҳа ҳудудида *Fraxinus sogdiana* Bunge. ўсимлигида учраши кузатилди (4-расм). Қарши, 8.10.2015, JРQ130, 22.09.2016, JРQ 131.



а

б

4-расм. Ун-шудринг *Fraxinus sogdiana* Bunge.: а - некокяришлар;
б – аскокарп ва ўсимталари.

8. *Erysiphe communis* Grev. f. *robiniae* (Tschern.) Golov. замбуруғи *Robinia pseudoacacia* L., ўсимлик баргида учраши кузатилди. Қарши, 12.05.2016, JРQ015.
Шундай қилиб, тадқиқот натижаларида ун – шудринг замбуруғларининг



Қашқадарё воҳасида манзарали *Quercus robur* L., *Ulmus pumila* L., *Acer negundo* L., *Salix dahynoides* Vill., *Sophora japonica* L., *Catalpa bignonioides* Walt., *Fraxinus sogdiana* Bunge. ва *Robinia pseudoacacia* L. каби дарахт ва буталарда 5 туркуми ва 8 тури учраши кузатилади. Улар *Microsphaera*, *Uncinula Phyllactinia*, *Erysiphe*, *Leveillula* туркуми вакиллари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Kirk P M, Cannon PF, Minter DW, Stalpers J.A. Dictionary of the Fungi. (10th ed.) – Wallingford: CABI. 2008. – P. – 221.
2. Sucharzewska E., Dynowska M., Ejdys E. Biedunkiewicz A, Kubiak D. Hyperparasites of *Erysiphales* fungi in the urban environment // Polish journal of natural sciences. 2012. Vol. 27. – №3. – P. 289 - 299.
3. Sharifi K., Davari M., Khodaparast S.A. and Kheirabadi M.B. // A Study on the identification of powdery mildew fungi (Erysiphaceae) in Ardabil landscape, Iran // J. Crop Prot. 2014, 3 (Supplementary):– P. 663-671.
4. Запрометов Н. Г. Материалы по микофлоре Средней Азии. Вып. 10. – Ташкент.: Изд. АНУзССР, 1926. – 36 с.
5. Запрометов Н. Г. Материалы по микофлоре Средней Азии. Вып. 11. – Ташкент.: Изд. АНУзССР, 1928. – 71с.
6. Головин П. Н. Микофлора Средней Азии. Мучнисторосяные грибы Средней Азии. – Ташкент: Изд-во АН Узб. ССР, 1949. Т. I. Вып. I. – 45 с.
7. Головин П. Н. Материалы к монографии мучнисторосяных грибов (сем. Erysiphaceae) в СССР. Роды *Arthrocladia*, *Podosphaera*, *Microsphaera* II Тр. БИН АН СССР сер. II. 1956. – Вып. 10. – 309-365 с.
8. Панфилова Т. С., Гапоненко Н. И. Микофлора бассейны р. Ангрен. – Ташкент.: Фан, 1963. - 168 с.
9. Гапоненко Н.И., Ахмедова Ф.Г., Рамазанова С.С., Сагдуллаева М.Ш., Киргизбаева Х.М. Флора грибов Узбекистана. Т. I. Мучнисторосяные грибы. – Ташкент: Фан, 1983. – 352 с.
10. Солиева Я.С. Микробиоты сосудистых растений Сурхандарьинской области: Автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1989. – 21 с.
11. Камиллов Ш.Г. Микробиоты сосудистых растений Ботанического сада АН Узбекистана им. Ф.Н.Русанова.: Автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1991. – 22 с.
12. Нуралиев Х.Х. Микробиоты сосудистых растений Кашкадарьинской области. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1998. – 18.с.
13. Ғаффоров Ю. Ш. Микробиоты сосудистых растений Наманганской области: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2005 –21 с.
14. Рахимова, Е.В., Нам Г.А., Ермекова Б.Д. Краткий иллюстрированный Определитель Мучнисторосяных грибов Казахстана и приграничных территорий. – Новосибирск, 2014. – С 4-127.
15. Морочковський С.Ф., Зерова М.Я. Визначник грибов України. Т.П., Аскомицети. – Киев, 1969. – 303.с.
12. Журавлёв И.И., Селиванова Т.Н., Черемисинов Н.А. Определитель грибных болезней деревьев и кустарников. – М.: Лесная промышленность, 1979. – с. 5-246.



ЯЙЛОВ ФИТОЦЕНОЗЛАРИ БИОМАССАСИНИНГ БОҚИЛИШ ОМИЛИ ТАЪСИРИДАГИ СИФАТ ВА МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИ

Ражабов Т.Ф., Мардонов Б.К. (СамДУ), Рахимова Т. (ЎзР ФА Ботаника институти), Валиев Ш.А. (СамДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон жануби-ғарбий қисмида жойлашган Қарнобчўл яйловлари ўсимликлар қопламанинг турлар таркиби ва умумий ер устки фитомассасининг боқилиш омили таъсиридаги миқдорий ва сифатий ўзгариш хусусиятлари аниқланган. Илк маротаба шuvoқ-эфемерли-эфемероидли яйловларнинг 4 та деградация даражалари ва 2 хил тупроқ шароитларига боғлиқ равишда биомасса ҳосил қилиш қонуниятлари ўрганилган. Деградация градиенти бўйлаб фитоценозлар таркибида инвазив турлар улущининг ортиши ва яйловларнинг биомасса ҳосил қилиш потенциалининг камайиши қайд этилган. Яйловлардаги деградация жараёнлари тарихан шаклланган узoқ мавсумли шuvoқзорларнинг қисқа мавсумли антропоген яйловларга айланишига сабаб бўлган.

Таянч сўз ва иборалар: чўл яйловлари, ўсимликлар қоплами, деградация, чорва молларининг боқилиши, инвазив турлар, биомасса, Қарнобчўл.

КАЧЕСТВЕННЫЕ И КОЛИЧЕСТВЕННЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ БИОМАССЫ ПАСТБИЩНЫХ ФИТОЦЕНОЗОВ ПОД ВЛИЯНИЕМ ФАКТОРА ВЫПАСА

Ражабов Т.Ф., Мардонов Б.К. (СамГУ), Рахимова Т. (Институт Ботаники АН РУз), Валиев Ш.А. (СамГУ)

Аннотация. В статье определены особенности количественных и качественных изменений видового состава и общей надземной фитомассы пастбищной растительности Карнабчуля расположенного в юго-западной части Узбекистана под влиянием выпаса животных. Впервые изучены закономерности образования биомассы полынно-эфемеро-эфемероидных пастбищ в зависимости от 4-х степеней деградации и 2-х различных почвенных условий. По градиенту деградации отмечено увеличение доли инвазивных видов в составе фитоценозах и снижение способности пастбищ формирование биомассы. Процесс деградации пастбищ привело к превращению исторически сложившиеся долгосезонных полынных пастбищ в краткосезонные антропогенные.

Ключевые слова: пустынные пастбища, растительность, деградация, выпас животных, инвазивные виды, биомасса, Карнабчул.

QUALITATIVE AND QUANTITATIVE CHANGES OF BIOMASS OF RANGELAND VEGETATION UNDER THE IMPACT OF GRAZING FACTOR

Rajabov T.F., Mardonov B.K. (SamSU), Rakhimova T. (Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan), Valiev Sh.A. (SamSU)

Abstract. Current article identifies the characteristics of quantitative and qualitative changes of species composition and net primary production of Karnabchul rangeland vegetation in the south-western Uzbekistan in the condition of livestock grazing. For the first time, the biomass formation of *Artemisia*-ephemeral-ephemeroidal rangelands was studied depending on 4 levels of degradation and 2 different soil conditions. Along the degradation



gradient, an increase in the ratio of invasive species in phytocenoses and a decrease in the biomass formation potential of rangelands have been noted. Degradation processes in rangelands have led to the transformation of historically formed long-season rangelands into short-season anthropogenic ones.

Keywords: desert rangelands, vegetation, degradation, livestock grazing, invasive species, biomass, Karnabchul

Кириш. Ер шари қуруқлик қисмининг 1/3 қисмини эгаллайдиган табиий яйлов экотизимлари сўнгги чорак асрга келиб антропоген характердаги боқилиш омили таъсирида жиддий структуравий ўзгаришларга учраган [1, 2]. Бунинг оқибатида кўп функционал яйлов экотизимларининг барқарорлиги ва уларнинг табиат ва жамиятдаги вазифалари катта хавф остида қолмоқда [3, 4]. Хусусан, экологик жиҳатдан яйлов ўсимликлари биомассасида углерод тўплаш жараёнининг издан чиқиши [5], хўжалик жиҳатидан эса яйловлар ем-хашак ҳосилдорлигининг камайиши ва озукавий қийматининг кескин пасайиш ҳолатлари жадал давом этмоқда [6].

Ўзбекистонда табиий яйловлар мамлакат умумий ер майдонининг қарийб 50 фоизини (21.1 млн.га) эгаллайди. Ушбу майдонларнинг 50-70 фоизи қатор антропоген омилар таъсирида турли даражада деградацияга учраган [7]. Катта майдондаги яйловларнинг кучли антропоген босимга учраганлигига қарамасдан, яйлов ўсимликлар қопламанинг чорва моллари боқилиши таъсиридаги ўзгариш тенденцияларини ўрганишга қаратилган тизимли илмий тадқиқотлар кам сонни ташкил этади. Натижада мамлакат яйловларининг ҳозирги экологик ҳолати, яйлов ўсимликлар қоплами деградациясининг макон ва замондаги қўлами кўп жиҳатдан номаълумлигича қолмоқда [8]. Бутунги кунда иқлим ўзгариши шароитида яйлов фитоценозларининг бундай ўзгариш қонуниятлари, хусусан яйловларда ҳосил бўладиган биомассанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш экологик ва хўжалик нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади.


Мазкур тадқиқот ишининг мақсади Ўзбекистон жануби-ғарбий қисмида жойлашган Қарнобчўл яйловлари мисолида ўсимликлар қоплами фитоценотик кўрсаткичлари, хусусан турлар таркиби ва умумий ер устки фитомассасининг боқилиш омили таъсиридаги миқдорий ва сифатий ўзгариш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Тадқиқотлар олиб борилган Қарнобчўл худуди Турон провинциясининг Қарши-Қарнобчўл ботаник-географик туманига мансуб [9]. Рельефига кўра тўлқинли текислик бўлиб, тахминан 500 минг гектар майдонни эгаллайди [10]. Шимолдан Зирабулоқ-Зиёвуддин паст тоғлари ва жанубдан Қарши чўллари билан чегарадош. Иқлими кескин континентал ва қуруқ бўлиб, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 16,8°C ва ўртача ёгин миқдори йилига 182,6 мм ни ташкил этади. Чўлда 4 тип тупроқлар учрайди: сур-қўнғир, тақирли, шўрхоқ ва бўз тупроқлар [11]. Тарихан шакланган эфемерли шувоқзорлар (*Artemisieta-ephemeroetum*) Қарнобчўлга хос ўсимликлар қопламидир. Аммо сўнгги йилларда чорва молларининг режасиз боқилиши натижасида табиий шувоқзорларнинг катта қисми бутунлай трансформацияга учраб, уларнинг ареаллари кескин қисқарган.

Фитоценозларнинг боқилиш омили таъсиридаги ўзгариш хусусиятларини аниқлашга қаратилган геоботаник тадқиқотлар 2016-2020 йилларда баҳор мавсуми давомида ўтказилди. Бунда турли тупроқ шароитида (сур-қўнғир ва оч тусли бўз)

тарқалган ва турли даражада деградацияга учраган жами 18 та яйлов майдонларида тадқиқотлар олиб борилди (1-расм).

Танланган яйлов майдонларининг деградация даражаси табиий шувоқзорлар турлар таркибида исирик (*Peganum harmala* L.) ва гулсафсар (*Iris songarica* Schrenk) каби кўп йиллик инвазив турларнинг фитоценоздаги улуши ёки зичлигидан келиб чиқиб 4 та синфга, яъни бошланғич, паст, ўрта ва юқори деградация даражаларига ажратилди. Танланган 18 та яйлов майдонлари деградацияга учраш даражасига кўра юқоридаги 4 та синфга тақсимланди. Тадқиқотлар давомида олинган фитоценотик натижалар юқоридаги 4 та деградация даражаларига кўра таҳлил қилинди.



1-расм. Тадқиқот майдонларининг Қарнобчўл худуди бўйлаб жойлашуви (жойнинг баландлик кўрсаткичлари фонида)

Турли даражада деградацияга учраган фитоценозлар ер устки фитомассасининг ҳосилдорлигини аниқлашда анъанавий геоботаник усуллардан фойдаланилди [12].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Сур-кўнғир ва оч тусли бўз тупроқлар шароитидаги яйлов фитоценозларининг таркибий тузилиши, хусусан турлар таркиби чорва молларининг сурункали боқилиши оқибатида кескин ўзгаришларга учраган. Бошланғич инқироз даражасидаги яйлов ўсимликлар қоплами морфологик ва физиогномик жиҳатдан яхши ҳаётчанликка эга эканлиги намоён бўлди. Бундай яйловлар ҳозирги шароитда табиий ҳолатдаги шувоқзорлар сифатида баҳоланиши мумкин. Шунга қарамасдан боқилиш омили таъсирида мазкур фитоценозларда ички ўзгаришлар (масалан, эфемероидлар чим қаватиининг зичлашиши) содир бўлаётганлиги сабабли деградациянинг бошланғич даражаси деб баҳоланди. Бундай майдонлардаги фитоценозларнинг юқориги ярусидан шувоқ (*Artemisia diffusa* Krasch.) доминантлик хусусиятига эга бўлса, қуйи ярусдан эфемероидлардан қорабош (*Carex pachystylis* J. Gay.) ва кўнғирбош (*Poa bulbosa* L.) устунлик қилган. Шунингдек, эфемерлардан *Holosteum umbellatum* L., *Veronica campylopoda* Boiss., *Anisantha tectorum* (L.) Nevski, *Alyssum desertorum* Stapf., *Koelpinia linearis* Pall., *Leptaleum filifolium* (Willd.) DC., *Minuartia meyeri* (Boiss.) Bornm.,



Ziziphora tenuior L. каби ўсимликлар фитоценозлар турлар таркибининг асосини ташкил қилади.

Деградация градиентининг кейинги босқичларига ўтган сари икки хил тупроқ шароитидаги табиий фитоценозларда шувоқ туплар сонининг камайиши ва унинг ўрнини чорва моллари томонидан ейилмайдиган *P. harmala* ва *I. songarica* каби турларнинг эгаллаб бориши боқилиш босимининг ортиб бориши билан рўй берадиган муқаррар алмашинув сифатида намоён бўлди. Юқоридаги инвазив турларнинг муайян маконда тарқалиш эҳтимоли жойнинг тупроқ шароитига бевосита боғлиқлигини кўрсатди. Деградациянинг юқори босқичида сур-қўнғир тупроқларда *I. songarica* мутлақ устунликка эришган бўлса, оч тусли бўз тупроқлардаги фитоценозлар тўлиқ *P. harmala* билан қопланган (2-расм).



2-расм. Юқори даражада деградацияга учраган фитоценозлар чақда – *Peganum harmala*, ўнгда – *Iris songarica* билан қопланган яйловлар

Фитоценозлар структурасининг деградация градиенти бўйича кескин ўзгаришларга учраганлиги уларнинг умумий ер устки биомасса (барча турларнинг кўп йиллик ёғочлашган, бир йиллик яшил ва қуриган қисмлари) захирасининг ҳам бири-биридан сезиларли фарқ қилишига олиб келди. Олинган натижалар фитоценозлар ер устки биомассасининг боқилиш босимининг ортиши билан бир текисда камайганлигини кўрсатди (3-расм).



3 - расм. Турли даражада деградация



га учраган фитоценозларнинг умумий ер устки биомассаси

Сур-қўнғир тупроқли яйловлардаги умумий биомасса захираси деградация градиенти бўйлаб абсолют қуруқ масса ҳисобида гектарига $14,3 \pm 3,3$ дан $9,4 \pm 3,1$ центнерга камайган. Деградациянинг сўнги босқичида ўрта даражада деградацияга учраган яйлов майдонига нисбатан умумий биомасса кўрсаткичининг ортганлиги кузатилади. Бунга сабаб ушбу босқичда *I. songarica* туплар сонининг кескин ортганлиги (гектарига ўртача 27 000 туп) ва зич қошлам ҳосил қилганлиги мос равишда фитоценоз биомассаси захирасининг ҳам ортишига сабаб бўлган.

Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ҳам деградация даражасининг ортиши билан умумий фитоценознинг камайиш ҳолатлари кузатилади (3-расм). Бунда бошланғич босқичдаги ёки нисбатан табиий ҳолатдаги яйловларнинг ер устки фитоценози гектарига қуруқ масса ҳисобида $16,7 \pm 2,1$ центнерни ташкил қилган бўлса, деградациянинг охириги тўртинчи босқичида $6,2 \pm 1,8$ центнерга тушган. Сур-қўнғир тупроқлардан фарқли равишда, оч тусли бўз тупроқлардаги фитоценозларда деградациянинг сўнги босқичида инвазив турларнинг кенг тарқалиши ҳисобига умумий фитоценознинг ортиш ҳолати кузатилмади. Бу ҳолат *P. harmala* туплар сонининг паст кўрсаткичга (гектарига ўртача 6687 туп) эга эканлиги билан изоҳланади.



Юқори даражада инқирозга учраган фитоценозлар билан табиий ҳолатдаги шувоқли фитоценозлар физиогномик жиҳатдан солиштирилганда, иккаласи ҳам нисбатан қалин қошламга эга. Аммо юқори даражада инқирозга учраган майдонларда инвазив турларнинг қалин қошлам ҳосил қилишига қарамасдан улар табиий ҳолатдаги шувоқзорларга нисбатан кам биомасса ҳосил қилган. Инвазив турлар ҳаёт шаклига кўра кўп йиллик ўт ўсимликлар эканлиги ва ёғочлашган қисмга эга эмаслиги умумий фитоценознинг камайишига сабаб бўлган. Деградациянинг бошланғич босқичидаги яйловларда ёғочлашган ўсимлик турлари, хусусан шувоқ фитоценозда доминантлик статусини сақлаб қолгани ушбу майдонларда умумий фитоценознинг юқори бўлишига сабаб бўлган.

Таъкидлаш жоизки, деградацияга учраган яйловлардаги фитоценоз биомассаси кўрсаткичлари мавсумлар давомида турғун характерга эга эмас. Айниқса бу ўзгариш деградациянинг сўнги босқичидаги яйловларда яққол намоён бўлади. Июнь ойига келиб эфемер ва эфемероидлар, август ойида эса *I. songarica* ва *P. harmala* вегетациясини тўлиқ тутатиши ушбу мавсумда фитоценознинг кескин камайишига сабаб бўлади. Айниқса, аҳоли масканлари ва қудуқлар атрофидаги *I. songarica* билан қопланган майдонларда ёз мавсумининг охирида ушбу ўсимлик ер устки қисмининг бутунлай қуриши ва чорва моллари томонидан пайҳон қилиниши сабабли фитоценоз биомассаси захираси 90-95% га камаяди.

Олинган натижалар деградация яйловлар озукавий қийматига ҳам кескин таъсир ўтказганини кўрсатди. Яйловларда шувоқ ва инвазив турлар (исирик ва гулсафсар) бир йиллик яшил массасининг деградация градиенти бўйича ўзаро улуши яйлов сифатини белгилаб берувчи муҳим фитоценоз кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сур-қўнғир тупроқли яйловларда шувоқнинг бир йиллик ейилувчан яшил қисми деградациянинг бошланғич даражасида умумий яшил массанинг 46,3 фоизини ташкил қилган бўлса, деградациянинг сўнги босқичига келиб 2,0 фоизга тушган. Шунга ўхшаш ҳолат оч тусли бўз тупроқларда ҳам кузатилиб, деградациянинг бошланғич ва юқори босқичларида шувоқ яшил массаси мос равишда 66,1% ва 0,1% ни ташкил қилган (4-расм). Бунга тескари

тарзда деградация даражаларининг ортиши билан инвазив турлар яшил массасининг улуши икки хил тупроқ шароитида ҳам кескин ортиб борганлиги кузатилди.

Эфемер ва эфемероидлар биомассасининг деградация градиенти бўйича бир текисда ўзгариши кузатилмаган бўлсада, умумий жиҳатдан деградация даражасининг ўрта босқичларида биомассанинг ошганлиги ва юқориги босқичларда эса камайганлигини кўриш мумкин. Дала шароитида бир неча йиллар давомида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, боқилиш даражасининг ортиши кўнғирбош ва қорабош чим қатламининг қалинлашиши ёки зичлашишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, эфемероидлар ер устки массасининг ҳам ортишини таъминлайди. Боқилиш даражаси юқори бўлган майдонларда эса, айниқса суғориш қудуқларидан 400-500 м радиусдаги майдонларда тупроқнинг чорва моллари туёқлари таъсирида кескин зичлашиши чим қаватининг сийраклашишига олиб келади.



4

расм. Фитоценозлардаги доминант турлар бир йил

ик яшил биомассасининг деградация градиенти бўйича ўзгариши

Тарихий тажрибага кўра, шувоқ-эфемерли-эфемероидли яйловлардан йил давомида фойдаланиш имконияти мавжуд [10]. Аммо, тарихан шаклланган мазкур тизим бутунги кунга келиб деградация оқибатида буткул издан чиққан. Деградацияга учраган яйловлардан эфемер-эфемероидлар ҳисобидан фақатгина баҳор мавсумида фойдаланиш мумкин бўлса, куз-қиш фаслларига келиб шувоқнинг йўқолиши сабабли бундай яйловлар бутунлай яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Бутунги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, яйлов фитоценозлари таркибидан шувоқнинг йўқолиши чўл-йайлов чорвачилигида мураккаб давр бўлган куз-қиш мавсумларида жиддий ем-хашак тақчиллигини келтириб чиқармоқда.



Хулоса

Тадқиқот майдонларида кузатилаётган деградация жараёнлари табиий шувокзорлар фитоценотик структурасининг регрессив ўзгаришларига сабаб бўлган. Чорва молларининг сурункали боқилиши оқибатида фитоценозлар таркибидаги тарихан шаклланган абориген ўсимликлар ўрнини инвазив турлар эгаллаган. Деградация оқибатида яйлов экотизимларида фитоценозларнинг биомасса ҳосил қилиш қобилияти кескин пасайган. Бу эса бутунги кунда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишда муҳим саналган яйловларнинг углерод секвестрацияси потенциални камайишига сабаб бўлган деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, инқироз даражасининг ортиб бориши яйловлар озуқавий қийматининг пасайишига ва яйловлардан мавсумий фойдаланиш тизимининг издан чиқишига олиб келган. Натижада узоқ мавсумли шувок-эфемерли яйловлар қисқа мавсумли антропоген яйловларга айланган. Яйловларда вужудга келган бундай мураккаб вазият катта эҳтимол билан республикамизнинг бошқа яйлов ҳудудларига хос эканлигини ҳисобга олсак, яйловлардан тизимли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш экологик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Millennium Ecosystem Assessment. Ecosystems and human well-being: biodiversity synthesis. World Resources Institute, Washington DC. 2005, – 153 p.
2. Eldridge D.J., Poore A.G., Ruiz-Colmenero M., Letnic, M. & Soliveres S. Ecosystem structure, function, and composition in rangelands are negatively affected by livestock grazing. *Ecological Applications*, 2016, Issue 26, – P. 1273-1283.
3. Bedunah D.J., Angerer J.P. Rangeland Degradation, Poverty, and Conflict: How Can Rangeland Scientists Contribute to Effective Responses and Solutions? *Rangeland Ecology and Management*, 2012, Issue 65, – P. 606-612.
4. Godde C.M., Boone R.B., Ash A.J., Waha K., Sloat L.L., Thornton P.K. and Herrero M. Global rangeland production systems and livelihoods at threat under climate change and variability. *Environmental Research Letters*, 2020, Issue 15, 044021 <https://doi.org/10.1088/1748-9326/ab7395>
5. Ingram L.J., Stahl P.D., Schuman G.E., Buyer J.S., Vance G.F., Ganjegunte G.K., Welker J.M., Derner, J.D. Grazing impacts on soil carbon and microbial communities in a mixed-grass ecosystem. *Soil Science Society of America Journal*, 2008, Issue 72, – P. 939–948.
6. Mirzabaev A., Ahmed M., Werner J., Pender J., Louhaichi M. Rangelands of Central Asia: challenges and opportunities. *Journal of Arid Land*, 2016, Issue 8, – P. 93-108.
7. Раҳимова Т., Шомуродов Ҳ.Ф., Воҳидов Ю.С., Адилов Б.А., Раҳимова Н.К., Майинов Ш.Қ. Ўзбекистон чўл яйловларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш: монография. – Тошкент: “Наврўз”, 2018. – 180 б.
8. Rajabov T.F, Ramsey D.R., Mardonov B.K., Nasirov M.G., Rakhimova T., Valiev Sh.A. Sensitivity of Landsat 7&8 Derived Vegetation Indices on Semi-Arid Rangelands of Southwestern Uzbekistan. *Journal of Geocarto International*. 2020, <https://doi.org/10.1080/10106049.2020.1723715>
9. Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область. Тожобаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Кодиров У.Х., Батопов А.Р., Мирзалиева Д.У. – Ташкент: Издательство «FAN» АН РУз., 2018. – 220 с.



10. Гаевская Л.С. Каракулеводческие пастбища Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1971. – 322 с.
11. Генусов А.З., Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Почвенно-климатическое районирование Узбекистана в сельскохозяйственных условиях. – Ташкент: Уз АСХН, 1960. – 118 с.
12. Методические указания по геоботаническому обследованию естественных кормовых угодий Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1980. – 170 с.



05.00.00

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES**

**ГОРИЗОНТАЛ ШПИНДИЛЛИ ПОНАСИМОН ТАСМА ЮРИТМАЛИ
ПАХТА ТЕРИШ АППАРАТИ**

Тоғаев Хўжамберди

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

Tel: +99893 306-00-94 Email: togaev1234@mail.ru

Игамбердиев Холмурод Хайдарович

Жиззах политехника институти, техника фанлари номзоди, доценти

Tel: +99897 328-22-90 Email: igamberdiev1953@mail.ru

Соатов Анвар Махкамович

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

Tel: +99897 523-88-37 Email: a.soatov62@mail.ru

***Аннотация:** Маколада горизонтал шпинделли “КЕЙС 2022” горизонтал шпинделли пахта териш аппарати конструкцияси тадқиқоти натижалари , унинг юритмасини такомиллаштириш буйича тавсиялар ва понасимон тасмали юритмани куллашнинг иктисодий самарадорлиги хақидаги фикрлар баён килинади.*

***Калит сўзлар:** пахта, шпиндел, вертикал шпиндел, пахта териш аппарати, подшипник, барабан, диск, прокладка, қабул камераси, секторсимон пластинкалар*

**ХЛОПКОУБОРОЧНАЯ МАШИНА С ГОРИЗОНТАЛЬНЫМ ШПИНДЕЛЕМ И
РЕМЕННЫМ ПРИВОДОМ**

Тоғаев Хўжамберди

Старший преподаватель Джизакского политехнического института

Tel: +99893 306-00-94 Email: togaev1234@mail.ru

Игамбердиев Холмурод Хайдарович

Кандидат технических наук, доцент Джизакского политехнического института

Tel: +99897 328-22-90 Email: igamberdiev1953@mail.ru

Соатов Анвар Махкамович

Старший преподаватель Джизакского политехнического института

Tel: +99897 523-88-37 Email: a.soatov62@mail.ru

***Аннотация:** В статье излагаются мысли по результатам исследований конструкции горизонтально-шпиндельного хлопкоуборочного аппарата “КЕЙС 2022”, совершенствования привода хлопкоуборочного аппарата и экономической эффективности применения клиноременной передачи.*

***Ключевые слова:** хлопчатник, шпиндель, вертикальный шпиндель, хлопкоуборочная машина, подшипник, барабан, диск, прокладка, приемная камера, секторные пластины.*



COTTON PICKER WITH HORIZONTAL SPINDLE AND BELT DRIVE

Togaeyv Hujamberdi

Senior Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute

Tel: +99893 306-00-94 Email: togaev1234@mail.ru

Igamberdiev Kholmurod Khaidarovich

Candidate of Technical Sciences, Associate Professor of the

Jizzakh Polytechnic Institute

Tel: +99897 328-22-90 Email: igamberdiev1953@mail.ru

Соатов Анвар Махкамович

Senior Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute

Tel: +99897 523-88-37 Email: a.soatov62@mail.ru

Abstract: *The article presents thoughts on the results of studies of the design of the horizontal-spindle cotton picker "CASE 2022", the improvement of the drive of the cotton picker and the economic efficiency of the use of V-belt transmission.*

Key words: *cotton, spindle, vertical spindle, cotton picker, bearing, drum, disk, gasket, receiving chamber, sector plates.*

1937-38 йилларда Розенблум томонидан яратилган вертикал шпинделли пахта териш аппаратининг ҳамма имкониятлари ишга солиб қурилди, энди унда бирор янгилик яратишнинг йўли қолмади. Унинг асосий камчилиги, лўнда қилиб айтганда, кўсақдан пахтани эркин танлаб эмас, балки, сиқиб сидириб (юлиб) олишидир. Бунда биринчи навли атиги 15-20 фоизни ташкил етади. Шу сабабли бу пахта териш машинаси ишлаб чиқаришдан бутунлай олиб ташланди.

Бутун Ўзбекистон халқининг хозирги кунда: "пахтани қойилмақом қилиб терадиган машина бизда яратилар экан?", деган савол қизиқтирмоқда. Чунки Америкадан келтирилаётган "Жон-Дир" русумли пахта териш машинасининг нархи анча баянд (135–160 минг доллар). КЕСС 2022 русумли пахта териш машинасининг нархи ҳам бизнинг пул билан 23 миллион сўм атрофида туради. Ушбу саволга аниқроқ жавоб бериш учун баъзи далил ва амалий мулоҳазаларга мурожаат қиламиз.


Америкадан келтирилаётган пахта териш машиналари териш аппаратининг асосий камчилиги, унинг шпиндилларига 1152 та конуссимон тишли ғиддиракли юритма орқали ҳаракат узатилганлиги туфайли териш аппарати оғир ва конструкцияси мураккаб. Шунингдек шпинделларга ўралган пахтани ажратиб олиш тизими сувли қурилма воситасида бўлганлиги терилган пахта толаларининг сунъий равишда ортиқча намланишга олиб келади.

Қуйида ана шу Америкадан келтирилаётган 2022 CASE DR 97 В 035 Рас 9–793 русумли "Жон-Дир" горизонтал шпинделли, конуссимон тишли ғиддиракли юритмали териш аппаратининг ўта қиматбаҳо ва мураккаблигини бартараф қилувчи оддий тасмали узатма билан ишлайдиган арзон ва содда конструкцияли горизонтал шпенделли пахта териш аппарати ҳақида сўз юритилади.


Тавсия қилинаётган пахта териш аппаратининг схема ҳолатидаги кўриниши 1–расмда тасвирланган, 2–расмда териш аппаратининг ён томондан қурилиши қисман кесиб тасвирланган, 3–расмда унинг кесим билан ифодаланган устки томондан кўриниши ва 4–расмда эса бир жуфт барабаннинг ишлаш технологик схемаси тасвирланган.

Пахта териш аппарати (1-расм) барабан 1, унинг айланаси бўйича горизонтал жойлашган шпинделлар 2, ажраткич 3, қабул камераси 4 лардан иборат.


Шпинделлар 2 барабан 1 да унинг айланаси бўйича қўйилган вертикал устун (стойка)лар 5 га ўрнатилган (2-расм). Вертикал стойка 5 ларнинг юқориги қисмида юқориги диск 6, қуйи қисмида эса пастки диск 7 лар прокладка 9 ёрдамида болтлар 8 орқали ўрнатилган. Барабанларнинг юқориги диск 6 билан бирга айланиши учун унга цилиндрсимон тишли гидирак 10 болтли бирикма 11 лар ёрдамида маҳкамланган. Барабан 1 вертикал қўзғалмас ўқ 12 га юқориги 13 ва пастки 14 думаланиш подшипниклар ёрдамида ўрнатилган. Барабан 1нинг ўқи бўйлаб пастга силжишини баргараф қилиш учун подшипник 14 нинг пастки қисмида хомутли таянч 15 қаттиқ маҳкамланган, бунинг учун ўқ 12 га доиравий ариқча (кановка) 16 очилган (А кўринишга қаранг).



1-расм.



2-расм.



3-расм.


Ўқ 12 да вертикали бўйича пружинали пўлатдан тайёрланган икки қаторли ўқ 17 (пахтани териш зонасида) ва чап 18 (пахтани ажратиш олиш зонасида) секторсимон пластинкалар қилинган. Секторсимон пластинкалар 17 ва 18 нинг ҳар иккала қатори шпендиллар 2 нинг айланишини таъминловчи понасимон тасмали колодкалар 19 ва 20 билан таъминланган, шунингдек шпендиллар 2 ни ишчи зонасида барабанга нисбатан тескари айлангириши учун понасимон колодка 19 лар ўнг томондаги секторсимон пластинкалар 17 пастки сиртига, аксинча шпендиллар 2 ни пахтани ажратиш зонасида тескари томонга айлангириб ечиб олиш учун эса понасимон колодка 20 лар чангаги секторсимон пластинкалар 18 нинг юқориги сиртига монтаж қилинган, секторсимон пластинка 17 ва 18 ларнинг ишончилигини таъминлаш учун юқориги ва пастки учбурчакли таянч 22 ва 23 лар қилинган.

Тавсия қилинаётган пахта териш апаратининг ишлаш принципи қуйидагича:

Машина пахта даласи бўйлаб гўзалар орасидан ҳаракатланганда, териляётган қаторлардаги гўза шохлари териш апаратининг ички зонасига гўза шохларини

йўналтиригич мосламалар билан йўналтирилади, бунда харакатлантирувчи ролик 21 лар секторсимон пластинка 17 нинг пастки сиртида ўрнатишга понасимон тасмали колодка 19 орқали ўтиб барабан 1 нинг айланиш йўналишига қарши томонга айланади ва тишлари кўрақдаги очилган пахталарни ўзига ўраб олади. Шундан сўнг барабан 1 айланиб ўзига пахтани ўраб олган шпендил 2 ларни ишчи (териш олиш) зонасидан ажратиш зонасидаги ажраткич чётка 3 ларга олиб боради. Унгача чапдаги секторсимон пластинка 18 ларнинг юқориги сиртига ўрнатишга понасимон тасмали колодка 20 лар орқали ўтиб ўзининг айланиш йўналишини тескари томонга ўзгартиради ва бунда энди ишчи зонага шпендел 2 лар тишларига ўралган пахталарнинг ечилиш жараёни содир бўлади ва ажраткич 3 лар уларни осонгина ажратиш олиб қабул камераси 4 га узатади, шундан сўнг пахталар хаво вентеляторлари ва трубалари орқали машина бункерига узатилади.

Америкадан келтириладиган ўта мураккаб ва қимматбаҳо конуссимон тишли узатмали горизонтал шпенделли пахта териш апарати ўрнига тавсия этиладиган содда, арзон ва енгил понасимон тасмали юритмали териш апаратини қўллаш, соддалиги тайёрлашнинг арзонлиги, ишлатишга қулайлиги билан пахта териш машиналари шажарасидаги янги йўналиш бўлишидан ташқари, Америкадан келтириладиган қимматбаҳо пахта териш машиналарига сарфланадиган бир-неча миллиардлаб пул иқтисод қилинади.



4-рasm.

Фойдаланилган манбалар:

1. Хлопкоуборочная машина 2022 CASE DR 97B 035 Рас 9 – 7930. Руководство по эксплуатации. США, 1997.
2. Тоғаев Х, Бердибеков П.Х., Давиров Х.М. Дастлабки патент. UZ, IDP 04830 В 7А 01D 46/08, 46/16. Горизонтал шпинделли пахта териш апарати. 1999й. Тошкент.
3. Тоғаев Х, Рашидов Н.Р., Бердибеков П.К., Игамбердиев Х.Х. Горизонтал шпинделли пахта териш апарати. Дастлабки патент № IAP 02962. 2005.30.12, Тошкент.



08.00.00

**ИҚТИСОДИЁТ ФАHLАРИ
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES**

**ECONOMIC GROWTH AND TECHNOLOGICAL PROGRESS: EVIDENCE FROM
UZBEKISTAN**

Ahmadxon Azibayev

ORCID: 0000-0002-4431-3151

Faculty of Mathematics, Namangan State University
Uychi str.316, Namangan, 160136, Uzbekistan

***Abstract:** This paper aims to explain what how human capital, technological advancements and capital stock might affect economic growth of a country. The research uses regression analysis in order to explain the causes of economic growth in Uzbekistan. The author comes to conclusion that Uzbekistan should invest in human capital as well as new technologies in order to provide economic growth in the long-run.*

***Keywords:** economic growth, GDP, Solow, labour force, population growth, depreciation, capital stock, technological progress*

**ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ И ТЕХНИЧЕСКИЙ ПРОГРЕСС: НА ПРИМЕРЕ
УЗБЕКИСТАНА**

Азибаев Ахмаджон

НамГУ

ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ ВА ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ: ҶЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА

ORCID: 0000-0002-4431-3151

Faculty of Mathematics, Namangan State University
Uychi str.316, Namangan, 160136, Uzbekistan

Section 0: Introduction

As is known, economic growth is an increase in the production of goods and services, measured from one period of time to another. It can be measured in nominal or in real terms by adjusting variables for price inflation. Aggregate economic growth is usually measured in terms of gross national product (GNP), gross domestic product (GDP) or national income.

The aim of this research is to explain the economic growth patterns of Uzbekistan using the Solow-Swan model [1].

The rest of the article is organized as follows. Section 1 is devoted to literature review. Section 2 puts forth the Solow-Swan model and outlines its mathematical foundations. Then in Section 3 we describe in detail the research method with all modifications and assumptions we have made in order to build our model. Finally, in Section 4 we present the conclusions.

This research is conducted using the time series covering a period from 1996 to 2019.

Section 1: Literature review



The Solow growth model explains how saving, population growth, and technological progress affect the level of an economy's growth over a time period [2]. The model tries to explain the reasons why countries differ in economic growth patterns [3]. Some analysts are of the opinion that the Solow model can be applied only to modern industrial economies and, therefore, cannot be used to explain the economic growth of preindustrial economies. Hansen and Prescott [4] state that "...most of the existing literature on economic growth is consistent with features of modern industrial economies, but inconsistent with the growth facts describing pre-industrial economies. This includes both models based on exogenous technical progress, such as Solow's, as well as more recent models with endogenous growth like Romer and Lucas⁸". The authors have presented a growth theory that can be applied to both pre-industrial and industrial economies¹⁰. Merter [5] attempts to measure growth assuming the concave production possibility frontier and a Solow-neutrality (which is not compatible with the steady-state condition in growth dynamics).

Chatzarakis & Persefoni [6] conduct a comparison between Solow's growth model with Marx's schemes of expanded reproduction. In their research they argue that "Solow's model lacks the crucial dynamic features of capital accumulation derived from the long-term movement of the rate of profit, which are well integrated in classical political economy".

Syntenko & others [7] have performed a research in order to build a model using the Solow model by performing a regression analysis on the Ukrainian economy. In their research they develop an algorithm for performing regression analysis on data using MS Excel. Tolmachev & others [8] attempt to construct a macroeconomic growth model of the Russian economy by introducing some modifications to the Solow model. Our model comprises four discrete-time econometric equations. Here the labor force dynamics are assumed to comply with the Beverton-Holt model. The authors come to conclusion that the role of human capital is immense in future economic growth (and this view is consistent with the conclusions presented in this paper).

Kulikov [9] shows the existence of periodic solutions that can describe the periodic cycles in the market economy by applying the modern theory of dynamical systems with an infinite-dimensional space of initial conditions.

Xie & Yang [10] attempt to create a unified growth model to study the transition from the Solow economy (which only uses labor and physical capital in production) to the Becker-Lucas economy (which uses an additional new accumulative factor, human capital in production). Their results reveal that the transition might happen due to the efficiency improvement from human capital accumulation. Cayssials & Picasso [11] have modified the Solow model by reformulating the dynamics of the endogenous population growth. Here, the population growth rate is dependent upon per capita consumption.

Section 2: Foundations of the Solow–Swan model

⁸ Lucas, Robert E. (1988): "On the Mechanics of Economic Development", *Journal of Monetary Economics*, 22, 3–42.

⁹ Please visit for more details:

www.econ2.jhu.edu/people/ccarroll/Public/LectureNotes/Growth/LucasGrowth.pdf

¹⁰ Hansen and Prescott have demonstrated their theory in the context of the overlapping generations model created by Diamond [14].



The Solow–Swan model is a neoclassical economic model designed to estimate long-run economic growth. The model is used to explain long-run economic growth and accounts for capital accumulation, labor force growth, and productivity¹¹. The model is also known as a neoclassical version of the Keynesian Harrod-Domar model. In the Solow-Swan model, it is assumed that factor markets clear and output of every period is determined by the available supplies of capital and labor. Saving and investment are assumed an exogenous fraction of total income. The labour force is assumed to increase at a constant rate. However, as mentioned above, the labour force variable can be modeled in different ways. It should be mentioned that the Solow-Swan model does take into account the flows and stocks of savings and of capital. That is, Solow’s model accounts for the fact that the initial capital stock is increased (or decreased) by an amount equal to the difference between gross investment and fixed assets’ depreciation within two periods¹². The output in the model is regarded as evolution of income (output) per worker and therefore attempts to explain how ‘the wealth of nations’ is created [12].

The Solow–Swan model¹³ [13] consists of 2 independent variables. Goods and services (that is, output) are supposed to be produced using two factors of production, namely, labor (L) and capital (K).

$$Y(t) = K(t)^\alpha (A(t)L(t))^{1-\alpha} \tag{A}$$

Here, t denotes time, and $\alpha \in (0,1)$ is an elasticity of output with respect to capital, and $Y(t)$ represents the output produced in an economy. A denotes labour effectiveness which is in return dependent upon “knowledge” (available for labour force in an economy). The initial values of the factors mentioned are set to $A(0)$, $K(0)$ and $L(0)$. If we assume the number of labor and the “knowledge” (e.g., technology) increase at constant rates n and g , respectively, in result we get the following 2 equations:

$$L(t) = L(0)e^{nt}, \quad A(t) = A(0)e^{gt} \tag{B}$$

Therefore, the number of effective units of labor (that is, $A(t)L(t)$), will grow at rate $(n + g)$:

$$A(t)L(t) = A(0)L(0)e^{(n+g)t} \tag{C}$$

Бироқ коррупцияга нисбатан ижобий муносабат ҳам учрайди: «Коррупцияни қонун ривожини суст бўлган жойларда қонун устунлигини фойдали алмаштириш деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, коррупцион фаолиятдан фойда – у амалга оширишга имкон берадиган кўшимча унумли трансакциялар натижасида яратиладиган қиймат – харажатлардан катта бўлиши мумкин. Бундай вазият эҳтимоли бизнес билан шуғулланиш учун қонуний имкониятлар жуда чекланган ҳолатларда энг юқори бўлади», - шундай ҳисоблайди Канзас университети бизнес кафедрасининг профессори, иқтисодчи Дуглас Хьюстон.

Коррупцияни лоббизмдан фарқлай олиш лозим. Лоббида мансабдор шахс ҳам ўз хизмат ваколатларидан белгиланган гуруҳ манфаатларидаги ҳаракатлар эвазига лавозим пиллапояси бўйлаб ҳаракатланиш ёки тайинланиш имкониятини ошириш учун фойдаланади. Асосий фарқ шундаки, лоббизм учта шартга жавоб беради[1].

Мансабдор шахсга таъсир этиш жараёни рақобатли характерга эга бўлиб, барча қатнашчиларга маълум бўлган қоидаларга риоя қилади.

1. Сир тутилган ёки кўшимча (иккинчи даражали) тўловлар мавжуд эмас.
2. Мижозлар ва агентлар бир-биридан шу маънода мустақилки, ҳеч қандай гуруҳ бошқа гуруҳ ишлаб топган фойдадан улуш олмайди.

Бироқ айрим тадқиқотчилар лоббизмни коррупциянинг таркибий қисми деб ҳисоблайди, холос[2].

Коррупциянинг энг хавфли шакллари оғир жиноятлар сифатида баҳоланади. Улар қаторига, энг авало, қонунга хилоф равишда сарф этилган пул (растрата) ва пора киради. Растрата мансабдор шахсга ишониб топширилган ресурсларни шахсий мақсадларда сарфлашдан иборат. У оддий ўғрилиқдан шуниси билан фарқ қиладики, шахс дастлаб ресурсларни тасарруф қилишга қонуний ҳуқуқни қўлга киритади: бошлиқдан, мижоздан ва ҳ.к. Пора коррупциянинг бир тури бўлиб, бунда мансабдор шахснинг ҳаракатлари унга белгиланган фойда тақдим этиш эвазига юридик ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатишдан иборат. Аксарият ҳолларда агар пора бериш тамагирликнинг оқибати бўлмаса, асосий фойдани пора берувчи олади[3]. Қаттиқ жиноятлар қаторига, шунингдек, сайловчилар овозини сотиб олиш ҳам киради (гарчи айримлар уни коррупциянинг бир шакли эмас, ҳалол бўлмаган сайлов кампанияси тури деб ҳисобласада). Коррупция кўпинча ҳукуматни куч ишлатиб алмаштиришга даъватлар учун сабаб бўлади. Бунда айбловлар кўпинча фақат муайян сиёсатнинг энг яхши намоёндаларига эмас, бутун сиёсий тизимга нисбатан қўйилади.



Оскар Ариас Санчеснинг қайд этишича, авторитар режимлар ҳукумат суиистеъмолларнинг аксариятини муваффақият билан яширишга қодир, шундай экан, уларнинг коррупцияга берилганлиги ҳақидаги хулосабилвосита гувоҳликларни ва бутун жамият учун ҳалокатли оқибатларни таҳлил қилиш асосида чиқарилади. Аксинча, демократик режимларда коррупция кўпинча кенг ошкор қилинади ва жиддий зиён етказишидан олдин тўхтатилади. Бироқ вақти-вақти билан рўй берадиган можаролар фуқароларда мамлакатда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир этиш қобилиятига шубҳа уйғотади ва демократиядан кўнгли қолади[4].

Эмпирик маълумотларнинг кўрсатишича, коррупция қуйидагиларга сабабчи бўлади:

- давлат маблағлари ва ресурсларини самарасиз тақсимлаш ва сарфлаш;
- мамлакат иқтисодийи нуқтаи назаридан коррупцион молиявий йўқотишлар самарасизлиги;
- солиқ органлари солиқларнинг бир қисмини ўзлаштириб олган ҳолларда солиқларнинг йўқотилиши;
- қўйиладиган тўсиқлар туфайли вақт йўқотилиши, давлат апаратыда иш самарадорлигининг пасайиши;
- хусусий тадбиркорларнинг хонавайрон бўлиши;
- малакали кадрларнинг бошқа мамлакатларга кетиб қолиши;
- ишлаб чиқаришга инвестициялар пасайиши, иқтисодий ўсишнинг пасайиши;
- ижтимоий сервис сифатининг пасайиши;
- ривожланаётган мамлакатларга халқаро ёрдамдан мақсадли йўналишда фойдаланмаслик, бу унинг самарадорлигини кескин тушириб юборади;
- шахслар қобилиятларидан самарасиз фойдаланиш: моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўрнига одамлар унумсиз рента излашга вақт кетказиб ўтиради;
- ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши;
- уюшган жиноятчиликнинг кучайиши – «банда»лар «мафия»га айланади;
- ҳукуматнинг сиёсий қонуний ҳуқуқларига путур етиши;
- жамиятда одоб-ахлоқ пасайиб кетиши[5].

Коррупция кучли бўлган бюрократик апаратларда давлат ресурсларининг катта қисми онгли равишда уларни талон-тарож қилиш осон бўлган ёки пора тўплаш осон бўлган каналларга йўналтирилади. Ҳукмрон элита сиёсати коррупция устидан назорат механизмларини – матбуот эркинлиги, оид суд тизими, рақобатлашувчи элиталар (оппозиция) ва шахсларнинг мустақиллигини босишга йўналтирилган бўлади. Масалан, айрим кишиларнинг таъкидлашича, одам хулқ-атвори ва ташқи кўриниши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун пора тама қилиш мақсадида бу кишини тўхтатишга сигнал ҳисобланадиган ҳолатлар мавжуд.

Коррупцияга чидаб бўладиган муносабатда бўлиш мумкин деган нуқтаи назар ҳам мавжуд. Бир далилга мувофиқ, кўплаб мамлакатлар (Индонезия, Таиланд, Корея) тарихида иқтисодий ва коррупция бир вақтда ўсган даврлар кузатилган. Бошқа бир далилга кўра эса, порахўрлик фаолият юриштишнинг бозор тамойилларини давлат ва муниципал структураларда амалга ошириш, холос. Шундай қилиб, коррупцияга чидаса бўладиган муносабатда бўлишиқтисодий «бум» шароитларида ёки у бутун бозор самарадорлигига таъсир этмагунга қадар йўл қўйилиши мумкин. Ушбу нуқтаи назар



танқидчилри санаб ўтилган сабаблар туфайли коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатлар ўсиш давридан кейин барқарорликни йўқотиши ва қуйи томон шўнғиши мумкин деб эътироз билдирадilar[6].

Коррупция мавжудлигини идрок қилиш жаҳон харитаси, 2005 й. тўқ сариқ ранг уларнинг аҳолиси рақобат даражаси юқори деб ҳисоблайдиган мамлакатларга, яшил ранг эса – коррупция даражаси паст деб ҳисоблайдиган мамлакатларга мос келади. Ҳозирги кунда педагогика ва менежментда инсон идеал амалдор бўлишини кафолатлайдиган усуллар маълум. Бироқ коррупция даражаси жуда паст бўлган кўплаб мамлакатлар мавжуд. Бундан ташқари, тарихдан коррупция даражасини пасайтиришга қаратилган ҳаракатлар катта муваффақиятга олиб келган мисоллар маълум: Сингапур, Гонконг, Португалия, Швеция. Бу эса коррупцияга қарши кураш усуллари мавжуд эканлиги фойдасига хизмат қилади.

Расмий нуқтаи назардан, агар давлат бўлмаса – коррупция ҳам бўлмайди. Давлатнинг кўплаб функциялари жиддий асосларга эга бўлиб, тугатилиши мумкин эмас: масалан, барча солиқларни бекор қилиш йўли билан солиқ органларида коррупцияга қарши курашиб бўлмайди[6]. Лекин шунга қарамай, коррупция деярли ҳар бир жойда кенг тарқалган шароитларда коррупцион ҳукумат органларини тарқатиб юбориш ундан халос бўлишнинг энг амалий натижа берадиган кескин усулларида ҳисобланади.

Ҳукумат органларини тарқатиб юборишдан ташқари, коррупцияни пасайтиришнинг учта ёндашуви мавжуд[7]. Биринчидан, қонунлар ва уларни ижро этиш талабчанлигини ошириш, шу тариқа, жазолаш рискинни ошириш мумкин. Иккинчидан, мансабдор шахсларга қонун ва қоидаларни бузмаган ҳолда ўз даромадларини ошириш имконини берадиган иқтисодий механизмлар яратиш мумкин. Учинчидан, бозорлар ва рақобатнинг ролини кучайтириш, шу тариқа коррупциядан потенциал фойда олиш ҳажминини пасайтириш мумкин. Бу қаторга, шунингдек, айрим давлат органларининг бошқа органлар функцияларини такрорлаши шартларида давлат хизматлари тақдим этишдаги рақобат ҳам киради. Ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган усулларнинг аксарият ички ёки ташқи назорат механизмлари қаторига киради.

Хулоса қилганда, давлат коррупцияга барҳам бериши билан коррупцияга қарши кураш харажатлари шунчалик ўсадики, коррупцияни тўлиқ тугатишга чексиз харажатлар сарфлашга тўғри келади. Коррупциядан кўриладиган йўқотишлар ва коррупцияга барҳам бериш харажатларини таққослаб, энг кам умумий йўқотишларни акс эттирадиган коррупция оптимал даражасини аниқлаш мумкин. Маълум бўлишича, жамият учун бу жараён харажатлари жуда катта эканлиги сабабли коррупцияни охиригача яқсон қилмаган кўпроқ фойда келтиради. Бироқ коррупция билан курашга сарфланган маблағларнинг кейинги самарадорлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Адабиётлар:

1. Jain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71.
2. Заграевский С. В. О возможных способах борьбы с коррупцией в России
3. Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. — 1997. — Vol. 25. — P. 1320.
4. Ариас Санчес, О. Предисловие // Основы борьбы с коррупцией (системы общегосударственной этики поведения) / Под ред. С. В. Максимова — М.: 1999.



5. Как писал Томас Гоббс, коррупция «есть корень, из которого вытекает во все времена и при всяких соблазнах презрение ко всем законам».
6. Rose-Ackerman S. The Political Economy of Corruption // Corruption and the global economy / Ed. Elliott K. A. — Washington, DC: Institute for International Economics. — 1997. — P. 31.
7. Ades A., Di Tella R. The new economics of corruption: a survey and some new results // Political Studies. — 1997. — Vol. 45, No. 3. — P. 496.

ЎРТА АСРЛАР ИСЛОМ ОЛАМИДА ГНОСЕОЛОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ТЕОЛОГИК АСОСЛАРИГА ДОИР ҚАРАШЛАР

Сиддиқов Илёсжон Бахромович
ФарДУ фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси,
фалсафа доктори (PhD)

***Аннотация:** Мақолада ислом фалсафасида ақл муаммоси, илмий фаолиятнинг аксиологик мезонлари, дин ва фан, дин ва фалсафа ўртасидаги муносабатлар тизимлашувининг детерминистик, диалектик боғлиқлиги, интеллектуал фаолиятга қўйиладиган ахлоқий талаблар, мусулмон маданиятида фанга муносабатнинг исломий асослари таҳлил қилинган.*

***Калит сўз ва иборалар:** ислом, ақл, ижод, файласуф, олим, интеллект, детерминизм, ворисийлик, аксиология, гуманизм.*

ВЗГЛЯДЫ НА ТЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ГНОСЕОЛОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ИСЛАМСКОМ МИРЕ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ

Сиддиков Илёсжон Бахромович
старший преподаватель кафедры философии ФерГУ,
доктор философских наук (PhD)

***Аннотация:** В статье анализируется проблема разума в исламской философии, аксиологические критерии научной деятельности, детерминистская, диалектическая связь систематизации отношений религии и науки, религии и философии, нравственные требования к человеческой деятельности, исламские основы отношения к науке в мусульманской культуре.*

***Ключевые слова:** ислам, интеллект, творчество, философ, ученый, интеллект, детерминизм, преемственность, аксиология, гуманизм.*

VIEWS ON THE THEOLOGICAL FOUNDATIONS OF GNOSEOLOGICAL ACTIVITY IN THE MIDDLE AGES ISLAMIC WORLD

Siddikov Ilyosjon Bakhromovich
Senior teacher of the Department of philosophy of FarDU,
doctor of Philosophy (PhD)

***Annotation:** The article analyzes the problem of reason in Islamic philosophy, axiological criteria of scientific activity, deterministic, dialectical linkage of the systematization of relations between religion and science, religion and philosophy, moral requirements to human activity, Islamic bases of attitude to science in Muslim culture.*



Key words and phrases: Islam, intelligence, creativity, philosopher, scientist, intellect, determinism, succession, Axiology, humanism.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислом фалсафасини шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ этиш, ислом динининг тинч-осойишта ҳаётга, бошқа халқларга ҳурмат, меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этадиган асл инсонпарварлик моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга катта аҳамият берилмоқда. Чунки, “дунёдаги айрим кучлар исломга қарши кайфиятни кучайтирган ҳолда, ислом динини терроризм мафқураси билан боғлашга уринаётганини минг афсус билан қайд этишга тўғри келади. Бу омил ислом оламини янада жипслашишга чорлаётганлиги” [1,457] ҳам унинг мазмун-моҳиятини, фалсафий асосини чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Ислום фалсафасини концептуал асосларини чуқур ўрганиш, фалсафий моҳиятини теран таҳлил қилиш турли адашишлар, қарама-қаршиликлар ва тушунмовчиликларни олдини олишга хизмат қилади.

Жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ислом фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини, унда илм олиш, билимли бўлиш, олимлик ва одамийликга бўлган муносабатнинг шаклланиши, кадриятларнинг қарор топиши ва ривожланиб бориши жараёнларини фалсафий тафаккур тараққиғи нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ўрганилмаган жиҳатларини ёритиш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари фикрича, “инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган мусулмон Ренессанси ана шу буюк аждодларимизнинг диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда”. Шу боис мазкур ўрганишларни давом эттириш, такомиллаштириш ҳамда исломнинг илми, интеллектуал кадриятларни кадрлашга бўлган ёндашувларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ислום динининг пайдо бўлиши ва унинг ҳуқумрон мавқега айланиши билан исломга асосланган янги маданияти тараққий эта бошлади ва унинг ақидаларига тўғри келадиган эътиқодлар, таълимтолар ва ахлоқий нормалар араблар томонидан бутунлай йўқ қилинди. Ислום фалсафасининг шаклланиши тўрт аср давом этди ва бу жараён турли миллатлар ва уларнинг ўзига хос маданиятларидан таркиб топган мусулмон маданияти, мусулмон цивилизациясининг тараққий этиши билан бирга кечди. Турли маданиятларнинг яхши томонларини ўзлаштирган ва уларнинг маърифий асослари билан озиқланган тамаддун яралди. “Бундан маълум бўладики, ислом дини қотиб қолган ва ҳеч қандай ўзгаришни қабул қилмайдиган дин эмас. Аксинча, у инсонлар эҳтиёжини ҳар доим ҳисобга олган. Дин кўрсатмаларини татбиқ қилишда воқеликни инобатга олмаслик, ҳаддан ошиш катта хатоларга олиб келиши ва жамиятда турли ихтилофлар авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада шариатнинг мақсадига олиб борадиган йўللар беркилиб, халқ машаққатга дучор бўлади. Шу боис янги муаммоларни ҳал қилишда воқеликни чуқур ўрганиш ҳамда шариат кўрсатмаларини шунга мувофиқ равишда татбиқ этиш лозим” [2,13]. Бунинг учун эса исломдан чуқур хабардорлик, ислом фалсафасини билиш ва моҳиятини англаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам, ислом фалсафасининг ўрганилмаган жиҳатларини ёритиш, кенг оммага фалсафа илми нуқтаи назаридан тушунтириш муҳим ижтимоий вазифалардан биридир.



Ўрта аср ислом оламида билимга бўлган муносабат Юнон-Рим фалсафасидан фарqli ўларoқ аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги, собитқадамлиги билан ажралиб турар эди. Ф. Роузенталнинг таъкидлашича: “исломгача араблар маданиятида шакланган билим концепциясининг мазмуни динга нисбатан шубҳалардан холис эди ва янги диний (яъни исломий) ҳаракатда муҳим аҳамият касб этишга тайёр бўлган”[3,40]. Шу билан бирга бу тадқиқотчи исломда билим концепциясининг шаклланишига ташқи (масалан, христианлик таълимотидаги гностик қарашлар) омилар таъсир қилганини рад этмасда, буни исботловчи далиллар ҳали топилмаган ва у ҳозирда фақат илмий фараз эканлигини таъкидлайди[3,45]. Ислom маданиятида мусулмон илоҳиётчилари “билим” тушунчасига тўғри келувчи таъриф излаш ишига катта хисса қўшганлар. Ҳар бир илоҳиётга доир китоб “илм” таърифини муҳокама этувчи “Билим китоби” деб номланган қисмга эга бўлган. Бу аънанани, Ф.Роузентал фикрича, Исмоил ал-Бухорий бошлаб берган. Ал-Бухорийнинг “Билим китоби” “олий таълим методикасига” бағишланган, яъни унинг даврида “билим” методологиясини муҳокама қилиш ҳадисшуносликнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Кейинчалик ҳадисшуносликда, каломда “билим” муаммосини муҳокама қилиш яна бир муҳим мақсадга - билимнинг ҳақиқий динга доир имон билан боғлиқлигини кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Тадқиқотларда ислом фалсафасидаги гносеологик фаолият билан боғлиқ жараёнлар турли тушунчалар билан изоҳланади. Тадқиқотларда ишлатиладиган тушунчалар ғарблик ва шарқ олимлар ўртасида бахсларга сабаб бўлмоқда. Бу янги маданиятнинг илоҳиёт, фалсафа, адабиёт, архитектура каби соҳаларида исломнинг (мафкура сифатида) ва араб тилининг (фан тили сифатида) таъсири кучли бўлган. Шунинг учун илмий адабиётда (кўпинча ғарб шарқшунослари томонидан) “араб”, “араб забон”, “араб-мусулмон”, “ислом” фалсафаси, фани, адабиёти деган тушунчалар ишлатилади. Ҳозирги даврда Марказий Осиё худудида ўрта асрларда шакланган ва исломга асосланган маданиятга нисбатан “мусулмон маданияти” (“ислом маданияти”) ва худди шундай - “мусулмон фалсафаси” (“ислом фалсафаси”) ёки “мусулмон адабиёти” каби тушунчалар ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ўз мазмунини қанчалик тўғри акс этиши масаласи мунозарали бўлиб, фалсафа тарихига бағишланган адабиётларда у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. Лекин шарқшунос олимлар бу масалани ҳал этишда ягона бир фикрга келмаганлар. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф фикрича, “Европаликлар ўзларининг вазиятидан, зехн ва тушунчасидан келиб чиқиб, “Ислom” ва “мусулмон” сўзлари ўрнига асосан “араб” сўзини ишлатадилар. Мисол учун, “Ислom маданияти” дейиш ўрнига “араб маданияти” дейишади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Йиллар давомида бутунлай аслини йўқотган насроний динидан мислсиз ёмонликлар кўрган европаликлар дин деса кўнгиллари озадиган даражага бориб қолганлар. Уларнинг тушунчасига кўра илм-фан, тараққиёт, бахтли ҳаёт, эркинлик каби яхшиликлар диндан, диндорлардан чиқиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мазкур яхшиликни Ислomга, мусулмонларга ҳам нисбат беришга тиллари бормаиди. Ислom шарофати билан содир бўлган яхшиликларнинг барчасини арабларга нисбат бераверадилар”[4,4]. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ислом динининг пайғамбари, деярли барча саҳобалар ҳам, барча иммигрт ишлар араб тилида олиб борилганлиги учун ҳам “Ислom фалсафаси” ўрнига ғарбликлар томонидан “Араб фалсафаси” истилоҳи ишлатилишига эътибор қаратади. Шундай экан исломнинг илм-фан тараққиётидаги ўрнини, ўрта асрлар ислом фалсафасининг гносеологик



қадриятларни шаклланиши, ривожланиши ва илмий инқилобларни юзага келишидаги ўрнини аниқ мисоллар ва далиллар билан кўрсатиб бериш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Бошқа бир тадқиқотларда ҳам ислом фалсафасининг пайдо бўлишини исломлашиш жараёнлари билан бирга гносеологик фаолиятнинг шаклланиши, мангикий мушоҳадакорликнинг ривожланиши, фаолиятда ақлга таянишнинг бошланиши билан ҳам боғлашади. Мисол учун, файласуф-олим М.Қодировнинг таҳлилларига кўра, ўрт асрлар мусулмон Шарқида фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиш тарихи ёзма равишда VIII асрга тааллуқли бўлиб, илк калом вакиллари бўлган мўътазилийларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Илоҳиёт баҳсларида ўзларининг қатъий ақлга таянишлари билан алоҳида ажралиб турган илоҳиётчилар гуруҳи бўлган мўътазилийлар Бағдодда халифа Маъмун саройида катта нуфузга эга бўлдилар. Инсоннинг ирода эркинлиги ва илоҳий сифатлар масаласини муҳокама қилишдан ўз фаолиятларини бошлаган мўътазилийлар шундай таълимотни ишлаб чиқдиларки, у диний мавзудан четга чиқиш билан чекланмасдан, ҳатто мусулмончилик эътиқодининг баъзи ақидаларини ичдан бузар эди. Масалан, уларнинг қайд этишларича, табиат қонунларигагина мувофиқ фаолият кўрсатиши мумкин бўлган Аллоҳга қарама-қарши ўларок, инсон ўз иродасича ҳар қандай хатти-ҳаракат кўрсатиши мумкин эди. Унинг учун эзгулик ва ёвузликнинг ягона мезони сифатида унинг ақли хизмат қилмоғи лозим эди. Улар биринчи бўлиб Холиқни инсон қиёфасида тасаввур этишга қарши чиқиб, унга мажҳул илоҳийлик ғоясини қарама-қарши қўйдиларки, ўз моҳиятига кўра у ирода, қудрат, билим ва бошқа сифатлардан холи эди. Жумладан, худога нутқ борлигини инкор этиб, Қуръоннинг абадийлиги ҳақидаги таълимотни рад этдилар. Қуръонни бундай талқин қилиш мўътазилийларга ва кейинчалик арастучиларга уни рамзий маънода тушунишга имкон бериб, ўз қарашларини унга мувофиқлаштиришга йўл очди[5,13]. Шундай экан, ўрт асрлар ислом маданиятида ақлнинг устувор аҳамияти, инсоннинг рационал-илмий фаолиятини қадрлана бошлаши бошқа жараёнлар билан параллел равишда содир бўлди ва натижада ислом цивилизацияси юзага келди.

“Ислом энциклопедия”сида исломнинг муҳим хусусиятларидан бири – уни қабул қилган халқлар вакиллари учун ислом ақидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш имкониятини берилганлиги баён қилинади. Шунингдек, энциклопедияга кўра, ислом ўзига хос 3 тараққиёт босқичи ёки даврни босиб ўтади. Биринчисини шартли равишда, Қуръон даври деб аташ мумкин. Қуръони каримда ўз аксини топган Арабистон аҳолисининг диний онги даражасини ифода этувчи диний-сиёсий ва ижтимоий қарашлар, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар бутун мусулмон олами учун ҳозиргача шак-шубҳасиз умумий қадрият ҳисобланади. Деярли тўрт аср давом этган иккинчи давр исломда умумисломий аҳкомлар ҳукмронлиги остида турли фикрларга йўл қўйилгани билан ажралиб туради. Исломдаги йўналишлар, мазҳаблар ва фирқалар ана шу даврда пайдо бўлди. Мусулмонларнинг диний бирлиги муаммо бўлиб қолди. X-XI асрларда анъанага содиқ суннийлар билан имомий шиалар, мўътазилийлар ҳамда ашъарийлар ўртасида муносабатлар, айниқса, кескинлашиб кетди. Исломдаги учинчи тараққиёт босқичи мусулмон дунёси “чекка” ўлкаларининг аҳамияти ва ўрни ортгани билан боғлиқдир. Батамом ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, исломга ўз диний-ахлоқий тасаввурлари, ҳуқуқий меъёрлари ва одатларини олиб кирдилар”[6,216]. Демак, исломнинг уч тараққиёт



босқичида унинг ақидавий, ахлоқий, фикҳий ва интеллектуал асослари сайқалланиб борди ва ўзининг юксак нуқасига кўтарилди.

“Ислом маърифати ва ҳозирги замон” рисоласида келтирилишича, “ислом дини ҳамма замон учун мувофиқ келувчи диндир. Бу фикрнинг моҳияти шундаки, ислом илм-фан, тараққиёт ва кишилар ҳаётини енгилаштиришга сабаб бўлувчи омиларни барча замон ва маконда қўллаб-қувватлаб келган. Шунга қарамай, динни догматик шаклга солишга уринувчи, ислом кўрсатмалари кескин ва ҳар қандай ўзгаришдан холи, деб талқин қилувчи тоифалар учраб туради” [2,7]. Бироқ, ислом дини шаклланишида ва ўзининг ривожини чўққисидан бундай догматик фикрлар ўрнини асл исломий маърифатга асосланган қарашлар банд этган эди. Ўрр асрлар ислом маданиятини шаклланишида ислом дини ва унинг таъсир воситаларининг тўғри ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ислом маданиятининг илк даврларида барча муаммо ва масалаларни ҳал этишда ваҳий ва пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом тушунтиришлари, кейинчалик Қуръон, ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеъинлар обрўсига таяниш қабул қилинган эди. Шунинг учун илк мусулмончиликда анъанага, яъни Қуръон, Сунна, тақлидга таяниш устунлик қилган. Шу билан бирга бу даврда аввало шарият ривожланади. Шарият маъноси – тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчиликни англатади. “Ислом пайдо бўлганидан кейин, орадан 60 йил ўтмай, ислом давлатининг тили, маданияти ва меъморчилиги Форс еридан то Шимолий Африкагача бўлган улкан ҳудудга тарқалди. Энди уммавийлар сулоласининг ҳукмдорлари ўз ҳокимиятининг мутлақ рамзи бўлмиш улкан жомеъ масжидини барпо этдилар” [4,41]. Янги мусулмон жамияти учун жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш масаласи долзарб бўлган. Демак, илк мусулмон жамияти аввало ислом дини, шариятга асосланган қонун-қоидаларни ишлаб чиқади. Бу жараёнда ислом илоҳийлигининг фикҳ соҳаси (мусулмон ҳуқуқшунослиги) пайдо бўлади. Фикҳ илмининг ривожланиш жараёнида шарият (фикҳ) мазҳаблари (ҳанафийя, маликийя, шофийя, ханбалийя ҳамда жафарийя) вужудга келади. Улар, ортодоксал ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шарият масалаларида енгилаш ёки жиддийроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қилади. Мусулмон ҳуқуқи тизимининг муфаккиҳлар (ҳуқуқшунослар) томонидан мукамал ишлаб чиқилгани ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан тан олинган (бунга мисол қилиб, Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя фи фуруъ ал-фикҳ” (“Фикҳ соҳалари бўйича қўлланмасини”) келтириш мумкин. Шундай мураккаб тизимни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи ақлга мурожаат қилишни (яъни рационализмдан фойдаланишни) талаб этган, албатта. Шунинг учун ҳуқуқий мазҳаблар ўз фаолиятида, яъни ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда, шариятни амалга оширишда Қуръон ва ҳадислар, анъанага, шарият тамойилларига таяниш билан бирга ақлга, шахсий мустақил фикрга таянишни мақбул деб тошганлар. Бунга миол сифатида уларнинг ижмо, қиёс, раъй усулларидан фойдаланишганини таъкидлаш мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф фикрича, “Дамашқ жомеъ масжидининг минораси томида қуёш соати ўрнатилган бўлиб, уни XIII асрда Ибн Шотир ясаган. Бу қуёш соати масжиднинг ҳовлиси ва деворларини беэзаб турган, зеро, Исломда ҳар кунги беш маҳал намоз вақтлари қуёшнинг осмондаги жойлашувига боғлиқдир. Қуёш соатсиз вақтни аниқлашнинг имкони бўлмаган. Ушбу қуёш соати бутунги кунда ҳам амалда бўлган вақт тақсимини – бир кеча-кундуздаги 24 соатни кўрсатиши билан бирга, намоз вақтларини ҳам кўрсатиб туради. Аниқ вақтдан ташқари, мусулмонлар ер шарининг



қайси нуқтасида турганини билишлари ҳа зарурдир. Чунки муслмонлар сайёрамизнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар, ўша ерга нисбатан Маккаи мукаррама қайси томонда жойлашганини билишлари лозим, зеро, номознинг қибласи – Маккаи мукаррама шахридир. Демак, муслмонлар қуёш, ой ва бошқа сайёраларнинг ҳаракатланишига қараб, аниқ вақтни ва турган жойларини аниқлай олишлари лозим. Яратганга бўлган иймон ушбу қуёш соатини ўргатган одамларнинг илмга бўлган интилишини тўсмаган, аксинча уларни борлиқнинг моҳияти ва унинг сир-асрорларини, қонуниятларини ўрганишга, билишга ундаган. Бу илмий тадқиқотлар фақат намоз вақтлари ва қиблани аниқлаш учунгина олиб борилмаган, бу интеллектуал интилишларга дунёни билиш, уни англаш иштиёқи ҳам сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Қуръони Каримда инсонни теварак-атрофга, борлиққа, ундаги чексиз ҳикмат билан йўғрилган мукамалликка, гўзалликка ақл кўзи билан назар солиш, само жисмларининг аниқ ҳаракатини кузатиб, ақл юритишга, жумбоқларга жавоб топиб, муаммоларга ечим топиб, оламдаги сабабият қонунларини кашф этишга чиқарувчи оятлар жуда кўпдир”[4,55]. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жабҳаларда кўплаб ўзгаришлар фалсафа, табиий-илмий билимлар ривожига муҳим объектив ва субъектив шарт-шароитларни вужудга келтирган. Ўз навбатида Мовароуннаҳр диёрида ҳам илм-фан равнақи учун қулай имкониятлар яратилган. Айтиш мумкинки, бундай имкониятлар XX асрнинг бошларигача ҳеч вақт вужудга келмади. Бу муаммо бутун Яқин ва Ўрта Шарққа, ҳатто Хитой ва Ҳиндистонга ҳам хос хусусиятдир. Шу боисдан бўлса керак, Шарқ мамлакатлари Европадан орқада қолиб кетди. Ҳозирги замон инглиз ва рус олимларининг фикрича, бунинг сабаби Шарқда ҳозиргача миллий инновацион тизимнинг йўқлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
2. Абдуллаев А. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. –Тошкент.: Тошкент ислом университети. 2017.
3. Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе.- Москва.: Наука, 1978.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент.: “HILOL-NASHR” нашриёти. 2019
5. Қодиров М. Марказий осие, яқин ва ўрта шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Ўқув қўлланма. - Тошкент.: ТошДШИ нашриёти. 2009.
6. Ислом энциклопедияси. –Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2004.



ТАЪЛИМ - ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Косимов Файзуллажон

Чирчиқ давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. Бугунги кунда билим инсон ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи ва белгиловчи омил сифатида инсоннинг зарурий компонентига айланмоқда. Шу сабабли инсон капиталини ривожлантириш ҳар бир давлатнинг зарурий ва муҳим йўналишига айланди. Яъни, инсон капиталини ривожлантириш XXI асрнинг иккинчи ярмида жамият ривожланишида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Ушбу мақолада таълим инсон капиталини ривожлантиришда муҳим омил эканлиги фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инсон, инсон капитали, таълим, билим, ривожланиш, жамият, давлат, таълим жараёни.

ОБРАЗОВАНИЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Косимов Файзуллажон

Соискатель кафедры Социальных наук Чирчицкий государственный педагогический институт

Аннотация. Сегодня знания становятся необходимой составляющей человека как фактор, регулирующий и определяющий жизнь и деятельность человека. Поэтому развитие человеческого капитала стало необходимым и важным направлением каждого государства. То есть развитие человеческого капитала становится решающей силой развития общества во второй половине XXI века. В статье дается философский анализ того факта, что образование является важным фактором развития человеческого капитала.

Ключевые слова: человек, человеческий капитал, образование, знания, развитие, общество, государство, образовательный процесс.

EDUCATION AS AN IMPORTANT FACTOR OF HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT

Kosimov Faizullajon

Applicant for the Department of Social Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

Annotation. Today knowledge is becoming a necessary component of a person as a factor that regulates and determines the life and activities of a person. Therefore, the development of human capital has become a necessary and important area of each state. That is, the development of human capital is becoming a decisive force in the development of society in the second half of the 21st century. The article provides a philosophical analysis of the fact that education is an important factor in the development of human capital.

Key words: person, human capital, education, knowledge, development, society, state, educational process.

Бугунги кунда инсон капитали ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлиги ва энг қимматли манбаи, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий мезони ҳисобланади. Айниқса, инсон капиталини шакллантириш, ривожлантириш, унинг ижодий



фазилатлари ва қобилиятлари, инсон капиталига сармоя киритиш муаммоси дунё фанининг асосий ва марказий муаммоларидан биридир. Шу сабабли, XXI асда инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганиш, уни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади ҳам “мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш”дир [3].

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда «инсон капиталини ривожлантириш ва бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш» [2], хусусан узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, таълимнинг барча даражаларида сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш шунингдек, инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш» [3] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни самарали ижро этишда инсон капитали ва унинг таркибий унсурларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, инновацион иқтисодий шаклланишига инсон капиталининг таъсирининг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш, республикада инсон капиталини ривожлантириш бўйича имкониятларни аниқлаш ва такомиллаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳозирги даврда инсоният ривожланишининг янги босқичига – ахборотлашган жамиятга ҳамда рақамлаштириш жараёнларига кириб бормоқда, унда ишлаб чиқаришнинг асосий омилни ахборот, билимлар, интерфаол коммуникациялар ташкил қилади. Уларнинг рўёбга чиқарилиши, инсон ҳаёти ва фаолиятида қўлланилиши мамлакат ривожланишини ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан белгилайди. Шунингдек, ахборотлашган жамиятнинг шаклланиш жараёнида аҳоли турмуш даражасини ошириш, ҳаёт ва фаолиятнинг ижтимоий-иқтисодий томонларини ривожлантириш, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва ҳ.к.лар кўзда тутилмоқда. Бунда билим ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Инсоният ривожланиш босқичида илгари сурилаган вазифалар, муаммолар биринчи навбатда инсон капитали томонидан ҳал қилинади, у жисмоний капиталга нисбатан замонавий жамият ривожланишида белгиловчи рол ўйнайди. Сифатли таълим жараёнида эгалланадиган ва бойитиладиган инсон капиталининг юқори интеллектуал даражаси ва сифати муайян шароитларда билимни (номоддий объектни) амал қилувчи инновацион маҳсулотга, моддий объектга айлантиради. Масалан, ривожланган мамлакатларда миллий инсон капитали 70-80 % ни, ривожланаётган мамлакатларда эса 5 % ни ташкил қилади [1].

Бугунги кунда давлат, жамият таълим жараёнида инсон томонидан эгалланадиган билим, кўникмаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунинг учун таълим олиш жараёнида билим, кўникма эгаллаш соҳасида, атроф муҳитга ижтимоий мослашишда инсон капиталини ривожлантириш ва бойитишга ёрдам берувчи таълим муассасаларининг тармоғи кенгаймоқда.



Замонавий адабиётда инсон капиталининг ягона, барча қабул қилган таърифи йўқ. «Инсон капитали - бу одамнинг даромад олиш қобилиятининг ўлчовидир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъдодни, шунингдек, таълим ва олинган малакаларни ўз ичига олади» [8, 98]. Ҳозирги вақтда ушбу таърифни тор маънода инсон капиталининг таърифи деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Кенг маънода инсон капитали - бу инсоннинг ўзида акс этган капиталнинг ўзига хос шакли, бу унинг соғлиғи, билимлари, кўникмалари, қобилиятлари, мотивация захираси бўлиб, унинг меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради ва унга даромад келтиради. Унинг тузилиши одатда ажралиб туради: табиий қобилиятлар; умумий маданият; умумий ва махсус билимлар; ортирилган қобилият, кўникма, тажриба; уларни ўз вақтида ва керакли жойда қўллаш қобилияти. Демак, инсон капитали - бу одамлар ҳаёти давомида тўплаган билимлари, кўникмалари ва соғлиғи, бу уларга жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон беради. Шу билан бирга яхшиланган овқатланиш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, иш ўринлари яратиш ва малакаларини ошириш орқали одамларга сармоя ётқизиш инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшади, бу ўта қашшоқликни тўхтатиш ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган жамиятларни барпо этиш учун жуда муҳимдир. Лекин инсоннинг ижтимоий муҳитда муносиб ўрин эгаллаш, ўзининг хиёма-хил эҳтиёжларини қондириш имконини берувчи асосий компонентларини билимлар, кўникмалар, малакалар ва ҳ.к.лар ташкил қилади. Қўйилган мақсадга эришишда инсон капиталини бойитувчи юқорида санаб ўтилган компонентлар билан бир қаторда интеллектуал капитал ҳам катта аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ахборот технологиялари, алоқа воситалари ва ускуналарини модернизациялашнинг глобал ривожланиши даврида ўқитилган мутахассисларга эҳтиёж ва янги билимларни тезкор эгаллаш имкониятлари ортиб бормоқда. Замонавий дунёда таълим кўпинча нафақат инсон учун, балки бутун мамлакат учун муваффақиятнинг кафолати бўлиб, натижада унинг иқтисодий ўсишига ва илмий-техник салоҳиятнинг ошишига ёрдам беради. Яъни, "Таълим бу вақт ва меҳнат сарфига ва инсоний доноликнинг тўпланишига жавоб берадиган сотиб олинган капиталдир ... Чиндан ҳам билимли одам ўзи учун жой топинг ... қачон унинг мустақил ҳукмлари ҳукуматга ёки ўқимишли жамиятга керак бўлади ..." [6, 36]. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда чинакам ўқимишли одамлар давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишининг кафолати ҳисобланади. Бунда инсон капиталини ривожлантириш давлат ва хусусий ресурсларни - ота-онадан тортиб, умр бўйи ўрганишга қадар сафарбар қилишни аниқлатади.

Ҳозирги вақтда «жамият кўпроқ билимларга таянади, шунинг учун олий маълумот ва илмий тадқиқотлар ҳозирги даврда инсон, жамият ва миллатларнинг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан турғун ривожланишида энг муҳим компонент сифатида ифодаланади» [3]. Албатта, таълим ва маданият инсон капитали сифатини шакллантиради, унинг кадриятлари ва компетенциясини белгилаб беради. Бунда таълим жараёнида ўзлаштирилган билимлар муайян ахлоқий, этикага оид кадриятлар спектрида рўёбга чиқади. Бу билим эгаллашнинг ва ахлоқий, этикага оид инсон сифатларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлиги муаммосини кўяди.

Г. Бекер корхонанинг инсон капиталини инсоннинг кўникмалари, билимлари ва кўникмаларининг мажмуи сифатида белгилаган. Уларга сармоя сифатида асосан таълим



ва малака ошириш харажатларини ҳисобга олди, яъни авваламбор, ишчининг ўзи учун таълимнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолади. У олий маълумотдан қўшимча даромадларни қўидагича аниқлади. Коллежни битирганларнинг даромадларидан у ўрта маълумотли ишчиларнинг даромадларини олиб ташлади. Таълим харажатлари тўғридан-тўғри харажатлар ва имкониятлар харажатлари сифатида қабул қилинди - ўқитиш пайтида йўқолган даромад. Г.Бекер таълимга сарфланган сармоянинг рентабеллигини йиллик фойданинг тахминан 12-14 фоизини олган ҳолда даромаднинг харажатларга нисбати сифатида баҳолади.

Умуман олганда, Г.Бекер ўз асарларида ходимни оддий меҳнатнинг бир бирлиги ва унда мужассам бўлган инсон капиталининг маълум миқдори бирикмаси деб ҳисоблаган. Унинг иш ҳақи (даромади) - унинг оддий меҳнатининг бозор нархи ва инвестициялардан тушадиган даромадларнинг комбинацияси сифатида. Бундан ташқари, ходим даромадининг асосий қисми, шунингдек бошқа тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу инсон капитали олиб келади [9, 61]. Дарҳақиқат, илм-фан ривожланиши, ривожланишнинг мураккаб интенсив омили - инсон капитали таркибий қисмлари сифатида ахборот жамиятининг шаклланиши билимларни, таълимни, соғлиқни сақлашни, миллий иқтисодиётнинг ижодкорлиги ва инновационлиги, аҳолининг ҳаёт сифатини ва етакчи мутахассисларнинг ўзларини илгари сурди.

Шуни таъкидлаш керакки, инсоннинг орттирилган қобилиятлари ва сифатлари инновациялар, унга сарфланадиган муайян жисмоний, моддий ва молиявий харажатлар билан шартланади. Туғма қобилиятлар ва эгалланган сифатлар синергия бирлиги инсон капитали ривожланишининг асосини ташкил қилади. Инсон қобилиятларининг ривожланиши, соғлиғи яхши бўлган ҳамда инсон капитал ривожланишига муайян тарзда таъсир қилувчи ижтимоий-маданий муҳитга мослашувчан компетенли мутахассисни шаклланиши унга киритилган инвестициялар билан боғлиқ. Айнан шунинг учун сифатли таълим олиш жараёнида ахлоқий-этикага оид меъёрларнинг шаклланиши ҳисобга олиниши шарт, «олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари малакали ва маълумотли одамлар критик массасини яратадилар» [2], улар муайян кадриятлар билан бирга шахс бир бутунлигини шакллантиради.

А.В. Комаров инсон капиталининг шаклланиши ва тўпланишига таъсир қилувчи асосий омил сифатида таълимнинг аҳамиятини таъкидлайди [5, 83-88]. Яъни, унинг тадқиқотларида таълим инсон капиталига инвестицияларнинг асосий объекти бўлиб кўринади. Шунингдек, инсоннинг касбий фаолиятидаги муваффақият даражасига таълимнинг таъсири, инсон капиталини шакллантириш манбалари тавсифлаган ҳамда инсон капиталининг ривожланиш жараёнига таъсири тасвирланган. Албатта, бутунги кунда инсон капиталини ривожлантириш давлат ва хусусий ресурсларни - ота-онадан тортиб, умр бўйи ўрганишга қадар сафарбар қилишни англатади. Шунингдек, замонавий дунёда яхши мутахассис учун фақатгина назарий билим етарли эмас. Тез ривожланаётган фан уларнинг тез эскиришига олиб келади. Бунда меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик инсоннинг фаоллиги, унинг фикрлаш мослашувчанлиги, унинг билим ва тажрибасини ошириш қобилиятига боғлиқ.

Илмий изланишлари туфайли инсон капитали ва унинг асосий таркибий қисмларидан бири - таълим жамиятнинг кўпчилигида инсонга, унинг таълимига, касбий тайёргарлигига маблаг қўйишга бўлган муносабатини ўзгартирди.



Таъкидлаш керакки, инсон капитали концепциясининг мураккаблиги, кўп қирралилиги бугунги кунда унинг кўпгина шарҳлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда иккита асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчиси, инсон капиталини таълим, ўқитиш ва амалий иш тажрибаси жараёнида олинган билим, кўникма ва малакалар контекстида қабул қилади, яъни "одамлар таълим, машғулот ёки амалий тажриба орқали оладиган ва уларга бошқа шахсларнинг вакили бўлишларига имкон берадиган билим ва кўникмалар. қимматбаҳо самарали хизматларга эга одамлар» [7, 574].

Иккинчи ёндашувни қўллаб-қувватловчилар инсон капиталининг асосий хусусиятлари қаторида нафақат таълим жараёнида олинган билимларни, балки меҳнат унумдорлиги ва даромадларини оширадиган мотивация, энергия, кадриятларни ҳам ажратиб кўрсатадилар. Шундай қилиб, инсон капитали узоқ муддатли инвестициялар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган одам томонидан тўпланган зарур мотивлар, билим ва кўникмалар асосида олинган йиғма натижа сифатида қаралиши керак. Бу меҳнат унумдорлигини оширишга, унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва яқунда яқка шахснинг даромадига таъсир қилади.

Т. Шульц инсон капиталига сармояларни ҳам ўрта, ҳам олий ўқув юртларида таълим олиш, амалий кўникмаларни эгаллаш ва ишчилар малакасини ошириш, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш харажатлари [10] деб атайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим элементи сифатида у фан ва соғлиқни сақлаш ва таълимга давлат ва бизнес сармояларини кўпайтиришни кўриб чиқди. Бизнинг фикримизча, ушбу инвестициялар ҳозирги иқтисодий вазиятда зарурдир, чунки охир-оқибат бутун жамият фаровонлиги масалаларини ҳал қилишда давлат ўз фаровонлиги ва ривожланиши масаласини ҳал қилади.

Дарҳақиқат, таълим инсон капиталини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди ва ахборот-технологик жамият шароитида унинг аҳамияти янада ошади. Шундай қилиб, «Йипирманчи асрдаги ҳар қандай компаниянинг энг қиммат бойлиги бу ускуналар ишлаб чиқариш эди. XXI асрдаги ҳар қандай ташкилотнинг энг қиммат бойлиги унинг билимдон ишчилари ва уларнинг маҳсулдорлиги бўлади» [4].

Сўнги бир неча йилни республика таълим тизимининг гуллаб-яшнаган даври сифатида белгилаш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган соҳадаги туб ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда: мамлакатимиз таълим муассасаларининг салоҳияти сезиларли даражада ошди, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди ва замонавий ахборот технологиялари жорий этилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда таълим янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларда трансдисциплинарликка асосланган дунёқарашга оид позицияни шакллантириш инсон капиталнинг зарурий компоненти ҳисобланади. Шундай қилиб, эгалланган билимларнинг турли таълимий жараёнлар орқали амалга оширилган синтези, инсоннинг дунёқарашга оид позициясига бир бутунлик бахш этади, инсон капитални тўлдирди. Шунини таъкидлаш керакки, юқори сифатли инсон капиталини ривожлантириш жамиятнинг самарали ривожланишига ёрдам беради. Шу сабабли республикамизни 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингига бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш



ҳамда барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодийёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш вазифалари қўйилди. Бу вазифаларни ечимда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш зарур бўлади. Шунингдек таълимга инновацияларни, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш лозим.

Список литературы:

1. Всемирная Декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармони www.lex.uz
4. Дракер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI веке. - М.: Изд. дом «Вильямс», 2004.
5. Комаров А.В. Роль образования в формировании человеческого капитала в современной России // *Гуманитарные науки. Вестник Финансового университета*. 2017. 7(3), -Б.83-88.
6. Комаров А.В., Лабусов М.В. Инновационное развитие промышленности России на современном этапе: проблемы и перспективы // *Проблемы социально-экономического развития России на современном этапе: материалы VI ежегодной Всероссийской научно-практической конференции*. В 2-х ч. - Тамбов: Тамбовский государственный университет имени Г.Р.Державина, 2013. -С.34-40.
7. Погосян Е.А., Комаров А.В. Человеческий капитал как один из важных фактор современного экономики // *Проблемы социально-экономического развития России на современном этапе: материалы научно-практического конференции*. - Тамбов, Тамбовский государственный университет им. Г.З. Державина. 2013. -С.161-164.
8. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. - М., Юнити, 2002, ст.98.
9. Becker, Gary S. Human Capital. - N.Y.: Columbia University Press, 1964, p-61.
10. Schultz T. Capital Formation by Education // *Journal of Political Economy*, 1960, vol. 68, no. 6, pp. 571-583.
11. Gaffarova G.G. Human capital as the basis of society development // *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*. -USA, Harrisburg, 2021. №04(96), -P.455-460.
12. Гаффарова Г.Г., Полвонова С. Инсон капиталини ривожлантиришда миллий кадриятларнинг аҳамияти // *Academic reserch in educational sciences*, 2021. 2(5), -Б.779-786.
13. Гаффарова Г.Г., Полвонова С. Важность национальные ценностей в развитии человеческого капитала // *Инновации в технологиях и образовании: сб. ст. участников XIV Международной научно-практической конференции «Инновации в технологиях и образовании»*, 26 марта 2021 г., Филиал КузГТУ в г. Белово. - Белово: Кузбасский государственный технический университет имени Т.Ф. Горбачева, 2021. - Т. 2. С.20-23.



14. Гаффарова Г. (2020). Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, –С.72-75.
15. Гаффарова, Г., &Қодиров, Б. (2020). Рақамлаштириш – инновацион ривожланиш омили сифатида. AcademicResearchinEducationalSciences, 1 (2), 104-112.

ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ХАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Бойқўзиева Гўзалхон Худойбердиевна
Кўқон давлат педагогика институти
Миллий ғоя кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистонда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ҳамда хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан амалга ошириладиган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** сиёсат, ҳуқуқ, иқтисод, хотин-қизлар, аёллар, сайлов, тенг ҳуқуқлилиқ, хотин-қизлар ҳуқуқлари, тинчлик, тотувлик, ижтимоий тараққиёт.*

МЕСТО ЖЕНЩИН СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА

Бойқўзиева Гўзалхон Худойбердиевна
Кокандский государственный педагогический институт
Национальная идея, основы духовности и права

***Аннотация.** В этой статье освещается роль женщин в общественно-политической жизни общества и особенности реформ, которые предпринимаются для расширения политического участия женщин в Узбекистане.*

***Ключевые слова:** политика, право, экономика, женщины, выборы, равенство, права женщин, мир, гармония, социальное развитие.*

THE ROLE OF WOMEN IN THE SOCIO-POLITICAL LIFE OF SOCIETY

Boyquziyeva Guzalxon Xudoyberdiyevna
Kokand State Pedagogical Institute
Teacer of the department of national idea

***Abstract.** This article highlights the role of women in the socio-political life of society and the particularities of the reforms that are being undertaken to expand the political participation of women in Uzbekistan.*

***Keywords:** politics, law, economics, women, elections, equality, women's rights, peace, harmony, social development.*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юксак ютуқларга эришила бошланди. Жамиятимиз ривожланиши учун турли хил ислоҳотларни амалга оширишни кўзда тутган давлат сиёсатининг ижтимоий ҳаётида эркаклар билан тенг равишда аёлларга ҳам ўз иқтидори, истеъдодини эркин намоён



қилишга кенг имкониятлар яратиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз”^[i]. Шу нуқтаи назардан қараганда, бутунги кунда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг тутган ўрнини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қоидаларининг фаол субъектларидан бирига айланди, инсон ҳуқуқларига оид 69 та халқаро ҳуқуқий актни (жумладан, БМТнинг олтига асосий конвенциявий ҳужжати) ратификация қилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларига дахлдор. БМТнинг «Аёллар дискриминациясига барҳам бериш тўғрисида»ги Декларацияси Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинди. Ушбу декларациянинг 1-моддасига мувофиқ, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги инкор қилиниши ёки чекланишига олиб келувчи дискриминация ўз асосига кўра, адолатсизлик ҳисобланади, бу инсон қадр-қимматига қарши жинойтдир^[ii].

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, БМТнинг “Хотин-қизлар камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияга қўшилди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш, аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўплаб фармон ва қарорлари, махсус дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди.

Бунинг натижасида айни пайтда мамлакатимиз хотин-қизлари давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар. 2014 йилги сайловлар натижасига биноан Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этган^[iii]. 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловларда 32 фоиз хотин-қизлар депутат ва сенатор этиб сайланганлар^[iv]. Мустақиллик йилларида 14 нафар фаол аёлларга давлатимизнинг юксак мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилиб, аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган иқтидорли қизлар тақдирланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари дискриминация қилишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияси ратификация қилинди, ушбу Конвенцияга биноан хотин-қизлар ва эркаклар тенглигига оид халқаро стандартлар қабул қилинди.

Аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унга тенг ҳақ олиш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, муайян имтиёзларга эга бўлиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар берилди. *Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият бошқарувида уларни жалб қилиш бўйича Марказий Осиё давлатлари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қабул қилинган 80 дан ортиқ қонун ҳужжатлари аёлларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга бевосита алоқадор.*

Бу қонунларда аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси аёлларнинг тенглиги



қоидаларини ўзида мужассам этди, унинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деган демократик принцип, 18-моддасида барча фуқаролар жинсий, ижтимоий-иқтисодий, диний-этник тафовутларидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, 48-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиши, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти, 65-моддасида эса оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади^[v], деб мустаҳкамланиши билан аёллар ҳуқуқий мақомини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бир қатор халқаро ҳужжатлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Ушбу соҳада амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон аъзо бўлган Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисидаги, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенциялар, Вена декларацияси (1993 йил), 1995 йилги Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси ҳамда бошқа халқаро ҳамда миллий ҳуқуқий ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда 1999 йил “Аёллар йили” деб эълон қилиниб, оп-сингилларимизнинг оила, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда маънавий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган Давлат дастури бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тўлиқ амалга оширилди. Бундай амалий ишлар “Соғлом авлод йили” (2000 йил), “Оналар ва болалар йили” (2001 йил), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002 йил), “Сиҳат-саломатлик йили” (2005 йил), “Ёшлар йили” (2008 йил), “Баркамол авлод йили” (2010 йил), “Соғлом бола йили” (2014 йил) каби Давлат дастурлари доирасида ҳам изчил давом эттирилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йил юртимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниб, шу асосда ишлаб чиқилган Давлат дастурида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир вазифалар асосий ўринни эгаллади. Аҳоли барча қатламни қамраб олган кенг кўламли лойиҳаларга хотин-қизларнинг саломатлигини яхшилаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ғоялари сингдирилди.

Бундан ташқари, Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси таъминланмоқда. Шу билан бирга, республикамизда аёлларнинг таълим олиши ва малакасини ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бугун Ўзбекистондаги олий ёки ўрта махсус маълумотга эга ҳар икки мутахассисдан бири - хотин-қизлар вакилидир.

Кейинги йилларда чекка туманларда яшовчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тадбиркор аёллар сафи кенгайди. Бунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг қўмағи бекиёс. Жумладан, қўмита оп-сингилларимизга жамиятда ўз ўрнини топиши, иқтисоду маҳоратини кенг намоён этиши, бизнес билан шуғулланиши ҳамда бунинг учун имтиёзли кредитлар олишида амалий ёрдам кўрсатапти.



Бинобарин, хотин-қизларни давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий раўнақига доир масалалар ечимига кенг жалб этиш, оила, оналик ҳамда болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, мазкур йўналишларда вазирликлар, ташкилотлар, ҳудудий бошқарувнинг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида янги - Бош вазирнинг ўринбосари - Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими таъсис этилди. Ўз навбатида, тегишли лавозимлар барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида ҳам жорий қилинди.

Жамиятда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини илгари суриш, уларнинг ўз имконият ҳамда салоҳиятини намоён қилиши учун қулай шароит яратишда юртимизда фаолият олиб бораётган нодавлат ногажорат ташкилотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, бундай ННТлар сони 295 тадан иборат. Уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб боради^[vi].

Охириги икки йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмиталари ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг фаолияти тубдан ўзгартирилиб, аниқ вазифалари белгилаб олинди.

Қабул қилинган Фармон доирасида Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Қарори, Ҳукуматимизнинг 6 та қарори, 4 та фармойиши ва 12 та чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли меҳнат қилиши борасида ҳуқуқий асослари яратиб қўйилган.

Бугун ҳудудларда 159 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ташкил этилди. Хотин-қизлар қўмитасининг республика бўйича ягона қисқа рақамли (1146) “Ишонч телефони” ташкил этилиб, ҳар куни 24 соат давомида хотин-қизларнинг мурожаатларини қабул қилиш тизими йўлга қўйилган ва ҳозирги кунга қадар 12 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

2018 йилда даврида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратига жисмоний ва юридик хотин-қизларлардан жами 7296 та мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, йил давомида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни Қўмита раиси томонидан 803 нафар фуқаролар қабул қилинган, ҳамда хотин-қизлар ва оила масалаларида долзарб бўлган мурожаатлар сайёр тарзда жойига чиқиб 1870 нафар фуқаролар қабул қилинган, аниқ ва самарали натижалар амалга оширилган.

Республикамизда хотин-қизлар жиноятчилиги камайтириш борасида олиб борилган профилактик ишлар натижасида республика бўйича хотин-қизлар жиноятчилиги мос равишда 2016 йилда 5 фоизга, 2017 йилда 11 фоизга камайган бўлса, 2018 йилда 35,7 фоизга камайишига эришилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд жараёнларида қўмита вакиллариининг иштирокини таъминлаш тизими жорий этилиши натижасида, 2018 йилда 113 нафар жиноят ва 780 нафар ҳуқуқбузарлик содир этган хотин-қизлар кафиллик асосида жазодан озод этилган^[vii].

Ҳозирги вақтда, республикамиз аҳолиси 34 млн. Кишидан ошди^[viii]. Ўзбекистон хотин-қизлари жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намоён этмоқда. Давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимиз



тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, «Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23%идан зиёдини айнан хотин-қизлар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўнлаб опа-сингилларимиз «Ўзбекистон фан арбоби», «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ артисти» сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторида 240 нафар ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ва уларнинг сафига бу йил яна 15 нафар иқтидорли қизларимиз қўшилмоқда»^[ix].

Шунга қарамасдан, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи . 06.03.2017. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-06-03-2017>.

[1] Сафаева С. Аёллар масаласи: умумий ижтимоий ва миллий жиҳатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 33 б.

[1] Хотин-қизлар фаоллиги — жамият ривожининг муҳим омили.
<http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8608-khotin-izlar-faolli-gi-zhamiyat-rivozhining-mu-im-omili>

[1] Мирзиёева С. Аёллар ҳуқуқини таъминламай туриб, инсон ҳуқуқларини тўла қарор топгириб бўлмайди. <https://kun.uz/52464914>

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон” 2018. – 18, 46, 48, 65 моддалар.

[1] Хотин-қизлар фаоллиги — жамият ривожининг муҳим омили.
<http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8608-khotin-izlar-faolli-gi-zhamiyat-rivozhining-mu-im-omili>

[1] Ўзбекистон Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қабул қилинган Фармонига бир йил тўлди. <https://wcu.uz/uz/news/hotin-izlarni-llab-uvvatlash-borasidagi-muim-farmon-imzolanganiga-bir-jil-tldi>

[1] Ўзбекистон аҳолиси сони 34 млн кишига етди.
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/demography/>

[1] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 314 б.



МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ЯНГИЛАНИШИДА ЁШЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Исмоилов Темурбек Исломович
Наманган давлат университети
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б.доцент
Тел: 99 972-19-82 e-mail: temur_86@mail.ru
Усманов Мирабдулла Туламирза ўғли
Наманган давлат университети
“Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими” кафедраси магистранти
Тел: 99 008-92-23

Аннотация. Истиқлол йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан ёшларга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ёшларга кўрсатаётган бу каби гамхўрликлар, аввало, республикамизда вужудга келган иқтисодий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий муҳитнинг соғломлашуви, миллий ҳаёт тарзи ва миллий фикрлаш тарзининг тикланишига, ёшларда эса бурч масъулият ҳиссини ошириши асос бўлмоқда.

Калит сўзлар: маънавий мерос, миллий мерос, маънавий муҳит, мафкуравий муҳит, ёшлар манфаати, узлуксиз таълим-тарбия.

УЧАСТИЕ МОЛОДЕЖИ В ОБНОВЛЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО И ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ

Исмоилов Темурбек Исломович
Наманганский государственный университет
доктор философских наук по философии (PhD), и.о. доцента
Тел: 99 972-19-82 e-mail: temur_86@mail.ru
Усманов Мирабдулла Туламирза угли
Наманганский государственный университет
магистрант по специальности «Национальная идея и правовое воспитание». Тел: 99 008-92-23

Аннотация. С лет независимости наше государство уделяет большое внимание молодежи. Такая забота о молодежи нашей страны, прежде всего, является основой оздоровления экономической, политической, духовной и идеологической среды в стране, восстановления национального образа жизни и национального мышления, повышения самооценки. ответственность среди молодежи.

Ключевые слова: духовное наследие, национальное наследие, духовная среда, идеологическая среда, интересы молодежи, непрерывное образование.

PARTICIPATION OF YOUTH IN RENEWAL OF THE NATIONAL AND SPIRITUAL HERITAGE

Ismoilov Temurbek Isломovich
Namangan State University
Doctor of Philosophy in Philosophy (PhD), Acting associate professor
Tel: 99 972-19-82 e-mail: temur_86@mail.ru
Usmanov Mirabdulla Tulamirza corners
Namangan State University



Master's student in the specialty "National Idea and Legal Education". Tel: 99 008-92-23

Annotation. Since the years of independence, our state has been paying great attention to young people. Such concern for the youth of our country, first of all, is the basis for improving the economic, political, spiritual and ideological environment in the country, restoring the national way of life and national thinking, and increasing self-awareness. responsibility among youth.

Key words: spiritual heritage, national heritage, spiritual environment, ideological environment, interests of youth, lifelong education.

Юртимизнинг эртанги кунига ишонч билдираётган, айниқса, унинг келажаги учун тинмай ўқиб изланаётган иқтидорли талабаларимиз, истеъдодли ёшларимизда, ижтимоий кайфият, миллий урф-одат ва анъаналарга бўлган муносабатларининг юксак даражада шаклланиши жамиятимизнинг келажақдаги равнақини таъминлайди. Бу каби маънавиятли ёшлар ўз ватанини, халқини севиш ва уларни эъзозлаш, ўтмиш аждодларини томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни билиш ва у билан фахрланиш туйғуси ҳамда уларни асраб-авайлаш муҳим вазифа эканлигини англаб етди. Албатта, ана шу вазифаларни амалга оширишда мураббий, ўқитувчиларнинг талаба ёшлар билан олиб бораётган узлуксиз таълим-тарбия ишлари яхши натижа бермоқда.

Жамиятимизнинг асосий мақсади ҳам ватанга, халқига, миллатига фидокор мустақил фикрлайдиган, ҳар бир масалани онгли равишда масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан маънавиятли баркамол фарзандлар ўстириш, уларни жисмоний ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш ва билимли, маърифатли кишилар этиб вояга етказишдан иборат. Демак, ана шундай иқтидорли талабалар, маънавиятли ёшларгина юртимизнинг таянчи бўлиши ва порлоқ келажagini яратиши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, муҳтарам Биринчи Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларни давлат таянчи сифатида маърифий жиҳатдан тарбиялашнинг глобал муоммоларини ҳал этиш сиёсатида алоҳида эътибор қаратилиб бир қанча Қонунлар, Қарорлар ва Фармойишлар қабул қилинди.[1]

Республикамиз ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу қонунга ва ёшларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий, иқтисодий ҳамда ўзга муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

Агарда Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

Шу ўринда ёшлар тушунчасига тўхталадиган бўлсак, адабиётларда ёшлар тоифасига қуйидагича таъриф берилган. Ёшлар – жамиятдаги ижтимоий-демографик гуруҳ бўлиб, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади[2].

Инсонлардаги ёшлик чегараси беқарор ва аниқ ажратилиши қийин, лекин республикамизда амалдаги “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги Қонунга кўра, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқоролар ёшлар ҳисобланади.[3]



Ёшлар баъзи умумий хусусиятлар билан тавсифланади. Улар одатда замонавий ва билимли, янги касблар ва турмуш тарзига интилувчан, ижтимоий жиҳатдан ҳаракатчан қатламдир.

Ёшларнинг турлари жинси, ёши, маънавияти даражаси, касбий бандлик соҳаси, маданий-сиёсий манфаатлари ва бошқа ҳолатларга боғлиқ ҳолда фарқланади.

Ёшларнинг асосий муоммолари таълим турини танлаш ва уни эгаллаш, меҳнат жараёнига кириш, оилани шакллантириш, касбий жиҳатдан ўсиш ва хизмат бўйича илгарилаш кабилар ҳисобланади.

Истиқлолимизнинг ўтган 23 йили давомида республикада ёшларга тааллуқли юзга яқин қонун ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу борада ўндан ошиқ қонунлар, Биринчи Президентимизнинг ўттиздан ортиқ фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қирқдан ортиқ қарорлари ёшларимизни маърифатли, маънавиятли бўлиб, янгича дунёқараш, демократик тафаккурга эга бўлган, давлатимизнинг янги авлод ва таянчи шаклланиши учун ҳуқуқий ҳужжатдир.

Биринчи Президентимиз Самарқандда ўтказилган халқаро конференцияда “Мамлакатимизда кенг қўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежементни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодий университетининг филиаллари фаолият юритмоқда”. [4] Мамлакатимизда ёшларга берилаётган бундай саъй-ҳаракатлар келажакда албатта ўз меvasини беради.

Конституциямизнинг қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз “бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 13 миллион 60 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил қилади”. Бу рақамлар аҳолимизнинг аксарият кўпчилиги қисмини ёшлар ташкил этишидан далолат беради.

Келтирилган ушбу рақамларга асосланиб айтиш мумкинки, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган ёшларимиз, жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омилдир. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлар асосида инсон ва фуқороларга берилган шахсий ҳуқуқлар, эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ёшларимизга ҳам тааллуқлидир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Конституциямизнинг қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида “Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажакимиз” деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десақ, ҳар томонлама тўғри бўлади. Лекин мен ... бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир” [5] деб билдирилган ишончлари барча соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёшларимизга куч ғайрат бағишлаб, ўз вазифаларини юқори даражада бажаришга даъват этади ва бу борада уларнинг масъулиятларини янада оширишларида дастурамал бўлиб хизмат қилади.



Ёшларнинг маънан шаклланиб, вояга етишларида миллий-маънавий мероснинг ўрни бениҳоят аҳамиятлидир.

“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”. [6]

Маънавий меросни изоҳлашдан олдин умуман цивилизация, мерос, хусусан, маданий мерос, маънавий мерос, тушунчаларининг нисбати, хусусиятлари фарқларини билиб олишимиз лозим бўлади. Маънавий мерос умуман мероснинг, хусусан, маданий мероснинг таркибий қисми саналади. Жамият, давр ўзгариши билан унинг маданият типши ва маънавиятида ўзгариш, янгиланиш бўлади, аммо маданий тарққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, балки маданий мерос сифатида сақланиб қолади. Мерос – инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичида яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуи. Маданий мерос ҳам мерос доирасига киради, аммо ундан бироз фарқ қилади. Ўтмишдаги барча маданият ёдгорликлари мерос сифатида сақланиб қолиши мумкин, лекин уларни ҳаммаси ҳам маданий қадриятга эга бўлавермайди. Маданий меросда кишиликнинг келгуси тараққиётига, маънавий юксалишига хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган қадрият аҳамиятга эга бўлган, хизмат қиладиган, унга ижобий таъсир қиладиган қадрият аҳамиятига эга бўлган томонлар ҳисобга олинади.

Маданий мерос деб, ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қодирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтишимиз мумкин.

Маънавий мерос деб, узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган. бутун ижтимоий манфатига, эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади.

Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди.

Маънавий мерос бирор халқ миллат унинг вакиллари томонидан яратилиб сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мероси бунга мисол бўла олади. Маънавий меросимиз жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қайд этганидек, “Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бутун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меъморчилик, дехқончиликка оид 10 минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...” [7]. Буларнинг ҳаммаси Турон замида яшаган



аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидирким, энди бу нодир маънавий меросимизни жиддий ўрганиш, халқимизга етказиш даври келди.

Миллий-маънавий мерос – тарихий тараққиётнинг ўтмишга айланган босқичида муайян миллатнинг аждодлари ақл-заковати, қобилияти ва меҳнати билан яратилган барча моддий, маънавий ва бошқа барча турдаги меросни қамраб олади. Уларнинг айримлари умумжаҳон характерига эга бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихий асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган, шакллантирилган ҳамда равнақ топган миллий-маънавий меросимиз бутунги кунда ҳар бир ёшларимизга дастурамал бўлиб хизмат қилиши керак. Ёш авлодни вояга етказишда аждодларимиз томонидан яратилган маънавий бойликлардан фойдаланиш келажакда албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Бундай миллий-маънавий меросимиз асосида вояга етган ёшларимиз ўтмиш аждодлари каби ватанига содиқ, миллати учун ўз жонини аямайдиган фидойи инсонлар бўлиб етишишлари шубҳасиздир.

Миллий-маънавий меросимиз руҳида камол топган ҳар бир ёш авлод ҳеч қачон, ҳеч бир давлат ёки миллат ёшларидан кам бўлмайди. Маънавий етук, юксак билимли ва тажрибага эга бўлган ёшларимиз равнақига халқимиз фаровонлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Шу, ўринда халқимиз ва алломаларимиз томонидан яратилган маънавий меросга ҳақиқий ворисликка муносиб бўлишимизни таъкидлаш ўринлидир. Чунки, асрлар давомида шакланган миллий-маънавий меросни асраб-авайлаш, уни янада бойитиш ва келажак авлодга етказиш биз ёшларнинг муқаддас бурчимиздир.

Зеро, давлатимиз раҳбари биз ёшларга шунчалик кенг имкониятлар яратиб бераётган экан, бунга жавобан ҳар бир ёш авлод она юртига, миллатига, халқига садоқат билан фидойилик кўрсатган ҳолда хизмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012 й., Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни.
2. 20-ноябр 1991 й., Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни.
3. 2 сентябр 1993 й., Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни.
4. 21-декабр 1995 й., Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни.
5. 15-апрел 1999 й., Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 29-август 1997 й., Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” 29-август 1997 й.,. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор. 6-феврал 2014 й. ва бошқалар.
6. “Маънавият” асосий тушунчалар изоҳли луғати, Ғафур Ғулом нашриёт – матбаа ижодий уйи. - Т. 2009 й. 152-б.



**БАХОВУДДИН ВАЛАД ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ ИНСОН МОҲИЯТИ
ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Чўлиева Васи́ла Эркиновна-фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) - Навоий давлат педагогика институти,
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

E-mail: vasila7646@mail.ru

(Ўзбекистон, Навоий)

Аннотация: Ушбу мақолада буюк мутасаввифлар Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг фалсафий-антропологик қарашларидаги Инсон муаммоси масалалари илмий-назарий жиҳатдан ёритилган. Фалсафа фанининг Инсон, унинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғлиқ алоқаси доимий равишда турли зояларни майдонга келиши натижасида янгилашиб боради. Инсонни фалсафий англашнинг умумий эволюцияси хусусида сўз борар экан, бунда турли антропологик тамойилларни шаклланиши билан унинг борлиқдаги ўрни ва мавқеи ҳақидаги қарашлар ҳам бир мунча чуқур ўрганилди. Инсоннинг ўзига хослиги, унинг субъектив ва ижодий имкониятлари, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни тушуниш барча даврлардаги антропология соҳасининг асосий кун тартибидаги масалалардан бири ҳисобланиб келинган.

Калит сўзлар: тасаввуф, антропология, гуманизм, руҳий камолот, эътиқод, жон ва рух, ботиний олам, зоҳирий олам, малак, сўфийлик, теургия

**НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ОСНОВА ВЗГЛЯДОВ БАХОВУДДИН ВАЛАДА И
ДЖАЛАЛИДДИНА РУМИ НА ПРИРОДУ ЧЕЛОВЕКА**

Аннотация: В статье научно и теоретически рассматриваются проблемы человека в философско-антропологических воззрениях великих суфиев Баховуддина Валада и Джалалиддина Руми. Связь философской науки с Человеком, его потребностями и интересами постоянно обновляется в результате появления различных идей. Если говорить об общей эволюции философского понимания человека, то взгляды на его место и положение в существовании с формированием различных антропологических принципов также были достаточно глубоко изучены. Понимание уникальности человека, его субъективного и творческого потенциала, взаимоотношений человека и природы всегда было одним из главных вопросов в области антропологии

Ключевые слова: мистицизм, антропология, гуманизм, духовная зрелость, вера, душа и дух, внутренний мир, внешний мир, ангел, суфизм, теургия

**SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASIS OF BAHOVUDDIN VALAD AND JALALIDDIN
RUMIY'S VIEWS ON THE HUMAN NATURE**

Annotation: This article scientifically and theoretically deals with the problems of man in the philosophical and anthropological views of the great Sufis Bahovuddin Valad and Jalaliddin Rumi. The connection of philosophical science with Man, his needs and interests, is constantly renewed as a result of the emergence of various ideas. Speaking of the general evolution of the philosophical understanding of



man, the views on his place and position in existence with the formation of various anthropological principles have also been studied in some depth. Understanding the uniqueness of man, his subjective and creative potential, the relationship between man and nature has always been one of the main issues in the field of anthropology.

Keywords: *mysticism, anthropology, humanism, spiritual maturity, faith, soul and spirit, inner world, outer world, angel, sufizm, teurgiya.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларни барчасининг туб негизи Инсон қадри ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларимизнинг бош мақсади этиб белгиланди[21]. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, жамиятимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини юксалтириш масаласи кун тартибидаги асосий мавзулардан бири ҳисобланади.

Ер юзиде Инсон яралганидан буён у ўзининг яратилиш хилқати ва фитратини англаш масаласига қизиқа бошлади. Натижада, ушбу мавзу доирасидаги қизиқишлар, баҳс-мунозаралар, мифологик тасаввурлар, диний ва фалсафий дунёқарашлар йиғиндисидан фан тарихида Инсоншунослик соҳаси пайдо бўлди. Инсоншунослик тўғрисидаги муайян билимларни пайдо бўлиши эса бевосита назарий билимларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Инсон онгининг эврилиши ва тафаккурининг юксалиши натижасида бир қанча фан соҳалари тараққий этди, оламшумул кашфиётлар яратилди. Инсоният ўзининг юксак тафаккури ҳамда ақлий имкониятларидан келиб чиқиб ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларнинг тараққий этишига сабаб бўлди. XIX асрга келиб Инсоншунослик соҳаси назарий йўналишга айланди ва бунинг натижасида инсон моҳиятини тадқиқ этувчи антропология ҳамда инсон руҳиятини ўрганувчи психология фанлари сезиларли даражада ривожланди. Бу даврга келиб фалсафа соҳасида инсон, инсонпарварлик, инсоннинг ботиний ва зоҳирий олами, инсон руҳияти ҳамда гносеологиясининг янги қирралари каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ҳар бир инсонни юксак фазилатли шахс бўлиб камол топишида асосий омил ҳисобланувчи унинг моддий ва маънавий борлиғи масаласини тадқиқ этиш сезиларли даражада ривожланди. Қадимги Ҳинд, Хитой ёки Юнон файласуфларини оласизми, ўрта асрлардаги Шарқ ва Ғарб уйғониш даври намояндаларини оласизми, Ислом оламида ном қозонган мутафаккир зотларни оласизми, уларнинг илмий меросида моддий ва маънавий олам ўртасидаги муносабатларга кенг ўрин берилганини кўришимиз мумкин[8.-Б.65].

Ўрта асрлар маданий-маънавий ҳаётида бир қанча фанлар ва таълимот лар тараққий эта бошлади. Ана шундай таълимотлардан бири тасаввуф бўлиб, у жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юқори поғонани эгаллаб, ҳаттоки, давлатнинг бош мафкураси даражасига қадар кўтарила олганлиги тарихдан барчамизга маълум. Тасаввуф таълимоти ўша даврлардаги мавжуд турли ижтимоий низоларни бартараф этишда, инсонларни бир мақсад йўлида бирлаштиришда, инсон қадрини улуғлаш ва ва юксалтиришда барча халқлар учун бирдек хос бўлган этноцентризм тамойилларини шакллантиришда генерализация даражасига кўтарила олди. Бунинг натижасида тасаввуф таълимоти вакиллари халқ орасида юқори нуфузга эга бўлдилар ва оддий халққа ҳукмдорлардан кўра тасаввуф таълимоти вакиллариининг таъсир ўтказиш даражаси кучлироқ бўла бошлади. Ўз даврида халқ орасида юксак мартабага эга бўлган, инсониятни эзгулик ва



хамжиҳатликда яшашга даъват этган ана шундай тасаввуф шайхларидан бири Султон-ул уламо номи билан шуҳрат қозонган алломаи замон Баҳовуддин Валаддир. Баҳовуддин Валад бутун умри давомида инсонларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишга, жамики инсониятни тинч-тоғув яшашга чақириб, уларга имон-эътиқодни мустаҳкамлашга оид мавзуларда ваъзлар ўқиган. Алломанинг фикрича, имон-эътиқод тушунчаси фақат диний амаллар билан боғлиқ тушунча бўлмай, балки бу инсоннинг руҳий камолоти, юксак маънавий интеллекти билан боғлиқ бўлган тушунчадир.

Инсонни Аллоҳ яратган мавжудотлар орасида энг буюги дея эътироф этган Баҳовуддин Валад инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўйган ҳолда, инсонни энг олий қадрият сифатида эъзозлайди. Инсон қалбида Аллоҳ тажаллийси зухур этади ва мана шу муштараклик улар ўртасидаги илоҳий боғлиқлик вазифасини бажаради. Инсон фаолиятида Аллоҳнинг барча хислат ва фазилатлари намоён бўлади. Бу эса инсонни маънавий-ахлоқий ва руҳий камолот сари ундовчи бош жавҳардир, дея тушунтиради аллома.

Баҳовуддин Валад ўзининг инсоншуносликка оид қарашларида Инсон борлиқнинг эгаси, Аллоҳнинг нури тажаллийсидан яралган зот дея улуғлайди. Унинг таълимотига кўра, Аллоҳ ўзи яратган мавжудотлар орасида фақат инсонгагина ўз сурати ва сийратидан илоҳий нур инъом этди. Аллоҳ инсонни қирқ йилда яратди ва шу сабабли у барча мавжудотлар орасида энг мукаммали ҳисобланади.

Ўрта асрлар мусулмон оламининг энг кўзга кўринган йирик вакилларида бир ҳисобланмиш Мавлоно Жалолиддин Румийнинг фалсафий-антропологик қарашларида инсон интраверти тамойиллари марказий ўринни эгаллайди. У ўз таълимотида инсоннинг яралиши ва моҳияти масалалари хусусида сўз юритаркан, аввало, инсонни олий қадрият сифатида эътироф этади. Румийнинг фикрига кўра, инсон ниҳоятда мураккаб феномен бўлиб, унинг ҳар бир тана аъзоларига ҳам Яратувчи томонидан мукамал шакл берилган ва унинг танасидаги барча аъзолар руҳ воситасида ҳаракатга келади. Қачонки руҳ танани тарк этгудек бўлса, тана аъзолари ҳам ҳаракатдан тўхтади. Шу сабабли аллома руҳий барқарорлик ва қалб хотиржамлиги масаласига алоҳида эътибор қаратади.

У ўзининг Инсоншуносликка оид қарашларида инсон тана ва жон бирикувидан иборат, уларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, дея тушунтиради. Мавлононинг фикрича, жон ва руҳни аксарият кишилар бир-биридан фарқлай олишмайди, чунки жон билан руҳнинг макони ғайб оламидир, уни англамоқ эса душвордир. Румий жонни қуёшга қиёслайди ва у абадийдир, унинг моҳиятини инсон танасидан ташқаридан излаш лозим. Жон қачонки танадан ажралганда, у бизга мавҳум бўлган, ақл-идрокимиз тасаввур этолмайдиган ғайб оламга кўчади. Реал оламда жонга қиёсланадиган, ўхшайдиган ҳеч нарса йўқ ва шунинг учун унинг моҳиятини ҳатто тасаввур ҳам этолмаймиз, дея тушунтиради. Инсон танасидаги жон номоддий нарса бўлиб, у руҳ билан боғлиқ, аммо иккаласи бир нарса эмас. Инсон танасидаги жонни ҳам, руҳни ҳам кўз билан илғаб бўлмайди. Бу хусусида Мавлононинг ўзи шундай ёзади: “Руҳ номоддий нарса бўлиб, ҳаминша ёлғиз, танҳо яшайди. Унинг макони ғайб оламидир” [3.- Б.89].

Баҳовуддин Валаднинг антропоцентризмга асосланган таълимотида ҳам инсон интравертига, яъни, унинг моҳияти ва ички эмоционал имкониятлари таснифига алоҳида эътибор қаратилади. У ўзининг “Маориф” асарида Инсоннинг яралиши тўғрисида



шундай ёзади: “Бизнинг руҳимиз уруғлари пинҳонлик олаmidан келиб қадалади ва биз бу ерда унамиз, улғаямиз, камолга етамиз ҳамда яна қайтиб сўлиб уруғга айланамиз, яъни вафот этамиз ҳамда ниҳолга айланамиз”[12.-стр.89], дейди аллома. Сўлган уруғ тупроққа топширилиши ва ниҳолга айланиши ҳақида Баҳовуддин Валад муфассал баён этади. Дарҳақиқат, инсон майда бир уруғ ҳолида она бачадонига тушиб, дастлаб нуфтага, кейин алақага, сўнгра инсон кўринишидаги вужудга айланиб дунёга келади. Бу хусусида Жалолиддин Румийнинг муносиб издоши ҳисобланмиш ўғли Султон Валад шундай ёзади: “Инчунун, инсон уруғи она раҳмида вақт ўтиши билан шаклдан-шаклга киради, алақа ва музга бўлади, ниҳоят, миттигина одамча шаклини олади, дунёга келади, улғаяди ва Инсон бўлади”[10.-Б.168]. Баҳовуддин Валаднинг таъбири билан айтганда, Яратувчи яратувчини яратмоғи учун ҳеч қандай воситаларга муҳтож эмасдир[13.-стр.36]. Инсон кундан-кунга улғайиб бораверади ва турли яхши-ёмон кунларни, қайғули ҳамда қувончли дамларни кўради, гуноҳу савоб ишларга қўл уради. У гўдаклик, болалик, ўсмирлик, балоғат, ёшлик даврларидан ўтиб, кексалик босқичига ҳам етиб келади. Маълум муддат ўтгач, у вафот этади ва ўз яралиш фитрати бўлмиш тупроқ бағрига қайтади. Унинг тупроққа топширилган вужуди маъданга айланиб, ундан турли гиёҳлар ва ниҳоллар униб чиқади.

Баҳовуддин Валад инсон антропогенези хусусида сўз юритаркан, шундай ёзади: “Биз тупроқдан бунёд бўлганмиз, қисқа муддатли андуҳ ва зафарни бошимиздан кечириб, яна тупроққа қайтамиз”[14.-стр.10]. Аллома ўз асарида тупроқнинг мутлақ такаббурилиги - Яратганнинг адолатлилигига, ёхуд борлиқнинг мутлақ қамраб олган меҳр-шафқатга шубҳа билан қарамоқчилигида[15.-стр.10]намоён бўлади, деб ёзади. Бунда Баҳовуддин Валад Инсонни тупроқ деб таърифлаб, шахснинг ҳаддан ортиқ ўзига бино қўйиши, такаббурилик либосига бурканган ҳолда Аллоҳнинг белгилаб берган тақдири азалига ихтилоф келтиришини чин маънодаги ахлоқликдир, дея тушунтириб ўтади. Баъзи бир Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига ширк келтирадиган ҳамда унинг меҳр-шафқатига шубҳа билан қарайдиганларни эса инсон ҳисобламаслигини айтади. У инсонни Яратганнинг қазои-қадарига иймон келтиришга ва ҳаётида рўй берадиган турли қийинчиликларга сабр қилишга даъват этади.

“Унутма, одамларнинг эти ва қони тупроқ ҳамда сув суякларни яратиш учун оловда эритилган ширалардан қандайин олинганини. Сўнгра жон, илоҳий шуъла инсон қобиғига нафас эпкини билан кирди”[16.-стр.11],-деб ёзади “Маориф” асарида. Бу қобиққа Инсон қиёфасидаги мукамал вужуд шакли бериларкан, унинг вазифаси фақат нурга ва шуълага интилоқдир, зулматга эмас. Биз бу танамизни ахлоқ ва илм билан мусоффо шуълага айланмоғига ёрдам бермоғимиз лозим, деб таъкидланади ўша асарда. Ипак қуртининг пилласига назар сол. Қуртдан ажралаётган суюқликнинг ҳар зарраси нафис ва қимматбаҳо ипакка айланади. Биз ҳам ўзимизнинг яратилишимиз учун асос вазифасини бажарган “оловда эритилган ширалар”ни гўзал хулқимиз, иймон-эътиқодимиз ва инсоний фазилатларимиз орқали барчага зиё улашувчи, зулматни ёритувчи нурга айлангайлик, дейди аллома.

У ўзининг “Маориф” асарида қандай қилиб ҳар бир тирик мавжудот ўзида унинг заррасини жамламай туриб илоҳийликдан хабар бериши мумкин. Борлиқ оғилидаги мавжудотлар қай тарзда ором ва қувончга эришадилар, дея ёзади. Ўзининг бу саволларига жавоб тариқасида эса қуйидаги фикрларни келтиради: “Жавоб келди:ҳаммаси Мендан тарқайди. Мен ҳар бир илтифотда, йўловчида, қийинчиликда,



хирсада, дўстлар суҳбатида, қулоққа айтилган сирда, райҳоннинг хушбўй ифорида, сенинг хоҳишларингнинг олдиндан белгилаб қўйилгани ва ўзгарувчан табиатида, ибодатда, муҳаббатда-ҳаммаси шу ердан тарқайди ва шу ерга қайтади. Япроқ, новда, гулнинг косаси, таъсир ва оқибатлар-барча тушлар уйғонишга қайтади” [17.-стр.14].

Жалолиддин Румий ҳам ўзининг Инсоншуносликка оид қарашларида отаси Баҳовуддин Валаднинг ғояларини мантиқий жиҳатдан давом эттирган ҳолда, Инсон тупроқдан яралган ва шунинг учун унинг борлиғида турли гардлар, яъни ёмон одатлар бўлиши табиийдир, деб ёзади. Шу сабабдан инсон ўз вужудидаги гард ва занглари, турли салбий иллатларни Аллоҳга тоат-ибодат қилиш ҳамда уни зикр этиш орқали покламоғи мумкиндир. Тупроқдан яратилган тана гўшт ва суяқдан иборат. Гўштда ҳидланиш, суяқда синиш, мўртлашиш каби хусусиятлар мавжуд. Шундай экан, сен ҳар доим танангнинг покизалиғига ва саломатлиғига эътибор бермоғинг шарт, дейди Мавлоно. Хожа Бектош Валий эса ўз “Мақолат”ида шундай ёзади: “Одамнинг кўз ёши шўр, кўз қорачиғининг суви шириндир, буларнинг иккаласи бир жойдадир, аммо бири-бирига сира қўшимас. Кўз қорачиғининг суви ширин, агар кўз ёши шўр бўлмаса эди, кўз ҳидланар; кўз қорачиғининг суви тотли бўлмаса, кўз кўрмас бўлурди” [18.-Б.36]

Аслан олиб қаралганда, Инсон табиати икки қарама-қарши кутбдан иборат. Унинг ҳайвонийлик табиати шаҳват ва нафсдан ташкил топган. Зеро, инсон шаҳватни кўзғатувчи ишларни амалга ошириши, шаҳвоний хирсага қул бўлиши ундаги тубанликдан далолатдир. Нафс орзусида инсон деб аталмиш мавжудотнинг табиатига ёт бўлган қилмишларни содир этиши орқали у ўзидаги ҳайвонийлик хислатларини намоён этади ва инсонийлик мақомидан ҳайвонлик даражасига яқинлаша бошлайди. Инсондаги малаклик табиати уни илм ва ҳилмга ундайди. У ҳикмат ва ахлоқ озукаси орқали Аллоҳ жамолига, Унинг раҳмат ҳамда марҳаматига ноил бўлади. Инсонда ҳайвонлик табиатига мойиллик уйғонаркан, у Ҳақдан йироқлаша бошлайди, малаклик табиатига рағбат пайдо бўларкан, ўткинчи дунёнинг хою-ҳавасларидан йироқлашади. Инсон баъзан шайтонийлашса, баъзан малаклашади, баъзан тузоқларни парчалаб ташлайди, баъзан эса йиртқич ҳайвонга айланади[22.-Б.10]. Инсонни фикрлашга, ўйлашга мажбур этадиган масала шундаки, унинг феълидаги ҳайвоний сифатлари туғилганидан бошлаб токи умрининг сўнгги лаҳзасигача уни тарк этмайди. Унинг вужуди тупроқ ва сув қоришмасидан иборат бўлиб, бу унсурлар бирикувидан тупроқ ҳосил бўлади. Инсон фитратидаги тупроқ ва сув шаффофлик ҳамда ҳокисорликда фаришталар оламига қиёсланади. Чақалоқ дастлаб дунёга келганида у гуноҳсиз ва ҳар қандай ёмонлиқу айёрликдан айро ҳолда туғилади. Шу сифатлари билан янги туғилган инсон фариштага қиёсланади. Орадан маълум вақт ўтиши натижасида унинг поклиғига путур ета бошлайди ва шу тарзда тупроқ ҳамда сув қоришиб, балчиққа айланади. Бунинг натижасида ундаги масъумлик ўрнини турли ғаддорликлар эгаллай бошлайди ҳамда у ҳайвонлик сифатларини ўзида ўзлаштириб, малаклар оламидан йироқлаша бошлайди. Одамнинг қаршисида Иблис, Мусонинг қаршисида Фиръавн, Иброҳимнинг қаршисида Намруд ва Муҳаммад Мустафонинг қаршисида Абу Жаҳл пайдо бўлганидек [4.-Б.10], ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида унга қарши чиқадиган, иймонидан чалғитадиган, у билан жанг қилиш истагида бўлган бир инсон бўлади. Бу жангнинг натижасида инсон ёки саодатга ё ҳалокатга учрайди.

Яратилар уч қисмга бўлинади[5.-Б.93]. Булардан биринчиси малаклар бўлиб, улар фақат ақлдан ташкил топишган. Малакларнинг асосини зикр, тоат-ибодат ва қуллик



ташкил этиб, гўё балиқдек яшайдилар. Зотан, балиқнинг тириклиги ҳам, ётоғи ҳам сувдан, покликдан иборатдир. Малаклар нафсдан, ҳою-ҳавасдан ва шаҳватдан йироқ бўлиб, улар мутлақ софлик ҳамда покизалик ичидаги хилқатлардир. Улар ўртасида бир-бирлари билан ҳеч қандай зиддият, кураш ёки ҳасаднинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Малаклар доимо тоат-ибодат билан машғулдирлар, аммо бу амалларини ошкора адо этишмайди ёинки мақтанишмайди. Зеро, тоат-ибодат улар ҳаётининг асосини ташкил этувчи энг зарурий амалдир.

Иккинчиси ҳайвонлар синфи бўлиб, уларнинг асоси шаҳватдан иборатдир. Улар фақат қорнини тўйдириш ғами билан яшайди. Яхшилик ва ёмонлик, унга қарши кураш деган тушунча уларда мавжуд эмас.

Учинчиси эса Инсондир. У ақл ва шаҳватнинг заволи бўлиб, малакликка ҳам, ҳайвонликка ҳам даъво қилади. Биринчи ва иккинчи қисмдаги яратилмишларга танлаш имкони берилмаган, инсонга эса бу имконият берилган ва у малаклик амалларини ҳам, ҳайвонлик иллатларини ҳам аксарият ҳолда онгли равишда амалга оширади. Демак, инсоннинг ярими шаҳват, ярими ҳайвон, ярими илон, ярими балиқ[6.-Б.94]. Унинг балиқликка монанд фазилатлари сувга, яъни покликка тортса, илонликка монанд иллатлари уни балчиққа, яъни разолатга томон судрайди. Ҳадиси шарифларда шундай марҳамат қилинади: “Ақли шаҳватидан устун келган киши малаклардан афзал, шаҳвати ақлидан ғолиб чиққан кимса эса ҳайвондан тубандир”. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ўзи эса бу хусусида шундай ёзади: “Малак билими билан, ҳайвон билимсизлиги билан қутулади: бани Одам (эса) шу иккаласи ўртасидан аросатда қолди”[7.-Б.94]. Шундай тоифа инсонлар бўладики, улар ўзларининг илми ва фасоҳати билан комилик даражасига етиб, ҳаттоки, авлиё-ю-анбиёлик рутбасига эга бўлишади. Яна шундай тоифа вакиллари борки, уларнинг қилмишларидан ҳатто ҳайвонлар ҳам лол қолади, Иблис ҳайрон бўлади.

Жалолиддин Румий ўз асарларида Инсон омили ҳақида сўз юритаркан, Инсоннинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатининг маъноси, моҳияти, ижтимоий мазмунини тиниқроқ тасаввур этмоқ учун ундаги зиддиятли томонларни кўра билмоқ зарур, деган ғояни замонасининг алломалари ҳукмига ҳавола қилади[19.-Б.194]. Мавлоно Жалолиддин Румий ўзининг бой илмий-маънавий мероси билан ҳанузга қадар бутун жаҳон афкор оммасини ўз асарлари атрофида бир оиладек бирлаштириб турган буюк сўз санъаткоридир. Унинг қаламига мансуб барча асарларининг бош мавзуси Инсон омили, Инсон қадр-қиммати ва шахс маънавиятини юксалтиришга қаратилган десак муболаға бўлмайди. Жалолиддин Румий ўрта асрлар мусулмон фалсафасида инсон тўғрисидаги қарашларни янги босқичга кўтарди, уни бир бутун таълимот, яхлит система қилиб расмийлаштирди[20.-Б.150].

Жалолиддин Румий ўзининг “Маснавийи маънавий” асарида борлиқдаги жамики ўзгаришлар, ривожланишлар ва зиддиятлар Инсонда мавжуддир, дея таъкидлайди. Бир ўринда эса инсон руҳи хусусиятларини ўрганишда Олам ва Одамни яратган Аллоҳ жавҳари, исмлари, қудрати ва моҳиятини тушуниш орқали амалга ошишига ишора қилади. Инсон – Худонинг ердаги халифаси, тасаввуфга кўра, инсон Ундан кўрқиб эмас, балки Уни севиб, борлигини Унга боғлаб яшамоғи лозим[1.-Б.83]. Бу хусусида туркиялик румийшунос олим Абулбоқи Гўлшинарли шундай ёзади: “Инсон Аллоҳ таолонинг ердаги халифаси бўлгани учун бутун мавжудот унинг амрига берилган. Бу мавқе инсонга бошқа мавжудотлар ичида устунлик бағишлади, уни янада шарафли қилди. Аллоҳнинг ер



юзидаги халифаси ўлароқ, инсонга бутун мавжудотга нисбатан адолат ва марҳаматли бўлиш мажбурияти юкланган”[11.-Б.46].

Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотида Инсон муаммоси масаласи марказий ўринни эгаллайди. Улар ўз асарларида Инсон теургияси масаласини юқори пардаларда мадҳ этадилар. Теургия-Инсоннинг руҳ билан бирлашиб, унинг мададига таяниб амалга оширадиган ижодий ҳаракатидир [2.-стр.69]. Бу алломаларнинг фикрича, Инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламида Тангри тажаллийси зухур топади. Шу сабабдан фақат Инсонгагина Тангри билан руҳий яқинлик ва қалбан бирлашиш имконияти тўхфа этилган. Инсон дили ва тилида Аллоҳни зикр этаркан, шу онда Яратувчи ҳамда яратилмиш ўртасида инсон онги идрок эта олмайдиган, фақатгина қалбан ҳис қилиш мумкин бўлган руҳий кечинмалар унинг шуурида рўй беради, деб ёзади Баҳовуддин Валад.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўрта асрлар Ислом фалсафасининг йирик мутасаввифлари ҳисобланмиш Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг Инсон моҳияти ҳақидаги фалсафий қарашларини таҳлил этар эканмиз, уларнинг суфиёна руҳдаги асарлари ҳамда гуманизмни улуғловчи ғоялари жамики инсониятни бирликка ва тенгликка даъват этганлигига амин бўламиз. Шунга кўра, Инсон қайси миллат, қайси жамият, қайси гуруҳ ва қайси замонга алоқадорлигидан қатъий назар, ўзига тегишли мавзулар теран ва асосли талқин қилинганидан Румий асарлари атрофида гўё бир оиланинг фарзандларидек тўпланишади[4.-Б.10]. Бу буюк алломаларнинг фалсафий таълимотида илгари сурилган ғоялар ва баён этилган фикрлар барча замонларда ҳаммани бирдек қизиқтириб келган. Юксак ирфоний тафаккур соҳиблари бўлмиш бу мутасаввифларнинг дурдона асарлари ҳар қандай замон ва маконда яшовчи кишиларнинг ўзларини қизиқтирган саволларига, шуурини банд этган хаёлларига “лаббай” дея жавоб бера олади. Шу сабабдан уларнинг бой маънавий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш асрлар мобайнида маънавиятга ташна инсонлар орасида ортиб бормоқда. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, АҚШда китоби энг кўп чоп этиладиган ва сотиладиган шахс Мавлоно Жалолиддин Румий деб эътироф этилган. Бу ҳолат эса унинг бутунги шиддат билан тараққий этаётган дунё ҳамжамиятидаги нуфузи нечоғлик баланд эканлигини англатади. У ўзининг барча асарларида еру-кўкнинг соҳиби бўлмиш Аллоҳ ва Унинг заминдаги халифаси Ҳазрати Инсонни улуғлайди[9.-Б.47]. Бутунги янгиланаётган мустақил Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиётида, озод ва обод ватанимизнинг боқий келажагини таъминлашда, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом фикрли, креатив дунёқарашга эга бўлган шахслар сифатида камол топгиришимизда Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг теран мазмун-моҳиятга эга бўлган, дидактик аҳамиятга молик ҳисобланадиган асарларининг аҳамияти каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Шер. Халқни англасанг - Ҳақни англайсан.-Тафаккур//2010. №1.-Б.83.
2. Бердяев Н. Опыт парадоксальной этики.-М.:Аст, 2003.-стр.-69.
3. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Асқар Маҳкам тарж. 1-китоб.-Т.:Шарқ, 1999.-Б.89.
4. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. Моҳият кашшофи. У.Ҳамдам.-Т.:Янги аср авлоди, 2016.-Б.10.
- 5.ЎША АСАР.-Б.93.



- 6.ЎША АСАР.-Б.94.
- 7.ЎША АСАР.-Б.94.
8. КАРИМОВ И. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.-Б.65.
9. НАСРИДДИНОВ Ч. Инсон, онг, руҳият.-Т.:Ўзбекистон, 2010.-Б.47.
10. СУЛТОН ВАЛАД. Маърифатнома. 1-китоб.-Шарқ юлдузи//2011.-Б.168.
11. ТУПБОШ У.Н. Маснавий бағчасидан бир кўза сув.-М.:САД, 2010.-Б.46.
12. Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном.- М.:Эннеагон-Пресс, 2009. Т. I.-стр.89.
- 13.ЎША АСАР.-стр.36.
- 14.ЎША АСАР.-стр.10.
- 15.ЎША АСАР.-стр.10.
- 16.ЎША АСАР.-стр.11.
- 17.ЎША АСАР.-стр.14.
- 18.ХОЖА БЕКТОШ ВАЛИЙ. Мақолог.-Т.:2000.-Б.36.
- 19.ЧОРИЕВ А. Инсон фалсафаси:Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти.1-китоб.-Т.:Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, 2007.-Б.194.
- 20.ЧОРИЕВ С. Жамият ва Инсон фалсафаси.-Қарши, 2008.-Б.150.
- 21.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь
- 22.ҲАКИМЖОНОВА Р. Румийдан жавоҳирлар.-Т.:Yurist media markazi, 2010.-Б.10.

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ДЕБОЧАСИ

Маматов Мамаджон Ахмаджонович
Фарғона давлат университети фуқаролик
жамияти кафедраси профессори в.б.

***Аннотация:** Мақолада сўнги беш йил ичида Республика сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда олиб борилган ишлар фалсафий нуқтаи назардан қисқача таҳлил қилинган ва янгиланаётган Ўзбекистонда демократиялаштиришни янада чуқурлаштириш юзасидан баъзи бир фикр ва мулоҳазалар берилган.*

***Таянч сўзлар ва иборалар:** Харакатлар стратегияси, ислохотлар, Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, президент сайлови.*

НАЧАЛО НАШИХ УСПЕХОВ

Маматов Мамаджон Ахмаджонович
профессор кафедры “Гражданское общество”
Ферганского государственного университета.

***Аннотация:** В статье философской точки зрения кратко анализируется проделанная работа в политической, экономической, социокультурной сферах республики за последние пять лет, даются некоторые предложения и рекомендации по дальнейшему углублению демократизации в обновленном Узбекистане, выборы президента.*



Ключевые слова и фразы: *Стратегия действий, реформы, улучшение государственного и общественного строительства, верховенство закона, судебная реформа, экономическое развитие и либерализация, социальное развитие, безопасность, межэтническое согласие и религиозная терпимость.*

THE BEGINNING OF OUR SUCCESSES

Mamatov Mamadzhon Akhmadzhonovich

Professor of the Department of Civil Society, Fergana State University

Resume: *The article from a philosophical point of view briefly analyzes the work done in the political, economic, socio-cultural spheres of the republic over the past five years, gives some suggestions and recommendations for further deepening democratization in the renewed Uzbekistan, presidential elections.*

Key words and phrases: *Action strategy, reforms, improvement of state and social construction, rule of law, judicial reform, economic development and liberalization, social development, security, interethnic harmony and religious tolerance.*

Бугун янгиланаётган Ўзбекистон халқининг ижтимоий фаоллиги, фидокорона меҳнати, мақсад сари интилишдаги маънавий тайёргарлиги, саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси сиёсий-иқтисодий ижтимоий-маънавий тараққиётнинг барча жабҳаларида ишонч билан олдинга интилиб бормоқда.

Ватанимиз мустақиллигига эришилгандан бошлаб, биринчи галдаги барча масалалар халқимиз томонидан шараф билан адо этилди. Лекин, давр жамият олдида янги-янги вазифаларни қўяверади. У эса бундай муаммоларнинг энг маъқул ечимларини излаб топишга ва амалга оширишга интилаверади. Ваниҳоят, янги вазифаларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тўғрисидаги ҳужжат 2016 йил охирида юзага келди. Бу муҳим ғоянинг муаллифи давлат ва жамият олдида турган навбатдаги йўл харитасини кўра оладиган, муаммоларнинг моҳиятини, уларнинг ижобий ечимини аниқ биладиган, халқимиз эътирофига эга бўлган шахс –Мирзиёев Шавкат Миромонович эди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1] давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Сўнги 5 йил давомида Республикада қўлга киритилаётган ютуқларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани республикамизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат нақадар тўғри ишлаб чиқилганига ва давлат раҳбарияти атрофида жисплашган кўпмиллатли ўзбек халқи томонидан қўллаб-қувватланилаётгани ва оғишмай амалга оширилаётганига рад этиб бўлмайдиган ишончли далилдир.

Бугун Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар натижасида мамлакатни жаҳон танимоқда ва тан олмақда.

Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича беш йилга мўлжалланган ушбу стратегик



хужжатни амалга ошириш яқунлари барча соҳаларда салмоқли натижалар, самарадорлик ва марраларга эришилаётганидан далолат бермоқда.

Тадқиқот давомида аниқланган фактлар шундан далолат берадики, давлат ва жамият қурилиши тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини кучайтириш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар доирасида Хукуматнинг вазифалари ва ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда 10 дан ортиқ давлат бошқаруви органлари тизими тубдан такомиллаштирилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш изчил давом этдирилмоқда.

Шунингдек, пахта хом ашёсини етиштириш, сотиш ва қайта ишлашда бозор механизмлари кенг жорий этилиб, қатор ҳудудларда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар ва бошқа ижтимоий иншоотлар янгидан қурилди, мавжудлари мукамал таъмирланди.

Озир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларга манзилли ёрдамлар кўрсатилиб, уларнинг аксарияти иш билан таъминланди. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квоталар белгиланди. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида ҳам муҳим ислохотлар, диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишлар изчил давом эттирилиб, соҳага илғор технологиялар ва кластер тизимини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбиркорликни кенг қулоч ёйдириш ва бу соҳа учун янги шарт-шароитлар, қулайликларни яратиш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Ўз бизнесини бошлаётган оилаларга кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони кўпайди.

Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингиди 7 поғона юқорилаб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгаллаб, энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олди[2].

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошланган ислохотлар тизимли равишда давом эттирилиб, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

Ишлаётган пенсионерларга нафақани тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилди.



Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда, хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал суръатларда ривожланди.

Қишлоқ жойларда – 17 минг 100 та, шаҳарларда – 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак даражада эътироф этилди. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – Буюк Британиянинг «The Economist» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди[3].

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонда “Йил одами” деб топилди. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси (TURKSAV) томонидан таъсис этилган Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун халқаро мукофотга сазовор бўлди[4].

Шу билан бирга, UNWTO (Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти)нинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси энг жадал суръатларда ривожланаётган топ-20 мамлакат қаторидан ўрин эгаллади. Американинг “Harper’s Bazaar” нашри эса, 2020 йилда албатта саёҳат қилиш лозим бўлган 20 та энг яхши йўналиш рўйхатида Ўзбекистонга биринчи ўринни лойиқ кўрди[5].

Энг муҳими, янги босқичдаги шиддатли ислохотлар самарасини мамлакатда умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила тобора ўз ҳаётида ҳис этиб бормоқда. Шундай экан, мард ва олижаноб, бунёдкор Ўзбекистон халқининг ақл-идроқи, куч-ғайрати ва салоҳиятига таянган ҳолда, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ўта муҳим ва салмоқли натижаларни кўпайтириш борасида яратилаётган имкониятлардан унумлироқ фойдаланиб, янги Ўзбекистон стратегиясида[6] белгиланган юксак марраларни эгаллаш ўзбек халқининг энг олий мақсадларига айлана бошлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев эътироф этганидек, ислохот ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайди.

2019 йилда жаҳонда бошланган пандемия касаллигини республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2020 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилга нисбатан 101,6 фоизни ташкил қилди[7].

Мамлакатда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши натижасида бутунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жами 219 та электрон давлат хизматлари кўрсатилаётгани Республикада амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон фанининг энг сўнги ютуқлари асосида чуқурлаштирилаётганидан дарак беради.

Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга 1 трлн. 340 млрд. сўм, яъни, 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган замонавий талаблар ва илғор хорижий тажрибаларни татбиқ қилиш асосида юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган вазифалар ижросига



алоҳида эътибор қаратилмоқда. Белгияда чиқадиган нуфузли халқаро журналнинг Ўзбекистон мустақиллиги 30 йиллигига бағишланган махсус сониди таъкидланишича, Республикада 132 олий таълим муассасаси ва филиаллари фаолият олиб бормоқда, жумладан маҳаллий олий таълим муассалари сони 99 тани, хорижий ва нодавлат олий таълим муассалари сони 33 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич 60.1% га ортган, талабалар сони эса 1.9 баробарга ортган, улардан талаба-қизлар 47% ни ташкил этади.

2016 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш 9% дан ошмаган бўлса, 2021-2022 йилда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олишни 30% га етказилди. 2030 йилгача олий таълим билан қамраб олишни 50% ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистонда сўнги 5 йил давомида олиб борилган оқилона сиёсат натижасида амалга оширилган тадбирлар ва қўлга киритилган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳолариб, ҳаваас билан эътироф этилмоқда.

Ватанимизнинг S&P Global Ratings халқаро рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, муқаддам “салбий” баҳоланган. Айти пайтда “BB”, яъни барқарор ўринни эгаллагани, Американинг U.S. News & World Report журналида ёзилишича, Ўзбекистон биринчи марта ер кўрсаткичининг энг яхши давлатлари рўйхатига киритилгани, шунингдек, БМТ нинг бахтиёрлик рейтингига бўйича жаҳонда 42, МДХ давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани Ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари ичида энг ёш мустақил давлатлардан бири эканлигига қарамай, ўзига муносиб ўринни эгаллаб турганидан далолат беради[8].

Жаҳоннинг баъзи ҳудудларида локал ҳолатда юз бераётган нотинчликлар шароитида юзлаб миллат ва элатлар, кўплаб диний конфессиялар вакиллари аҳил яшаётган 35 миллион аҳолининг Ўзбекистонда осойишталикни таъминлаётган давлатнинг ички ва ташқи сиёсати нақадар самаралилиги миллий, диний, маданий соҳаларда олиб борилаётган саъй ҳаракатларнинг маҳсули эканлигининг ёрқин далилидир[9].

Шу билан бирга, янги демократик жамият барпо қилаётган халқимиз, давлатимиз олдида жаҳонда янада юксакроқ чўққиларни эгаллашдек эзгу орзу умидлар билан олдинга интилаётган бир пайтда кутилаётган муҳим сиёсий тадбир – президент сайловида ўз фуқаролик бурчини адо этишда муносиб номзод танлаш борасида тўғри қарорга келиш ва рус халқи мақолида айтилгандек, “ўнга янги ўртоқдан битта эскиси афзал”, яъни халқ, давлат олдида турган вазифаларни аниқ тасаввур қила олаётган ва уларни қай тарзда ҳал қилиш йўллари аниқ биладиган, маълум тажрибага эга номзод муносиброқ эканлигини ёдда тутмоқ зарур бўлади. Бу Республиканинг янада юксалишига, янги марраларни шараф билан эгаллаш дебодаси бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. <https://uza.uz/uz/posts/>
3. <https://religions.uz/news/detail?id=1307>
4. //Тарихи Ҷахсиуётлар (Тарихий шахслар) –Баки: 2020.
5. <https://www.harpersbazaararabia.com/tags/uzbekistan>



6. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон 2021.
7. <https://www.yumpu.com/en/document/read/Diplomatic-World-Uzbekistan>
8. <https://www.usnews.com/news/best-countries/uzbekistan>
9. M Mamatov — HISTORICAL AND PHILOSOPHICAL. ESSENCE OF TEACHING.
<https://crossasia-repository.ub.uni-heidelberg.de/4478/1/Working-Papers.27confirmed-1.pdf>
10. Khakimov O. Centre for economic research and reforms. // Diplomatic-World-Uzbekistan.

ОИЛА ИНҚИРОЗИНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Райхон Рахимова – Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институтининг мустақил тадқиқотчиси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси директори

Аннотация: Ушбу мақолада жамиятда оилалар инқирозининг бугунги кундаги асосий сабабларининг кўринишлари ва муаммолари ўрганилиб ечимлари ишлаб чиқишган. Шунингдек, жамиятда оилаларда ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясида урф-одат ва қадриятларга асосланиши никоҳнинг инқироз ҳодисаларини олдини олиши, илмий мақола ва диссертацияларда келтирилган илмий тадқиқотлар орқали бартараф этишнинг самарали моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослашга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: оила, жамият, муҳит, маънавият, инқироз, урф-одат, қадрият, илмий, фарзанд, муаммо, ечим.

MAIN CAUSES AND VIEWS OF A FAMILY CRISIS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Raykhon Rakhimova is an independent researcher at the Mahalla and Family Research Institute, director of the training course on civil self-government under the Khokimiyat of Surkhandarya region.

Annotation: The article presents the main problems and causes of the family crisis in modern society, and the ways of their solution are also developed.

The article also emphasizes the importance of developing an effective model for overcoming the crisis of marriage through parenting based on

traditions and values of education through research and dissertations presented in research papers.

Key words: family, society, environment, spirituality, crisis, tradition, values, science, child, problem, solution.

ОСНОВНЫЕ ПРИЧИНЫ И ВЗГЛЯДЫ СЕМЕЙНОГО КРИЗИСА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Райхон Рахимова - независимый научный сотрудник Института исследования махалли и семьи, директор учебного курса по гражданскому самоуправлению при Хокимияте Сурхандарьинской области



Аннотация: В статье представлены основные проблемы и причины семейного кризиса в современном обществе, также разработан пути их решения.

В статье также подчеркивается важность разработки эффективной модели преодоления кризиса брака посредством родительского воспитания, основанного на традициях и ценностях воспитания посредством исследований и диссертаций, представленных в исследовательских работах.

Ключевые слова: семья, общество, среда, духовность, кризис, традиция, ценности, наука, ребенок, проблема, решение.

Жамиятда эркак ва аёл иттифоқ тузиб, ўз урф-одат ва қадриятларини оилаларига олиб киради ва буларнинг барчаси биргаликда оилавий муносабатларнинг пойдеворини ташкил этади. Фарзандлари туғилиб вояга етиши учун муҳим яратади. Оила эса оилавий қадриятларсиз мавжуд бўла олмайди, улар унинг яхлитлиги ва маънавий саломатлигини асровчи кишилардир.

Оилани барқарорлаштириш тушунчаси бутунги кунда никоҳларнинг бузилиши оилаларнинг инқироз ҳодисаларининг даражасини камайтиришда бутунги кунда **“Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти”**нинг асосий вазифаларидан бири сифатида ижтимоий амалиёт, амалий лойиҳалар, сўровномалар ва суҳбатлар асосида никоҳ бузилишини ўрганиш долзарблигича қолмоқда.

Шу муносабат билан жамият учун никоҳнинг инқироз ҳодисаларини ўрганиш орқали бартараф этиш учун асос бўлиши мумкин бўлган оилавий ҳаётнинг самарали моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу хусусда олимларимиз “Тарбиянинг миллий хусусияти унда одоб-ахлоқ меъёрлари қатъий белгилаб қўйилганлиги ва мазкур меъёрларнинг ота-она ва бола ўртасидаги муносабатлар мазмунида намоён бўлиши билан тавсифланади. Масалан, - қиз бола етти ёшдан ошгач, на отаси, на акалари ўпиб кўришмаганлар, чунки унинг организмида балоғат фаолияти бошланиб, бу қиз боланинг тарбиясига салбий таъсир қилишини билганлар.” [1]

1991 йилдан буён оила тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий мажлис қонунлари, жумладан, ларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг ўндан зиёд Кодекслари, жумладан, Меҳнат Кодекси (2021 йил), "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш масалалари ҳақида"ги (1994 йил, август), Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998 йил 30 апрель), Ўзбекистон Республикасининг қарори, бошқа меъерий ҳужжатлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу каби ишлардан кўзланган асосий мақсад эса аҳоли фаровонлигини тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда оиланинг “табиат”и, унинг тарихий мавжудлигининг замонавий шакллари, асосий тамойиллари никоҳ фаолиятининг диний ва дунёвий ўзига хос хусусиятларини оиланинг бошқарув стратегияси ва ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ҳақида етарли тасаввурга муҳтожлик сезилди.



Бу хусусда Хўжа Ахрори Вали шундай дейди: қилинади. —...Ибодатдан мурод-маърифатдир, чунки ибодат зоҳирий амалларга тааллуқлидир. Зоҳирий амаллар маърифатга тобеъдир ва мақсад аслида шудир. Маърифат эса фақат ботуний амал бўлиб, бундан таъвилга мухтож эмас”. [2]

Оилаларнинг “бузилиш”и ҳолатининг сабаблари ҳақида турли қарашлар бўлиб, бу муаммоли саволга баъзи вақтларда аниқ бир табиий омилларнинг устуворлигига асосланадиган жавоб топиш қийин.

Бунда айниқса, оилавий ва никоҳ соҳасида ижтимоий бошқарувнинг аспекти билан боғлиқ бўлиб унда оила институтининг структуравий ва функционал моделини оила институтининг элементлари билан боғланиш мантиғини юқори даражада кучайтириш ва айти пайтда оила инқирозининг сабабларини ўрганишда эътиборни ижтимоий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ субъектив омилга кўчириш, инқирозни бартараф этиш чораларини кўришни назарда тутати.

Оила бўйича миллий қадриятлар асосида бир нечта тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим улар қуйидагилар:

1. Ёшларга оила қуришда ёши катталар томонидан “Оила мактаби” ҳақидаги тушунтиришларга эътиборнинг камлиги;
2. Оилада ота-онада фарзандлар билан мулоқот камлиги;
3. Оилада кекса авлод ёшларга ғамхўрлиги асосий семантикаси бўлиши;
4. Эркак ва аёлнинг биргаликдаги ҳаётининг ягона тўғри шакли ҳақида ва бир-бирига бўлган имон ва муҳаббатни сақлаб қолиш учун асосий тарбия воситасини тарғиб этиш;
5. Оилада ота-оналар фарзандлар билан ўзаро бир-бирларини тушунмасликлари;
6. Ота-оналарнинг ҳаётий билим даражаларининг пастлиги;
7. Оиланинг ижтимоий тадқиқи ва таҳлилини жамиятда унинг алоҳида соҳалари, шу жумладан никоҳ муносабатларида ҳам ташкилий-тартибсиз ва эволюцион жараёнларни ўрганиш;
8. Ота-оналарнинг миллий урф-одат қадриятларни тушунмасликлари бугунги кун тадқиқотларининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи шартдир.

Ҳар бир жамиятда оила қуришда қадриятлар одатда икки турга – анъанавий ва замонавий турларга бўлинади. Анъанавий оиланинг қадриятлари бир неча минг йилликларда шакланган бўлиб оилада ўзаро муносабатларда намоён бўлиб, ўзлари яшаб турган ҳудудда оилаларини сақлаб қолишга қаратилган. Оила мустаҳкамлигини диний ва дунёвий тартиботлари билан белгилаш мумкин. Оилада жуфтга содиқлик, севги, ҳурмат, оналик ва насл – насабнинг муқаддаслиги оилани мустаҳкамлашда ушбу қадриятлар асосий ўрин эгаллайди.

Оила ҳақида жамият ва унинг қарашларининг ўзгариши ва ривожланиши билан замонавий оилавий қадриятлар пайдо бўлади. Ҳар бир авлод ўзидан олдингисидан фақат энг зарурини олишга ҳаракат қилади. Албатта, севги, ишонч, ҳурмат, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат ва тушунтиш каби тушунчалар замонавий оилавий қадриятларга асосдир. Лекин, афсуски, улар жамият муаммолари оқибатида турли омиллар жиддий босим остида.

Бугунги кунда ёшларда оилавий қадриятлар биринчи ўринда туриши ва уларда оилаларининг ҳаётини олий қадрият сифатида асраб-авайлаш учун, аввало, фарзандларимизга, диний ва дунёвий томонлама тушунтиришимиз лозим.

Айниқса, сўнгги ўн йилликлар мобайнида оилаларда бўлган ўзгаришлар муаммоси замонавий жамиятнинг турли соҳа вакиллари, айниқса, социологларнинг



эътиборини кўпроқ жалб этмоқда. Бу ҳодисага қизиқишнинг асосий сабаби унинг инқирози билан изоҳланади. Оила мустаҳкам бўлишининг асосий кўрсаткичларидан бири унинг инсоният яшаши учун ҳаётлари учун зарур оиланинг функцияларини сингдира олиш лозимдир. Улар жамиятда оилаларининг бахли ва барқарор ҳаёт кечиришлари ва ривожланиш жараёнлари, тенденциялари ва механизмларига ҳам таъсир кўрсатади. [3]

Ёшларда оилавий қадриятларни таълим олишлари жараёнида қалбларига сингдира олсак бу билан бирга йилит ва қизлар ўзаро муносабатларда кўнгилларига яхшироқ жойлашади.

Ҳар бир шахс ўзи яшаб турган жамиятда никоҳ ва оила муносабатларини сақлаб қолиши учун ота-оналар ҳам ўз фарзандларини никоҳга киришишда ёш келин-куёвлар бу фақат ўзаро бахт йўлининг бошланиши, лекин ҳаётдаги бахтли ҳаёт уларни кутиб турмаслигини балки бу ҳаётни ўзлари ўзаро муносабатлар асосида қуриши асосида ва уларни фақат гўзал ҳаёт кутаётганини ҳис қилишлари лозим.

Шунингдек, ёш келин-куёвларларга муҳаббат ва ўзаро бир-бирларини тушунишга, ҳурмат қилишга, ғамхўрлик қилишга, яқин одамларнинг ишончини қадрлашга, ўзаро ҳис-туйғуларини ҳурмат қилсаларгина ҳаётнинг турли зарбалари олдида тура олмасликларини, акс ҳола ҳаёт зарбалари олдида мутлақо ҳимоясиз қолишлари мумкинлигини тушунтириш лозим.

Ота-оналар фарзандларини нафақат оила ва ундаги ҳаётнинг қанчалик оғир ва енги кунлари бўлиши ва бунга тайёр туришлари муҳимлигини ўргатишлари, бунга доимо ота-боболаримиз ҳамда ўз ҳаётларидан мисоллари билан исботлашлари керак.

Шудан келиб чиққан ҳолда биз оилаларни аввало миллий қадриятларимизни замон талабларининг моҳиятидан келиб чиқиб, оила тарбиясининг замонавий миллий моделининг моҳияти уни ривожлантириш омилларини ишлаб чиқишимиз лозим. Бунда бутунги оилаларнинг инқирозини айрим жиҳатларини кўрсатиб ўтиш лозим;

1. Тарбия жараёнида оила бошлиқларини қадриятларга асосланган миллий тарбия жараёнига эътибори етарли даражада эмаслиги;
2. Ёш оила қурганларни қадриятлар асосида эмас “эски”лик кўриниши, деб қарашларида;
3. Қадриятларга асосланган оиланинг миллий тарбия тизимини замонавий оилага уйғунлаштира олмаганликларида;

Юқоридаги оилаларнинг инқирозли жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда Бирок, ва хусусиятлари,, муаммоларнинг сабаблари ақида кўпга саволлар етиборга олинмади шунингдек в соагадаги кўпга замонавий оилаетаётининг шзига кхос хусусиятлари ушбу формулалар билан. Жамият поидеворинг срни в биринчи жаҳон уруши даврида, уни асраб-аваиллаш ва тузилманинг оила учун табиат дог томонидан белгиланганлиги аниқ бўлиб тижорат пайтда кўпгагириш учун масул бўлган. Кўпга омилар тасирга, ташки ва ички тасир етиши туфаили у йзгаиб яшаш шароитига мослашиш ва мослашиш Оиланинг шакллантирган қобилиятини. Деярли давомида биргалиқда саклаб бутун вак колди в қобилият оилани. Оила йзини йзгартирди ва жамиятга мос тасир кўрсатди равишда.

Шундай қилиб, оилаларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш барчамиз учун мажбурий талабдир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умуров Ҳ., Ҳайдаров Қ., Холиқов М. Халқ расм -русумлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريётининг Самарқанд бўлими. 1991. – Б.8.
2. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар (тарж. М.Ҳасаний ва б.). – Т.: Адолат, 2004 – Б.28.
3. Репина Т.А. Современная семья как объект социального управления. Автореферат. ВАК РФ 22.00.08, кандидат социологических наук. 2008.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИНСТИТУТЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ: ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Сауров Равшонбек Русланбек ўғли

Магистр, Ўзбекистон Миллий университети, Ижтимоий фанлар факультети, Тошкент,
Ўзбекистон

Тел: +998 (97) -363-22-71 e-mail: ravshonbek.saurov@gmail.com

***Аннотация:** Ушбу мақолада, бугунги Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида мутлақ янги тизим давлат хизматларининг шакллантирилаётгани, унинг авфзалликлари, олдинги давлат бошқарув тизимларидан фарқи ва ушбу давлат хизматларини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар очиб берилган. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг таркиби, мақсад ва вазифалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** динамизм, карьера тартиби, давлат бошқаруви, давлат хизмати, халқ манфаатлари, юксак профессионализм*

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ: СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ

Сауров Равшонбек Русланбек оғли

Магистр факультета социальных наук, Национальный университет Узбекистана, Ташкент,
Узбекистан

Тел: +998 (97) -363-22-71 e-mail: ravshonbek.saurov@gmail.com

***Аннотация:** В данной статье раскрывается формирование совершенно новой системы государственных услуг в современном Новом Узбекистане, ее преимущества, отличия от прежних систем государственного управления и нормативные акты, направленные на развитие этих государственных услуг. Кроме того, описаны состав, цели и задачи Агентства по развитию государственной службы при Президенте Республики Узбекистан.*

***Ключевые слова:** динамизм, карьерный порядок, государственное управление, государственная служба, общественный интерес, высокий профессионализм.*

INSTITUTIONAL FEATURES OF PUBLIC SERVICES: SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS

Saurov Ravshonbek Ruslanbek ogli

Master, Faculty of Social Sciences, National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

Tel: +998(97)-363-22-71 e-mail: ravshonbek.saurov@gmail.com



Annotation: *This article reveals the formation of a completely new system of public services in modern New Uzbekistan, its advantages, differences from the previous systems of public administration and regulations aimed at the development of these public services. In addition, the composition, goals and objectives of the Agency for the Development of Civil Service under the President of the Republic of Uzbekistan are described.*

Key words: *dynamism, career order, public administration, civil service, public interest, high professionalism.*

Замонавий жамиятлар тараққиётининг динамик хусусиятлари аввало давлат бошқарув тизимига янги-янги талаблар қўяётганида намоён бўлмоқда. Моҳиятан динамик ҳодисалар бўлган жамият ва унинг тараққиёти давлат бошқарув тизимини мудом такомиллаштириб боришни тоқазо қилади. Платоннинг кратологик қарашларидаги деспотия, аристократия ва демократия бир бирини инкор қилиб келувчи бошқариш усуллари эканини айтганида бошқарув тизимига динамизм хослигидан келиб чиққан [1]. Демак, динамизм бутунги бошқарув тизимига хос ҳодиса эмас, у мудом жамият ҳаёти ва тараққиётининг атрибуги бўлиб келган. Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Н. Макиавелли, Ж.Локк, Ш.Монтёсье, И.Кант, Гегель, И.Бентам, Г.Торо каби файласуфларнинг ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт ҳақидаги қарашларида бошқарувнинг динамик хусусиятларига оид эътиборли фикрлар мавжуд. Улар тарихий-фалсафий мерос контекстида алоҳида тадқиқ этилиши мумкин.

Бутун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар давлат бошқарувида мутлақ янги тизим давлат хизматларининг шакллантирилатгани билан боғлиқдир. Шу пайтгача Республикамизда бошқарув тизими лавозимларни тақсимлаш тамойилига қурилган эди. Бу тамойил ўтган ўн йилликларда автократизм ва валютаризмга йўл очиб берди, натижада бошқарувда ошно-оғайниччилик, мансабларни солиб олиш ва коррупция илдиз отди. Кадрлар профессионализми, билим ва тажрибалари, ишчанлиги эмас, балки тепага содиқлигига қараб у ёки бу лавозимга қўйилган. Тўғри, баъзи жойларда очиқ сайлов тартиби қўлланилди, бу усул демократик бошқарув шакли бўлиб кўринди, бироқ бутун бошқарув тизимида карьера тартибининг жорий этилмагани сабабли бошқарувдаги ислохотлар қутилган натижа бермади.

Карьера тартиби, юридик фанлари доктори, Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университетининг профессори Исо Ҳамедовнинг таъкидлашича, меритократия тамойилига асосланади, яъни давлат хизматчисидан юксак профессионализмни, сиёсатга аралашмаслик, хизматга содиқлик ва масъуллик, қонунга итоаткорлик, поғонама поғона ўсишга интилиш кабиларни талаб этади [2]. Карьера тамойили жорий этилмагунча давлат хизматчиларини адолатга, қонунга, масъулликка даъват этиш оддий, самарасиз ёндашув бўлиб қолаверади.

“Давлат хизматлари ҳақида”ги қонуннинг лойиҳаси 2017 йили умумхалқ муҳокамасига қўйилган. У Ўзбекистон адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, 2018 йил 21 майда Интерактив давлат хизматлари Ягона порталида эълон ҳам қилинган. Оммавий ахборот воситаларида билдирилатган фикрлар ушбу лойиҳага оиддир. Бундан маълум бўладики, қонун ҳали етарли даражага етказилмаган, бу бўшлиқни ҳозир Президент Фармонлари ва Қарорлари тўлдирмоқда.

Қонуннинг асосий мақсади давлат хизматларини амалга оширишнинг янги тизимини яратиш, барча давлат бошқарув поғоналари ва институтларида



хизматчиларни карьера тамойилига мувофиқ шакллантириш, уларда профессионал ва юксак ахлоқий нормаларга интилишни тарбиялашни назарда тутди. Давлат хизматчилари ва амалдорларга бундай талабларнинг аксарияти Конфуций, Форобий, Низомулмулк, Алишер Навоий, Бобур, Ас Самарқандий асарларида ҳам учрайди. Масалан, Хитой мутафаккири Конфуций давлат хизматчиларининг поғонама поғона кўтарилиши тизимини ишлаб чиққан [3]. Форобий эса давлат раҳбари бўладиган кишига қатор фазилатларга эга бўлишни шарт қилиб қўяди [4]. Хуллас, давлат бошқаруви ва хизматчилари мудом тафаккур аҳли кузатувчи остида бўлган, сиёсий фаолиятдан хабардорлари эса улар амалларини синчиклаб таҳлил қилган, идеал давлат арбоби моделини яратган.

Қонун лойиҳасида давлат хизматлари билан давлат фуқаролик хизматлари айнан воқеликдан сифатида келтирилган. Унда давлат хизматлари институтларига ҳарбий хизматлар, ички ишлар органлари фаолияти, судлар, дипломатия ва депутатлар киритилади. Бироқ давлат фуқаролик хизматлари институтларига нималар киритилиши мавҳум қолган. И. Хамедовнинг ёзишича, судлар ва депутатлар алоҳида ҳуқуқий мавқега эга бўлгани учун уларни давлат хизматчилари қаторига қўшмаслик керак [2]. Тадқиқотчининг эътирозларида жон бор, чунки депутатлар давлат хизматчилари эмас, ҳатто Олий Мажлис депутатлари асосий фаолиятдан озод бўлиб, қонунчилик ёки сенаторлик вазифаларини бажарганларида ҳам, конституцион мавқега кўра, халқ сайлаган ва унинг талабларини бажарадиган вакилдир.


Қонунда давлат хизматчиларидан халқ манфаатларига хизмат қилиш ва юксак ахлоқий стандартлар талаб этилиши кўрсатилади. Халқ манфаатларига хизмат қилиш Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин”, деган сиёсий шиорини ифода этади. Ҳақиқатан ҳам, ушбу фундаментал аҳамиятга эга мақсад бутун давлат бошқарув тизими фаолиятини ўзгартириб юборди. Қонунга итоат этиш, халқ манфаатларига хизмат қилиш, ҳар бир киши арз-додини эшитиш ва унинг муаммоларини ҳал этиш давлат бошқаруви институтлари фаолиятининг устувор хусусиятларига айланиб бормоқда.

Давлат хизмати деганда Ўзбекистон Фуқароларининг давлат органлари ва ташкилотларидаги оммавий манфаатларга мувофиқ амалга ошириладиган, профессионал ҳақ тўланадиган фаолият туридир. Бу фаолият давлат бошқарув тизимига, унинг институционал талаблари ва хусусиятларига мос бўлиши лозим. Масалан, ички ишлар органлари ходимларининг институционал хусусиятлари жамиятда ҳуқуқий кадриятларни, фуқароларда қонунга итоат этиш нормаларини шакллантириш кабиларда акс этади. Ички ишлар ходимларининг институционал талабларга мослиги юқоридаги функцияларини тўла бажаришига қараб ўлчанади. Аммо бу институционал талаблари ва хусусиятлар барча давлат хизматчилари учун умумий бўлган карьера тартиблари бўлишини рад қилмайди. Ходим ўз меҳнати, профессионаллиги, халқ манфаатларига содиқлиги, ўзининг ижтимоий бурчларини тўла бажариши каби ибратли фазилатлари билан энг юқори карьерага ҳам чиқиши мумкинлигига ишониши керак. Хизматлари туфайли юқори карьерага эришиш мумкинлиги ходимни маънавий-ахлоқий ва касбий такомилнинг асосини ташкил этмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2019 йили Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган. Давлат бошлигининг 2019 йил 3 октябрдаги № 5843 сонли “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати



тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида карьера тартибини жорий этиш тилга олинади. Карьера қилиш давлат хизматчилари фаолиятига хос жиҳатдир. Қарорда давлат хизматчиларининг карьера қилишга имкон берадиган шарт-шароитлар яратилиши зарурлиги кўрсатилган. Бунга, агентлик қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Давлат хизматини ривожлантириш жамғармаси, агентлик филиаллари, Президент хузуридаги давлат бошқаруви академияси ёрдам бериши керак. Агентлик мамлакатимизда кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун барча бошқарув тизимлари билан алоқалар ўрнатади, кадрларни жой жойига қўйиш ва танлаш қайта ўқитиш, хорижий давлатларда малака ошириш ишларини ташкил этишдан қатнашади. Агентлик тизими қуйидагича



Кўришиб турибдики, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги анча кенг тизимга ва кадрларга эга. Демак, давлат бошқарув тизимининг ўзи мураккаб. Унинг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, энг мухими кадрларни танлаш, улардаги карьера истакларини ҳисобга олган тарзда янги тизим яратишдир.

Агентлик вазифаси ҳам ранг-барангдир. Асосий вазифаларга қуйидагилар киради:

- давлат фуқаролик хизматини трансформация қилишниги тўғривий платформасини ишлаб чиқиш;
- бошқарувда давлатнинг кадрлар борасидаги Ягона сиёсатини ҳаётга жорий этиш;
- давлат хизматларини мониторинг қилиш, уларни ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;



- кадрлар захирасини бошқариш, давлат хизматчилари лавозимларининг Давлат реестрини олиб бориш;

- давлат хизматчилари қонуний талаблари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабилардир.

Шуни қайд этиш керакки, лавозимлар бўйича бошқариш тизими энди эскирди, у карьера тартиби билан алмаштирилиши керак. Бошқаришни лавозим тизими эмас, балки юксак профессионализмга ва бошқарув сирлари, технологиясидан хабардорликни ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш хусусиятлари белгилаши керак. Бошқарув тизимлари ўзгариши мумкин, аммо карьера тартибларидан ўтган мутахассис давлат бошқарувида ўзининг барқарор ўрни ва мавқеига эга бўлади. Кадрлар қўнимсизлиги давлат бошқарувидаги носозлик, номукамаллик белгисидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Платон.Сочинения. Том 3.Часть 1.--Москва:Мысль, 1973. С.278 -281.
2. Колумнисты. Политика, 2020,19 июня
3. История китайской философии.--Москва: Прогресс, 1989. С.186-189.
4. Форобий,Абу Наср. Фозил одамлар шахри.--Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. 207-211 б.



10.00.00
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

**ЧАРЛЬЗ ДИККЕНСНИНГ “ОЛИВЕР ТВИСТ” РОМАНИДА ЕТИМ БОЛАЛАР
ҲАЁТИНИНГ РЕАЛИСТИК БАДИИЙ ТАСВИРИ**

Сафарова Зилола Толибовна, ўқитувчи
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мазкур мақолада Чарльз Диккенснинг “Оливер Твист” романида етим болалар турмуш тарзининг реалистик бадиий тасвири борасида фикр юритилади. Адибнинг ўзига хос услуби, ҳамда бошқа етимлик асарлари билан ўхшаш омилар – мавзу, гоя, қаҳрамон, айниқса, етим образларидаги ўхшаш қирралар таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: Чарльз Диккенс, етим, етимлик, реалист, мавзу, гоя, қаҳрамон, инсон, жамият, роман.

**РЕАЛИСТИЧЕСКИЙ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ-СИРОТ В
РОМАНЕ ЧАРЛЬЗА ДИККЕНСА "ОЛИВЕР ТВИСТ"**

Сафарова Зилола Толибовна, преподаватель
Бухарский государственный университет

Аннотация: Данная статья посвящена реалистичному художественному изображению жизни сирот в романе Чарльза Диккенса «Оливер Твист». Анализируется неповторимый стиль автора, а также факторы схожести с другими произведениями о сиротах – предмет, идея, главный герой, особенно сходства в образе сирот.

Ключевые слова: Чарльз Диккенс, сирота, сиротства, реалист, тема, идея, характер, человек, общество, роман.

**A REALISTIC ARTISTIC IMAGE OF THE LIFE OF ORPHAN CHILDREN IN THE NOVEL
BY CHARLES DICKENS "OLIVER TWIST"**

Safarova Zilola Tolibovna, teacher
Bukhara State University

Annotation: This article discusses the realistic artistic depiction of the lifestyle of orphans in Charles Dickens' novel "Oliver Twist". It provides the analysis of author's unique style, as well as similar factors with other works about orphans - the subject, the idea, the protagonist, especially the similarities in the orphan's images.

Key words: Charles Dickens, orphan, orphanhood, realist, theme, idea, character, human, society, novel.

Машҳур адабий танқидчи В.Г. Белинский таъкидлаганидек, ҳар бир даврнинг ўз гоёси ва шунга мос ифодавий шакли мавжуд бўлади, яъни ҳар бир давр ўз мазмун ва шакл бирлигига эга [1] Дастлаб халқ оғзаки ижодига тегишли эртақлар шаклида



тараққий этган болалар адабиётида ҳам, кейинчалик капиталистик муносабатлар ривожланиб, ёзма адабиёт кучайиб борган сари реалистик услуб белгилари пайдо бўла бошлади. Қиролича Виктория ҳукмронлиги даври адабиёти “Виктория асри” номи билан машҳур бўлиб, у Англия романчилигининг буюк даври сифатида тилга олинади. Чунки, аксарият асарлар кучли сюжетга эга, қаҳрамонларга бой, ҳажми анча кенг реалистик руҳда ёзилган романлардир. Бундай ижод намуналари ижтимоий-сиёсий ҳаётни борича тасвирлаш ҳамда жамиятнинг ўрта қатламига мансуб китобхонлар қалбидан ўрин эгаллаш учун жуда қулай эди.

Инглиз танқидий реализмининг йирик намоёндаларидан бири Чарльз Диккенс қаҳрамони айнан болалар бўлган, мавзуси уларнинг ҳаёлотини ва орзу-умидлари асосига қурилган асарлари билан болалар адабиёти романчилиги тараққиётида кескин бурилиш ясади. Бу ўринда унинг “Девид Коперфильд”, “Қатта умидлар”, “Оливер Твист” каби романларини айтиб ўтиш жоиз. Адабиётшунос олим Б. Ҳофман Диккенс ижодини таърифлар экан, ушбу жумлани келтиради: “Orphans and orphanhood is everywhere in Dickens. Oliver Twist, Little Nell, David Copperfield, Esther Summerson, Amy Dorrit, Pip and a host of other Dickens characters are all orphaned and their plight as orphans is a powerful emphasis in the novels that depict them” [2].

Ҳофманнинг бу фикридан кўриниб турибдики, Диккенс етим бола образини яратишга бир неча бор қўл урган ва аксарият ҳолларда унинг бу уринишлари муваффақиятли яқунланган. Зеро, Оливер Твист, Кичкина Нелл, Девид Коперфильд, Эстер Саммерсон, Эми Дорит, Пип ва бошқа Диккенснинг қаҳрамонлари барчаси етим болалар бўлиб ва адиб бу қаҳрамонларнинг етимликдаги мусибатлари ҳамда орзу-ўйлари тасвирига асарларда алоҳида эътибор қаратган. Шунини таъкидлаш жоизки, Чарльз Диккенс, асосан, Лондон кўчаларида тез-тез учратиш мумкин бўлган товламачилик, юлғичлик, ўғрилик, айёрлик ва фирибгарлик каби иллатлар орқали зўравонларнинг ожизлар устидан, айниқса, қаровсиз, уйсиз, етим болалар устидан ҳукм ўтқазилган интилишларини, адолатсизлик ва тенгсизликнинг оқибатларини, қашшоқ халқнинг оғир мусибатларини, бир сўз билан айтганда, ўша даврдаги реал ҳолатни ўзида чуқур бадиий акс эттирган асарлари орқали ёритиб беришни мақсад қилган ижодкордир. Ушбу мақола Диккенснинг “Оливер Твист” романида етим болалар турмуш тарзининг реалистик бадиий тасвирини таҳлил қилишга бағишланади. Бошқа асарлари учун танланган қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, Оливер образи орқали адиб анча кичик ёшдаги бола ва унинг изтироблари, ўй-хаёллари, ҳамда орзу-умидларини ёритишга ҳаракат қилган.

“Оливер Твист”(1837) ёзувчининг 25 ёшида ёзган иккинчи романи бўлиб, унга муваффақият олиб келган шов-шувли асар бўлди. Бу асар ҳақида Диккенснинг ўзи шундай деган эди: “Назаримда, жинсий тўданинг ҳақиқий аъзоларини тасвирлаш, уларни барча хунукликлари, жирканчликлари билан ифодалаш, уларнинг тубан, қашшоқ ҳаётини аслича кўрсатиш - доимий ҳийла-найранг қилишлари, хавотирга тўла энг ифлос йўллар бўйлаб юришлари, ва қаерга қарашмасин, ўзларини ҳаминша кўрқинчли дор таъқибда кўришлари - буларнинг барини тасвирлаш - менимча, бажарилиши зарур бўлган ва жамият учун хизмат қиладиган нарсани англатади. Ва мен буни бор кучим билан қилдим”. Ҳақиқатдан ҳам, адиб Лондон кўчалари аҳолисини, кўча дайдилари ва товламачиларининг кўринишларини шундай бир моҳирлик билан тасвирлаганки, китобхон гўё уларни ўз кўзи билан кўргандек бўлади. Масалан, ўғри тўда



аъзоси Ненсининг қуйидаги сўзлари фикримизнинг тасдиғи бўла олади: “It is my living; and the cold, wet, dirty streets are my home; and you are the wretch that drove me to them long ago, and that will keep me there day and night, day and night, till I die! [3,172]”

Асар воқеалари марказида Лондон “Workhouse” (Меҳнат уй)ларидан бирида дунёга келган етим бола Оливер Твист образи туради. Ўша даврда Лондонда бундай “Меҳнат уй”ларини кўплаб учратиш мумкин эди. Камбағал кишилар, ота-онасиз болалар, эридан ажрашган аёллар, яқинини йўқотган қариялар, бир сўз билан айтганда, ожиз ва чорасиз кишилар билан лиқ тўлган бу масканларда аҳвол аянчли эди. Уларга ажратилган таъминот жуда оз, у ерда истиқомат қилувчилар мунтазам очлиқда кун кечирар, болалар 4-5 ёшидан бошлаб ишлашга маҳкум қилинар, уларнинг кўпчилиги, айниқса, Оливер сингари етим қолган болалар кул қилиб соғиларди. Масалан, мўри тозалаш, кўмир конларида арава тортиш каби хавfli ва ифлос ишлар “Меҳнат уй”лардан соғиб олинган ёшгина етим болалар зиммасига юклатилган. Ҳеч қандай маошсиз, оғир шароитларда ишлашга мажбур қилинган ночор болалар аксарият ҳолларда қочиб кетишар, натижада улар совуқ ва очлиқдан нобуд бўлишар ёки Лондон кўчаларидаги жинойй ҳаётга кўшилиб кетишарди.

Асар муқаддимасида келтирилган муаллифнинг қуйидаги фикрлари ҳам бу воқеаларнинг қанчалик реал ҳаётдан олинганлигига яққол далилдир: “Once upon a time it was held to be a coarse and shocking circumstances, that some of the characters in these pages are chosen from the most criminal and degraded of London’s population” [3,23].

Ижтимоий ҳаётнинг бундай иллатлари ёрқин мисоллар билан очиб берилишида Диккенснинг болалиқда кўрган - кечирганлари ҳам туртки бўлган. Чунки, отаси қарзга ботиб қамоққа тушганида, 12 ёшли Чарльз Диккенс оиласини таъминлаш мақсадида турли-туман юмушларни бажаришга мажбур бўлади. “Виктория асри” Лондон кўчаларидаги ўғрилиқ, товламачилиқ, порахўрлик, киссовурлик каби жинойй ҳаётнинг қийинчиликларини ўз кўзи билан кўрган бўлажак ёзувчи болалик кечинмаларини қаламга олган, десак адашмаймиз. Айнан мана шу юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар билан асар қаҳрамони 9 ёшли Оливер Твист ҳам юзма-юз келганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Инглиз адабиётшуноси Лаура Питерс фикрича, “Виктория даври” ёзувчилари етим қаҳрамонлар образини яратишда бир қанча умумий муштараклик кўзга ташланади:

- ўтмиши сирли ташландиқ бола;
- жинойтга тортилган етим;
- саёҳатга чиққан одамлар билан алоқадорлик ва бошқалар.

Шу ўринда таҳлилга тортилган “Оливер Твист” романида ҳам санаб ўтилган хусусиятларнинг белгилари мавжудлиги кузатилади:

- а) никоҳсиз туғилган, отаси кимлиги номаълум, онаси фарзандини дунёга келтираётган оламдан ўтган, ҳеч кими йўқ боланинг бош қаҳрамон сифатида танлангани;
- б) қаҳрамоннинг хўрлик ва зулмларга чидолмай, шогирдликка берилган гўрковнинг уйдан қочиб кетиши, ҳамда кўчада оч-наҳор ёлғиз қолган боланинг жинойтчилар тўдаси қўлига тушиб қолиши.
- в) бош қаҳрамонга ёрдам қўлини чўзган, жинойтчилар орасидаги кўнгли очиқ образ (Оливернинг тирик қолишида ва ўтмиши билан боғлиқ жумбоқнинг ечилишида ҳисса қўшган ўғри қиз – Ненси);



“I won't stand by and see it done, Fagin,” cried the girl. “You've got the boy, and what more would you have? Let him be—let him be, or I shall put that mark on some of you, that will bring me to the gallows before my time... [3,170]”

Ненсининг ушбу сўзлари унинг нақадар жасур ва бағрикенг эканлигини исботлайди. Бир бегуноҳ гўдакни ҳимоя қилиш учун ўз ҳаётини хатарга қўйиб, тап тортмай тўдабошисига қарши чиқади.

г) қаҳрамон ўзининг фойдали инсон бўла олишини исботлашга уриниши;

Oliver, delighted to be of use, brought down the books under his arm in a great bustle, and waited, cap in hand, to hear what message he was to take [3,152].

Бу ерда муаллиф Оливер ниҳоят ўзига ишонч билдирилганидан ғоят бахтиёр бўлиб, мамнунлик билан кўрсатма беришларини муштоқ бўлиб кутаётганини тасвирлайди. Илгарилари одам ўрнида кўрилмаган, ҳаммаша турткиланиб келган Оливернинг қувончдан тўлиб-тошаётганини ҳис қилиш қийин эмас.

д) бахтли яқун (қаҳрамоннинг асар сўнггида холаси билан топишиши ҳамда бойликка эришиши) ва бошқалар.

Mr. Brownlow adopted Oliver as his own son, and removing with him and the old housekeeper to within a mile of the parsonage house, where his dear friends resided, gratified the only remaining wish of Oliver's warm and earnest heart, and thus linked together a little society, whose condition approached as nearly to one of perfect happiness as can ever be known in this changing world [3,534].

Гувоҳи бўлганимиздек, ўша даврда болалар учун яратилган кўплаб асарлар сингари Оливер Твист ҳам ёвузликнинг енгилиши ва эзгуликнинг ёруғликка эришиши билан яқунланади.

Дарҳақиқат, Оливер прототипи фақат биргина қаҳрамоннинг ҳаёти, қийинчиликлари, изтироблари эмас, балки минглаб ночор болаларнинг кечинмаларини ҳаётий фожеа сифатида акс эттирган образ эди. Оливернинг очлик ва ёлғизлик изтироблари муаллиф баёни орқали шундай тасвирланади:

“...Mrs. Mann gave him a thousand embraces, and, what Oliver wanted a great deal more, a piece of bread and butter, lest he should seem too hungry when he got to the workhouse..... [3, 37].”

Кўришиб турибдики, Диккенс содда, оддий сўзлар ёрдамида улкан муаммоларга, уларнинг қанчалик чуқур иддиз отганлигига ишора қилган. Оливер сингари тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган қанчадан – қанча болаларнинг қорни тўйиб овқат емаслиги, улар учун бир бўлак нон нақадар азиз эканлиги содда бола тилидан айтилган биргина жумла воситасида ифодаланган. Очлик азоби устун келган ёш Оливер тақиқланган бўлишига қарамай, ўзида куч топиб қўшимча овқат сўрашга журъат қилади:

....Child as he was, he was desperate with hunger and reckless with misery. He rose from the table, and advancing basin and spoon in hand, to the master, said, somewhat alarmed at his own temerity — “Please, sir, I want some more” [3,42].

Айгиш жоизки, бегуноҳ болакайнинг бундай изтироблари инсон қалбини ларзага солиб, ғам-алам гирдобига ғарқ қила олганидек, баъзи ўринларда муаллиф томонидан қўлланилган енгил юморнинг содда қаҳрамон ўй-хаёллари орқали ифодаланиши беихтиёр юзимизда кулгу нишонларини намоён қилади. Маълумки, жамиятдаги жиддий масалаларни очиб беришда юмористик ва фожиавий саҳналардан ўринли фойдаланиш улкан истеъдодни талаб қилади. Оливернинг қанчалик пок ва самимий қалб



эгаси эканлигини муаллиф оддий усул билан, ҳеч қандай жимжимадор таърифларсиз кўрсатиб беради. Ўғрилиқда гумон қилиниб, қўлга олинганида Жаноб Браунлоу унга ишониб уйига олиб келади. Сўнг атрофдагиларга Оливернинг ёмон бола эмаслигини исботлаш мақсадида, унга бир нечта қиммат китоб ва пул бериб, китоб сотувчининг дўконига бориб келишни айтади. Бу ўзини оқлаб олиши учун Оливерга берилган бир имкон, шу билан бирга, бир синов ҳам эди. Бахтга қарши, фойдали иш қилиш илинжида хурсанд бўлиб кетаётган Оливерни йўлда ўғрилар тўдаси яна тутиб олади ва бола ўзининг эзгу ниятини амалга ошира олмай қолади. Шунда Оливер яна ўғрилар қўлида азият чекишини ўйлаб эмас, балки ўзига биддирилган ишончни оқлай олмаганини, Жаноб Браунлоунинг у ҳақида нотўғри фикрда қолиши мумкинлигини ўйлаб изтиробга тушади: “They belong to the old gentleman,” said Oliver, wringing his hands, —“ to the good kind old gentleman who took me into his house, and had me nursed when I was near dying of the fever. Oh, pray send them back; send him back the books and money. Keep me here all my life long ; but pray, pray send them back. He'll think I stole them;— the old lady, all of them what were so kind to me, will think I stole them. Oh, do have mercy upon me, and send them back! [3,168]”

Юқоридаги таҳлиллardan келиб чиқиб, шунини таъкидлаш жоизки, Диккенснинг болалик, омон қолиш ва машаққатли меҳнат мавзуларига бўлган муносабати унинг энг катта ютуқларидан бўлиб ҳисобланади. Диккенс услубига хос яна бир муҳим хусусият уларнинг деярли барчасида яхшилиқнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши мумкинлиги каби бир қатор сабоқлар мавжуд. Буни унинг “Оливер Твист”, “Катта умидлар”, “Девид Коперфилд” каби асарларида кузатиш мумкин. Диккенс ўз қайдларида “Мен кичкина Оливер образи орқали ҳар қандай вазиятда омон қолиш ва охир- оқибат ғалаба қозониш тамойилини кўрсатишни хоҳлардим”, деб айтган [6,343] Ёзувчи ўзгаришларни амалга оширишдан манфаатдор эди ва бунга эришиш учун Оливернинг ҳаётгий кечинмаларидан фойдаланди. Бир сўз билан айтганда, Оливернинг туғилишидан то Лондондаги давригача Диккенс ўзининг моҳирона изоҳлари ва истеҳзоли сўзлари билан жамиятнинг етим болаларга шавқатсиз муносабатини фош қила олди. Мазкур асар кўплаб кишиларнинг етим ва ожиз болаларга бўлган муносабатлари ва қарашларида туб бурилиш ясади деб айтсак муболаға бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Ahrorqulov A, Rahmonqulov A. (2012) Jahon bolalar adabiyoti namoyondalari. Farg'ona, B. 92
2. Hochman, Baruch and Ilja Watchs. (1999) Dickens: The Orphan Condition. Fairleigh Dickinson University Press, P. 225
3. Charles Dickens. (1955) Oliver Twist. M.: Foreign Languages Publishing House, P. 551
4. Чарльз Диккенс. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. Русчадан Эркин Миробидов таржимаси. (1984) Тошкент Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б. 302
5. Murdoch, Lydia. (2006) Imagined Orphans: Poor Families, Child Welfare, and Contested Citizenship in London. Australasian Journal of Victorian Studies. New Brunswick, NJ: Rutgers University Press, ISBN-13:978-8135-3722-1. P 56-57
6. Chlebek Diana. (2011). Dickens, Charles Oliver Twist (1837–1839). In: Jennifer McClinton-Temple (ed.), Encyclopedia of Themes in Literature. New York, NY: Fact On File. 341–344.



У.СПЕНСЕР СОННЕТИДА ШАХС ХУСУСИЯТИНИНГ ГУЛЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНИШИ

Жалилова Зарнигор, ўқитувчи
Бухоро давлат университети

Аннотация: Гул номларини тил – адабиёт – таржима йўналишида қиёсий ўрганиш ономастика соҳасининг янги замонавий илмий-назарий ва амалий йўналишларини белгилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун жаҳон адабиётшунослигида ҳам гуллар образининг рамзий, метафорик ифодаси асосида шаклланган фитопоэтонимларга қизиқиш катта.

Калит сўзлар: гул номлари, тил ва адабиёт, таржима, ономастика, образ, рамз, ифода.

ВЫРАЖЕНИЕ ЧЕРТЫ ЛИЧНОСТИ В СОНЕТЕ У.СПЕНСЕРА С ЦВЕТАМИ

Джалилова Зарнигор, преподаватель
Бухарский государственный университет

Аннотация: В статье рассматриваются ономастические единицы, в частности, топонимы, на примере вариантов эпоса «Алпамыш» Фозила Юлдаш угли, Эгамберди Олломурод угли и Бекмурода Джурабой угли. Некоторые топонимы проанализированы с лингвокультурологической точки зрения.

Ключевые слова: ономастическая единица, топоним, реальные и нереальные имена.

**LINGUOCULTURAL CHARACTERISTICS OF SOME TOPONYMS USED IN THE EPIC
"ALPAMISH"**

Ashurov Dilmurod Ahmadaliyevich
Namangan State University
Doctor of Philosophy in Philology

Annotation: The article deals with onomastic units, in particular, toponyms, on the example of variants of the epic "Alpomish" by Fozil Yuldashoglu, Egamberdi Ollomurodoglu and Bekmurod Juraboyoglu. Some toponyms have been analyzed from a lingvoculturological point of view.

Keywords: onomastic unit, toponym, real and unreal names.

Ўзбек тилшунослигида ономастик бирликларнинг ўрганилиши узоқ тарихга эга. Деярли ҳар бир тарихий асарда, жумладан, “Тарихи мулуки Ажам”, “Бобурнома”, “Шажарайи турк” кабиларда атоқли отлар тизимида бўлган қизиқиш кучли бўлганини кўрамиз. Шунингдек, XX аср ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида ономастик бирликларни ўрганиш алоҳида соҳанинг – ўзбек ономастикасининг юзага келишига сабаб бўлди [1;168].

Тилимиздаги атоқли отлар тизимида фольклор ономастикаси муҳим ўрин тутади. Фольклор намуналарида атоқли отларга алоҳида бадий ва ғоявий урғу берилиши фольклор ономастикасини маданий жиҳатдан ўрганиш долзарб эканлигини белгилайди. Хусусан, халқ достонларида ономастик бирликларнинг турли хил кўринишлари мавжудки, уларни лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш тил ва инсон ўртасидаги



маданий муносабатларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга бой материал беради. Бироқ “фольклордаги атоқли отлар маълум миллат тилидаги топоним ва антропонимларни етарли даражада акс эттира олмайди, чунки уларда номлар кўпроқ услубий мақсадларга йўналтирилган бўлади” [2; 57]. Шундай бўлса-да, ономастик birlikларни ўрганиш орқали миллат тарихи, этнографияси, хусусан, маданияти ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шу боисдан ҳам фольклор ономастикасини лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Уларда миллатнинг маданияти, маънавияти, тарихи, эстетик қарашлари, руҳияти, орзу ва умидлари, табиатга муносабати каби жиҳатлар мужассамлашган бўлади.

“Алпомиш” достонида киши номлари, жой номлари, уруғ номлари, тоғлар, чўллар, кўллар ва бошқа топообъектларнинг номлари учрайди. “Алпомиш”даги воқеалар, асосан, Бойсун-қўнғирот ва Қалмоқ юртида кечганлиги учун ономастик birlikларнинг бир қисмини ҳудуддаги реал номлар ташкил қилади, бироқ бахшилар халқ оғзаки ижоди анъанасига риоя қилинган ҳолда достонда афсонавий ва мифологик номлардан ҳам фойдаланишган. Шундан келиб чиқиб достонда учрайдиган ономастик birlikларни реал ва хаёлий (нореал) номлар сифатида ўрганиш мумкин. Ҳаётимизда мавжуд бўлган номларни реал номлар сифатида тушунсақ, халқ оғзаки ижодига хос бўлган воқеалар ривожини билан боғлиқ ҳолда ўйлаб топилувчи, халқнинг орзу-умидларини ўзида ифодаловчи номларни хаёлий (нореал) номлар сифатида қабул қиламиз. Бундай номлар мифонимлар сифатида изоҳланади [3; 16]. Достон воқеалари реал ҳаётини воқеаларга асосланмаган халқ оғзаки ижоди намунаси бўлганлиги сабабли ундаги ономастик birlikларнинг асосий қисмини хаёлий (нореал) номлар ташкил этади.

“Алпомиш” достони ономастик birlikларини қуйидаги маъновий гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Антропонимлар.
2. Топонимлар.
3. Гидронимлар.
4. Этнонимлар.
5. Зоонимлар.
6. Оронимлар.

Биз ушбу мақолада достон матнларида қўлланилган айрим топонимларнинг лингвомаданий хусусиятларига изоҳ бериб ўтамиз.

“Алпомиш” достонида энг кўп учрайдиган ономастик birlikлар қаторида топонимлар салмоқли ўринни эгаллайди. Достондаги топонимлар апеллятивлар асосида ҳосил қилинган. Топонимларда халқнинг ўтмиши, урф-одатлари, бошидан кечирган турли хил ижтимоий-сиёсий, этномаданий жараёнлар ўз аксини топган бўлади. Шунга биноан топонимия муайян тил луғат бойлигининг муҳим таркибий қисми, ўтмиш воқеалари даракчиси саналади. “Алпомиш” достонида учрайдиган жой номлари турли-туман. Халқ достонлари ономастикасига бағишланган ишларда жой номлари тарихий реал номлар ва тўқима (нореал) номлар сифатида ўрганилган [4; 13]. Шундан келиб чиқиб мақоламизда достонда учровчи топонимлар реал ва нореал номлар сифатида ўрганилди. Реал топонимлар бутунги кунда ҳам мавжуд бўлиб, улар достонда кам миқдорни ташкил этади. “Алпомиш” достони воҳа ҳудудларида кенг тарқалганлиги сабабли реал топонимлар, асосан, шу ҳудудлар билан боғланади: *Бойсун, Қўнғирот,*



Шаҳрисабз каби. Достондаги аксарият номлар эса тўқима, хаёлий, нореал топонимлардир. Бундай топонимлар бахшининг савияси ва сюжет ривожининг талаби асосида вужудга келган, воқеаларни бўрттириш, кучайтириш мақсадида қўлланилади. Уларни бугунги кунда бирор ҳудуд билан боғлаш мумкин эмас: *Кашал, Муродтепа, Бўзтепа, Чилбир, Ажинагор, Тўқайистон* каби. Бу номлар бахшилар томонидан маҳорат билан таърифланган ўринларда, ўқувчи тасаввурида реал объектлар сифатида гавдаланади. “Умуман, халқ оғзаки ижодидаги жой номларини реаллаштиришга уриниш, тингловчи ёки бахшининг сюжетдаги воқеаларга ишониши ёки ишонтириши билан боғлиқдир” [4; 29]. Алпомиш” достонида Асқар тоғ, Олатоғ, Гулшанбоғ, Арпали қўл, Кашал эли каби нореал номлар учрайди. Бу номлар бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам фаол қўлланганлиги учун фольклоршуносликда “қайтариқ номлар” сифатида ўрганилган [4; 182].

Нореал номлар хаёлий ўйлаб топилганлиги учун ҳам халқ қарашларини, орзу-умидларини, дунёни англашдаги ибтидоий тасаввурларини, менталитетини ўзида ифода этади. Достон вариантларида бир тепалик ҳақида сўз боради. Эгамберди Олломурод ўғли вариантыда Муродтепа деб аталувчи бу тепалик халқ қарашларида муродини ҳосил қилувчи тепалик сифатида ўрнашганлиги айтилади. Халқ шу тепаликдан нима сўраса беради деб ишонади: *“Лекин шу тўбага чиқса, одамни ҳақласа, Мурод деган тўба, Қалмоқшоҳнинг мамлакати, ҳаммаси кўринади. Ажаб эмас, ой Барчинни кўрсанг. Сенга мен бир гапни насиҳат қилай: Агар чиқсанг, таҳорат олсанг, икки ракат намозни ўқисанг, ҳазрати Ёсунни ўқиб, шу тўбани бино қилган кишиларнинг арвоҳига багишлаб қўйсанг. Яхши кўрган одам чиқиб тушади. Нима тиласа, муродига етади. Ёмон кўрса, уриб кетади, - деди кал”* [7; 301].

Фозил Йўлдош ўғли вариантыда Муродтепа Алпомишга бир синов сифатида талқин қилинади. Бу синовдан ўтиш-ўтмаслигига қараб Алпомиш ҳам кейинги мақсадларга кўз тикади: *“Шул тепани кўриб, Алпомиш ирим чекиб: “Шу тепага отимни солайин, иркилмай тепага отим чиқиб кетса, боргандан ёримни оламан, чиқолмаса, бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешонамни шу ердан синаб кўраман”, - деди”* [8; 134].

Топонимларга бу қадар катта юк берилиши ўзбек халқидаги олдиндан белги олиш, илоҳий кароматни сезиш каби одатларга бориб тақалади.

Халқ достонларидаги топонимларнинг аксарияти воқеаларнинг ривожини билан ўйлаб топилган топонимлардир. Достон вариантларида *-ия* индикатори ёрдамида ясалган топонимлар ҳам учрайдики, бу ҳам бўлса, бахшиларнинг топилмаси: *Шул сабадан аввали номи Оқмамаг арслон эмиш, ўн тўрт боғмон камонни оқандан сўнг Ўзбакида уни алт-ўр деб Алпомиш ном қўйган жан”* [6;19].

Шу хилдаги ясалиш Эгамберди Олломурод ўғли вариантыда ҳам учрайди: *“– Хў, Бойсарини, бу гаплардан қўрқма, бу мамлакат Ўрусиянинг мамлакати, маслаҳатни бир жойга қўямиз, Ўрусиянинг мамлакатидан ихтиёр хотиндан бўлади”* [7;263].

Демак, бахшилар *-ия* индикатори ёрдамида ясалган Туркия, Сербия, Гурузия, Чехия каби жой номларидаги ясалиш ҳақида маълум билимларга эга бўлишган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бевосита достоннинг ижро жараёнида Ўзбакия, Ўрусия топонимлари импровизация маҳсули сифатида қўлланилган. Ўзбакия ўзбек уруғига, Ўрусия эса рус миллатига мансуб халқлар яшайдиган ҳудудлардир.



Топонимларнинг вужудга келишида бевосита халқнинг миллий дунёқараши билан боғлиқ қуйидаги омишлар муҳим роль ўйнаган: ранг билан боғлиқ *Кўкқамиш*, *Оқсув*, *Олатог* (*Олатов*), *Оққўзи*, ўлчов билан боғлиқ *Зил тоғи*, ўсимликларнинг ўсиши билан боғлиқ *Арпали кўл*, *Қамишли кўл*, *Қовғали кўл*, *Тўқайистон*, хусусияти билан боғлиқ *Ойна кўли*, *Аччиқ кўл*, *Хомуш кўли*, *Бўз тепа*, уруғ-миллат номи билан боғлиқ *Ўзбекия*, *Қўнгирот*, *Ўрусия*, ўхшашлик асосидаги *Қулун тўба*, ҳаёлий уйдурмалар билан боғлиқ *Ажина гор каби*.

Демак, дostonда топонимларнинг реал ва нореал кўринишлари қўлланилган. Шуниси қизиқки, бу хилдаги нореал номлар ҳам дostonнинг халқ орасида кенг тарқала бориши ҳисобига моддийлашиб, бирор реал объект учун ном сифатида қўлланиши мумкин. Уларни тадқиқ этиш ўзбек халқининг ном қўллашдаги маҳоратини кўрсатиш билан бирга, халқимизнинг миллий маданиятини кўрсатишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Алпомиш” дostonи ономастикаси монографик жиҳатдан алоҳида тадқиқот талаб қиладиган мавзу ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (XIX аср охиридан– 2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). – Наманган, 2008. – 168 б.
2. Жўраев Б., Бегматов Э. Атоқли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар. ЎТА, 1966. – Б. 57.
3. Худойберганава Д., Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 44 б.
4. Оллоёров Қ. Хоразм дostonлари ономастикаси. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – Б. 13.
5. Бектемиров Ҳ., Абдурахмонов Д. Ўзбек халқ дostonлари ономастикаси. Ўзбек халқ ижоди. Тўплам. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 182.
6. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 10-жилд. Алпомиш. (Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган). – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 503 б.
7. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 10-жилд. Алпомиш. (Эгамберди Олломурод ўғли варианты). – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 503 б.
8. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 1-жилд. Алпомиш. (Фозил Йўлдош ўғли варианты). Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 509 б.



BEHBUDIY PUBLITSISTIKASINING TILI VA USLUBIDAGI O‘ZIGA XOSLIK

Masharipov Mansurbek Masharipovich Nizomiy nomidagi

TDPU mustaqil tadqiqotchisi

***Annotatsiya.** Maqolada Mahmudxo‘ja Behbudiy publitsistik asarlarining tili va uslubi o‘rganilgan. Adibning g‘oyaviy nuqtayi nazari, voqea va hodisalarga munosabati publitsistik maqolalari uslubida so‘z tanlash va qo‘llash bilan bog‘liq tilga yondashishida ham aks etganligi misollar asosida tahlil qilingan. Shu asosda M.Behbudiyning o‘zbek publitsistik uslubi shakllanishidagi lingvistik faoliyatiga ilmiy baho berilgan.*

***Kalit so‘zlar.** g‘arbiy turkiy til, panturkizm, purizm, publitsistik uslub, leksik-semantik me‘yor, lug‘aviy unsur, so‘z formalari, grammatik qurilish, izofali konstruksiya, terminosistema.*

СВОЕОБРАЗНОСТЬ ЯЗЫКА И СТИЛЯ ПУБЛИЦИСТИКИ БЕХБУДИ

Машарипов Мансурбек Машарипович

Самостоятельный соискатель ТППУ имени Низами

***Аннотация.** В статье изучены язык и стиль публицистических произведений Махмудходжа Бехбуди. На основе примеров проанализировано то, что идейная точка зрения, отношение писателя к явлениям и событиям отражаются в языковом подходе, связанным с выбором и использованием слов в публицистических статьях. На этой основе дана научная оценка лингвистической деятельности М. Бехбуди в формировании узбекского публицистического стиля.*

***Ключевые слова:** западный тюркский стиль, пантюркизм, пуризм, публицистический стиль, лексико-семантическая норма, словарный элемент, формы слова, грамматическое строение, избыточная конструкция, терминосистема*

SPECIFICITY IN THE LANGUAGE AND STYLE OF BEHBUDI'S PUBLICISTICS

Masharipov Mansurbek Masharipovich TSPU named after Nizami

independent researcher

***Annotation.** The article explores the language and style of the journalistic works of Mahmudhoja Behbudi. The ideological point of view of the writer, his attitude to events and happenings is also reflected in the approach to language related to the choice and use of words in the style of publicistic articles have been illustrated with the help of examples. On this basis, the linguistic activity of M. Behbudi in the formation of the Uzbek publicistic style has been scientifically assessed.*

***Keywords.** western Turkic language, pan-Turkism, purism, publicistic style, lexical-semantic norm, lexical element, word forms, grammatical structure, isophalic construction, terminosystem.*

O‘zbek milliy adabiyotida dastlabki drammaturgiya janridagi asar muallifi deya tan olingan Mahmudxo‘ja Behbudiyning ijodiy merosida jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy, milliy-ma‘rifiy muammolar aks etgan publitsistik maqolalar ustuvorlik qiladi. Asosiy maqsadi yurtni mustamlakachilardan ozod ko‘rish, ilm va ma‘rifat orqali ozod yurtda davlatni boshqaradigan aqlli siyosatchilar, iqtisodchilar, huquqshunoslar, fidoyi olimlar va fozil fuqaroni kamol toptirish bo‘lgan adib bu kabi g‘oyalarni jamiyat a‘zolari ongiga singdirishda publitsistikaga murojaat qiladi. Publitsistika Behbudiyning ana shu maqsad va intilishlarini amalga oshirishda



asosiy vosita bo'lib xizmat qilgan. Boshqa jadid adiblari qatorida Behbudiyning ham mazkur janrdagi ijod namunalari o'zbek publitsistik uslubining shakllanishi va taraqqiyotiga sezilarli ta'sir o'tkazdi.

Behbudiylar publitsistikasi uslubida o'zbek tilining adib yashagan davrda me'yor bo'lgan lisoniy xususiyatlari o'z ifodasini topgan. Bu davr tilida quyidagi bir-biriga qarama-qarshi nuqtayi nazarlar va o'shandan kelib chiquvchi lisoniy vaziyat mavjud edi: a) o'zbek mumtoz adabiyoti tilida qo'llanilgan an'anaviy lisoniy me'yorlar, an'analardan foydalanish; b) adabiy tilning xalq tiliga yaqinlashuvi bilan aloqador bo'lgan xalqchil lisoniy omillar; s) umumturkiy til yaratish g'oyasi tufayli yuzaga kelgan yangi jarayonlar ta'siri; d) hali unchalik kuchli omilga aylanib ulgurmagan rus tilining ta'siri.

Adibning publitsistik va muharrirlik faoliyatini jurnalistik yo'nalishda tadqiq etgan H.Saidovning ta'kidlashicha, uning yozgan maqolalari ikki davrga to'g'ri keladi. Chunki undagi maqolalar bir-biridan farq qiladi. Birinchi davri 1917-yil fevraligacha, ikkinchisi 1917-yildan umrining oxirigacha. Birinchi davrda uning maqolalarida ma'rifatparvarlik birinchi planga chiqsa, ikkinchi davrda siyosiy-ijtimoiy ohang asosiy o'ringa ko'tariladi.

Bu holat adibning publitsistik uslubidagi o'ziga xos tomonlarni hamda mazkur uslubning shakllanishi va taraqqiyotidagi xizmatini belgilash imkonini ham beradi. 20 – 30-yillar o'zbek publitsistik uslubi tilida badiiy uslub janrlaridagi singari an'anaviy mumtoz adabiyot tilining lisoniy imkoniyatlaridan foydalanish sezilarli darajada davom etardi. Lekin bu uslub me'yorlarining shakllanishi uchun nashr etilayotgan maqolalarning mavzusi, estetik maqsadi ham hal qiluvchi omil edi. Xususan, davriy nashrlardagi maqolalar ilmiy, ma'rifiy mavzuda yozilgan bo'lsa, unda mumtoz adabiyot tilida qo'llangan lisoniy vositalar o'z aksini topgan. Shuningdek, publitsistik asar mavzusi ijtimoiy-siyosiy yoki kundalik turmushga oid bo'lsa, unda asar tili xalq tiliga yaqinlashganini ko'ramiz.

Adib publitsistik maqolalarining aksariyati maktab, maorif, ma'rifat, ilmiy, islomiy ma'rifatparvarlik, o'sha davr ijtimoiy hayoti, xalq turmushidagi nuqsonlarni tanqid qilish mavzulariga oid bo'lgani uchun uning maqolalari tilida bu ikki xususiyat yorqin namoyon bo'lganligi kuzatiladi. Ya'ni, maqolalarda qo'llanilgan mumtoz adabiyot leksikasiga oid so'zlar, tashbehtar, formulalar va trafaretlar, quyma iboralardan foydalanilgan. Bundan tashqari, adib jamiyat kishilarini muayyan fanga oid bilimlarni, ilm-ma'rifatni egallashga undar ekan, Vatan ravnaqi haqida qayg'uradi, o'z maqsadini sodda, xalqqa yaqin tilda ifodalashga intiladi va publitsistik maqolalari tilini uslub nuqtayi nazaridan jonli xalq tiliga moslashtiradi. Fikrimizning dalili sifatida adib publitsistikasidagi bu kabi uslubiy o'ziga xosliklarni tahlil qilamiz.

Islomiy ma'rifat targ'ib qilingan "Qur'oni karim tarixiga bir nazar" nomli maqolasi shunday boshlanadi: *"Payg'ambarimiz Muhammad mustafo sallallohu alayhi vasallam hazratlarig'a vahiy, ibtido "ro'yo sodiqa" tushlarig'a kelurdi. Hazratimiz Makka yaqinidagi Hiro tog'iga chiqib kunlarcha vajd va tafakkurg'a qolur edilar. Bu vaqt bu tog'da vajd va istig'roq holatinda edilarki, payg'ambarimizg'a malak tajalliy etib: "iqro", ya'ni "o'qu" deb xitob yetdi. Bani'zi shonimiz hazratlari "ma ana biqoriin" – "men o'quyolmayman" dedilar. Bu xitob va javob uch daf'a takror etildi va Malak "Iqro' bismi rabbikallaziy xolaq. Xolaqal insana min alaq. Iqro va robbakal akrom. Allaziy allama bil qolam. Allamal insana ma lam ya'lam" g'acha o'qudi."* Matnning sintaktik qurilishi va undagi so'z qo'llash bilan bog'liq holatlarni kuzatsak, muallif bu maqola orqali muqaddas "Qur'on"ning nozil bo'lish tarixi haqida o'quvchini xabardor qilishni maqsad qilgan ekan, an'anaviy mumtoz adabiy tildagi gap qurilish qolipidan foydalanganligi seziladi: *"payg'ambarimiz Muhammad*



mustafo sallallohu alayhi vasallam hazratlarig'a vahiy, ibtido "ro'yo sodiqa" tushlarig'a kelurdi. Hazratimiz Makka yaqinidagi Hiro tog'iga chiqib kunlarcha vajd va tafakkurg'a qolur edilar". Matndagi vajd, daf'a, tajalliy, istig'roq kabi arabcha va forscha o'zlashmalar hamda -ur (kelurdi), -g'a (hazratlarig'a), -in (holatinda) kabi grammatik ko'rsatkichlar mumtoz adabiy tildagi qo'llanishlardir. Shuningdek, maqolada aytilmoqchi bo'lgan fikrni yanada tushunarliroq ifodalash maqsadida Malak tilidan "Qur'oni karim"dagi "Iqro' bismi rabbikallaziy xolaq. Xolaqal insana min alaq. Iqro va robbakal akrom. Allaziy allama bil qolam. Allamal insana ma lam ya lam" g'acha o'qudi" surasi keltiriladi va muallif maqolada undan uslubiy vosita sifatida o'rinli foydalanadi. Bu kabi qo'llanishlarni "Avvalgi musulmonlarda madaniyat", "Tahsil va safar zamoni va taom", "Sag'irlar haqinda", "Daf'i taaruz va shubha ajnabiy taomi haqinda" kabi islomiy ma'rifat, diniy ta'limot targ'ib qilingan maqolalarda ham kuzatish mumkin.

Muallifning maktab va maorif, ta'lim masalalariga bag'ishlangan maqolalarida esa ma'lum fanga oid termin va ilmiy istilohlar mumtoz adabiy til qolipida yetakchi o'rin tutadi. Jumladan, "Jug'rofiya ilmi" nomli maqolasida shunday jumlar keltiriladi: *"Kitoblarg'a yozilgandurki, "jug'rofiya" kalimasi yunoniy, lug'ati arabg'a "ta'rifi arz" jumlasida ma'nosidadur. ... Ushbu ilm necha sinf va shu'bag'a bo'lunub, hozirgi zamong'a martabai ulumi oliyag'a taraqqiy qildi. yer yuzini ahvoli tabiiya va umroniyasi butun ushbu ilm zamoni g'a bayon qilib, yer yuzidagi tamomi davlatlar, millat, firqa, barcha podshohlarni mamlakatini vus'ati va hududi, fuqarosini adadini, quvvati ahvolidin mazhabi oyin, quvvati, tijorat, sanoat va boshqa odamizodg'a taalluq ishlar jamiati bashariya sababidin paydo bo'ladurgan havodis va muxtirootlarni aksari ushbu ilmg'a bayon bo'lub "Jug'rofiyai umroniy", "Jug'rofiyai siyosiy" va boshqa qismlar ila ataladur..." Matnda keltirilgan jug'rofiya, jug'rofiyai umroniy, jug'rofiyai siyosiy, ta'rifi arz, vus'at va hudud, mazhabi oyin, havodis va muxtirot kabi leksemalar va izofali konstruksiyalar arab va fors tiliga oid ilmiy terminlardir. Anglashiladiki, muallif maqolada Geografiya fani xususida o'quvchiga mukammal ma'lumot berishda an'anaviy mumtoz adabiy tilning sintaktik qolipidan foydalangan holda bu ilmiy termin va istilohlardan foydalanmoqda. Maktab va maorif masalalariga bag'ishlangan "Jug'rofiya qavoidi haqinda savol", "Tarix va jug'rofiya", "Turkiston tarixi kerak", "Tahsil oyi", "Ilmning foydasi", "Muntaxabi jug'rofiya", "Maktablar haqinda" kabi turkum maqolalarda ham muallifning maqolada ilgari surilayotgan mavzu doirasidan kelib chiqqan holda tilga yondashganligini ko'ramiz.*

Adibning o'zi yashagan davr ijtimoiy-siyosiy voqyealariga bag'ishlangan maqolalarining tili va uslubida o'zgachalik namoyon bo'ladi. Uning publitsistik uslubi jamiyatda ro'y berayotgan voqea-hodisalarni keng xalq ommasiga tushuntirishda asosiy rol o'ynagan. Bu uslub maqoladagi bayonni sodda va xalq tilida ifodalashdir. Masalan, "Mahoraba nima bo'ldi?" maqolasida o'sha davrda Turkiyada bo'layotgan urush haqida shunday yozadi: *"Buni har kim so'raydur, bu savolni qiladurganlarga javob uchun ushbu so'zlarni yozamiz. Gazet o'qub tushunmaydurgan yoinki jarida o'qumaydurganlarga urushni oqibati nima bo'lganligini bildurmoq uchun biroz tarixdin va so'ngra hozirg'i besh-olti oylik urushni nima bo'lganidin yozamiz. Ma'lumdurki, hozirg'i Turkiya davlati, ya'ni xalifa ila ushbu to'rt hukumat urushub turubdur. Yunon, Bulg'or, Serbiya, Qoratog'. Bunlar Turkiya mamlakatig'a hamsoya edilar, alardin biri ikkisini kuchi Turkiyag'a yetmas edi. Aning uchun to'rtovi maxfiy ittifoq ila to'rt tarafdin hamla va hujum qilib, bir milliyon qadar askar chiqordilar. Bu askar ila turklarg'a g'alaba qilib, ko'p yer va shaharlarni oldilar..."* Maqoladagi ushbu matn orqali xulosa qilishimiz mumkinki, muallifning kundalik turmush, ijtimoiy-siyosiy voqealar tavsifiga bag'ishlangan maqolalari sodda va tushunarli, jonli xalq tili ifodalari asosida yozilgan.



Samarqand viloyati musulmonlarining sayyor majlisi haqida yozilgan “Murojaatnoma” nomli maqolasiga diqqat qilaylik: *“Muhtaram Samarqand oblastining barcha shahar va uездlarindagi musulmon jamiyatlaridan iltimos shulkim, har shahar va uездdagi har nav jamiyatdan aqalli ikki nafardan kishi saylab, qo‘lig‘a shahodatnoma berib, 10-iyuldan Samarqand shahrig‘a yuborsalar edi”*. Til va uslub nuqtayi nazaridan matndagi gap qurilishi, undagi so‘z tanlash va qo‘llash, leksemalardagi morfologik ko‘rsatkichlarning grammatik vazifalarini tahlil qiladigan bo‘lsak, adibning bu maqolasi uslubi jonli xalq tili asosidagi adabiy til normalari asosida qurilganligining guvohi bo‘lamiz. Behbudiyning o‘sha davr turli matbuot nashrlarida jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy masalalarga bag‘ishlangan “Muhtaram Samarqandiylarg‘a xolisona arz”, “Ochlik balosi”, “Millatg‘a murojaat”, “Markaziy sho‘romizda”, “Yordam kerak”, “Qarornoma”, “Yoshlarg‘a murojaat”, “Turkiston muxtoriyati” kabi turkum maqolalari ham keng o‘quvchilar auditoriyasiga qaratilganligi, jamiyatdagi turli ijtimoiy qatlam vakillari o‘qishlari uchun mo‘ljallanganligi nuqtayi nazaridan til va uslubda soddalik tomon yo‘nalgan. Demak, muallifning g‘oyaviy nuqtayi nazari, voqea va hodisalarga munosabati publitsistik uslubida so‘z tanlash va qo‘llash bilan bog‘liq tilga yondashishida ham aks etgan deyish mumkin.

Tarixdan ma‘lumki, Turkiston general-gubernatorligi tashkil etilgach, o‘lkada rus madaniyati va ijtimoiy hayotini aks ettirish maqsad qilingan “Turkiston viloyatining gazetasi” nomi ostida dastlabki matbuot nashri joriy etiladi. Keyinchalik esa davr ijtimoiy-siyosiy hayotini haqqoniy yoritish talabidan kelib chiqqan holda o‘lkada turli yillarda bir qancha gazeta va jurnallar nashr etila boshlaydi. “Taraqqiy” (1906), “Xurshid” (1906), “Shuhrat” (1907), “Tujjor” (1907), “Osiyo” (1908), “Samarqand” (1913), “Sadoi Turkiston” (1914), “Ishtirokiyun” (1914), “Sadoyi Farg‘ona” (1914), “Turkiston” (1913), “Oyina” (1913), “Al-isloh” (1915), “Inqilob” (1915) kabi nashrlar shular jumlasidandir. Boshqa jadid ma‘rifatparvarlari qatorida Mahmudxo‘ja Behbudiy ham davrning dolzarb muammolariga bag‘ishlangan maqolalari bilan mazkur davriy nashrlarda faol bo‘lgan. Bundan tashqari, Boqchasaroyda Ismoil Gaspirali tomonidan nashr qilinib turgan “Tarjumon”, Peterburgda chiqadigan “Ulfat”, Orenburgda nashr etilib turgan “Sho‘ro” kabi gazeta va jurnallarda ham musulmon o‘lkalarining maishiy turmushiga oid maqolalarini e‘lon qilib turgan.

Mazkur nashrlardagi maqolalarning tili va uslubi mahalliy nashrlardagi maqollar bilan qiyoslanganda, Behbudiy publitsistikasidagi yana bir o‘ziga xoslik namoyon bo‘ladi. Bu o‘ziga xoslik maqolalar tilidagi usmonli turk, tatar, ozarbayjon tillariga xos lug‘aviy unsurlar, so‘z formalari hamda so‘z yasovchi yoki turlovchi morfemalarning keng qo‘llanishida ko‘zga tashlanadi. Fikrimizning isboti sifatida misollarga murojaat qilamiz: *“Lison va maktab masalasinda “Tarjumon” muridi bo‘lindig‘im va bu masalada ahvoli milliyamiza muvofiq bo‘lindig‘im mastur dagildir... Turkiston muallimlari ta‘tilda jam o‘lub, majlis etsa edilar, cho‘q xayrli o‘lurdi.”*, *“Biz til va lison haqinda shimdiya qadar sukut ixtiyor etmishdik, faqat shimdi janob oliy muftiy dorulqazo hazrat somelarindan bo‘yla bir iltifoti hikmatoyot alimiza gelenja darj etmamak odatan bir su‘i adab balki kufroni ne‘mat o‘lajag‘ini mulohaza edarak, biliftixor gazetamiz stunlarini tazyin ayladik...”*

Keltirilgan misollardagi *muridi bo‘lindig‘im, ahvoli milliyamiza, mastur dagildir, cho‘q xayrli o‘lurdi, gelenja darj etmamak, ixtiyor etmishdik, ne‘mat o‘lajag‘ini, mulohaza edarak* kabi birikmalar, izofali qurilmalar va jumlar usmonli turk, tatar, ozarbayjon tillari unsurlaridir.

Muallifning xorijiy nashrlarda e‘lon qilgan maqolalarining tili va uslubidagi bunday o‘zgachalikning sababi, o‘zlashmalar qo‘llanishining lisoniy asoslari har qanday o‘quvchini qiziqtirishi tabiiy. Darhaqiqat, boshqa jadid ziyolilari qatorida Behbudiy ham bir muddat



panturkizm ta'sirida bo'lgan. Boqchasaroyda Ismoil Gaspirali tomonidan nashr etilgan "Tarjumon" gazetasini tizimli o'qib borgan, bu gazetada o'z maqolalari bilan qatnashib turgan, asosiysi, turkiy xalqlar orasida keng tarqalgan "til birligi uchun kurash" g'oyasi uning ijodiga ham o'z ta'sirini o'tkazgan. Mana shu g'oya va uning ta'sirida adibning "Tarjumon", "Ulfat", "Sho'ro" kabi nashrlardagi maqolalari tilida usmonli turk, ozorbayjon va tatar tillariga oid bir qator so'zlar, so'z formalari uchrashi kuzatiladi. Bunga sabab o'sha davrda umumturkiy til uchun asos, namuna bo'la oluvchi tillar sifatida usmonli turk tili, ozorbayjon tili, tatar tili ba'zan "chig'atoy tili" (eski o'zbek tili) oldinga surilgan edi. Biroq Mahmudxo'ja Behbudiyning bu borada ehtiyotkorlik bilan yo'l tutganligini ham ko'ramiz.

Birinchidan, adib, "umumturkiy til" yaratish ishiga, haqiqatan, ishonganda edi, nafaqat bu nashrlardagi maqolalarini, balki mahalliy nashrlardagi barcha maqolalarini mana shu uslubda yozardi. Demakki, musulmon o'lkalari ziyolilari bilan o'zaro muloqot, ular bilan do'stona munosabatni saqlash, ilg'or fikrlarni o'rtoqlashishdagina yuqorida nomlari keltirilgan gazeta va jurnallarda nashr etilgan maqolalari tilida usmonli turk, tatar, ozorbayjon tili lug'aviy unsurlarini o'sha nashrlar tili va uslubiga taqlid tarzida qo'llagan.

Ikkinchidan, Behbudiy o'sha davrda ona tilining softligi uchun kurashish, uni keng ommaga tushinarsiz arab va fors tili so'zlaridan, rus tili va u orqali yevropa tillaridan kirib kelayotgan leksemalardan tozalash g'oyasi tarafdori ham bo'lgan. Iste'moldan chiqarilgan so'zlar o'rni ona tili yoki genetik jihatdan turkiy bo'lgan so'zlar bilan to'ldirilishi lozim edi. Ba'zi hollarda mana shunday so'zlar o'zbek tili uchun qardosh turkiy tillar leksikasidan ham axtarilgan. Bu kabi xarakterlar natijasi o'laroq uning publitsistik asarlari tilida umumlashtirilgan xolda "g'arbiy turk tili unsurlari" deb nomlangan lisoniy hodisalar paydo bo'lgan. Uchinchidan, bu nashrlarda e'lon qilgan maqolalaridagi til va uslubni Turkiston o'lkasi aholisi birdek tushunishga tayyor bo'lmagan. O'sha davrda usmonli turk, tatar, ozorbayjon tillarida nashr etilgan maqolalar yoki badiiy nashrlarni tushunish o'quvchidan maxsus tayyorgarlikni talab qilardi. Mana shu lisoniy ehtiyoj sabab ham adib mahalliy nashrlardagi maqolalari tilini an'anaviy mumtoz adabiy tili qolipida yoki jonli xalq tiliga yaqin uslubda yozgan, "Tarjumon", "Ulfat", "Sho'ro" nashrlarida e'lon qilgan maqolalarining tili va uslubini esa "g'arbiy turk tili unsurlari" bilan qorishiq holda o'sha nashrlar tili va uslubiga yaqinlashtirgan. Bu lisoniy omil adib publitsistik asarlari uslubidagi ikki xillikni yuzaga kelishiga sabab bo'lgan.

Umuman olganda, Mahmudxo'ja Behbudiyning publitsistik faoliyati XX asr boshlaridagi yangi o'zbek adabiy tilining shakllanish davriga, til birliklarining me'yorlashishidek murakkab jarayonga, ya'ni "eskilik" bilan "yangilik" o'rtasida kurash borayotgan bir davrga to'g'ri keldi. Tildagi me'yoriy ko'rinishlarning tanlana borishi, davr adabiy tilini shakllantirish ishiga M.Behbudiy ham publitsistik asarlarining tili va uslubi orqali sezilarli hissa qo'shdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Saidov H. Mahmudxo'ja Behbudiyning publitsistik va muharrirlik faoliyati: Filol. fanlari nomzodi. diss. – Toshkent: 1998. – B.18.
2. "Oyina" – Samarqand – 1915. № 8
3. Turkiston viloyatining gazetasi. – Turkiston, 1905. № 12.
4. Turkiston viloyatining gazetasi. – Turkiston, 1913. № 31.
5. Hurriyat. – 1917. № 4.
6. Mahmudxo'ja Behbudiy. Turkistonda maktab lisoni. / Tarjumon. – 1909. №14.
7. Mahmudxo'ja Behbudiy. Millat vazifasi. / Ulfat. – 1906, № 20.
8. Borovkov A.K. "Узбекский литературный язык в период" 1905 – 1917. T.: 1940.



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА РУС ТИЛЛАРИДА “ЯШИЛ” КОНЦЕПТИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ

Собирова Башорат Баходировна
Гулистон давлат университети
Катта ўқитувчи

Аннотация. Мақолада ўзбек ва рус тилларида яшил ранг концептининг ишлатилиши, унинг маъноси, ўзбек ва рус халқи менталитетига хослиги ва таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: лингвомаданий тавсиф, ранг ифодаланиши, лексик маъно, рамзий, ранг семантикаси, ранг коцептлари, концептуал белгилар.

СОПОСТАВИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ КОНЦЕПТА “ЗЕЛЕНый” В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Собирова Башорат Баходировна
Гулистанский государственный университет
Старший преподаватель

Аннотация: в данной статье рассматривается концепт зеленого цвета в узбекском и русском языках, показаны их значимость и влияние на менталитет узбекского и русского народов. Рассматривается место каждого элемента цветовой палитры, являющейся выражением нравственно-этических ценностей и мировоззренческих установок.

Ключевые слова: лингвокультурологическое описание, цветообозначение, лексическое значение, символика, цветовая семантика, концепты цвета, концептуальные признаки.

COMPARATIVE STUDY OF THE CONCEPT "GREEN" IN RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

Sobirova Bashorat Bahodirovna
Guliston State University
Senior Lecturer

Annotation: This article examines the concept of green in the Uzbek and Russian languages, shows their significance and influence on the mentality of the Uzbek and Russian peoples. The place of each element of the color palette, which is an expression of moral and ethical values and ideological attitudes, is considered.

Key words: linguoculturological description, color designation, lexical meaning, symbolism, color semantics, color concepts, conceptual features.

Ўзбек тилида яшил концептининг таҳлил қилишдан аввал *яшил* лексемасининг этимологиясига эътибор қаратиш лозим. Маълумки, туркий халқларда дастлаб *яшил* ранги кўк сўзи билан атаб келинган. Кўк сўзи яшил ранг учун ҳам, кўк ранг учун ҳам қўлланган. Бу ҳақида М.Миртоғжиев шундай фикр билдиради: «Лексик маъно кенгайиши ва торайиши айрим ҳолларда синекдоха билан тенглаштириб қўйилади. Чунончи, бу ходисаларнинг маълум даража алоқадорлик томонлари ҳам бор. [1, 102]. Бунини кўпроқ лексик маъно торайишида кузатилади. Масалан, сифат туркумига оид кўк сўзидаги



маъно тараққиётида кўриш мумкин. Бу сўз дастлаб гунафша, яшил, баргикарам, мовий каби ранглари умумий ифодалаган. Ёзма ёдгорликлар шуни кўрсатади [1,117]. Ранг номларини бундай умумий аташ кейинчалик талабга жавоб бера олмай қолди. Шундан кейин кўк деб аталувчи номлар иккига бўлинди ва кўк ҳамда *яшил* номлари билан атала бошланди. Ҳозирги вақтга келиб бу ранг номлари ёнига *гунафша, баргикарам, мовий* каби номлар қўшилди. Кўк сўзи ҳозир фақат тўқ ҳаворангни ифодаловчи лексик маъно билан қолди. Шу билан бирга кўк сўзининг қадимги кенг лексик маъноси ҳам сақланган бўлиб, у, дифференциация қилиш зарурияти туғилмаса, умумлаштирувчи ном сифатида қўлланаверади. Яъни кўк сўзи ҳисобида икки лексик маъно: биринчиси бир неча ранг учун умумий ва иккинчиси унинг маълум қисми бўлган рангни ифодаловчи лексик маънога эгадир».[2,117].

Яшил сўзи (Yaşıl/yäşil) аввал ясама бўлган ва у “ёш, навқирон” деган маънони англатган “yash” сўзига -ил (-il) қўшимчасини қўшиш орқали уyasган. Ёш сўзи дастлаб барра, ёш ўтларга нисбатан қўлланган бўлиб, кейинчалик унинг маъно тараққиётида яна бошқа маънолар (ёш – возраст, ёш – кўз ёши), сўзлар (яшамок, яшнамоқ, ёшармоқ) шаклланган.

Француз олими Луи Базеннинг “Концепция возраста у древних тюркских народов” яъни қадимги туркий халқларда вақт концепцияси” номли мақоласи 1986 йилда “Зарубежная тюркология” журналида эълон қилинган. Ушбу мақолада хитойда 557-581 йилларда ҳукм сурган “Чу династиясининг солномаси” дан қуйидаги парча келтирилади: “Улар (яъни Мўғулистон ҳудудидаги туркий халқлар йиллар алмашинувини ва вақтнинг сарҳисобини яшил бўлган ўтлар орқали аниқлашарди”. Маълум бўладики, бу даврда туркий халқлар, аниқроғи Мўғулистон ҳудудидаги туркий халқлар *яш* сўзи билан барра ўтларни номлашган. Кейинчилик ўтлар кўм-кўк бўлган вақтни йил сарҳисоби учун қўлланган, яъни ушбу вақтни ва унинг яна қайтирилишигача бўлган муддатни ҳам *яш* деб номлашган.

Яшил ўт учун қўлланган *яш* сўзи ўтнинг рангига боғлиқ ҳолда *яшил* (ранг) сўзининг шаклланишига асос бўлган бўлса, ўтнинг серсувлиги асосида кўзнинг суви маъносидаги *ёш* ва вақт маъносини берувчи *ёш* каби иккига йўналишда маъно тараққий этган. Бу *ёш* сўзи чуваш тилидан бошқа кўплаб туркий тилларда ҳар хил фонетик ўзгаришлар билан мавжуд. Масалан, қирғиз ва олтой тилида *жаш* дейилади. Бугунги кунда ёш сўзининг кўз ёшидаги ва инсон ёшидаги маънолар тараққиёти омонимиягача етиб борган: *ёш она, кўз ёши* каби. Яшамок феълининг ўзаги ҳам *яш* билан боғлиқ эканлиги яшил рангининг туркий халқларда ҳаёт, тирикликни ифодаловчи рамзий маъно ифодаланиши билан боғлаш мумкин. Демак, *яшил* сўзи барра ўтлар ранги асосида яратилган.

Рус тилидаги “зеленый” сўзининг этимологияси “Рус тилининг этимологик луғатида шундай берилади:

“зеленый

Латышское – zelt (становиться зеленым).

Немецкое – gelb (желтый).

Древнерусское – зель (зелень, озимь).

Древнепрусское – saligan (зеленый).

Слово образовалось на базе общеславянского zelenъ и является родственным

прилагательному «желтый». В древнерусском языке основа слова использовалась с XI в. в



значении «незрелый виноград». В настоящее время употребляется для обозначения цвета». [3,117].

Ўзбек тилида яшил концепти қуйидаги маъноларни англатади:

1. Сарик билан кўк ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангига эга бўлган рангни. *Яшил баргли ўсимликлар. Яшил парда. Яшил бўёқ.*
2. Яшил рангли ёш майсалар ва ўсимликлар билан қопланган. *Яшил водий. Яшил дала. Яшил қирлар.*
3. Тириклик. Рамзий маъно. *Яшил ишқ.*
4. Ҳаракатланишдаги эркинликни, тўсиқсизликни билдиради: *яшил йўлак* (атама)

Рус тилида эса *яшил* сўзининг таржимаси саналган “зелёный” концепти ўзбек тилига нисбатан кўроқ маъноларни ўзида мужассамлаштирган.

1. Майса ёки барг рангини: *зелёная краска, зелёная трава*
2. Ўсимликлар билан қопланган, ўсимликдан иборат: *зеленая зона*
3. Этологик тоза: *зеленая технология*
4. Экологик ҳаракат, экологик партия ва унинг аъзолари, фаоллари: *Российская экологическая зелёная партия.*
5. Ҳали пишиб етилмаган мева, сабзавотларга нисбатан қўлланади: *зеленый виноград*
6. Тажрибасиз, хўр. Ёшларга нисбатан қўлланади: *зеленый юнец.*
7. Чойнинг турини: *зелёный чай*
8. Инсон юзининг оқарган, қон қочган тусини: *позеленеть от злости*
9. Ҳаракатлаги тўсиқсизликни. Бунда йлчироқдаги юришга рухсат берувчи чироқнинг ранги белгиловчи аҳамият касб этган: *зелёная дорога, зелёная улица, зеленый коридор*

Ҳар икки тилдаги мазкур концепт ифодалаётган маъноларни таҳлил қилар эканмиз, биринчи маъно айнандир. Ўзбек ва рус тилида ҳам у майса ёки барг тусидаги рангни номлайди.

Ўсимлик оламига мансублик ҳам икки тилда ҳам мавжуд. Лекин айнан эмас. Ўзбек тилида “ўсимлик билан қопланганлик” маъноси устунлик қилади: *яшил тоғлар, яшил водий, яшил тепа каби*. Рус тилида эса бу маъно анча кенгдир. У умуман ўсимлик оламига дахлдорлик ёки ўсимликдан тайёрланганлик маъноларини беради. Мисол учун: *К зеленым кормам относятся травы естественных сенокосов и пастбищ, посевные культуры.*

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек тилида ҳам сўнги йилларда яшил маъносининг “яшил ҳудуд”, “яшил олам”, “яшил сайёра” каби янги боғланишлари орқали умуман ўсимлик дунёсига боғлиқлик маъноси шаклланмоқда. Лекин рус тилидаги “ўсимликдан тайёрланган” маъноси ўзбек тилида мавжуд эмас. Масалан, *зеленый корм* сўз бирикмасини *яшил озуқа* тарзида таржима қилиб бўлмайди.

Рус тилида йўлчироқдаги яшил чироқ асосида ҳам концептуал маънолар шаклланган. Масалан, *зелёная улица* бирикмаси кўчада ҳаракатланишда тўсиқ бўлмаган (тиқин бўлмаган ёки светофор чироғи яшил бўлиб турган) ҳолатни билдиради. Ушбу маъно кўчма маънода умуман тўсиқсизликни билдиради. Масалан, *зелёная дорога* бирикмаси ҳар қандай фаолият учун тўсиқсизлик ҳолатини билдиради. Ўзбек тилида *яшил* концепти замирида бу каби маъно мавжуд эмас эди. Лекин сўнги пайтларда ушбу маъно ҳам рус тили таъсири остида шаклланди. Масалан, *яшил йўлак, яшил коридор, яшил ҳудуд*. Бутунги



кунда яшил йўлак атамаси дипломатия, божхона, йўловчи ташиш хизматларида фаол қўлланиб келмоқда.

Оғзаки нутқда ҳам “хамма нарса мумкин бўлган, муаяйн нарсага ҳеч қайдай тўсиқларсиз эришаётганларга нисбатан “яшил чироқ” бирикмаси қўллана бошлади. Бу маънода салбий оттенка мавжуд бўлиб, одатда мансабни суиистеъмол қилиш жараёнларига нисбатан қўлланади: “Яшил йўлка” хамма нарсага “яшил чироқ” [4, 2стр] дегани эмас. (Халқ сўзи, 2018. 25 июнь). Бизнингча, яшил концептининг бу каби маъно ифодаланиши рус тилининг таъсирида содир бўлган. Зеро, ўзбек тилида яшил концепти ҳеч қачон салбий маъно англатмаган. Туркийларда, жумладан, ўзбекларда яшил ва яшиллик табиат, ҳаёт, тириклик мазмунини англатган.

Юқоридаги маъноларга эътибор қилинса, рус тилидаги “зелеёный” концепти ифодаланган маъноларнинг айримлари ўзбек тилида кўк лексемаси орқали ифодаланади. Масалан, “зелеёный” сўзи инсон юзининг ноодатий рангига нисбатан ишлатилса, худди шу ҳолат ўзбек тилида кўк лексемаси орқали ифодаланади: *ранги кўкариб кетди* ёки *кўкимтир юз* каби. Бу ўринда мулоҳаза қилиш керакки, кўк лексемасининг юқорида айтилганидек, яшил ранг учун ҳам ишлатилиши кузатишмоқда ёки инсон юзи териси ростдан ҳам кўкка мойил бўладими? Агар ҳақиқатдан ҳам у кўкка мойил бўлса, нега рус тили эгалари ушбу рангни **зелёный** сўзи билан номламоқда. Икки миллат эгалари дунёни ўз ранг бўёқлари билан кўрмоқдами?

Бизнингча, инсон рангининг яшиллашиб кетиши унчалик тўғри эмас. Буни рус тилининг изоҳли луғатларида шу маънонинг изоҳи ҳам таъкидлайди. *блезненно бледный с землистым оттенком (о цвете лица, кожи человека. Прокурор же показался мне, да и не мне, а всем, очень уж как-то бледным, почти с зелёным лицом. Ф. М. Достоевский, «Братья Карамазовы» [3,104].* Тиббий атамашуносликда ҳам инсон юзи тусига нисбатан “цианоз, агроцианоз” каби терминлар мавжуд. Унда инсон териси кулранг- кўкимтирдан қорамтир кўккача рангда бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рус тилидаги “зелёное лицо” бирикмаси яшил тусли юзни эмас, ранги ўчган, оқарган, кулранглашган, кўкимтирга мойил ҳолатни ифодалайди. Демак, зелёный сўзи юз рангига нисбатан инсоннинг доимий юз рангининг асабийлашганда озроқ ўзгаришини номлайди.

Рус тилида чойга нисбатан *зелёный* сўзи ишлатилса, ўзбекларда кўк сўзи қўлланади. Бу ўринда, ҳеч шубҳасиз, номинация яшил рангининг кўк сўзи орқали ифодаланиши билан боғлиқ. Зеро, яшил баргдан тайёрланган чойнинг ранги кўк эмас, яшилдир.

Ўзбек ва рус тилларидаги яшил ва “зелёный” сўзлари замиридаги концептлар бевосита ёки бивосита мазкур сўзнинг этимологияси билан боғлиқ эканлигини сезиш мумкин. Масалан, рус тилида зелёный сўзи дастлаб пишмаган узумга нисбатан қўлланган. Бунинг натижасида рус тилида хом, пишмаган мева, сабзавотларга нисбатан *зелёный* сўзи ишлатилади: *зелёный помидор*. Ушбу маънонинг кўчма маънога айланиши натижасида эса “ғўр, тажрибасиз” семемаси ҳам шалланган: *Я не зелёный юнец, я не вчера на свет родился*.

Ўзбек тилида бундай концепт мавжуд. Лекин у ранг билан ассоцияланмаган. Балки, “ғўр” сўзи билан ифодаланади: *Ғаразли кўчлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда*.

Ўзбек тилида яшил концепти рамзий маъноларни ҳам ўзида қамрайди. Яшил ранг азалдан табиат билан, тириклик билан боғлиқ бўлганлиги учун у “тириклик, яшаш” каби



рамзий маноларни мужассамлаштиради. Масалан, қуйидаги шеърий парчага эътибор қаратсак, унда яшил лексемаси тириклик, ҳаёт каби рамзий маъноларни ифодаламақда:

Men yashil ishq kutgandim sizdan,

Hayrendisariqyaprog'im!

O'lganimda sariq gullarmas,

Qizil gullar keltiring menga(Г.Асқарова)

Хулоса қилиб айтиш керакки, яшил ва зелёный концепти умуминсоний қарашлар билан айнанликка ва миллий ассоциациялар орқали ўзига хосликка эга. Ҳар икки тилда ҳам бир хил рангини, майса, ўт рангини номлаши айнандир. Ўзбек тилида яшил лексемасининг шаклланиши майса ранги билан боғлиқ бўлиб, унда табиат, тириклик рамзий маънолари мавжуд. Шу тўғрисида бу концептда салбий коннотациялар деярли учрамайди. Қўлаб туркий тиллар қатори ўзбек тилида яшил рангини кўк сўзи билан номланиши яшил концептини рус тилидан биров ҳажман кичикроқ бўлиши ва рус тилида зелёный концептида мавжуд айрим маъноларнинг тилимизда кўк концептига ўтганлиги аниқланди. Рус тилида эса зелёный сўзининг этимологияси пишмаган юю билан боғлиқлиги мазкур концептни “пишмаган” семага эга маънолар билан бойитган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке.1975.- 17-б.
2. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III т.1960-1963. – 41-б.
3. М.Мирғожиёв. Семасиология. –Тошкент, 2010. 104-б.
4. “Халқ сўзи” газетаси, 2018. 25 июнь.

“ALPOMISH” DOSTONI LEKSIKASIDAGI DIALEKTAL-ETNOGRAFIK XUSUSIYATLAR HAQIDA

Xusniddin Xaitov, Halima Xudoyberdiyeva ijod maktabi o'qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi
Ilmiy rahbar: f.f.d, prof T.Enazarov

Аннотация: *Mazkur maqolada “Alpomish” dostoni leksikasining dialektal-etnografik xususiyatlari haqida fikr-mulohazalar bayoni keltirilgan. Doston matnidan shevaga xos so'zlar uchragan gaplar ajratib olinib, ishonchli hamda aniq dalillar asosida ularning dialektal-etnografik xususiyatlari ilmiy-nazariy va nazariy tahlil jarayoniga tatbiq etilgan. Shuningdek, dialektal so'zlar va dialektal etnografik so'zlar masalasiga yangicha munosabat bildirilgan*

Калит со'злар: *doston, doston leksikasi, doston leksikasi – sheva leksikasi, doston matnida dialektal-etnografik xususiyatlarning moslab berib borilishi, xalq madaniyati hamda urf-odatlar majmui, dialektal matn – doston matni, dialektal so'zning o'ziga xosligi masalasi, dialektal ma'no.*

О ДИАЛЕКТНО-ЭТНОГРАФИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ЛЕКСИКИ ЭПОСА “АЛПОМИШ”

Аннотация: *Статья комментарию к диалектно-этнографическим особенностям лексики эпоса «Алпомиш». Из текста эпоса были извлеченные диалектные слова, и диалектно-этнографические особенности на основании достоверных и ясных свидетельств были применены в процессе научно-теоретического и теоретического анализа. Существует также новый подход к проблеме особенности на основании достоверных и ясных*



Ключевые слова: эпос, эпическая лексика, эпическая лексика – диалектная лексика, адаптация диалектно-этнографических особенностей в тексте эпоса, совокупность, народных культур и традиций, диалектный текст – эпический текст, проблема диалектного своеобразия слова, диалектное значение свидетельств были применены в проведен процессе научно-теоретический анализ. А также новый подход к проблеме диалектных слов и диалектных этнографических слов

ON DIALECTAL-ETHNOGRAPHIC FEATURES IN THE LEXION OF THE EPIC “ALPOMISH”

Annotation: This article contains comments on the dialectal-ethnographic features of the lexicon of the epic “Alpomish”. From the text of the epic, dialectal words were extracted, and on the basis of reliable and clear evidence, their dialectal-ethnographic features were applied to the process of scientific-theoretical and theoretical analysis. There is also a new approach to the issue of dialectal words and dialectal-ethnographic words analysis.

Key words: epic, epic lexion, epic lexion – dialect lexion, adaptation, of dialectal-ethnographic features in the text of the epic, a set of folk cultures and traditions, dialectal text – epic text, the problem of dialectal word originality, dialectal meaning.

Bugun o‘zbek xalq shevalarini chuqur o‘rganish, uning ildizlarini tahlil etish, ayniqsa, ming yillardan ortiq o‘tmishga ega bo‘lgan folklorimizga oid badiiy asarlar matnini tadqiq qilish ahamiyatga molik. Davlatimiz rahbari Sh.Mirziyoyevning: “Kimda-kim o‘zbek tilining bor latofatini, jozibasi va ta’sir kuchini, cheksiz imkoniyatlarini his ilmoqchi bo‘lsa, munis onalarimizning allalarini, ming yillik dostonlarimizni, o‘lmas maqomlarimizni eshitsin, baxshi va hofizlarimizning sehrli qo‘shiqlariga quloq tutsin”. [1] Bunday ta’kidlashi bejiz emas, albatta.

Negaki, xalq og‘zaki ijodiga mansub bo‘lgan dostonlarni dialektal matn sifatida o‘rganish va tadqiq etish nafaqat etnografik, balki shevalarimiz tarixiga oid ilmiy xulosalar chiqarish imkoniyatini kengaytiradi. Dialektologik xususiyat esa etnografik jihatlar bilan uzviy bog‘liq. Umuman, etnografik jihatning tarkibiy qismi, muayyan ko‘rinishi.

Bu dostonda o‘zbek xalqiga xos ming-ming yillik an’ana, qadriyatlarining (ya’ni etnografizmlarining) shakllanishi va mukammallashuvi masalasi Alpomish va Barchinlarning hayotiy yo‘llari bilan yoritilganligi tabiiy holdir. Ushbu doston leksikasini ilmiy tadqiq qilishga kirishildimi, demak, boshqa dialektal so‘z turlari bilan birgalikda dialektal etnografizmlarga ham e’tibor berish lozim bo‘ladi. Buning uchun dialektal etnografizm terminining ma’nosini oydinlashtirish shart. Etnografizmlar xalqqa xo surf-odat, an’ana, qadriyatlarini o‘zida jamlagan so‘zlar hisoblanadi. Lekin bu terminga A.Hojiyevning “Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati”ning birinchi va ikkinchi nashrlarida negadir berilmagan. [2, 132-136] Ammo ular adabiy tilda ham, shevalarmizda ham faol ishlatiladi. “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ning ikkinchi jildida bu termin-so‘zga quyidagicha izoh berganligiga izoh bersak, uning ma’nosi ravshanlashadi:

“Etnografiya [yun. ethnos – qabila, xalq + grapho – yozaman]

1.Tarix fanining xalqlarning kelib chiqishini, tarkibini, joylashishini, turmushini, rasm-rusumlarini, moddiy, ma’naviy va ijtimoiy madaniyatini ko‘pincha bevosita kuzatish yo‘li bilan o‘rganadigan bo‘limi.



2. Biror xalqning yoki bir hududdagi bir necha xalqning turmushi, madaniyati, urf-odatlariga xos xususiyatlar majmui. O'рта Osiyo entografiyasi. Tarix-etnografiya ko'rgazmasi". [5, 456] Agarda qo'llanilishiga e'tibor qaratsak, ular amalda bir necha holatda qo'llanadi va bir necha ko'rinishga egaligi ayon bo'ladi:

- 1) adabiy tilda qo'llanadigan etnografizmlar;
- 2) shevalarda qo'llanilib, dialektal ma'nosi bilan ajralib turadigan etnografizmlar;
- 3) adabiy tilda ham, shevalarda bir xil ma'noda qo'llanadigan etnografizmlar;
- 4) adabiy tilda, shevalarda qo'llanadi, ammo ifodalaydigan ma'nolari farq qiladigan etnografizmlar.

Shu jihatdan dialektal so'zlar masalasini hal etishda dostonning dialektal-etnografik xususiyatni ilmiy tahlili muhim. Har bir xalqning milliy eposi o'tmishda ajdodlarining, ota-bobolarining turmushini, yashash tarzini, qadriyatlarini aks ettiruvchi tarixiy hujjatdir. Dostonlar matniga singdirilgan o'tmish hayoti xalqning chinakam o'zligini o'zida mujassam etgan badiiy haqiqat deb aytish mumkin. "Safar davomida u o'zbek shevalari va etnografiyasiga oid materillar to'plash bilan bir qatorda Hamroqul baxshi va Fozil Yo'ldosh o'g'lidan "Alpomish" dostonining bir qismini yozib" [7, 5-6] olishdan maqsad faqatgina xalq og'zaki ijodi namunlarini jamlashdan iborat emasligi, aksincha matnni dialektal-etnografik tadqiq qilish uchun manba sifatida foydalanilgan. Shu nuqtayi nazaridan olib qaralsa, o'tmishdagi ajdodlarimizning turmush tarzi, urf-odatlarini, moddiy va ma'naviy taraqqiyot darajasidan qat'iy nazar, milliy eposimizda aks etganligini ko'rish mumkin. "Ana endi o'n olti urug' Qo'ng'iro't elida bir *chufuron* to'y bo'ldi" [7, 12] Doston matnida qo'llanilgan *chufuron* so'zi dialektal birlik bo'lib, izohida *chufuron* – tojikcha "chukuburon" bu yerda sunnat to'yi ma'nosida kelgan. "Xatna – [a.– kesish, kestirish; sunnat qilish] din. Musulmonlar va ba'zi xalqlarda o'g'il bolalar jinsiy a'zosining chekka kertmagini kesish yoki kestirish. Xatna marosimlari o'zbeklar va bir qancha xalqlarda to'y shaklida o'tkaziladi. "O'zME". Xatna to'yi Xatna munosabati bilan o'tkaziladigan marosim, ziyofat, sunnat to'yi". [6, 320] "Alpomish" dostonining izohli lug'ati"da ham sunnat to'yi ekanligi qayd etilgan. [8,113] Ushbu so'z hozirgi vaqtda *chufuron*, *chufuron* ko'rinishida ishlatiladi. O'zlashgan qatlamdagi aksariyat so'z o'zbek tiliga moslashashadi. *Chufuron* so'zida [f] tovushi [p] toshuvishga almashgan bo'lsa, undoshlar orasidagi [u] unli tovush tushishi kuzatiladi. Bizningcha, dostondagi bu urf-odatlariga xos xususiyatlarni ifodalayotgan *chufuron*, ya'ni *chufuron* so'zini dialektizmning turi sifatida etnografizm deb baholashga asos yetarli.

Dialektal matnni o'rganar ekanmiz, haqiqatan o'tmish va bugunni to'liq bog'lab turuvchi shevaga xos birda qadriyatlar nomida aks etsa, birda urf-odatning tarkibiy qismiga singib ketganligiga guvoh bo'lamiz. *Uch kun yo'l yurib, Shohimardon pirning ravzasiga yetdi, olib brogan narzi-niyozni shayxlarga berib, biylar ravzani tunab yotdi*" [7, 13] Ushbu gapda berilayotgan *narzi-niyoz* so'zi hadya ma'nosida, umuman, hadya berish odatining asosiy dialektal-etnografik tushunchalaridan. "Alpomish" dostonining izohli lug'ati"da bu so'z hadya deb izohlangan. [8, 64] "O'zbek tilining izohli lug'ati"da *narzi-niyoz* shakli uchramadi: "Niyoz 2 *Kam qo'll. Xayr-sadaqa*" [5,502] shakligagina faqat izoh berilganligi ham bu so'zning juft, sodda shaklida uchrashi, etnografik tushunchalar turlicha ko'rinishda bo'lishini belgilaydi. Bu kabi odat hozir ham xalq orasida yo'q emas.

Xalqimizda azal-azaldan ko'plab an'analar, qadriyatlar shakllanib, bugungi kunga qadar yetib kelganligi urf-odatlar dialektal etnografik tushunchalarni etnografizm maydoniga olib



chiqqan. “Alpomish” dostonida ham qadimda amal qilgan udumlar, urf-odatlar g’oyat go’zal ravishda o’z aksini topgan”. [4, 24] Shulardan biri ism qo’yish urf-odati.

“Chunonchi, ism qo’yish ham o’ziga xos urf bo’lib, ismlarda har bir narsaning, voqea-hodisalarning asosiy jihatlari o’z aksini topadi”. [4, 24] Ism qo’ymoq, ot qo’ymoq urfiga oid dialektal bu tushuncha munosabat bildirayotgan mulohalarimizga mosligini ko’rsatadi. “Bundan borsang, farzandlarni ko’rsang, xaloyiqlarni yig’sang, to’y-tomoshalar bersang, to’yda qalandar bo’lib borib, bolalaringning **otini o’zim qo’yib kelaman**” [7, 13] Nazarimizda, gapdagi **otini qo’yib kelmoq**, ya’ni **ot qo’ymoq** birligi xalqqa xos urf-odatni bildirishi bilan birgalikda dialektal-etnografik xususiyat kasb etgan.

Dostonida yana bu kabi urf-odatlarini bildiruvchi shevaga xos so’zlar ko’plab uchraydi: *Vaqti xushligiga xaloyiqni, elni yig’ib, qirq kecha-yu qirq kunduz to’y-tomosha berib yotdi.* [7, 13] Gapda qo’llanilgan **to’y-tomosha** tushunchasi nikoh to’yini yoki xatna to’yini ifodalayotgani yo’q. Boybo’ri va Boysarining farzand ko’rishni istab, qilgan tilagining amalga oshishi xabarini eshitgandan so’ng, ya’ni yaxshi xabar uchun xalqqa to’y-tomosha berganligi aytiladi. *To’y-tomosha* bu yerda tilak yoki orzuning amalga oshganligi uchun berildigan urf-odat deb aytishimiz mumkin. O’z o’rnida bu tushuncha ham dialektal-etnografik jihat sanalib, shevaga xos birlik maqomidadir.

O’zbektelefilm tomonidan suratga olingan “Suyunchi” filmi sarlavhasi uyg’otadigan taassurot ma’lum. Ayni anglatayotgan tushuncha sifatida suyunchi berish, suyunchi olish yoki beriladigan, olinadigan in’om – suyunchi o’zbek xalqiga xos. Quyida gapda suyunchi urf-odatni ifodalovchi dialectal so’z bo’lib kelgan: “*Bizlar ham shohlik shaokkatini qilsak, ovga chiqib ketsak, farzandlar yer yuziga tushsa, **suyunchi** deb bir nechalar oldimizga yo’lga chiqib, tilla-tanga in’om olsa*”, – deb o’ylarni o’ylab, biylarovga jo’nab ketdi. [7, 13] “Suyunchi – xushxabar uchun beriladigan sovg’a. Suyinchime siyir bersengem kam, xatining yegiz ul tuvdi”. [9, 105] “Suyunchi ayn. Sevinchi [G’ulomjon:] Yaxshi gapmi? Suyunchisini bersangiz, aytaman, – dedi Dilshod. M.Ismoliliy “Farg’ona tong otguncha”. Tushni aytib, suyunchini so’radi. Suyunchiga Barchin tilla beradi”. [6, 90]

Xalqning aksariyat udumlari ildizi dostonlarda aks etganligi aytiladi. “Shunday udumlardan biri “Beshikkerti” deb nomlanadi. Ushbu udumga ko’ra hali beshikda yotgan o’g’il va qiz bolalar bir-biriga atashtirib qo’yiladi”. [3,31] *Ana shunda Shohimardon piri Hakimbekka Oybachinni atashtirib, **beshkirti qilib**: “Bu ikkovi er-u xotin bo’lsin, Hakimbek bilan hech bir kishi barobar bo’lolmasin, omin ollohu akbar”, deb fotihani betiga tortdi.* [7, 14] Ko’rinib turibdiki, **beshkirti** shunchaki dialektal so’z emas, etnografik mazmun ham ifodalab kelgan. Bu esa etnografik dialectal so’z maqomining shakllanganligiga asos deyish mumkin. Ushbu so’z N.Nazarovning “Laqaylar: ba’zi so’zlar va iboralarning dialektologik mazmuni” monografiyasida dialektal birlik sifatida kiritilgan. [9, 24]

Yana “Alpomish” dostonida ham ana shunday holatlar borki, aynan ularga, ya’ni odatga tegishli bo’lgan tushunchalarni dialektal-etnografik so’z yoki etnografizmlar deb atash o’rinli bo’ladi.

Qadimgi rasimi shunday bo’ladi,

*Barchinoyni **qizopqochdi** qiladi.* [7, 160]

Misralar mazmunida, **qizopqochdi**, ya’ni rasm-rusumga ko’ra qadimdan bo’lganligi aytilgan. Ana shu jihatdan **qizopqochdini** ham etnografik dialektal birlik deb aytish mumkin. Bunday urf-odatlarini o’zida mujassam etgan dialektal-etnografik tushunchalar matnda juda ko’plab uchraydi:



“Xalqda nikohdan keyin ham ancha udumlar bo‘lib, bular ham shodiyona qiy-chuv, o‘yin-kulgi bilan kechgan. Chunonchi, “kampirol‘di”, “itirillar”, “chochsiypatar”, “qo‘lushlata” odatlari ham dostonda bir mehr bilan tasvirlanadiki, ular ayrim hududda hamon mavjud”. [4, 32] Ushbu sanab o‘tilgan rasm-rusumlar doston matnida faqatgina urf nomi sifatida emas, dialektal-etnografik ma‘no ifodalagan, degan xulosaga kelish mumkin.

Qolaversa, yuqoridagi fikr-mulohazalardan kelib chiqib shunday xulosaga kelish mumkinki, “Alpomish” dostoni dialektal matn sifatida xalq turmushini, udumlari mazmunini saqlabgina qolmay, balki o‘tmishdagi tarixiy dialektizmlarni, dialektal-etnografizmlarni saqlab qolayotgan manbadir. Doston matnidan bu kabi shevaga xos so‘zlarni o‘rganish ajdodlar ruhiyatiga yaqinlashish imkoniyatini beradi.

Shevashunos olim X.Doniyorovning qayd etishicha: “xalq epik asarlarini nashrga tayyorlashda ayrim noshirlar shu dostonlar tilini adabiy til normalari bilan moslashtirishga harakat qiladilar. Lekin shunga qaramay, xalq epik asarlari o‘zida dialektlarining tili bilan yaqinligini bildiruvchi faktlarni saqlab qoladi”. [10, 134] Bu jihatdan shu paytgacha e‘tibordan chetda qolib kelgan dialektal-etnografizmlar ham bugungi hayotimizga yaqinligi va yuqorida turli dialektal lug‘atlar orqali dalillar keltirganimizday dialektizmlarning bunday turlari doston matnida saqlanib kelganligini anglab yetish mumkin.

Ma‘rifatparvarlarimizdan biri Abdulla Avloniyning ta‘kidi bilan aytganda, “Har bir millatning dunyoda borlig‘ini ko‘rsatadurgan o‘yinayi hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo‘qotmak millatning ruhini yo‘qotmakdur». Milliy tilning ildizi bo‘lgan shevalar, doston tarkibidagi mavjud dialektal-etnografizmlar tadqiqi dialektal leksikografiya sohasini boyitishda, o‘rganilmay qolib ketgan dialektizm turlari masalasini ilmiy tasniflashga o‘rin beradi.

Mazkur dostonda xalqning orzu-umidi, qadriyatlarining ramzi sifatida qo‘llanilgan dialektal etnografizmlarni yig‘ib, ilmiy dialektal va dialektal onomastik tahlilga tortib, ularni kelajakda bir lug‘at ko‘rinishida nashr etish rejamiz bor.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Mirziyoyev Sh. O‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o‘ttiz yilligiga bag‘ishlangan tantanli marosimdagi nutqidan. Toshkent. 2019-yil. 21-oktabr.
2. A. Hojiyev. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 1996. 164 b.
3. B.To‘ychiboyev. Q.Qashqirli. Zomin til qomusi. Akademnashr nashriyoti. T., 2001. 394 b.
4. B.To‘ychiboyev. “Alpomish” va xalq tili. G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti. T., 2001. 160 b.
5. Z. Ma‘rufov. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Moskva: 1981. I jild. 632 b.
6. Z. Ma‘rufov. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. Moskva: 1981. II jild. 715 b.
7. T. Mirzayev. Alpomish. Toshkent: Sharq, 2010. 400 b.
8. T.Mirzayev, J.Eshonqul, S.Fidokor. “Alpomish” dostonining izohli lug‘ati. T., 2007. 164 b.
9. N.Nazarov. Laqaylar: ba‘zi so‘zlar va iboralarning dialektologik mazmuni. T., 2005. 202 b.
10. X.Doniyorov. Qipchoq dialektlarining leksikasi. Fan nashriyoti. T., 1979. 160 b.



THE PROBLEMS OF THE MEDICAL TERMINOLOGY ON ENGLISH LANGUAGE.

Shomurotova Bibixon Uktamovna Lecturer, Department of English language,
Urgench branch of Tashkent Medical Academy, Email address: bibixon86@mail.ru

Abstract: *The article considers the problems of medical terminology, such as synonymy, polysemy, eponymy and others, as well as various judgments about the phenomena of a linguistic nature.*

Key words: *medical terminology, term, problems, synonymy, polysemy, emotional coloring of the term, eponym, terminological combinations.*

ПРОБЛЕМЫ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА.

Шомуротова Бибихон Уктамовна
преподаватель кафедры английского языка,
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии,
адрес электронной почты: bibixon86@mail.ru

Абстракт: *Статья рассматривает проблемы медицинской терминологии, такие как синонимия, полисемия, эпонимия и другие, а также различные суждения по поводу явлений языкового характера в медицинской терминологии.*

Ключевые слова: *Медицинская терминология, термин, проблемы, синонимия, полисемия, эмоциональная окрашенность термина, эпоним, терминологические сочетания.*

INGLIZ TILIDA TIBBIYOTGA OID ATAMALARN BILAN BOG'LIQ MUAMMOLAR.

Shomurotova Bibixon O'ktamovna
ingliz tili kafedrasida o'qituvchisi,
Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali,
elektron pochta manzili: bibixon86@mail.ru

Abstrakt: *Maqolada tibbiy terminologiyaning muammolari, masalan, sinonimiya, polisemiya, eponimika va boshqalar, shuningdek lingvistik tabiat hodisalari haqidagi turli qarorlar tibbiyot terminologiyasida ko'rib chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *tibbiyot terminologiyasi, atama, muammolar, sinonimiya, polisemiya, atamaning emotsional ranglanishi, eponim, terminologik birikmalar.*

Recently, actual problems of terminology have been acquired by all great importance, correlating with the development of sciences of various orientations, since no science has the right to exist without terminology. Special the attention of many linguists is drawn to medical terminology. Medical terminology is a set of names denoting the concepts of medicine as a science, and special nomenclature names of medicine as a field of professional activity. Modern medical terminology is one of the most extensive and complex in conceptual and content terms systems of terms.[1] Medical vocabulary, including terms used in scientific medicine from other sciences (biology, chemistry, physics, microbiology, radiology, genetics, anthropology, psychology, cybernetics etc.), is several hundred thousand words and phrases. Huge volume modern medical terminology is accompanied by an exceptional variety of the categories of scientific concepts it reflects. Linguists have carried out a number of studies of medical terminology that determine their main characteristics. For example, many Russian scientists



have dealt with the problems of the origin and development of medical terminology and foreign linguists. Other researchers paid attention to particular problems of sublanguages of medical sciences. So, S.G. Kazarina explored the emotional coloring of the medical term. M.V. Antonova considered the systemic organization of the terminology of occupational pathology. In the work of N.V. Novinskaya attaches particular importance to the phenomenon of eponymy in medical terminology. L.P. Muraseev and E.D. Malenova touches upon the problems of abbreviation. One of the most intractable problems of streamlining medical terminology is a problem of synonymy. The number of synonyms is especially large among the terms denoting diseases and syndromes. For instance: Gynecology-obstetrics "akusherlik", "Pediatrics" Between these terms, a relationship of terminological analogs on the English-Latin basis. S.V. Grinev points out that "synonymy - in the terminology of philosophy of medicine reaches 11.5%, clinical terminology - 21.5%, gerontology -19%, physiotherapy - 25.5%, oncology - 52.5% "However, despite the actual results of the study, in the literature in terminology, there is no generally accepted concept of the term "synonym". The scientist believes that there are both doublets and variants of synonymous terms that are represented by various morphological forms of absolute synonyms. Variation is understood here as a kind of synonymy. So, the word "disease" -kasallik, can be replaced by options such as "malaise, feeling unwell" -bezovtalik, o'zini yomon his qilish "and malaise with the same meaning. G.F. Kuryshko, considering the problem of synonymy in the terminology of oncology of the English language, writes in this regard that "given the great habit of using the term" synonym ", we consider it possible to use in the field of terminological vocabulary, the terms "terminological synonymy" or "synonymous terms" ". In studies on the problem of synonymy in modern medical terminology, it is noted that this linguistic phenomenon makes up about 30% of the total sample. From a semantic point of view synonymous terms, depending on the identity or difference of the motivating features, are divided into two types: equivalent and interpretive. ... To the first type are synonyms in the sound complexes of which the same a motivating feature fixed by different root or derivational elements with the same or similar meanings. In sound complexes of synonyms of the second type display different motivating features. The next problem in medical terminology is the problem of the polysemy of terms. The reasons for polysemy (polysemy) and the forms of its manifestation in medical terminology are different. The first reason is the presence of various microthermal systems in which the same sound complexes are used to express different concepts. The second reason for the ambiguity is rooted in the "lag" of the term from evolution the content of the concept expressed by him. As scientific knowledge develops, either another concept is divided into two or more independent concepts. To express them within the same microsystem (or closely related microsystems), the same sound complex continues to be used. Polysemy lies at the heart of the continuous improvement of the language. M.V. Tokareva claims polysemous terms are negligible in medical terminology Studying the terminology of nephrology and urology using the example of the English language, she concludes that in this sublanguage of medicine, polysemia was only 2.85% of all selected units.[2] She cites the following terms as examples: "hemorrhage in the kidney"- buyrakda qon ketishi, "bleeding from the kidneys"- "buyrakdan qon ketish", "resection of the bladder wall"- "qovuq devorini rezektsiya qilish" and removal of the bladder-qovuqni olib tashlash; freeing the ureter from adhesions- "siydik chiqarish kanalini yopishqoqlikdan xalos qilish" rupture of the ureter- "siydik chiqarish kanalining yorilishi" . Thus, the term in English medical terminology "drum-do'mbira" ear-drum-(quloq pardasi) "acts as a single ambiguous word. As a medical term it has



one more meaning "drum"(suyuqlik saqlaydigan idish). Although derived meanings function in different areas of medicine -dentistry and anatomy, the connection between them is great, and the use of one lexeme to denote two related concepts within the same terminology in terminological theory and practice, it is considered to be a phenomenon of polysemy. The word "body" we use had two meanings: "Body" and "belly", now it is part of the German medical terminology with three meanings "1. Body 2. Belly 3. torso" and is precisely a polysemantic term, since the connection between its meanings is not broken, the meanings "body" and "body" can interchangeable. The ambiguity also includes cases when one term used in the narrow and broad sense at the same time. For instance, "Balneotherapy" has a broad meaning "mud therapy" and a narrower meaning "Treatment with mineral water". As noted in the specialized literature, extralinguistic factors in many ways contribute to the emergence of eponymous terms, i.e. terms derived from the names of scientists, doctors or patients. Exceptionally high the percentage of eponyms in the nomenclature of symptoms and syndromes. The growth of eponyms is explained not only by the desire to perpetuate the names of scientists and doctors who first discovered or described the phenomenon. "Eponymous terms medicine arise primarily in clinical areas when describing complex, ambiguous phenomena, where practical activity often outstrips scientific research and conclusions, and therefore the signs of the phenomenon are not yet recorded as essential in a linguistic sign, correlated with the concept. An equally important problem in medical terminology, which is still does not have an unambiguous solution, there is a problem of emotional coloring terms. Emotional coloration compared to synonymy and polysemy terms are quite rare. V.D. Dorodnykh notes that "in terminology for a long time it was denied the presence of emotional coloring of terms, it was believed that this is characteristic of only words of the general literary language, but correlated with a special the concept is always emotionally neutral " However, many linguists acknowledge that the term can have an emotional connotation. For example, the following terms should be considered emotionally charged: "death-o'lim», "Suicide- O'z joniga qasd qilish", dying patient-bemor o'limi", "cancer-saroton", "pain, hurt-og'riq", "disease-kasallik". [5] Having studied the terminology of genetics, V.M. Burly comes to the conclusion that "especially bright emotionally expressive shades of meaning are manifested in terms of anthropomorphic nature, when actions characteristic of people are transferred to the processes occurring in the cell nucleus ". One of the important problems of medical terminology is considered to be the nomination of phenomena by multicomponent terminological phrases. In a series of such phrases, their constant part expresses a generic (higher in the hierarchy) concept, and the variable parts have a clarifying, limiting function and express species concepts. However, the meaning of terminological phrases is not unambiguously defined. D.S. Lotte argues that "the great merit of the term is its brevity" This point of view is shared by S.V. Grinev: "The introduction of short terms should be preferred and accelerated in every possible way". [7]. At the same time L.V. Popova notes that "the predominance of complex terminological phrases with more than three components indicates that only simple terms do not satisfy the needs of the nomination due to the complexity concepts ".[8] Various aspects of medical terminology are currently being investigated. The problems of theoretical terminology remain unresolved. Still there is no consensus among experts on the problems of synonymy, homonymy, polysemy, emotional coloring of the term, and structural organization of terminology. In this regard, various opinions are expressed about the phenomena of linguistic character in medical terminology.



Literature:

1. Grinev S.V. Introduction to terminology. - M., 1993.
2. Tokareva M.V. Formation, development and current state of English terminology Nephrology and Urology:
3. Kazarina S.G. Types of expressive units in terminology. - Samara, 1998.
4. Ivanov V.V. Semantic features of medical terms: On the material of it. language: Dissertation. ... Cand. philol. sciences. - M., 1996.
5. Dorodnykh V.D. English terminological system of genetics (semantic and lexico-graphic aspects): Author's abstract. dis. ... Cand. philol. sciences. - L., 1985.
6. Novodranova V.F. Compositional semantics as a reflection of conceptual integration (based on medical terminology). - M., 2002.
7. Lotte D.S. Fundamentals of building scientific and technical. - M., 1961.
8. Popova L. The. Problems of nomination in terminology. - Omsk, 1986.
9. Author. diss... Cand. philol. Sciences. - Irkutsk, 2003
10. Ахманова О.С. Экстралингвистические и внутрilingвистические факторы в функционировании и развитии языка//Теоретические проблемы современного советского языкознания. — М.: Наука, 1964.

**ЖАМОЛ КАМОЛ ДОСТОНЛАРИНИНГ ГОЯВИЙ МАЗМУНИ ВА БАДИИЙ
ҚУРИЛИШИ**

Бухоро давлат тиббиёт институти
Назарова Дилдора
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Аннотатсия:** Ушбу мақолада Жамол Камол достонларининг гоявий мазмуни ва бадиий қурилиши ҳақида фикр юритилади. Жамол Камол достонлари мавзу мундарижасига кўра ҳамда вазн хусусиятларига кўра турларга ажратилиб таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:** ташбеҳ, жанр, вазн, услуб*

**ИДЕОЛОГИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ПОСТРОЕНИЕ ЭПОСА
ДЖАМАЛЯ КЕМАЛЯ**

Бухарский государственный медицинский институт
Назарова Дилдора
Доктор философских наук (PhD)

***Аннотация:** В статье рассматривается идейное содержание и художественная структура эпоса Джамалы Кемалы. Эпосы Джамалы Кемалы делятся на типы по содержанию темы и весу.*

***Ключевые слова:** метафора, жанр, вес, стиль.*



THE IDEOLOGICAL CONTENT AND ARTISTIC CONSTRUCTION OF JAMAL KEMAL'S EPICS

Bukhara State Medical Institute

Nazarova Dildora

Doctor of Philosophy in Philology (PhD)

Annotation: This article discusses the ideological content and artistic structure of Jamal Kemal's epics. Jamal Kemal's epics are divided into types according to the content of the topic and weight.

Keywords: metaphor, genre, weight, style

XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилиги тараққиётида Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг алоҳида ўрни бор. Унинг «Жамила» (1958), «Қуёш чашмаси» (1972), «Армон» (1973), «Ҳасан ва ой» (1973), «Эшиқда ой тўлкини» (1974), «Тош туғён» (1974), «Варахша» (1975), «Ражаб Ашуров дostonи» (1983), «Шаҳрибону» (2000) сингари турли мавзудаги жанр намуналари бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Шоир дostonлари Н.Раҳимжонов, Ш.Муродов, Ш.Ҳасанов, Д.Қувватова каби адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Хусусан, таниқли адабиётшунос Н.Раҳимжонов тадқиқотларида шоирнинг «Армон», «Тош туғён» дostonлари теран таҳлил этилган. Ш.Ҳасанов, Д.Қувватоваларнинг докторлик диссертацияларида шоир дostonлари қўйилган илмий муаммо юзасидан тадқиқ қилинган.

Адабиётшунос Д.Қувватова XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonларини уч жиҳатдан таснифлайди: «1. Дostonда воқеликни ифодалаш усулига кўра: лирик, лиро-эпик, драматик дostonлар. 2. Қайси давр воқелигига бағишланганлигига кўра: тарихий ва замонавий дostonлар. 3. Услубий изланиш йўналишига кўра: а) фольклордаги дoston, эртақ, афсона, ривоят каби эпик жанрлар шакли, сюжети ва ифода услуби асосида яратилган стилизация дostonлар; б) мумтоз дostonчиликка хос аруз вазнида, маснавий шаклида, қасида мазмунида, мактублар услубида ёзилган маснавий дostonлар, қасида дostonлар, мактуб дostonлар, тасаввуфий руҳдаги дostonлар, маърифий-дидактик дostonлар; в) жаҳон модернистик адабиёти анъаналари таъсирида яратилган модерн изланишдаги дostonлар». Шу таснифга асосланиб, Ж.Камол дostonларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: **I. Мазмун-мундарижасига кўра:** 1. Тарихий мавзудаги дostonлар («Варахша»). 2. Уруш мавзусидаги дostonлар («Армон», «Эшиқда ой тўлкини», «Қуёш чашмаси»). 3. Замонавий воқелик тасвирига бағишланган дostonлар («Ҳасан ва ой»). 4. Миллий озодлик мавзусидаги дostonлар («Жамила») 5. Ахлоқий мавзу талқини («Шаҳрибону»). **II. Вазн ва услубий изланиш йўналишига кўра:** 1. Аруз вазни ва маснавийда ёзилган дostonлар («Қуёш чашмаси», «Шаҳрибону», «Жамила»). 2. Бармоқ вазнида ёзилган дostonлар («Тош туғён», «Варахша», «Армон»). 3. Эркин вазнда ёзилган дostonлар («Эшиқда ой тўлкини»). 4. Ривоят стилизациясига асосланган дostonлар («Шаҳрибону»). Кўринадикки, Жамол Камол дostonда тарих, замоннинг долзарб муаммоларини кўтариб чиққан ва уларни ифода этишда дostonга мос бадиий шакл танлай олган.

Тарихий мавзудан баҳс этувчи «Варахша» дostonи кўҳна Бухоро узоқ ўтмиши саҳифаларидан сўзлайди. Унда Бухорхудотнинг хотини малика Туркон хотин сиймоси яратилган. Бухорхудотнинг вафотидан кейин тахтни Туркон хотин бошқаради. Бундан хабар топган араб фотиҳи Қутайба Бухоро заминига ва маликага қўз тикади. Бироқ



малика Бухорхудотга садоқати, ўз юртига қайноқ меҳри туфайли унинг таклифларига рози бўлмайди. Мана шу тарихий воқеалар лиризм уйғунлигида таъсирчан акс эттирилган. Достоннинг яна бир фазилатини таъкидлаш зарур. Жамол Камол Бухоро тарихи араблар билан боғлиқ бу саҳифаси ҳақида достон битганида навқирон ёшда эди. Қолаверса, юрт собиқ тузум исканжасига тушиб қолган, эрк ва озодлик ҳақидаги сўз айтиш қийин бўлган бир даврда бу асарни шоирнинг маънавий жасорати сифатида баҳолаш мумкин.

XX аср ўзбек адабиётида уруш мавзуси деярли барча жанрларда ўз ифодасини топган. Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи, «Урушнинг сўнги қурбони» ҳикояси, Миртемирнинг «Сурат», Э.Воҳидовнинг «Нидо» достонлари бу мавзудаги асарларнинг юксак намуналаридир. Жамол Камолнинг «Армон» достони ҳам шу силсилада турувчи дардли ва маҳзун асардир. Қолаверса, бу мавзу шоирнинг «Қуёш чашмаси», «Эшиқда ой тўлқини» достонларида янгича давом эттирилади ва доираси кенгайди. Чунки «Армон»да уч паҳлавон ўғлини фронтга жўнатиб, улардан қорахат олган, бироқ ишонмай уларнинг йўлига умр бўйи кўз тиккан Ширин кампирнинг изтиробли ҳис-кечинмалари ифода этилган бўлса, «Қуёш чашмаси»да жанг майдонларида қахрамонлик намуналарини кўрсатиб, ҳалок бўлган ўзбек ўғлонлари хотирланади. «Эшиқда ой тўлқини»да эса уруш туфайли ўз юртдан Ўзбекистонга эвакуация қилинган Нина тақдири, уруш майдонларидан «ўлимларни ҳатлаб» (Миртемир) қайтган Мансур ҳаёти бадиий ифода этилган. Айтиш керакки, уруш мавзусидаги ҳар уч асар ҳам чуқур лиризм билан суғорилганлиги, самимий ҳис-кечинмаларга тўйинтирилганлиги билан XX аср ўзбек достончилигида алоҳида ажралиб туради. Адабиётшунослигимизда «Армон» ва «Қуёш чашмаси» достонлари атрофлича таҳлил ва тадқиқ этилган. Шу боис шоирнинг «Эшиқда ой тўлқини» асари таҳлили орқали мулоҳазаларимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Уруш мавзуси Жамол Камол достонлари асосидан ўқ чизик бўлиб ўтади. «Армон», «Қуёш чашмаси», «Эшиқда ой тўлқини» кабилар бу жиҳатдан аҳамиятли. «Армон»да, адабиётшунос Н.Раҳимжонов таъкидлаганидай: «Она – Ширин кампирнинг изтироблари, юрак дарди ва психологик кечинмаларидан Улуғ Ватан уруши давридаги ўзбек қишлоғи ва у орқали ўзбек халқи руҳиятининг кечинмаларга бой манзараси яратилади. Шу маънода, поэма «Она руҳиятининг қўшиғидек жаранглайди». Ҳақиқатан, «Армон» ва шу мавзудаги достонларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда урушнинг халқ бошига солган фалокатлари, қалбини яралаган жароҳатлар ифода этилган. Яъни бу асарларда фронт ичкарасидаги ҳаёт қахрамонликлар эмас, фронт ичкарасидаги ҳаёт парчалари, урушдан кейинги изтиробли ҳолатлар акс этган. Жумладан, самимий инсоний туйғулар руҳи билан суғорилган севги достони «Эшиқда ой тўлқини» бу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади. Асар ҳақида фикр юритар экан, Ш.Ҳасанов шундай ёзади: «Достонда ортиқча воқеанавислик йўқ. Ҳаётдан танлаб, саралаб олинган энг характерли ҳодисаларнинг штрихлари лирик ифодага тортилади. Қисқа сатрларда берилган қишлоқ, тегирмон, полиз манзаралари конкрет деталлар воситасида ёрқин тасвирланади». Ҳақиқатан ҳам, достонда воқеалар лирик тасвир асосидан ўсиб чиққанлиги кузатилади.

Достон табиат тасвири билан бошланади:

Сехрли ой,
Савдоли санам,



Саҳарларнинг соҳибжамоли
Табассуминг остида олам.
Сеҳрланган қўшиқ мисоли..

Бунда туннинг кўрки бўлган ойга берилган ташбеҳ ва сифатлашлар оҳорли: «сеҳрли ой», «савдоли санам», «саҳарларнинг соҳибжамоли» каби. Замонавий ўзбек шеърлятида ой ташбеҳланган мисралар бисёр. Жумладан Ҳамид Олимжоннинг «Ҳаёлимда бўлдинг узун кун» шеърлядаги қуйидаги мисралар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради:

Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?

Демак, ойни шундай таърифлаш Ҳамид Олимжонда кўзга ташланади. «Ҳийлагар ой» – «сеҳрли ой», «сеҳргар дилбар» – «савдоли санам» бу жиҳатдан параллел тасвирни ташкил этади. Демак, Жамол Камол Ҳамид Олимжон анъаналарини муваффақиятли давом эттирган. Шоирнинг ўзига хослиги – ойни янгича метафорада: «саҳарларнинг соҳибжамоли» тарзида беради:

Руҳим уйин очаман ҳар гал,
Дейман, ойдин мавжинга тўлай
Мавжларинга тўламан гўзал,
Айтиб беролмасман не қилай..

Достон шоирнинг болалиқ, аниқроғи, «олти ёшли» йилитчанинг хотиралари асосига қурилган. Воқеалар шу бола, яъни персонаж тилидан ҳикоя қилиб берилади. Шу жиҳатдан асар автобиографик характер касб этган:

Йилит юрагимнинг қатида
Яшар бола хотираларим.
Азизларим, азизаларим,
Нодирларим, нодираларим..
Қумуш сандиқларда
Сақланар улар.

Шоир камолот ёшида болалигида гувоҳ бўлган ҳаётий воқеликни бадиий гавдалантириб берган. Маълумки, машғум уруш йилларида уруш кетаётган жойлардан болалар, аёллар, кексалар Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Польша қизи Нина ҳам шулардан бири. Уни «шапкаси йилт-йилт этадиган ғалати одамлар» – ҳарбийлар Жамол Камоллар хонадонига «аллақандай қутилар» билан бувисига қолдириб кетишади:

Турарди у..
Аллақандай ғамгин,
Кетган аравалар изидан боқиб.
Мовий кўзларида тивит рўмолдан
Тушганди сочининг бир тола оқи..
Этанда
Қўйлақка ўхшаш бир нима,
Устида пахталик, эски жужунча
Оёғида кигиз этик – шийма,
Қўлида жигарранг жажжи тутунча..

Юқоридаги бадиий лавҳа ва мўъжаз портрет орқали уруш даҳшатларини ҳис этиш мумкин. «Мовий кўз»ли Нинадаги «аллақандай ғамгинлик» юртидан, яқинларидан айро



тушганини ифодалаб туради. Унинг бошидаги «тивит рўмол», устидаги пахталик кийим, оёғидаги «кигиз этик – пийма» кабилар халқнинг ночор ҳолатини билдириб туради.

Шундан бошлаб, Нина Ўзбекистонда яшай бошлайди. Боланинг тоғаси эса шу вақтда унинг юртида душман билан олишаётган эди. Буни бувиси Нинага тушунтиришга ҳаракат қилади.

Бола осмонининг

Юлдузи Нина,

Қайларгадир ҳозир?.. Қандоқ биламан?

«Олис бир ўлкада гул очган ниҳол» Нина бу ердаги ҳаётга мослашади, асаларичиликка қизиқади. Бироқ у ҳамиша ғамгин ва ўйчан эди.

Гоҳо ярим тунлар жимжит ҳовлини

Ларзага солади аччиқ бир фиғон

Бошига борарди бувим ҳовлиқиб,

Уйғониб боқардинг хомуш, паришон...

«Жимжит ҳовлини ларзага солган аччиқ бир фиғон» юртидан, яқинларидан узоқда бўлган Нинанинг ноаларидир. Бундай пайтда буви уни юпатарди.

Мансурнинг урушдан қайтиши Нинанинг маҳзун ҳаётини ўзгартириб юборади. Шундай кунларнинг бирида Нина «ранглари оқарган», «лаблари титраган» ҳолда бир ҳодисага гувоҳ бўлади: супада «қадамини шаҳд билан босиб», «бир қўлини бўйнига осиб» азамат аскар ўғлон турарди. Бу Мансур эди. Бу ҳақда боланинг иқрорларидан ҳам билиш мумкин:

Тоғам қайтган эди қонли урушдан

Ҳовлимиз бир пасда бўлди тўпалон...

Бу ташриф ўша оловли йилларда нафақат бир хонадоннинг, балки бутун бир элнинг қувончи эди. Шу тарзда Нина ва Мансур ўртасида ишқ ришталари боғлана бошлайди. У польяк қизи бўлишига қарамасдан ўзбек қизларидек ҳаёли, иболи эди. Шу боис Нина ўзбек хонадонига сингиб кетади, уларни ўз оила аъзоларидек қабул қилади. Қолаверса, муҳаббат туйғуси уни янада гўзаллаштиради. Ундаги бу жозиба табиат, аниқроғи, ой чиройи билан ёнма-ён берилади.

Томга ёнбошлаган

Тутни паналаб,

Ой чиқиб боради фалакка.

Боғлар-боғчаларни ёна-ёналаб

Кейин фалак узра ёнади якка...

Оламнинг ўзига

Айлайди шайдо

Оламга сочади кумушлар.

Ойнинг «томга ёнбошлаган тутни паналаб», «боғлар-боғчаларни ёна-ёналаб» осмонга чиқиб келиши ҳолати билан Нинанинг ишқдан уялиши ва ийманишида ўзига хос мутаносиблик бор. Бунда шоир бетакрор ташхис қўллаган. Чунки тутнинг томга ёнбошлаши, паналаб чиқиши инсон ҳаракатларидир. Қолаверса, ҳаммани ўзига мафтун этиб, кумушлар сочиши – нур таратиши ҳам Кумушнинг ишқдан масрурланган ҳолатига монанддир. Бундаги ташбеҳ, яъни ой нурларининг кумушга ўхшатилиши ҳам бетакрор.

Гул очиб, чиройи бўлди зиёда.

Мовий кўзларида офтоб аралаш



Порлади баҳорий шўхчан ифода.

Орзулар, умидлар қаногида қиз
Бахтлар осмонида учиб юрарди.
Билардим бировнинг исмини ёлғиз
Лаблари шивирлаб айгиб турарди.

Юқоридаги сатрларда Нинанинг хушнуд дамлари, муҳаббатга ошуфта қалби манзаралари акс этган. Бунда портрет ва пейзаж уйғунлашган. Адабиётшунос Ш.Ҳасанов тўғри таъкидлаганидай: «Портретнинг аниқлиги, пейзаж манзараларининг тиниқлиги, тасвирий воситаларнинг қуюқлиги тилини жозибадор этган. Ҳикоячи нутқида реал воқелик ва хаёлот оламининг бирлашиб кетиши тасвир усулида лиро-эпизм бир бутунлигини юзага келтиради». Бинобарин, «чиройининг гул очиши», «мовий кўзларида офтоб аралаш баҳорий шўхчан ифоданинг порлаши», «бахтлар осмонида учиши», «лаблари бировнинг исмини шивирлаб айгиши» кабиларда шу руҳий ҳолат ифодасини кўриш мумкин. Қолаверса, «лаблари бировнинг исмини шивирлаб айгиши» тасвири ўзбек қизларига хос ҳаё, ибони билдириб туради. Бу эса поляк қизининг ўзбек хонадонига сингиб кетганини кўрсатиб туради.

Воқеалар ривожда ҳаётнинг ҳам қувончли, ҳам қайғули бир ҳолатига дуч келамиз. Шундай масрур кунларининг бирида Нинага мактуб келади, Унда қизнинг онаси ҳаёт эканлиги ва уни интиқлик билан қутаётганлиги ёзилган эди. Нинага онасининг тирик эканлиги қанчалик шодлик бахш этган бўлса, унга бахт ва сурур ҳадя этган муҳаббати, янги оила аъзоларини ташлаб кетиш шунчалик оғир эди. Шоир лирик қаҳрамоннинг шу лаҳзадаги кечинмаларини қуйидагича тасвирлайди:

Эртасига Нина

Хайрлашди чин,

Қуш каби шайланиб олис йўл сари.

Бир титроқ бор эди жисмида лекин,

Оқариб титрарди лаблари...

Хайрлашди бир-бир,

Навбатма-навбат,

Ахир тиёлмади кўзда ёшини...

Бинобарин, ёшлигининг энг гўзал дамлари ўтган, бағрикенг ўзбекнинг илиқ меҳрини туйган, муҳаббатини топган Ўзбекистон билан хайрлашиб Нина учун жуда қайғули эди. Гарчи юраги «қуш каби» юртига талпинса-да, шундай олижаноб халқдан кўнглини узолмасди. Шу боис «жисмида титроқ» бор эди. Қолаверса, бу туйғуларни унинг «кўз ёш»лари яна ошкор этади.

Нина кириб борар

Варшавасига,

Юртининг шамоли сочин силайди.

Онасини қучар, лекин шу дамда...

Мансурни эслаб йиғлайди...

Юрт дийдори, онасининг бағри Нинани ўзига чорлагани рост. У бундан хурсанд, бироқ хурсандчиликнинг кемтиклиги ҳам бор. Шоир бу кемтикликка машғум уруш сабабчи эканлигини, агар шу қирғинбарот бўлмаганда турли халқлар, жумладан поляклар ҳам ўз юртида тинч яшаши мумкинлигини юқоридаги сатрлар қатига сингдиради. Нина ҳис этган мунг ва дард шу билан боғлиқ.



Кетди авжи латофат,
Қолди йўлларида термулиб кўзлар
Чамамда, унчалик куймади фақат
Қишлоқдаги бўйи етган қизлар...

Нина ҳам ўзбек халқига меҳр қўйиб, унинг тилида сўзлай бошлаган эди. Шу боис шоир «кетди авжи латофат» дер экан, Нинанинг муҳаббат тўла қалбини назарда тутди. Маҳалла, қишлоқ меҳрини қозонгани учун ҳам у кетганда кўзлар «йўлларида термулиб қолади». Бироқ фақат «қишлоқдаги бўйи етган қизлар» унчалик куймайди. Сабаби, Мансурдек йигитга муносиб бўлиш уларнинг ҳар бири учун орзу эди. Лирик қаҳрамон – бола хотираларида поляк қизи Нина гўзаллиги ва беғубор қалби билан бир умр муҳрланиб қолади. Шунинг учун ҳам у кетган бўлса ҳам, боланинг «кўзида, кўнглида» бир нималарни, ёруғ туйғу ва хаёлларни қолдиради.

Асарнинг яна бир муҳим хусусиятини таъкидлаш керак. Унда кўкдаги ой билан лирик қаҳрамон руҳиятида ажиб уйғунлик бор. «Сехрли ой» сифатлаши, «Ой дарёси» метафораси, «Ой ҳовлига қўниб, очмоқ бўларди», «Ой дарёси тошарди худди», «Ой дарёси – сирли тўлқин», «Ой чиқиб, қувибди туннинг қорасин», «Гўё ой парчаси эди юзлари» мисраларидаги тасвирларда Нина туйғулари акс этган. Ёхуд «тўлин ой», «ой юзли маҳваш», «ойдин олам» қиз гўзаллигига берилган ташбеҳлардир. Қолаверса, бу асар ўзбек достончилигида Ҳ.Олимжон анъаналарининг давоми сифатида **эркин вазнда** ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Умуман олганда, бу достон уруш туфайли бир неча муддат ўз Ватанидан йироқда яшаган, Ўзбекистонга меҳр қўйган ва муҳаббатини тошган, бироқ юрт меҳри туфайли ундан айро тушган поляк қизи Нина ҳаётга бағишланган. Юқорида таъкидлаганимиздай, асарда оғир йилларда бошқа миллатларга таянч бўлган меҳмондўст, бағрикенг ўзбек халқи улуғланган. Шунинг баробарида Ватан деган юксак туйғунинг қудрати кўрсатиб берилган. Чунки Нина ўзбек йигити Мансурни бутун қалби билан севди, бироқ онасининг ҳаётлиги, юрт соғинчи бу туйғудан устун келди. Асар мутолааси шу хулосаларга келиш имконини беради.

Жамол Камолнинг «Ражаб Ашуров достони»да уруш йиллари воқелиги, қонли жангларда иштирок этган ҳалол, меҳнаткаш Ражаб исми кишининг ҳаёти ҳикоя қилинади. «Ўлимларни ҳатлаб», урушдан бир оёғидан ажралиб келган Ражаб Ашуров ўз олдига ҳамиша халқ хизматида бўлишни, халқ дарди билан ҳамнафасликни бош мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун шоир бу достонга «Йигитнинг йўлдоши – от» мақолини эпиграф қилиб келтиради. Азал-азалдан ҳақиқий мард йигитлар ҳамиша отни ўзининг йўлдоши деб биричилиги, ота-боболаримизнинг отга меҳри бўлак эканлигини пайқаш сир эмас. Шоир гарчи рамз сифатида от образини олган бўлса-да, сюжет умуман ўзгача мазмун касб этади. От образи тасвирида халқона услуб етакчилиги қилади:

Йироқлардан –
Кишнаб келар жийрон от,
Шамолларда ўйнаб ипак ёллари.
Еру кўкка сурон солиб келар от,
Шамолларга тўлиб атроф-ёнлари
От ўзини уфқларга отади,
Туёқлари тупроқларга ботади...



Бунда отнинг ҳолати ва навқирон ёшдаги йигитнинг ҳолатларида уйғунлик бор. «Яъни йироқлардан кишнаб келган жийрон от» аслида жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатиб, юрти томон шошаётган йигитдир. Отнинг ёли ипакка ўхшатилади, чунки у майинлиги ва шамолда тебраниши жиҳатидан ипакдаги майинликни ўзида ифода этади.

«Жийроним!

Жийроним! Жоним!» – дерди йигит

Отига бергудек жону жисмини

Оловдек лаблари

Шивирлар эди

Яна аллакимнинг исмини...

Юқоридаги сатрлар мазмунида жийрони билан юртига интилаётган йигитнинг туйғу-кечинмалари акс этган. Бу интилишда суюкли ёр томонга ошиқиш бор. «Оловдек лаблари шивирлаб» айтган «аллакимнинг исми» бу ошиқ қалбига ўт ёққан суюкли ёрдир. Шу туйғулар қалби ишққа тўлган йигитнинг дил розларини ифода этади.

Достон қаҳрамони Ражаб Ашуров суронли йилларда барча қишлоқ йигитлари каби урушга боради ва бир оёғидан ажралиб келади. Бироқ уруш жароҳатлари унинг қалбидан кетмайди. Йигитнинг тушларида, ҳатто хаёлларида ҳам бу даҳшатли манзаралар акс-садо бериб туради. Шоир қаҳрамон руҳиятидаги ана шу изтиробли кечинмаларни сатрлар қатига тизади:

Урушдан сўнг қирқ йил яшади,

Лекин юрагида қонли из...

Орёл кўчасида уни ҳар кеча

Кутиб турар эди уч фашист!

Ўзини ҳеч кечиролмасди,

Ҳамиша руҳида яшарди ларза.

Унинг кўз ўнгида кетмасди –

Ўзи шошиб қолган,

кўрқинч бир лаҳза...

Юрт шаъни, ор-номуси ҳақиқий ватанпарвар фарзанд учун ҳамиша қадрлидир. Маҳалладошлари орасида Ражаббой деб ном олган йигит чин маънода қаҳрамон эди. У урушдан қайтгандан сўнг, қайноқ меҳнат қўйнига шўнғийди. Ражаббой ёғоч оёқларга суяниб бўлса-да, маҳалла парткомида иш бошқарувчи сифатида ўз бурчини сидқидидан бажаради. У маҳалла аҳлининг тўй маросимларига бош бўлар, уларни гоҳ-гоҳида тартибга чақириб, мувозанатни сақлашга ҳаракат қилар эди. Жанг майдонларида тобланган ва ҳалол меҳнат билан чиниққан Ражаббойнинг фидоийлиги ва шижоати билан кўпчилиكنинг ҳурматига сазовор бўлади. У маҳалла дўконларини кезар, нарх-навони зимдан кузатар, нафсига бино қўйган айрим кимсаларни тартибга чақиришга ҳаракат қиларди. Бу эса худбин кимсаларга ёқмасди, албатта. Шуларни сезган эътиқодли, виждонли Ражаббой бундай кимсаларга ачинарди:

Сен ҳам яшайсан... Умр эмишми

Сен умр деб яшаган умр!

Ҳаётингда не маъно, не тамиз?

Балойи нафс учун яшайсан ҳар дам.



Зеро, у «балойи нафс» учун яшаётган кишиларнинг умрини умр ҳисобламайди. Шоир буни тажоҳули ориф орқали таъсирчан ифодалаб беради.

Достон воқеаларини кузатар эканмиз, унда нафси учун ҳатто ўз фарзанди ўлимнинг хунидан кечган нокас кимсаларга дуч келамиз. Шундай воқеалардан бири йиғим-терим авжига чиққан кунларда бўлиб ўтади. Бадал деган кишининг боласини бир дўкондор маст ҳолатда машинаси билан уриб юборади. Бир неча кун давом этган тергов ва суриштирув ишларидан кейин бойвачча озод қилинади. Бадал эса катта пул эвазига ўз даввосидан кечгани маълум бўлади. Бундай бадбахтликни шоир қуйидагича ифода этади:

Ўз болангни пулга сотдингми?!

Одамхўр шарманда!..

Бадал турар лол

Ражаб ака муштумини тутди,

Гурсиллатиб урди столга: «Йўқол!..»

Яъни инсон бу дунёда ўзидан эзгу ном қолдириш учун яшамоғи, виждони олдида ҳамиша пок бўлиши учун руҳиятини ғуборлардан асрамоғи лозим. Достон маъзига сингдирилган эзгу ғоя Ражаббой образи орқали ифода этилган. Шу жиҳатдан асар қаҳрамони ҳаётдаги реал шахс. Шу ўринда бир мулоҳаза: долзарб мавзудаги ушбу достондан олинган юқоридаги сатрларда шеърини оҳанг кучсизлиги, бадиий жозиба етишмагандай таассурот уйғотади.

Шундай қилиб, шоир ўзи бевосита таниган, билган яқин биродарининг қисматини шеърга солган. Достон хулосаси ҳам шу жиҳатдан ибратга бой. Яъни Ражаббойга ўхшаган инсонлар ҳамиша эл назарида бўлишади, улар бу дунёни тарк этгандан сўнг ҳам халқни қалбида абадий қолади:

Мард эдинг, соҳиби майдон эдинг сен,

Яшадинг, курашда зарбинг ошириб.

Зотан, инсон эдинг, инсон эдинг сен,

Азиз биродарим Ражаб Ашуров.

Умуман олганда, «Ражаб Ашуров достони» шоирнинг уруш ва унинг жароҳатларини акс эттирувчи учинчи достонидир. Унда уруш оловларидан омон чиқиб, жанг майдонларига бир оёғини қолдириб қайтган Ражаб Ашуровнинг мазмунли ҳаёт саҳифалари лирик усулда акс эттирилган.

Юқорида шоирнинг достоншунослиқда кам тадқиқ этилган икки достони: «Эшиқда ой тўлқини» ва «Ражаб Ашуров достони» ҳақида батафсил фикр юритдик. Уруш ва унинг эзгу қалбларга солган жароҳатлари акс этган бу асарлар сюжети, бадиий қурилиши, руҳий кечинмаларга бойлиги, бадиий шакли ва образлар тизимига кўра шу мавзуда ёзилган бошқа турдаги асарлар билан бўйлаша олади. Хусусан, бу достонлар Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романидаги ҳаётини воқеаларга ҳамоҳанглик қилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Жамол Камолнинг кўхна аруз ва маснавий шаклида («Қуёш чашмаси», «Шаҳрибону»), анъанавий бармоқ («Варахша», «Тош туғён»), эркин («Эшиқда ой тўлқини», «Ражаб Ашуров достони»), бармоқ ва эркин вазнда («Армон») яратган достонлари XX аср ўзбек шеърлятида янги саҳифалар ярата олди.

Адабиётлар

1. Раҳимжонов Н. Ўзбек адабиётида поэма. –Тошкент: Фан, 1986. –Б. 46-49.



2. Муродов Ш. Жанровые особенности современной узбекской поэмы [на материале поэм 70-х годов]: Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Ташкент, 1984. – 21 с.
3. Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. –Самарканд, 2001. –142 б
4. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси: Филол.фанлари д-ри дисс... –Тошкент, 2004. –284 б.
5. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги. –Тошкент: Фан, 2010.
6. Раҳимжонов Н. Ўзбек совет поэмаси. –Тошкент: Фан, 1986. –Б. 48.
7. Ҳасанов Ш. Истеъдоднинг рангин жиолари// Шарқ юлдузи, № 1, 2019. –Б. 115.
8. Камол Ж. Аср билан видолашув. –Тошкент: Фан, 2007. –Б. 284.
9. Ҳамид Олимжон. Дарё каби уйғоқ ўтурман. –Тошкент: Sharq, 2009. –Б. 46.

INGLIZ, O'ZBEK VA RUS TILLARIDA ECOTERMINLARNING CHOQ'ISHTIRMA TADQIQIDA TANLASH MEZONLARI

Nigmatullina Almira Shamsunovna
Ingliz tili katta o'qituvchisi Farg'ona polytexnika instituti
almira-nigmatullina@mail.ru

***Аннотация:** Ushbu maqola zamonaviy rus, o'zbek va ingliz tillaridagi ekologik matnlar atamalarini o'rganishga bag'ishlangan. Taqqoslangan tillarning ekologik atamalarining ishlash xususiyatlari ekotermalar mezonini tanlash orqali ochib berilgan.*

***Калит so'zlar:** ecoterminalar, leksema, ekologiya, ilmiy, tizim, qiyosiy o'rganish, lingvistik nazariya, tilshunoslik, rivojlanish, xususiyatlar, sifat.*

КРИТЕРИИ ВЫБОРА ЭКОТЕРМИНОВ ДЛЯ СРАВНИТЕЛЬНОГО ИЗУЧЕНИЯ НА ПРИМЕРЕ АНГЛИЙСКОГО, УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКАХ

Нигматуллина Альмира Шамсуновна
Ферганский политехнический институт

***Аннотация** Данная статья посвящена исследованию терминов текстов экологической тематики в современных русском, узбекском и английском языках. Выявлены особенности функционирования экологических терминов сопоставляемых языков путём выбора критерий экотерминов.*

***Ключевые слова:** экотермины, лексема, экология, наука, система, сравнительное исследование, лингвистическая теория, лингвистика, развитие, свойства, качество.*

CRITERIA FOR SELECTING ECOTERMINS FOR COMPARATIVE STUDY ON THE EXAMPLE OF ENGLISH, UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES

Almira Shamsunovna Nigmatullina
Ferghana polytechnic institute

***Annotation:** This article is devoted to the study of the terms of environmental texts in modern russian, uzbek and english languages. The features of the functioning of environmental terms of the compared languages are revealed by choosing the criterion of ecoterms.*



Keywords: *eco-terms, lexeme, ecology, science, system, comparative research, linguistic theory, linguistics, development, properties, quality.*

Har bir davr lingvistikasida til birliklari, soʻz moddiyligini, oʻz oʻrnida tilimizdagi soʻzlarni unga qoʻyilgan talablarga mos holda oʻrganishning koʻplab oʻziga xos usullari ishlab chiqilib, barcha ilmiy tadqiqotlarni yigʻib, uning bitta modelini yaratish bilan birga bir tizimga solish va umumiy holga keltirish kerak boʻldi. Bunda nominatsiyalarni har bir tilda, ham yaqin va uzoq qarindosh boʻlgan tillarda qiyosiy taqqoslashda har tomondan chuqur tahlil qilishga asosiy eʼtibor qaratildi.

Tahlilga tortilgan eko-termal sohaga kiruvchi tizimlar tadqiqodchi tomonidan elementlari mikromoliy maydonlarga, yadro leksemasi atrofida birlashgan mavzu guruhlariga birlashtirilgan "ekologiya" leksemasining markaziy nominatsiyasi boʻlgan segment-darajali tuzilishga ega funktsional-semantik maydonlar sifatida tahlilga tortiladi. Masalan, oʻzdek, "ekologiya" oʻzbek tilida, "ekologiya" rus tilida va "ecology" ingliz tillarda shunday koʻrinishga ega. Ekotermin maydonlarining dominantlari taqqoslangan leksema hisoblanadi.

Ekologik terminlar ustida ishlaganimizda asosiy mezonlarga murojaat qilishimiz davomida asosiysi ekaologik termining mantiqiy-semantik atributi ekanligiga guvoh boʻlamiz. Hozirgi zamon lingvistikasida lisoniy manbani tahlil qilishda ikkita qutubli anʼana koʻzga tashlanmoqda: birinchi qutub, chuqur ixtisoslashgan lingvistik nazariyalarni yanada rivojlanishini yoʻlga qoʻyish va rivojantirish, ikkinchi qutubdan esa, yigʻilgan barcha maʼlumotlarni umumlashtirish nazarda tutilmoqda. Hozirgi kundagi tillarning takomillashuvi hamda faoliyatidagi umumiy lingvistik anʼanalarni aniqlashga imkon beradigan keng qamrovli tahlilni Yu. D. Apresyan, R. Bart, F. Rastier, S. Ulman, B.A. Uspenskiy, A. A. Ufimtsevalar kabi tilshunoslar tadqiqotida koʻrishimiz mumkin.

Globalashgan ilmiy olamda birgina global maʼlumot markazi paydo boʻlib, oqibatda bilim sohasini har biriga bitta alohida kontseptual jihoz ishlab chiqilmoqda hamda mavjud yangi zamonaviy bilimlar toʻplami bir vaqtning oʻzida zamonaviy uzatish vositalari, axborotlarni saqlash vazifasini bajarib kelmoqda. Ekologiya deb atalgan sohaning rivojlanish yangi sifatga ega boʻlib, yangi pogʻonaga koʻtarildi. Hozirgi davrda olimlar har xil usullar yordamida terminologik sohaning oʻlchovlarini yoki oʻziga xos xususiyatlarini aniqlab beradilar. (O. O. Selivanova, LES mualliflari, V. N. Yartseva tomonidan tahrirlangan, D. Kristal.)

Biz tilga olgan mantiqiy-leksik bir guruhga mansub yozuvlar oʻlchovidir hamda oʻzga sohaga mos boshqa atamashunoslik tizimlarda mavjud birliklarni bitta ekotermik yoʻnalishda birlashtira oladi. (G.A. Sergeevaning soʻzlariga koʻra "terminologik soha".²³

Ekologiya termini tizimi yoki ekologiyaga oid terminlar tizimi mantiqiy, semantik va yana boshqa munosabatlarda bir-biri bilan bogʻliq boʻlgan, ushbu fanning kontseptsiyalarini belgilovchi va bacha nazariy tadqiqotlarda hamda amaliy ishlarda ham bu soha egalari - ekologlar faoliyatining baʼzi yoʻnalishlariga xizmat qiladigan atamalar toʻplamidir.

²³ Сергеева Г. А. Англомовні запозичення в українській правничій термінології : автореф. дис. на здоб. наук. ступеня канд. філол. наук : спец. 10.02.01 «Українська мова» Харків, 2002. 16 с



Bu atama bir, ma'lum bir sohada, bitta ilmiy paradigmada ma'lum bir leksemaga ega bo'lgan, ma'nosi maxsuslashtirilgan foydalanish sohasining leksik birligi sifatida vazifa bajaradi.

Masalan, leksikologiyada tendensiyaga kirgan O.S Axmanovanning nuqtayi nazarini olaylik: "atama -bu maxsus tushunchalarni aniq ifoda etishga xizmat qiluvchi va ta'rifga asoslanib, maxsus foydalanish sohasidagi maxsus so'z yoki iboradir" .²⁴ Shunga asoslanib, ekoterm-in-bu tilning ekoterm-inosistemasida aniq, qat'iy bir ma'noga ega bo'lgan hamda ekologiyaga oid mavzulardagi barcha og'zaki va yozma mikro hamda makro matnlarda amalga oshiriladigan ekologik semyotikaning lingvistik birligidir.

Barcha davrlarda o'rganilgani kabi bugungi kunda tadqiqotchilar turli xil metodlar bilan terminlar tizimlarini mezonlarini boshqacha qilib aytganda, ajralmas xususiyatlarini belgilab beradilar. Ekologiya termini tizimi yoki ekologik atamalar tizimi bu mantiqiy, semantik va o'zga munosabatlar bilan o'zaro bog'liq bo'lib, ushbu fanning kontseptsiyalarini atovchi va nazariy tadqiqotlarda ham, amaliy ishlarda ham ekologlar faoliyatining turli sohalariga xizmat qiladigan atamalar to'plamidir. Ekoatamalar bir xil vazifa bajarmaydi. O'zaro bog'liqlik tomoni deb tuzilishiga ko'ra oddiy, qo'shma va murakkabligini olaishimiz mumkin. Ekologik terminlar ikki va undan ortiq tillarda tahlilga tortilib, qiyoslab taqqoslanganda (va aksariyat boshqa tillarda) so'zlar va frazalar, iboralar bilan ifodalaymiz.

Jumladan, mikro yoxud makro matnda bunday termindan foydalanishga oid ko'plab muammoli savollar shu soha tadqiqotchilarning ilmiy izlanishlari mahsuli bo'lgan tadqiqotlarida ko'plab tahlilga tortilib, muhokama qilingan. Bularga A.S. Gerd , E.I. Golovanova , V.P. Danilenko, Ya. V. Zhytin, V.I. Karaban, A.V.Kosov, D.S.Lotte, V. M. Sergevnina, L. Bowker, J. Pearson, J. Pruvost va J.F. Sablayrolles va boshqalarni olishimiz mumkin. Atamalar doimiy mavjud ma'noni aniqlashi yoki ma'lum bir vaqtida, davrda ma'no anglatishi mumkin, bu tarixiylik (zamonaviy matnlarda bu termin qo'llanilmay qolgan taqdirda) yoki arxaizm so'zlar qatoriga o'tishi mumkin (qachonki, boshqasi, yangi qo'llanilgan atama oldingisining o'rnida ishlatilgan holatda). Shunday holatni inobatga olib, biz tilshunoslikda aniq bir terminologik sohada qo'llaniladigan maxsus leksika birliklari - ekoterm-inlar ma'nolariga to'xtalib o'tamiz.

Tahlilga tortilgan bir-biriga taqqoslangan tillarning ekoterm-inlari nisbatan yosh, ochiq, ierarxik tuzilgan hamda tizimli bo'lib, ular ham tushunchalar darajasida (ingliz, rus va o'zbek tillarining kontseptsiya sohalarida), ham aniq bir til prognozi bilan, yaratilgan leksik birliklar darajasida, kontseptsiya sohalarida yuzaga chiqadi. Ushbu eko-termal tizimlar alohida, o'ziga xos leksik va semantik variantlar, leksemalar va boshqa jihatdan boshqa-boshqa tuzilmalar iboralar, frazalar, turg'un birikmalari bilan ifodalanadi.

Ekologik terminlarni doimiy ravishda ko'rib chiqish, ularning fuksiyaviy tomonlari, ifodalanishlari, hozirgi kunda tilshunoslikda va ko'plab ilmiy ishlar mavzusida munozarali muammo Ushbu tadqiqotimizda biz ingliz, rus va o'zbek tillarining eko-termal tizimining ko'rinishlarini, ularning, jumladan, rus tilidagi ekvivalentlari bilan taqqoslagan holda ko'rib chiqamiz. Ekotermalar bir xil bo'lmaydi. Tuzilishiga ko'ra ularni oddiy-bir asosli, qo'shma-ikki asosli hamda murakkab-ko'p asosli, turli til darajalari bilan o'zaro bog'langan bo'linishi

По мнению многих исследователей, художественный перевод - это перевод художественной литературы, т.е. текстов, основная функция которых заключается в художественно-эстетическом или поэтическом воздействии на читателя. Особенностью текстов этой разновидности перевода является их художественная ценность. По сравнению с другими коммуникативными функциями перевода, на первый план выходит функция «создания художественного образа». Поэтому на переводчике художественного произведения лежит особая задача - воссоздать при переводе то эмоциональное воздействие на читателя, которое намеревался передать своему читателю или слушателю автор оригинала.



К.И. Чуковский в своей книге «Высокое искусство» говорит: «Отражение личности писателя в языке его произведений и называется его индивидуальным стилем, присущим ему одному. Если при помощи перевода автору навязывается собственный стиль переводчика, автопортрет автора превращается в автопортрет переводчика. Поэтому напрасно рецензенты, критикуя тот или иной перевод, отмечают в нём только словарные ошибки. Гораздо важнее уловить такие злостные отклонения от подлинника, которые органически связаны с личностью переводчика и в своей массе отражают её, заслоняя переводимого автора. Гораздо важнее найти ту доминанту отклонений от подлинника, при помощи которой переводчик навязывает читателю своё литературное я.»

Вот что думает о переводе С.Я. Маршак: «Преодоление своей личной эстетики - обязанность всех переводчиков... Нужно возлюбить переводимого автора больше себя самого и беззаветно, самоабвенно служить воплощению его мыслей и образов, проявляя своё эго только в этом служении, а отнюдь не в навязывании подлиннику своих собственных вкусов и чувств.

Прежде чем взяться за перевод какого-нибудь иностранного автора, переводчик должен точно установить для себя стиль этого автора, систему его образов, ритмику. Многие прозаики в качестве средств художественного воздействия прибегают к тем же методам, что и поэты. Хороший переводчик, хотя и смотрит в иностранный текст, думает всё время по-русски и только по-русски, ни на миг не поддаваясь влиянию иностранных оборотов речи, чуждых законам родного языка» [1].

Поэтому главная задача художественного перевода состоит в порождении на языке перевода речевого произведения, оказывающего аналогичное художественно-эстетическое воздействие.

Итак, что же такое перевод? В. Н. Комиссаров писал: «Перевод – это вид языкового посредничества, который всецело ориентирован на иноязычный оригинал. Перевод рассматривается как иноязычная форма существования сообщения, содержащегося в оригинале» [2].

При этом он отмечал функциональное, структурное и содержательное отождествление оригинала и перевода. Перевод воспринимается как оригинал, только на другом языке (функциональное отождествление), рецепторы перевода считают, что перевод точно передаёт порядок изложения содержания в оригинале, его структуру (структурное отождествление) и что в переводе полностью передаётся содержание оригинала при помощи средств иного языка (содержательное отождествление). Таким образом, задача перевода, как считал В. Н. Комиссаров, состоит в том, чтобы «<...> обеспечить такой тип межъязыковой коммуникации, при котором создаваемый текст на языке Рецептора на «переводящем языке».

Исходя из этого нужно отметить, что любой текст связан с концептосферой культуры языка, на котором он был написан. «Принадлежность языка к культуре подтверждается тем, что как в плане содержания, так и в плане выражения он является творением определенного человеческого общества, социальной сущностью» [3]. В связи с этим при переводе художественной литературы перед переводчиком помимо всего прочего стоит задача – передать национально-культурный компонент содержания текста, который не ограничивается одними лишь реалиями.

К. И. Чуковский в своей книге «Высокое искусство» пишет, о чём нужно помнить переводчику при переводе художественной литературы. Как и в любом переводе, в



художественном переводе необходимо избегать словарных ошибок. Так как даже маленькая деталь, будучи неправильно переведённой, способна исказить смысл произведения, исказить образ одного из героев. Однако К. И. Чуковский всё-таки подчеркивает: «Каковы бы ни были подобные промахи, перевод может считаться отличным, заслуживающим всяких похвал, если в нем передано самое главное: художественная индивидуальность переводимого автора во всем своеобразии его стиля».

Ещё одной важной особенностью перевода для детей является то, что, особенно необходимо учитывать стадии развития - «переводчики должны знать стилистические особенности и способы обращения, подходящие для разных возрастных групп» [4]. И как далее говорит Лати: «К счастью, особые требования к переводу для детей сейчас являются предметом обсуждения и споров как в профессиональных, так и в академических кругах».

Следующая работа находится в области стилистики корпуса и направлена на то, чтобы показать, как методы корпусной лингвистики, используемые при анализе художественных текстов, могут быть полезны при анализе художественного перевода и даже поддерживать сам процесс перевода. Переводчик, выполняющий стилистический анализ переводимого текста, должен не только посмотреть, «как текст означает то, что он делает», но в идеале также перейти к этапу, «который пытается объяснить не только то, как текст означает то, что он делает, но и также, почему писатель, возможно, решил сформировать текст определенным образом» [5].

Г. Лати в своей книге «Перевод детской литературы», отмечает, что перевод также является формой адаптации во времени и пространстве, и поэтому неудивительно, что еще одной областью исследований детской литературы является ее перевод. Фактически, детская литература стала «игровой площадкой» для некоторых ученых-переводчиков, стремящихся определить некоторые универсалии перевода, поскольку предполагалось, что они могут проявляться в переводе этих текстов более четко, чем в переводах литературы для взрослых.

Предполагается, что именно потребность в доступности (т. е. адаптация к потребностям целевого читателя) является причиной появления универсалий перевода, а именно:

Бейкер определяет «упрощение», как «тенденцию к упрощению языка, используемого при переводе», «экспликацию» как тенденцию «разъяснять вещи, а не оставлять их неявными». А «нормализация» (также называемая «стандартизацией», «консерватизмом», «конвенционализацией»), как «тенденция должна соответствовать шаблонам и практикам, которые типичны для целевого языка, даже до преувеличения их» [6].

«Перевод детской литературы» - это исследование многих проблем развития и лингвистики, связанных с написанием и переводом для детей, аудитории, которая охватывает период огромного интеллектуального прогресса и эмоциональных изменений от рождения до подросткового возраста. Лати изучает широкий спектр детской литературы, от прозы до стихов и книжек с картинками.

Эмер О'Салливан³² подчеркивал важность литературно-коммуникативной структуры для перевода детской литературы. В рассказах например, Алиса в стране чудес, которую



Шавит называет «амбивалентной», потому что они являются частью как детской, так и взрослой литературной системы, О'Салливан различает как минимум два типа подразумеваемых читателей: детский читатель и взрослый читатель, и она поднимает вопрос, что происходит с такими многочисленными рассказами при переводе. В подробном тематическом исследовании двух немецких переводов А.А. Милна детский классический Винни-Пух, она указывает, что в одном из целевых текстов сохранена множественность подразумеваемого читателя, а в другом сводится к предполагаемому детскому читателю, что отнюдь не редкость в переводе детской литературы.

В более поздней статье О'Салливан дифференцировала свой подход заимствуя идеи от Германс 1996 и Чиави 1996. Неявная коммуникационная ситуация целевого текста представлена сложной моделью. Модель помогает нам понять, что в целевом тексте можно выделить три разных голоса: голос вымышленного рассказчика исходного текста, голос подразумеваемого переводчика и голос фиктивного рассказчика целевого текста. В двух кратких тематических исследованиях О'Салливан описывает в какой степени голос рассказчика в целевом тексте может отрываться от голоса вымышленный рассказчик исходного текста: в немецкой версии книги Роальда Даля Викарий Нибблсвика рассказчик превращает отрывок из игры слов в урок языка и в немецкой версии Ирины Коршунов иллюстрированной книги Джона Бернингема «Гранпа» скудный диалог между девочкой и ее дедом, который в конце концов умирает, был заменен сентиментальным повествованием из точки зрения девушки.

В двух последующих главах о переводе книжек с картинками и всесторонняя история немецких версий Алисы в стране чудес. Конечно, те концепции могли бы придать больше точности ее результатам. Было бы особенно интересно посмотреть, как в случае книжек с картинками визуальный элемент может быть вписан в модель трансляционного общения.

Финский переводчик Ригта Оигтинен, похоже, обеспокоена в первую очередь с детским читателем - настоящим, а не подразумеваемым. В ее диссертация с подзаголовком «О диалоге перевода для детей», опирается на диалогическую теорию литературы Михаила Бахтина и о модификации Кристиан Норд теории перевода *skoros*, и страстно утверждает, что особенно в отношении детей важнее быть «лояльным» по отношению к читателям изучаемого языка, чем «верным» источнику текст. Она отвергает традиционное представление о «невидимости» переводчика и подчеркивает влияние, которое образ ребенка переводчика оказывает на его или ее перевод детской литературы. Сама она отдает предпочтение «карнавальным» чертам, которые Бахтин приписывает детскую картину мира.

В целом литература и детская литература в частности могли принести тот факт, что недостаточно просто сосредоточиться на лингвистических проблемах. Переведенная детская книга, также должна учитывать во внимание нормы, определяющие перевод книги, который может хорошо приспосабливаться от культуры к культуре и от периода к периоду.³³

Таким образом, можно констатировать единство взглядов всех исследователей на то, что перевод произведений очень важен, так как каждый ребенок будь то русским, узбеком



или другой национальности имеет право быть осведомлённым о произведениях других культур. Это поможет ему обогатить свой внутренний мир, тем самым развиваться и преуспеть во всех своих начинаниях.

Список использованной литературы

- 1) К. Чуковский, Высокое искусство. Принципы художественного перевода: Азбука-классика – 1920, стр
- 2) Комиссаров, В. Н. Теория перевода (лингвистические аспекты): Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. – М.:Высш. шк., 1990. – с. 43
- 3) Гак, В.Г. Языковые преобразования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1998. – с. 141
- 4) Lathey, G. (2011) The Translation of Literature for Children. In: Malmkjaer, K. and Windle, K., Eds., The Oxford Handbook of Translation Studies, Oxford University Press, Oxford, 198-214.
- 5) Malmkjr, Kirsten. 2002. The linguistics encyclopedia. London and New York: Routledg
- 6) Baker, M. 1996. “Corpus-based Translation Studies: the Challenges that Lie Ahead”. In Terminology, LSP and Translation. Studies in Language Engineering in Honour of Juan C. Sager, H. Somers (ed), 175–186. Amsterdam: John Benjamins.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент молия институти
“Хорижий тиллар” кафедраси доценти
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Агаева Н.С.

***Аннотация:** Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида юз бераётган, иқтисодий ислохотлар натижасида фан-техника, бозор иқтисодиёти ва маданият каби турли жабҳалардаги ривожланиш жараёнидаги экстралингвистик, интралингвистик ва лингвистик омиллар кўплаб банк-молия соҳасидаги янги тушунчаларни, терминларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Хорижда илк эътироф этилган лугатлардан бири французча лугат “Эпинальский глоссарий” бўлиб, шуниси эътиборга моликки, эпиналь глоссари лугатининг асосий таркибини лотинча сўзлар эмас, балки қадимги инглизча сўзлар ташкил қилади.*

***Калит сўзлар:** лексикография, банк-молия, лугат, терминлар, байналминал терминлар, лексик бирликлар, глоссари, сўз бойлиги, тилшунослик, чоғиштириш*

ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ БАНКОВСКИХ И ФИНАНСОВЫХ ТЕРМИНОВ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Ташкентский Финансовый Институт
кафедра иностранных языков
доктор философии по филологическим наукам(PhD)
Н.С.Агаева



Аннотация: В процессе развития в различных сферах, таких как наука и технологии, экстралингвистические, интралингвистические и лингвистические факторы, а так же результат экономических реформ происходящих в Республике Узбекистан приводят к появлению множество новых слов и терминов в финансовом сфере. За рубежом одним из первых словарей стал французский Эпинальский глоссари который состоится из древнеанглийских слов

Ключивые слова: лексикография, банковский-финансовый, словарь, термины, словосочетание, глоссари, запас слов, лингвистика, сравнение

LEXICOGRAPHIC FEATURES OF BANKING AND FINANCIAL TERMS IN ENGLISH AND UZBEK

Tashkent Financial Institute
“Foreign languages” department
doctor of philosophy of philological science (PhD)
N.S.Ataeva

Annotation: Extralinguistic, interlinguistic and linguistic factors in the development process in various spheres, such as science and technology, market economy and culture, as a result of lead to the emergence of many new terms in banking and finance of the Republic of Uzbekistan. One of the French dictionary is called “Epinal Glossary” which based on old English words.

Key words: lexicography, banking and finance, dictionary, international terms, word combination, glossary, vocabulary, linguistics, international terms, comparision

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида юз бераётган, иқтисодий ислохотлар натижасида фан-техника, бозор иқтисодиёти ва маданият каби турли жаҳалардаги ривожланиш жараёнидаги экстралингвистик, интралингвистик ва лингвистик омиллар кўплаб банк-молия соҳасидаги янги тушунчаларни, терминларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Соҳа терминологиясида кечаётган сезиларли ўзгаришлар терминларни тартибга солишни, унификация қилишни, яъни бир хилликка келтиришни, шунингдек, луғатшунослик мезонлари ва тамойилларини ишлаб чиқиш хусусида керакли кўникмага эга бўлишни тақозо этади.

Банк-молия терминларини тартибга солиш, меъёрлаштириш масалалари ҳамиша терминшунос олимларнинг диққат марказида бўлган. Қадимда машҳур тилшунос олимларимизнинг луғатшуносликка қўшган ҳиссалари беқиёсдир. Жумладан, шоир ва атоқли луғатнавис Маҳмуд Қошғарий томонидан тузилган “Туркий сўзлар девони” (Девону луғатит турк), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-Ҳақойиқ», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», шайх Сулаймон Бухорийнинг «Бадў-ъл-ул луғат», Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний», «Хайратул-аброр», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» ва бошқа кўпгина мутафаккирларнинг асарларида соҳа терминлари маълум даражада ўз ифодасини топанлиги улкан аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур йўналишга В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.А.Реформатский, О.С.Ахманова, А.С.Герд, Р.А.Будагов, С.Усмонов, П.Нишонов, Ч.С.Абдуллаева, Ҳ.А.Дадабаев, Қ.М.Мусаев, О.О.Олимжонов, О.Ахмедов, Ш.Н.Абдуллаевалар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган[1].



Маълумки, хорижда илк эътироф этилган луғатлардан бири французча луғат бўлиб, Эпиналь шахри номи билан бевосита боғлиқ. У “Эпинальский глоссарий” деб номланган. Мазкур луғат ўша даврнинг бошқа луғатларига ўхшаса-да, луғатда лотинча сўзларнинг салмоғи анча кам миқдорни ташкил қилади, уларнинг изоҳи оммабоп сўзлар билан изоҳланган. Шуниси эътиборга молиқки, эпиналь глоссари луғатининг асосий таркибини лотинча сўзлар эмас, балки қадимги инглизча сўзлар ташкил қилади.[2] Масалан: *alium – garleac* «чеснок», *sardines –heringas* ва ҳ.

Хорижлик тилшунослар инглиз тили лексикографиясининг ривожланиш тарихини бир неча даврларга шартли равишда ажратиб кўрсатишади.

Биринчи давр “глоссаризациялаш” деб номланади. Бу босқичда тилнинг лексик таркибини тавсифланишига содда ёндашув ўзига хос аҳамият касб этган. Бунда луғатга тасодифий танланган сўзлар киритилган бўлиб, уларнинг талқини илмий характерга эга бўлмаган. Луғатларда лексик бирликларнинг грамматик-фонетик хусусиятлари тўғрисида маълумот ҳам берилмаган. Шунингдек, матнда сўзларнинг қўлланилиши (контекстуал) нуқтаи назардан амалий мисоллар келтирилмаган. Қуйидаги луғатлар ушбу даврнинг луғатларига тегишлидир. *Promptuarium Parvulorum* (Ёшлар учун хазина сандиғи - «Сокровищница для молодежи»), *Ortus Vocabulorum* сўзлар макони («Сад слов»), *Alvearie* («Улей») деб номланган.

Инглиз тили лексикографияси тарихидаги иккинчи даврни “мураккаб сўзлар луғатлари” даври сифатида эътироф этиш мумкин. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда асосан кундалик луғат (сўзлар мажмуи) таркибига эътибор қаратилган бўлиб, тушуниш қийин деб ҳисоблаган тил бирликлари ёхуд бир-биридан фарқ қилмайдиган жуда қисқа таърифларни бериш билан изоҳланган. Ушбу даврда яратилган луғатлар қуйидагиларни ташкил қилади: *Table Alphabetical* («Перечень алфавитный» - «Алфавит тартибиди») Роберт Кодр, *An English Expositor* («Английский толкователь» - «Инглизча таржимон») Джон Баллокар, *English Dictionarie* («Английский словарь» - «Инглизча луғат») Генри Кокрэма, *The New World of English Words* - «Инглизча сўзларнинг янги дунёси» («Новый мир английских слов») Эдвард Филипс ва ҳ.

Инглиз тили лексикографиясининг учинчи даврини “илмий давргача (до научный)” деб таърифлаш мумкин. Ушбу даврнинг бошқа даврлар билан фарқли хусусияти луғат тузувчиларни сўзлар талаффузи, уларни фонетик-фонологик жиҳатдан талаффуз қилиш жараёнида маълум бир меъёрларни киритиш истаги мавжудлигидадир. Шунинг учун бу босқичда деярли барча сўзлар меъёрий жиҳатдан белгиланган бўлиши ва юқорида қайд этилган тамойиллар амалда ўз исботини топиши керак бўлган. Баъзи лексикографлар луғатларни яратишда лексема ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қилишади. Шунингдек, мазкур жараёнда сўзларнинг лексик-семантик таърифига нисбатан морфологик тузилишига, яъни грамматик структурасига кўпроқ аҳамият беришган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим луғатларда контекстуал (вазиятга нисбатан қўлланадиган) лексемалар адабиётларнинг иқтибослари орқали изоҳланиб, уларнинг этимологияси келтирилган, холос. Бу каби луғатларга қуйидагилар киради: “*Dictionary of English Language*” Сэмюэля Джонсон, “*An American Dictionary of English Language*” Ноя Уэбстер ва б.

Инглиз тили лексикографиясининг ривожланишидаги замонавий даврни тилшунослиқда “илмий ёхуд тарихий” давр деб аташ мумкин, улар қуйидаги тушунчалар асосида шаклланган[3]:



- 1) луғатлар тузишнинг ўзига хос тамойиллари асосида;
- 2) тизимли тавсифий ёндашув бўйича луғатлар тузишнинг меъёрий мезонлари асосида;
- 3) луғатни айнан бир тизим сифатида таснифлаш ва тавсифлаш

Илмий асосда тузилган биринчи луғат “Тезаурус Роже” бўлган. “Roget Thesaurus”, асл келиб чиқиши инглизча сўзлар ва ибораларнинг тезаурус тарихдаги биринчи луғатлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб мазкур луғат анча оммалашди. Луғат 1805 йилда инглиз лексикографи Питер Марк Роджер томонидан тузилган ва 1852 йилда нашр қилинган[4].

Инглиз тили лексикографиясининг жавоҳири деб ҳисобланадиган ҳамда кенг ва фаол қўлланадиган сўзлар, тушунчаларни қамраб олган. Бундан ташқари, эътиборга молик луғат “The Oxford English Dictionary” ҳисобланади.

Ўзбек тили лексикографиясининг шаклланишида эса Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотиг турк” асари алоҳида аҳамиятга эга. “Девону Луғотиг Турк” асари ўз даврида туркий халқларнинг сўз бойлигини, луғатини изоҳлашга, сўзларнинг ўзига хос, нозик маъноларини очиқ беришга, турли миллат тиллари ўртасидаги ўзига хос фонетик ва морфологик тафовутларни кўрсатиб беришга мўлжалланган ноёб асардир. С.Муталлибов ҳақли равишда эътироф этганидек, бу луғат фақат изоҳли луғатгина бўлиб қолмай, XI аср тилининг фонетик ва грамматик “бойлиги” ҳамдир, деган сўзлари ҳақиқатга анча яқиндир[5].

Луғатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ундаги сўзлар икки йўналишда, яъни исм ва феълларга тақсимланган ҳолда изоҳланган. Дастлаб исмлар (антропонимлар), сўнгра феъллар берилган. Исмларда ҳам, феълларда ҳам олдин ҳамса ҳарфлари билан бошлаган сўзлар, кейин махсус алифбо тартибида ҳарфлар билан бошланган лексемалар ўз изоҳларини топган. “Девону Луғотиг Турк” асарида оз ҳарfli сўзлар олдин, кўп ҳарfli сўзлар эса кейин берилган. Луғат муаллифи энг кам ҳарfli исм икки, энг кўп ҳарfli исм етти ҳарfli деб кўрсатади. Шунингдек, А. Навоийнинг “*Бадое ул-луғат*” икки тилли луғатлар турига мансуб. Бу даврда икки тилли луғатлар тузиш бўйича ўзига хос тажрибага эришилган. Арабча-форсча, форсча-туркча, туркча-арабча луғатлар тузилган бўлиб, Толи Имони Ҳиравий луғат яратишда салмоқли ҳисса қўшган. Асарда жами 854 сўз ўрин олган. Ушбу луғат мақолаларининг тузилиш схемаси куйидагиларни ташкил этади[6].

1. Луғат мақоланинг бош сўзи – у феъл, от, сифат, сон, олош, равиш, сифатдош, ундовлар, юклама ва қўшимчалар бўлиши мумкин.
2. Сўзнинг ёзилиши ва ўқилишига оид фонетик қайдлар.
3. Сўзнинг форсча таржимаси ёки кенгайтирилган изоҳи, яъни сўзнинг этимологияси, қўлланилишига оид маълумотлар келтирилади.
4. Сўзнинг шакли бўйича грамматик (морфологик) қайдлар.
5. Бош сўз ва ундан ясалган сўз шакллариининг ҳар бири маъносини изоҳлаш учун шеърий парчалар берилган.

Бугунги кунда ҳам бундай луғатлар жамиятимизда муҳим аҳамиятга эга. Улар турли тилларда гапиладиган фуқаролар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга ва турли соҳаларга оид ишларни салмоқли даражада бажаришга кўмаклашади.

Ҳозирги ўзбек тилининг банк-молия терминологиясини тадқиқ қилиш, илмий жиҳатдан таснифлаш, уни инглиз ва ўзбек тиллари кесимида чоғиштириш зарурати



мавжуд. «Банк-молия тизими муносабатларининг ривожланишида соҳалараро банк иши, молия, солиқ ҳуқуқи, савдо-соғиқ, маркетинг, ташқи иқтисодий фаолият сингари йўналишларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, банк-молия соҳаси терминологик майдонини таркибий қисмларга ажратилиши туфайли махсус лексикаларга оид терминларнинг луғатларини яратиш»[7], банк-молия терминларининг полиграфик ва электрон форматдаги билингвал луғатларини яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Банк-молия терминларининг қиёсий тадқиқи кўпроқ амалий аҳамиятга эга. Айни пайтда илмий асосланган, сифатли, мазмунан тушунарли, давр талабига жавоб бера оладиган монолингвал, билингвал ва ҳатто трилингвал (инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча, инглизча-русча-ўзбекча) терминологик луғатларни яратиш ва такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг шубҳасиз аксарият терминларнинг имкон қадар ўзбек тилидаги муқобилларини қўллаш устуворлик қилмоқда. Ўзлашма терминларнинг маълум гуруҳи ўзбек тили қонунларига бўйсунган ҳолда унинг фонетик ва грамматик хусусиятларига мослашмоқда. Ҳолбуки, банк – молия соҳасига оид луғатларда, соҳага оид расмий ҳужжатларда ва адабиётларда ўзлашма қатлам терминологик бирликлари кўп учрайди.

Сўз ўзлаштиришнинг ўзига хос шакли бу калькаланиш бўлиб, у тилнинг луғат таркибини такомиллашувида кенгайиб, бойиб боришида анча фаол эканлиги аниқланди. Энг йирик луғатлардан олинган мисоллар натижасига кўра, инглизча – ўзбекча, молия-банк терминологиясида асосан икки, яъни семантик ва структур калька турлари етакчилик қилади. Ваҳоланки, соҳага оид луғатларда бошқа хорижий тиллардан ўзлашган, уларнинг айримлари айни пайтда таржимасиз, яъни асл ҳолича қўлланилаётган терминлар мавжуддир. Бу терминлар бутунги кунда соҳа мутахассислари ва тил соҳиблари томонидан таржимасиз қўлланилмоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида қуйидаги мисолларни келтирамиз. Масалан: *import* (*импорт*), *inflation* (*инфляция*), *subvention* (*субвенция*), *restrict* (*рестрикция*), *dotation* (*дотация*) *ultimo* (*ульtimo*), *deflation* (*дефляция*).

Бундай байналмилал терминлар банк-молия терминологиясида салмоқли ўринни ташки этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, байналмилал терминларни тилимизга ўзлаштириш жараёни ўз фаоллигини сақлаб қолмоқда. Бу жараён эса банк-молия соҳалари иқтисодиёт соҳасининг таркибий соҳалари эканлиги билан изоҳланади. Иқтисодиёт соҳаси эса бевосита жаҳон иқтисодиёти билан уйғунликда, муттасил ривожланиб бормоқда[8].

Айни вақтда ўзбек тилидаги банк-молия терминологик бирликларининг муайян қисми миллий тил қонунларига бўйсунган ҳолда сўз ясовчи аффикслар орқали алмаштирилиб, русча-байналмилал терминлар юзага келган. Аслида, сўзларни калькаланиш жараёнида сўз ясовчи суффикслар билан ўзлаштириш сезиларли даражада сермахсулдир. Соҳага оид қуйидаги терминларни мисол тариқасида келтириш мумкин: **Banker** - банкир, **creditor**- кредитор, **debitor**- дебитор, **depositor** – депозитер (оманатчи), **cashier** - кассир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз халқаро бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнида ривожланган хорижий давлатлар билан молия-банк соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқалар кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Натижада ўзбек



тилида минглаб янги термин ва тушунчалар пайдо бўлмоқда. Уларни аташ учун эса ўзак-негиздан, ўзак-негизни сўз ясовчи аффиклар билан ўзаро бирикувидан композицион (синтактик) усулда ҳосил бўлган бир қатор терминлар вужудга келди.

Сўнги йилларда инглиз тили лексикографиясида тил ҳодисаларини лингвокултурологик тамойиллар ва омиллар билан боғлиқ ҳолда акс эттириш тенденцияси кузатишмоқда. Тилнинг шаклланишида, унинг такомиллашиб, бойиб боришида маданиятнинг ўзига хос ижобий таъсири мавжуд. **“Longman English Dictionary of Language and Culture, Macmillan Dictionary”** сингари луғатларни нашрдан чиқиши лингвокултурологиянинг сермахсул натижаларидан бири десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 607с.; Akhmanova O., Agarova G. Terminology. Theory and Method. – М., 1974. – 206 р.;
2. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол.фан.д-ри. ... дисс. –Т., 2016.;
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Т.: Фан. 1983.
4. Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Добросвет, 2003. – 544 с.;
5. Виноградов В.В. Основные этапы истории русского языка //Избранные труды. История русского литературного языка. – М., 1978. – С. 10-64;
6. Винокур Г.О. История русского литературного языка. – М.: Либроком, 2010.– 192 с;
7. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Номз.диссер... автореф. – Тошкент, 2009.;
8. Реформатский А.А. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968. – 138с.,
9. Сербиновская Н.В. Подход к созданию словаря маркетинговых терминов// Материалы V Междунар. науч.-практ. конф. г. Новочеркасск, 31 марта 2006 г.–Ч.2.– С. 67–70
10. Macmillan Dictionary For Advanced Learners 2017



БАДИИЙ ФАНТАСТИКА КОНЦЕПЦИЯСИ КОНТЕКСТИДА АТАМАЛАР МУАММОЛАРИ

Обиджонова Маъсума Қосимжон қизи

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети PhD докторанти

Тел.:+998999213529; Email: obidjonovamasuma001@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф компаративистика учун аҳамиятли бўлган масала, жумладан инглиз тилидаги бадий фантастик асарлар ва ўзбек фантастикасини қиёслашда дуч келинадиган атамаларни қўллашдаги муаммоларни ўрганиб чиққан. Тизимли таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда муаллиф муаммонинг туб сабаблари, шунингдек масалага ечим бўлиши мумкин бўлган назарий асосларни кўриб чиқади. Мақолада келтирилган фикрларнинг аҳамияти шундан иборатки, унда таклиф этилаётган хулосалар жаҳон ва ўзбек фантастикашунослигида ягона андозалар қўллаш ва шу орқали компаративистик тадқиқотларни осонлаштириш имконини беради.

Калит сўзлар: адабиётшунослик, фантастика, фэнтези, илмий-фантастика, тўқима, хаёлот, таржима, қиёсий тадқиқотлар

ПРОБЛЕМЫ ТЕРМИНОЛОГИИ В КОНТЕКСТЕ КОНЦЕПЦИИ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ФАНТАСТИКИ

Обиджонова Маъсума Қосимжон қизи

Докторант (PhD), Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

Тел.:+998999213529; Email: obidjonovamasuma001@gmail.com

Аннотация. В этой статье автор исследует важный вопрос для сравнительных исследований, в том числе проблемы использования терминов, встречающиеся при сравнении художественных произведений фантастики на английском и узбекском языках. Используя методы системного анализа, автор рассматривает первопричины проблемы, а также теоретические основы, на которых проблема может быть решена. Значимость изложенных в статье взглядов заключается в том, что предлагаемые в ней выводы позволяют применять единые стандарты в мировом и узбекском фантастиковедении, тем самым облегчая проведение сравнительных исследований.

Ключевые слова: литературоведение, фантастика, научная фантастика, фэнтези, перевод, вымысел, воображение, сравнительные исследования

PROBLEMS OF TERMINOLOGY WITHIN THE CONTEXT OF LITERARY "FANTASTIKA" (SPECULATIVE FICTION)

Ma'suma Qosimjon kizi Obidjonova

PhD researcher, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature

Тел.:+998999213529; Email: obidjonovamasuma001@gmail.com

Annotation. In this article, the author explores an important issue for comparative research, including the problems of using terms encountered when comparing works of speculative fiction in English and Uzbek languages. Using the methods of system analysis, the author considers the root causes of the problem, as well as the theoretical foundations on which the problem can be solved. The significance



of the views set forth in the article lies in the fact that the conclusions proposed in it make it possible to apply uniform standards in the world and Uzbek speculative fiction studies, thereby facilitating the conduct of comparative studies.

Key words: *literary studies, speculative fiction, science fiction, fantasy, fiction, imagination, translation, comparative studies*

Фантастикани илмий англашга уриниш нафақат адабиётшунослик, балки фалсафа, маданиятшунослик, лингвистика, футурология, эстетика каби бошқа фан соҳаларига ҳам хосдир [1]. Шунга қарамасдан, фантастикани ўрганишда устувор ўрин филологик фанлар, хусусан, адабиётшуносликка тегишлидир. Бунинг асосий сабабларидан бири узоқ муддат давомида айнан адабиёт фантастиканинг асосий намоён бўлиш соҳаси бўлиб келди. Бу жиҳатдан филологик тадқиқотларнинг етакчилиги табиий туюлади, чунки фантастик асарларнинг жанр хусусиятларини аниқлаш, бадиий фантастиканинг ривожланиш йўллари кўриб чиқиш, алоҳида муаллифларнинг асарларини таҳлил қилиш, фантастик матнларнинг структур-семантик ўзига хосликларини ўрганиш айнан филологик фанлар, шу жумладан адабиётшуносликнинг вазифасига киради.

Фантастиканинг турли аспектларини турфа хил фанлар ва илмий ёндашувлар орқали тадқиқ қилишга уринишлар жуда кўплиги ва бу борада етарлича илмий адабиёт базаси яратилган бўлса-да, фантастикани ўрганишга қаратилган деярли барча илмий ишлар “фантастика нима?” деган саволга яқдил жавоб йўқлигини қайд этишдан бошланади. Замонавий адабиётшуносликда ҳам бадиий фантастика нима, унинг классификацияси, типологияси қандай, жанр хусусиятлари нимадан иборат деган саволга умумий яқдил қараш мавжуд эмас.

Бу борадаги фикрлар хилма-хиллигига сабаб бўлувчи асосий омил фантастиканинг ўз номи билан хаёлот устига қурилишидан келиб чиқиши ва ўз навбатида ҳар қандай бадиий асар ўз моҳиятига кўра муаллиф тасаввури, хаёлотидан келиб чиқувчи бадиий тўқимадан иборат эканлиги дея ҳисоблашимиз мумкин. Айнан мана шу омил фантастика жанридаги асарларнинг бошқа турдаги бадиий адабиёт намуналаридан фарқлаб олишни қийинлаштиради. Масалан, инглиз тилида бадиий адабиёт тушунчасини англаш учун “fiction” сўзи қўлланади, унинг луғавий маъноси эса “ўйлаб топилган”, “тўқима” маъноларини бериши ҳам тасодиф эмас. Унга қарама-қарши маънода эса “non-fiction” тушунчаси (документал, фактологик адабиёт) қўлланади.

Изланишлар шуни кўрсатадики, компаративист адабиётшунос учун фантастикага доир илмий тадқиқот олиб боришда, айниқса, гап ўзбек ва америка фантастлари ижодини қиёслаш ҳақида кетганида, асосий назарий муаммолар энг аввало, фантастика атамасининг қўлланишида бир хил андоза (стандарт)нинг йўқлигидан бошланади.

Бунинг сабаби эса бир таржима хатосидан бошланганини таъкидлаш лозим. Фантастика тушунчасини назарий асослаб беришда беқиёс ҳисса қўшган Ц.Тодоровнинг 1970 йилда француз тилида ёзилган “Introduction à la littérature fantastique” [2] (ўзб. “Фантастик адабиётга кириш”) асари сарлавҳасининг Ричард Говард томонидан 1973 йилда “The Fantastic: A Structural Approach to a Literary Genre” [3] (ўзб. “Фантастик: Адабий жанрга структурал ёндашув”) сифатида таржима қилиниши оқибатида инглиз тилидаги адабиётшуносликка “the fantastic” атамаси кириб келади. Ц.Тодоров қўллаган француз тилидаги “fantastique” [4] атамаси эса рус тилидаги “фантастика” сўзига мос келади ва адабий феноменни ифодалаш учун ишлатиб келинган. Ўзбек



адабиётшунослига ҳам ушбу атама рус тилидан кириб келган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, инглиз тилидаги “fantastic” сўзи семантик жиҳатдан рус ва ўзбек тилларидаги “фантастика” атамасидан анча узоқ туради.

Инглиз тилининг изоҳли луғатлари Macmillan [5] ва Longman [6] «fantastic» сўзини “жуда яхши/ёқимли”, “ғалати”, “ғайритабиий”, “хаёлий” каби маънолар берган ҳолда изоҳлайди, бироқ, бу сўзнинг адабиётга боғлиқлигига келганда фақат (тегишли равишда учинчи ва бешинчи маънолар сифатида ҳамда фақатгина от сўз туркуми олдидан келиши мумкин бўлган тўлдирувчи ўрнида) “fantasy” (“фэнтези”)ни кўрсатиб ўтади.

Бундан фарқли равишда ўзбек тилида “фантастика” энг биринчи навбатда ижодий хаёлот, бадиий тўқима ёки ғайритабиий ҳодиса тасвирига асосланган адабий асарлар билан боғлиқ ҳолда ишлатилади. Хусусан, Ўзбек тилининг изоҳли луғати “фантастик” сўзига изоҳ берар экан, “фантастикага оид, борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар нотабиий равишда, муболага билан тасвирланадиган” деб кўрсатиб ўтади ва “фантастик роман”, “фантастик ҳикоя” каби бирикмаларни мисол қилиб келтиради. “Фантастика” сўзига эса изоҳли луғатда 1) хаёлда, тасаввурда туғилган, ғаройиб, ғайритабиий ҳодиса, образ ва шу кабилар ҳамда уларнинг хаёлий тасвири (халқ эртаклари фантастикаси); 2) шундай образлар тасвирланган бадиий ижод тури, жанр (адабиёт, кино, тасвирий санъат) дея таъриф берилган [7].

Ўзбек адабиётшунослигида муқим ўрин эгаллаб бўлган фантастика тушунчасининг инглиз тилидаги эквивалентини топишда 1947 йилда машҳур америкалик фантаст Роберт Ханлайн томонидан биринчи марта қўлланган “speculative fiction” [8] атамасини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Роберт Ханлайн бу бирикмани ўзининг ва бошқа баъзи ёзувчилар асарларини “science fiction” (бу атама ўзбек адабиётшунослигида рус тилидаги “научная фантастика” сўз бирикмасининг таржимаси ўлароқ “илмий фантастика” тарзида қабул қилинган) атамасидан фарқлаш учун ишлатган. “Speculative fiction” атамасини ўзбек тилига шартли равишда сўзма-сўз “тафаккур адабиёти” деб таржима қилиш мумкин. Рус тилидаги манбаларда унинг “литературная фантастика”, “умозрительная фантастика” [9], “спекулятивная литература”, “спекулятивная фантастика” [10], тарзида қилинган таржималарини кузатиш мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, кейинги даврда ғарб адабиётшунослари “speculative fiction” атамасини science fiction (илмий фантастика), fantasy (фэнтези), utopia (утопия), dystopia (анти-утопия), horror (хоррор) [11], supernatural fiction (ғайритабиий адабиёт), apocalyptic fiction (апокалиптик адабиёт), post-apocalyptic fiction (пост-апокалиптик адабиёт), alternate history fiction (муқобил тарих адабиёти), superhero fiction (суперқаҳрамонлар адабиёти) каби жанрлар устида турувчи “соябон” атама ёки “супержанр” [12] сифатида ишлатмоқдалар.

Атамалардаги муаммоларга бошқача бир ёндашув таклиф қилган америкалик фантаст, “Илмий фантастика энциклопедияси” ҳаммуаллифи Жон Клют ўзининг 2011 йилда нашр этилган “Босқин учун кечиринг: Фантастика дунё бўронида” (“Pardon This Intrusion: Fantastika in the World Storm”) асарида илмий фантастика, фэнтези ва уларга тегишли тагжанрларни ўз ичига оладиган кенг бадиий адабиётни таърифлаш учун бир неча славян (поляк, болгар, чех, рус) тилларида ишлатиладиган “fantastika” атамасини қўллашни таклиф қилади [13]. Бироқ, Клютнинг асари нисбатан яқин вақт ичида чоп этилгани туфайли ҳали бу таклиф ғарб адабиётшунослигидан “speculative fiction” атамасини сиқиб чиқара олганича йўқ.



Шундай қилиб, бугунги кунда инглиз тилидаги адабиётшуносликда биз фантастика деб атайдиган адабиёт жанрларини ифодалаш учун олимлар томонидан бир неча атамалар ишлатиб келинади. Бироқ, айнан мана шу атамаларнинг қўплиги ва турфа хиллиги инглиз тилида бизнинг тушунчамиздаги фантастик адабиётни англатадиган умумий, универсал атама йўқ эканлиги ҳақида хулоса қилишимизга имкон беради. Бироқ, ушбу тадқиқот ишимиз давомида биз тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, инглиз тилида қўлланадиган “speculative fiction” атамаси бизнинг адабиётшуносликдаги фантастика тушунчасига эквивалент келади деб ҳисоблаймиз. Ўз ўрнида Жон Клютнинг юқорида келтирилган таклифига қўшилган ҳолда ғарб адабиётшунослигида кейинчалик “fantastika” атамасининг “speculative fiction” атамасининг ўрнини эгаллаши қўплаб чалкашликларни бартараф қилишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ройфе, Августа Борисовна, Фантастическое как категория культуры XX в. Дисс. по ВАК РФ 24.00.01, кандидат философских наук, Теория и история культуры, Санкт-Петербург, 2002 г. 150 с.; Тимошенко, Татьяна Викторовна, Научная фантастика как социокультурный феномен, дисс. по ВАК РФ 09.00.13, кандидат философских наук, Ростов-на-Дону, 2003 г., 143 с.; Трушниковна Екатерина Леонидовна. Место и роль фантастического в историко-культурном контексте : От архаического мифотворчества до постмодернизма : диссертация ... кандидата культурологии : 24.00.01.- Челябинск, 2006.- 179 с.: ил. РГБ ОД, 61 06-24/93; Белоусова, Елена Александровна, Оказиональное слово в произведениях современной научной фантастики, дисс. по ВАК РФ 10.02.01, кандидат филологических наук, Майкоп, 2002 г. 178 с.
2. Introduction à la littérature fantastique, Paris, Le Seuil, 1970. 194 p.
3. Reeder, Roberta; Todorov, Tzvetan; Howard, Richard (1976). "The Fantastic: A Structural Approach to a Literary Genre". The Slavic and East European Journal. 20 (2): 186. doi:10.2307/305826. ISSN 0037-6752. JSTOR 305826.
4. Карпова, Анна Вадимовна, Формы презентации фантастического во французском романе XX века (на примере романов Ж.Грака и Р.Баржавеля), автореф. дисс.канд.фил.наук, Москва, 2020 г.
5. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners / edited by M. Rundell. – London, UK: Macmillan Education, 2006. – p. 503
6. Longman Active Study Dictionary / edited by Adam Gadsby. – Essex: Pearson Education Limited, 2000. – New Edition. – p.236
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2006-2008 йй., 325-б.
8. Robert A. Heinlein, On the Writing of Speculative Fiction in Of Worlds Beyond: The Science of Science-Fiction Writing ed. by L. A. Eshbach, Fantasy Press, 1947, pp. 9-17.
9. Левин А. Е. Англо-американская фантастика как социокультурный феномен/ А. Е. Левин // Вопросы философии. – 1976. – № 3. – С.154.
10. Биро, Ф. Что такое научная фантастика? / Ф. Биро, Ж.-К. Риб // Досье вземных цивилизаций. – М. : Крон-Пресс, 1998. – 269 с. – (Таинственный мир). – ISBN 5-232-00740-8.
11. Attebery V. Decoding Gender in Science Fiction / V. Attebery. – New York: Routledge. – 2002. – 210p.



12. <https://oxfordre.com/literature/view/10.1093/acrefore/9780190201098.001.0001/acrefore-9780190201098-e-78#notes> (ҳавола санаси 16.08.2021)

13. John Clute, "Pardon This Intrusion: Fantastika in the World Storm", Harold Wood: Beccon Publications, 2011, ISBN: 978-1-870824-60-6, Pp. 19-31

ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИК ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Жамолiddинова Дилноза Мирҳожиддиновна

Қўқон давлат педагогика институти

Бошланғич таълим кафедраси доценти, филология фанлари доктори(DSc)

Тел:90556-55-81 e-mail: zhamoliddinivad@mail.ru

Аннотация. Мақолада терминларнинг бадиий матн доирасида ёзувчи маҳорати билан боғлиқ ҳолда лингвокултурама вазифасини бажариши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Термин лингвокултурама вазифасини бажариб, миллатга хос бўлган миллий маданият ва ўзига хосликни акс эттира олиши исботланган.

Калит сўзлар. Термин, лингвомаданий бирлик, лингвокултурама, миллий маданият, бадиий-эстетик маъно, тил бирликлари

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ОТНОСИТЕЛЬНО УСЛОВИЙ, ВЫПОЛНЯЮЩИХ ФУНКЦИЮ ЯЗЫКОВОГО ЕДИНСТВА

Джамолiddинова Дилноза Мирҳоджиддиновна

Кокандский государственный педагогический институт

Доцент кафедры начального образования, доктор филологических наук

Тел: 90556-55-81 e-mail: zhamoliddinivad@mail.ru

Аннотация. В статье на примерах анализируется употребление терминов в контексте художественного текста в зависимости от умения писателя в роли лингвокультура. Доказано, что этот термин может служить лингвокультурой и отражать национальную культуру и самобытность, присущую нации.

Ключевые слова: терминология, лингвокультурное единство, лингвокультура, национальная культура, художественно-эстетическое значение, языковые единицы.

SOME CONSIDERATIONS REGARDING CONDITIONS FULFILLING THE FUNCTION OF LANGUAGE UNITY

Jamoliddinova Dilnoza Mirkhodziddinovna

Kokand State Pedagogical Institute

Associate Professor of the Department of Primary Education, Doctor of Philology

Tel: 90556-55-81 e-mail: zhamoliddinivad@mail.ru

Annotation. Using examples, the article analyzes the use of terms in the context of a literary text, depending on the skill of the writer in the role of linguistic culture. It has been proven that this term can serve as a linguistic culture and reflect the national culture and identity inherent in the nation.

Key words: terminology, linguocultural unity, linguoculture, national culture, artistic and aesthetic value, linguistic units.



Тил қонуниятги ҳар бир тил бирлигига маълум бир вазифани юклайди, уларни маълум маъно доирасида ҳаракат қилдиради, маълум бирликлар билан боғланиш имкониятини беради. Ҳар бир маҳоратли ёзувчи ана шу қонуниятлардан фойдаланиб, терминларга ҳам лингвокультурологик вазифа юклай олади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиб, уларга юкланган хилма-хил бадиий-эстетик маъноларни тўғри қўллаш асосида эришади. Натижада термин лингвокультурема вазифасини бажариб, миллатга хос бўлган миллий маданият ва ўзига хосликни акс эттиради. Масалан:

Қизи бор одам юз қилмаса, “дипломатия” қонун-қоидалари бузилади. (Т.Малик. “Шайтанат”).

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да дипломатия терминига қуйидагича изоҳ берилган: “фран. “diplomate” – икки букланган варақ, ҳужжат.[1] Чет мамлакатлар билан расмий алоқа қилиш ёки музокаралар олиб бориш учун махсус тайёргарлик кўрган ва шундай ишлар учун ўз ҳукумати томонидан вакил қилиб тайин этилган лавозимли кишилар ишлайдиган соҳа ва “бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала”.[2]

Берилган мисолда совчилик қоидалари дипломатия қонун-қоидаларига нисбатланган. Ўзбек халқининг кўп асрлик миллий анъаналарига кўра совчилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлардан бири ҳисобланади. Расмий дипломатик муносабатлар муайян қонун-қоидаларга бўйсунди. Яъни дипломатияда икки мамлакат муаммоларини ҳал этиш учун йиғилган дипломатларнинг саломлашишидан тортиб, хайрлашувига қадар, муаммолари, қулимсирашларидан тортиб қош чимиришларигача бўлган ҳаракатлари аниқ ишлаб чиқилади. Худди шундай, совчилик маросими ҳам узоқ йиллардан бери бир қолишга тушган аниқ қоидалар асосида амалга оширилади. Совчиликка бораётган аёллар ҳам дипломатларга ўхшаб нима дейишни, қандай муомала қилишни одиндан режалаштириб қўйишади. Бу қонун-қоидалар худди дипломатия қонун-қоидалари сингари ҳеч ҳам ўзгармайди, қизи бор томон кишилари маълум шароитларда нималарнидир ўйлаб ён беради, вазият тақозоси билан қуда тараф томонидан қўйиладиган талабларга кўнади. Шундан келиб чиққан ҳолда ёзувчи асарда совчиликка борган аёлларнинг бир-бирига бўлган муносабатини кўрсатиш учун дипломатия терминидан фойдаланган. Бундай қўлланишда ушбу термин лингвомаданий бирлик вазифасини бажариб, миллий маданиятнинг энг нозик жиҳатларини намоён қилишга йўналтирилган.

Ёки: Жувонлар бир оз хижолат чеккач, бир оз ноз қилган бўлиб, қоғоз халтани олишди. Бу ҳам дипломатиянинг бир қоидаси – розилик аломатига ишора (Т.Малик. “Шайтанат”). Ўзбек урф-одатларига кўра, қудалар ўртасидаги муносабатларда келин томон вакиллари: ота-онаси ва яқинлари куёв тараф вакиллари олдида кўп ҳолларда тавозеда туради. Айрим келишмовчиликлар келиб чиққанда ҳам имкон қадар ён беришга ҳаракат қиладилар, қудалар ўртасидаги муносабатларни ўта эҳтиёткорлик билан ҳал қилишга интиладилар. Ёзувчи юқоридаги мисолда бунини дипломатик хатти-ҳаракатларга тўғри қиёслаб олган ва терминни лингвокультурологик бирлик даражасига кўтара билган. Агар бу ўринда ижодкор совчилик билан боғлиқ ўзбекона таомилларни ич-ичидан билмаганда эди, дипломатия терминидан фойдалана олмаган бўларди.

Тоҳир Малик асарларида терминларни муайян коммуникатив-лингвокультурологик мақсад билан қўллаш кўп кузатилади. Шу маънода дипломатия соҳасига доир элчи



термини ҳам кўрсатиш мумкин: Бироқ, янги йил киришига ярим соат қолганида Асадбекдан элчи келиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди. (Т.Малик. “Шайтанат”) Асадбек Козловдан элчи келиб, Томскка отланганида Хонгирейга тааллуқли бирон гап чиқишини кутган эди. (Т.Малик. “Шайтанат”)

Худди шундай элчилик терминини ҳам бадиий матн таркибида лингвомаданий бирлик сифатида қўлланилиши мумкин. Масалан: Болалар ҳам табаррук деб ясангириб қўйишгани билан боягидан анча сипо тортиб қолишган, ҳеч бир-бирларидан ажралмай ичкари билан элчилик қилиб туришарди. (М. Мансуров. “Жудолик диёри”) Салима бегимнинг элчилиги ота-бола урушини фақат бир йилгина орқага сурганини, орадаги ихтилофнинг иддизлари жуда чуқур эканини, Акбар Оллоҳобод исёнини бартараф қилмай туролмаслигини энди онаси ва хотинлари ҳам тушуниб қолишган эди. (П.Қодиров. “Хумоюн ва Акбар”)

Юқорида мисоллар орқали кўрсатиб ўтилган элчи ва элчилик терминларининг лингвокультурологик хусусиятларини мазкур терминларга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган изоҳларидан келиб чиқиб, тавсиф қиламиз:

ЭЛЧИ 1 дип. Бир суверен давлатнинг бошқа бир суверен давлатдаги дипломатик вакиллариининг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. 2 тар. Шоҳ томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши. 3 кўчма Дарак берувчи нарса, белги. 4 кам қўлл. Совчи. 5 ҳарб. Урушаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориш учун юборган вакили.

ЭЛЧИЛИК Элчи иши, вазифа-лавозими.

Келтирилган дастлабки икки мисолда элчи терминининг бешинчи маъноси, кейинги икки мисолда элчи терминининг “икки томонни яраштириш, муроасага келтириш” каби маъносини назарда тутилган ҳолда қўлланилган. Умуман олганда, ўзбек лингвомаданиятида элчи ва элчилик терминлари низолашиб, аразлашиб қолган кишиларни яраштириш, инсофга чақириш билан боғлиқ жараёнларда ишлатилиб келинади, ушбу терминлар шундай мазмун ифодаси сифатида ўзбек лингвомаданиятидан ўрин олган.

Қуйидаги мисолда эса Т.Малик қаҳрамон нутқида без медицина терминини қўллаш асносида ўзбекона яшаш тарзи, оиладаги овсинларнинг бир-бирига бўлган муносабати каби миллий-маданий жиҳатларга китобхон эътиборини қаратган. Натижада ижодкор ўзи кўзлаган ғоявий мақсадга терминлардан фойдаланиш орқали эришган: Илойим тикилиб ўлгин-а. Худди эгасига ўхшаган без-а, тавба қилдим. (Т.Малик. “Иблис девори”)

Ушбу жумлада без анатомик термини хўрозга нисбатан қўлланган. Яъни термин асар қаҳрамони Ободхон томонидан овсини Робиянинг хўрозига нисбатан ишлатилган. Ҳовлидаги гул, райҳонлар орасида юрган Робиянинг хўрозига захрини сочган Ободхон хўрозни без термини билан қарғаш ортидан овсини ва унинг болаларига маломат қилади. Без терминининг халқ орасида тарқалган ушбу кўчма маъносида лингвокультурологик моҳият мавжуд. Ана шу моҳият ёзувчининг бадиий ниятига хизмат қилган.

Ёки: Ўзи ақлини ишлатса бўлмайдими? Агар одамда инсоф билан ақл бўлмаса шунақа без бўлиб яшаб юраверади. Унга гапиргину қочгин. (Т.Малик. “Иблис девори”) жумласида ҳам шундай.



Без анатомик термини қуйидаги парчада шахсга нисбатан қўлланган: Биров “душманлар олдида паст кетмади, йиғламагани яхши бўлди”, деса, бошқалар “бунча без экан бу хотин? Ҳеч бўлмаса кипригини тупути билан хўлласа-чи, энди эрини яна кўрадимми йўқми?” дейишган эди. (Т.Малик. “Мурдалар гапирмайдилар”). Ушбу контекстда терминга хос анатомик хусусият шахснинг шундай хусусиятига нисбатланган. Маълумки, без жисмоний аъзо сифатида ташқи таъсирларга берилмайди, ўзгармайди, унинг шу жиҳатини яхши билган тил соҳиблари ўз нутқларида без сўздан шундай мазмун ифодаси сифатида фойдаланадилар. Ўзбек лингвомаданиятида без сўзи, анатомия терминологиясидан ташқари ҳолатда, асосан ана шу миллий-ментал тасаввурларнинг лисоний ифодаси бўлиб истифода қилинади. Агар ўзбек тили соҳиблари без терминининг анатомик хусусиятларини яхши билмаганда, айна термин шундай анатомик хусусиятлари билан ўзбек лингвомаданиятида барқарорлашмаганда, тил соҳибларига маълум бўлмаганда, бадий услубда бу қадар фаол қўлланилмас эди.

Умуман олганда, ўзбек лингвомаданиятида без анатомик термини койиш, сўкиш маъносида гап таъсир қилмайдиган, безбет, сурбет кишиларга нисбатан ишлатиладиган терминдир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мазкур термин какофемистик моҳиятга ҳам эга бўлиб, кўпинча, сўкиш сўзи сифатида келади ҳамда дисфемистик характер касб этади. Масалан: – Вей, жа без бола экансан-ку! Кечаёқ билувдим. Тушпа-тузук одамнинг пивосини тортиб олдинг-е. (Т. Малик. “Алвидо... болалик”). Кўпинча бўлмоқ сўзи билан бирга ишлатилади: – Бу ўша, – деди Матлуба. – Энди нима қиламиз? Шундай кунда ҳам келиб, без бўлиб турибдимми? (Т. Малик. “Мурдалар гапирмайдилар”) – Мана, қанақа экан ёв деганлари! – деди хайрон қолиб Озод. – Мунча сурбет, мунча без бўлмаса? (И.Султон. “Озод”).

С большим искусством применяет Гейне в «Путешествие по Гарцу» как языково-стилистическое средство и неожиданные сатирические эпитеты, которые намекают на профессию или определяют внешность человека, о котором идет речь в данном определенном контексте.

Эпитет – это определение, прибавляемое к названию предмета, с целью подчеркнуть его характерное свойство, придать ему художественную изобразительность, поэтическую яркость. Вот так характеризует Гейне доктора Саула Ашера:

- Der Vernunft ist das höchste Prinzip!

- Vernunft. Wenn ich jetzt dieses Wort höre, so sehe ich noch immer dem Doktor Saul Ascher mit seinen abstrakten Beinen» [Г.Гейне, 1957; 23].

В целом примере сатирическими эпитетами являются «abstrakt – абстракт».

Эти сатирические эпитеты употребляет Гейне по отношению к стороннику Котенко философии, «доктору разума» Саулу Ашеру.

Саул Ашер всегда стремился по всему позитивному, и теперь ему ничего не осталось, «как ждать холодной позитивной могилы».

Теперь с такими эпитетами как «Herr Wirf mit seinem langen, überflüssigen Gesicht, ein abgetragener Mann» [Г.Гейне, 1957; 26] сатирически высмеивает внешность болтунов, которые надоели ему своими вопросами во время обеда в Госларской гостинице. Он характеризует с таким эпитетом бюргера из Гослара: «in ein glänzend wampiges, dummkluges Gesicht» [Г.Гейне, 1957; 249].

Гейне, говоря о монастырской школе, дает ей такой эпитет: «... in einer dumfkatholischen Klosterschule» [Г.Гейне, 1957; 232].

Большое место в «Путешествие по Гарцу» занимают сатирические сравнения – Vergleich. Сравнение связывает между собой два слова из совершенно различных областей понятий и путем их сопоставления вызывает определенное образное восприятие [Г.Гейне, 1957; 24].



Но у Гейне они приобретают особый смысл: «Die Zahl der Göttinger Philister muß sehr groß sein, wie Sand aber besser gesagt, wie Kot am Meer» [Г.Гейне, 1957; 222].

«Число гёттингенских филистеров возможно очень велико, точно песок или вернее сказать грязь на берегу моря».

В данном примере совершенно различные понятия «Philister» и «Sand» или «Kot» ставятся в определенные отношения друг с другом и вызывают новое сатирическое представление, то есть представление о каких-то ничтожных существах. Сатирические сравнения в данном случае усиливаются путем, так называемого уточнения «исправления» «aber besser gesagt».

Дальше: «Frühlingsgrüne Petersiliensuppe, veilchenblauen Kohl, einen Kalbsbraten, groß wie der Chimborazo im Miniatur, ...» [Г.Гейне, 1957; 233].

Здесь ставятся в сравнение «der Kalbsbraten» и «der Chimborazo im Miniatur».

И тут же он (в «Кроне») описывает человека: «Er sah aus wie ein Affe, der eine rote Jacke angezogen hat» [Г.Гейне, 1957; 233].

Здесь ставится в сравнение «Der Mensch», «der Affe». Далее Гейне дает такое описание: «Das Gesicht nur ein Mund zwischen zwei Ohren, die Brust trostlos oder wie die Lüneburger Heide, die ganze ausgekochte Gestalt glich einem Freitisch für arme Theologen» [Г.Гейне, 1957; 226].

В этом примере ставятся в сравнение «Brust», «Heide», «Gestalt», «Freitisch».

Очень смешно он описывает человека из Брокена: «Der kleine Mann sprach kein Wort, und nur dann und wann, wenn die älteste Dame ihm etwas Fremdliches zuflüsterte, lächelte er wie ein Mops, der den Schnupfen hat» [Г.Гейне, 1957; 264].

Здесь сравнивается «Der kleine Mann» с «Mops».

В «Путешествие по Гарцу» большинство сравнений построены на основе преувеличения и гиперболы, потому что самых многих противных филистеров все таки не могут быть так много, как песком морского или грязи на берегу моря. А самая длинная жареная телятина не может быть в размере целого Чимборасо, высокой вершины в Южноамериканских Андах (около 6300 метров над уровнем моря) и человек похожим на обезьяну и ножа, страдающего насморком, а груди на степь, фигура на даровой обед.

Сравнения в «Путешествие по Гарцу» обладают огромной изобразительной ценностью. С их помощью Гейне смог достичь очень большой выразительности.

В «Путешествие по Гарцу» выступают также контрасты как языково-стилистические средства выражения юмора и сатиры.

Контраст – это резко выраженная противоположность предметов, действий или явлений. Контрасты могут быть лексическими и по содержанию. Гейне употребляет следующий лексический контраст, высмеивая филистеров: «... wahrlich, wenn ich sie des Morgens mit ihren schmutzigen Gesichtern und weißen Rechnungen von den Porten des akademischen Gerichts aufgepflanzt sah, ... » [Г.Гейне, 1957; 222].

В этом примере контрастируют слова «schmutzige Gesichter» и «weiße Rechnungen». При помощи этого контраста Гейне беспощадно раскрывает противное поведение, внутреннюю грязь филистеров. Приведем еще один такой пример: «Mit Mühe zeigte ich ihm, wie in Huguets Füßen mehr Politik sitzt als im Buchholz Kopf, ... » [Г.Гейне, 1957; 222].

Здесь ставятся в контраст слова «Huguets Füße», «Buchholz Kopf». С этим противопоставлением Гейне смеется над неподвижными учеными своего времени.



Одним из языково-стилистических средств выражения юмора и сатиры выступает также метонимия в «Путешествие по Гарцу». Например:

«Schwarze Röcke, seidene Strümpfe,
Weiße, höfliche Mauschetten,
Sanften Reden, Embarrassieren –
Ach, wenn sie nur Herzen hätten».

[Г.Гейне, 1957; 222].

«Фраки черные, чулочки
Белоснежные манжеты –
Только речи и объятия –
Жарким сердцем не согреты».

В этом примере метонимией являются слова «Röcke», «Strümpfe», «Mauschetten», «Reden», «Embarrassieren». Все эти слова обозначают представителей высшего общества, сердца которых не согреты любовью к простым людям.

Для описания молодого коммерсанта в произведении Гейне употребляет такую метонимию: «Dieses Verschaffte er mir in einem Zimmerchen, wo schon ein junger Kaufmann, ein langes Brechpulver in einem braunen Oberrock, sich etabliert hatte» [Г.Гейне, 1957; 26].

Здесь метонимично употреблено словосочетание «ein langes Brechpulver in einem braunen Oberrock» .

Одной из разновидностей метафоры выступает как средство выражения юмора и сатиры в «Путешествие по Гарцу» и персонификация – Personifikation. Персонификация – это перенос свойств живого существа на неживое, то есть одушевленного на неодушевленное.

Генрих Гейне, юмористически высмеивая одну компанию в Брокене, употребляет такую персонификация: «In diesem verworrenen Treiben, wo die Teller tanzen und Gläser fliegen lernten, ...» [Г.Гейне, 1957; 271].

В этом примере персонификацией выступают «Teller tanzen und Gläser fliegen lernten». Гейне широко пользуется персонификацией и не в сатирических целях. Описывая с большой любовью природу, он рисует его как живую, но он этим еще больше подчеркивает неприглядность и косность тогдашнего немецкого общества.

Также как языково-стилистические средства выражения юмора и сатиры в «Путешествие по Гарцу» выступают архаизмы и неологизмы.

Архаизмы – это устаревшее слово или оборот речи, вышедшее из употребления. Их Гейне употребляет в «Путешествие по Гарцу» для сатирических целей следующим образом: «Die Stadt Göttingen, ..., enthält 999 Feuerstelln, ...» [Г.Гейне, 1957; 271].

В мастерски переданных неуловимых переходах от восторга к отрицанию и, наоборот, от иронии к романтическому пафосу состоит неповторимое и неувыдаемое художественное своеобразие прозы «Путевых картин».

"Путешествие по Гарцу" в форме чудесного романтизма природы в первый раз обнаружило то блестящее остроумие, которое прекрасным звонким смехом прозвучало в гробовой тишине эпохи, объявило непримиримую войну всему отмирающему филистерству и оказало такое разрушительное действие потому, что оно было порождено серьезным и глубоким интересом к великим современным вопросам.

Первая прозаическая книга Генриха Гейне «Путешествие по Гарцу» стала сердцевиной его философских и социальных воззрений.



Язык произведения выразительный, образный, тщательно отшлифованный. Г. Гейне использует в своем произведении всевозможные языково-стилистические средства выражения для юмора и сатиры.

Все языково-стилистические средства выражения юмора и сатиры в произведении можно разбить на 2 большие группы:

1. Языково-стилистические средства, которые применяются преимущественно как средства выражения юмора и сатиры. Такими средствами являются:

- а). Двойной смысл - Doppelbedeutung
- б). Игра слов – Wortspiel
- в). Намеки - Anspielung
- г). Пародия - Parodie
- д). Ирония - Ironie
- д). Акцентные слова и выражения – Akzentwörter und Wendungen
- д). Алогическая связь – Unlogischebeziehung

2. Языково-стилистические средства, которые звучат сатирически только в определенном контексте. Такими средствами часто выступают в «Путешествии по Гарцу»:

- а). Метонимия - Metonymie
- б). Персонификация – Personifikation
- в). Сравнения - Vergleich
- г). Контрасты - Kontrasten
- д). Архаизмы - Archaismen
- д). Неологизмы - Neologismen

Гейне широко и умело пользуется в «Путешествии по Гарцу» и теми другими средствами и достигает того, что его сатира грозная.

«Путешествие по Гарцу» Генриха Гейне является одним из наиболее ярких и образных языковых материалов по одной из наших профилирующих дисциплин как стилистике в целом, по выражению юмора и сатиры в частности. Известно, юмор, сарказм, критический взгляд на окружающий мир, на общественные явления, нравы людей глубоко и всегда стойко стоят почти во всех произведениях Генриха Гейне, а в его «Путешествии по Гарцу» особый пример этому.

Список использованных литератур

- 1. Дмитриев А.С. «Немецкая литература: Романтизм», 1991г.
- 2. Гейне Г. Собрание сочинений в десяти томах / Под общей редакцией Н. Я. Берковского, В. М. Жирмунского, Я. М. Металлова. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1957.
- 3. Heine, Heinrich: *Reisebilder. Mit einem Nachwort von Hiltrud Häntzschel.* Zürich 1993. Duden. Stilwörterbuch. - Dudenverlag, 1999.
- 4. Iskos D., Lenkova A. „Deutsche Lexikologie“, -Leipzig, 1970.
- 5. История зарубежной литературы XIX века», Под ред. Н.А.Соловьевой. М.: Высшая школа, 1991.
- 6. „Kleine Enzyklöpedie“ - Leipzig, 1989.
- 7. Sandy B. *Stilistik der deutschen Sprache*.-Berlin, 1986.
- 8. Шлегель Ф. «Литературные манифесты западноевропейских романтиков», под ред. А. С. Дмитриева. – М.: Изд. Моск. университета, 1980.]



Интернет сайты

http://w.w.w.studygerman.ru/support/lib/article_5.html.

<http://w.w.w.linguistu.ru/019604-1.html>.

<http://w.w.w.linguistu.ru/019604-5.html>.

<http://w.w.w.linguistu.ru/019604-4.html>.

<http://w.w.w.gelios-arv.ru/gumanitarlit.html> *Heinrich-Heine-Portal*.

<http://germazope.uni-trier.de/Projects/HNP/werke>, 17.06.2006.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Матова Феруза Бахтиёровна

Мирзо Улдуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбек - Исроил қўшма факультети катта ўқитувчиси,

Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, 100174

mamatovaf@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада эвфемизмларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги манипулятив салоҳияти, эвфемизмлардан фойдаланиш шартларини белгиловчи омилар ҳамда уларнинг семантик лингвокультурологик хусусиятларини таҳлил қилишга ёритилган. Бундан ташқари, эвфемизмларнинг тилнинг турли даражаларида амалга ошириш даражаси кўриб чиқилган. Ушбу мақоланинг натижалари ва мисоллари инглиз ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларнинг ўзига хос тусларини аниқлаш ва уларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Калит сўзлар: эвфемизмлар, эвфемия, лингвокультура, лексик-семантик, стилистик, маданий-тарихий эвфемизмлар.

ЛИНГКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЭУФЕМИЗМОВ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Матова Феруза Бахтиёровна

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улдуғбека

Старший преподаватель Узбекско-Израильского совместного факультета,

Город Ташкент, улица Университетская, 4, 100174

mamatovaf@gmail.com

Аннотация: В статье рассматривается манипулятивный потенциал эвфемизмов в английском и узбекском языках, факторы, определяющие условия использования эвфемизмов и их семантические лингвокультурологические особенности. Кроме того, рассматривается степень реализации эвфемизмов на разных уровнях языка. Результаты и примеры данной статьи помогут выявить особенности эвфемизмов в английском и узбекском языках и определить их лингвокультурологические особенности.

Ключевые слова: эвфемизмы, эвфемия, лингвокультура, лексико-семантические, стилистические, культурно-исторические эвфемизмы.



LINGUCULTUROLOGICAL PROPERTIES OF EUPHEMISMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Matova Feruza Bakhtiyorovna

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Senior Lecturer of Uzbek-Israeli Joint Faculty,

Tashkent city, University street, 4, 100174

mamatovaf@gmail.com

Annotation: *This article discusses the manipulative potential of euphemisms in English and Uzbek, the factors determining the conditions of use of euphemisms and their semantic linguocultural features. In addition, the degree to which euphemisms are realized at different levels of language is considered. The results and examples of this article will help to identify the specific features of euphemisms in English and Uzbek and to determine their linguocultural features.*

Keywords: *euphemisms, eupheme, linguocultural, lexical-semantic, stylistic, cultural-historical euphemisms.*

Сўнги ўн йилликда олиб борилаётган тадқиқотларнинг гуманитар соҳаларида, хусусан тилшуносликда илмий парадигмаларнинг ривожланиши эътиборга молик. “Тилнинг ўзида ва ўзи учун ўрганиш” ни назарда тутадиган анъанавий тизимга асосланган парадигма [13, 233], антропоцентрик ёндашув билан алмаштирилди, “инсон дунёнинг марказида, у дунёни ўзининг назарий ва объектив фаолияти орқали ўрганади” [6, 11].

Шахсни тилшуносликни англаш субъекти сифатида тан олишда “тилшунослик, психология ва маданиятшуносликнинг умумий методология даражасида ўзарао таъсири” назарда тутилади [1, 6].

Инсон, тил ва маданият каби ҳодисаларнинг бир-бирига кириб бориш қонуниятларини ўрганишга қаратилган лингвокультура ижтимоий ва маданий жиҳатдан аниқланган лингвистик ҳодисаларни ўрганиш соҳасини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берди. Бундай ҳодисалар қаторида нутқни эвфемизация қилиш жараёни алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тилда эвфемизация ҳодисасининг муаммолари дастлаб Америка, Европа, кейинги ўринда Россияда кенг ривожланган ва ҳозирги кунгача ривожланиб келмоқда. Сўнги йилларда эвфемизация воситалари ва унинг мақсадларини ўзбек тилида ҳам ўрганишга кўплаб тилшунос олимлар жалб қилинмоқда. Ўзбек тилшунослигида эвфемизм атамаси 1963-1964 йилларда Н. Исмагуллаевнинг “Ҳозирги ўзбек тилида эвфемизмлар” номли диссертацияси орқали ўрнашди [4]. Бу ҳодиса эвфемизмшунос олим А.Ж. Омонтурдиев томонидан услубшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида кенг доирада ўрганилган. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари унинг “Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари” мавзuidaги номзодлик диссертациясида атрофлича тадқиқ қилинган [8]. Нутқнинг маданийлигини таъминловчи, ўзбек нутқига ўзига хос кўрк, жозиба бағишловчи эвфемизмлар хусусидаги асосий фикр-мулоҳазалар олимнинг “Ўзбек нутқининг эвфемик асослари”, “Профессионал нутқ эвфемикаси” номли монографияларида; “Бир сўз луғати”, “Сўз қўллаш санъати”, “Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати” каби ишларида ўз ифодасини топган [9]. Шунингдек, профессор М.М. Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” монографиясида эвфемизмларнинг



лисоний хусусиятлари ҳақида асосли мулоҳазалар билдирилган [7]. А.Э. Маматов эса “Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари” мавзудаги докторлик ишида фразеологизмларнинг шаклланишига эвфемик ва дисфемик бирликларнинг таъсири масаласига алоҳида тўхталган [5]. Бундан ташқари, Х.Б. Қодирова [17], З.Т. Холманова [16], Д.А. Рустамова [12] ларнинг тадқиқотларида эвфемизмлар услубий, лексик-семантик, лингвомаданий ва социопрагматик жиҳатлардан тадқиқ этилган. Ушбу мавзунинг долзарбилиги лингвокультура, хусусан, эвфемизмнинг манипуляцион хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаганлиги билан белгиланади. Эвфемизмларнинг лексик-семантик жиҳатлари жуда кенг ўрганилганига қарамай, эвфемизация ҳодисасини ижтимоий-прагматик, маданий-тарихий ва коммуникатив жиҳатлари чуқур ўрганилгани кузатилмади. Инглиз ва ўзбек тилларида эвфемизация ёрдамида инсон онгини бошқариш воситалари ва усуллари қиёсий-қоғиштирма таҳлил қилиш эвфемизмларнинг лингвопрагматик ва лингвомаданий хусусиятларини ва эвфемизациянинг тематик хусусиятларини очиб беришга имкон беради.

Эвфемизм таърифига анъанавий ёндашув айнан системоцентриқ парадигма доирасида амалга оширилади. Унга кўра эвфемизм тақиқланган бирликнинг ўрнини босувчи воситадир. М.И. Зверева бир неча нуфузли лингвистик терминологик лағатлардаги эвфемизм таърифларини таҳлил қилиб, “эвфемизм периферик восита, яъни бир тушунчани бошқаси ёрдамида ифодалаш”, “эвфемизм вазифаси-бу предмет, шахс ёки ҳодисанинг бевосита номинациясини алмаштириш” деган хулосага келади [3, 76]. Бироқ, бундай ёндашув эвфемизм сўзнинг ўрнини босадиган синоним сифатида (масалан, ғайритабиий кучларнинг номлари) эвфемизациянинг маълум номинатив йўналишларини ўрганишда мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда эвфемизмларга маданий жиҳатдан ўзига хос маълумотларни тўплайдиган махсус ифодалаш воситаси сифатида қаралмоқда.

Замонавий миллий ва хорижий тилшунослиқда лингвокультурология йўналишида ўрганилган эвфемизация жараёни бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилган. Асосан, булар эвфемизмларнинг пайдо бўлишида лингвокультурологиянинг таъсири [15, 2], турли лингвокультурологияларда эвфемизациянинг семантик ва ижтимоий-маданий жиҳатларини таҳлил қилиниши [18, 3, 8], шунингдек маданий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда эвфемизмларни таржима қилиш муаммоларига [19, 19] оид тадқиқотлар.

В.А. Маслова лингвокультурология бирликларини таҳлил қилиш жараёнида уларни метафора, рамзлар, паремиялар, мифологемалар ва бошқалар каби саккиз турга ажратади. Шу билан бирга, бундай ноёб тил бирликлари лингвокультурологиянинг предмети бўлиши кераклигини таъкидлайди у [6, 36-37].

Эвфемизмларнинг лингвокультурологик бирликларга таалуқлиги бироз парадоксал бўлиб туюлади, чунки “бир томондан табу тушунчалари ва эвфемизацияланган тил бирликлари маданий универсалия ҳисобланса, бошқа томондан улар ноёб ҳисобланади, чунки турли тиллардаги тематик гуруҳларни таққослаш, тасвирланаётган соҳада лакуналикни аниқлашга олиб келади” [2, 271].

Эвфемизмларнинг пайдо бўлишида тарихий, маданий ва психологик шартларнинг умумий эканлигига қарамай, ушбу ифода воситаларнинг ҳозирги таркиби ҳар бир миллатнинг ривожланиш хусусиятлари ва менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари билан шаклланган.



Дунёқараш каби омилнинг таъсири турли тил маданиятларида эвфемистик луғатнинг миқдорий ва сифатий (семантик) томонларини таҳлил қилишда ўзини намоён қилади.

Мулоқотдаги бўшлиқнинг олдини олишга қаратилган алоқа воситаси сифатида қўлланиладиган эвфемизмлар аввалдан ахлоқий қадриятларни ва жамиятнинг этик кўрсатмалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Шу билан бирга, турли тиллардаги эвфемистик номларнинг аксарияти барча лингвокультураларда ҳаётий (ҳаёт, соғлиқ), ахлоқий (шахсий ҳаёт) ва ижтимоий (иш, фаровонлик) қадриятларни билдирувчи белгиларни тушунтиришга хизмат қилади.

Бошқа томондан, у индивидуал лингвокультураларга хос ноёб номинатив йўналишларни ҳам очиб беради. Ушбу тадқиқотда эвфемизациянинг бундай ноёб йўналишлари маданий-ўзига хос деб номланган. Уларни ажратиш учун уларнинг лақунали характери (ўрганилаётган тилларнинг фақат биттасида намоён бўлиши) ва ўрганилаётган тилларда баъзи номинатив соҳаларнинг турли хил таркиби каби мезонлари хизмат қилади.

Бундай ноёб, маданий-ўзига хос йўналишларнинг шаклланишини белгиловчи омиллар қаторига қуйидагилар киради: 1) маданий ва миллий характердаги хусусиятларнинг асосий тушунчалари; 2) миллатнинг ривожланишидаги маданий ва тарихий шароитлар.

Юқоридаги омиллар таъсири остида пайдо бўлган эвфемизациянинг баъзи маданий-ўзига хос йўналишларини кўриб чиқамиз:

Маданиятнинг асосий тушунчаларини ва миллий менталитетни акс эттирадиган эвфемизмлар “қундалик-ҳаётий муаммолар”да намоён бўлади.

Ушбу эвфемик бирликлар эвфемизмнинг анъанавий таърифига зид келади ва уларнинг семантик таркибида бирон бир стигматик сема мавжуд эмас. Кўпинча, улар жанжал, тушунмовчилик, нопоклик, жисмоний нуқсонлар каби кичик муаммоларни ифодалаш учун қўлланилади. Бироқ уларнинг инглиз лингвокультурасида қўлланилиши бежизга эмас. Инглиз тилидаги *order* (*тартиб*) сўзи ушбу муаммоларга тегишли ҳисобланади, у серқирра маънога эга: аниқ, тартибли, пухта, мақсадга мувофиқ, буйруқларга ҳурмат билан ёндашиш [14, 43]. Натижада, ушбу гуруҳнинг эвфемизмлари инглиз менталитетига тегишли бўлган интизомга, муҳаббатга, покликка ва қоидаларга бўйсунтириш каби хусусиятларни умумлаштиради. Ҳар қандай меъёрдан четга чиқиш, тартиб-интизомни бузиш, нопоклик қилиш каби номақбул амаллар эвфемизация қилиниши керак деб ҳисобланади.

Барча миллатларга хос бўлганидек, инглизларда ҳам тартиб-интизомни бузиш ахлоқсизлик ҳисобланади, низо ва жанжал кўтариш каби салбий ҳаракатларга тартибни бузиш деб қаралади.

Маданий-ўзига хос деганда, “жиноят ва уларнинг оқибатлари” каби номинатив гуруҳларни ҳам ўз ичига олади. Анъанага кўра, бу каби гуруҳни тилшунослар эвфемизациядан фойдаланиш учун энг самарали воситалардан бири сифатида кўриб чиқмоқдалар. Инглиз тилида яратилган кўплаб луғатларда оғир жиноят турлари бўлмиш қотиллик, зўрлаш каби сўзлар *to terminate*, *to interfere* эвфемизмлари билан берилди.

Бу икки тилдаги фарқланишнинг сабаларидан бири, албатта лингвокультурологик омилдир. “Қундалик-ҳаётий муаммолар” номинатив гуруҳларида бўлгани каби, бу



гуруҳдаги бирликларнинг *concealing* (яшириш) белгиси *order* (тартиб) тушунчаси билан боғлиқ. Инглиз жамиятида ҳатто кичик ҳатоликлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши белгиланган тартибни бузиш сифатида қабул қилинганлиги сабабли, бу соҳада жинойтлар номинацияси учун эвфемизмлар фаол фойдаланиб келинмоқда.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, эвфемизациянинг бир қатор маданий-ўзига хос йўналишларининг пайдо бўлиши миллатнинг ривожланишининг тарихий шароитлари билан боғлиқ. Бу, хусусан, “Сиёсий муаммолар ва ҳарбий кучлар” номинатив гуруҳидир. Унинг асосини ҳарбий ҳаракатлар, қуроли урушлар, ирқий камситиш ҳолатлари ва бошқалар каби номлари ташкил этади. Аммо бу гуруҳдаги эвфемизмлар семантик жиҳатдан бир ҳил эмас. Инглиз тилининг эвфемизмлари маълум даражада универсал бўлиб, макон ва замондан қатъи назар, юқоридаги соҳаларга тегишли бўлган ходисаларни номлаш учун қўлланилиши мумкин. Масалан, *зарарсизлантириш - to neutralize* (ҳарбий ҳаракатлар пайтида йўқ қилиш), *гаровга етказилган зарар - collateral damage* (ҳарбий ҳаракатлар натижасида фуқароларнинг қурбон бўлиши).

Ўзбек тилида аксинча, бугунги кунга қадар бу соҳага тегишли бўлган эвфемизмлар ҳеч қаерда қайд этилмаган, яъни уларнинг устида тадқиқот олиб борилмаган. Ҳозирги кунга келиб, бу соҳага тегишли бўлган санокли эвфемизмларни учратишимиз мумкин. Лекин шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда сиёсий соҳага тегишли эвфемизмларнинг доираси кенгайиб бормоқда.

Шубҳасиз, ҳар иккала лингвокультурада ҳам бундай эвфемизмларнинг пайдо бўлишига туртки бўлган асос “ўлимга оид табу эди, чунки қурол номлари, ҳарбий ҳаракатлар ва бундай ҳаракатлар натижасида содир бўлган инсонларнинг ўлими эвфемизация қилинган [11, 179].” Бундан келиб чиқиб, ушбу номинатив гуруҳнинг эвфемизмларига лингвистик универсалия деб қаралиши мумкин, аммо *concealing* (яшириш) белгиси фақат инглиз тарихининг ёритиб берувчи лексика билан бирга келиши мумкин. Ушбу номинатив гуруҳ миллатнинг ривожланишининг ўзига хос тарихий босқичларига боғлиқ экан, ушбу гуруҳнинг эвфемизмларига маданий - ўзига хос деб қаралиши керак.

Шундай қилиб, эвфемизациянинг номинатив йўналишлари турли тилларда мутлақо бир хил деб ҳисоблаш нотўғри. Уларнинг шаклланишига лингвокультурологик омиллар мажмуаси таъсир қилади, улар ўрганилаётган майдонларнинг миқдорий нисбатида ҳам, қотган бирликларнинг семантикасида ҳам аниқ ифодаланади.

Бундан ташқари, культурологик омил моддий маданият дунёсининг лексикасида ҳам акс этади. Эвфемизмлар кўпинча урф-одатлар, маросимлар, тарихий фактлар, уй-рўзғор буюмлари ва бошқалар ҳақида маълумотларни тўплайди. Аммо бу маълумотни олиш учун чуқур этимологик таҳлил талаб этилади, натижада ушбу турдаги лингвокультурологик маълумотлар билвосита ифода этилади.

Маълумки, эвфемизмлар тил тизимининг барча даражаларида намоён этилади [11], аммо лингвокультурологик маълумотни таҳлил қилишда метафора ва метонимик кўчиш орқали ҳосил бўлган эвфемизмлар. Қадимий урф-одатлар ва эътиқодлар, қадимги адабий матнлар ва ижтимоий воқеликлар ҳақидаги маълумотларга асосланган культурологик метафора ва метонимиянинг махсус турлари мавжуд. Баъзи метафорик эвфемизмларнинг вужудга келиши Инжил каби қадимги маданий матнларга асосланган. Бундай номларнинг таркибига диний маросимларни эслатиб турувчи диний исмлар қиради ва улар эвфемизм-аллюзия атамаси билан берилади.



Ушбу турдаги эвфемизмлар қуйидаги мисолларда акс этган. Масалан, инглиз тилидаги *to raise Cain* (жанжал чиқармоқ, сўзма-сўз: Қобилни чақирмоқ) иборасини диний эвфемизм-аллюзия деб ҳисоблаш мумкин. Диний манбаларга биноан биринчи қотилга айланган Қобилнинг исми *жаҳаннам*, *иблис* сўзлари билан синоним сифатида қўлланилади. Дунёнинг кўплаб илоҳий китобларида, хусусан ўзбек тилида ҳам бу каби эвфемизмларни кузатишимиз мумкин. Масалан, Қуръонда берилишича, Одам Ато ва Момо Ҳаво Оллоҳ тақққлаган дарахт мевасини еганликлари ёки Инжилда Адам ва Ева “Донишмандлик дарахти”нинг меваси олма ёки анжирни еганликлари учун Аллоҳнинг ғазабига учраб турли жазоларга тортилиб жаннатдан ҳайдалганлар. Уларнинг номлари инсоният тарихида биринчи гуноҳга қўл урган, Оллоҳнинг ланъатига учраганлар сифатида муҳрланиб қолган.

Маданий-ўзига хос компоненти моддий дунёнинг объектлари ва жараёнлари ҳақидаги қадимий архетипик ғоялар билан боғлиқ бўлган эвфемизмларда мавжуд. Эвфемик бирликлар ўзларининг асосий функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда, улар барчага маълум бўлган денотациялар тўғрисида ўзига хос миллий ғоялар мавжуд бўлган дунёнинг лингвистик расмини ҳам акс эттиради. Бундай маданий маънога эга луғат таркибига зоонимлар, соматизмлар, табиат ҳодисалари ва нарсаларнинг номлари, ранглар ва бошқалар киради. Бунда, битта лингвокультурада маълум маънога эга бўлган баъзи табиий фактлар бошқа лингвокультурада турлича қабул қилинади. Масалан, инглиз лингвокультураси доирасида *bear* (*айиқ*) ёвуз, ёввойи каби қадимий архетипик ғояларни тўплайди. Бу каби архетипларни миллий хусусиятга эга деб ҳисоблаш керак, чунки, ўзбек маданиятида бу ҳайвон ҳеч қандай ёвузликни рамзини англамайди.

Ўзбек тилида ҳам бу каби эвфемизмлар мавжуд. Масалан, *қуёнжорак* эвфемизми *қўрқоқ* ўрнига қўлланилади. Инглизларда ҳам *қўрқоқ* характерга эга инсонларга нисбатан *rabbit* (*қуён*) эвфемизмининг қўлланилиши икки тилнинг умумий жиҳатлари мавжудлигини кўрсатади. Аммо, ўзбек тилидаги *жорак* соматизмининг ушбу эвфемизм билан бирга келиши фақат ўзбек маданиятига хос эканлиги кўриниб турибди.

Бундан ташқари, келиб чиқиши фақат луғат ёзувлари таркибига киритилган лингвокультуролик шарҳлар туфайли аниқ бўладиган эвфемизмлар мавжуд. Кўпинча бу метонимик кўчиш натижасида ҳосил бўлган бирликлардир. Уларнинг пайдо бўлишининг асослари маълум бир мамлакатнинг тарихий ёки ижтимоий воқеликларнинг турли жиҳатлари ҳисобланади. Масалан, *to spend a penny* (бир пеня сарфлаш) инглиз эвфемик иборанинг келиб чиқиши XVIII асрнинг 50-йилларида Лондонда биринчи жамоат ҳожатхоналари вужудга келган вақтдан бошлаб пайдо бўлиб, уларнинг эшиклари танга ташланганидан кейингина очилган. Бундай культурологик эвфемизмлар санокли бўлсада, улар эвфемизмларни шакллантиришга метафора ва метонимик кўчиришнинг маданий-ўзига хос механизмларини амалга ошириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлиллар эвфемизмларни лингвокультурологик бирлик сифатида ўрганиш имкониятини беради. Уларнинг пайдо бўлиши асосан лингвистик универсалиялар бўлиб, жамиятнинг ривожланиши жараёнида эвфемизмлар маълум бир лингвистик маданият, менталитет, шунингдек тарихий, иқтисодий ва маданий омилларнинг асосий тушунчалари билан аниқланган ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Натижада лингвокультурал маълумотлар эвфемизмларда икки даражада - эксплицит (очиқ, аниқ) ва имплицит (ёпиқ, яширин) ҳолда тақдим этилади. Очиқ ёки аниқ



даражада эвфемизациянинг маданий ўзига хос номинатив йўналишлари семантикаси орқали маълум бир лингвокультура ҳақида маълумот тўпланиши назарда тутилади. Ёпиқ ёки яширин даражада эвфемистик маънони лингвистик амалга ошириш механизмларини этимологик таҳлил қилиш, биринчи навбатда, маълум бир миллатнинг урф-одатлари, эътиқодлари, хурофотлари, ҳаёти ва тарихи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган метафора ва метонимия талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алефиренко Н. Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка [Текст]: учеб. пособие / Н. Ф. Алефиренко. – М.: Флинта: Наука, 2010. – 288 с.
2. Денисова Э. С. Эвфемизм как уникальный языковой феномен в русской и китайской лингвокультурах (на материале тематической группы «Профессии») [Текст] / Э. С. Денисова М. Б. Халиман // Экология языка и коммуникативная практика. – 2016. – № 2. – С. 270-280.
3. Зверева М. И. Территория терминологического распутья вокруг понятия «эвфемизм» [Текст] / М. И. Зверева // Филология и культура. – 2017. – № 2 (48). – С. 75-81.
4. Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1964. – 24 с.
5. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси шаклланиши масалалари: Филол. фан. док-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 56 б.
6. Маслова В. А. Лингвокультурология [Текст]: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В. А. Маслова. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.
7. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 288 б.
8. Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 25 б.
9. Омонтурдиев А., Омонтурдиев Ж. Сўз қўллаш санъати. – Термиз: Жайхун, 1994. – 60 б.; Омонтурдиев А. Бир сўз луғати. – Термиз: Жайхун, 1996. – 45 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент, 2000. – 134 б.; Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Тошкент: Халқ мероси, 2000. – 128 б.; Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.
10. Реброва Н. Е. Функционально-семантическая характеристика эвфемизмов в аспекте лексикографического описания (на материале Duden Das grosse Wörterbuch der deutschen Gegenwartssprache) [Текст]/Н. Е. Реброва // Вестник Иркутского государственного лингвистического университета. Серия Филология. – 2014. – № 2 (27). – С. 175-181.
11. Реброва Н. Е. Механизмы лингвистической реализации эвфемистического значения в аспекте лексикографической фиксации [Текст] / Н. Е. Реброва // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. Серия «Гуманитарные и социальные науки». – 2015. – № 6. – С. 147-155.
12. Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспектлари: Фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 50 б.
13. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики [Текст] / под ред. Ш. Балли и А. Сеше; пер. с франц. А. Сухотина / под общ. ред. М. Э. Рут. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 1999. – 432 с.



14. Судилова В. Г. Концепт «Ordnung» в немецкой языковой картине мира (на материале лексикографических источников и СМИ) [Текст] / В. Г. Судилова К. К. Черненко // Лексикографическая копилка. – 2017. – С. 42-58.
15. Торопцева Е. Н. Использование эвфемизмов в шутках [Текст] / Е. Н. Торопцева // Гуманитарный вестник. – 2014. – № 1 (28). – С. 70-75.
16. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: Филол. фан. док-ри дисс. – Тошкент, 2009. – 325 б.
17. Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 23 б.
18. Al-Azzam, B. Social and Cultural Euphemism in Saudi Arabic: a Semantic, a Pragmatic and a Sociolinguistic Analysis / Bakri Al-Azzam [et al.] // Advances in Language and Literary Studies. – 2017. – Vol. 8. – No. 2. – P. 64-69.
19. Beizaeaa M. A Semantic Study of English Euphemistic Expressions and Their Persian Translations in Jane Austen’s Novel «Emma» / Mehran Beizaeaa, Samad Mirza Suzani // International Academic Journal of Humanities. – 2016. – Vol. 3. – No. 11. – P. 41-53.

ШАРҚОНА “ГЎЗАЛЛИК” КОНЦЕПТИ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Маруфова Зулфия Набиевна
Тошкент шаҳар Яшнобод тумани
204-мактаб ўқитувчиси
Телефон: +998 977161634
Zulfiyaxon2018@gmail.com

Аннотация: Мақолада ўзбек мумтоз шеърларида, хусусан, XV аср шоирлари ижодида “Гўзаллик” концептининг лисоний вербаллашуви ҳақида сўз боради. Ушбу когнитив жараённинг халқ мақоллари, тургун бирикмалар ва индивидуал иборалар воситасида воқелантирилиши Лутфий шеърлари мисолида таҳлилга тортилади. Лексик бирликлар ўртасидаги боғланишларнинг лексик-семантик, когнитив-прагматик асослари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: концепт, субъектив баҳо, гўзаллик, раишк, рақиб, лексик-семантик майдон, мақол, фразеологик бирикма.

Аннотация: В статье рассматривается лингвистическая вербализация понятия «красота» в узбекской классической поэзии, в частности, в произведениях поэтов XV века. Реализация этого познавательного процесса через народные поговорки, фиксированные связи и индивидуальные выражения анализируется на примере стихов Лютфи. Анализируются лексико-семантические, когнитивно-прагматические основы связей между лексическими единицами.

Ключевые слова: концепт, субъективная оценка, красота, ревность, соперник, лексико-семантическое поле, пословица, фразеологическое сочетание.

Annotation: The article deals with the linguistic verbalization of the concept of “beauty” in Uzbek classical poetry, in particular, in the works of poets of the XV century. The realization of this cognitive process through folk sayings, fixed connections, and individual expressions is analyzed in the



example of Lutfi's poems. The lexical-semantic, cognitive-pragmatic bases of connections between lexical units are analyzed.

Keywords: concept, subjective evaluation, beauty, jealousy, rival, lexical-semantic field, proverb, phraseological combination.

Мумтоз адабиётимиз вакиллари ичида Лутфий халқона иборалар, турғун бирикмалар ва фразеологизмлардан энг кўп фойдаланган шоирлардан исобланади. Унинг мисраларида гўзаллик ифодаланишининг ўзгача талқинини кўрамиз. Гўзаллик концепти доирасига кирувчи турли тушунчаларнинг мақол ва иборалар воситасида ифодаланиши мумтоз асарларнинг бадий қимматини янада оширган. Гўзаллик концептосферасининг ядроси бўлмиш Ишқ-муҳаббат концепти майдонига кирувчи *севмоқ, интизорлик, ҳижрон, айрилиқ, соғиниш* тушунчаларининг мақол орқали ифодасини куйидаги Лутфийнинг байтида кўрамиз:

Дилбар соғинмагон жиҳати бу фироқ эмиш,

“Кўздин йироқ бўлса кўнгулдин йироқ” эмиш.

“Кўздан йироқ-кўнгулдан йироқ” “Меҳр-кўзда” каби халқ мақолларини келтириш орқали ошиқ ўз ҳолатига чиройли далил топган. “Муҳаббат” концептининг микромайдонига кирувчи *фироқ, соғинч, айрилиқ, жафо* каби фреймлар фаоллашиб, яхлит равишда ошиқ ҳолатини ифодалаш билан бирга, кетирилган мақолнинг мазмуний таркибига кирувчи *узоқлашиш, соғинч* каби семалар билан туташув ҳосил қилган.

Ишқ-муҳаббат концептининг *ошиқлик, чорасизлик, армон, етиша олмаслик* маъноларини юзага чиқаришда “Осмон узоқ, ер-қаттиқ” иборасини қўллаш бадий адабиётда кўп учрайди. Б.Жалилов иборанинг, умуман, ирсол санъатининг келиб чиқиш илдизларини Қуръони карим билан боғлаб, куйидагича изоҳ беради: “Анъом сурасининг 35-оятда шундай дейилган: **«Агар сенга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботаётган бўлса, қодир бўлсанг, ер остидан йўл қилиб ёки осмонга нарвон қўйиб, уларга оят-мўъжиза келтир. Оллоҳ хоҳлаганида, уларни ҳидоятга жамларди. Ҳаргиз жоҳиллардан бўлма».** Бу ояти каримада мушриклар пайғамбаримизга ишонмаганликлари учун, уларга оят-мўъжиза келтириш тақлиф этилаяпти. Бу ерда иложи йўқ вазиятни ифодалаш учун «ер остидан йўл қилиш, осмонга нарвон қўйиш» иборалари берилмоқда. Иложсиз вазиятни ифодалашга хизмат этувчи бу иборалар негизида «осмон йироқ, ер қаттиқ» мақоли юзага келиб, бунинг таъсирида адабиётда **ирсол санъати пайдо бўлган...** Ирсолсанъатибайтдамақол, матал, иборақўллашорқалиюзагакелади.

Шеърнибувоситаларорқалигўлдирибюборишқийинишэмас.

У

санъатдаражасигақўтарилишучунфикрнингўзалвазавқбахшифодасигахизматқилмоғишарт

³⁴. Куйидаги Лутфий байтида мақолнинг “завқбахш” ифодасини кўрамиз:

Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойга илиқ,

Мушкул ахволе тушубдур: “Ер қатиқу кўк йироқ” .

Байтда Ишқ-муҳаббат концептининг *ошиқлик, чорасизлик, армон, етиша олмаслик* маънолари етакчи ўринга чиқарилган. Когнитив метафора маҳсули бўлмиш “ой”, яъни ёрга ошиқнинг “қўли етмайди”(ибора), ер остига ҳам киролмайди. “Ой” лексемасининг

³⁴ Жалилов Б.Диний-маърифий мавзуларнинг бадий адабиётдаги талқини. Тошкент, 2010. Б.22.



“чиройли, жозибадор, нурли, оқ ” каби семалари туфайли қизнинг юзига нисбат берилади. Е.Филимонованинг таъкидлашича, “хитой ва корейларда гўзал аёлнинг ойга ўхшатилиши жуда кенг тарқалган”, худди ўзбеклардаги каби “ой тимсоли гўзаллик, ёрқинлик, ёқимлилиқ каби сифатларни тамсил этишга хизмат қилади...”.³⁵ Ой осмонда бўлиши шоирга “Осмон йироқ, ер қаттиқ” мақолини келтириш учун асос бўлган.

Когнитив жараёнда **ранг** категориясининг оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришдаги ўрни беқиёсдир. “Лингвокультурологияда ранг концепти инсонни ўраб турган оламни англашида муҳим когнитив категориялардан бири сифатида кўп предмет-ходисаларни ўзида акс эттирадиган “маданий код”, яъни турли халқларнинг ўзаро муносабатлари натижасида “маданий дальтонизм”ни бартараф этишга имкон берадиган билимдир”³⁶. Концепт воқелантиришда зарур тушунчаларни ранглар орқали ифодалаш, яна уни поэтик тарзда когнитив-метафорик тарзда тасвирлашда ижодкорлар ранглардан кенг фойдаланганлар. Мумтоз шеърятимизда ёр сочи, кўзи, холи ва қошининг қоралигини ва хушбўйлигини таърифлашда **мушкка** қиёслаш анъанаси мавжуд. Бизга маълумки, мушк ҳайвон ёки ўсимликнинг қора тусли, ўткир хушбўй ҳидли моддаси бўлиб, парфюмерия саноатида кенг ишлатилади. Юқоридаги байтда ёр сочга ўзини тенглаштирган мушкка “Ҳар ким ўз ўрнини билиши керак” мазмунидаги ҳикмат орқали танбех берилмоқда.

Лофурурзулфунг била мушкаслидабордурхато,
Ҳар кишинингаслинибилса бўлурахлоқдин.

Бу ҳолат эмотив баҳони янада бўрттиришга, яъни соч рангининг мушқдан ҳам қоралигини (ранг) ва хушбўйлигини (ҳид) таъкидлашга қаратилган. Шунингдек, Гўзаллик концепти майдонига кирувчи *рақобат, қиёслаш, гўзал хулқ* тушунчалари фаоллашади.

Лутфийнинг:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,

Масалдурким: “*Чароғ туби қоронғу*”, - байти билан бошланувчи ғазалининг ҳам бошдан-оёқ ирсоли масал санъати асосида битилгани бизга маълум. Биринчи байтда маъшуқа сочининг узунлиги ҳақидаги фикр “чироқ туби қоронғу” бўлиши ҳақидаги масал билан асосланади. Субъект онгидаги соч, юз, чироқ ҳақидаги тасаввурларнинг ўхшаш жиҳатлари туташтирилади. Тасаввурда *юқори – оқ, қуйи – қора* манзараси ассоциациялашади. Ёрни чироққа қиёслаш йўли билан унинг юзи чироқдек ёруғ ва нурли эканига ишора қилинади. Бу ўринда ҳам баҳо ифодалашнинг ранг категориясимайдонга чиқади. “Ранглар оламнинг лисоний манзараларини шакллантиришда катта роль ўйнайди, зеро турли лингвомаданий жамоаларда ҳар бир ранг билан боғлиқ маълум ассоциациялар, у ёки бу рангга оид тасаввурлар мавжуд”³⁷.

Айрим ҳолатларда ранг белгисини ўхшаш нарса, жой, шахс номлари билан атаб, когнитив метафора асосида тасвир яратиш ҳоллари ҳам учрайди. Атойининг қуйидаги

³⁵ Бу ҳақда қаранг: Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Тошкент: Маънавият, 2013. – Б.16.

³⁶ Белов А.И. Цветовые этноэидемы как объект этнопсихоллингвистики // Этнопсихоллингвистика. – М., 1988. – С.49-58.

³⁷ Исмоилов Ғ. Фразеологизмларда оқ ва қора концептларнинг идиоэтник белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – №3. – Б.78-85.



байтида Ҳиндистон ва Кобул- географик жой номлари воситасида қоралик(соч) ва оқлик (юз) белгиси берилишининг моҳирона тасвирини кўрамиз:

Юз туман, минг ғам била қилди Атойини асир,
Зулфи Ҳиндустон савдосинда моҳи Кобули.

Субъект онгида аввалдан мавжуд билимлар – ҳинд халқининг қора танли эканлиги ва Кобул осмонидаги ойнинг ёруғлиги - “қора” ва “оқ” белгилари умумий когнитив жараёнда уйғунлашиб, гўзалликнинг лисоний ифодасини вербаллаштириган. А.Кононов ўзининг “Семантика цветообозначений в тюркских языках” мақоласида қора сўзининг ‘катта’, ‘йирик’, ‘муҳташам’, ‘улуғ’, ‘қудратли’, ‘кучли’,...каби маъноларини қайд этади³⁸. Б.А.Базыманинг қайд этишича, қора ранг *бахтсизлик, қайғу, мотам ва ўлимни* англатади³⁹. Юқоридаги фикрларни байтга татбиқ этадиган бўлсак, Атойи ёр сочининг қоралиги ошиққа “Юз туман, минг ғам” келтирганидан ташқари Ҳиндистон давлатининг катталигига ҳам ишора қилган, дейиш мумкин.

“Оққан ариққа оқар сув” мақолининг ҳозирги кунда “Оққан дарё оқаверади”, “Сув сойга оқар” каби шакллари истеъмода. Лутфийнинг

Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,

Ки дерлар: “Оққан ариққа оқар сув” ,- байтида ошиқ кўзининг нури билан ёр юзининг нури умумийлиги асосида мақолдаги “ариқ” ва “сув” лексемаларига қиёсланган. Манба-ариқ, унга борувчи-сув; манба-юз, унга борувчи-кўз. Шоирнинг бошқа бир байтида ҳам ўхшаш тасвирни учратамиз:

Шамъи мажлисга берур нур ул сафолиқ оразинг,

Бу масал равшандурур, ореки, ёғ-ёғга томар. Бу ерда ҳам манба-шам, сафолиқ бераётган-юз нури; 2-мисрада манба-ёғ (идиш), томаётган ёғ (томчи)

Бу байтда келтирилган мақол орқали Ишқ концептининг *интизорлик, боғлиқлик, ўзига тортувчи* кучсемалари фаоллаштирилади. Биринчи байтда ҳолат горизонтал равишда ифодаланса (*Оққан ариққа оқа сув*), иккинчи байтда вертикал ҳаракат тасвирини кўришимиз мумкин (*Ёғ ёғга томар*).

Лутфийнинг қуйидаги байтида *умид, истак, хоҳиш* семаларини юзага чиқариш мақсадида “Тилаганни — тилоғу”, яъни “Тилаган одам мақсадига эришади” мақоли келтирилади. Биринчи мисрадаги фикр билан иккинчи мисрадаги мақолни “Тиламоқ” феъли бирлаштириши натижасида когнитив структуранинг лисоний тасвири яратилган.

Тиларваслингни Лутфий, қил ижобат,

Ки айтурлар: “Тилаганни — тилоғу” .

Лутфий халқ мақоллари орқали ошиқ субъектининг турли ҳолатларини бера олган. Қуйида когнитив структурани динамик жараёнда кузатиш мумкин:

Орттурди кўнгул жон ила ул ғамза баҳосин,

Ортарниманингни матигар бўлсамазоди.

Яъни, жон билан кўнгул ўзаро талашгани сари (қийноқ ошгани сари) ёр ғамзаси ҳам шунча кўпаймоқда. Мазод — кимошти усулида килинадиган савдо-сотди⁴⁰. Биринчи мисрадаги *кўнгул жон билан талашиб, ғамзасининг баҳосини оширди*, деган фикрни далиллаш учун шоир иккинчи мисрада *ниманинг харидори кўп бўлса, қиймати ортар*,

³⁸ Бу ҳақда қаранг: <http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/832-maqola.html>.

³⁹ Базыма Б.А. Цвет и психика. – Х.:ХГАК, 2001. –172 с.

⁴⁰ Лутфий. Девон. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2012. Б.401



деган хулосасини келтиради. Ҳар икки мисрадаги фикрларни “баҳо”(қиймат), “ортмоқ” ва “талашмоқ”(мазод) фреймлари бирлаштириб туради. Байтда Гўзаллик концептининг “қадр-қиммат”, “етишмоқ орзу”, “армон” сингари семалари вербаллашган.

“Ишқ” концептининг “фидойилик”, “ошиқлик”, “девоналик” каби семаларини воқелантирувчи ушбу байтда эса “Ақлли кишига бир ишора кифоя” ибораси асос қилиб келтирилади.

Бир ғамза етар Лутфийни девона қилурға,
Бордурмасал: “Ал оқилу якфихулишора” .

Ҳар иккала мисрадаги киши номлари семантик жиҳатдан бир-бирига зид (девона-оқил), аммо уларни бирлаштириб турган *бир-як*, *ғамза-ишора* лексемалари муаллиф мақсадини ифодалашда асосий рол ўйнаган. Лутфийга-ғамза, оқилга-ишора-параллел ифода тасвирни равланштирган.

Ҳозирда иборанинг “Яхши отга бир қамчи” варианты кенг қўлланилади.

У.С.Йигиталиевнинг таъкидлашича, *концепт* инсоннинг олами идрок этишида фаол ҳаракатланувчи, унинг онгида ментал равишда намоён бўладиган, тил эгаларининг дунёқарashi, миллий-этник хусусиятларини акс эттирувчи бирликдир⁴¹. Мумтоз шеърятимизда Гўзаллик концептини вербаллаштириш учун қўлланилган турли халқона иборалар, фразема ва мақолларда шарқона миллий-этник хусусиятларнинг яққол намоёишини кўришимиз мумкин. Масалан, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, меҳмон олдига энг тансиқ нарсаларини қўйиши миллий ва шарқона ментал хусусият саналади. Мазкур этник хусусият халқнинг лисоний оламида ҳам акс этиб, “Меҳмон — уйнинг зийнати”, “Меҳмон — отангдан улуг”, “Меҳмон — азиз, мезбон — лазиз”, “Меҳмон — атоғи худо”, “Меҳмон жойи кўз устида” каби мақолларнинг пайдо бўлишига олиб келган. “... Когнитив стереотиплар, моделлар (фрейм, скрипт, сценарий, гештальт ва хоказо) инсон тарбия топган маданий муҳит билан боғлиқ, зеро, когнитив бирликлар маданиятда мавжуд бўлган воқелик идроки асосида шаклланади”⁴².

Лутфийнинг қуйидаги байтида Гўзаллик концепти компонентларидан бири бўлмиш *фидолик* тушунчасининг “Энг азиз нарсалар меҳмон учун” мазмуни орқали асосланишини кўрамиз:

Эй кўнгул, жонни хаёли олида қил пешкаш,
Ҳарнима бўлсаазиз, элтур киши меҳмон сори.

Хаёлидаги гўзал тимсолига меҳмон мақомини бериб, уни ўз жони билан сийлаши Гўзаллик концептини вербаллаштирувчи *ошиқ*, *фидоийи*, *сахий* сингари энг муҳим лексик бирликларнинг маъноларини ўзида бирлаштирган.

“Шоирнинг шеърларидастлабки қарашда мазмун жиҳатидан ҳам, мундарижа жиҳатидан ҳаммуъжазгина кўринади. Аслида эса улардаги ҳар бир ибора,талқинбаъзан бир ғазалга сиққудек мазмунга эга бўлади”⁴³.

⁴¹Йигиталиев У.С. Ўзбек тилида “одам” ва “жинс” концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) дисс.автореферати.Тошкент-2020. 11-бет

⁴²Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 72.

⁴³Эркинов С.Филология фанлари доктори,проф.Лутфий.Девон.Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Тошкент,2012.Б.401



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белов А.И. Цветовые этноэидемы как объект этнопсихоллингвистики // Этнопсихоллингвистика.– М., 1988
2. Базыма Б.А. Цвет и психика. – Х.:ХГАК, 2001
3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013
4. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006
5. Жалилов Б. Диний-маърифий мавзуларнинг бадиий адабиётдаги талқини. Тошкент, 2010
6. Исмоилов Ғ. Фразеологизмларда оқ ва қора концептларнинг идиоэтник белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015.
7. Йиғиталиев У.С. Ўзбек тилида “одам” ва “жинс” концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) дисс.автореферати. Тошкент, 2020.
8. Лутфий. Девон. Ғ. Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2012
9. Девони Шайхзода Атоғий. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2008
10. <http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/832-maqola.html>.



EXPRESSION OF GENDER STEREOTYPES IN DIFFERENT CULTURES

Rakhmatulleyeva Umida Khomidovna

The teacher of Uzbekistan State World Languages University

Department "English practical sciences" УДК 811

Тел: +998999915635

Abstract: *Women and men differ in their nonverbal behavior. Or, to be more exacting about it, some women and some men differ in their nonverbal behavior some of the time. Is this latter statement needlessly overqualified or heedlessly overstated? Whatever the topic, the issue of gender differences tends to engender vigilance and caution even beyond the normally high academic custom. This is, in part, because suggestion of differences on the basis of gender is controversial whatever the content of these differences.*

Key words: *gestures, proxemics, kineme, gender, stereotype, facial expressions, segment, sign, gate*

ВЫРАЖЕНИЕ ГЕНДЕРНЫХ СТЕРИОТИПОВ В РАЗНЫХ КУЛЬТУРОВ

Рахматуллаева Умида Хомидовна

Преподаватель Узбекский государственный университет мировых языков

Кафедра "Английских практических наук"

E-mail: umida.rakhmatullaeva@yahoo.com

УДК 811

Тел: +998999915635

Аннотация: *Женщины и мужчины отличаются невербальным поведением. Или если быт более точным, некоторые женщины и некоторые мужчины иногда отличаются своим невербальным поведением. Это последнее утверждение излишне переоценено или бездумно завышено? Независимо от темы, проблема гендерных различий имеет тенденцию вызывать бдительность и осторожность даже за пределами обычно высоких академических обычаев. Отчасти это связано с тем, предположение о различиях по признаку пола является спорным, независимо от содержания этих различий.*

Ключевые слова: *жестикуляция, проксемика, кинема, гендер, стереотип, мимика, сегмент, сигнал, походка*

ТУРЛИ МАДАНИЯТЛАРДА ГЕНДЕР СТЕРЕОТИПЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Рахматуллаева Умида Хомидовна

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети инглиз тили Амалий фанлар кафедраси

ўқитувчиси. E-mail: u.rakhmatullaeva@yahoo.com

УДК 811

Аннотация: *Аёл ва эркаклар новербал мулоқот воситаларидан фойдаланишда икки хил ёндашадилар. Яна ҳам аниқроқ айтсак улар вазият ва ҳолатга қараб бир-бирини такрорламайдиган жестлардан фойдаланадилар. Аёлларнинг ва эркакларнинг фойдаланаётган жестларининг бир-бирига ўхшайдиган ва фарқ қиладиганлари мавжуд. Қандай мавзудан қатъий назар гендер масаласи уларнинг ҳар хил вазиятларда турли хил ўхшаш ва фарқ қилувчи новербаликадан фойдаланишлари жуда ҳам мунозарали мавзу бўлиб, бир қолингга тушмайди.*



Калит сўзлар: жестикуляция, проксемика, кинема, гендер, стереотип, мимика, сегмент ,сигнал, юриш,-туриш

Гендер стереотиплар ўзбек новербал мулоқоти доирасида эркак ва аёл шахсига оид тасавурларининг маданий ва ижтимоий хусусиятларини намоён қилади. Ушбу стереотиплар жисмоний, физиологик, рухий интелектуал ва шахсий хусусиятлар билан фарқланади.

НOVERбал воситаларнинг гендер тадқиқи жамиятнинг эркак ва аёлларга муносабатини белгиловчи маданий ва ижтимоий омилларни ажратишга имкон беради. Эркак ва аёлларга хос новербал мулоқотда ёш, ташқи қиёфа, жисмоний ҳолат, фаолият, интелект каби тушунчалар муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Энди эркак ва аёл новербал мулоқотнинг ўзбек халқи маданиятига тегишли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

1. Гендер стереотипи. “Қайғу”. Яқин қариндошларининг ўлими учун мотам тутаётган аёллар қўллар кафтини тиззага ёйиб, оёқларини чап ёки ўнга қайириб ён тарафга буриб ўтиришадилар. Улар шунингдек икки кафтларини бирин устун қўйиб ҳам ўтиришлари мумкин. Эркаклар эса турган ҳолатда қўлларини қовуштириб, ўтирган ҳолатда эса кафтларини тиззаларига қўйиб бошларини қуйи солиб ўтиришади. Эркакларнинг қайғуни ифодаловчи жестлари-қўксига муштлаш, тиззаларига қўлини уриб дод солишлари бўлса, аёллар асосан юзини кафти билан тўсиб хўнграши ва оғир ҳолатларда сочларини юлиб дод солишларидир. Лаб буриш, қош чимириш имо-ишоралари одатда енгилроқ вазиятларда ишлатилинади.

“Onamiz norozi bo’ldi. Beti burishib-burishib og’rindi. Labini burib ming’illadi: - Otni nima qilaman? Otdan mashina yaxshi-dedi” [1. Б. 3]. *“Ўша бола ўн икки ёшида қизамиқдан вафот этувди. Шўрлик Моҳтаб янғачамнинг: булбул гўём бачам, дея сочини юлиб йиғлаганлари кечагидай кўз олдимда”* [2.Б. 208]. *Шу хил бир-биримизга қараб ўтиришларимизнинг бирида Шухрат алам билан кўксига муштлай бошлади. Кўрқиб кетдим. Нега унақа қилаётганини билолмай ҳайрон бўлиб қараб турардим. У ичим ёниб кетди-ку, бағрим ёниб кетди-ку, демоқчи бўларди”* [2.Б.56].

2. Гендер стереотипи. “Ғазаб”. Эркакларнинг табиатидаги тажовузкорлик, қизиққонлик ҳолати аёллардан ажралиб туради ва бу ҳолатни очиқ намоёиш этадилар. А. Пизнинг фикрига кўра ғазабланишни ифодаловчи жест инсон қўлларини белига қўйиб ёки қўлини биқинига қўйиб туришидир, бу ҳолатни “тажовузкорликка тайёрлик” жести деб ҳам аталади. Пиз бу жестни эркаклар айнан аёлларни ёнида тажовузкор ва ундан устун бўлган кучини кўрсатиш учун фойдаланишади деб ҳисоблайди. Пиз эркакларнинг бу ҳолатини гўё қушлар жанг олдида қанотларини ёзиб, виқор билан ўзларини кучли қилиб кўрсатишга уринишларига таққослайди. Эркаклар ҳам худди шу мақсадда ушбу жестдан фойдаланишади [3. Б.153]. Ўзбек маданиятида ҳам тажовузкорлик, баджаҳлликни ифодаловчи турли жестлар мавжуд бўлиб, улар турли вазиятларда мақсадга мувофиқ фойдаланилади. Баъзи ҳолларда аёллар ҳам эркаклар ҳам жаҳллари кўрсатаётганда деярли бир хил жестлардан фойдаланадилар. *“Boysunlik alamidan yomon-yomon o’qraydi, yomon-yomon chaqchaydi. Ko’zlarini olaytirdi. Burab-burab so’kdi. Oxiri uloqni tashlab yubordi”* [1.Б.18]. *Tarlonni to’daga soldim. Tarlon to’daga kirmadi. Keyiniga tisarildi. Suolig’ini chaynadi, boshini sarak-sarak etdi. Tizzam bilan biqiniga niqtadim, sag’rishiga qamchiladim”* [1.Б.19].



Аёлларнинг жестларини эркаклар фойдаланадиган жестларни аёллар ишлатишмайди дейиш мутлоқо хато. Аёллар ҳам ғазабланишга майллари катта, аммо мулойим ва нозик табиатидан келиб чиқиб ғазабларини ва жаҳллариини беркитадилар ва пардали кўринишда намоён этадилар. Робин Лакофнинг “Тил ва аёлнинг ўрни” асарида аёлларнинг биологик хулқ-атворини инкор этиб, ўғил болалар ва қизлар тарбиясидаги бир-бирига ўхшамайдиган фарқни кўради. “Кичик хонимлар ўғил болалар сингари юқори овозда бақирмайдилар ва характерини ва жаҳллариини кўрсатиб, овоз оҳангини кўтариб мулоқотга киришишса уларни шавқатсиз жазо кутади”. Ўғил болаларнинг табиатидан гўё табиатнинг ғайрати кутилади, аммо қизлардан фақат ва фақат итоаткорлик кутилади ва талаб этилади. Одатда аччиқ-тирсик ғазаб ва жаҳл қилишга эркакларга рухсат этилади ва нормал қабул қилишга одатланилган. Аёлнинг майда-чуйда нарсалардан безовталаниши ва нола қилиши мумкин, аммо фақат эркакларгагина жаҳл билан бақирш, қичқириш хосдир [4.С.789].

Эркаклар безовта бўлганларида кўллариини тиззаларига уриб, қошларини чимириб, муштлаб жаҳллариини намоён қилишсади, оғзаки равишда ҳам ўз фикрларини намоён қилишлари мумкин. “Кўзи гоҳ шифтга тикилар, гоҳ қошлари чимирилиб худди урушмоқчи бўлгандек менга ёмон қараб қоларди” [5.Б. 56]. “Азизхон кўксини захга босиб энди тақдирга тан бериш керак деган ўйга келар, шундай ўй келган калласиги мушт уриб сапчиб туриб кетар эди” [5.Б.72].

3. **Гендер стереотипи “ажабланиш”.** Ажабланганда аёл ва эркакларнинг новербал хатти-ҳаракатлари бир хил эмас ва бир-бирига деярли ўхшамайди. Чунки эркак ва аёллар турли хил новербал имо-ишоралардан фойдаланадилар, масала, эркаклар бундай вазиятларда иягини, бошини қашиса, аёллар мулоқотчига тикилиб қолишсади. “Бўлдим, гапинг битдим? Энди мандан эшит! Куёв тараф неча пуллик қалин юборган бўлса барини тўлаймиз-бу бир. Синглингни ўзимиз келин қиламиз-бу икки. Энди кўнглинг жойига тушдим. Акбарали нима дейишини билмай иягини қашиди” [5].

4. **Гендер стереотипи “Келишмовчилик”.** Аёллар гап тортишиб қолганларида асосан кўрсаткич бармоқларини ниқтаб гапиришса, эркаклар кафтларини шапалоқ кўринишда ўқталиб, қовоқ уйиб тортишадилар. “Анави нима? –Лайлак!-деди жеркиб қовоқ солиб.-Лайлак деяпман-ку, кармисиз! Шундай деди-ю, тез-тез юриб кетди” [6. Б.3]. “Икки тиззасига шапатлаб уриб жавраётган хотинининг тепасига келган Умматали юпатишга тушди” [5.Б.32].

5. **Гендер стереотипи “Қувонч”.** Қувончни ифода этилишда ҳам гендер нуқтаи назардан ўхшашлик ва бир-хил ифода этилмайдиган жестлар мавжуд. Эркаклар одатда ўз қувончларини кафтларини бир-бирига ишқалаб, қарсак чалиб, тазига ёки сонига кафтлари билан уриб ифодалашса, аёллар бундай ҳолатларда сипороқ, вазмин ҳолатда камроқ хиссиётга берилиб кафтлари билан қарсак чалиш билан кифояланишсади. “Зум ўтмай оғир, қалин папкани олиб келдим. Ойбек қувониб кетди. Бағрига босиб, елкамга қоқди” [2.Б.19]. “Башар айвонда нимадир қилаётган эди. Ғафур ака тепасига келиб, нима қияпсан, унақамас бунақа қил деди. Бола дадасига қаради-да, Ғафур Ғулом бўлсанг ўзинга билдингми, ярамас-деди. Ғафур ака тиззаларига уриб, қотиб-қотиб кулди” [2.Б.79].

6. **Гендер стереотипи “Уят”.** Эркаклар уялганларида ерга қараб, аёллар эса кафтлари билан ёноқларини ушлаб, баъзан улар ҳам ерга қараб бир-бирларига ўхшаш ва ўхшамайдиган жестлар орқали ифода этишсади. “У кетаркан самовар сўриларни тўлдириб ўтирган чойхўрлар ундан кўз узишмас, ана йиқилган полвон деб шивирлашарди. Эшполвон бу



гапларни эшитмасам ҳам сезарди. Шунинг учун бошини кўтармай, ҳеч қайёққа қарамай қора дарё кўпригидан ўтиб борарди” [5. Б.83].

Юқоридаги таҳлиллар ўзбек жистлари гендер аспектида эркак ва аёллар томонидан интенсив равишда қўлланишини кўрсатяпти. Эркаклар биринчи навбатда жистлар ёрдамида оилада ўзининг кучини, мавқеини ва ўрнини кўрсатиш учун асосан агрессив новербаликадан фойдаланишар экан. Турмуш ўртоқлари ёнида ожиза ва заифа бўлган аёллар эри билан мулоқотда уларнинг истак ва хоҳишларини, нима демокчи эканликларини юз ифодалари ва чимирилган қош-қовоқларидан, қўл силтаб гапиришларидан билиб олишади.

“–Вой домлажон-э сўрасам нима қипти. Кел дедингиз. Келса овқат-повқат қилайми, деб сўраяпман-да. Абдулла ака қўл силтаб шарт эмас, –деди” [2.Б.120]. Вербал алоқада сўзлар инсон ҳолатини тўлиқ ва осонгина ифода эта олмасликлари сабабли сўз билан ифода этилмайдиган ноартикуляр элементлар: интонация, мимика, имо-ишоралар ёрдамида ифодаланади. “Оқсоқол қаҳрабон кўк чойни хўплайди. Қошлари чимирилиб, болалик йилларини эслагандек жимиб қолади” [2.Б.209]. Бу гапда оқсоқолнинг қош чимиришигина унинг узоқ ўйга толганлигидан хабар бера олади. “Новербал ишораларнинг қисқа ва камлигидан қатий назар, улар энг кам гапларни тўлиқ ва аниқ ифодаларга айлантирадилар” [7.Б.6]. Аёл ва эркакларнинг ижтимоий ҳаётда гендер нуқтаи-назардан эгаллаган ролига қараб уларнинг табиати, характери ҳам новербал воситалар фойдаланишларига таъсир этади.

Ўзбек аёллари ҳамда эркаклари ўртасидаги иерархик фарқлар қуйидагилар:

1. Ўзига бўлган ишонч: эркаклар > аёллар¹
2. Кўп ҳуқуқли: эркаклар > аёллар
3. Доминантлик: эркаклар > аёллар
4. Музокаралар бошлаш: эркаклар > аёллар
5. Гап, сўз бермаслик устунлиги: эркаклар>аёллар
6. Стереотипларга ишониш ва қўрқиниш: аёллар> эркаклар
7. Алдов, фирибгарликка мойиллик: аёллар> эркаклар

Ижтимоий интеграция

1. Яқин, барқарор алоқа: аёллар > эркаклар
2. Ахлоқий стандартлар: аёллар > эркаклар
3. Ахлоқий муросада руҳий ғазаблани кўрсатиш: аёллар > эркаклар
4. Руҳий характер: аёллар > эркаклар
5. Ҳамдардлик: аёллар > эркаклар
6. Илоҳий ишонч: (тақдирга, худога бўлган ишонч) аёллар > эркаклар
7. Демократик лидерлик: аёллар > эркаклар

8. Ижтимоий идрок (новербал сигналлардан фойдаланишга) аёллар>эркаклар

1. Саломлашиш. Ўзбек маданиятида эркаклар бир-бирлари билан саломлашаётганларида, бир-бирларининг кўкрагига босган ҳолда кучоқлашишлари мумкин, кафтлари билан бир-бирларини қўлларини сиқиб қўйишлари ёки белларини сиқиб саломлашишлари ҳам учрайди. “Ғафур ака ўйинни тўхтатмай деди: -Кечирдим деб айт. Бўлмасам шу ўйнаганимча ўйнаб қайтиб чиқиб кетавераман. –Бўлди кечирдим,-деди Абдулла ака. Икковлари бел олиб, кучоқлашиб кетишди” [2.Б.111]. У бижир йигитнинг қўлини қўйвориб, бошқа баланд бўйли озгин қора йигитнинг қўлини олди [5.Б. 208].

1-Жадвал 1-Этносоциал ва ижтимоий мақомларни белгилашнинг гендер стереотиплари



Стратификация ва вазиятлар хилма-хиллиги (роль, мақом, одоб-ахлоқ қоидалари)	Эркаклар стереотипи	Аёллар стереотипи
Этносоциал ҳолат, ижтимоий муносабатлар: оила иерархиясидаги “устунлик-бўйсиниш” (эр-келиннинг ота-онасига, келин-эрнинг ота-онаси, қариндошларига)	<i>Саломлашиш. Куёв бола ҳам бош эгиб, қўли кўксига саломлашади</i>	“Келин салом” (таъзим кўринишида), бу маросимда келин ўнг қўлини кўксига қўйиб, бошини эгиб куёв ва унинг қариндошларига салом беради. Оилада оила аъзо ва қариндошларга эгилиб қўли кўксига салом берилади

Новербаликанинг гендер таҳлили асосида социал мақом ва роль масаласи аёл ва эркак хулқ-атворида ифодаланаётган ишоралар мутаносиб эканлигини кўрсатади. Нафақат ўзбек маданиятида, балки бошқа маданиятларда ҳам жистлар гендер нуқтаи назардан бир-биридан фарқ қилади. Масалан рус тилида ҳам эркакарнинг алоҳида имо-ишоралари борлигини Г.Е. Крейдлин таъкидлайди. Г.Е Крейдлин рус маданиятидаги эркакларнинг жистини уларнинг курсида ўтиришлари, оёқларини бир-биридан ажратиб туришлари, бошини қашинишлари, қўлларини силаши, муштини столга уриши, ҳар хил одобсиз қилиқларини мисол қилиб келтиради. Эркаклик жистига яна аёл фигурасига қараб соқолини силаётган кинеманинг тасвири, агар соқоли бўлмаса жағини ушлаб тикилаётган эркакнинг кўринишини ҳам мисол қилиб келтиради [8.с.92].

Мисол тариқасида аёллар ва эркакларнинг бирор бир нарса ҳақида қарор қабул қилишларини қуйидаги жадвалда кузатамиз.

2-Жадвал

Аёллар	Эркаклар
-келишув қарор қабул қилаётганларида бошини олдинга силкитиш, синчковлик билан тинглаётганини кўрсатади	-нейтрал тана ҳаракатларидан фойдаланадилар, аёлларнинг бошини силкитишини розилик белгиси деб қабул қиладилар
-тўғридан-тўғри хурматини изҳор қилишлари учун кўз контактидан фойдаланадилар	Оқулесикадан кам фойдаланишади, ёқтиришмайди
-сухбат давомида юзма-юз ёндашишади	Сухбат давомида инсонлар ёнидан ёндашадилар
-мулоқотда эҳтиёткорлик билан бевосида (яширин) нутқдан фойдаланадилар	Тўғридан-тўғри (билвосита) тилдан фойдаланадилар, дангал сухбатни олиб боришади



Эркак ўқитувчи:

Аёл ўқитувчи

“I certainly challenged how she was thinking about things. I allowed her to view her thoughts from a different angle. I supported her and gave her confidence by telling she could overcome her challenges”.	“I became more approachable by people. He thought me that you work with people all the time and that I should look at what I like in people and learn how to develop those qualities in myself”.
“I helped under what influencing people really meant. I also explained how she could build her personal brand. I asked her how she would want to be seen and how she is actually being seen”.	“It gave me a lot of perspective. It never developed emotionally”.
“What she was at a fork in the road, I helped her by providing her with my experience and support”.	“He is a great communicator. He is natural coach and a direct person”.

Ўзбек маданиятида ҳам турли шундай вазиятларни кўрсак: Масалан, ўйчанлик, хаяжон, хижолат ҳолатлари: -“Ўзинг биласан шеър ёзаётганимда иягимга қўлимни қўйиб ўйлайман. Соқол гашимни келтирмасин деб ўзим олиб ташлай қолдим” [2.Б.32]. Мени хафа бўлиб қолмасин деб: сен ҳам катта ёзувчи бўлганимда ёш ёзувчи шогирдларингга шунақа зарда қилиб, хумордан чиқарсан,-деб бир қошини учириб қўйди [2.Б.112]. Юз инсоннинг психологик ҳолати тўғрисида маълумотнинг асосий манбаи ҳисобланади. Лекин, баъзан бу ҳолат кам информатив бўлиши мумкин. Юзнинг мимик ифодаси тана ҳаракатига нисбатан ақлан кўп марта яхшириқ назорат этилади. Айрим муҳим вазиятларда, инсон ўзининг хиссиётларини беркийтишга уринса ёки ёлғон маълумот бераётган бўлса, бунда юз ифодаси кам маълумот беради, тана ҳаракати эса асосий, кўп маълумотни беради. Шунингдек кузатувлар ва таҳлиллар адаптор ва объектлардан фойдаланиш номуносив эканлигини кўрсатмоқда. Адаптор-объект –бу моддий нарсалар ва улардан чиқаётган товушлар. Аёллар ишончсизлик ёки асабийлашиш ҳолатларини яширишда сумкалари, шарфлари, дасрўмоллари ,гулдаста ёки турли хил заргарлик буюмлардан фойдаланадилар. Бундай ҳолатда эркаклар эса қўл соатлари, занжирлари, бўйинбоғларини бураб, айлантириб, кастюмларини олдини қадаб, ечиб, қўлидаги калитни ўйнаб, сигареталарини айлантириб, столга бармоқлари билан чертиб вазиятдан чиқадиладар.

Бошқа маданиятларда ҳам жестлардан фойдаланишда катта гендер фарқлари мавжуд. Худди шу масалада А. Монтегю руҳий қийналиш ёки норозилик ҳолатларида турли хил географик ва маданий минтақалардан келган эркаклар жағларини қўллари билан силаши ёки қулоқларини бир оз пастга тортиши, пешоналарини, ёноқларини ёки бўйин орқа қисмини силашлари мумкин. Одатда бир хил интелект ва психологик ҳолатдаги аёллар турли жестлардан фойдаланадилар. Масалан, улар кўрсатгич бармоқларини ияқларига ёки пастки олд тишларига қўйиши, оғзини бироз очишлари мумкин [9.Б.208].

Хитойда саломлашиш маросими аёллар ва эркаклар томонидан номуносив холда бажарилади. Эркаклар аёллардан узоқроқ турган равишда Хитой аёлларига ноодатий тарзда қўллари чўзадилар. Улар саломлашаётганларида қўллари танага яқин тутадилар [10.р.237-238]. Адам Кеңдон ва Эндрю Фертер турли миллат ва маданиятларда саломлашаётганда тўртта умумий ҳолатни аниқлади (а) тўғри туриб (бошни эгмасдан) (б) бошни бир оз орқага ташлаб (в) бош бир оз қўтариладан ва ён



томонга эгилган (г) ияк олдинга силжийди. Уларнинг фикрига кўра эркаклар бошларини тик тутган ҳолда саломлашишни афзал кўришади (сўровномада 35 эркакнинг 27 нафари танлаган), аёллар эса бошларини ён томонга буришган (20 нафардан 18 таси) ва қисман аёллар сўровномада эркаклар билан бош эгиб саломлашишни танлаганлар [11.Б.593]. Тожиклар орасида ҳам саломлашиш жестлари турли хил. Саломлашаётганларида икки қўлини ҳам шеригини қўлига узатади ва енгилгина сиқиб қўйишади. Агар саломлашиш учун бир қўли узатилса бу хурматсизлик ва беодоблик белгиси ҳисобланади. Яхши хулқли киши кекса одам билан саломлашаётганда ўнг қўли ёки иккала қўлини бирин устун қилиб кўксига қўйиб, қаддини ҳиёл эгиб таъзим қилади. Унинг қанчалик даражада эгилиши шеригининг ёшига боғлиқ. Эгилганидан сўнг “Ассаломағалейкум” деб айтишади. Сўнг қўлини кўксидан олмай туриб шеригига яқин келади, агар шериги қўл бериб сўрашиш майлида бўлса икки қўлини узатади ва “Ассаломағалейкум” деб айтади.

Тожикистоннинг шимолий қисмида аёллар бир-бирининг қўлларини ўпиб саломлашишлари алоҳида хушёқиш маъносини англатади, сўнг қўллари билан бир-бирининг елкаларидан олишади. Тожикистоннинг Жанубий қисмидаги аёллар эса қўл сиқиб, ўпишиб саломлашишади. Узоқдан саломлашаётганларида қўлларини кўксига қўйиб, бошларини ирғашади. Ва шу вақтнинг ўзида оғизда ҳам саломлашиш сўзи айтилади. Қизлар одатда бир-бирига қариндош бўлмасалар қўл бериб саломлашмайди [12. Б. 134].

Кўриб турганимиздек, аёллар ва эркаклар орасидаги жестларнинг қўлланиши турлича. Гендер таҳлилидаги тадқиқот эркаклар эмоционал ҳолатини ва ифодали хатти-ҳаракатлари учун жестларга мурожат қилишларини, аёллар уларга нисбатан камроқ фойдаланишларини кўрсатмоқда. Новербал мулоқотдаги гендер фарқлари олимларнинг илмий адабиётларда аёл ва эркак новербаликасининг услублари ҳақида тадқиқот олиб боришларига сабаб бўлди, баъзилари аёллик баъзилари эркаклик жестлар сифатида қабул қилинди. Биз эркаклар ва аёлларнинг мулоқотида новербаликанинг устун ва фарқли томонлари борлигини кўрдик ва таҳлил қилдик. Ва хулоса тариқасида икки жинс вакиллариининг ўзига яраша жестларнинг фойдаланишда алоҳида маҳорати, устунликлари ва ёндашувлари борлигини кўрдик.

Адабиётлар

1. Тоғай Мурод, От кишнаган оқшом, 1979.
2. Саид Аҳмад, Топганларим ва йўқотганларим, 2014.
3. Пиз. А. Язык телодвижений. Как читать мысли других по их жестам. Нижний Новгород: Ай-Кью.-1992.-153 с.
4. Лакофф Р. Место и роль женщины // Ведение в гендерные исследования.
5. Саид Аҳмад. Уфқ.
6. Ўткир Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар, 2004.
7. Фомин Ю. А. Психология делового общения. Мн. Амалфея, 2000.-6 с.
8. Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика: Язык тела и естественный язык. М. Новое литературное обозрение.-2002.-92 с
9. Montagu A. Touchin: The human significance of skin. New York: harper row? 1971.
10. Stephenson J.Pine N., Zhang Liwei Xie Jian. Some gestures commonly used in Nanjing, PRC, semiotica, 95, № 3/4, 1993.
11. Kendon A., Ferber A. A description of some human greetings // P.M. Michael, J.H. Cook (eds) Comparative ecology and behavior of primates. London; Academic, 1973.



12. Об особенностях коммуникативного поведения таджиков // Национальная специфика речевого поведения. М: Наука, 1977.

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ЙЎНАЛМА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАРИ

Наширова Дилноза Буриевна,

Қарши муҳандислик иқтисодий институти ўқитувчиси

dilnozanashirova1988@gmail.com

Аннотация: Йўналма ҳаракат феъллари семик таркиби аташ, ифода ва вазифа семаларидан ташкил топган. Барча ЛСГлар вазифа маъноси объектив, таркибидаги барча воситалар учун умумий ўзгармас бўлгани ҳолда, аташ ва ифода маънолари таркиби воситадан воситага сезиларли даражада фарқ қилади. Бироқ йўналма ҳаракат феълларининг аташ маъносида объектив семаларнинг мунтазамлигига гувоҳ бўламиз. Яъни аксарият йўналма ҳаракат феълларининг денотатив семаси таркиби бир хил – ҳаракатнинг йўналиши тури, бажарувчиси ва кечиш ўрни асосий аташ семалари, ҳаракат тарзи семаси иккинчи даражали денотатив сема эканлиги аниқланди. Йўналма ҳаракат ЛСГнинг ифода маънолари бошқа гуруҳлар билан симметрик, яъни ижобий, салбий ва нейтралга бўлинади.

Семантик муносабатлар сирасида синонимия, зид маънолилик ва градуонимия феъл лексик-семантик гуруҳига хос. Йўналма ҳаракат феъллари синонимияси ва антонимияси уч кўринишда бўлади. Мутлақ синонимия икки лексема орасидаги барча семемалар, хусусан тарз, йўналиш тури, бажарувчиси, ҳаракат кечувчи макон семалари тўлиқ мос келишини англатади. Контрар антонимияда эса айни шу семаларнинг мутлақ зиддияти намоён бўлади. Қисман маънодошлик ва комплементар антонимия юзага келиши учун юз фоиз мутаносиблик ёки юз фоиз зиддият талаб этилмайди. Йўналма ҳаракат феълларининг маъно тафовути асосан тарз семаларида эканлиги аниқланди. Шунингдек аксарият ҳолатларда айнан ҳаракат тарзи семасидаги тафовут гуруҳ элементларини денотатив даражаланиш қаторига қўйишга асос бўлди.

Калит сўзлар: йўналма ҳаракат феъллари, семантик муносабатлар, синонимия, антонимия, денотатив градуонимия, коннотатив градуонимия

SEMANTIC RELATIONSHIPS OF DIRECTIONAL VERBS IN ENGLISH

Nashirova Dilnoza Burievna,

Lecturer of Karshi Institute of Engineering Economics

dilnozanashirova1988@gmail.com

Annotation: The semantic structure of directional verbs consists of nouns, expressions, and task semantics. While the meaning of the task of all LSGs is objective, common to all the tools in it, the composition of the meanings of the nouns and expressions varies considerably from tool to tool. However, we witness the regularity of objective semantics in the nominative sense of directional verbs. That is, the structure of the denotative semaphore of most directional motion verbs is the same - the type of direction of the action, the executor and the place of transition are found to be secondary denotative semaphores, the action style semaphore is a secondary denotative semaphore. Directional action, the expressive meanings of LSG are symmetrical with other groups, i.e., positive, negative, and neutral.



Among semantic relations, synonymy, contradictory meaning and graduonymy belong to the lexical-semantic group of verbs. Synonymy and antonymy of directional verbs come in three forms. Absolute synonymy means that all semantics between two lexemes, in particular style, direction type, performer, moving space semantics, correspond exactly. Contra antonyms, on the other hand, show the absolute contradiction of the same semantics. One hundred percent proportionality or one hundred percent contradiction is not required for partial semantics and complementary antonymy to occur. It was found that the difference in meaning of directional verbs is mainly in style semantics. Also, in most cases, the difference in behavior semaphore was the basis for placing group elements in the denotative hierarchy.

Keywords: *directional verbs, semantic relations, synonymy, antonymy, denotative graduonymy, connotative graduonymy*

СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ НАПРАВЛЕННЫХ ГЛАГОЛОВ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Наширова Дильноза Буриевна,

Преподаватель Каршинского инженерно-экономического института.

dilnozashirova1988@gmail.com

Аннотация: *семантическая структура направленных глаголов состоит из существительных, выражений и семантики задачи. Хотя смысл задачи всех ОМС объективен и является общим для всех используемых в нем инструментов, состав значений существительных и выражений значительно варьируется от инструмента к инструменту. Однако мы наблюдаем закономерность объективной семантики в именительном падеже глаголов направления. То есть структура денотативного семафора большинства глаголов направленного движения одинакова - тип направления действия, исполнитель и место перехода оказываются вторичными денотативными семафорами, семафор стиля действия является вторичным денотативным семафором. . Направленное действие, выразительные значения МСУ симметричны другим группам, т. Е. Положительным, отрицательным и нейтральным.*

Среди семантических отношений к лексико-семантической группе глаголов относятся синонимия, противоречивое значение и градуонимия. Синонимия и антонимия направленных глаголов бывают трех форм. Абсолютная синонимия означает, что вся семантика между двумя лексемами, в частности стиль, тип направления, исполнитель, семантика движущегося пространства, точно соответствуют. Противоположные антонимы, с другой стороны, показывают абсолютное противоречие одной и той же семантики. Стопроцентная пропорциональность или стопроцентное противоречие не требуется для возникновения частичной семантики и дополнительной антонимии. Выяснилось, что разница в значении глаголов направления заключается в основном в стилевой семантике. Кроме того, в большинстве случаев разница в поведении семафоров была основой для размещения групповых элементов в денотативной иерархии.

Ключевые слова: *направленные глаголы, семантические отношения, синонимия, антонимия, денотативная градуонимия, коннотативная градуонимия.*

Турли лексик-семантик гурухлар орасидаги семантик муносабатлар асосан маънодошлик, зид маънолилик, кўпмаънолилик шаклида бўлиши мумкин. Шунингдек, луғавий бирликлар орасида гиперо-гипонимия, конверсия, казуонимия ва градуонимик муносабатлар ҳам мавжуд. Лексик сатҳ воситаларининг семантик муносабатларини



аниқлаш тил луғат таркибининг тизими ва таркибини изчил ўрганишга йўл очади. Лисондаги ЛСГларнинг ушбу маъно муносабатларини ўрганиш ўзининг амалий натижаларига кўра аҳамиятли. Биринчидан, бир луғавий birlikка оид семантик муносабатларни аниқлаш воситасида унинг нутқда қўлланиш меъёри ҳамда бирикув имкониятини тушуниш мумкин. Бу билим ўз навбатида лексикографик талқинларни изчиллаштириш ва матн таҳрири методларини ишлаб чиқиш базаси бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, ушбу база ҳорижий тилларни ўрганишда ва таржимашуносликда қўл келади. Зеро, луғавий birlikлар орасидаги маъно муносабатларини билиш орқали нутқда сўз қўллаш борасидаги услубий, прагматик ғализликларни бартараф этиш мумкин. Шу ва бошқа қатор натижаларни кўзда тутган ҳолда инглиз тилшунослари ҳам лисоний birlikларнинг маъно муносабатларини аниқлаш масаласига жиддий ёндашишади. Инглиз тилидаги феъл функционал семантик майдонининг маъно муносабатларини таҳлил қилишга бағишланган ишлар кенг қўлами ва изчиллиги билан ажралиб туради [1].

Феъл сўз туркумидаги воситалар орасида синонимия, антонимия, градуонимия ҳамда полисемия муносабатлари мавжуд.

Маълумки, маъно муносабатларининг классик турларидан бири синонимия хисобланади. Инглиз тилида маънодошлик ҳодисаси бошқа тилларда бўлгани каби лисоний ёки контекстуал типларга ажралади. Контекстуал синонимия феномени қуйи табақаларга эга эмас, лисоний синонимия эса дублетлик, семантик, услубий ва семантик-стилистик семалардаги номутаносибликлар сабабли қисман бўлиши мумкин.

Маълумки, лексемалар орасидаги абсолют синонимия (мутлақ маънодошлик) нисбатан кам учрайдиган маънодошлик тури. Чунки икки лексемани ўзаро мутлақ маънодош деб эътироф этиш учун уларнинг аташ, ифода ва вазифа семалари, шунингдек, қандай сўзлар билан бирикма ҳосил қила олиш имконияти бир хил бўлиши талаб этилади. Зеро, нутқда мутлақ синоним birlikлар бир-бирининг ўрнини босиши, вариантдош бўлиши талаб этилади. Йўналма ҳаракат феъллари сирасида мутлақ маънодошлик муносабати қуйидаги лексемалар орасида аниқланди:

Мутлақ маънодош йўналма ҳаракат феъллари	
JUMP – to <u>push</u> yourself <u>suddenly</u> off the <u>ground</u> and into the <u>air</u> using your legs: The <u>children</u> were jumping up and down with <u>excitement</u> .	BOUNCE – to (cause to) <u>move</u> up or away after <u>hitting</u> a <u>surface</u> : The <u>ball</u> bounced off the <u>goalpost</u> and into the <u>net</u> .
SPIN – to (cause to) <u>turn</u> around and around: The <u>earth</u> spins on <u>its axis</u> .	WHIRL to (cause something to) <u>turn</u> around in <u>circles</u> : She <u>saw</u> a <u>mass</u> of <u>bodies</u> whirling around on the <u>dance floor</u> .
ARRIVE –to <u>reach</u> a <u>place</u> , especially at the end of a <u>journey</u> : What <u>time</u> will <u>your train</u> arrive ?	GET – to <u>reach</u> or <u>arrive</u> at a particular <u>place</u> : <u>What time</u> does <u>he normally</u> get home (from work)?
ELEVATE – to <u>raise</u> something or <u>lift</u> something up: The <u>platform</u> was elevated by <u>means</u> of <u>hydraulic legs</u> .	LIFT – to <u>move</u> something from a <u>lower</u> to a <u>higher</u> <u>position</u> : Could you <u>help</u> me lift this <u>table</u> , <u>please</u> ? [2]



Ушбу лексемалар аташ маъноларидаги йўналиш, ҳаракат бажарувчиси, тарз ва ҳаракатнинг кечиш жойини англатувчи семалари айнанлиги сабабли мутлақ маънодош бўла оладилар. Қолаверса, йўналма ҳаракат феъллари қисман маънодошлик муносабатини намоён эта олади. Қисман синонимик муносабат икки лексема бир-биридан бирор ифода семасига кўра фарқланишини, фарқли семалар аташ ва коннотатив маъно таркибида бўлишини англатади. Шу ўринда айтиш жоизки, фарқли семалар сонининг ортиши икки лексема орасидаги маънодошлик муносабатлари кучсизланишига олиб келади. Масалан, ушбу йўналма ҳаракат феъллари қисман маънодош ҳисобланади, нутқда улар ҳар доим ҳам бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Ушбу маънодошларнинг воқеланиш имкониятлари тафовутдаги семалари сабаб чегараланган:

Қисман маънодош йўналма ҳаракат феъллари	
CLIMB – to go up, or to go towards the <u>top</u> of something: the <u>plane</u> climbed <u>quickly</u> to a <u>height</u> of 30,000 <u>feet</u> .	CLAMBER – to <u>climb</u> up, <u>across</u> , or into <u>somewhere</u> with <u>difficulty</u> , using the <u>hands</u> and the <u>feet</u> : they clambered over/up the <u>rocks</u> .
SOAR – to <u>rise</u> very <u>quickly</u> to a high <u>level</u> : All <u>night long</u> <u>fireworks</u> soared into the <u>sky</u> .	RISE – to <u>move</u> upwards: The <u>balloon</u> rose <u>gently</u> (up) into the <u>air</u> .
LEAN – to (cause to) <u>slope</u> in one <u>direction</u> , or to <u>move</u> the <u>top part</u> of the <u>body</u> in a particular <u>direction</u> : She leaned <u>forward</u> and <u>whispered</u> something in my <u>ear</u> .	BOW – to <u>bend</u> <u>head</u> or <u>body</u> forward especially as a way of <u>showing</u> [2] someone <u>respect</u> or <u>expressing</u> <u>thanks</u> to people who have <u>watched</u> you perform: They bowed to the Queen
FLY – when a <u>bird</u> , <u>insect</u> , or <u>aircraft</u> flies, it <u>moves</u> through the <u>air</u> : The <u>poor</u> <u>bird</u> couldn't fly because it had a <u>broken</u> <u>wing</u> .	HOVER – to <u>stay</u> in one <u>place</u> in the <u>air</u> , usually by <u>moving</u> the <u>wings</u> <u>quickly</u> : A <u>hawk</u> hovered in the <u>sky</u> , <u>waiting</u> to <u>swoop</u> down on <u>its</u> <u>prey</u> .
CREEP – to <u>move</u> <u>slowly</u> , <u>quietly</u> , and <u>carefully</u> , usually in <u>order</u> to <u>avoid</u> being <u>noticed</u> : She <u>turned</u> off the <u>light</u> and crept through the <u>door</u> . Someone was creeping around <u>outside</u> my <u>window</u> .	SNEAK – to go <u>somewhere</u> <u>secretly</u> , or to take someone or something <u>somewhere</u> <u>secretly</u> : I <u>managed</u> to sneak in through the back <u>door</u> while she wasn't <u>looking</u> [2].

Қисман синонимларнинг қўлланиши эса асосан бадиий матн доирасида бўлади, зеро муаллиф уларни айнан фарқли семаларига асосланиб танлайди. Биринчи жуфт маънодошлардаги фарқ *clamber* лексемасининг аташ маъносидаги «қийинчилик» семасининг *climb* денотатив маъносида йўқлигида намоён бўлади. Иккинчи жуфт йўналиш семасидаги номутаносиблик сабаб қисман маънодош бўлади. Яъни *hover* бир жойда қанот қоқиб туришни англатса *fly* парвоз қилмоқ, ҳавода ҳаракатланмоқ маъносини ифодалайди. “Энгашмоқ” маъносини англатувчи *to bow* лексемаси олд томонга *to lean* эса ёнбошга эгилиш ёки суянишни англатади. Иккиси энгашмоқ ҳаракат семасига кўра маънодош, бироқ уларнинг йўналиш семаси фарқли экан. *To soar* ва *to rise* йўналма ҳаракат феъллари ўсмоқ, кўтарилмоқ маъносини англатади, бироқ биринчи лексема семемаси таркибида “жадаллик” семаси мавжуд, иккинчисида бундай тарз маъноси кўзга ташланмайди. *to creep* ва *to sneak* лексемалари орасидаги фарқни семантик-стилистик дейиш мумкин, чунки икки восита ҳам оҳиста, товушсиз олд томонга



ҳаракатланмоқ маъносини ифодалайди, аммо *to sneak* лексемасининг салбий коннотатив маъноси мавжуд бўлиб, нутқда у кишининг ўғринча бир жойга кириши, бирор нарсани ўғирлаш ёки бошқа манфаатни кўзлаб секин оёқ учида ҳаракатланишини англатади. Айнан шу семаси сабабли иккиси нутқда ўзаро тўлақонли вариантдошлар сифатида қўлланмайди. Синонимик муносабатлар сирасида контекстуал маънодошлик қатъий талабларга асосланмаганлиги билан ажралиб туради. Сўзнинг контекстуал маъноси фақат нутқ воситасида аниқлангани каби унинг муайян лисоний бирликка маънодошлиги ҳам нутқ орқали ойдинлашади. Англашиладики, контекстуал синонимларнинг маъно ўхшашлигини изчил андоза асосида қолиглаб ҳам, типларга ажратиш ҳам имконсиз. Бундай маънодошлар тўғридан-тўғри луғавий семасига кўра асосланмайди, уларнинг маънодошлиги ўзи қўлланилган контекст билан далилланади.

Зид маънолилик муносабати бир қарашда синонимияга ўхшаб кетади. Яъни воситалар орасида контекстуал ёки соф лисоний зид маънолилик мавжуд бўлади. Контекстуал антонимия ҳеч қандай типларга бўлинмагани ҳолда, лисоний зид маънолилик уч кўринишга эга. Лексемаларнинг барча семалари ўзаро зидлашганда мутлақ (контрар) зид маънолилик муносабати юзага келади. Таъкидлаш жозки, семалари фарқли бўлган лексемалардан кўра семик таркиби тамомила зид бўлган лексемаларни топиш нисбатан мушкул масала. Шунга қарамай, йўналма-ҳаракат феъллари орасида ушбу лексемалар таркибидаги денотатив ва конотатив семалар буткул бир-бирига қарама қарши туради:

Мутлақ зид маъноли йўналма ҳаракат феъллари	
FALL – to <u>suddenly</u> go down onto the <u>ground</u> or towards the <u>ground</u> Without <u>intending</u> to or by <u>accident</u> : The path's very <u>steep</u> , so be <u>careful</u> you don't fall .	SOAR – to <u>rise</u> very <u>quickly</u> to a <u>high level</u> : All <u>night long</u> <u>fireworks</u> soared into the <u>sky</u> .
ARRIVE –to <u>reach</u> a <u>place</u> , <u>especially</u> at the end of a <u>journey</u> : What <u>time</u> will <u>your train</u> arrive?	LEAVE – to go away from someone or something, for a <u>short time</u> or <u>permanently</u> : I'll be leaving at five o'clock <u>tomorrow</u> .
FLOAT – to (<u>cause to</u>) <u>move easily</u> through, or along the <u>surface</u> of a <u>liquid</u> , or to (<u>cause to</u>) <u>move easily</u> through <u>air</u> :We <u>spent</u> a <u>lazy afternoon</u> floating down/along the <u>river</u> .	CRAWL – to <u>move</u> slowly along on <u>hands</u> and <u>knees</u> or with <u>your body</u> <u>stretched out</u> along a <u>surface</u> : The <u>child</u> crawled <u>across</u> the <u>floor</u> .
ROTATE – to <u>turn</u> or <u>cause</u> something to <u>turn</u> in a <u>circle</u> , <u>especially</u> around a <u>fixed point</u> : Rotate the <u>handle</u> by <u>180°</u> to <u>open</u> the <u>door</u> .	SWAY –to <u>move</u> slowly from <u>side</u> to <u>side</u> : The <u>trees</u> were swaying in the <u>wind</u> .
CHASE – to <u>hurry</u> after someone or something in <u>order</u> to <u>catch</u> him, her, or it: The <u>police car</u> was going so <u>fast</u> , it must have been chasing someone.	FOLLOW – to <u>move</u> behind someone or something and go where he, she, or it goes: A <u>dog</u> followed us <u>home</u> [2]



Демак, жадвалда мутлақ зид маъноли дея таъкидланаётган *to fall* “жадал суръатда йиқилмоқ” маъносини англатади, унинг антоним жуфти *to soar* “айни суръатда кўтарилмоқ” маъносини ифодалайди. Иккинчи жуфт лексеманинг деярли барча аташ семалари ўзаро зиддиятда, зеро *to float* йўналма ҳаракат феълининг аташ семаси “сув сатҳида енгил ҳаракатланмоқ”, “қийинчиликсиз оҳиста сузмоқ” маъносини англатган бир пайтда *to crawl* “ерда қийинчилик билан секин эмакламоқ” деган маънони намоён этади. Бу икки лексема ҳаракатнинг кечиш жойи ва тарз маъносига кўра зидланмоқда. Йўналиш турига кўра зидланиш *to leave* ва *to crawl* лексемаларига хос антонимик муносабат дейиш мумкин. Кейинги жуфтлик *to rotate* ва *to sway* ҳам йўналишнинг турига кўра зидланади, бири айланма ҳаракатни ифодаласа, кейингиси тебранма йўналишли ҳаракатни англатади. Шунингдек, айланма ҳаракатни англатувчи *to rotate* феъли ҳаракатнинг бажарувчини англатувчи семасига кўра ҳам фарқланади. Бу йўналма ҳаракат асосан механик ускуна томонидан амалга оширилади, *to sway* эса аксарият ҳолларда табиий равишда рўй берувчи тебранишни англатади. *To chase* ва *to follow* йўналма ҳаракат феъллари асосан тарз маъноси сабаб антонимик муносабатга киришади. Биринчиси жадаллик тарз маъносини ташийдди, иккинчисида эса ушбу сема ўрнида ҳаракатнинг секинлик тарз маъноси ифодаланади.

Қолаверса, лексемалар ўзаро қисман зид маънолик муносабатида туриши ҳам мумкин. Бунда зид маъно лексемаларнинг бутун семемасида эмас, балки бир ёки бир неча компонентида қузатилади. Демак, қуйидаги воситаларни бир ёки бир неча белгиларида зидланувчи комплементар антонимлар сафига қўшиш мумкин.

Қисман зид маъноли йўналма ҳаракат феъллари	
BOUNCE – to <u>cause</u> to <u>move</u> up or away after <u>hitting</u> a <u>surface</u> : The <u>ball</u> bounced off the <u>goalpost</u> and into the <u>net</u> .	CRAWL – to <u>move</u> along on <u>hands</u> and <u>knees</u> or with <u>your</u> <u>body</u> <u>stretched</u> out along a <u>surface</u> : The <u>child</u> crawled <u>across</u> the <u>floor</u> .
SAIL – to <u>move</u> <u>quickly</u> , <u>easily</u> , and (of a <u>person</u>) <u>confidently</u> : The <u>ball</u> went sailing over the <u>fence</u> .	LURCH – to <u>move</u> in an <u>irregular</u> way, <u>esp.</u> <u>making</u> <u>sudden</u> <u>movements</u> <u>forward</u> or to the <u>side</u> : When he put the <u>truck</u> into <u>gear</u> , it lurched forward .
FLUTTER – to make a <u>series</u> of <u>quick</u> <u>delicate</u> <u>movements</u> up and down or from <u>side</u> to <u>side</u> , or to <u>cause</u> something to do this: Brightly <u>coloured</u> <u>flags</u> were fluttering in the <u>breeze</u> .	CREEP – to <u>move</u> <u>slowly</u> , <u>quietly</u> , and <u>carefully</u> , usually in <u>order</u> to <u>avoid</u> being <u>noticed</u> : She <u>turned</u> off the <u>light</u> and crept through the <u>door</u> .
HEAD – to go in a <u>particular</u> <u>direction</u> : I was heading out of the <u>room</u> when she called me back.	ROAM – to <u>move</u> about or <u>travel</u> , <u>especially</u> without a <u>clear</u> <u>idea</u> of what you are going to do: After the <u>bars</u> <u>close</u> , <u>gangs</u> of <u>youths</u> roam the <u>city streets</u> .
CHARGE – to <u>move</u> <u>forward</u> <u>quickly</u> and <u>violently</u> , <u>especially</u> towards something that has <u>caused</u> <u>difficulty</u> or <u>anger</u> : The <u>bull</u> lowered its horns and charged .	STROLL – to <u>walk</u> in a <u>slow</u> <u>relaxed</u> way, <u>especially</u> for <u>pleasure</u> : We could stroll along the <u>beach</u> after <u>dinner</u> [2]



Комплементар антонимик муносабат билан боғланган юқоридаги лексемалар зиддияти асосан тарз маъносида кўзга ташланади. Масалан, *to bounce* (ҳаққалаб югурмоқ) ва *to crawl* (эмакламоқ) феъллари йўналиши ёки кечиш ўрнига кўра фарқланмайди. Бироқ биринчи лексема ҳаракатнинг онийлик тарз маъносини ҳам ташийди, айнаи дамда унинг зид маъноли шериги семантик структурасида давомийлик, секинлик тарз маънолари кўзга ташланади. Иккинчи жуфтлик *to sail* (йўналмоқ) ва *to lurch* (у ёндан бу ёнга чайқалиб юрмоқ) ҳам ҳаракатнинг йўналиши, яъни денотатив семанинг асосий қисмига кўра зидланиш билан бирга, иккинчи даражали аташ семасига кўра ҳам зидланади. Биринчи лексема “узлуксизлик” тарз семасига эга, иккинчиси эса, аксинча, “узлуклилик”, “нотўлиқлик” тарз маъноларини кўрсатади. Шу ўринда айтиш жоизки *to sail* яна бир луғавий маънога, “сузмоқ” йўналма ҳаракат маъносига эга. Бироқ бу қиёсда ушбу луғавий бирликнинг бошқа семемаси, яъни фақат “юрмоқ” маъноси назарда тутилмоқда. *To flutter* (елдек учмоқ) ва *to creep* (оёқ учида оҳиста юрмоқ) феъллари ҳам айнан “жадал ҳаракат” ва “секин ҳаракат” семалари билан антонимга айланади. Яна бир жуфт йўналма ҳаракат феъллари *to charge* (жаҳл ҳамда шитоб билан йўл олмоқ) ва *to stroll* (манзилга бамайлихотир йўналмоқ) ҳам жадал ёки секин тарз маъноси сабаб зидланади. Бироқ *to roam* (айланиб юрмоқ) ва *to head* (йўл олмоқ) феъллари ҳам “секин/жадал” тарз маъносига кўра, ҳам йўналиш турининг аниқлик даражасига фарқли эканлиги сабаб ўзаро зид маъноли бирликка айланмоқда.

Маълумки, ЛСГ элементлари орасидаги семантик муносабатлардан яна бири градуонимия моҳиятан синонимияга яқин. Градуонимик қатор уч воситадан иборат бўлади, воситалар маълум бир маъносининг кучайиб ёки кучсизлашиб боришига кўра даражаланади – тилшунослар градуонимия синонимиядан айнан мана шу икки принципга кўра фарқланишини таъкидлайдилар [3]. Ўзбек тилшунослигида маъно даражаланиши масаласи турли лексик-семантик гуруҳлар доирасида атрофлича тадқиқ қилинган. Қиёсий тадқиқотларда, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларидаги градуонимия ҳодисасини тадқиқ этиш мобайнида инглиз тилшунослари бу масалани очиқ қолдирганига гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, инглиз тилшунослари градуонимия масаласини жиддий, салмоқли ва изчил тадқиқ этишмаган. Эътироф этиш керак, инглиз формал тилшунослиги анъанавий ўзбек тилшунослигидан анча илгари шаклланган, ҳозирда фандаги сўнгги тенденцияларга асос солаётган инглиз тилшунослиги градуонимия масаласини эътибордан четда қолдиргани ажабланарли ҳол.

Бу бўшлиқ сабабларига назар ташларканмиз, савол туғилади – градуонимияни алоҳида маъно муносабати деб аташ тўғрими? Градуонимия асосини маънодошлик ташкил этар экан, бу феноменни алоҳида маъно муносабати демасдан синонимларни, денотатив даражаланувчи сўзларни тартибланиш тамойилларидан бири деб қараш тўғрироқ бўлмайdimи? Ахир, градуонимия моҳиятан янги семантик муносабат эмас, балки фанга маълум синонимияга даража призмасидан қарашдир. Масалан, йўналма-ҳаракат феъллари аташ семаси ва ифода семасининг даражаланишига кўра тартибланиши мумкин.



Йўналма ҳаракат феълларининг маъно даражаланишига кўра тартиби	
Градуонимик қатор	Даражаланиш принципи
<i>To crawl – to step – to stroll – to walk to head – to dash – to charge</i> (эмакламоқ – қадам босмоқ – бамайлихотир йўл олмоқ – юрмоқ – йўналиш томон шаҳдам юрмоқ – шошиб юрмоқ – ўқдек отилмоқ)	Юрмоқ (йўналиш томон юрмоқ) маъносига кўра синонимик муносабатларга киришувчи ушбу лексемаларнинг градуонимияси денотативдир. Улар ҳаракатнинг жадаллик тарз маъноси ортиб боришига кўра даражаланмоқда.
<i>fall – tumble – collapse</i> (йиқилмоқ – ағнамоқ – қуламоқ)	Ушбу феъллар ҳаракатни амалга оширувчи субъектнинг салмоғига кўра даражаланмоқда. Даража қатори услубий семалар асосида тартибланади.
<i>bounce – jump – swoop</i> (ҳакалак отмоқ – сақрамоқ – учиб тушмоқ)	Даража қатори ҳаоакатнинг онийлик тарзи семасининг кучайишига асосан тартибланган. Бу қатор ҳам денотатив градуонимияни ҳисобланади.
<i>Grow – rise – soar</i> (Ўсмоқ – кўтарилмоқ – учмоқ)	Ушбу градуонимик қатор ўсишнинг жадаллиги кучайиши тартибида, яъни денотатив асосда тузилган
<i>flutter – fly – float</i> (қанот қоқмоқ – учмоқ – қанотларни силкитмай ҳавода узоқ муддат учмоқ)	«Учмоқ» луғавий маъноси билан умумлашган ушбу лексемалар парвознинг давомийлик тарзига кўра даражаланмоқда.

Кўриб турганимиздек, юқоридаги лексемалар, асосан, аташ маъноси таркибидаги тарз семаси кучайиши ёки кучсизланишига биноан тартибланган. Яъни улар денотатив маъноси асосида даражаланмоқда. Юқорида воситалар бир ёки бир неча семемасига кўра ўзаро фарқланса, бундай маънодошлик муносабати қисман синонимия бўлишини айтиб ўтдик. Комплементар антонимия ҳам айни шу принципга асосланади. Яъни лексемалар таркибидаги бир ёки бир неча семалари фарқланаётгани сабабли қисман антоним бўлади. Градуонимия эса мана шу қисман маънодош ва антоним бўлган лексемаларнинг даража тартиби. Даражаланишни алоҳида маъно муносабати деб бўлмайди. Зеро, даражаланиш синонимларни тартибланиш тамойилларидан бири. Айнан шу сабабдан градуонимия инглиз тилшунослари томонидан семантик муносабат тури сифатида баҳоланмайди. Чунки бир архисемага эга, бироқ маълум бир семасига кўра даражаланувчи лексемалар инглиз тилшунослигида қисман маънодошлар дейилади.

Градуонимия алоҳида маъно муносабати эмаслиги ушбу лингвистик феноменни заррача қадрсизлантормайди. Лисоний воситалар орасидаги маъно даражаланишини ўрганиш муҳим. Зеро бу билим ЛСГ таркибининг семантик қўламини аниқлаш имконини беради. Сўзларни нутқда эффе́ктив қўллаш, тилнинг экспрессив имкониятларидан оқилона фойдаланиш тамойилларини яратиш учун асос бўлади.



Адабиётлар рўйхати:

1. Fellbaum C. Semantic network of English verbs. In Fellbaum, (ed). WordNet: An Electronic Lexical Database. – MIT Press. 1998; Levin B. English verb classes and alternations: a preliminary investigation. –University of Chicago Press, Chicago, IL:1993 – pp. 348; Talmy L. Path to Realization: A typology of event conflation. Proceedings of the 17th Annual Meeting of the Berkeley Society. Berkeley, California: 1991 – pp.480–519
2. [Cambridge Dictionary | English Dictionary, Translations & Thesaurus](#)
3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол.фанлари д-ри ... дис. – Тошкент, 1997; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Филол.фан.ном....дис. – Тошкент 1994
4. Cook W. Case grammar: development of the matrix model. – Georgetown: Georgetown university press, 1979.
5. Croft, W. Typology and universals, 2nd ed. New York: Cambridge university press 2003. – pp. 27; Janitor D. Fmictional categorization of speaking verbs in modem English. Author's abstract. Dissertation of doctor of philological sciences. – Belgorod: 2003 – pp. 55

O'ZBEK VA INGLIZ LINGVOMADANIYATIDA TA'ZIYANING IFODALANISHI

Narmurodova Gulnoza Ilhom qizi

O'zDJTU umumiy tilshunoslik kafedراسи o'qituvchisi

Tel: 91 188-77-37. e-mail: G.IIhomovna@gmail.com

***Annotatsiya:** Ushbu maqola asosida ingliz va o'zbek tillarida ta'ziya tushunchasiga lingvistik jihatdan ma'lumot berishimiz mumkin. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ta'ziya toifalari, ta'ziya iboralarining aksariyati badiiy va turg'un iboralardir, chunki ular har qanday din yoki madaniyatga mos keladi. Notiq qaysi din vakili bo'lishidan qat'iy nazar kishiga ta'ziya yubormoqchi bo'lganida, ularga hamdardlik bildirish maqsadida turli xil ta'ziya iboralarini ishlatishi mumkin.*

***Kalit so'zlar:** ta'ziya, muloqot, madaniyatlararo, lingvomadaniyat, hamdardlik, ta'ziya toifalari, nutq faoliyati, iqtiboslar.*

CATEGORIES OF CONDOLENCES IN UZBEK AND ENGLISH LINGVOCULTURE

Narmurodova Gulnoza Ilhom qizi

UzSWLU teacher of the department of General linguistics

Tel: 91 188-77-37. e-mail: G.IIhomovna@gmail.com

***Annotation:** The article is an attempt to make a linguistic presentation to the concept of condolences in English and Uzbek. In fact, categories of condolences, most of condolence phrases are classical and stock phrases because they are suitable for every religion or culture. The speaker can use such kind of condolence phrases when he wants to send condolences to someone who practices a religion.*

***Key words:** codolences, communication, cross-cultural, sympathy, categories of condolence, speech act, quotes, explicit condolences, implicit condolences.*



КАТЕГОРИИ СОБОЛЕЗНОВАНИЯ В УЗБЕКСКОЙ И АНГЛИЙСКОЙ ЛИНГВОКУЛЬТУРАХ

Нармуродова Гульноза Илхомовна

УзГУМЯ преподаватель кафедры общего языкознания

Тел .: 91 188-77-37. e-mail: G.IIhomovna@gmail.com

***Аннотация:** Статья представляет собой попытку лингвистической презентации концепции соболезнований в английском и узбекском языках. Фактически, большинство фраз соболезнования являются классическими и стандартными фразами, потому что они подходят для любой религии или культуры. Спикер может использовать такие фразы соболезнования, когда хочет выразить соболезнование тому, кто исповедует религию.*

***Ключевые слова:** сочувствие, общение, симпатия, категории соболезнования, речевой акт, цитаты, явные, скрытые соболезнования.*

Ma'lumki, tilning asosiy vazifasi aloqa vositasidir. Til odamlarga bir-birlariga gapirish va kommunikativ ehtiyojlarini ifoda etish imkoniyatini beradi. O'zaro ta'sirlashish sharoitida odamlar tillarning xilma-xilligidan foydalanadilar. Ushbu o'zaro munosabat ularni muayyan maqsadlar yoki maqsadlar uchun ishlatiladigan ba'zi gaplarni ishlatishiga olib keladi. Bevosita ta'ziya bildirish ham kommunikativ munosabatlarning bir ko'rinishidir. Ta'ziya kommunikativ nutq harakatlaridan biridir. Ular birovning vafoti munosabati bilan hamdardlikni yetkazish uchun mo'ljallangan iboralardan iborat. Yaqin insonini yo'qotish juda og'riqli holat, albatta. Ba'zan biz so'zning kuchiga beparvo qaraymiz lekin qayg'u paytida, ayniqsa, yupatish o'rnida qo'llaniladigan so'z va iboralar yuqori darajada tasalli beradi. Qarindoshlaridan yoki do'stlaridan yaxshi so'zlarni eshitish vafot etgan kishining yaqinlariga har doim tasalli beradi. Aslida, hamdardlik bildirish ham juda muhimdir.

Bromingning fikriga ko'ra, ta'ziya bu – "Hamdardlik haqida gapirish uchun hamma foydalanishi mumkin bo'lgan iboradir" [4]. Men o'ylaymanki, ta'ziya barcha millat va dinlarda, shuningdek, o'zbek va ingliz tilshunosligida ham juda muhimdir. Hamdardlik bildirganimizda, har bir so'z bu odamga yuqori kayfiyat va yashashga bo'lgan umidni berishi kerak. Ta'ziya bildirish birovning o'limini boshidan kechirgan odamlarga afsuslanish yoki qayg'u chekishning rasmiy ifodasidir. Ta'ziya nafaqat hamdardlik ifodasi, shuningdek, qiyinchiliklarga qarshi faol, ongli ravishda qo'llab-quvvatlash va dalda berish harakatlaridir. Hamdardlik bildirish yaqinini yo'qotganida ta'sirlanganlarning og'rig'ini kamaytiradi va ruhiy dalda beradi.

Darhaqiqat, har qanday shakldagi hamdardlik aza chekuvchi va uning oilasi tomonidan juda qadrlanadi. Har qanday madaniyatlarda va dinlarda hamdardlik oluvchilar odatda o'ziga xos yorqinlikni qidirmaydilar, shunchaki hissiyotlarni samimiy ifodalanishini istashadi. Biroq, tegishli hamdardlik so'zlari aytilmaganida, o'tganlarning yaqinlari xafa bo'lishlari yoki g'azablanishlari mumkin, bu hatto munosabatlarning zaiflashishiga yoki do'stlik yo'qolishiga olib kelishi mumkin. O'zaro munosabatlarni ijobiy talqin qilish uchun hamdardlik ham chiroyli tarzda ifoda etilishi kerak.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, yaqin odamining vafoti insonni qayg'uga botirsa, juda emotsional vaziyatlarda ishlatiladigan til ma'lum darajada kundalik muloqotda foydalanadigan tilimizdan farq qilishi mumkin. Ta'ziya xabarlarini yetkazish nutq faoliyatini murakkablashtirgan masalalardan biridir. Bu jarayon bevosita shaxslar o'rtasidagi munosabatlarning tabiatiga bog'liq. Shuning uchun, shunday xulosaga kelish mumkinki,



mazmunli hissiyotlarni yetkazish - bu shaxs va yaqinlaridan ayrilganlar o'rtasidagi munosabatlarga nisbatan juda shaxsiy holat. O'z vaqtida aytish uchun to'g'ri ta'ziya iboralarini topish qiyin vazifa bo'lishi mumkin. Masalan, ingliz madaniyatida, yaqinlaridan ayrilgan kishiga "Kechirasiz" (I am sorry) deyish muhim biron narsani bildirmaydi. Ba'zi holatlarda afsuslanishdan tashqari ko'proq tasalli so'zlari kerak bo'ladi. Shaxslar o'zlarini qo'llab-quvvatlashlarini madaniy jihatdan maqbul va lingvistik jihatdan mos ko'rsatishni istagan holatlar mavjud. Turli vaziyatlarda turli xil jumlar qadrlanishi mumkin. Shu sababli, mahalliy aholiga hamdardlik ma'nosini yetkazish uchun turli xil strategiyalarni aniqlash uchun vafot etganlarning yaqinlariga hamdardlik bildirishning madaniy usullarini o'rganish zaruriyat tug'diradi. Ta'ziya iboralarining asosiy maqsadi - yaqin kishisining o'limini boshidan kechirganlar bilan murosa qilish ularning qayg'usini oz bo'lsada yengillatishdan iboratdir.

Аннотация. Ушбу мақолада ҳовуз ва кўл сувларининг санитар-гигиеник ҳолати мавсумий таҳлил қилиб борилиши, ёз ойларида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, ҳудудларда эсадиган гармсел шамоллар кўл ва ҳовуз сувларининг ифлосланишига олиб келиши, эндиликда объект сифатида танланган сувликларда ўсаётган фито-зоопланктонлар ҳисобига сувнинг ҳидсизланиши кузатилиши, нитратларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига сувнинг айнимаслиги, генофонд ҳисобланган барча тирик жониворларнинг тур таркиби янгиланишига, айниқса фитопланктонлар бимассасининг ошиши ҳисобига улар яшайдиган муҳитнинг яхшиланишига олиб келишига доир қимматли маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Фито-зоопланктонлар, сув намуналари, зоопланктон миқдори, биомасса, мавсумий ўзгариш, балиқ ривожланиши, сувнинг лойқалиги, сув ресурслари.

**БИОТЕХНОЛОГИЯ ОЧИСТКИ ВОДЫ БАССЕЙНА ОТ ОРГАНО-МИНЕРАЛЬНЫХ
ВЕЩЕСТВ ПОД ДЕЙСТВИЕМ ФИТОПЛАНКТОНОВ. (ЛАБИ-ХОВУЗ, БОЛО-ХОВУЗ,
БАССЕЙН МОХИ ХОСА, НА ПРИМЕРЕ ОЗЕРОВ И ПРУДОВ НА ТЕРРИТОРИИ
СОМОНИДКОГО САДА).**

Шаропова Шахноза Рахматиллоевна – докторант Бухарского государственного
университета.

Ҳотамова Хулкар Шукрулло қизи - средняя общеобразовательная школа города Бухары
№38, учитель биологии. тел: 91 402-27-98

э.почта: sharopova.shaxnoza@mail.ru

Аннотация. В статье даны ценные информации о сезонном анализе санитарно-гигиенического состояния прудов и озер, резкое повышение температуры летом, жаркие ветры в регионе, приводящие к загрязнению озер и прудов, обезвоживанию из-за растущего в избранных водах фитозоопланктона, иммобилизация воды за счёт усвоения нитратов, обновлении видового состава всех живых организмов, считающих генофондом, особенно увеличении массы фитопланктона, что приводит к улучшению среды, в которой они обитают.

Ключевые слова: фито-зоопланктон, пробы воды, содержание зоопланктона, биомасса, сезонное изменение, развитие рыб, мутность воды, водные ресурсы.



BIOTECHNOLOGY OF POOL WATER PURIFICATION FROM ORGANO-MINERAL SUBSTANCES UNDER THE ACTION OF PHYTOPLANKTONS. (LABI-HOVUZ, BOLO-HOVUZ, MOKHI XOSA POOL, ON THE EXAMPLE OF LAKES AND PONDS ON THE TERRITORY OF SOMONIDA GARDEN).

Sharopova Shakhnoza Rakhmatiloevna - PhD student at Bukhara State University.
otamova Hulkar Shukrullo qizi - Bukhara city secondary school № 38, biology teacher tel: 91
402-27-98 e-mail:shaxnoza.sharopova@mail.ru

Annotation. This article provides a seasonal analysis of the sanitary and hygienic condition of ponds and lakes, a sharp rise in temperature in summer, hot winds in the regions lead to pollution of lakes and ponds, dehydration due to phyto-zooplankton growing in selected waters, nitrate uptake. valuable information on the diversity of water, the renewal of the species composition of all living organisms, especially the increase in the mass of phytoplankton, which leads to the improvement of the environment in which they live.

Key words: phyto-zooplankton, water samples, zooplankton content, biomass, seasonal change, fish development, water turbidity, water resources.

Бухоро шаҳар ҳудудида жойлашган Лаби-ҳовуз, Боло-ҳовуз, Сомонийлар боғи ҳовузи, Мохи-хоса музейи ҳудудида жойлашган ҳовуз, Сомонийлар боғи ҳудудида жойлашган кўл ва ҳовуздан йиғилган сув намуналари сифат ва миқдор жиҳатидан ўрганилганда, сувликлар гидро-кимёвий кўрсаткичлари очиқ сув ҳавзаларини умумий баҳолашга, танланган фитопланктон ва зоопланктонларни кўпайтириш сувнинг муҳим кўрсаткичларининг нормаллашишига ёрдам берди.

Сувнинг сифатига санитария-гигиеник баҳо беришда сувнинг ранги, лойқалилиги, тиниқлиги каби кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади. Сувнинг рангини миқдор кўрсаткичи аввалдан тайёрланган шкала билан қиёслаб рангини мос келиши билан боғлиқлиги аниқланади.

Ости ясси цилиндрга 100 мл текширилатган сув солиниб оқ фонда юқоридан пастга қараб сувнинг ранги текширилади. Ранги градусда аниқланиб, аввалдан тайёрланган стандарт қатор Платина-Коболт эталони билан қиёсланади. Натижа куйида кўрсатилган жадвал ёрдамида аниқланади.

Цилиндр шкаласининг тартиб қатори	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Ранги, градусларда	0	5	10	15	20	25	30	35	40	50	60	70	80

Сувнинг лойқалигини аниқлашдан олдин сувни центрифугадан ўтказилиши лозим. Агар сувнинг ранги 80⁰ дан юқори бўлса, у ҳолда дистрланган сув билан суюлтириб олиш зарур. Бу ҳолда олинган натижалар суюлтирилган даража сонига кўпайтирилади. Сувнинг лойқалиги “Крест” ёки “Снеллен” шрифтини қўллаш усули билан аниқланади. “Крест” усули доимий текшириш ва сув тармоғи сувлари сифатини кузатишда қўлланилади. Бошқа ҳамма вақт Снеллен шрифти усулидан фойдаланилади.



Снеллен цилиндрнинг ости ясси қилиб ишланган шиша идишдан иборат, остидан бўйи баробар сантиметрларга бўлинган. Баландлиги нисбатан 30 см, аниқлаш даражаси 0,5 см ташкил қилади. Сувнинг тиниқлигини цилиндрда синаб кўришдан олдин, текшириладиган сув яхшилаб чайқатилади ва цилиндрга қуйилади. Штативга маҳкамланган цилиндр туби шрифтдан 4 см юқорида туриши керак. Цилиндр тубига стандарт шрифт қуйилади. Сўнг цилиндрнинг юқорисидан тубидаги шрифтга қаралади. Шрифт аниқ ва равшан кўрингунча цилиндрдаги текшириладиган сув жумрак орқали тўкиб борилади ёки қўшилади. Сувнинг тиниқлиги цилиндр баландлиги ҳисобига мослашиб сантиметр билан ўлчанади.

Сувнинг ранги, тиниқлиги, лойқалилиги, ҳиди каби кўрсаткичлар шу сув намунаси тўғрисида илк маълумотларни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бухоро вилоят Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси Санитар-гигиена лабораториясининг "Комунал гигиена" бўлимида Бухоро шаҳар очиқ сув ҳавзалари (кўл ва ҳовузлар) дан олинган сув намуналарининг текширув натижалари шунини кўрсатадики, олинган сув намуналари кўл ва ҳовузларга сувнинг кириши, сув чиқиш муддати, муҳитнинг ҳаво ҳарорати каби муҳим омилларга боғлиқ.

№	КЎЛ ВА ҲОВУЗЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ					
	Кўрсаткичлар	Лаби-ҳовуз	Боло-Ҳовуз	С Сомоний ҳовузи	Сомоний кўли	Мохи хоса ҳовузи
1	Вақт	29.04.2021	29.04.2021	03.05.2021	03.05.2021	05.05.2021
2	Температура, С ⁰	19.0	19.1	20.0	20.0	20.5
3	Водород кўрсаткич рН	7.20	7.00	7.25	7.25	6.98
4	Сувнинг ҳиди, 20° ва 60°, балл	0	0	0	0	0
		1	1	1	1	1
5	Сувнинг ранги, градус	3	4	3	3	1
6	БПК ₅ мг/дм ³	3.1	2.9	4.1	2.1	1.4
7	Оксидланиш мг/дм ³	2.8	2.6	2.8	2.5	2.1
8	Аммиак NH ₃ мг/дм ³	0,21	0,23	0.45	0.56	0.20
9	Нитритлар, мг/дм ³	0.016	0.022	0.015	0.016	0.01
10	Нитратлар, мг/дм ³	22.6	19.8	20.7	21.3	19.1
11	Сульфатлар, мг/дм ³	444	588	435	460	500
12	Хлоридлар, мг/дм ³	240	406	220	200	560
13	Қаттиқлиги	9.7	19.8	10.4	10.0	21
14	Ишқорийлиги	2.9	4.8	2.5	2.6	3.5
15	Қуруқ қолдиқ	998	1200	1086	1000	1500




Ҳовуз балиқларини боқишда табиий озукдан фойдаланиш, фито-зоопланктон популяцияси суксециясининг мавсумий ўзгариши; зоопланктон хилма-хиллигига инсон фаолиятининг таъсирини баҳолаш; зоопланктон миқдори ва биомассасининг мавсумий ўзгаришини баҳолаш; балиқ ривожланиш этапларида (C₁-D₁, D₂-G ва малки) зоопланктон озук объекти сифатида қўллашга доир илмий изланишлар олиб борилди.

Қуйидаги расмларда лаборатория шароитида кўл ва ҳовуз сувларида кўпайтирилган *Xlorella Vulgaris* микросувўтида назорат намуналарининг текширилиш жараёни.



2020-2021 йиллар давомида Бухоро вилояти, Вобкент тумани “Элач шабнами” фермер хўжалигига тегишли сунъий ҳовузларда фито-зоопланктон ва зоопланктонлардан балиқчиликда қўллаш бўйича илмий-амалий ишлар бажарилди. Жумладан, *Ceriodaphnia*, *Cyclop*, *Daphnia*, *Cyclopoida* каби зоопланктон турлари балиқлар учун озук сифатида қўлланилганда, нафақат балиқларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилабгина қолмай, балки табиий озук билан боқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Ҳовузда лаборатория шароитида кўпайтирилган фито-зоопланктонлардан *Xlorella Vulgaris* тури келтирилиб кўпайтирилганда, ҳудуд атмосфера ҳавосининг тозаланиши, қўланса ҳидларни камайиши, катта миқдорда биомасса ҳосил бўлиши кузатилди. Фермер хўжаликда етиштириладиган Оқ амур балиқларига озук сифатида қўлланилган фито-зоопланктонлар балиқ маҳсулдорлигини 15 % дан 20 % га оширишга эришилган. Йиғилган сув намуналари “Бухоро сув таъминоти” МЧЖ га тегишли лабораторияда кимёвий анализ қилинганда аммиак, нитрит, нитратлар 94-97% га камайишига эришилгани аниқланган.


“Бухоро Сувтаъминоти” МЧЖ нинг 2021 йил 04 июндаги тузилган далолатномаси асосида икки муҳим лабораторияларда бажарилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сувда эриган кислороднинг ортиши, оксидланиш жараёнининг мўтадиллашиши, фито-зоопланктонлар томонидан нитрит ва нитратларнинг 90-92%га ўзлаштирилиши каби янгиликлар аниқланди.



Сув ҳавзаларидаги фитопланктон, зоопланктонларнинг доминант турлари аниқланди, зоопланктон турлари, миқдори, биомассаси ва балиқ чавоқлари томонидан озуқа обекти сифатида истеъмол қилиниши чуқур ўрганилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳовуз ва Кўл сувларининг санитар-гигиеник ҳолати мавсумий таҳлил қилиб борилди. Ёз ойларида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, ҳудудларда эсадиган гармсел шамоллар кўл ва ҳовуз сувларининг ифлосланишига олиб келар эди. Эндиликда объект сифатида танланган сувликларда ўсаётган фито-зоопланктонлар ҳисобига сувнинг ҳидсизланиши кузатилади. Нитратларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига сувнинг айнимаслиги, генофонд ҳисобланган барча тирик жониворларнинг тур таркиби янгиланишига, айниқса фитопланктонлар бимассасининг ошиши ҳисобига улар яшайдиган муҳитнинг яхшиланишига олиб келди.

Лаби-ҳовуз, Боло-ҳовуз, Мохи хоса ҳовузи, “Сомонийлар” боғи ҳудудидаги кўл ва ҳовуз сувларида бажарилган тадқиқотлар сув ресурсларини муҳофаза қилишда ва балиқ маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади. Бухоро вилоят “Бухоро сув таъминоти” МЧЖ га қарашли марказий аналитик таҳлилхона лабораториясида Бухоро шаҳар очиқ сув ҳавзалари (кўл ва ҳовузлар) дан олинган сув намуналарининг текширув натижасига кўра, сувликлар гидро-кимёвий кўрсаткичлари очиқ сув ҳавзаларини умумий баҳолашга, танланган фитопланктон ва зоопланктонларни кўпайтириш сувнинг муҳим кўрсаткичларининг нормаллашишига ёрдам берилади. Айниқса БПК₅ нинг пасайиши бунга яққол далил бўла олади.



Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар шаҳримизга ташриф буюраётган меҳмонлар учун тоза микроклимат ҳудудга айлантирилди. Бухоро вилоятида биологик хиёма-хиёликни сақлаш, турларнинг сонини бошқариш, очиқ сув ҳавзаларининг ифлосланишини олдини олиш, аҳоли гавжум ҳудудлар ҳисобланган, тарихий ҳовузлар хавфсизлиги таъминлашга ёрдам беради. Ушбу тадқиқот натижаларини жорий қилиниши сув ресурсларини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

К ВОПРОСАМ ИЗУЧЕНИЯ ЭТНОГРАФИИ И ЭТНОЛОГИИ ВО ВЗАИМОСВЯЗИ С ЛИНГВИСТИКОЙ

Холматова Дилором Абдусамиевна
Ферганский политехнический институт
Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы
Тел. 94 494 04 58 e-mail: dilya.holmatova@gmail.com
Рахматова Одина Кадиржановна
Ферганский политехнический институт
Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы
Тел. +998902771419 e-mail: rakhmatova.odina@gmail.com

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы взаимосвязи этнографии, этнологии и лингвистики. Авторы в своём исследовании изучают литературу соответствующей тематики.

Ключевые слова: Этнология, этнография, традиции, обычаи, языковая культура, этнос

ETNOGRAFIYA VA ETNOLOGIYANI LINGVISTIKA BILAN ALOQADA O'RGANISH MASALALARI

Xolmatova Dilorom Abdusamievna
Farg'ona politexnika instituti
O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida o'qituvchisi
Tel. 94 494 04 58 e-mail: dilya.holmatova@gmail.com
Rahmatova Odina Qodirjonovna
Farg'ona politexnika instituti



O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida o'qituvchisi
Tel. +998902771419 e-mail: rakhmatova.odina@gmail.com

***Annotatsiya:** Ushbu maqola etnografiya, etnologiya va tilshunoslik o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganadi. Mualliflar o'z tadqiqotlarida tegishli mavzu bo'yicha adabiyotlarni o'rganadilar.*

***Kalit so'zlar:** etnologiya, etnografiya, urf -odatlar, til madaniyati, etnos*

TO THE ISSUES OF STUDYING ETHNOGRAPHY AND ETHNOLOGY IN RELATION TO LINGUISTICS

Kholmatova Dilorom Abdusamievna
Fergana Polytechnic Institute

Lecturer at the Department of Uzbek Language and Literature
Tel. 94 494 04 58 e-mail: dilya.holmatova@gmail.com

Rakhmatova Odina Kadirzhanovna
Fergana Polytechnic Institute

Lecturer at the Department of Uzbek Language and Literature
Tel. +998902771419 e-mail: rakhmatova.odina@gmail.com

***Abstract:** This article examines the relationship between ethnography, ethnology and linguistics. The authors in their research study the literature on the relevant topic.*

***Key words:** Ethnology, ethnography, traditions, customs, linguistic culture, etnos*

На сегодняшний день вопросы взаимосвязи наук этнографии и этнологии особенно актуальны.

В своём исследовании мы бы хотели осветить вопросы взаимосвязанности наук этнографии и этнологии.

Прежде чем приступить к нашему исследованию мы бы хотели заострить внимание на понятиях, связанных с этнографией и этнологией.

Этнография – это историческая наука, изучающая народы, их быт и культуру. Термин (от др.-греч. "этнос" - народ, "графо" - пишу) означает народоведение. Этнография тесно связана с археологией, антропологией, географией и языкознанием. Она занимается непосредственными наблюдениями и изучением быта и нравов народов земного шара, их расселения и культурно-исторических взаимоотношений. За рубежом этнография делится на описательную (собственно Э.) и теоретическую (этнология). Она, как правило, включается в общую систему наук о человеке - антропологию, которая состоит из доистории (первобытная археология), физической антропологии, социальной антропологии, этнологии, фольклора, лингвистики и археологии. [1].

Этнология теоретическая комплексная научная дисциплина, предметом изучения которой являются народы-этнос, их происхождение, закономерности функционирования и развития, межэтнические отношения. Объединяет знания из этнографии, философии, социологии, географии, истории и др. смежных наук. Разграничение предмета исследования между этнографией как описательной дисциплиной и этнологией как теоретической дисциплиной оспаривается многими учеными. В современной западной литературе термин "этнология" почти полностью вытеснил термин "этнография" (см.), произошла инкорпорация этнографических



исследований в этнологию. Этот же процесс характерен и для современной российской науки, что находит отражение в переименовании исследовательских институтов и центров, научных журналов. [2].

Мы в рамках нашего исследования хотели бы затронуть вопросы, касающиеся этнографии и этнологии сквозь призму обзора литературы относящейся к данной тематике.

В книге достаточно известных исследователей современности в области этнографии, этнологии и фольклористики, авторов Альберта Байбурина и Андрея Топоркова «У истоков этикета. Этнографические очерки» рассматриваются вопросы, отражающие этикет с историко-этнографической точки зрения. Авторы изучают развитие этикетного поведения, обращаясь к обширному материалу, в том числе к языковым, фольклорным источникам, запискам этнографов и путешественников.

Этикет в книге рассматривается в разных аспектах — семиотическом, коммуникативном, в соотношении с системой ценностей и ритуальной жизнью того или иного народа.

Наибольшее внимание авторы уделяют языку жестов и символике тела, различным позам и голосовому сопровождению в ритуальном контексте, а также гостеприимству, обмену дарами и застольному этикету.

Кроме важной теоретической части книга наполнена интересными этнографическими фактами об этикете славянских народов.

С этой точки зрения мы бы хотели рассмотреть вопросы, касающиеся узбекского этикета. Всем известно, что узбекский народ в первую очередь отличается своим гостеприимством. Издавна их поколения в поколение передаются национальные традиции в каждой узбекской семье.

В книге «Узбеки» автор И.М.Джаббаров описывает один из древнейших этносов Центральной Азии - узбеков. Этногенез, этническая история, быт и образ жизни узбеков представляют весьма сложный, но интересный раздел в характеристике народов региона. На основе историко-археологических, этносоциологических и литературных источников автор подробно описывает особенности традиционного хозяйства, быта, культуры, социальной структуры и образа жизни, дает широкую картину семейного быта, традиций и обычаев, духовного облика узбекского народа. Ее автор, И.М. Джаббаров - известный этносоциолог, опубликовавший десятки монографий, учебников и учебных пособий, сотни научно-популярных произведений на узбекском, русском, английском и китайском языках. Данная книга является значительно дополненным и переработанным вариантом монографии автора, опубликованной в 2003 в оду на узбекском языке в издательстве "Укитувчи" в качестве учебного пособия. Она написана на популярном языке и рассчитана на широкий круг читателей, интересующихся историей и этнографией народов Центральной Азии. Книга издается на узбекском и русском языках с иллюстрациями. Это первая книга из серии "Этносы и этнические группы Республики Узбекистан", подготовленный Республиканским интернациональным культурным Центром [3].

Мы сочли нужным заострить внимание на определенных аспектах традиций узбекского народа. Каждой узбекской семье присущи свои традиции одной из которых является гостеприимство. Есть такое убеждение, которое гласит, что гость - это посланник



Аллаха. Вследствие чего каждая узбекская семья с почётом и уважением встречает гостей. Можно описать некоторые обычаи, традиции и нормы этикета узбекских семей:

Во первых – уважение к старшему поколению, в том числе к родителям, родным и близким.

Во вторых- соблюдение норм этикета (в зависимости от регионов).

В третьих- традиции, связанные с чаепитием

В четвёртых – традиция взаимопомощи –«хашар»

В пятых- культурные традиции, связанные с ношением национальной одежды (к сожалению в городской местности предпочтение отдаётся европейской одежде согласно тенденциям времени).

С нашей точки зрения каждая нация, то есть этнос должны сделать всё для того, чтобы сохранить свои национальные традиции, обряды, духовную культуру, предпочтения, индивидуальность, присущие именно этой нации.

Здесь уместно привести культуру Маргилана, который является очагом древней цивилизации.

В современное время происходят, явления, которые негативно влияют на духовные, нравственные ценности той или иной нации. Угрозу представляет так же «массовая культура».

Мы сталкиваемся с такой ситуацией, когда даже в общественном транспорте представитель молодого поколения может себе позволить не уступить место представителю старшего поколения. В недалёком прошлом, мы такое даже вообразить не могли. Что же произошло, неужели пересмотр ценностей? А сталкивались ли мы ранее с таким явлением как незнание родного языка? Язык - это основа этноса.

На сегодняшний день имеются такие семьи, в которых предпочтение отдаётся иностранным языкам, нет ничего особенного в этом, владение разными языками открывает новые горизонты для молодого поколения. Но это не значит, что человек не должен знать свой родной язык в совершенстве.

Можно привести примеры семей, которые вынужденно мигрировали в зарубежные страны ещё в начале 20 века, но сохранили языковую культуру, обряды и традиции лучше тех, кто остался на Родине.

Недавно авторы статьи столкнулись с такой ситуацией, когда придя в гости к знакомым стали свидетелями того, что бабушка и внуки общаются посредством переводчика. Это не говорит о том, что наступает угроза узбекскому этносу? Где же следование нашим традициям, любовь к Родине и родному языку? Совершим экскурс в историю, наш великий предок Захириддин Мухаммад Бабур вынужденно пребывая за рубежом, в Индии даже в статусе правителя никогда не забывал о своей Родине и скучал по ней, тоску по родному краю он отражал в своих литературных произведениях. По нашему убеждению угроза этносу наступает тогда, когда представители той или иной нации перестают говорить на родном языке.

В заключении хотелось бы привести строки из произведения «Мой Дагестан», автором которого является Расул Гамзатов. «Приехав из Парижа домой, я разыскал родственников художника. К моему удивлению, оказалась еще жива его мать. С грустью слушали родные, собравшись в сакле, мой рассказ об их сыне, покинувшем родину, променявшем ее на чужие земли. Но как будто они прощали его. Они были рады, что он все-таки жив. Вдруг мать спросила:



— Вы разговаривали по-аварски?

— Нет. Мы говорили через переводчика. Я по-русски, а твой сын по-французски.

Мать закрыла лицо черной фатой, как закрывают, когда услышат, что сын умер. По крыше сакли стучал дождь. Мы сидели в Аварии. На другом конце земли, в Париже, тоже, может быть, слушал дождь блудный сын Дагестана. После долгого молчания мать сказала:

— Ты ошибся, Расул, мой сын давно умер. Это был не мой сын.

Мой сын не мог забыть языка, которому его научила я, аварская мать» [4].

Список использованной литературы:

1. <https://endic.ru/ozhegov/IEtnografija-40395.html>
2. http://endic.ru/enc_big/IEtnologija-70991.html
3. И.М.Джаббаров «Узбеки» Ташкент: Шарк, 2007. — 288 с. — (Этнокультурные традиции, быт и образ жизни). — ISBN 978-9943-00-080-3
4. <http://www.rasulgamzatov.ru/moj-dagestan.html>
5. Усманова З., Тишабаева Л. ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ САҲИФАЛАРИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – №. SI-1 № 4.
6. Усманова З., Тишабаева Л. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА МАРҒИЛОН ИПАКЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – Т. 3. – №. 2.

“ЎЛИМ” КОНЦЕПТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ОДАТЛАР, ИРИМ ВА ЭТИКАНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

Каримова Дилором Шавкат қизи
Андижон давлат университети

*Аннотация:*Мақолада концепт тушунчаси ва “ўлим” концептининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек “Ўлим” концептининг гендер хусусиятлари ҳамда ҳатти-ҳаракатлар, маросим, новербал ва вербал воситаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: концепт, “ўлим” концепти, ирим, маросим, вербал, новербал, гендер.

ГЕНДЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИВЫЧЕК, СУЕВЕРИЯ И ЭТИКИ ВЫРАЖАЮЩИЕ ПОНЯТИЕ КОНЦЕПТА «СМЕРТЬ»

Каримова Дилором Шавкат қизи
Андижанский государственный университет

Аннотация: В статье разъясняется понятие концепта и специфические особенности концепта «смерть». Обсуждаются гендерные особенности концепта «смерть», а также действия, ритуалы, невербальные и вербальные средства.

Ключевые слова: концепт, концепт “смерть”, суеверия, ритуал, невербальный, вербальный, гендер.



GENDER HABITS, SUPERSTITIONS AND ETHICS EXPRESSING THE CONCEPT OF "DEATH"

Karimova Dilorom Shavkat qizi
Andijan state university

Annotation: *The article explains the concept and the specific features of the concept "death". The gender characteristics of the concept of "death" were discussed, as well as actions, rituals, non-verbal and verbal means.*

Key words: *concept, concept "death", superstition, ritual, non-verbal, verbal, gender.*

Инсоният олам ва унинг сир-синоатларини кашф этиш, билиш борасидаги сайъ-харакатлари мунтазамлик касб этади, бу жараёнда инсониятнинг, миллатнинг олам ҳақидаги билим, тажриба, тасаввурлари кенгайиб, бойиб боради. Мувофиқ равишда у ёки бу концептнинг белги, хусусиятлари, улар ҳақидаги тасаввурлар миқёси ҳам такомиллашиб, тартиблашиб боради. Шу нуқтаи назардан тилшунос олим, профессор У.К. Юсуповнинг "Концептларни инсондаги билим харитаси деса бўлади"[2.53] деган фикри тўғридир. Концептив тилшунослик соҳаси мутахасислари концептга ва унинг мавжудлиги борасидаги фикрлари яқдил бўлса-да концептнинг мақоми, таснифи ва тавсири борасидаги қарашлари турличадир. Замонавий лингвистик тилда концепт тушунчаси унинг таянч бирлиги сифатида ўз таснифи ва эътирофини топган бўлсада, концептнинг мазмун моҳияти, тавсиф ва таърифи борасида турли концепциялар ва қардошлар мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз.

"Ўлим" концепти тор маънода ўлим жараёнининг ўзи, кенг маънода маросим сифатида тушунилади. "Ўлим" концепти маросим сифатида ўрганилганда жараён деб баҳоланади. Бунда иштирокчилар *марҳум (майит), марҳум яқинлари (йиғичилар), мулла асосий ўрин эгаллайди. Бундан ташқари дафн ва таъзия маросими қатнашчилари (гўрков, ювувчи, лаҳадчи каби, таъзияга таширф буюрувчилар каби)* ҳам мавжуд. Масалан, Худо ва унинг марҳамати, қиёмат, жаннат, дўзах, олов, гуноҳ, савоб, фаришта, шайтон, яхши ва ёмон ишлар сарҳисоби каби диний тушунчалар ўлган киши билан бевосита боғлиқ тушунчалардир. "Ўлим" концептида ўликни кўмиш маросими жаноза, дафн, таъзия кабилар билан номланади. "Ўлим" концептида мотам, аза тутиш кунлари белгиланади ва мотам кунлари деб аталади.

"Ўлим" концептининг тор маънодаги семантик майдони:

Ўлмоқ, жон таслим қилмоқ, қотиллик, жасад.

Die, kill, murder, agony, resurrection, immortality, reincarnation, corpse, stillborn and so on [1.418].

"Ўлим" концептининг кенг маънодаги семантик майдони даврларга бўлинади:

- а) Ўлимгача бўлган давр;
- б) Ўлим пайти даври;
- в) Ўлимдан кейинги давр.

Бу даврларнинг ўзига хослиги ўлим концепти билан боғлиқ анъана ва махсус маросимлар, одатлар, иримларнинг мавжудлиги, булар негизда шакланган кичик ва катта жанрлар, ушбу жанрларнинг вербал ва новербал воситалар орқали ифодаланиши, айниқса, тил тизимида, ўлим концепти билан боғлиқ фразеологик бирликлар ва эвфемизмларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.



“Ўлим” концептида ўлган инсон турлича номларга эга, масалан, майит, жасад, мархум, ўлган инсонни хурмат билан тилга олиш раҳматли, жойлари жаннатда бўлсин, мархум каби сўзлар ёрдамида ифодаланади. Турмуш қурмай, никоҳ тўйи бўлмай ўлган йиғит ва қизларни хур қизлар, хур йиғитлар, Оллоҳ йўлида қурбон бўлганларни шаҳидлар, уруш ва қотиликда ўлганларни қурбон, ота-она ёки устозлар ёки бировга ёмонлик қила олмайдиганларни жаннати (гуноҳлари кечилган), гўдақдек беғуноҳ, жума кунини ўлганларни шаҳидлар, ёш бўла туриб, билмай айб қилиш орқали ўлганларни жувонмарг деб номланади. Ўликлар дунёсининг номланиши фоний дунё, ҳақиқий, чин дунё, абадий ҳаёт маскани, жаннат, ўликлар дунёсига тегишли сўзлар дўзах, жаҳаннам, олов кабилардир.

“Ўлим” концептидаги асосий ҳатти-ҳаракатлар: йиғлаш ва мархумнинг ҳаққига дуо қилиш кабилар киради. Мархум оила аъзоларининг мархум вафотидан сўнг одатда қуйидагича номланади: бева, тул, етим (чала ва чин етим). Дафн маросими иштирокчиларининг номланиши: мулла, отинча, ювувчи, лаҳадчи, гўрков, майит, мархум яқинлари. Мархум яқинлари кайфиятидаги кўринишлар: хафа, тушкунлик, катта йўқотишга учраш, дарду алам чекмоқ, ғам-ғуссага ботмоқ, қайғуга тушмоқ, кўнгли чўкмоқ, изтиробда қолмоқ, стрессни бошидан ўтказмоқ.

“Ўлим” концепти маросим сифатида ўрганилганда, энг аввало, мархумнинг аёл, эркак, ўғил ёки қиз бола, чақалоқ, ёш, ўрта яшар ёки қария эканлигига эътибор қаратиш лозим. Махсус маросимларнинг ўтказилиши айнан шуларга боғлиқ бўлади. Шунини айтиш керакки, маросимлар асоси айни жамият қабул қилган одатларга қурилади. Одатлар эса ритуал ёки ритуал бўлмаган кўринишда учрайди. “Ўлим” концепти билан боғлиқ одатлар ритуал ва ритуал бўлмаганларга бўлиниб қуйида шуларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ўлим концепти билан боғлиқ одатлар:

Ритуалларга дафн, 20, 40, 52, ҳайит, йил, эҳсон, қурбонлик, қаъда, илий маъруза, оқ кийди, кўк кийди, ҳарбий марш, хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш, қабр тоши ўрнатиш, зиёрат қилиш, ўлган кунини нишонлаш кабилар киради. Ритуал бўлмаганларга эса идда сақлашни мисол қилсак бўлади.

Ўнлаб хурофотлар ва иримлар ўлим каби фожиали ҳодиса билан боғлиқ бўлиб, улардан айримлари юз йиллар олдин пайдо бўлган бўлса, баъзилари замонавий туста эга. Иримларга ишонадиган одамлар аксарият ҳолларда бундай воситалар ўзларини ҳимоя қилиш ва мархумнинг руҳини бу дунёни осон тарқ этишига ёрдам учун керак деб ҳисоблайдилар. Лекин аслида бундай иримлар руҳий стрессдан - яқин кишининг ўлиmidан кейин руҳий тушкунликни енгишга ёрдам берадиган одатлар эканлигини англайдилар. Хар бир миллатнинг ўзига хос дафн маросимлари ва “ўлим” концепти билан боғлиқ иримлари борлиги қуйида келтирилган мисолларда таҳлил қилинган.

Ўлим концепти билан боғлиқ иримлар: кул ва ахлатни бирга қўшмаслик, патодан кейин тўғри уйга бориш, ўлимдан кейин кўзгуларни мато билан ёпиш, уч кун мобайнида ўт ёқиб овқат пиширмаслик ва қабр устига қушлар учун дон сепиш каби иримлар бизнинг ҳалқимиз орасида тез-тез учраб туради. Мисол тариқасида кўзгуларни мато билан ёпишга алоҳида тўхталиб ўтсак. Бу иримнинг асосий ғояси шундаки ойна бизнинг дунёларимиз ва охира орасидаги эшик деб ҳисобланиб, хурофотга кўра, мархумнинг руҳи яна 40 кун уйда бўлади ва агар у тасодифан ойнага қараса, қўшимча ёрдамчисиз



нариги дунёга кета олмайди. Шунинг учун, кўзгулар ёпилади ва ўлимдан бир неча ҳафта ўтгач очилади деган ирим одамлар орасида мавжуд.

“Ўлим” концептини илмий тарафларини ўрганар эканмиз биз ушбу концептнинг гендер хусусиятларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдик. Чунки ўлим билан боғлиқ маросим ва одатларда аёл ва эркекларга хос фарқли жихатлар мавжуд. Ҳар бир халқ маданиятида гендер хусусиятли одатлар мавжуд бўлади, масалан, ўзбек маданиятида идда сақлаш аёлларга хос бўлиб, диний анъаналарга кўра аёллар эри ўлган кундан бошлаб тўрт ой ва ўн кун остона хатлаб кўчага чиқмасликлари, эркекларга боқмасликлари талаб қилинади. Сўнгги ўн йилликда кўплаб лингвистик асарларда гендерга катта эътибор берилмоқда ва кўплаб тадқиқотлар ушбу масалага бағишланмоқда. Гендер термини билан боғлиқ маданий, ижтимоий, лингвистик омилларни ўрганиш, жамиятнинг эркеклар ва аёлларга муносабати, сўзловчиларнинг нутқи, хатти –ҳаракатлари, шунингдек стереотипик тил эркек ва аёллик фазилатлари ҳақидаги фикрлар тадқиқотларнинг асосини ташкил этмоқда. “Ўлим” концепти этикасида гендер хусусиятлар ўзини тутиш одоби орқали яққол кўзга ташланади. Бунда болалар, эркеклар ва аёлларга хос хусусиятларни кўриш мумкин.

“Ўлим” концептида новербал воситалар (предмет, нарса буюм, кийим-кечак, маросим каби): шам, тош, гуруч, кора кўйлак, рўмол ўраш, чорси боғлаш (кучага ёки йипитлар белига), марҳумнинг расмини осиб кўйиш, жойнамоз, қабрга гул экиш, қора ош (ўлим оши), гулчамбар кўйиш кабиларни ҳам кўриш мумкин. Масалан: турк халқларида Шоҳнинг махсус кизил рангдаги кийимини кийиши давлатга хоинлик қилган давлат бошқаруви аъзолари, масалан, вазир кабиларнинг ўлим билан жазоланишининг белгиси бўлган (“Муҳташам юз йиллик” фильмида). Новербал воситалар билан бир қаторда нолингвистик воситаларни ҳам кузатиш мумкин. Буларга имо ишораларни мисол қилиб олсак бўлади:

Кўзларини юмиб, тилларини осилтириш. Ҳатти ҳаракатлар: эшик дарвозасини кенг очилиши ва стуллар қўйилиши, дафнга оид кийимлар кийиш, марҳумнинг исми ёки оиладаги статусини белгиловчи сўзларни айтиб, йиглаш (масалан, жаннатим онам, меҳрибоним дадам каби), бақириб йиглаш, айюҳаннос солиш, дод уриш, сочларини юлиш, ўзини ўзи уриб йиглаш, ўзига зарар етказишга уриниш кабилар.

“Ўлим” концепти вербал воситаларининг функциялашуви қуйдагича:

Бирламчи функцияси: ўлмоқ маъносида ишлатилиши

Иккиламчи функцияси:

- а) ўлим тилаш орқали танбеҳ бериш, қойиш, куюниш: “Ўла, вой ўла, ”
- б) ўлим тилаш орқали сўкиниш: “Қуриб кетгур, Жонинг чиқсин”, жувонмарг бўлгур.-
- в) ўлим тилаш орқали қарғаш: “Ўлигингни кўрай”,
- г) ўлим тилаш орқали қарғаниш: Ўлиб кетай!

“Ўлим” концептида ўлган инсонни ҳурмат билан тилга олиш *рахматли, жойлари жаннатда бўлсин, марҳум каби* сўзлар ёрдамида ифодаланади. Шарафлаш, улуғлаш: *марсия, шеър: Бошни фидо айла ано қошига, Жисмни қўй садқа ано қошига, Бирисин ой англа, бирисин қуёш.* [4.74].

Марҳумни ҳурмати, “кадр-қиммат”, “эхтиром”, “хотирлаш”, “улуғлаш”, “шарафлаш” мазмунидаги ритуаллар:

- 1) идда сақлаш;
- 2) ҳарбий марш, парад, сукут сақлаш, гимн айтиш каби;



- 3) таъзияга бориш (жаноза, пайшанба, ҳайит, йилигача каби)
- 4) аъза очиш (хонадон эшикларини кенг очиш, стол-стуллар қўйилиши каби)
- 5) тўйларга бормаслик (йилигача)
- 6) шам ёқиш
- 7) қабр тоши ўрнатиш;
- 8) зиёратгоҳларга ташриф буюриш;
- 9) қабристон зиёрати каби ритуаллар оламдан ўтган инсонга нисбатан хурматни билдириб хар бир миллатда учрайдиган стереотиплардан ҳисобланади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, “ўлим” концепти турли одатий ва ноодатий белги-хусусиятларига эга бўлиб, унинг таркибий қисми ташкил этувчи айрим белги хусусиятлар нутқий вазият. Концепт талабларидан ҳамда коммуникант (сухбатдошлар) танловидан келиб чиққан ҳолда, мулоқот иштирокчиларининг лингвистик ва ҳаётий тажрибасига мос равишда воқеалашмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. A. Uberman. Frame analysis of the concept of death across cultures. UK., 2018. P.418.
2. У.К. Юсупов «Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультура атамалари хусусида» Тошкент. 2011., Б.53
3. Л. Г. Юсупова, З. Р. Ахметзадина Лингвокультурологический анализ концепта “fear” / «страх» / “куркыу” в английском, русском и башкирском языках (на материале художественных текстов). Вестник., 2018 С.488.
4. М. М. Логинова Концептуализация лингвокультурных понятий «жизнь» и «смерть» в русской языковой картине мира: когнитивные, лексико-семантические характеристики и гендерная специфика. Краснодар. 2017., С.74-108.
5. М. М. Зинченко Гендерная специфика реализации концептов «жизнь» и «смерть» в языке реалистических произведений русской литературы. Кубанский государственный университет. С.1-8.



КОМИЛ ИНСОН ВА КОМИЛ ЖАМИЯТ ТАЛҚИНИ

Хайитов Шавкат Аҳмадович

Бухоро давлат университети

филология фанлари доктори, доцент

Тел.: 91 4077188 e-mail: s.a.xayitov@buxdu.uz

Аннотация: Мақолада Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб” асари Шарқ адабиётинда панднома руҳида ёзилган Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола”, Саъдийнинг “Гулистон”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Убайд Зоқонийнинг “Даҳ фасл” асарлари билан қиёсий таҳлил этилган. Муаллиф юқорида номлари келтирилган асарлардаги ижтимоий тоифалар ҳамда ахлоқий тасаввурлар талқинини комил жамият ва комил шахс хусусидаги яхлит умумбашарий муаммонинг бир-биридан ажралмас таркибий қисмлари сифатида қарайди. Ғоявий-бадиий таҳлил жараёнида улуғ мутафаккир Алишер Навоий насрий услубининг хос хусусиятлари, адабий маҳорати масалаларини ёритишга асосий эътиборини қаратади.

Калит сўзлар: комил инсон, комил жамият, “Маҳбубул-қулуб”, “Сиёсатнома”, “Чаҳор мақола”, “Гулистон”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Қобуснома”, “Баҳористон”, “Даҳ фасл”, бадиий тасвир, образ, мавзу, ижтимоий тоифа, ахлоқий фазилат, ахлоқий қоида, ахлоқий тасаввур, эҳсон, илм, ҳунар, “Ихёу улумид-дин”.

ИДЕАЛЬНЫЙ ЧЕЛОВЕК И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИДЕАЛЬНОГО ОБЩЕСТВА

Хайитов Шавкат Аҳмадович

Бухарский государственный университет

доктор филологических наук, доцент

Тел.: 91 4077188 e-mail: s.a.xayitov@buxdu.uz

Аннотация: В статье произведение «Махбубул-кулуб» («Любовь сердец») Алишера Навои анализируется в контексте произведений Убайда Закани «Десять сезонов», Хусайн Ваиза Кошифий «Нравы Мухсиний», Саъди «Гулистон», Низамий Арузи Самаркандий «Четыре статьи» и написан в восточной литературе в духе указаний Абдурахмона Джами «Бахористон» («Цветочник»). Автор рассматривает трактовку социальных категорий и нравственных представлений в упомянутых работах как неотъемлемые составляющие общей универсальной проблемы совершенного общества и совершенного человека. В процессе идейно-художественного анализа великий мыслитель Алишер Навои обращает внимание на особенности стиля прозы, вопросы литературного мастерства.

Ключевые слова: совершенный человек, совершенное общество, «Махбубул-кулуб» («Любовь сердец»), «Сиёсатнома» («Книга о политике»), «Четыре статьи», «Бахористон» («Цветочник»), «Нравы Мухсиний», «Қобуснома», «Десять сезонов», художественное изображение, образ, тема, социальная категория, нравственное качество, нравственное правило, нравственное воображение, благотворительность, знание, профессия, «Ихёу улумид-дин».



THE PERFECTION OF A PERFECT PERSON AND A PERFECT SOCIETY

Khayitov Shavkat Akhmadovich,

Bukhara State University,

Associate Professor of Uzbek Language and Literature, DSc.

tel .: 998 (91) 4077188

E-mail: s.a.xayitov@buxdu.uz

Annotation: *"Mahbubul-qulub" written by Alisher Navoi has been compared with the works of "Politics" by Nizomulmuluk which was written in "pandnoma" spirit, Nizami Aruzi Samarkandi's "Chahor article", Saadi's "Gulistan", Hussein Voiz Kashifi's "Akhloqi Muhsiniy", Kaykovus's "Kobusnoma", Abdurahmon Jomiy's "Bahoriston", Ubayd Zakani "Ten seasons". The author considers the interpretation of social categories and moral concepts in the above-mentioned works as inseparable components of the whole universal problem of a perfect society and a perfect person. In the process of ideological and artistic analysis, the great thinker Alisher Navoi focuses on the peculiarities of the prose style, the issues of literary mastery.*

Keywords: *perfect man, perfect society, "Mahbubul-qulub", "Siyosatnoma", "Chahor article", "Gulistan", "Akhloqi Muhsiniy", "Qobusnoma", "Bahoriston", "Dah fasl", artistic image, image, subject, social category, moral virtue, moral rule, moral imagination, charity, science, profession, "Thyolumid-din".*

Муайян жамиятда бир тоифа комил инсонларнинг фаолияти билан ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Мумтоз муаллифларнинг асарларида ҳам мавзунинг айни қирраси инобатга олинган. Улардан аксариятида комил жамият ва комил инсонлар муаммоси кун тартибига қўйилган. Шу нуқтаи назардан академик Б.Валихўжаевнинг куйидаги таъкиди катта илмий аҳамият касб этади: «Алишер Навоий талқинида комил инсон жамиятнинг бир тоифасига мансуб бўлиб қолмай, балки ижтимоий ҳаётдаги турли тоифаларнинг вакиллари, яъни бошқарув (подшоҳ, вазир, амалдор), маънавият ва маърифат (қози, мударрис, шайх, воиз), илм ва ҳунармандлик (олим, талаба, тижорат аҳли ва турли ҳунармандлар), қишлоқ хўжалиги (деҳқон), меҳнат аҳли (тикончи чол) ва бошқаларга ҳам дахлдордир. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, ҳозирги кунда комил инсон муаммосини маърифий (тасаввуфий: пайғамбарлар, авлиёлар, сўфийлар) йўналишида талқин қилишга урғу бериш ҳам кузатилади. Бизнингча, комил инсонни маърифий йўналишда талқин қилишни кенг қамровли, яъни ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, маънавий яхлит муаммонинг бир қирраси сифатида қараш масалани навоиёна кенг ва ҳар томонлама тушуниш ва талқин қилишга яқинлаштиради» [5].

Комил жамият ва комил инсон масаласи барча замонларда ҳам ижодкорларнинг диққат марказида турган. Шу маънода «Сиёсатнома», «Қобуснома», «Чаҳор мақола», «Гулистон», «Баҳористон», «Маҳбул-қулуб», «Ахлоқи Муҳсиний» каби асарлар даврлар талаби, ижтимоий ҳаёт тақозоси билан юзага келган.

Саналган асарларнинг айримлари нафақат бадиий тасвир имкониятлари, балки образлар силсиласи, мавзу қамрови нуқтаи назаридан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, «Сиёсатнома»да давлат ва уни бошқариш, мамлакат ва мамлакатдорлик муаммоси асар марказида турганлиги учун амалдор (шоҳ, вазир, оми, лашкарбоши...) ва мулкдорлар тимсоли кенг талқин қилинади.



«Чаҳор мақола» (1156) муаллифи фикрича, билимли ва қобилиятли, давр талабларига жавоб бера оладиган зарур хизматчиларни танлай билиш – давлатни идора этишда ҳал қилувчи омилдир. Ана шу маслақдан келиб чиқиб, Низомий Арузий Самарқандий ўз даврида мамлакат ва салтанат равнақида муҳим ўрин тутган тўрт касб соҳиби – котиб, шоир, мунажжим, табибнинг ибратли хос хусусиятларини ёритишга бутун бир асарини бағишлайди.

«Гулистон»да шоҳлар ва дарвешлар; «Баҳористон»да шайхлар ва орифлар, ҳаким ва донишмандлар, амалдор ва шоирлар алоҳида бобларда зикр қилингани ҳолда, асосий эътибор умуминсоний ахлоқий-маънавий тасаввурлар талқинига йўналтирилган.

Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» (1495) асарида бирорта ҳам ижтимоий тоифа хусусида фикр юритилмайди. Муаллиф бутун бошли асари давомида ҳаё, ифбат, эҳсон, ҳиммат, саховат, адолат каби юксак ахлоқий фазилатларга махсус тўхталади. Хусайн Воиз бундай саъю ҳаракати билан комил инсоннинг намунали ахлоқий-маънавий қиёфаси манзараларини чизиб беришга эришади. Айни замонда у ўша пандномаси билан «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асари учун мантиқий замин ҳозирлайди.

«Қобуснома»да (1083) давр ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган Кайковус замонасидаги деярли барча ижтимоий тоифа ва табақаларга тегишли талаб-тамоғиларни лўнда ва бадийий ёритиб бериш биринчи режага чиқарилган. Ана ўша ахлоқий-бадийий анъаналарнинг мантиқий давоми ва такмилини улуғ ўзбек шоири ижодиётида ёрқин ҳис қилиш қийин эмас.

Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» биринчи қисмида ўз замонасидаги ижтимоий тоифалар олдига қўйиладиган вазифалар хусусида ўта назокат ва куюнчаклик билан мулоҳаза юритишида ўша майл яққол намоён бўлади.

Асарнинг иккинчи қисмида тариқат мақомлари таҳлил қилинади.

«Маҳбубул-қулуб»нинг учинчи қисми эса «Гулистон», «Баҳористон» «Ахлоқи Муҳсиний»да кузатилгани каби ахлоқий қоидалар – умуминсоний фазилатлар ва инсон шаънига доғ бўлиб тушувчи иллатлар таҳлилига йўналтирилган.

Шундай экан, юқорида номлари келтирилган асарлардаги ижтимоий тоифалар ҳамда ахлоқий тасаввурлар талқини комил жамият ва комил шахс хусусидаги яхлит умумбашарий муаммонинг бир-биридан ажралмас таркибий қисмлари сифатида қаралмоғи зарур.

Ахлоқий қоида ва тамоғиллар талқинига бағишланган ушбу асарларда эҳсон, саховат, адолат, тавозуъ, манманлик, жоҳиллик, бахиллик, тил одоби каби мавзуларнинг фалсафий-дидактик моҳияти у ёки бу ижтимоий тоифа ахлоқига боғланмасдан умумий бир ҳолатда очилади.

Шарқ халқлари адабиётида шахснинг ахлоқий-маънавий камолотига бағишланган асарларда илм ва ҳунар ўрганиш масалаларига кенг ўрин берилган. Аниқроғи, илм ва ҳунарга эзгулик, поклик рамзи, инсонларни турли офатлардан сақловчи, мушқулларни осон қилувчи муҳим восита сифатида қаралган. Шунинг учун илм ва ҳунар ўрганиш йўлида риёзат чекиш савоб ҳисобланган. Чунки аждодларимиз нигоҳида бундай фазилатлар шахс моддий ва маънавий ривожининг асосини, инсон улуғлигининг жавҳарини ташкил этади, деган ақида амал қилган: «Улуғлик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва насаб била бўлмас» [6, 26], – деган Унсур ул-Маолий Кайковус масалага анча теран ёндашади ва «меҳнат қилмоқ, баданни ялқовлик, яъни бекорчиликдан қутқармоқ,...



бекорчилик баданнинг фасод ва беморлигига сабаб бўлиши»ни уқтиради [3, 31]. Алишер Навоийда бундай ёрқин фикрлар гадозода ва ғанийзода тимсолларини ўзига хос сифатлашлар («хирадманд», «лаванд») билан келтиришда равшан намоён бўлади. Шунингдек, масаланинг ҳар иккала кутуби манзарасини (илм-жаҳолат, донишманд-жоҳил, доно-нодон) бадиий акс эттиришга урғу берилади.

Ғаззолийда комил инсон атворига зид бўлган хислатлар киши руҳининг кушандаси сифатида талқин қилинади. Муаллиф илоҳий-ирфоний ғояларни тавба, сабр, шукр, хавф, умид, фақр, зуҳд, ният, сидқ, ихлос, тавҳид, таваккул, шавқ, муҳаббат ҳамда қазо каби атамалар талқини воситасида беради. Алишер Навоий Ғаззолий «Ихёу улумид-дин» асарининг иккинчи ва учинчи бобларига мурожаат қилган, ундан илҳомланган. «Насойимул-муҳаббат» асарида Муҳаммад Ғаззолий ҳақида шундай ёзилади: «...халқдин хилват ихтиёр қилди ва муфид китоблар тасниф қилди: «Ихёул-улум»дек ва «Жавоҳирул-Қуръон» ва «Ёқитут-тавил» тафсиридекки, қирқ мужалладдур ва «Мишкотул-анвор»декки, барча машҳур кутублардир»... [4, 250]. Яна Ғаззолий ҳақида Навоий «Хамса»сининг якунловчи достони «Садди Искандарий»да шундай мисралар битиб қолдирган:

Саодат зиёсин сочиб меҳр сон,

Юзинда шараф хулласи тайласон.

Тоғиб «Кимийи саодат»қа йўл

Фалак хонақоҳида Ғаззолий ул [2, 10].

«Ихёу улумид-дин»нинг биринчи китобидан ўқиймиз: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганларки: «Уч нарса инсонни ҳалок этади: ўта бахиллик, ортидан эргаштириб кетадиган хоҳиш, такаббурлик билан нафсига ортиқча баҳо бериш». Инсон табиати бу уч нарсадан холи эмас. Бошқа ёмонликлар ҳам шу уч сифатдан пайдо бўлади» [10, 42].

Нуриддин Абдурахмон Жомий «Баҳористон»нинг «Дарवेशлар ҳақида»ги равзасида худбинлик ҳақида Юсуф ибн Хусайн Розий ҳикматини келтиради: «Ҳамма яхшиликлар бир уйда – унинг калити тавозуъ ва камтаринлиқдир, ҳамма ёмонликлар бошқа бир уйда – унинг калити манманлиқдир» [8, 104].

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб»нинг ўнга яқин танбеҳида гўё Имом Ғаззолий ҳамда Мавлоно Жомийга фикрдошлик қилади ва худпарастлик хусусида муфассал фикр юритади. Худбин кишиларни тоифаларга ажратиб, ҳар бир табақа атворидаги хусусиятларни алоҳида-алоҳида ёритади. Худпарастлик – манманликнинг пайдо бўлиши, аломатлари, иддив отиши, турли ижтимоий табақалар фаолиятидаги кўринишлари, юқумли микроб каби жамиятни заҳарлаши, покиза инсонларга салбий таъсири, худбин кимса тақдири, кибрли қилмишларининг фожиали оқибатлари Алишер Навоий насрида бутун ҳаётини, амалий қирраларигача бадиий-фалсафий мазмунда очиб берилган.

Алишер Навоий покиза руҳ манбаи – тил одоби хусусида қалам сураб экан, одамийлик оламига офат ёғдирувчи нодонга муносабат масаласини ҳам эътибордан соқит қилмаган: «Нодонга сўз демаки, айғоғдур ва кўп демаги бўртоғдур» [7, 140]. «Демаки» ва «демаги» сўзларининг араб имлосидаги ёзилиш шакли бир хил. Матнда бу сўзлар воситасида тажнис санъати ҳосил қилинган: а) «демаки» – айтмаки (иш-ҳаракат ифодаланган ва у иккинчи шахсга қаратилган); «демаги» – гаплари (ҳодисанинг номи аталган ва фикр учинчи шахсга, яъни нодонга йўналтирилган). Асарнинг жорий



ёзувимиздаги нашрларида «демаки» сўзи таркибидаги шахс қўшимчаси («и») тушириб қолдирилган [1, 69; 3, 106]. Матнга «демаки» ўрнига «демак» сўзини қўйиб ўқисак, маъно остун-устун бўлиб кетади. Ким айёқ? Нодонми ёки нодонга сўз айтган кишими? «Айёғдур»нинг кимга тегишлилиги мавҳумлашиб, сўз муаллақ ҳолда қолади. Тажнис нурсизланади.

Алишер Навоий баркамол шахс ахлоқи мезонларини тарғиб қилар экан, эҳсонни инсоннинг маънавий юксалиши меъёри даражасига кўтаради: «Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур ва одамийлик конининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур. Жамъи писандида сифот ва мустаҳсан ҳолат эҳсонга тобеъдур ва анинг зимнида мундариж воқеъдур; ул барча яхшилиқларга жомеъ ва бари яхшилиқлар, филҳақиқат, анга рожеъ» [7, 77]. Улуғ адиб эҳсон моҳиятини ёритишда сажъ санъати қоидаларига тўлиқ амал қилгани ҳолда, янги истиоралар («инсоният боғи», «одамийлик кони», «инсоният боғининг шажари (дарахти)», «одамийлик конининг гавҳари»), оҳорли сифатлашлар («дилписандроқ шажар», «аржумандроқ гавҳар») қўлайди. Эҳсонни умр мазмунига айлангирган инсон ҳирс, заифлик, бахиллик исканжасидан озод бўлади. Мол-дунёга қулликдан қутулади. Шунинг учун ҳам бу юксак инсоний фазилят-одамийлик хазинасининг энг қадрли, қийматли гавҳари сифатида улуғланади. Эҳсоннинг зиддида бахиллик туради. Бахил инсон юз ҳасрату армон билан ўлади. Шунинг учун ҳам «...ғанийи бахил нодонедур, ўз зиёнига надим» [3, 89]. Алишер Навоий талқинича, бошқаларга ҳеч нарсасини раво кўрмайдиган қизғанчиқ, хасис, исқирт инсон бутун фаолияти билан ўз зарарига хизмат қилади.

Бу маънавий дард, хасталик оғу сингари олижаноб инсоний фазилятларни емиради. Ижтимоий муҳитга салбий таъсир қилиб, жамиятни тубанлик офатига дучор қилади. Эҳсон, ўзидан ортиб қолган мол-мулкни бошқалар манфаати учун ишлатиш орқали эса кишилиқ жамиятида ижтимоий тенглик рўёбга чиқади. Улуғ адиб «Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва офат яъжужи дафъиға садд бил», – дейиш билан Қуръон оятлари ва Ҳадисларда кўп марта таъкидланган садақа балоларни дафъ қилади, эҳсон қилган киши катта савобга дохил бўлиб, охиратда жаннатга киради, ризқи кенг, умри зиёда бўлади, деган икки дунё саодатига оид фикрларни ҳам жумлаларига сингирган. Айни ғоялар «Бақара» сурасининг 265-ояти каримасида мажозий услубда гўзал ташбиҳлар билан теран акс эттирилган: «Молларини Аллоҳ ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф қиладиган кишилар адирдаги боққа ўхшар: унга жала қуйгач, ҳосилини икки баробар етиштирар...» [9, 45].

Навоий насрий асарларидаги фасл, боб, танбеҳлар, муқаддима ва хотимавий қисмлар яхлит ҳолда бош ғоя ифодасига хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳар бир бўлакнинг ўз мақсади, ҳар бир гапнинг ўз фикрий йўналиши бор. Ҳатто боғловчи, кўмакчи, қўшимчалар ҳам бош мақсад йўлида хизмат қилувчи, мазмунни ойдинлаштириб кўрсатувчи воситалар мақомига кўтарилган: «Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон» [7, 80].

Улуғ адиб ҳайвонот ва наботот олаmidан қарама-қарши кутбларда турувчи саховатли ва саховатсиз кишининг ҳар бирини ўзига хос мушаббеҳлар танлаб бадий тасвирлайди: «Олий ҳиммат шаҳбозедур баландпарвоз, беҳиммат сичқон сайёде юрутачи тоз» [3]. Катта ҳаётий тажриба ва билим соҳиби, табиат ва наботот оламининг нозик дид билимдони Алишер Навоий танлаган мажозий тимсоллар–лочин («шаҳбоз») ҳам калхат



(«тоз») ҳам йиртқич қушлар туркумига киради. Бироқ бадиий адабиётда калхат – ёвузлик ва очқўзлик тимсоли, лочин – эпчиллик, жасорат, шижоат ва юксаклик рамзидир.

Тил одоби, эҳсон, саховат, ҳиммат, вафо, ҳаё, тавозуъ ва камтаринлик каби умуминсоний фазилатларни тарғиб қилиш; нафс офати, нодонлик, бахиллик, тилга бефарқлик балоси, кибру ҳаво каби қусурларни танқид қилиш орқали умумжамият аъзоларининг маънавий дунёсига таъсир этиш «Гулистон» ва «Маҳбубул-қулуб», «Ахлоқи Муҳсиний» каби насрий асарларда кенг ўрин тутди. «Чаҳор мақола», «Қобуснома», «Даҳ фасл» (Убайд Зоконий) ва «Маҳбубул-қулуб»да ахлоқий хислат ва иллатлар ёнига мавзунинг иккинчи бир таркибий қисми – кишиларнинг ижтимоий аҳволига (эгаллаб турган вазифаси, амали, мансаби, касби) кўра ахлоқи ва одоби масаласи келиб қўшилади. Бунда ижтимоий табақаларга муносабат билдириш жараёнида муаллифнинг баркамол шахс ҳақидаги қарашлари юзага чиқади.

Нуриддин Абдурахмон Жомий «Баҳористон»да шойиста хулқ-атвор ва ундаги иллатлар хусусида махсус боб ёки фаслда сўз бормади. Асарда адолат, саховат, жавонмардлик ва ишқ мавзулари ҳикоятлар ва улардан сўнг ахлоқий хулосалар тарзида келган назмий парчалар воситасида махсус талқин қилинади. Ҳаётнинг ибратли қирралари ва ахлоқий қарашларни ёритишда муаллиф латифа ва масал жанрлари имкониятларидан моҳирона фойдаланган. «Баҳористон»нинг саккизинчи равзасида ахлоқий-маънавий муаммолар Мавлоно Жомий замонасига қадар яшаган ва ҳамасри бўлган Маҳдуми Нуран (Алишер Навоий) назарида ўз даврининг баркамол шахслари ҳисобланган ўттиз тўққиз нафар шоир ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан ёритилган.

Низомий Арузий Самарқандий «Чаҳор мақола»да ахлоқий сифатлар ва инсон руҳониятининг қушандаси ҳисобланган иллатлар талқинига махсус фасл ажратмаган. Чунки бу китобда муаллиф давлат ва салтанат манфаатлари учун зарур бўлган тўрт тоифа кишилар – котиб, шоир, мунажжим, табибларнинг ижтимоий-ахлоқий ўрни, касб хусусиятлари ҳақида кенг мулоҳаза юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. «Чаҳор мақола»да котиблик, шоирлик, мунажжимлик, табиблик касбининг одоби хусусида ҳам муҳим мулоҳазалар баён қилинган, айни соҳа атоқли вакиллариининг ҳаётидан ибратли лавҳалар келтирилган.

Илк ўрта аср тожик-форс адабиётининг забардаст намояндаси Убайд Зоконийнинг «Даҳ фасл» номи билан шуҳрат таратган «Таърифот» рисоласи мутлақо ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, бунда ҳар бир ижтимоий тоифа таърифини муаллиф ўткир ва аччиқ киноявий услубда, бир неча сўз ёки бир-икки ихчам жумлада беришга эришган. Убайд Зоконий «Даҳ фасл»да асосий эътиборни ижтимоий табақалар ахлоқининг салбий қирраларини очишга қаратган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 13-том. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – Б. 244.
2. Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 11-жилд. –Тошкент: Фан, 1993. – Б. 640.
3. Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. МАТ. 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 304.
4. Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. –Тошкент: Фан, 2001. – Б. 520.
5. Валихўжаев Б. Комил инсон – комил жамият: Алишер Навоий талқинида. // Маърифат, 2002, 23 янв.
6. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Мерос, 1992. – Б. 175.



7. علي شير النوائي. محبوب القلوب. Сводный текст. – М. – Л. Изд. АН СССР. 1948. – Стр.174.
8. عبدالرحمن جامي . بهارستان. Танқидий матн. – Москва.: Наука, 1987. – Стр.177.
9. Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 624.
10. Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 2003. – Б. 232.



13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЖАРАЁНЛАРИГА АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ**

Исмоилов Темурбек Исломович
Наманган давлат университети
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б.доцент
Тел: 99 972-19-82 e-mail: temur_86@mail.ru

***Annotatsiya:** universitetga akademik mustaqillik berish, uni yanada rivojlantirish va raqobatbardoshligining asosiy mezonini sifatida ahamiyatini aniqlash, hozirgi bosqichda mamlakatimiz universitetlarining akademik mustaqilligi darajasiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash.*

***Kalit so'zlar:** akademik mustaqillik, raqobatdoshlik, universitet, ta'lim jarayoni, ta'lim, ta'lim dasturlari, akademik siyosat.*

**ВНЕДРЕНИЕ ПРИНЦИПОВ АКАДЕМИЧЕСКОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ В ПРОЦЕСС
ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВУЗОВ**

Исмоилов Темурбек Исломович
Наманганский государственный университет
Доктор философии (PhD) по философии и др. Доцент.
Тел: 99 972-19-82 e-mail: temur_86@mail.ru

***Аннотация:** дать университету академическую независимость, определить его значимость как ключевой критерий его дальнейшего развития и конкурентоспособности, выявить факторы, влияющие на уровень академической независимости вузов страны на данном этапе.*

***Ключевые слова:** академическая независимость, конкурентоспособность, университет, образовательный процесс, образование, учебные планы, академическая политика.*

**IMPLEMENTATION OF THE PRINCIPLES OF ACADEMIC INDEPENDENCE IN THE
PROCESS OF ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF UNIVERSITIES**

Ismoilov Temurbek Islomovich
Namangan State University
Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy and other Associate Professor.
Tel: 99 972-19-82 e-mail: temur_86@mail.ru

***Annotation:** to give the university academic independence, to define its significance as a key criterion for its further development and competitiveness, to identify the factors affecting the level of academic independence of the country's universities at this stage.*

***Key words:** academic independence, competitiveness, university, educational process, education, curricula, academic policy.*



A key element of the university's ability to best meet the modern requirements of the education system is academic independence and independence from government interference in the educational process.

If we look at the history of the development of the Institute of Academic Independence, it should be noted that universities often had to argue with external forces - the state, the church or other ruling groups, because university professors are notorious for their protests. they were. , the tendency to criticism, contradiction and conservatism.

The academic independence of universities was first announced in 1818 by Wilhelm von Humboldt, who founded the first research university in Germany. *Lehrfreiheit* was the idea of German academic independence for professors who could teach and conduct research at the same time. For students, *Lernfreiheit* was manifested in the freedom to choose a topic to read.

In 1915, the American University Professors Association established the main tasks of academically free universities: "to assist humanity in the search for and accumulation of knowledge," "to teach students the basics of science," and "to train specialists in various fields of public service." The urban organization expanded the concept of academic independence and included the opportunity for the professor to freely express his or her views on a variety of issues, including outside the scope of his or her professional qualifications.

The definition of academic independence has evolved over time or has come under expanding or narrowing interpretation.

At the present stage, academic independence is sometimes seen as any manifestation of effective teaching and research incentives, including the widespread involvement of faculty in the university management process, the expansion of funding channels for higher education, o. Equipping classrooms and laboratories with modern equipment. The concept of "academic independence" is taken as the existence of the necessary factors for the successful operation of a university. However, many universities declare their academic independence, in fact limiting the content of their curricula, borrowing the subject matter of the study materials, not allowing some research, and holding publications. do not send and so on.

Issues related to academic independence, on the other hand, are related to distance learning, controlling the change in knowledge that poses the problem of intellectual property protection, given the modern possibilities of its dissemination via the Internet. innovative knowledge.

One thing is clear, today, academic independence is a necessary condition for a high-level university activity. The high level of academic independence is one of the key indicators of international rating agencies. The University's commitment to a high level of academic independence encourages its high level of research, expression of ideas and opinions.

Achieving academic independence is a core value of modern higher education. At the current stage of development of society, higher education and its transformation are influenced by key factors: commercialization, publicity and availability. With this in mind, it is necessary to return once again to Humboldt's basic understanding of academic independence, where under academic independence the professor has the right to teach, conduct research, publish and express his or her views without any restrictions. his qualification. Academic independence guarantees the right to work as a professor through a system of contracts and agreements.

However, an important factor must be taken into account - it does not matter how the university is managed for academic independence, whether it is adequately funded. The



essence of academic independence is not the privilege of the professor to participate in the management of the university, but the ability to express his or her views on management issues. Academic independence should be seen as the freedom of professors to read, research and express their opinions. University professors are obliged to provide productivity and efficiency, his work should be evaluated and rated, but if there are negative results, administrative measures should be taken before dismissal, of course, after a formal inspection 'ng. does not violate academic independence.

Studying the experience of other leading universities in Europe and the world, their practice of academic independence allows us to confirm that changes in the system of higher education in Uzbekistan will find their response [1].

The successful modernization of the national education system is the result of the state education strategy. This is evidenced by the successful implementation of a multi-stage model of training in the credit system, distance learning technologies, bachelor's, master's and doctoral programs in higher education institutions of Uzbekistan.

Uzbekistan's experience in implementing the credit education system is being studied by leading education experts from neighboring countries [2].

Of particular interest are the methods of transition from the previous linear education system to credit practice in accordance with the principles of the Bologna process. Education policy of Uzbekistan is based on the priorities of the Bologna process, the introduction of quality management systems, innovative teaching technologies, accreditation, raising education to the international level through the academic mobility of students and faculty. aimed at providing guaranteed high quality education through.

The higher education system of Uzbekistan is developing steadily in line with global trends, the reform process must become advanced, academic independence must become a real attribute of the educational process, the impetus for the development of Uzbek universities.

In conclusion, it should be noted that the market economy, the competitive environment in the field of education and public recognition are sufficient to improve the quality of self-education, the responsibility of universities and self-development. 'batdir. In such circumstances, academic independence, independence from unnecessary interference of the university executive body is a guarantee of its successful operation and competitiveness. Only in the conditions of real self-governance of higher education and guarantees of academic independence can the effectiveness of higher education in Uzbekistan be ensured [3]. Its effectiveness is proportional to the ability to think, to speak freely, to create, to create ideas, new concepts and theories.

List of used literature

1. Understanding the content of the qualification and degree structures of the European experience in the formation of commonality [http: //www.edst.msu.ru/conr/docs/europe.doc](http://www.edst.msu.ru/conr/docs/europe.doc)
2. G.K. Axmetova, G.N. Parshina, A.K. Mynbaeva, A.M. Alybaeva.-Programs of methods of determining education. 2009 - 44
3. Resolution of the Government of the Republic of Uzbekistan dated August 23, 2012 №1080 "Relevant levels of education according to state compulsory education standards"



TRIGONOMETRIK TENGLAMALAR YECHIMLARI TO'PLAMINI UMUMLASHTIRISHNING BIR USULI

Ermатов Sherzodbek Latibjonovich, tayanch doktorant

Andijon davlat universiteti

Tel: +9989889806003 e-mail: u_xonqulov@mail.ru

Аннотация: Ushbu maqolada matematika o'qitish metodikasining dolzarb masalalaridan biri bo'lgan trigonometrik tushunchalarni o'qitishdagi primitiv yondashuv va usullar, xususan trigonometrik tenglamalar yechimlarini umumlashtirish usuli bayon qilingan. Maqolada trigonometrik tenglamalar yechimlarini umumlashtirishga oid muhim tavsiyalar keltirilgan. Ba'zi tipik namunaviy misol va masalalar yechib ko'rsatilgan. Shuningdek matematika olimpiadalarda berilgan masalalarni yechish imkoniyatlari ko'rsatilgan.

Тayanch so'zlar: trigonometriya, arifmetik progressiya, butun sonlar to'plami, chekli va cheksiz soha, yechimlar to'plami.

МЕТОД ОБОБЩЕНИЕ МНОЖЕСТВ РЕШЕНИЙ ТРИГОНОМЕТРИЧЕСКИХ УРАВНЕНИЙ

Эрматов Шерзодбек Латибжонович, базовый докторант

Андижанский государственный университет

Tel: +9989889806003 e-mail: u_xonqulov@mail.ru

Аннотация: В статье описаны примитивные подходы и методы обучения тригонометрическим понятиям, в частности, метод обобщения решений тригонометрических уравнений, который является одним из актуальных вопросов в методологии обучения математике. Статья содержит важные рекомендации по обобщению решений тригонометрических уравнений. Вот несколько типичных примеров и решений. Он также показывает возможности решения задач, заданных на математических олимпиадах.

Ключевые слова: тригонометрия, арифметическая прогрессия, множество целых чисел, конечное и бесконечное поле, множество решений.

METHOD OF GENERATION OF SETS OF SOLUTIONS OF TRIGONOMETRIC EQUATIONS

Andijan State University

Irmatov Sherzodbek Latibjonovich, basic doctoral student

Tel: +9989889806003 e-mail: u_xonqulov@mail.ru

Annotation: This paper describes primitive approaches and methods in teaching trigonometric concepts, in particular the method of generalizing solutions of trigonometric equations, which is one of the most pressing issues in mathematics teaching methodology. The article contains important recommendations for the generalization of solutions of trigonometric equations. Here are some typical examples and solutions. It also shows the possibilities of solving problems given in the Mathematical Olympiads.

Keywords: trigonometry, arithmetic progression, set of integers, finite and infinite field, set of solutions.



Trigonometriya algebra va geometriya fanlarida muhim ahamiyatga ega bo'lib, integrativ xususiyatga ega. Shu ma'noda trigonometrik tenglamalar yechimlarini umumlashtirish va yechimlarni tanlash o'quvchilarda muammoli vaziyatlar yuzagani chiqadi. Buning sababi sifatida o'quvchilar ikki o'zgaruvchili chiziqli tenglamalarni yechish metodikasini amalda qo'llay olmasligi asosiy omil sifatida qaralmoqda. Ikki o'zgaruvchili chiziqli tenglamalarni yechish usullari umumiy o'rta ta'lim matematika kursi mazmuniga kiritilmagan. Ammo chuqurlashtirilgan o'quv materiallarda kop o'zgaruvchili chiziqli tenglama uchraydi va ular Diofant tenglamalari (aniqmas tenglamalar) deb ataladi. Bunday tenglamalarni yechishda qo'llaniladigan usullarni trigonometrik tenglama yechimlarini umumlashtirishda ham foydalanish mumkin [2].

Ba'zi hollarda trigonometrik tenglamalarni berilgan sohada ya'ni, interval, kesma, yarim interval va boshqalarda yechimlarini topish talab etiladi. Bu holatlarda trigonometrik tenglama yechimlarini berilgan sohalarga tegishli bo'lganlarini ajratib olish nazarda tutiladi [1].

Trigonometrik tenglamalarning yechimlari to'plami arifmetik progressiyani tashkil etishi ma'lum. Masalan, $\sin x = 0$ tenglamaning barcha yechimlari to'plami ayirmasi π ga teng $x_k = \pi k$, $k \in \mathbb{Z}$ arifmetik progressiyani tashkil etadi. $\cos 5x = 0,5$ tenglamaning yechimlari

to'plami esa ikkita arifmetik progressiyani tashkil etadi: $x_k = \frac{\pi}{15} + \frac{2\pi k}{5}$ va $x_m = -\frac{\pi}{15} + \frac{2\pi m}{5}$.

Birinchi progressiyaning ayirmasi $2\pi/5$, birinchi hadi $\frac{\pi}{15}$. k va m parametr ga butun

qiymatlar berish orqali progressiyaning ixtiyoriy nomerdagi hadini topish mumkin.

Bir qator trigonometrik masalalarni yechishda, ularning umumiy yechimlarini topish uchun arifmetik progressiyalar shaklida yozilgan yechimlar to'plamini solishtirish kerak bo'ladi, chunki ular yo masalaning yechimi, yoki aksincha bo'lishi mumkin. Buni aniq misollarda ko'raylik. Quyidagi arifmetik progressiyalarning umumiy hadini topish talab qilinsin:

$$x = 1 + 5k, \quad k \in \mathbb{Z}; \quad x = 3 + 7m, \quad m \in \mathbb{Z}.$$

Faraz qilaylik birinchi $x_k = 1 + 5k$ progressiyaning k -hadi ikkinchi $x_m = 3 + 7m$ progressiyaning m -hadi bo'lsin. k va m parametrning qanday qiymatlarida $1 + 5k = 3 + 7m$ munosabat o'rinli ekanligini aniqlaymiz. k va m parametrning shunday qiymatini topish kerakki arifmetik progressiyalarning shu nomerdagi qiymatlari teng bo'lsin. Natijada butun koefitsientli ikki o'zgaruvchili chiziqli tenglama hosil bo'ladi: $5k - 7m = 2$. Bu tenglamani butun sonlar to'plamida yechamiz. Tenglamaning o'zgaruvchi oldidagi ikki koefitsientidan biz eng kichik qiymatga ega bo'lganini tanlaymiz (bu 5) va chapdagi ikkinchi hadni $7m = 5m + 2m$ shaklda yozamiz va $5k - 5m - 2m = 2 \Rightarrow 5k - 5m = 2 + 2m$. Tenglikning chap tomoni 5 ga bo'inganligi uchun o'ng tomon ham 5 ga bo'linishi zarur: $2m + 2 = 5s$, $s \in \mathbb{Z}$. Shu tarzda $2m - 5s = -2$ tenglamadan m va s noma'lum butun sonlarni yuqoridagidek topamiz. Oxirgi tenglamaning o'zgaruvchilar oldidagi ikki koefitsientidan biz eng kichik qiymatga ega bo'lganini tanlaymiz (bu 2) va chapdagi ikkinchi hadni $2m - 4s - s = -2 \Rightarrow 2m - 4s = s - 2$ shaklda yozamiz. Tenglamaning chap tomoni 2 ga karrali, shuning uchun $s - 2$ ham 2 ga karrali bo'lishi kerak: $s - 2 = 2p$, $p \in \mathbb{Z}$. Shunday qilib $s = 2p + 2$ tenglamadan noma'lum s va p butun sonlarni topamiz. Noma'lumlardan birining koefitsienti 1 ga teng bo'lgan tenglama olinishi bilan yechish jarayoni nihoyasiga etadi. Demak, $s = 2p + 2$ tenglama p ning ixtiyoriy butun qiymatlarida butun son bo'ladi:



$$2m - 5s = -2 \Rightarrow m = \frac{5s - 2}{2} = \frac{5(2p + 2)}{2} = 5p + 4,$$

$$5k - 7m = 2 \Rightarrow k = \frac{7m + 2}{5} = \frac{7(5p + 4)}{5} = 7p + 6.$$

Shunday qilib birinchi progressiyaning $k = 7p + 6$ nomerdagi hadi $x = 1 + 5k = 1 + 5(7p + 6) = 35p + 31$, ikkinchi progressiyaning $m = 5p + 4$ nomerdagi hadi $x = 3 + 7m = 3 + 7(5p + 4) = 35p + 31$ teng. $m = 5p + 4$ va $k = 7p + 6$ bo'lsa, ikkala progressiya umumiy hadlarga (qiymatlarga) erishadi.

Javob: $x = 35p + 31, p \in Z$.

Keling, trigonometrik xarakterga bir nechta misollarni keltiraylik.

2-misol. Ikki to'plamning umumiy elementlarini toping [3]:

$$x = \frac{\pi}{4} + \frac{\pi}{8}k \quad \text{va} \quad y = -\frac{\pi}{3} + \frac{\pi}{6}k, \quad k \in Z.$$

Yechish. Shunday turli (k, m) nomerlar mavjud bo'lsinki, bu nomerda to'plamlarning elementlari teng bo'lsin. U holda quyidagi tenglamani yechishga to'g'ri keladi:

$$\frac{\pi}{4} + \frac{\pi}{8} \cdot k = -\frac{\pi}{3} + \frac{\pi}{6} \cdot m, \quad k, m \in Z. \quad \text{Tenglikning har ikkala tomonini } \pi \text{ ga bo'lib, 24 ga}$$

$$\text{ko'paytiramiz:} \quad 6 + 3k = -8 + 4m, \quad 3k - 4m = -14,$$

$$3k - 3m - m = 14 \Rightarrow m - 14 = 3s \Rightarrow m = 3s + 14, \quad s \in Z.$$

$$\text{Noma'lum } k \text{ ni topamiz: } k = \frac{4m - 14}{3} = \frac{4(3s + 14) - 14}{3} = 4s + 14.$$

Demak ikki to'plamning umumiy elementlari quyidagi shaklda bo'ladi:

$$x = \frac{\pi}{4} + \frac{\pi}{8}k = \frac{\pi}{4} + \frac{\pi}{8}(4s + 14) = 2\pi + \frac{\pi}{2}s, \quad s \in Z.$$

Agar s parametrni $n = s - 4$ kabi almashtirilsa, umumiy elementlar ixcham shaklda hosil bo'ladi: $x = \frac{\pi}{2}n, n \in Z$.

Javob: $x = 2\pi + \frac{\pi}{2}s, s \in Z$ yoki $x = \frac{\pi n}{2}, n \in Z$.

3-misol. Tenglamani yeching: $\sin 6x \operatorname{tg} 7x = 0$.

Yechish: Ma'lumki, tenglama $\sin 6x = 0$ va $\operatorname{tg} 7x = 0, \cos 7x \neq 0$, yechimga ega.

Shuning uchun:

$$1) \begin{cases} \sin 6x = 0, \\ \cos 7x \neq 0; \end{cases} \quad 2) \begin{cases} \operatorname{tg} 7x = 0 \Rightarrow \sin 7x = 0, \\ \cos 7x \neq 0. \end{cases}$$

Ikkinchi sistemaning yechimlari:

$$\begin{cases} \operatorname{tg} 7x = 0, \\ \cos 7x \neq 0 \end{cases} \Leftrightarrow \begin{cases} \sin 7x = 0, \\ \cos 7x \neq 0 \end{cases} \Leftrightarrow 7x = \pi k \Leftrightarrow x = \frac{\pi k}{7}, \quad k \in Z.$$

$\sin x$ va $\cos x$ argumentning bir xil qiymatlarida nolga aylanmadi, shuning uchun $\sin 7x = 0$ da $\cos 7x \neq 0$ o'rinli. Endi birinchi sistemaning $\sin 6x$ tenglamasi $x = \pi k / 6$ yechimidan



ikkinchi $\cos 7x = 0$ tenglama $x = \frac{\pi}{14} + \frac{\pi}{7} \cdot m$ yechimlarini chiqarib tashlash kerak. Buning uchun ikki arifmetik progressiyaning umumiy hadlarini topamiz:

$$x_k = \frac{\pi}{6} \cdot k, \quad k \in \mathbb{Z} \quad \text{va} \quad x_m = \frac{\pi}{14} + \frac{\pi}{7} \cdot m, \quad m \in \mathbb{Z}.$$

Demak: $\frac{\pi}{6} \cdot k = \frac{\pi}{14} + \frac{\pi}{7} \cdot m \Leftrightarrow 7k = 3 + 6m \Leftrightarrow 7k - 6m = 3.$

Oxirgi tenglamani shakl almashtiramiz:

$$(6k + k) - 6m = 3 \Leftrightarrow 6k - 6m = 3 - k.$$

Tenglamaning chap tomoni 6 ga karrali bo'lgani uchun $(3 - k)$ ifoda ham 6 ga karrali: $3 - k = 6s \Rightarrow k = 3 - 6s, \quad s \in \mathbb{Z}.$ Bundan ikkala arifmetik progressiyaning umumiy hadi quyidagi shaklda bo'ladi:

$$x = \frac{\pi}{6} \cdot k = \frac{\pi}{6} \cdot (3 - 6s) = \frac{\pi}{2} - \pi s \quad \text{yoki} \quad x = \frac{\pi}{2} + \pi n, \quad n \in \mathbb{Z},$$

bu yerda $n = -s, \quad n \in \mathbb{Z}.$ Shunday qilib $x = \pi k / 6$ to'plamdan k ning $k = 3 + 6n$ qiymatlarini chiqarib tashlash kerak. E'tibor bersak, $6n$ ifoda 6 ga bo'linadigan sonlarni bildiradi, 6 ga bo'linmaydigan sonlarni quyidagi shaklda yozamiz:

$$k_1 = 6n + 1, \quad k_2 = 6n + 2, \quad k_3 = 6n + 3, \quad k_4 = 6n + 4, \quad k_5 = 6n + 5.$$

Shuning uchun berilgan tenglamaning umumiy yechim quyidagi shaklda bo'ladi:

$$x = \frac{\pi}{6} \cdot (6n + 1) = \frac{\pi}{6} + \pi n, \quad x = \frac{\pi}{6} \cdot (6n + 2) = \frac{\pi}{3} + \pi n, \quad x = \frac{\pi}{6} \cdot (6n + 4) = \frac{2\pi}{3} + \pi n$$

va $x = \frac{\pi}{6} \cdot (6n + 5) = \frac{5\pi}{6} + \pi n$

Javob: $\pi k / 6; \pi / 6 + \pi n; \pi / 3 + \pi n; 2\pi / 3 + \pi n; 5\pi / 6 + \pi n.$

4-misol. Tenglamani yeching: $\sin 5x + \cos 8x = 2.$

Yechish: $\sin 5x \leq 1$ va $\cos 8x \leq 1$ bo'lgani uchun tenglamadan ma'lumki $\sin 5x = 1$ va $\cos 8x = 1$ bir paytda o'rinli bo'lishi kerak. Shunday qilib quyidagi sistema hosil bo'ladi:

$$\begin{cases} \sin 5x = 1, \\ \cos 8x = 1. \end{cases}$$

Tenglamalarni yechamiz:
$$\begin{cases} 5x = \frac{\pi}{2} + 2\pi k, \\ 8x = 2\pi m \end{cases} \quad \begin{cases} x = \frac{\pi}{10} + \frac{2\pi}{5}k, & k \in \mathbb{Z}, \\ x = \frac{\pi}{4}m & m \in \mathbb{Z}. \end{cases}$$

Berilgan tenglamaning yechimlarini topish uchun topilgan yechimlarning umumiyliklarini ajratib

olish kifoya: $\frac{\pi}{10} + \frac{2\pi}{5} \cdot k = \frac{\pi}{4} \cdot m$

Shakl almashtirishlardan so'ng biz butun koeffitsientli tenglamani hosil qilamiz: $2 + 8k = 5m \Rightarrow 5m - (10k - 2k) = 2 \Rightarrow 2 - 2k = 5s, \quad s \in \mathbb{Z}, \quad 5s + 2k = 2$ tenglama

yuqorida kabi yechiladi: $(4s + s) + 2k = 2 \Rightarrow s = 2p, \quad p \in \mathbb{Z}.$



$$\text{Bundan: } k = \frac{2-5s}{2} = \frac{2-5p}{2} = -5p+1.$$

$$\text{Demak, } x = \frac{\pi}{10} + \frac{2\pi}{5}k = \frac{\pi}{10} + \frac{2\pi}{5}(-5p+1) = \frac{\pi}{2} - 2\pi p, \quad n = -p, \quad x = \frac{\pi}{2} + 2\pi n.$$

$$\text{Javob: } \frac{\pi}{2} + 2\pi n, \quad n \in \mathbb{Z}.$$

5-misol. Tenglamani yeching: $\sin 3x \cos 5x = 1$.

Yechish. $|\sin 3x| \leq 1$ va $|\cos 5x| \leq 1$ funktsiya chegaralangan, u holda:

$$1) \begin{cases} \sin 3x = 1, \\ \cos 5x = 1 \end{cases} \quad \text{va} \quad 2) \begin{cases} \sin 3x = -1, \\ \cos 5x = -1 \end{cases}$$

Har bir sistemani yechamiz:

$$1) \begin{cases} \sin 3x = 1, \\ \cos 5x = 1, \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} 3x = \pi/2 + 2\pi k, \\ 5x = 2\pi m, \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x = \pi/6 + 2\pi k/3, \quad k \in \mathbb{Z}, \\ x = 2\pi m/5, \quad m \in \mathbb{Z}. \end{cases}$$

Umumiy yechimni olamiz. Buning uchun $\frac{\pi}{6} + \frac{2\pi k}{3} = \frac{2\pi m}{5}$ tenglamani yechimiz:

$$5 + 20k = 12m \Rightarrow 12m - 20k = 5.$$

Shubhasiz bu tenglamaning yechimi yo'q, chunki har qanday k va m butun son uchun chap tomoni juft son, o'ng tomoni esa toq son.

$$2) \begin{cases} \sin 3x = -1, \\ \cos 5x = -1, \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} 3x = -\pi/2 + 2\pi k, \\ 5x = \pi + 2\pi m, \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} x = -\pi/6 + 2\pi/3 \cdot k, \quad k \in \mathbb{Z} \\ x = \pi/5 + 2\pi/5 \cdot m, \quad m \in \mathbb{Z} \end{cases}$$

Umumiy yechimni olamiz. Buning uchun $-\frac{\pi}{6} + \frac{2\pi}{3} \cdot k = \frac{\pi}{5} + \frac{2\pi}{5} \cdot m$

Tenglamani butun sonlarda echamiz:

$$-5 + 20k = 6 + 12m \Rightarrow 12m - 20k = -11.$$

Shubhasiz, bu tenglamaning ham yechimlari ham yo'q, chunki har qanday k va m butun sonlar uchun chap tomoni juft son, o'ng tomoni esa toq son.

Javob: Tenglama yechimga ega emas.

Xulosa qilib ta'kidlash joizki, trigonometrik tenglamalar yechimlarini umumlashtirishda butun koeffitsientli chiziqli tenglamalarni yechish usullariga alohida e'tibor berish zarur. Tajribalardan shuni aniqlandikki, o'quvchilar trigonometrik tenglamalarning yechimlarini umumlashtirishni asosan tanlash orqali amalga oshirishadi. Bu esa bir qancha hisoblashlar va vaqtni talab qiladi. Trigonometrik tenglamalar yechimlarini umumlashtirishda butun koeffitsientli chiziqli tenglamani yechish usullaridan foydalanish o'qituvchi va o'quvchilarga metodik ko'rsatma sifatida ijobiy samara beradi deb hisoblaymiz. Shuningdek, bunday yondashuvlar matematika fanining ichki aloqadorligi (integratsiya) ni ta'minlashga xizmat qiladi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Sh.L. Ermatov. Teoremlarni isbotlashda trigonometrik yondashuv. Fizika, Matematika va Informatika.-Toshkent, 2020. -№ 5. -B.101-108.
2. U.X. Xonqulov. Vektor tushunchasi yordamida algebraik masalarni yechish. Fizika, Matematika va Informatika.-Toshkent, 2020. -№ 4. -B.54-62.
3. Victor Shoup. A Computational Introduction to Number Theory and Algebra. Boston, 2015.p.247.

MASALALI YONDOSHUV ASOSIDA TEXNIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING KASBIY KOMPETENLIGINI RIVOJLANTIRISH

Fayzullayev J.I - Farg'ona politexnika instituti oliy matematika kafedrasida katta o'qituvchisi

<tel:+998936437980>, e-mail: fayzullayev.75@mail.ru

Telegram +998936437980

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada talabalarni nazariy va amaliy masalalarni yechish, adabiyotlarni mustaqil o'rganish malakalarini shakllantirish, mantiqiy fikrlashni rivojlantirish, muhandis-texnik masalalarini o'rganish malakalarini hamda kasbiy mazmundagi masalalarni matematik tilga o'girish ko'nikmasini hosil qilish uchun zarur bo'lgan ta'lim samaradorligini oshirishda masalali yondoshuv asosida talabalarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishning maqsadi ochib berilgan.*

***Kalit so'zlar:** axborot, kompetentsiya, kompyuter texnologiyalar, kompetentlik, kasbiy kompetentlik, kompetentli yondoshuv, masala, masalali yondoshuv, metod, samaradorlik, takomillashtirish, talaba ta'lim, texnika, faoliyat*

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗОВ НА ОСНОВЕ ПРОБЛЕМНОГО ПОДХОДА

Файзуллаев Ж.И - Старший преподаватель кафедры высшей математики Ферганского политехнического института

[тел:+998936437980](tel:+998936437980), э-маил: файзуллаев.75@mail.ru

Телеграм +998936437980

***Аннотатсия:** В данной статье раскрывается тсель развития профессиональной компетентности студентов на основе проблемного подхода в повышении эффективности обучения, необходимого для формирования у студентов навыков решения теоретических и практических задач, самостоятельного изучения литературы, развития логического мышления, навыков изучения инженерно-технических вопросов и умения переводить на язык математики вопросы профессионального содержания.*

***Ключевые слова:** информатсия, компетентность, компьютерные технологии, компетентность, профессиональная компетентность, компетентный подход, проблема, проблемный подход, метод, эффективность, улучшение, студент образование, техника, деятельность,*



DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF STUDENTS OF TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ON THE BASIS OF PROBLEM APPROACH

Fayzullaev J.I - Senior lecturer of the Department of higher mathematics of Fergana Polytechnic Institute

<tel:+998936437980>, e-mail: fayzullayev.75@mail.ru

Telegram +998936437980

Annotation: *This article reveals the purpose of developing students' professional competence on the basis of a problem-based approach to improve the effectiveness of training, which is necessary for the formation of students' skills for solving theoretical and practical problems, independent study of literature, development of logical thinking, skills for studying engineering and technical issues and the ability to translate questions of professional content into the language of mathematics.*

Keywords: *information, competence, computer technology, competence, professional competence, competent approach, problem, problem approach, method, efficiency, improvement, student education, technology, activity*

Zamonaviy axborot va kompyuter texnologiyalarining jadal rivojlanishining zamonaviy davri muhandis ixtisosligidagi yuqori malakali mutaxassislariga yuqori ehtiyoj bilan tavsiflanadi. Texnik taraqqiyot rivojlanishining yuqori sur'atlari bugungi muhandislardan ko'pincha ilmiy tadqiqot jarayoni bilan bog'liq optimal qaror qabul qilishni talab etadi. Shuning uchun oliy ta'lim muassasalarida ularni tayyorlash, ayniqsa texnika va texnologiyalardagi o'zgarishlarga moslasha oladigan, keng dunyoqarashga ega mutaxassislarni tayyorlashga imkon beruvchi tabiiy-ilmiy turkumdagi fanlar doirasida ahamiyatli takomillashtirishni talab etadi.

Respublikamizda muhandis kadrlar tayyorlashning strategik maqsadlari va ustuvor yo'nalishlarini belgilash, ta'lim sohasini rivojlantirish, yangicha fikrlovchi, mustaqil faoliyat yurita oladigan muhandis kadrlar tayyorlash sifatini oshirish borasida samarali ishlar amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish yo'lini davom ettirish, pedagog va mutaxassislarning malaka darajasini yuksaltirish; ish beruvchilarning ehtiyojlariga javob beradigan mutaxassisliklar bo'yicha kadrlar tayyorlash hamda oliy ta'lim tizimi faoliyatining sifati va samaradorligini oshirish" kabi ustuvor vazifalar belgilangan[1]. Bu vazifalar ijrosi bo'lajak muhandislarning kasbiy-ilmiy faoliyatida metodik tayyorgarlik darajasini, ilmiy tafakkurini rivojlantirishga yo'naltirilgan texnologiyalarni kompetentsiyaviy yondashuv asosida takomillashtirishni nazarda tutadi.

Bo'lajak muhandislarni bilim jihatidan tayyorgarligini kuchaytirish, ular faoliyatining nafaqat ishlab chiqarish sohasida, balki ilmiy faoliyatda ham muvaffaqiyat va samaradorlikka olib keladi. Asosan Oliy Ta'lim Muassasalari talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish, talabning muayyan jamiyat sharoitida shaxsiy va professional hayotda natijalarga erishishga imkon beradigan qobiliyati bo'lib, ular fanni o'zlashtirishda va fanlararo o'zaro munosabatlarda o'qituvchining samarali hamkorligini ta'minlaydi. [3]

Ammo ilmiy tadqiqotlar tahlili ko'rsatishicha, bo'lajak muhandislarda kasbiy kompetentsiyani shakllantirish jarayonida asosiy muammo saqlanib qolmoqda, bu kasbiy yo'naltirilgan xususiyatdagi masalalarni hal etishda o'zlashtirilgan bilimlarni qo'llash



malakasiga ega bo'lmagan talabalar foizi hanuzgacha yuqori ekanligidir. Shu o'rinda bo'lajak muhandislarda masalali yondoshuv asosida kasbiy kompetentlikni rivojlantirish ahamiyatli rol o'ynashini ta'kidlash lozim. Chunki, zamonaviy ta'lim amaliyotida masalali yondoshuv talabalar kasbiy tayyorgarligining samaradorligini ta'minlovchi asosiy yondashuvlardan biri sifatida belgilanadi[6].

Kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning turli jihatlarini faol ishlab chiqilishida ta'lim samaradorligini oshirish, masalali yondoshuv asosida texnika oliy ta'lim muassasalari talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirishga bog'liqligini, muhandislik mutaxassisligidagi talabalarining kasbiy faoliyatga tayyorgarligi darajasining oshishini ta'minlashini ta'kidlash mumkin. Masalali yondoshuv asosida o'qitish ostida biz tizimli mantiqqa mos bo'lgan va bo'lajak mutaxassis kasbiy faoliyatining bilishga oid va amaliy vazifalarini moddelashtiruvchi o'quv materialini mazmunini va uni o'zlashtirishni tashkil etishni tushunamiz.

O'qitishning masalali yondoshuv asosida kasbiy yo'nalganligi o'qitish mazmuniga bo'lajak kasb bilan amaliy metodlarni ko'rsatuvchi va u orqali o'qitishni shaxsiy mazmun bilan boyituvchi kasbiy ahamiyatli bilimlarni kiritishni ko'zda tutadi. Shu bilan bir vaqtda talabaning o'zlashtirilgan bilimlarni kelgusi ishida qo'llashga psixologik tayyorligini shakllantiradi[7].

So'nggi yillarda qator olimlar tomonidan (I. A. Zimnya, Ye.B. Bondarevskaya, A.B. Xutorskoy va b.q.) talabalarda kasbiy kompetentlikni shakllantirish nazariyasi ishlab chiqilmoqda.[4;5]

Ularning tadqiqotlari guvohlik berishicha, bo'lajak mutaxassislarni tayyorlashga kompetentli yondashuvni amalga oshirish ularning kasbiy tayyorgarliklarini sezilarni oshishiga olib keladi.

Oliy ta'lim muassasalari ta'lim jarayonida bo'lajak muhandislarning masalali yondoshuv asosida kasbiy kompetentligini rivojlantirish maqsadiga erishish quyidagi aniq vazifalarni hal etishni nazarda tutadi:

1) masalali yondoshuv asosida texnika oliy ta'lim muassasalari talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish uchun pedagogik va metodik adabiyotlar tahlili asosida ta'lim mazmunini rivojlantirishning asosiy printsiplarini, tanlash mezonlari va omillarini ajratish va tizimlashtirish;

2) bo'lajak muhandislarda masalali yondoshuv asosida kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodini ishlab chiqish;

3) masalali yondoshuv asosida bo'lajak muhandislarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish orqali ta'lim samaradorligining oshirishga xizmat qiladigan o'qitish metodlari tanlovini ochib berish va asoslash;

4) bo'lajak muhandislarni tayyorlashning loyihalangan maqsadlariga mos masalali yondoshuv asosida o'quv masalalarini o'qitish jarayonida ulardan foydalanish metodini ishlab chiqish;

5) ishlab chiqilgan masalali yondoshuv asosida bo'lajak muhandislarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodining samaradorligini tajriba-sinovda tekshirish.

Texnika oliy ta'lim muassasalarida masalali yondoshuv asosida bo'lajak muhandislarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishning maqsadi, birinchidan, talaba oliy ta'lim muassasalari dasturiga muvofiq fundamental tayyorgarlikni egallashi (fundamental bilimlar, ko'nikma va malakalar), ikkinchidan esa – o'zlashtirilgan bilimlarni amaliyotda qo'llash malakasini, ya'ni bo'lajak kasbi sohasida kasbiy malakalarini egallashidan iborat.



Texnika oliy ta'lim muassasalari talabalarining kasbiy kompetentligini masalali yondoshuv asosida rivojlantirish orqali ta'lim sifatini oshirish, talabalarining o'quv-bilish faoliyatini shaxsiy mazmun bilan to'ldirish va fundamental va kasbiy bilimlari orqali ularning kasbiy ko'nikma va malakalarni oshirishda o'qitish mazmuniga kasbiy yo'nalganlikni ta'minlashdan iboratdir[2]. Bundan esa bo'lajak muhandislarni tayyorlashda ularning kasbiy kompetentligining rivojlanganlik darajasi ko'p jihatdan masalali yondoshuv asosida kasbiy kompetentligini rivojlantirishga bog'liq ekanligi ko'rinadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkin, masalali yondoshuv asosida bo'lajak muhandislarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish talabalar bilimini oshirish, turli shakldagi masalalar va savollardan foydalanish, talabalarining ta'lim olishida qiziqish, kreativ fikrlash va optimal yechimlarni izlab topish ko'nikmalarini hosil qiladi. Bu bilan biz masalali yondoshuv asosida talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish orqali, ularning shaxsiy kompetentsiyalarini xam rivojlantirishga erishamiz.

Адабиётлар

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli — O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida||gi Farmoni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 yil. 6-son. 70-modda.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 iyundagi Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida. PQ-3775-son Qarori.
3. S.Y.Temirov, Bo'lajak matematika o'qituvchilarida kasbiy kompetentlikni shakllantirishning nazariy asoslari. - T.: ""Fan va texnologiya"" , 2014
4. Хуторской, А.В. Современная дидактика: Учебник для вузов [Текст] / А.В. Хуторской - СПб.: Питер, - 2001. - 544 с
5. Зимняя И.А. Компетентность человека – новое качество результата образования: Мат. XIIII Всероссий. совещания. – Москва: Уфа: Исслед. тсентр проблем кач-ва подг-ки спетс-в, 2003. – С. 4-13
6. J.I.Fayzullayev, Mathematical competence as the basis for improving the quality of students' mathematical education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 2020-8(3),36-41. <http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2020/03/>
7. J.I.Fayzullayev, A systematic approach to the development of mathematical competence among students of technical universities. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 2020-8 (3),42-47.



BO'LAJAK BIOLOGIYA O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA KREATIV YONDASHUV

Achilova Nazifa Raxmonqulovna

Navoiy davlat pedagogika instituti Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya o'qitish metodikasi
kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada bo'lajak biologiya o'qituvchilarining pedagogik kompetensiyalarini shakllantirishda ijodkorlik, o'z ustida mustaqil bilim olish shuningdek, noan'anaviy biologiya darslarini tashkil qilish va biologiya fanini o'qitishda o'quvchilarning qiziqishlarini oshirishda qiziqarli va tarixiy ma'lumotlardan, zamonaviy ta'lim metodlaridan foydalanish metodikasini takomillashtirish, uning tarkibiy tuzilishi va mazmuni, ta'lim amaliyotiga joriy etish, ko'nikmalarini shakllantirish bosqichlari o'rganilgan. Shuningdek bo'lajak biologiya o'qituvchilarida interaktiv texnologiyalarga asoslangan dars ishlanmalarini loyihalash ko'nikma va malakalarini egallaganlik darajalari va shu kabi ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: pedagogik texnologiya, interfaol ta'lim metodlari, pedagogik kompetensiya, kreativlik, axborot texnologiyalari, loyihalash, tashkiliy-boshqaruv, tushuntirish-motivatsion, kognitiv, texnologik xarita, ko'nikma.

ТВОРЧЕСКИЙ ПОДХОД К ФОРМИРОВАНИЮ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ БИОЛОГИИ

Ачилова Назифа Рахмонкуловна

Навоийский государственный педагогический институт,
преподаватель кафедры методики преподавания биологии

Аннотация: В статье представлены интересные и исторические сведения о творчестве в формировании педагогических компетенций будущих учителей биологии, самостоятельном обучении, а также организации нетрадиционных уроков биологии и повышении интереса студентов к преподаванию биологии, этапах совершенствования. Изучаются методика использования современных методов обучения, ее структура и содержание, внедрение в учебную практику, формирование умений и навыков. Он также предоставляет информацию об уровне знаний и навыков будущих учителей биологии в разработке планов уроков на основе интерактивных технологий.

Ключевые слова: педагогическая технология, интерактивные методы обучения, педагогическая компетентность, творчество, информационные технологии, дизайн, организационно-управленческий, объяснительно-мотивационный, когнитивный, технологическая карта, умение.

CREATIVE APPROACH TO THE FORMATION OF PEDAGOGICAL COMPETENCES OF FUTURE BIOLOGY TEACHERS

Achilova Nazifa Rakhmonkulovna

Navoi State Pedagogical Institute,
Lecturer at the Department of Biology Teaching Methods

Abstract: This article provides interesting and historical information on creativity in the formation of pedagogical competencies of future biology teachers, independent learning, as well as the



organization of non-traditional biology lessons and increasing students' interest in teaching biology, The stages of improving the methodology of using modern teaching methods, its structure and content, its introduction into educational practice, the formation of skills are studied. It also provides information on the level of proficiency and skills of future biology teachers in designing lesson plans based on interactive technologies.

***Key words:** pedagogical technology, interactive teaching methods, pedagogical competence, creativity, information technology, design, organizational-managerial, explanatory-motivational, cognitive, technological map, skill.*

XXI asr dunyo hamjamiyatida bilimlar olami sifatida e'tirof etilib, jumladan, mamlakatimizda har tomonlama yetuk va barkamol shaxslarni tayyorlash borasida ulkan ishlar amalga oshirilib, ta'lim tizimi davlat va jamiyat rivojlanishining ustuvor yo'nalishiga aylandi.

Ma'lumki, ta'lim tizimi taraqqiyotning barcha davrlarida ham ijtimoiy buyurtmani bajarishga xizmat qiladi. Bugun jamiyat tomonidan ta'lim tizimi oldiga qo'yilayotgan ijtimoiy talab har tomonlama rivojlangan, barkamol shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazishdir. Bunda uning nafaqat jismoniy, balki aqliy, axloqiy, ruhiy va hissiy rivojlanishiga alohida e'tibor qaratiladi. Shakllangan ilg'or g'oya, qarash, nazariya va ta'limotlardan iborat ulkan zaxirasi global axborotlashuv hamda shaxs ongini "zabt" etishga urinayotgan mafkuraviy kurashlar jarayonida ham oliy umumbashariy, milliy g'oyalar ruhida tarbiyalash, keskin raqobatga asoslangan mehnat bozori uchun malakali mutaxassis etib tayyorlash imkoniyatiga ega.

Talabalarning o'quv-bilish faolligi bevosita ular tomonidan umumiy va mutaxassislik fanlari bo'yicha nazariy bilimlarni puxta o'zlashtirish, dunyoqarashini boyitish, kasbiy faoliyatni samarali, muvaffaqiyatli tashkil etishga imkon beradigan kompetensiyalarni, ko'nikma hamda malakalarga ega bo'lish yo'lida faollik ko'rsatish zarurligini ifodalaydi. Shaxs, shu jumladan, talabalarning o'quv-bilish faolligi negizida ularning ham jismonan (amaliy harakatlarni tashkil etish), ham ruhiy (psixik) jihatdan faol bo'lishlarini anglatadi.

Ta'lim jarayonida o'qituvchi tomonidan bevosita yoki bilvosita uzatilayotgan o'quv axborotlarini tezkor qabul qilish, ularning mohiyatini qisqa muddatlarda o'zlashtirishga erishish, samarali qayta ishlash va ulardan amaliyotda foydalana olish borasidagi qat'iyatlilik, o'quv topshiriqlarini bajarishda rejali harakat qilish, maqsadni aniq begilay olish va ularni qisqa muddatlarda bajarishga erishish talabalarning jismonan faollik ko'rsatishlarini ifodalaydi. Talabalarning o'quv materialini, o'quv axborotlariga bo'lgan ijobiy yoki salbiy munosabatlari, ularni ishtiyoq bilan yoki shunchaki qabul qilishi, ta'lim jarayonini qiziqarli yoki zerikarli deb hisoblashlari, mashg'ulotlar chog'ida o'zlarini qulay yo noqulay sezishlari ularning ruhiy jihatdan faollik ko'rsatishlariga bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Nazariy tahlil va pedagogik kuzatish natijalari, shuningdek, yuqorida bildirilgan fikrlarga, asosan, bo'lajak biologiya o'qituvchilarining o'quv-bilish faolligini ta'minlashga quyidagi omillarning jiddiy ta'sir etishi aniqlandi:

talabaning ta'lim jarayoniga, o'quv faniga, o'quv materialiga bo'lgan munosabati;
ta'lim maqsadining aniq belgilanishi;
ta'lim mazmunining puxta asoslanishi;
o'quv jarayonining samarali, qiziqarli tashkil etilishi;
o'qituvchining ta'lim jarayonini tashkil etishga kompetensiyaviy hamda kreativ yondashuvi;
o'quv materialining o'quvchilar bilimi, tayyorgarlik darajasiga muvofiq to'g'ri shakllantirilganligi;



ta'lim jarayonida didaktik, zamonaviy texnik va axborot kommunikatsion vositalardan o'rinli, maqsadli va samarali foydalanish;

o'qituvchi tomonidan o'quv materialini mohiyati to'la ochib berilishi uchun maqbul metodlarning to'g'ri tanlanganligi;

o'quv mashg'ulotining o'quvchilar ehtiyoji, xohish-istagi, qiziqishlari asosida samarali shaklda tashkil etilishi;

o'qituvchining o'quvchilar bilan samimiy munosabatda bo'lishi, ularni hurmat qilishi, ularda ta'lim olishga bo'lgan motivatsiyani shakllantira olishi;

dars jarayonida har bir o'quvchining individual, shaxsiy xususiyatlari, shuningdek, ruhiy (psixik) faolligining inobatga olinishi;

ta'lim jarayoni ishtirokchilari – o'qituvchi, o'quvchilar o'rtasidagi munosabatning o'zaro hamkorlik, hamjihatlikka asoslanishi;

ta'lim maqsadiga muvofiq kutilayotgan natijaning aniq belgilanganligi.[2, 120-122]

Demak, o'quvchilarning o'quv-bilish faolligi ta'lim jarayonida ustuvor o'rin tutadigan ko'plab omillarga bog'liq. Bu esa, o'z navbatida, bo'lajak o'qituvchilarning o'quv mashg'ulotlarini tashkil etishda mazkur omillarni inobatga olishlari zarurligini taqozo etadi, shundagina bo'lajak biologiya fani o'qituvchilarining o'quv-bilish faolligi va uning yuqori darajada namoyon bo'lishiga erishiladi.

Darsning samaradorligi uni samarali tashkil etilishi bilan bog'liq. Yaxshi rejalashtirilmagan yetarlicha o'ylab chiqilmagan, shoshilinch tuzilgan va o'quvchilar imkoniyatlariga moslashtirilmagan dars sifatli bo'la olmaydi. Dars aniq sharoitlarda eng yuqori yakuniy natijaga erishishni ta'minlovchi o'quv-tarbiyaviy jarayonni tashkil etuvchi tadbirlarni ishlab chiqishdir.

O'qituvchining ma'um bir fan asosida darsga tayyorgarlik ko'rishida quyidagi uchta bosqich muhim ahamiyatga ega:

- *tashxislashda* o'qituvchi didaktik jarayon kechadigan barcha sharoitlarni oydinlashtiradi, uning natijalarini belgilaydi. O'qituvchining tashxislashida o'quvchilarning bilimlarni o'zlashtirish imkoniyatlari, ularning

faoliyatlari va xulqlari, motivlari, talab va layoqatlari, qiziqish va qobiliyatlari, bilimdonlik darajasi, bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilish hamda tuzatish kabi holatlar namoyon bo'ladi.

- *bashoratlash* o'qituvchi tomonidan bo'lajak darsni samarali tashkil etilishining turli variantlarini tanlab olib baholash va qabul qilingan mezonlarga muvofiq darsni tashkil etishning eng ma'qul variantini tanlab olish va qo'llashdir.

- *loyihalashtirish* (rejalashtirish) o'quvchilarning o'quv faoliyatini boshqarish dasturini yaratish bo'lib, u darsga tayyorlanishning yakuniy bosqichi hisoblanadi. Loyiha (boshqarish dasturi) qisqa va aniq, erkin tuzilgan, o'qituvchi o'zi uchun boshqarish jarayoni (kimdan va qachon so'rash, qaysi paytda metodlardan foydalanish, qayerda mavzuni kiritish, mashg'ulot keyingi bosqichiga qanday o'tish)ni belgilab olishga imkoniyat beruvchi faoliyatdir.[5, 56-57]

Biz tadqiqotimizda aynan bo'lajak biologiya o'qituvchilarining pedagogik tayyorgarligini oshirishda kreativ yondashuvning o'ziga xosligi ta'lim jarayoni va amaliyotida qo'llaniladigan uslublardan namunalar keltiramiz:

Biologiya darslarini qiziqarli mazmunli tashkil etishda tarixiy manbalardan foydalanish bo'lajak o'qituvchilarning ijodkorligini, o'z ustida mustaqil bilim olishlarini rivojlantirishga samarali natija beradi:

Biologiya darslarini loyihalashda har doim **"Bilasizmi"**, **"Bu juda qiziq"**, **"Bilib qo'yan yaxshi"**, **"Bu sizga qiziq"** kabi qiziqarli sahifa ajratib bu sahifani dars mavzusiga oid yoki hayotiy qizqarli ma'lumotlar bilan boyitib borish o'quvchida qiziqishni oshiradi hamda avloddan-avlodga o'tib kelayotgan qadimgi manbalarda keltirilgan ma'lumotlar orqali tashkil qilinsa yuqori samaradorlikka erishiladi va o'qituvchi darsdan ko'zlangan maqsadga erishadi. Masalan yantoq o'simligi haqida quyidagi qiziqarli ma'lumotlar va faktlarni keltirib o'tamiz.



yantoq haqida- bir tup yantoq yorug' kun bo'yi 2,5 litrgacha suv bug'latishi mumkin. Yantoqning bu o'ziga xos fiziologik jarayonidan foydalanib cho'l sharoitida 1 m² polietilen xalta yopish usuli bilan kun bo'yi 2-2,5 litr shifobaxsh chanqoqbosti suyuqlik olish mumkin. Bir gektar maydondagi yantoq tuplari 350 tonna yer osti suvini qabul qilib uni bug'latish xususiyatiga ega. Yantoqning guli, poyasi va ildizidan tayyorlangan choy ko'chmanchi chorvadorlarni, safarga otlangan butun bir savdo karvonining xaddan tashqari kuchli bo'lgan quyosh radiatsiyasidan saqlagan. Yantoqning radiatsiyaga karshi samarali vosita ekanligi uning olam -

shumul ahamiyatga ega ekanligini bildiradi. Afg'onda va ekstremal sharoitda xizmat qilgan harbiylarni infeksiyon kasalliklardan saqlashda yantoqdan foydalanilgan. Guli uglevodga boy bo'lib, shirin ta'm bergani uchun, uni yosh bolalar iste'mol qilishgan. Qadimda u nafaqat shirinlik o'rnida, balkim universal dori sifatida ishlatilgan. Biz tabiatda (Nurota tumanida) Alhagi pseudalhagi turi tikonlarida shakar donalarining (mannasi) hosil bo'lganini ko'rganmiz. Hosildorligi bir tup o'simlik hisobida 2-4 gr. tashkil etsa, gektariga 15-20 kg. manna hosil qiladi. Manna hosil bo'lishi yilning fasli va ivdimiga bog'lik. Manna kristallari oddiy shakarga o'xshaydi, rangi ochiq-sariq, ta'mi asal ta'miga xos.

Qadimgi Xorazm tarixidan ma'lumki yantoqni yuqori chidamli g'ishtlarni pishirishda ishlatishgan. Bunday g'ishtlar minora, maschit, gumbaz, quduq va himoya devorlarini qurishda ishlatilgan. Yana bir qiziqarli faktni keltirib o'tamiz. Butun dunyoga taniqli fransuz, suv osti tadqiqotchisi Jak Iv Kusto juda ko'p o'tkazilgan testlardan keyin uzoq suv ostida og'ir sharoitda ishlaydigan xodimlari uchun yantoq asalini tanlagan. Ko'pchilik tajribali asalarichilar asal dunyosining qiroli deb yantoq gulidan olingan brilliant rangli asalni aytishadi. Yantoqdan tayyorlangan ekstrakt insonlar qarishini oldini oladi va organizmni yoshartiradi.

Yantoqning yana bir ajoyib xususiyati uning ildizida poliz ekinlari (qovun, tarvuz, qovoq) urug'lari ekib yuqori hosil olish cho'l joyda ham poliz ekinlarini yetishtirish imkoniyatini beradi.



Ajriq-suvsiz yerlarda cho'llarda hatto betonlar orasini yorib chiqib ham o'sib chiqadi va tez ko'payadi. Unga hayotga tashnalik kuchli. Uning ildizidan tayyorlangan qahva inson salomatligi uchun juda zarur va foydali. Buning uchun ajriqning noyabr-fevral oylari oralig'idagi ildizlari qazib

olinishi kerak bo'ladi. Ajriq haqida xalq orasida shunday bir naql bor *"Laylakning inida 40 yil tursa ham nam tuproqqa tushganda yana ko'karadi"* bu ajriq uchun aytilgan ta'rif.

Isiriq- (isiriqda ilohiy bir quvvat bor deb e'tiqod qilishgan, tabarruk o'simlik hisoblangan). Aslida esa tutunida har xil mikroblar va viruslarni zararsizlantiradigan moddalar bor. Isiriq xalq orasida adrispan, hazorespon kabi nomlar bilan yuritiladi. Bu bejizga emas qadim tarixdan isiriqning kuchi mingta otning kuchiga tenglashtirilgan shuning uchun forschada (hazor –ming, respon-ip, asp-ot) atalgan.



isiriq



Anorning gullash jarayoni o'ziga xos biologik xususiyatlarga ega. Ya'ni odatda mevalar 14-15 kun davomida gullasa, anor 1,5-2 oy o'zining qirmizi gullarini mahkam «tutib» turadi. Shuning uchun anor guliga kamalak kabi tovlanadigan o'simlik deb aytilgan. Sababi erta bahorda anoq qizil kurtak chiqardi so'ng, yashil barg chiqaradi, qizil gullaydi gullari mevaga aylanganda yana yashil tusga kiradi, kuz faslida barglari sam-sariq bo'lib mevalari qizil tus oladi. Bu ham tabiatning yan bir

mo'jizasi. Anor po'stlog'idan qadimda tabiiy bo'yoq olingan va ipakni bo'yashda foydalanilgan. Xalq tilida "Anorning ichida nechta donasi bo'lsa, u shuncha dardga davodir" degan ibora yuradi. [9-152 b]

Anjir qanday gullaydi? Kim anjir gulini ko'rgan? Bu savollar o'quvchilarga muammoli vaziyat tarzida beriladi. Anjir kechqurun gullaydi, uning guli ko'rinmaydi xalq orasida shunday naql bor kim anjir gulini ko'rsa esidan og'adi degan haqiqatdan ham anjir guli odamni miyya faoliyatiga kuchli ta'sir ko'rsatadigan modda ajratadi. Anjir o'zini-o'zi changlatadi mashhur botanik Karl Linnaeus anjirning ikki turini kashf etgan, o'simlikning ikkita jinsi: ayol va erkak bo'lgan. Ushbu kashfiyot tufayli anjir ikki zararli o'simliklar ekanligi aniqlandi. Ayol o'simliklarida inflorescences-anjir (siconia) bog'langan - uzun yoki qisqa ustunli gullar. Erkak namunalari - kaprifigami - kichikroq inflorescences hosil bo'ladi. Ikkala inflorescences o'qning o'sishi natijasida oval-sharsimon shakllanib, ichi bo'sh va tepada kichik teshikka ega bo'ladi. Hozirgi vaqtda anjirning o'z-o'zini changlatadigan bir nechta navlari o'stirildi, lekin asosan bu o'simlik blastofaglar deb nomlangan arplarning maxsus turi bilan changlanadi. Urug'lantirilgan urg'ochi blastofaglar erkak anjir o'simliklarining gulzorlariga kirib, u erda tuxum qo'yadilar va inflorescence yuqori qismidagi teshikdan uchib o'tadilar. Tuxumlardan paydo bo'lgan lichinkalar yashaydi va inflorescence-dan olingan moddalarni to'ydiradi.

Biologiya fanini o'qitishda har bir mavzuni o'ziga xos va zamonaviy talablarga mos holda o'qitish talab etiladi. Yosh o'quvchilarga har bir darsni o'rgatishda qo'shimcha ta'lim va tarbiya turlarini berish ham ko'zda tutiladi. Masalan, botanika darslarida mavzularni o'qitish jarayonida o'quvchilarga qator o'simliklarning ahamiyati, parvarish qilish, o'sish rivojlanishini kuzatish, ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish masalalarini o'quvchilarga o'rgatish mumkin bo'ladi. Lekin bunda o'quvchilar kichik guruhlar bo'lganligi uchun ularni



o`simlikning oziqlanishi, bo`yga yaki eniga o`sishi va boshqalarni o`rgatish bilan chegaralanib qolsa bo`ladilar.

Biologiya fanidan ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish va natijalarini o`qish jarayonida foydalanib darslar berish, o`quvchilarning nazariy va amaliy bilim olishida katta samarali natijalar beradi. Bu oddiy o`qitish turlariga nisbatan 15-20% ijobiy natijalarga olib keladi.

Ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish biologiya fanida, sinfdan va darsdan tashqari ishlarni bajarishda juda qo`l keladi va u o`quvchilarning chuqur bilim va ijobiy tarbiya turlarini olishiga yaxshi sharoit tug`dirish bilan birga, ularning biologiya fanini o`rganishga bo`lgan hamda shu kasbga qiziquvchanligini yanada orttiradi.

Demak, yuqoridagi fikrlardan shunday xulosa qilish mumkinki, mashg`ulotlar jarayonida o`qituvchining vazifasi o`quvchilar faoliyatini shunday tashkil qilishdan iboratki, ular imkon boricha o`zlarining umumkasbiy va ixtisoslik fanlaridan o`zlashtirgan bilimlarini amalda qo`llashlari, berilgan vazifalarni bajarish ko`nikmalarini shakllantirishga safarbar etishidir. Ushbu bosqichda tushuntirish yozuvlari, ishchi material qoramalaridan tortib, yakungacha bo`lgan jarayonlar loyihalanadi va bu o`quvchilar kasbiy sifatini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalangan adabiyotlar

1. J.O. Tolipova, A.T. G'ofurov. Biologiya o'qitish metodikasi. Pedagogika
2. oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. — T.: Moliya-iqtisod, 2007. 78-80
3. J.O. Tolipova, A.T. G'ofurov. Biologiya o'qitish metodikasi. O'quv-metodik
4. qo'llanma. — T.:«Bilim»2004. 120-122.
5. Золотых, Н. В., Хайтметов, Р. К. (2020). Условия формирования
6. компетентности будущего педагога в личностно-развивающей воспитательной деятельности. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(2), 113-119.
7. Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и перспективы
8. интеграционного обучения. *Журнал научных и прикладных исследований*, 1, 54-55.
9. N.N. Azizxojayeva. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. O'quv
10. qo'llanma. — T.: 2003, TDPU.56-65.
11. N.N. Azizxojayeva. Ta'lim jarayoni samaradorligini oshirishda pedagogik
12. texnologiyalar. Oliy o'quv yurti o'qituvchilari va malaka oshirish kurslari
13. tinglovchilari uchun metodik qo'llanma. T.: 2007.101-102.
14. Bekkamov Ch.I. va boshqalar/ Ipakchilik va tutchilik /darslik/Oliy va o`rta maxsus ta'lim vazirligi. - T.: Ch'olpon nomidagi NMIU, 2018 – 28-29.
8. Xaydarov K, Xojimatov K. O'zbekiston o'simliklari. (O`rta maktablarning
9. biologiya o`qituvchilari uchun qo`llanma). T.: «O`qituvchi».1979.-208.
9. Gofurov A.T, Tolipova J, Fayzullaev S.S..Azimova I.T, Ahmadaliev B. Biologiyani o`qitishning umumiy metodikasi. (o`quv –metodik qo`llanma) T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2005.-152.



TA'LIM JARAYONIDA STRIM-O'QITISH TEXNOLOGIYASI: FOYDALANISH USULLARI VA ISTIQBOLLARI

Masharipova Umida,

Toshkent davlat pedagogika universiteti, Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasida dotsenti,
PhD

Annotatsiya: Mazkur maqolada ta'lim jarayonida STRIM texnologiyalarini qo'llash usullari ko'rib chiqiladi. Shuningdek, oliy ta'lim sohasida axborot va texnologik yo'nalishdagi fanlarni o'zlashtirishda STRIM texnologiyasidan foydalanishning o'z senariylari taklif etiladi. Masofaviy ta'limda, shuningdek, guruh videokonferensiyalarini o'tkazishda ushbu texnologiyadan foydalanish misollari keltirilgan.

Kalit so'zlar: innovatsion faoliyat, innovatsion makon, ta'lim texnologiyasi, texnik va axborot vositalari, axborot kompetentlik darajasi, strim-o'qitish texnologiyasi, strim-media.

STREAM-LEARNING TECHNOLOGY IN THE EDUCATIONAL PROCESS: METHODS AND PROSPECTS

Masharipova Umida,

Tashkent State Pedagogical University, Associate Professor of Primary Education, PhD

Annotation: This article discusses the application of STREAM technologies in the educational process. It also offers its own scenarios for the use of STREAM technology in the development of information and technology disciplines in higher education. Examples of the use of this technology in distance learning, as well as in conducting group video conferences are given.

Keywords: innovative activity, innovative space, educational technology, technical and media, level of information competence, stream-learning technology, stream-media.

СТРИМ ТЕХНОЛОГИИ ОБУЧЕНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ: МЕТОДЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Машарипова Умида,

Ташкентский государственный педагогический университет, доцент начального образования, PhD

Аннотация: В статье рассматривается применение технологий СТРИМ в учебном процессе. Он также предлагает свои собственные сценарии использования технологии STREAM в развитии информационных и технологических дисциплин в высшем образовании. Приведены примеры использования данной технологии в дистанционном обучении, а также при проведении групповых видеоконференций.

Ключевые слова: инновационная деятельность, инновационное пространство, образовательные технологии, технические и медиа, уровень информационной компетентности, потоковые технологии обучения, stream-media.

XXI asrda jamiyatni rivojlantirishning omillaridan biri. inson hayotining barcha sohalariga ta'sir ko'rsatadigan raqamlashtirish edi. Axborot jamiyatini shakllantirish sharoitida ta'lim sohasida radikal o'zgarishlar ro'y bermoqda. Shunday qilib, hozirgi kunda Rossiyada "ta'limni rivojlantirish" milliy loyihasi doirasida "Rossiya Federatsiyasida zamonaviy raqamli



ta'lim muhiti" ustuvor federal loyihasi amalga oshirilmoqda [7]. Sverdlovsk viloyatida ham raqamli ta'lim muhitini yaratish bo'yicha jiddiy sa'y-harakatlar amalga oshirilmoqda ("Sverdlovsk viloyatining zamonaviy raqamli ta'lim muhiti" mintaqaviy loyihasi).

Shu bilan birga, pedagog kadrlar tayyorlash tizimining hozirgi holatini tahlil qilish ta'limni raqamlashtirish jarayoniga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan bir qator muammolarni aniqlash imkonini beradi. Birinchidan, zamonaviy texnika vositalari va ta'lim texnologiyalarining juda xilma-xilligi zamonaviy pedagoglarning (ayniqsa, "texnologik bo'lmagan" fanlarning o'qituvchilari) axborot malakasi darajasiga doimo mos kelmaydi, bu esa o'quv jarayonida yangi texnologiyalardan tizimli va samarali foydalanish imkonini bermaydi. Ikkinchidan, "raqamli maktab" ga bo'lgan to'siqlardan biri psixologik tayyorgarlikdir ko'p o'qituvchilar innovatsiya va an'anaviy ta'lim shakllari va usullari voz. Uchinchidan, kelajakda o'qituvchilarni tayyorlaydigan pedagogika universitetlarining haqiqiy texnik imkoniyatlari ko'pincha zamonaviy maktabning texnik jihozlaridan ancha orqada. To'rtinchidan, bo'lajak o'qituvchilarni ixtisoslashtirilgan elektron ta'lim resurslari bilan ishlashga jalb etilmasligi, tegishli pedagogik, ergonomik, texnologik talablarga ega bo'lmagan begona odamlar ta'lim sohasidagi zamonaviy texnik qurilmalardan foydalanish, ilg'or pedagogik tajriba almashish bo'yicha dolzarb ma'lumotlarni olishga to'sqinlik qilayotganini ta'kidlash joiz. Raqamli ta'lim muhiti resurslaridan foydalangan holda (masalan, zamonaviy mobil qurilmalar, gadjetlar, interaktiv uskunalar, podkasting texnologiyalari, ekran tasvirlari, STRIM va kuchayib borayotgan haqiqatlarni, shuningdek, veb-xizmatlar, mobil ilovalar va muqobil dasturiy ta'minotni) qo'llash orqali universal mualliflik o'qitish usullarining etishmasligi ham muhim muammo hisoblanadi.

Yuqorida sanab o'tilgan muammolarning mavjudligi munosabati bilan pedagogika oliy o'quv yurtlariga zamonaviy sharoitda bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlash va mavjud pedagog kadrlarni qayta tayyorlash, ta'lim sohasidagi o'zgarishlarga tezda javob berish va raqamlashtirish sharoitida kasbiy faoliyatga moslashish vazifasi yuklatilgan. Ushbu maqola doirasida ta'lim jarayoniga STRIM ta'lim texnologiyasini joriy etish istiqbollari ko'rib chiqamiz, bu bizning fikrimizcha, bugungi kunda dolzarb masalalardan biridir.

STRIM texnologiyasi dastlab kompyuter o'yinlarini sevuvchilar orasida paydo bo'ldi [4; 6]. Ko'pincha o'yinchilar ushbu texnologiyadan foydalanib, boshqa o'yinchilarni o'yinning bir yoki bir nechta murakkab qismidan qanday o'tishni ko'rsatish uchun foydalanadilar. Bu shunday ishlaydi: ba'zi o'yinchilar kompyuter ekranida nima sodir bo'lishini yozadilar va ushbu videoni boshqa foydalanuvchilar uchun Internetga joylashtiradilar. Bu amaliyot qanday yaxshi? Birinchidan, rekord qo'yishdan oldin, boshqa o'yinchilarni o'yin vazifasini hal qilishning eng samarali variantini ko'rsatish uchun o'yin bosqichidan bir necha marta o'tish kerak (ma'lumki, takrorlash yaxshi xotiraga olish va maxsus ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi). Ikkinchidan, o'yinchi tomonidan yaratilgan kontentni ko'rib chiqadigan foydalanuvchilar muammoning vizual yechimini ko'rishadi va uni avvalgi muvaffaqiyatli tajribadan foydalanib takrorlashlari mumkin. Bunday videolar ostida sharhlar ko'rsatilgandek, ular boshqa o'yinchilarga yordam berishadi. Bunday faoliyat STRIM texnologiyasidan foydalangan holda yangi kontent yaratish bilan shug'ullanadigan har ikki tomon uchun ham o'zaro manfaatli.

Ta'lim sohasiga kelsak, ushbu texnologiya bu erda samaradorligini ko'rsatadi. S. S. Arbuzov " zamonaviy Internet telekommunikatsiya xizmatlaridan foydalangan holda



masofadan turib o'qitishda shaxsiy raqamli qurilma va veb-kamera ekranidan audiovizual ma'lumotlarni tayyorlash, efirga uzatish va saqlash usullari to'plami "ni tushunadi. [1, C.7].

Bizning fikrimizcha, STRIM ta'lim texnologiyasidan foydalanish nafaqat masofaviy ta'lim bilan, balki "oflayn" ta'lim modelini amalga oshirishda ham istiqbolli hisoblanadi.

1. Mavjud videolardan foydalanish: qisqa videoyozuvlarni oqimlash; uzoq muddatli videolarni oqimlash (hujjatli, ta'lim va boshqalar); pedagogik nuqtai nazardan qimmatli STRIM ommaviy axborot vositalarini qidirish; ta'lim resurslari bilan onlayn media kutubxonalariga murojaat qilish.

2. O'z-o'zidan media yaratish (o'qituvchi va/yoki o'qitiladigan): muayyan mavzuni grafik jihatdan taqdim etish va STRIM videolarini yaratish; auditoriyadan tashqari tadbirni taqdim etish va STRIM videolarini yaratish; qisqa videoklipni taqdim etish; uzoq videolarni o'rnatish va qayta ishlash orqali qisqa videolarni yaratish; pedagogik maqsadlar uchun ko'proq STRIM videolarini yaratish; "virtual media" videoyozuvlarini to'ldirish (o'qituvchi va talabalar o'z resurslaridan birgalikda foydalanadilar) [11, p. 68].

Hisobot mualliflari fikriga ko'ra, video bilan ishlash usulini tanlashda asosiy printsiplarga muvofiqlik printsiplari bo'lishi kerak. 10-20 soniyadan ko'proq vaqt davom etadigan har qanday video pedagogik kontseptsiyaga mos kelishi kerak, faqat bu holatda pedagogik nuqtai nazardan foydasiz vaqt sarflanmaydi. Aslida ta'lim olish uchun mo'ljallanmagan film bir nechta qisqa kliplarni yaratish mumkin bo'lgan potentsial manba bo'lishi mumkin. Hisobot mualliflari, oxir-oqibat, faqat yashirin reklama bo'lgan, noto'g'ri yoki ba'zi bir noto'g'ri fikrlarni o'z ichiga olgan ommaviy axborot vositalarining "shafqatsiz va hech qanday qo'shimcha fikrlarsiz axlat qutisiga borish kerak".

Bu muqarrar ravishda bizni quyidagi muammolarga olib keladi: pedagogik jihatdan qimmatli materialni qanday tanlash mumkin? Javobni o'qituvchi topishi kerak: u nima to'g'ri ekanini hal qilishi kerak. Bu faqat talabalar video oqimlari orqali biror narsa o'rganadimi yoki yo'qmi haqida emas. STRIM ta'lim texnologiyasining maqsadga muvofiqligi haqida juda murakkab savol, video materiallarni tomosha qilish uchun vaqt sarflanganmi yoki yo'qmi. Agar o'qituvchi videoni tomosha qilishning pedagogik foydasi kichik bo'lsa (chunki tomosha qilish uchun juda ko'p vaqt sarflanadi va juda oz foyda bor), bu usul noto'g'ri deb rad etilishi kerak.

Xorijiy adabiyotlarda ta'lim jarayonida STRIM texnologiyalarini qo'llashning quyidagi usullari tasvirlangan:

a) o'qituvchi barcha o'quvchilar guruhini bir yoki bir nechta ekranlarda birgalikda ko'rib chiqadigan bitta videoni tanlaydi. Video aniq ma'lumotni taqdim etadi, keyin talabalar filmda muhokama qilingan mavzuni muhokama qilishlari va ushbu video haqida savollarga javob berishlari kerak. Videoda shuningdek, talabalar laboratoriyada bajaradigan muayyan tajriba yoki tajriba uchun ko'rsatmalar bo'lishi mumkin. Tajribali va ijodiy o'qituvchilar turli faoliyatlardan foydalanadilar (masalan, umumiy muhokamalar, guruh ishi va boshqalar);

b) video sinfdan oldin auditorlik vazifalarini muhokama qilish va amalga oshirishga tayyorgarlik sifatida foydalanish mumkin;

C) video o'quv mashg'ulotidan so'ng o'quv materiallarini takrorlash yoki biron bir sababga ko'ra darsni o'tkazib yuborgan talabalar uchun ishlatilishi mumkin;

D) videoni mustaqil o'quv materiallari sifatida ishlatish.

Variantlar (b), (v) va (D) faqat o'quvchilar uyda yoki bo'sh vaqtlarida keng imkoniyatli internetga ega bo'lishlari mumkin (siz ta'lim muassasasida kompyuter sinflaridan foydalanishingiz mumkin). Agar bu holat bajarilsa, o'qituvchi bir narsani tanlashi yoki bir



nechta mos videolarni taklif qilishi mumkin va talabalar guruhda yoki mustaqil ravishda - yakka tartibda ishlashi mumkin.

Biz oliy ta'lim sohasida STRIM texnologiyasidan foydalanishning quyidagi stsenariylarini, xususan, axborot-texnologik yo'nalish fanlarini o'zlashtirishda umidvormiz:

1) o'qituvchi kompyuter ekranidan ma'lum bir vazifani hal qilishni qayd etadi (masalan, grafik muharrirni Sozlash, keyinchalik internetda ishlatiladigan grafiklarni optimallashtirish uchun), talabalar videolarni tomosha qilishadi va kompyuterlarida kerakli sozlashlarni amalga oshiradilar, harakatlar ketma-ketligini eslab qolishadi;

2) talabalar har qanday veb-xizmat bilan ishlash video yozib (tayyorlash va harakatlar ketma-ketlikni xotirlab yozish paytida), keyin o'z-o'zini o'rganish veb-xizmati uchun hamkasblari tajriba foydalanishingiz mumkin, ularning sinfdoshi va o'qituvchi uchun uni yoyish;

3) talabalar bir guruh vazifa, masalan, bir necha vazifalarni hal qilish kerak bo'lgan veb-sayt yaratish uchun talab qilinishi mumkin: dizayn ishlab chiqish server Har bir ishtirokchi o'zi qilgan ishni yozib, o'z vazifalarini bajarish uchun emas, balki butun loyihada o'z o'rnini yaxshi tushunadigan va kelajakdagi veb-saytning turli elementlarining o'zaro hamkorligini muvofiqlashtira oladigan hamkasblarini o'rganish uchun yuklaydi. Yuqoridagilardan tashqari, psixologlarning yosh xususiyatlarini va o'quvchilarning axborot qobiliyatini rivojlantirish darajasini, texnik imkoniyatlarini, shuningdek, muayyan kursni rivojlantirish maqsadlarini hisobga olgan holda, boshqa ko'plab stsenariylar taklif qilinishi mumkin.

STRIM ta'lim texnologiyasidan foydalanish istiqbollarini tushunib, ushbu texnologiyani ta'lim jarayonida yangi axborot texnologiyalaridan foydalanishning tarkibiy elementlari nuqtai nazaridan ko'rib chiqish muhim ahamiyatga ega:

1) haqiqiy texnologiya (MediaWiki, geoaxborot texnologiyalari, masofaviy ta'lim texnologiyasi, videokonferensaloqa tashkil etish texnologiyasi, keys-texnologiya, nutqni aniqlash texnologiyasi);

2) ushbu texnologiyalar amalga oshirilgan dasturiy ta'minot (multimedia dasturiy mahsulotlari, kompyuter test dasturlari va boshqalar);

3) ushbu texnologiyalarni amalda qo'llashga imkon beruvchi texnik yordam (kompyuterlar, proektorlar, interfaol taxtalar, suyuq kristalli va LCD televizorlar, klikerlar). Ushbu elementlarning har biri batafsil ko'rib chiqilgan [3].

Ta'kidlash joizki, STRIM texnologiyasi bu tuzilishga juda mos keladi va nafaqat mustaqil ravishda, balki boshqalar bilan ham qo'llanilishi mumkin. Boshqa texnologiyalar bilan integratsiya ta'lim jarayonini yanada dinamik va interaktiv qilish imkonini beradi. Shunday qilib, masofadan o'qitish jarayonida STRIM texnologiyasi o'qituvchilarga muayyan vazifalarni bajarish, ma'ruza videoyozuvlarini ko'rish, webinarlarda ishtirok etish uchun o'qituvchilardan video ko'rsatmalar olish, shuningdek, o'qituvchiga uy vazifasi bilan Screencast yuborish imkonini beradi. Ushbu imkoniyatlar qisman maxsus ta'lim platformalaridan foydalanadi (masalan, "HTML Akademiyasi", "Uniweb", "Netologiya", "Universarium"). Ushbu ta'lim platformalari bilan shaxsiy o'rganish tajribasi quyidagi xulosaga imkon beradi: murakkab o'quv materiallarini o'rganish nafaqat qiziqarli, balki samarali, balki yangi bilimlarni olish jarayoni dinamikidir.

Xulosa: Ta'lim jarayonida ishlatiladigan axborot texnologiyalari, birinchi navbatda, STRIM ta'lim texnologiyasi ko'rib chiqiladi. Ta'lim sohasida STRIM texnologiyasidan foydalanishning xorijiy pedagogik tajribasi tahlil qilindi. Chet ellik tadqiqotchilar ta'limda



STRIM-mediadan foydalanish va ularning o'qitish nazariyasi va amaliyotiga ta'siri masalalarini batafsil o'rganib chiqdilar. Xususan, mavjud ta'lim mazmunidan foydalanish usullari, shuningdek, mustaqil media yaratish yondashuvlari bayon etilgan. STRIM texnologiyasi diqqatni jalb qilishdan ko'ra ko'proq narsani taklif qiladi. STRIM ommaviy axborot vositalari kelajakda keng tarqalgan bo'ladi va ta'lim sohasi uchun juda ko'p narsalarni taklif qilishi mumkin. Hozirgi vaqtda axborot-texnologik yo'nalish fanlarini o'qitishda STRIM texnologiyasidan foydalanish eng istiqbolli hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Arbuzov S. S. it-fanlarni masofadan o'qitishda STRIM texnologiyalaridan foydalanish / / Rossiya pedagogik ta'lim. — 2017. — № 6. — P. 6-12.
2. Arbuzov S. S. O'rta maktabda STRIM ta'lim texnologiyasini qo'llashning kontseptual yondashuvlari / / ta'limni axborotlashtirish: nazariya va amaliyot: SB. ilmiy.- amaliy. conf. - Omsk, 2017.
3. Griban O. N. ta'lim jarayonida yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish: Rossiya tajriba va istiqbollari // pedagogik ta'lim. — 2014. — № 4.
4. Griban O. N. xotirani o'zgartirish: ikkinchi jahon urushining kompyuter o'yinlarida aks etishi // Rossiya pedagogik ta'lim. — 2017. — № 2.
5. Ishengulov M. N. axborotni hujjatlashtirish uchun "oqim-texnologiyalar" dan foydalanishda huquqiy jihat // yosh olim. — 2016. — № 17. O'tish: saytda harakatlanish, qidiruv
6. Klyuenkov V. ta'lim texnologiyalari: bolalarimizni nima o'rgatadi? [Elektron resurs]. - Kirish tartibi: <http://www.forbes.ru/tehnologii/342911-tehnologii-v-obrazovani-cto-budet-obuchat-nashidetey> (murojaat sanasi: 04.08.2018).
7. Sharabayko O. G. striming texnologiyasi interaktiv elektron ta'lim resurslarini yaratish vositasi sifatida / / "Sososfera" ilmiy-tadqiqot institutining konferentsiya to'plamlari. — 2015. — № 42.



**ХОРИЖИЙ ТИЛ ДАРСИДА ДАРСЛИК, УНИНГ ВАЗИФАСИ ВА МЕТОДИК
КОНЦЕПЦИЯГА КЎРА АВЛОДЛАРИ**

Позилжонова Зулфия Собиржоновна

Кўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Тел: 90 055-46-22 e-mail: Zulfiya1980@mail.ru

Аннотация: Мақолада дарслик тушунчаси, унинг хорижий тил дарсидаги вазифаси ва методик концепцияга кўра дарслик авлодлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ўқув қуроллари, дарслик, вазифа, метод, грамматик-таржима методи, аудиолингвал-аудиовизуал метод, коммуникатив-прагматик метод, маданиятлараро мулоқот методи.

**УЧЕБНИК НА УРОКЕ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА, ЕГО ФУНКЦИИ И ПОКОЛЕНИЯ
ПО МЕТОДИЧЕСКОЙ КОНЦЕПЦИИ**

Пазилжонова Зулфия Сабиржановна

Кокандский государственный педагогический институт

старший преподаватель

Тел: 90 055-46-22 e-mail: Zulfiya1980@mail.ru

Аннотация: В статье рассматривается концепция учебника, его роль в обучении иностранному языку и создание учебников согласно методической концепции.

Ключевые слова: учебные пособия, учебник, задача, метод, грамматико-переводческий метод, аудиолингвально-аудиовизуальный метод, коммуникативно-прагматический метод, метод межкультурной коммуникации.

**A TEXTBOOK ON A FOREIGN LANGUAGE LESSON, ITS FUNCTIONS AND
GENERATIONS BY METHODOLOGICAL CONCEPT**

Paziljanova Zulfiya Sabirjanovna

Kokand state pedagogical institute

Senior lecturer

Tel: 90 055-46-22 e-mail: Zulfiya1980@mail.ru

Annotation: The article discusses the concept of the textbook, its role in foreign language teaching and the generation of textbooks according to the methodological concept.

Key words: study guides, textbook, tasks, method, grammar-translation method, audiolingual-audiovisual method, communicative-pragmatic method, method of intercultural communication.

Чет тил ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқишида фойдаланиладиган воситалар бажарадиган вазифасига кўра асосий ва кўшимча (ёрдамчи) ўқув қуролларига бўлинади.

Илмий манбаларда номлари келтириладиган асосий ўқув қуролларига дастур, дарслик (ўқувчи китоби ва муаллим китоби, ўқиш китоби) киригилади. Ўқув-методик комплектнинг таркибидаги бошқа воситалар ёрдамчи ҳисобланади. Дарслик умумий термин бўлиб, ўқувчи, муаллим ва ўқиш китоблари йиғиндисидир [1]. «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси»га мувофиқ «Дарслик – давлат таълим стандарти, фаннинг ўқув дастури, методикаси ва дидактик



талаблари асосида белгиланган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган, ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр» деб таърифланган [2].

Дарслик - давлат таълим стандартида белгиланган асосий ўқув материални қамраб олган ҳолда, билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материални мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳамда ёшларнинг маълум фазилатларини шакллантиришга йўналтирилади [2].

Хорижий тил дарсида дарсликнинг вазифаси бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Дарслик (Lehrwerk), Нойнернинг фикрича, ўқиш китоби (Lehrbuch) билан таққослаганда, қатъий методик-дидактик концепцияни ўзида жамлаган асар ҳисобланиб, турли дидактик вазифаларга эга кўшина дарслик қисмларидан ташкил топади. Булар сирасига масалан, ўқиш китоби, иш дафтари, ўқитувчи қўлланмаси, глоссарий, грамматик илова, қўшимча ўқув матнлари, тинглаб тушуниш ва кўриш учун мультимедиа воситалари бўлиши CD, DVD, қўшимча онлайн материаллар ва ҳк. киради. Ўқиш китобида эса машқлар, грамматик қоида ва сўзларнинг изоҳлари битта дарслик ичида берилган [3].

Дарсликнинг вазифаси ўрганувчиларнинг ўқув жараёнини маълум вақт мобайнида кузатиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда шу тахлит ўрганилаётган тилнинг лисоний ва маданий турфа хиллигини кўрсатиб беришдан иборат [4].

Дарсликнинг хорижий тил дарсидаги вазифасини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Дарслик биринчи навбатда хорижий тил дарсининг ўқув концепциясида ўқув режаси ва конкрет ўқув жараёни ўртасида воситачи вазифасини эгаллайди [4]. Круммнинг фикрига кўра [5], дарслик мос келадиган расмий институтлар томонидан рухсат этилиб, бозордаги соғилиш имкониятларини кенгайтириш учун мавжуд ўқув дастурлари ёки имтиҳонларга йўналтирилган бўлади. У тил дарсидаги ўқув ва ўқитув мақсадларини яратади ҳамда ўқув материални бир тизимга тартиблайди. Ўқув режалари мавжуд бўлмаса, кўпинча чет тил дарси учун ўқув қўлланмалар мавжуд бўлади. Тиллар учун умумевропа баҳолаш тизими (CEFR) айниқса катталар таълимида тавсия вазифасини ўтайди. Иккинчидан, дарслик мавзулари қадам-бақадам ўзлаштириладиган, дарсликка йўналтирилган дарсда ўқитувчи учун нафақат ўқитиш мақсади ва мавзулари, балки ўқув жараёни ривожини ҳамда ижтимоий шакллари ҳам кўрсатиб беради. Бу маънода у ўқитиш жараёнида иштирок этаётган ўқитувчини қўллаб-қувватловчи ёрдамчи вазифасида муҳим роль ўйнайди. Учинчидан, у ўқувчиларга машғулот воситалари ва ёрдамларини кўрсатиб, уларга нафақат ўқув жараёни, балки немисзабон мамлакатлар маданиятига мослашиш жараёнида ҳам ҳамроҳ бўлади [6]. Бу, айниқса, немис тилида гаплашмайдиган мамлакатларга тегишли бўлиб, Ўзбекистонда масалан, тил ўрганувчиларнинг тил соҳиблари ва уларнинг маданияти билан алоқа ўрнатиш имкони деярли йўқ. Шу сабабли ҳам дарслик тили ўрганилаётган мамлакатнинг лисоний ва маданий ҳақиқатини акс эттирувчи ягона манба ҳисобланади. Шу билан бирга тил ўрганувчиларга баъзан бегона маданият ва унинг тили ҳақида тушунча берадиган бошқа қўлланмалар ҳам тавсия қилинади [7]. Бироқ дарсликка асосланган бу анъана ўрганувчилар мустақиллиги



(Lernautonomie) жорий этилганидан сўнг, яъни ўтган асрнинг 90 йилларида коммуникатив прагматик методнинг юзага келиши билан танқид остига олина бошлади. Чунки тилни дарсликларсиз, ҳаётга боғлаб ўргатиш коммуникатив прагматик методнинг асосий тамойилларидан бири эди.

Шунга қарамасдан, дарсликка асосланган анъана бошқа кўпчилик Осиё мамлакатларидаги каби Ўзбекистонда ҳали ҳам етакчи ўринда туради.

Гётц, Хунек ва Штайнигларнинг фикрича, методик концепцияга кўра 4 хил дарслик авлодлари фарқланади [8].

1) Грамматик-таржимага йўналтирилган дарсликлар

1-дарслик авлодига грамматика ва таржима методи анъанасидаги грамматикага йўналтирилган дарсликлар киради. Улар тил ва грамматикани тенглаштириш орқали анъанавий дарс тажрибаларининг бир методик давоми сифатида белгиланади. Уларнинг методик тамойилларида хорижий тил тузилиш тамойиллари ҳақида гап боради. Бунда ўқув мақсади хорижий тил қурилишини грамматик тасвирлаш ҳамда ўқувчиларга шаффоф ва ўрганишга осон қилиб тасвирлашдан иборат бўлиб, ёзма нутқ бадий тил сифатида диққат марказида туради. Ўқувчилар ўзларининг таржима лаёқатларини исботлаши керак. Дарс ўқувчиларнинг она тилисида олиб борилади. Бу методга хос машқлар сирасига қоида бўйича намуна асосида гаплар тузиш, гап шакллари ўзгартириш ва ҳкз. киради.

2) Аудиолингвал ва аудиовизуал дарсликлар.

Аудиолингвал, жумладан, аудиовизуал дарсликлар бихевиоризм тушунчасига асосланган. Бу концепцияда тил кўникмасига эга бўлиш тил билимидан муҳимроқдир, чунки гапириш кўникмаси тинглаб гапириш машқлари орқали диққат марказида туради. Дарсда бир тиллилик тамойилига қатъий амал қилинади. Грамматикага йўналтирилган дарсликларда адабиёт муҳим бўлган бир пайтда бу дарсликларда амалий аҳамиятга молик қўндалик билимларни узатиш ҳаммасидан муҳимдир. Аудиолингвал ва аудиовизуал дарсликлар учун хос бўлган машқлар сирасига намуна асосида такрорлаш машқлари (Patterndrill), тақлид машқлари (Imitation) ва диалогларни қайта тузиш (Reproduktion von Dialogen) киради.

3) Коммуникатив-прагматик дарсликлар

Хорижий тил дидактикасидаги прагматик бурилишлар билан боғлиқ тарзда коммуникатив-прагматик дарсликлар 3-авлод сифатида юзага келди. Ўша пайтдан бошлаб хорижий тил маънавий таълим воситаси сифатида эмас, балки мулоқот воситаси сифатида кўздан кечирила бошлади. Лисоний ҳаракат компетенцияси (гапириш) лисоний тўғрилиқ (грамматика)дан оддинроқда дидактик майдонга чиқди. Бунинг оқибатида машғулотда ўрганилаётган тилни табиий равишда, мақсадга боғлаб қўллаш бошланди ва ўрганувчи гуруҳларга хос омиллар (ёш, жинс, бошланғич билим, тажриба, қизиқиш) инобатга олина бошлади. Бу дарсликларда иложи борича аутентик мулоқотни фаолаштириш ҳақида гап боради. Ўқитувчилар дарсни бошловчи сифатида олиб бордилар ва шу билан бирга ўқув жараёнини тинглаш, ўқиш, ёзиш ва гапиришдан тортиб ижодий машқларгача кузатадилар. Бунинг оқибатида ўқувчилар ўрганиш ва англаш жараёнини мустақил ташкиллаши мумкин бўлган ўқув муҳитини яратиш диққат марказига чиқади ва сезиларли таъсир кўрсатади. Машқ турлари сифатида функционал коммуникатив фаолиятга йўналтирилган топишмоқли ёки детектив ўйинлар ва ижтимоий-интерактив фаолиятга йўналтирилган ролли ўйинлар (Rollenspiele),



бекатларда ўрганиш (Stationenlernen), сценарийлар (Szenarien) ҳамда лойиҳа ишлари (Projektarbeiten) хизмат қилди.

4) Маданиятларароликка йўналтирилган дарсликлар

Маданиятлараро мулоқотга ихтисослашган дарсликлар дарсда ўзи ва ўзгаларни англашни бош мавзуга айлантириш ва маданиятлар учрашуви учун имкон беришга йўналтирилган бўлади. Улар маданиятлараро мулоқот кўникмаларини ўзлаштиришни кўзда тутди. Бу дарсликларда яна ўқиш ва ёзиш кўникмаларига алоҳида урғу берилди. Машғулот тили, асосан. Ўрганилаётган тил ҳисобланади, ўрганувчиларнинг ўқув стратегиялари инobatга олинади ва ўқувчилар мустақиллигига йўналтирилган ўрганиш тарғиб қилинади. Хорижий тил дарсининг барча соҳаларида мамлакатшунослик марказий ўринда туради. Шу тарзда хорижий тил дарси маданиятлараро ўрганиш ва маданиятлараро тарбияни шакллантиришга ҳисса қўшади [8].

Чет тили дарсининг яқин ўтмишида янги пайдо бўлган дарсликлар ҳеч қандай яхлит методик концепцияга бўйсунмас туюлганлиги сабабли [9], юқорида таъкидланган 4 методик концепция ҳали ҳам катта аҳамиятга эга. Бироқ фанлараро омилларининг ҳар бирига кўра 4 хил дарслик авлодининг бир методик концепцияси дарслик яратишда асосий концепция сифатида қўлланилиши мумкин.

4) Маҳаллий дарсликлар

Маҳаллий дарсликлар устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, немис тили ҳудудида дунё бўйлаб фойдаланиш учун яратилган дарсликларни тўғридан-тўғри бошқа таълим контекстларидаги гуруҳда қўллаш жуда мураккаб иш экан. Чунки бошқа давлатларда ўрганувчилар гуруҳининг ўқув анъаналари, бошланғич билимлари ва кутаётган натижалари бошқачадир [9]. Бу ҳодиса Ўзбекистонда ҳам сезиларли равишда кўзга ташланади. Чунки кўпчилик ўзбек ўқувчилари фронтал машғулотда рецетив (тинглаш ва ўқиш) тарзда тил ўрганадилар ва бунда грамматик-таржима методи доминант ҳисобланади. Машғулот тили умуман олганда ўзбек тили ва ўрганувчилар мустақиллиги ўқувчилар учун бегона тушунча. Немис тили ҳудудида ёзилган дарсликлардаги маданий талаблар ҳамда дидактик-методик концепциялар кўпинча на уларнинг эҳтиёжларига, на қизиқишларига мос келади. Ўқитувчилар учун немис дарсликлари бўйича ўқитиш оптимал шароитда эмас. Бунга сабаб немис тилини иккинчи хорижий тил сифатида ўрганадиган ёки номутахассис йўналишда ўқийдиган талабалар бу дарсликларни ўрганиш жараёнида қийинчиликка дуч келдилар. Уларнинг аксарияти немис тилини биринчи марта ўрганаётганликлари учун бу дарсликларда берилган мавзу ва машқлар улар учун қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари Германияда чоп этиладиган дарсликлар бир тилда бўлгани сабаб, талабаларга янги сўз ва ибораларни ўзбек тилида тушунтиришга тўғри келади. Яна бир муаммо шундаки, Германиядан кириб келадиган дарсликлар қиммат ва уни сотиб олиш ҳам имконсиз. Бунинг ўрнига ушбу китобларнинг электрон шакли қоғоз вариантда кўпайтириб, фойдаланилади.

Шу сабабли ўзбек муаллифларининг ўзлари ёки немисзабон муаллифлар билан ҳамкорликда маҳаллий дарсликлар ёзишлари айна пайтдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, Ўзбекистон бозорларида немис тилини мутахассислик фани ёки иккинчи хорижий тил сифатида ўрганувчи талабалар учун рақобатбардош дарсликлар ёзиш мақсадга мувофиқдир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. “Ўқитувчи”, Тошкент, 2012, 99-бет.
2. Вазирлик Ҳайъатининг 2009 йил «21» февралдаги 2/7 - сонли қарорига 2 – илова. Фаннинг ўқув-методик мажмуаси таркиби. Тошкент, 2009.
3. G.Neuner, Lehrwerke in: K.-R.Bausch, H.Christ, H.-J.Krumm (Hrsg.) Handbuch Fremdsprachenunterricht (Tübingen, Basel: Francke/UTB, 2003), 398-99.
4. Rösler, Dietmar. Zwischen Lehrwerk und Online-Sprachbad, Zur Neubestimmung von Funktionen und Gestalt von Lehrmaterialien im Anfängerunterricht. Plenarvorträge der XIII. Internationalen Tagung der Deutschlehrerinnen und Deutschlehrer, Graz 2005, Studien-Verlag, 2006. S.143-154.
5. H.-J.Krumm, Lehrwerke im Deutsch als Fremd-und Deutsch als Zweitsprache-Unterricht, in: Hans-Jürgen Krumm, Christian Fandrych, Britta Hufeisen, Claudia Riemer (Hrsg.), Handbuch Deutsch als Fremd-und Zweitsprache. Ein internationales Handbuch 2. Halbband (Berlin, New York: De Gruyter, 2010), 1215-27.
6. Korea Presbyterian Journal of Theology. Kwan Yeong-Sook. Kriterienkatalog-Prototyp zur Lehrwerksanalyse sowie-Auswahl, Vol.50 No.4, 2018.
7. Dietmar Rösler und Michael Schar, Die Perspektivenvielfalt der Lehrwerkanalyse- und ihr weißer Fleck. Einführung in zwei Themenhefte (Info DaFNr.5. 43 Jahrgang. Oktober 2016), 516-36.
8. Lutz Götz, Fünf Lehrwerkgenerationen, in B. Kast, G. Neuner (Hrsg.), Zur Analyse, Begutachtung und Entwicklung von Lehrwerken für den fremdsprachlichen Deutschunterricht (Langenscheidt, München, 1994), 29-30; Hans-Werner Huneke und Wolfgang Steinig, Deutsch als Fremdsprache Ein internationales Handbuch 2.Halbband (Berlin, New York: De Gruyter, 2001), 187-203.
9. H.-J. Krumm, M. Ohms-Duszenko, Lehrwerkproduktion, Lehrwerkanalyse, Lehrwerkkritik, in: Gerhard Helbig u.a. (Hrsg.), Deutsch als Fremdsprache. Ein internationales Handbuch 2.Halbband (Berlin, New York: De Gruyter, 2001), 1031.



UDC 338.2.

TA'LIM SIFATINI TAKOMILLASHTIRISH JARAYONIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHAMIYATI

Nishonov Farhod Musajonovich,
Farg'ona politexnika instituti akademik litseyi,
Farg'ona shahri, O'zbekiston Respublikasi

E-mail: fmn1441@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0003-1608-0052>

Аннотасија. Мақоллада та'лим жарayoni samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanishning ayrim masalalari muhokama qilingan. O'quv jarayonida raqamli texnologiyalardan foydalanishning mohiyati va imkoniyatlari o'rganiladi. Muallif O'zbekistonda ilm-fanni yanada rivojlantirishning zamonaviy jihatlari, chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyatga ega yoshlarni tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirishda raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish va bu sohada kadrlar tayyorlashga alohida e'tibor qaratadi.

Калит so'zlar: innovatsiya, raqobatbardoshlik, ta'lim, ta'lim jarayoni, raqamli iqtisodiyot.

THE IMPORTANCE OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE PROCESS OF IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION

Nishonov Farkhod Musajonovich
Academic Lyceum of the Fergana Polytechnic Institute
Fergana, Republic of Uzbekistan

E-mail: fmn1441@gmail.com

Аннотация. В статье рассмотрены некоторые вопросы использования цифровых технологий в повышении эффективности образовательного процесса.

Изучается сущность и возможности использования цифровых технологий в процессе обучения. Автор делает акцент на современные аспекты дальнейшего развития науки в Узбекистане, воспитание молодежи с глубокими знаниями, высокой духовностью и культурой, эффективное использование цифровых технологий в формировании конкурентоспособной экономики и подготовка кадров в этой области.

Ключевые слова: инновации, конкурентоспособность, образование, образовательный процесс, цифровая экономика.

ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

Нишонов Фарход Мусажонович
Академический лицей Ферганского политехнического института
Фергана, Республика Узбекистан

Abstract. The article discusses some issues of the use of digital technologies in improving the efficiency of the educational process. The essence and possibilities of using digital technologies in the learning process are studied. The author focuses on the modern aspects of the further development of science in Uzbekistan, the education of young people with deep



knowledge, high spirituality and culture, the effective use of digital technologies in the formation of a competitive economy and the training of personnel in this field.

***Keywords:** innovation, competitiveness, education, educational process, digital economy.*

So'nggi to'rt yil ichida O'zbekiston axborot texnologiyalarini rivojlantirish borasida katta qadam tashlandi, bu iqtisodiyotning ko'plab sohalarida raqamlashtirish jarayonlarini kengaytirish va uning raqamli deb ataladigan ulushini oshirishga yordam berdi. Raqamli iqtisodiyotning tarkibiy qismlariga elektron tijorat, "Elektron hukumat" tizimi, iqtisodiyotning turli tarmoqlarida, xizmat ko'rsatish sohalarida "aqlli" (smart) texnologiyalarni joriy etish, "Aqlli shahar", "Xavfsiz shahar"ni yaratish shuningdek, "Buyumlar Internet"dan keng foydalanish va boshqalar kiradi [1,2,3,4,5,6,7,8].

Hozirgi kunning eng katta yutuqlaridan biri, shiddatli rivojlanish omili – iqtisodiyotning raqamlashtirilishidir. Bu yutuq aynan ilm-fan va ma'rifat taraqqiyotining mevasidir. Raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq bo'lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda [9]. Mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlangan ishlarni jadal davom ettirish va yangi, zamonaviy bosqichga ko'tarish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoev tomonidan Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga qilgan Murojaatnomasida "2020 yil – Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyot yili" deb e'lon qilindi. Buning zamirida chuqur ma'no va mazmun mujassamlashtirilgan, chunki, ilm-fan, ma'naviyat-ma'rifatga tikilgan sarmoya buyuk kelajak uchun kiritilgan investitsiyadir [10].

Nufuzli xalqaro tashkilotlar olib borgan tahlillar natijalariga ko'ra, raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o'stirish, shuning barobarida, xufyona iqtisodiyotga barham berish va korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini berar ekan. Xalqaro amaliyotga yuzlanadigan bo'lsak, hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot elektron tijorat va xizmatlar sohasi bilan cheklanib qolmay, balki hayotning har bir jabhasiga, xususan, sog'liqni saqlash, fan-ta'lim, qurilish, energetika, qishloq va suv xo'jaligi, transport, geologiya, kadastr, arxiv, internet-banking va boshqa sohalarga jadal kirib bormoqda va ularning har birida o'zining yuqori samaralarini bermoqda [11,12].

Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologik rivojlanish sharoitida O'zbekistonning iqtisodiy rivojlanishini raqamli iqtisodiyotsiz tasavvur qilish qiyin. Tadqiqotlar natijalariga ko'ra, 2022 yilga kelib global YaIMning chorak qismi raqamli sohada bo'lishini taxmin qilinmoqda. Lekin, xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlantirish indeksi bo'yicha (International Telecommunication Union: ICT Development Index 2017) O'zbekiston 176-ta davlat ichida 95-o'rinni egallab turishining o'zi mamlakatimizda bu sohada hali o'z yechimini kutayotgan masalalar va qilinishi lozim bo'lgan ishlar ko'pligidan dalolat beradi [13].

Xalqaro amaliyotga yuzlanadigan bo'lsak, hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot elektron tijorat va xizmatlar sohasi bilan cheklanib qolmay, balki hayotning har bir jabhasiga, xususan, sog'liqni saqlash, fan-ta'lim, qurilish, energetika, qishloq va suv xo'jaligi, transport, geologiya, kadastr, arxiv, internet-banking va boshqa sohalarga jadal kirib bormoqda va ularning har birida o'zining yuqori samaralarini bermoqda. Nufuzli xalqaro tashkilotlar olib borgan tahlillar natijalariga ko'ra, raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o'stirish, shuning



barobarida, xufyona iqtisodiyotga barham berish va korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi [14].

SHu bois ham ko'pgina davlatlar hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot sohasiga jiddiy e'tibor qaratmoqda. Masalan, 2019 yil 2 martda Rossiya Federatsiyasi hukumati Raqamli iqtisodiyot dasturini qabul qildi [15].

Estoniya, Belarusъ Respublikasi va Ukraina raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirmoqda. Avstraliya hukumati fuqarolarga yuqori tezlikdagi raqamli aloqani taqdim etish choralari ko'rmoqda, ya'ni, Avstraliyadagi milliy keng polosali tarmoq (National Broadband Network) Avstraliya aholisining 93 foizini 1 Gbit/s tezlikdagi internet bilan ta'minlash majburiyatini olgan [16].

SHunday ekan, O'zbekistonda "Raqamli O'zbekiston-2030" [17] dasturini ishlab chiqish va hayotga tatbiq etishda, eng avvalo, puxta va mukammal tashkiliy- huquqiy mexanizmlarni shakllantirish, qolaversa, innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish bo'yicha davlat organlari va tadbirkorlik sub'ektlarining uzviy hamkorligini ta'minlash, barcha soha va tarmoqlarda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishni raqamli texnologiyalar bilan qamrab olish, bu borada zamonaviy bilimlarni chuqur egallagan, intellektual salohiyatli kadrlarni yetishtirish, mamlakatda "axborotlashgan jamiyat" muhitini yaratish masalalariga alohida e'tibor qaratish maqsadga muvofiq [18, 19,20,21,22,23,24,25].

«Raqamli texnologiyalar» tomon burilishga butunjahon internet tarmog'i va sifatli aloqaning rivojlanishi sababchi bo'ldi. Oqibatda katta hajmdagi ma'lumotlar almashinish va ularni to'plash imkoni paydo bo'ldi, bu esa, o'z navbatida, to'plangan axborotni qayta ishlashga, bashorat qilishga, asoslangan qarorlar qabul qilishga va xilma-xil usullarda foyda olishga imkon beradi [25,26,27,28,29].

Ammo mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning samarali rivojlanishi uchun eng muhim shartlardan biri – unga mos keluvchi institutsional muhitni shakllantirish hisoblanadi [30, 31]. Xuddi shuning uchun xam O'zbekiston Respublikasi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturida kadrlar va ta'lim bilan bog'liq quyidagi asosiy yo'nalishlar belgilab berilishi lozim deb hisoblaymiz:

- *hal qiluvchi texnologiyalar yo'nalishlari bo'yicha kadrlar tayyorlashni yo'lga qo'yish va bu yo'nalishlar bo'yicha chuqur bilimga ega kadrlar tayyorlanishi mumkin bo'lgan ta'lim tizimini yaratish [32,33,34,35];*
- *raqamli iqtisodiyot uchun kerakli bo'lgan yukori malakali mutaxassislarni o'rta va oliy ta'lim muassasalarida ham tayyorlashni yo'lga qo'yish [35,36];*
- *raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, "Besh tashabbus" loyihasini amalga oshirish doirasida respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga o'qitish markazlarini ochish [37];*
- *raqamli iqtisodiyotni har tomonlama o'rganish uchun kerakli bo'lgan zamonaviy ilmiy va amaliy adabiyotlar yaratish [38];*
- *malakali dasturchilar va injener-texnik xodimlarni tayyorlashni yo'lga qo'yish, kadrlarning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi ishtirokini moliyalashtirish va bu ishni yuqori darajada rag'batlantirish tizimini yaratish;*
- *raqamli iqtisodiyot sohasidagi xorijiy tajribalarni o'rganish va ularni respublika iqtisodiyotiga tatbiq qilish.*

Raqamlashtirish ilmi va ko'nikmalarining yetishmasligi iqtisodiyotimizning raqamli transformatsiyaga jiddiy to'siq bo'lishi mumkin.



Mavjud muammolarning yechimi, qo'yilgan vazifalarni bajarish, rivojlanish strategiyasining har bir yo'nalishini samarali amalga oshirish yuqori malakali mutaxassislar tayyorlashni va ularni sifatli natijalar beradigan darajadagi mehnatini, zamon talablariga mos yangicha yondashuvlarni va dunyoqarashni talab qiladi [39].

O'tgan 2020 yil "Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb e'lon qilindi va kelgusi 5 yil davomida raqamli iqtisodiyotga faol o'tish asosiy ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilandi.

Tovarlar va xizmatlar ishlab chiqarish jarayonlarida raqamli texnologiyalarni joriy etishning istiqbollari va rentabelligi muvaffaqiyatli biznesni rivojlantirishning turli misollarida uchraydi. Kapitallashuv bo'yicha dunyodagi o'nta eng yirik kompaniyaning sakkiztasi «Apple», «Microsoft», «Alphabet», «Amazon», «Facebook», «Alibaba Group», «Tencent», «Visa Inc.» raqamli hisoblanadi [40].

Bugungi kunda O'zbekiston sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning qonuniyatlari, tendentsiyalari va imkoniyatlarini, xususan, axborot texnologiyalarining iqtisodiyotning turli sohalariga kirib borish darajalarini ilmiy asosda o'rganish nihoyatda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Vatanimiz taraqqiyoti va istiqboli, mamlakatimizda keng ko'lamda amalga oshirilayotgan islohotlarning muvaffaqiyati milliy iqtisodiyotimizga yangi innovatsiyalarni joriy qilishga bevosita bog'liqdir. Taraqqiyotga erishish zamirida raqamli texnologiyalar, ilm va izlanishning o'rni katta. Davlat va jamiyat boshqaruvida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, zamonaviy bilimlarga intilish xalqimiz hayotini farovonlashuviga xizmat qiladi. Ma'naviyatli, ma'rifatli avlod esa yurt taraqqiyotining asosiy omilidir. SHu sababli raqamli iqtisodiyotni takomillashtirish, uning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va huquqiy asoslarini ilmiy-amaliy jihatdan tadqiq etish davr talabi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Konstantin, K., & Doniyor, M. (2019). Features of the support of the innovative activity: Foreign experience and Practice for Uzbekistan. *Бюллетень науки и практики*, 5(11). Doi: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/48/29>
2. Abdullaev, A., & ets. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences. Doi: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202015904024>
3. Kurpayanidi, K. (2021). Актуальные вопросы цифровизации в индустриальном секторе экономики Узбекистана. *Общество и инновации*, 2(4/S), 201–212. DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp201-212>
4. Kurpayanidi, K. (2021). National innovation system as a key factor in the sustainable development of the economy of Uzbekistan. *E3S Web Conf.*, 258 (2021) 05026. Doi: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202125805026>
5. Kurpayanidi, K. I. (2019). Theoretical basis of management of innovative activity of industrial corporation. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 01 (69), 7-14. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.01.69.3>
6. Kurpayanidi, K.I. (2018). The typology of factors of increasing the innovative activity of enterprise entrepreneurs in the industry. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10 (66), 1-11. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2018.10.66.1>



7. Ivanovic, K. K., Qizi, M. Z. M., Ogli, T. I. S., & Musajonovichv, N. F. (2019). To the question of science approach to the construction of outsourcing business model of modern enterprise structure. *Достижения науки и образования*, (7 (48)).
8. Kurpayanidi, K. I. (2020). About some questions of classification of institutional conditions determining the structure of doing business in Uzbekistan. *South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR)*, 10(5), 18-28. Doi: <https://doi.org/10.5958/2249-877X.2020.00029.6>
9. Kurpayanidi, K. I., Abdullaev, A. M., Muratovna, N., Nabieva, E. A. M., & Honkeldieva, G. S. (2020). Economic and Social Policies During Covid-19 Period: Relief Plan of Uzbekistan. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29 (06), 5910-5921. Retrieved from. <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19871>
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муружаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 24 январь 2020 й
11. Margianti E. S. et al. (2020). Role of goal orientation as a predictor of social capital: Practical suggestions for the development of team cohesiveness in SME's. *Monograph. Gunadarma Publisher, Indonesia*. Doi: <http://dx.doi.org/10.13140/RG.2.2.28953.44641>
12. Курпаяниди, К.И. (2021). Миллий инновация тизимини шакллантиришнинг айрим муаммолари ва ечимлари. *Логистика ва иқтисодиёт*.(3). 110-121. [https://www.researchgate.net/publication/353287736 LOGISTIKA VA IKTISODIET](https://www.researchgate.net/publication/353287736_LOGISTIKA_VA_IKTISODIET)
13. Индекс развития информационно-коммуникационных технологий в странах мира. - International Telecommunication Union: ICT Development Index 2017. <https://gtmarket.ru/ratings/ict-development-index>
14. Конкуренция в цифровую эпоху. Доклад Международного банка реконструкции и развития и Всемирного банка. Вашингтон, 2018. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/30584/AUS0000158-RU.pdf?sequence=4&isAllowed=y>
15. Постановление Правительства Российской Федерации от 2 марта 2019 г. №234 «О системе управления реализацией национальной программы «Цифровая экономика Российской Федерации». <http://government.ru/docs/35964/>
16. <https://www.nbnco.com.au/>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 07/18/3832/1452-сон
18. Kurpayanidi, K. I. (2020). To the problem of doing business in the conditions of the digital economy. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 09 (89), 1-7. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.09.89.1>
19. Kurpayanidi, K. I., & Ilyosov, A. A. (2020). Problems of the use of digital technologies in industry in the context of increasing the export potential of the country. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10 (90), 113-117. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.10.90.23>
20. Kurpayanidi, K. I. (2019). Actual issues of activation of foreign economic activity in the economy of Uzbekistan. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (72), 60-65. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.04.72.10>



21. Курпаяниди, К. (2021). Actual issues of digitalization in the industrial sector of the economy of Uzbekistan. *Общество и инновации*, 2(4/S), 201-212. Doi: <https://dx.doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp201-212>
22. Abdullaev, A. M. & ets. (2020). Empirical observation in the search of strategy for development of e-learning: case of national universities in Uzbekistan. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research*. IJMR, (6 (4)), 91.
23. Kurpayanidi, K., Abdullaev, A., Ashurov, M., Tukhtasinova, M., & Shakirova, Y. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences. Doi: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202015904024>
24. Курпаяниди, К. И., & Мамуров, Д. Э. (2018). Некоторые вопросы формирования инновационной стратегии развития территорий. *Молодой ученый*, (39), 82-84.
25. Курпаяниди, К. И., & Муминова, Э. А. (2019). К проблеме активизации инновационных процессов в Узбекистане. *Известия Ошского технологического университета*, (3), 261-265. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=41746890>
26. Mamurov, D. and ets. (2019). Features of the support of the innovative activity: foreign experience and practice for Uzbekistan // *Бюллетень науки и практики*. 11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/features-of-the-support-of-the-innovative-activity-foreign-experience-and-practice-for-uzbekistan>
27. Абдуллаев, А. М., Курпаяниди, К. И., Тешабаев, А. Э., & Солиева, Д. А. (2020). Исследование систем управления предприятием: сущность, методы и проблемы. *Бюллетень науки и практики*, 6(2). Doi: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/51/18>
28. Курпаяниди, К. И., & Урмонов, А. А. (2018). К проблемам активизации внешнеэкономических связей на основе инновационного развития. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (10-1). Doi: <http://dx.doi.org/10.24411/2411-0450-2018-10075>
29. Курпаяниди, К. И. (2017). "Doing Business 2017: equal opportunities for all" как инструмент оценки эффективности регулирования предпринимательской среды в Узбекистане. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4). С. 31-44.
30. Гулямов, С.С., ва боқалар.(2019). Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. *Иқтисод-Молия*.
31. Davlyatova G.M., Kurpayanidi, K.I. (2020). Iqtisodiyotni rivojlantirishning asoslari va xususiyatlari. *Farg'ona, Klassik*, 120 b. Doi: <http://doi.org/10.17605/OSF.IO/RJCY5>
32. Nishonov, F. M., Shaev, A. K., & Kurpayanidi, K. I. (2021). Some questions of the organization of individual works of students in mathematics in the conditions of credit training. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (96), 1-7. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2021.04.96.1>
33. Нишонов, Ф. М., Эхсонова, Н. Т., & Толибов, И. Ш. У. (2019). Некоторые вопросы профессионального роста преподавателя математики в условиях цифровой экономики. *Проблемы современной науки и образования*, (4 (137)).
34. Nishonov, F.M, Kurpayanidi, K.I. (2018) Some questions of design of tasks in mathematics. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 09 (65): 41-44. Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2018.09.65.7>
35. Курпаяниди, К. И., & Ашуров, М. С. (2019). «Doing business 2019: Training for Reform» тадбиркорлик муҳити самарадорлигини баҳолаш воситаси сифатида. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (9).
36. Tsoy, D., Tirasawasdichai, T., & Kurpayanidi, K. I. (2021). Role of Social Media in Shaping Public Risk Perception during COVID-19 Pandemic: A Theoretical Review. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 7(2), 35-41.



37. Аликариева, А. Н. (2020). Олий таълимни рақамлаштиришда математик моделлаштириш усулларида фойдаланиш. *Журнал Социальных Исследований, (SPECIAL 1)*.
38. Яздонов, У. Т., & Бабажанов, С. Б. (2021). Иқтисодиётда рақамли технологияларни жорий этиш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурати. *Development issues of innovative economy in the agricultural sector, 570-573*.
39. Зияев, И. (2021). Профессионал таълим тизимида махсус фанларни ўқитишда инновацион электрон платформалардан фойдаланиш. *Общество и инновации, 2(5/S), 356-362*.
40. <https://realtribune.ru/skolko-amazon-apple-i-facebook-zarabatyvajut-v-minutu>

ЎҚУВЧИЛАРИДА АЛЬТРУИСТИК ФАЗИЛАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕФЛЕКСИВ ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ювашов Шерзод Ўлмасович
Наманган давлат университети
Педагогика кафедраси мустақил изланувчиси
Тел: 97 250 30 24 e-mail: temur_86@mail.ru

Аннотация. Мақолада ўқувчиларида альтруистик фазилатларни ривожлантиришда рефлексив ёндашув тамойилларини қўллаш ўқувчилар ва педагогинг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ахлоқий шаклланиш жараёнида ўқувчининг индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришга имкон беради.

Калит сўзлар: олийжаноб бўлиш, “ўзгалар учун яшаш”, “Тарбия” фани, альтруистик фазилатлар, методологик таъминот функцияси, методик таъминот функцияси, педагогик лойиҳалаш назарияси.

ПРИНЦИПЫ РЕФЛЕКТУАЛЬНОГО ПОДХОДА К РАЗВИТИЮ АЛЬТРУИСТИЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЯХ У СТУДЕНТОВ

Ювошев Шерзод Улмасович
Наманганский государственный университет
Независимый исследователь кафедры педагогики
Тел .: 97 250 30 24 e-mail: temur_86@mail.ru

Аннотация. Применение принципов рефлексивного подхода в развитии альтруистических качеств у учащихся позволяет наладить активное сотрудничество ученика и преподавателя, реализовать индивидуальный потенциал ученика в процессе нравственного становления.

Ключевые слова: быть благородным, «жить для других», предмет «Воспитание», альтруистические качества, функция методической поддержки, функция методической поддержки, теория педагогического проектирования.

PRINCIPLES OF A REFLECTUAL APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF ALTRUISTIC ABILITIES IN STUDENTS

Yuvoshev Sherzod Ulmasovich
Namangan State University



Independent researcher of the Department of Pedagogy

Tel.: 97 250 30 24 e-mail: temur_86@mail.ru

Annotation. *The application of the principles of a reflexive approach in the development of altruistic qualities in students allows you to establish active cooperation between a student and a teacher, to realize the individual potential of a student in the process of moral formation.*

Key words: *to be noble, "to live for others", the subject "Education", altruistic qualities, the function of methodological support, the theory of pedagogical design.*

Ўқувчиларида альтруистик фазилатларни ривожлантиришда рефлексив ёндашув тамойилларини қўллаш ўқувчилар ва педагогинг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ахлоқий шаклланиш жараёнида ўқувчининг индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришга имкон беради.

Рефлексив ёндашувнинг асосий тамойилларига қуйидагилар киради:

- ўз-ўзини англаш тамойили. Айнан ўз-ўзини англаш орқали ўқувчиларнинг "ўзгалар учун яшаш", олийжаноб бўлиш, бошқаларга яхшилик қилиш фикрини ривожланиши, жамият томонидан қўйилаётган талаблар билан ўзининг эҳтиёжлари, имкониятлари ва қобилиятларининг ўзаро мослигини англаш, мустақил, ижодий ва яратувчанлик фаолиятга тайёрланиш имконини беради;

- ўз-ўзини намоён этиш тамойили. Ахлоқ меъёрлари доирасида ўзининг ахлоқий нуқтаи назарини асослаш, жўмардлик ва олийжанобликни намоён қилишда ташаббускорлик кўрсатиш ва ўз-ўзини намоён этиш қобилиятини ривожлантиради. Ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш истагини пайдо қилиш орқали юксак инсонийлик юзага келади;

- ўз-ўзини назорат қилиш тамойили. Мазкур тамойил ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракатларини чуқур таҳлил этиш, асослаш ва умумлаштириш; маълум бир вазият билан боғлиқликда қандай ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг муҳимлиги, альтруистик фазилатларни ривожлантиришда қўшимча яна қандай фанлар, таъсир воситаларига оид билимларга эга бўлиш зарурлигини англашни талаб этади; ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширади, фаол ва мустақил фикрлашга ундайди.

Ҳозирги вақтда аксиологик ёндашувга қизиқиш ижтимоий-маданий муҳитдаги ўзгаришлар, янги глобал ахлоқий инқирознинг юзага келиши билан боғлиқ[1]. Шу боис янги минг йилликда илмий жамоатчилик инсоният томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган қадриятларни аниқлаш, тартибга солиш ва тизимлаштиришга фаол ҳаракат қилмоқда.

Шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашув мазмунли-жараёнга доир блокнинг асосини ташкил этади.

Мазмунли-жараёнга доир блок қуйидаги мажмуавий педагогик шарт-шароитларни ўзида акс эттиради:

1) альтруистик фазилатларни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёнда ва амалий ҳаётда, реал вазиятларда альтруизмга зид худбинона иллатларни намоён бўлишини аниқлаш ва ўқувчиларда ижтимоий ва шахсий қадриятлар тизимини қарор топтириш;



2) вазиятларни таҳлил этиш ва топшириқларни бажариш орқали глобал ахлоқий ўзгаришлар шароитида юксак ахлоқий сифатларга нисбатан ўқувчиларда рефлексив нуқтаи назарни шакллантириш;

Шунингдек, мазкур блок таркибига ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожлантиришнинг компонентлари (когнитив, фаолиятга доир ва методик), педагогнинг функциялари (информацион, мотивацион-фасилитатив, консултацион) ҳамда альтруистик фазилатларни ривожлантиришга доир ўқувчиларнинг вазифалари (адаптация, рефлексия, ўз-ўзини намоён этиш)дан иборат методик таъминот мазмуни ҳам тааллуқлидир.

Педагогик жараёнда альтруистик фазилатларни ривожлантиришда когнитив компонент ўзида бир нечта ўзаро бир-бири билан алоқадор элементларни қамраб олади[2]: 1) ўзлаштириш; 2) қўллаш; 3) умумлаштириш. У санаб ўтилган жараёнларни ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб беради, уларнинг моҳияти ва мазмунини очиб беради: альтруистик фазилатларни ривожлантиришга доир билимлар ва қадриятларни ўзлаштириш; альтруистик фазилатларга зид бўлган эгоистик ва индивидуалистик сифатлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш. Мазкур компонент ўқувчилар томонидан альтруистик фазилатларни ривожлантиришга доир билимлар ва қадриятлар тизимини вазиятларни таҳлил этиш ва топшириқларни бажариш жараёнида қўллаш билан ҳам боғлиқ бўлиб, ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида мазкур билимларни умумлашган ҳолда фойдаланишга эришилади.

Фаолиятга доир компонент қуйидаги уч элементни ўзида акс эттиради: 1) кўмаклашиш; 2) қўллаб-қувватлаш; 3) маслаҳат бериш. У мазкур жараёнларнинг алоқаси, уларнинг мазмун-моҳияти, амалга ошириш йўллари очиб беради. Альтруистик фазилатларни ривожлантиришнинг профилактик усуллари ўзлаштиришда ўқувчиларга кўмаклашиш семинар, мунозара, ўйин кабилардан фойдаланиш; альтруистик фазилатларни ривожлантиришнинг субъекти сифатида ўқувчиларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш семинар, мунозара, эссе каби ўқитиш шакл ва методларини қўллаш; альтруистик фазилатларни ривожлантиришга доир фаолият жараёнида ўз-ўзини мустақил намоён этиш учун маслаҳатлар бериб бориш муаллифлик ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, гуруҳий мунозараларда иштирок этиш, ҳаётий кейсларни бажариш жараёнида амалга оширилади.

Фаолиятга доир компонент ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати механизмлари йиғиндиси[3] (ҳамкорлик, қўллаб-қувватлаш, маслаҳатчилик), педагог функциялари (информацион, мотивацион-фасилитатив, консултацион) билан чамбарчас боғлиқ равишда методик таъминотни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳамда ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожлантиришга доир вазифалар (адаптация, рефлексия, ўз-ўзини намоён этиш)ни очиб беради.

Методик компонент ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситаларини ўз ичига қамраб олади. У бевосита когнитив ва фаолиятга доир компонентлар билан боғлиқ бўлиб, уларни амалга оширишнинг методик асосини ўзида ифода этади. Ана шу жиҳат билан боғлиқликда шундай хулосага келиш мумкин: методик компонент қўйилган мақсадга эришиш имконин берувчи шакл, метод ва воситалар йиғиндисини ўзида акс эттиради.

Моделнинг навбатдаги блоки натижавийликни ўзида акс эттиради. Мазкур блок баҳоловчи функцияни бажаради ва тадқиқотнинг амалий жиҳатини ўзида акс эттиради.



Шунинг учун у ўзида ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожлантириш даражалари, мезонлари ва кўрсаткичларини акс эттиради.

Маълумки, мезон – баҳони ишлаб чиқиш учун асос бўладиган белгилар, хусусиятлар, ниманидир аниқлаштириш ёки таснифлаш. Кўрсаткич – бу ниманингдир бориши ва ривожини нима учун муҳокама қилиш, даража эса, ниманингдир ўзгариши, ривожланиши ва аҳамият касб этишидир.

Бизнингча, ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожланганлик даражаси ва мазкур жараённинг самарадорлиги белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши лозим[4]. Натижавийлик блоки ўзида қуйидаги элементларни акс эттиради: ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожланганлигини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари. Тадқиқотда баҳолашнинг тўрт мезони кўзда тутилди: 1) когнитив; 2) фаолиятга доир; 3) шахсий; 4) аксиологик.

Мазкур баҳолаш мезонларини аниқлашда қуйидаги талабларга риоя қилинди: мезонлар сони учтадан кам бўлмаслиги, ҳар бир мезон минимум учта кўрсаткичга эга бўлиши;

- 1) мезонлар уларнинг кам ёки кўп намоён бўлиш даражаси ҳақида хулоса қилиш мумкин бўлган кўрсаткичлар асосида ўлчанади;
- 2) мезонлар имкони борица педагогик фаолиятнинг асосий турларини ҳисобга олиш асосида қабул қилиниши керак.

Тадқиқотда қуйидаги уч ўлчов мезони аниқлаштирилди: 1) когнитив; 2) фаолиятга доир; 3) аксиологик.

Аниқлаштирилган мезонлар асосида ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожланганлигининг кўрсаткичлари белгилаб олинди [5].

Ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожланганлигининг кўрсаткичларини аниқлашда қуйидаги тамойилларга таянилди:

- кўрсаткичларнинг максимал равишда бир-биридан автономлиги;
- олинган натижаларни баҳолаш тизимига доир белгиларни ташхис қилиш имконининг мавжудлиги. Мазкур баҳо мақсадга биноан ўзида: а) ташхис қилинаётган сифатнинг бир маънога эгаллиги; б) ўлчов воситасининг мавжудлиги; в) ўлчанаётган белгини шкалалаш мумкинлиги;
- ишончлилиги;
- валидлик – белгиланган кўрсаткич белгисининг экспериментатор айнан баҳолашни хоҳлаган жиҳатга мослиги;
- мажмуавийлик – кўрсаткич белгиларининг йиғиндисини қўллаш орқали тажриба-синов объекти ҳолатининг мазмун-моҳиятини очиб бериш имконияти;
- бетарафлик – тадқиқ этилаётган жараёнга таъсир кўрсатишнинг барқарорлиги.

Тадқиқотда ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожланганлигини баҳолашда даражали ёндашувдан фойдаланилди. Мазкур ёндашув ҳар бир мезон бўйича бир даражадан бошқасига ўтишда ўрганилаётган жараён динамикасини таҳлил қилиш имконини беради.

Хулоса қиладиган бўлсак, ривожланиш даражасини аниқлаш ва асослаш тажриба-синов ишлари жараёнида муаммонинг умумий йўналишларини ўрганиш ва англаш мақсадида ўқувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражасини аниқлаш учун ўтказилади. Фаолиятга тайёрлаш жараёнида ўқувчиларнинг паст даражадан мақбул даражага қараб ривожланиши содир бўлади.



Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел яхлит тавсифга эга бўлиб, унинг блоклари ўзаро алоқадор ва якуний натижани аниқлашга хизмат қилади; ўқувчиларда альтруистик фазилатларни ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил этиш воситаси сифатида прагматик йўналганликка эга; ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантирувчи ва ҳаётга тайёрловчи сифатида очик тизимни ўзида ифода этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2013. – Б.488.
2. Ширматов С.Т.Талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда таълим шакллари таллаш. Замонавий таълим журнали. 2016, 12 сон. –Б.40.
3. The Altruistic Species: Scientific, Philosophical, and Religious Perspectives of Human Benevolence / by Andrew Michael Flescher and Daniel L. Worthen. – Philadelphia and London: Templeton Foundation Press, 2007.
4. Shafer B. C. Nationalism: Myth and Reality. N. Y.: Harcourt Brace, 1955. P. 6., states and homelands: territory and territoriality in nationalist thought // Nations and Nationalism. 2002. Vol. 8, No. 3;
5. <http://www.ziyounet.uz/>

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA MEHNAT TARBIYASI ASOSIDA TEJAMKORLIK VA TADBIRKORLIKNI SHAKLLANTIRISH

Namangan Davlat Universiteti “Boshlang'ich ta'limda ijtimoiy fanlarni o'qitish metodikasi “ kafedrasi o'qituvchisi Rapiqov Ibrayimjon G'aniyevich

Аннотация: Мақоллада бoshlang'ich sinif o'quvchilarida mehnat tarbiyasi asosida tejamli va tadbirkor bo'lish uchun purma'no fikrlarning, ijtimoiy-pedagogik ahamiyati o'rganilgan. Boshlang'ich sinif o'quvchilarini mehnatsevar qilib tarbiyalash bilan bir qatorda, tejamli va tadbirli bo'lishga o'rgatib,, ularni mehnatga layoqadli qilib tarbiyalash haqida allomalarimizning fikrlari, ularning yosh avlodga bergan hikmatli so'zlari bugungi kunda ham nechog'lik to'g'ri ekanligi o'z isbotini topgan. Boshlang'ich ta'lim oluvchilarda umumiy o'rta ta'limni davom ettirish uchun zarur bo'lgan savodxonlik, bilim, ko'nikma va malakalar asoslarini shakllantirishga qaratilgan.

Калит so'zlar: o'quvchi, mehnat, tejamkorlik, tadbirkorlik, fikr, ta'lim- tarbiya.

ФОРМИРОВАНИЕ БЕРЕЖЛИВОСТИ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА У МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ НА ОСНОВЕ ТРУДОВОГО ВОСПИТАНИЯ

Преподаватель кафедры “методика преподавания социальных наук в начальном образовании “ Наманганского государственного университета Рапиков Ибрагимжон Ганиевич

Аннотация: В статье изучено социально-педагогическое значение значимой идеи для того, чтобы быть экономными и предпринимателями на основе трудового воспитания младших школьников. Наряду с трудолюбивым воспитанием учащихся начальных классов, обучением их быть экономными и предприимчивыми, воспитанием их в трудоспособном возрасте, мысли наших ученых, их мудрые слова молодому поколению и сегодня доказали свою правоту. Начальное образование направлено на формирование у учащихся основ грамотности, знаний, умений и навыков, необходимых для продолжения общего среднего образования.



Ключевые слова: ученик, труд, бережливость, предпринимательство, мысль, образование, воспитание.

FORMATION OF SAVING AND ENTREPRENEURSHIP ON THE BASIS OF LABOR EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Teacher of the Department "Methods of teaching Social Sciences in primary education " of Namangan State University Rapikov Ibrayimjon Ganievich

Annotation: *the article explores the socio-pedagogical importance of meaningful in order to be economical and entrepreneurial on the basis of labor education in primary school students. In addition to educating primary school students as well as teaching them to be thrifty and efficient, the thoughts of our scientists about educating them as labour worthy, their wise words given to the younger generation, have found their own proof of how correct they are today. It is aimed at forming the foundations of literacy, knowledge, skills and competences necessary for the continuation of general secondary education in primary education recipients.*

Key words: *reader, labor, saving, entrepreneurship, thought, education.*

"Ta'lim to'g'risi"da qabul qilingan 2030-yilgacha xalqaro ta'lim konsepsiyasida bilimning mustahkam poydevoriga ega bo'lish ijodiy va tanqidiy fikrlarni rivojlantirish o'zaro hamkorlikdagi faoliyat muhitini yaratish kabi dolzarb vazifalar belgilandi. Bu esa ta'lim oluvchilar jumladan, kichik maktab yoshidagi o'quvchilarga ijtimoiy-emotsional ko'nikmalarni shakllantirish va interfaol ta'limni jadallashtirish asosida kreativ fikrlash va o'zaro munosabatlar namunaviyligini oshirishni nazarda tutadi.

Mamlakatimizda ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar doirasida ta'lim sifatini oshirish, ilg'or xorijiy tajribani e'tiborga olgan holda, ta'lim tizimini takomillashtirish, o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish, ayniqsa, o'quvchilarga boshlang'ich sinfdan, ularda mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlikni shakllantirish ta'lim-tarbiyaning shakllari va metodlari asosida olib borilishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Boshlang'ich ta'lim oluvchilarda umumiy o'rta ta'limni davom ettirish uchun zarur bo'lgan savodxonlik, bilim, ko'nikma va malakalar asoslarini shakllantirishga qaratilgan. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida mehnat tarbiyasi asosida tejamli va tadbirkor bo'lish uchun bayon etilgan purma'no fikrlar, ijtimoiy-pedagogik ahamiyati o'rganilmoqda. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida mehnat asosida tejamli va tadbiriy bo'limlariga keng imkoniyat yaratish, ularda mehnat asosida tarbiyalash ahamiyati doimiy ravishda olib borilayotgan tajribalarimizda o'z isbotini topmoqda. Millat va shaxsning hayotda o'zligini anglashda tajribalar asosida shakllanib, sayqallanib kelayotgan boy meroslar kasb-hunarga doir qarashlarning ijtimoiy-pedagogik ahamiyati beqiyosdir. Hozir shu kunda boshlang'ich sinf o'quvchilarida shu jihatlarning shakllanishida qanday omillar muhim o'rin egallab kelinganligi va ularni xalqimiz madaniy, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy hayotidagi ta'siri hamda bugungi kunda yosh avlod tarbiyasi tarkib topishida muhim pedagogik muammo hisoblanadi. "Ta'lim tog'risi"dagi qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" ta'limni rivojlantirishga ijobiy natijalar bermiqda.

Bizning maqsadimiz yosh avlodni hayotga tayyorlashga va ularda iqtisodiy, mantiqiy fikrlashga va tejamli va tadbirli bo'lishini tarkib toptirishdan iborat. Biz ta'lim-tarbiya



tizimining barcha bo'g'inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o'zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilishimiz lozim.

Yosh avlodni tarbiyasi haqida gapirilganda: Abdurauf Fitratning mana bu fikrlariga har birimiz ayniqsa, endi hayotga kirib kelayotgan o'g'il-qizlarimiz amal qilishlarini men juda-juda istardim. Mana ulug' ajdodimiz nima deb yozganlar: "Xalqning oliy maqsadi sari harakat qilish, davlatmand bo'lish, baxtli bo'lib izzat-hurmat topishi jahongir bo'lishga yoki yoki zaif bo'lib xo'rlikka tushishni, baxtsizlik yukini tortish e'tibordan qolib, o'zgalarga tobe va qul, asir bo'lishi ularning o'z ota-onalaridan bolalikda olgan tarbiyalariga bog'liq. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlikni shakllantirish, o'sib kelayotgan yosh avlodni ongiga insoniylikni va itimoiy, iqtisodiy holatni singdirish, o'qituvchi va tarbiyachilarning birinchi galdagi vazifalaridan ekanligini his etishlari shart va lozim. Insonning inson bo'lib, shakllanishida kishilik jamiyati tomonidan orttirilgan mehnatning o'rni beqiyosdir. Tushungan holda, ongli bajarilgan mehnat o'quvchini tejamli va tadbirkor bo'lishga hamda kamolotiga ijobiy ta'sir etadi. Mehnat jarayonida o'quvchining barcha sifatleri ruhiy jarayonning va fiziologik chiniqishlari tarkib topib takomillashtirib boradi.

O'quvchilarda tejamkorlik va tadbirkorlik asosida, mehnat qilishlariga bo'lgan munosabatlari ijobiylashadi. Mehnat qadriga yetish va e'zozlash kerakligini ruhan-jismonan his etadilar. Mehnat baxt-saodat kalitini va inson hayotining mazmunini taqozo etishini singdirishda, ta'lim va tarbiya jarayonida o'quvchi shaxsini tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev aytganlaridek: "Yoshlarimizni mustaqil yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz." Yuqoridagi so'zlar bugungi kunda jamiyatimizdagi olib borilayotgan islohotlarda o'z ifodasini topmoqda.

Shu o'rinda, Xitoy faylasufi Konfutsiy so'zini keltirmoqchiman: "Agar sen xalqingni bir yil boqmoqchi bo'lsang, bug'doy ek, o'n yil boqmoqchi bo'lsang daraxt ek, agar asrlar davomida boqmoqchi bo'lsang bilim ek." (miloddan avvalgi 551-479-yillar). Bu so'zlar itimoiy kishilik jamiyatining shakllanishi va rivojlanishida mehnatning ahamiyati salmoqli ekanligini uqtirib o'tganlar. Mehnat tarbiyasiz shaxs barkamol bo'lishi mumkin emasligi, ta'lim jarayonida mehnat asosida tejamli va tadbirkor bo'lishlarini bir necha marta ta'kidlash o'rinlidir.

Mamlakatimizni rivojlantirishda ota-bobolarimiz qoldirgan boy madaniy me'roslardan oqilona va o'z o'rnida foydalanishi va o'quvchilarni to'g'ri yo'lda tarbiyalashda dasturul-amal bo'lib xizmat qiladi. Ongli tashkil etilgan mehnat tarbiyasi asosida kasb-hunarga yo'llash juda ham o'rinlidir. Boshlang'ich sinflarda mehnat asosida o'quvchilarni tejamkor va tadbirkorligini shakllantirishda ta'lim va tarbiyani o'quvchi ongiga singdirish, ularni hayotda o'z o'rinlariga ega bo'lishlariga xizmat qiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlikka o'rgatib borish bilan jamiyatdagi o'rnini topishida hamda insonlar uchun manfaatlari yo'lida mehnat qilishlarini odatlantirish lozim. O'quvchining aqliy va axloqiy shakllanishi, jismoniy rivojlanishining to'g'ri yo'lidir. Zero, ta'lim bilan ijtimoiy mehnatni uzviy olib borish, o'quvchi ongiga singdirish, har tomonlama yetuk inson etib tarbiyalash foydali ilk qadam hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlikni muhim shartlarini tushungan holda, o'qituvchi va tarbiyachilar o'zlarining ilmiy-nazariy va



amaliy ishlari bilan hamfikir bo'lishi va vijdonan mehnat qilishlari talab qilinadi. Boshlang'ich sinf-o'quvchilarning mehnat haqidagi fikrlarining ilk kurtaklari barg yozadigan vaqtdir. O'quvchilar mehnat qilishi orqali o'zgalarga yordam berish lozimligini anglab yetadilar va shu asosida ish yuritadilar. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mehnatga bo'lgan qiziquvchanlik, ulardagi tejamkorlik va tadbirkorlik xislatlari shakllanib boradi.

Yuqoridagi ishlarni amalga oshirish uchun o'qituvchi va tarbiyachilarimiz tinimsiz fidokorona mehnat qilishlari, shu bilan birga shu bilan birga shiddat bilan rivojlanayotgan zamonaviy texnologiyalardan o'z o'rnida foydalanishlari o'zining unumli samarasini beradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining qiziquvchanligi o'z o'rnida foydali tomonga qaratish, ta'lim-tarbiya jarayoni davomida izchillikni to'g'ri yo'lga qo'yish, ko'zlangan maqsadga erishishning eng oqilona, o'z ishining ustasi, tejamli va tadbirkor bo'lishida zamin yaratadi. Bolaning oilada ota-onasi orqali o'zlashtirgan mehnat haqidagi tushunchalarini amaliy shakllantirish, ularda mehnat asosida tejamli va tadbirli bo'lishga moyilliklarini rivojlantirish juda ham muhimdir. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarni yosh xususiyatlariga, qiziqishlariga e'tibor berish yaxshi natijalarni beradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mehnat tarbiyasi asosida tejamkor va tadbirkor bo'lib yetishishida pedagogik-psixologik tomonlarini hisobga olish hamda amalga oshirish lozim. Kaykovusning quyidagi hunar haqidagi fikrining yorqin dalilidir: "Ey farzand, ogoh bo'lki, hunarsiz kishi hamisha foydasiz bo'lur va hech kishiga naf yetkurmas. Bilursanki, xori tikanli butaning tani bordir, ammo soyasi yo'qdir. Hunarsiz kishi har xori tikanli buta yanglig' na o'ziga va o'zgaga foyda berur." Yuqoridagi purma'no fikrlardan xulosa qilmoq lozimki, boshlang'ich sinflarda o'quvchilarni mehnat asosida tejamli va tadbirli bo'lishga, jamiyat uchun foydasi tegadigan, mehnatni qadriga yetadigan qilib tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari oilada ota-ona, aka, opalari orqali mehnatning ijtimoiy foydali tomonlarini o'rganib boradilar, shu bilan birgalikda mehnatga havas ishtiyoqi tug'iladi. Har bir ishning foydali ekanligini va insonning yashash tarzi ekanligini tushuntirish lozim. Bolaning ishga jiddiy munosabatda bo'lishi, mas'uliyatlilikka iloji boricha ertaroq o'rgatilishi kerak. Agar bolalarda kundalik uy-ishlariga havas emas, balki uning zarurligini tushunish, oila mehnatida o'z hissasi bo'lishi uchun majburiyat xissi tarbiyalansa, shuning o'zi kifoya.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlik sifatlarini shakllantirishda, boshlang'ich sinf o'quvchilarini yetuk shaxs bo'lib yetishishlarida imkon yaratadi.

Yuqoridagilardan shuni xulosa qilish kerakki, boshlang'ich sinf o'quvchilarida mehnat asosida tejamli va tadbirkor bo'lishi, o'z hayot yo'llarini to'g'ri tanlab olishlari olishlari uchun mehnatsevar bo'lib har bir ishga vijdonan jiddiy e'tibor berib ongli ravishda ish olib borishlari muhimdir. Bu esa kelgusida biz kelajakda umid qilgan yosh avlodni kamol topishida o'z isbotini topadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Ta'lim to'g'risi" dagi qonun. Toshkent .2020-yil 23-sentabr.
2. Sh.Mirziyoyev "Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz". Toshkent-"O'zbekiston"-2016.
3. Abu Nasr Farobiy "Fozil odamlar shahri" (Tanlangan asarlar).Toshkent Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 1993
4. Kaykovus "Qobusnoma". Toshkent "Meros" nashriyoti. 1992.



SKANDINAVCHA YURISH SOG'LOM TURMUSH TARZI UCHUN VOSITA SIFATIDA

Azizov Mirzohid Mirzaolim o'g'li

Namangan davlat universiteti tayanch doktorant

Tel: +998942761303, e-mail: mirzohid.azizov@bk.ru

***Anotatsiya:** mazkur maqolada Skandinavcha yurish haqida umumiy ma'lumotlar keltirilib, ushbu sport turning inson organizmiga ta'siri xamda sog'lom turmush tarzida uning ahamiyati haqida so'z borgan.*

***Kalit so'zlar:** Skandinaviyada yurish, harakatlarni muvofiqlashtirish, rehabilitatsiya, jismoniy mashqlar, skandinavcha yurish texnikasi.*

СКАНДИНАВСКАЯ ХОДЬБА КАК СРЕДСТВО ДЛЯ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ

Азизов Мирзохид Мирзаолим угли

Наманганский государственный университет базовый докторант

Тел: +998942761303, электронная почта: mirzohid.azizov@bk.ru

***Анотация:** в данной статье представлена общая информация о скандинавской ходьбе, рассказано о влиянии этого вида спорта на организм человека и его значении для здорового образа жизни.*

***Ключевые слова:** скандинавская ходьба, координация движений, реабилитация, физическая нагрузка, техника скандинавской ходьбы.*

NORDIC WALKING AS A MEANS FOR A HEALTHY LIFESTYLE

Azizov Mirzohid Mirzaolim o'g'li

Namangan State University base doctoral student

Tel: +998942761303, e-mail: mirzohid.azizov@bk.ru

***Anatation:** this article provides general information about Nordic walking, describes the impact of this sport on the human body and its importance for a healthy lifestyle.*

***Keywords:** Nordic walking, coordination of movements, rehabilitation, physical activity, Nordic walking technique.*

Inson organizmiga fiziologik ta'siriga ko'ra yurish aerob yo'nalishining samarali siklik mashqlar turiga kiradi. Skandinavcha yurish harakatlanish hajmini oshirish uchun, ham yurak-qon tomir kasalliklari rivojlanish xavf omillarini to'g'irlash, nafas olish va qon aylanishini yaxshilash, mushak-skelet tizimining ishi, turli yoshdagi va sog'lig darajasi past bo'lgan odamlar uchun eng foydali sport turlaridan biri xisoblanadi (1-rasm). Skandinavcha yurishi jinsi, yoshi va jismoniy tayyorgarligi holatidan qat'iy nazar, hamma uchun mavjuddir. U shug'illanuvchilarchilarni rehabilitatsiya qilish, shuningdek, kasalliklardan keyin tanani qayta tiklashga katta yordam beradi.



1-rasm. Skandinavcha yurish

Sog'liqni saqlash va jismoniy tarbiya mashg'ulotlarining sog'lomlashtiruvchi ta'sirini ta'minlash uchun shimoliy yurishlardan foydalanish tavsiya etiladi. Ushbu turdagi yurish yaqinda butun dunyoda keng tarqaldi. Shimoliy yurish ya'ni tayoqlar bilan yurish (skandinavcha yurish, nordik yurish, fin yurish, shimoliy yurish) - bu chang'i sportiga o'xshash maxsus tirgaklarga tayanib yuradigan havaskor sportning bir turi.

Mashg'ulotlar yilning istalgan vaqtida, istalgan joyda ochiq havoda o'tkaziladi. Bu sport turi hech qanday qimmatbaho uskunalar va jihozlarni talab qilmaydi, maxsus sport inshootlariga ehtiyoj yo'q. Faqatgina harakatlarning tejamkorligini va ishchi mushaklarga yukni to'g'ri taqsimlanishini ta'minlaydigan harakatning oqilona qoidalariga rioya qilish kerak.

Nordik yurish mashg'ulotlari jarayonida umumiy va maxsus ish qobiliyati oshadi, farovonlik, kayfiyat yaxshilanadi, bu quvnoqlik, o'ziga bo'lgan ishonch xisoblanadi. Shug'illanuvchilar bilan bo'lgan suxbatda skandinavcha yurish psixologik stressdan xalos bo'lish uchun eng yaxshi sport turi ekanligini ta'kidlab o'tishgan. Bundan tashqari Skandinavcha yurishda nafas olish tizimining funktsiyasi yaxshilanadi, chunki yuqori magistral mushaklari ishtirok etadi, bu esa o'pkaning nafas olish hajmini 30 % dan ko'proq oshiradi. Nafas olish paytida ishlaydigan mushaklar kuchayadi, qon hujayralari tomonidan kislorodning tashilishi yaxshilanadi, kislorodning maksimal so'rilishi kuchayadi, chidamlilik va ish qobiliyati oshiriladi.

Oddiy yurish bilan taqqoslaganda, tayoq bilan yurish energiya sarfini 20-40% ga oshiradi, bu esa mashg'ulot ta'sirining muhim omilidir. Skandinaviya yurishining yuqori energiya intensivligi yurak-qon tomir tizimi faoliyatini yaxshilashga, yurak mushagini o'rgatishga yordam beradi (yurak urish tezligi 10-15 martagacha ko'tariladi). Qon bosimini pasaytiradi; yurak urish tezligini normalashtiradi; qonning yopishqoqligi pasayadi; qon tomirlarining elastikligi yaxshilanadi; [2].

Skandinavcha yurish bo'g'im va bel kasalliklari bilan og'rigan odamlarga, ortiqcha vaznli odamlarga tavsiya etiladi, chunki tayoqchalar bilan yurish umurtqa pog'onasi, son va tizza bo'g'imlari va tovon suyaklaridagi yukni kamaytiradi.

Skandinavcha yurish bilan shug'illanish jarayonida suyak to'qimalarining tuzilishi yaxshilanadi, astiyaxondroz rivojlanish ehtimoli pasayadi.

Bo'g'imlarning harakatchanligi va tananing egiluvchanligi oshadi, bo'yin va yelka mushaklarining tarangligi pasayadi, bo'yin va ko'krak orqa miya og'rig'i kamayadi.

Skandinaviya yurishining inson xarakat funksiyasiga ijobiy ta'siriga faqatgina yetarli yuklarni ishlatish va ularning mashg'ulot jarayonida asta-sekin oshirish bilan erishish mumkin.

Ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ustunlar bilan yurish muvozanat va harakatlarni muvofiqlashtirishga o'rgatadi. Mushak-skelet va vestibulyar apparatlar mustahkamlandi, inson tanasining barcha asosiy mushak guruhlarini faol ishlaydi, shu tufayli ular yaxshi normal xolatda rivojlanadi va saqlanadi. Nordic yurish paytida inson tanasining taxminan 90% muskullari, yugurish paytida atigi 45%, velosipedda esa - taxminan 50% muskullar ishlaydi (2-rasm). Natijada-chidamlilik rivojlanadi – kayfiyat ko'tariladi, o'quvchilar harakatlaridan zavqlanishni boshlaydi bu esa miya kislorod bilan to'yinganligidan dalolat beradi. [3]



2 – rasm. Skandinaviya yurishning boshqa sport turlaridan farqi

Ushbu turdagi sog'lomlashtirish jismoniy madaniyatning muntazam mashqlari bilan metabolik jarayonlar faollashadi, ichak faoliyati normallasadi va tanadagi toksinlar tezroq yo'q qilinadi. Nordic yurish bir xil tezlikda tayoqsiz yurishdan ko'ra ko'proq kaloriyalarni yoqadi, bu esa tanadagi ortiqcha yog' zaxiralarini kamaytirishga yordam beradi. Shimoliy yurish sog'lik xolatini yaxshilash uchun ideal sport turi xisoblanadi.

Har qanday ob-havo sharoitida yurish organizmning chiniqtirishga, uning moslashuvchan qobiliyatining o'sishiga yordam beradi. Ushbu sport turi bilan muntazam shug'illanuvchilarda immuniteti oshishi, qonning biokimyoviy tarkibi o'zgarishi, natijada organizmning sovuqqonlik va boshqa kasalliklarga chidamliligi bir necha bor oshishi, onkologik kasalliklarga chalinish xavfi pasayishi isbotlangan. Skandinaviya piyoda yurish paytida, boshqa sport turlari bilan taqqoslaganda, shikastlanish darajasi past.

Shimoliy yurishni boshlashdan oldin, siz to'g'ri ustunlarni tanlashingiz kerak. Shimoliy yurish uchun chang'ichilarga qaraganda qisqaroq bo'lgan maxsus tayoqlar ishlatiladi. Noto'g'ri uzunlikdagi ustunlardan foydalanish tizza va oyoq bog'imlarida og'riq xamda ortiqcha stressga olib kelishi mumkin. Tayoqlarning kattaligi faoliyatning maqsadiga bog'liq - sog'liqni saqlash, fitness yoki sport. Dam olish maqsadida yurish uchun tayoq uzunligini quyidagi formula bo'yicha tanlash tavsiya etiladi (1-jadval). Shunday qilib 170 sm balandlikdagi insonga 110-120 sm uzunlikdagi tayoqchalar mos keladi.



Skandinav tayoqlarini tog`ri tanlash va uning fo`rmulasi

Bo`y (sm)	Reabilitatsiya uchun	Sog`lik uchun	Sport uchun
150	110	110-115	110-120
160	115	115-120	115-125
170	120	120-125	120-130
175	125	125-130	125-135
180	130	130-135	130-140
190	135	135-140	135-145
200	140	140-145	140-150
Quyidagi fo`rmula bo`yicha xisoblanadi: inson balandligi x 0,68 (± 5 sm oralig`ida)			

Faqat sog`lik uchun shug`illanuvchilarda tayoqchalar 5 sm uzunroq, sport bilan shug`ullanish uchun 10 sm uzunroq bo`lishi kerak. Yuki kamaytirish uchun tayoqlarning uzunligi biroz qisqarishi, yukni oshirish uchun esa ko`paytirilishi mumkin. Ko`ngilochar yurish uchun tayoqlar uzunligini to`g`ri tanlashini quyidagicha tekshirishingiz mumkin: tayoqlni vertikal holda qo`ying, dastani ushlang, bilaklaringizni tanaga bosing, shu bilan birga qo`llaringiz tirsak bo`g`inlarida 90 ° burchak ostida bukilgan bo`lishi kerak. [4]

Tayoqning dastasi qulay bo`lishi kerak, to`g`ri mahkamlangan bog`lam (bilaguzuk) bilagiga bir tekis joylashadi, yurish paytida esa tayoqni erkin ushlashi kerak. Qattiq va muzli yerlarda harakatlanayotganda uchi metall uchli tayoqlardan foydalaniladi, asfalt ustida yurish paytida ularga kauchuk uchlari qo`yiladi.

Siz harakatlarni tabiiy yurishdagi kabi boshlashingiz kerak: qo`llar erkin pastga tushiriladi, tayoqlar tanaga yaqin joylashgan, tayoqlarning uchlari yerda. Harakatlarni to`g`ri muvofiqlashtirishga e`tibor berish kerak: chap oyoq bilan qadam bilan bir vaqtda o`ng qo`l oldinga, o`ng oyoq bilan qadam bilan, chap qo`l oldinga va hokazo. bir-biriga nisbatan qarama-qarshi yo`nalishda, 10-20 ° gacha kichik burilishlarni amalga oshirish lozim.

Harakatlarning tabiiyligi paydo bo`lganda, chang`ilarda harakatlanayotgandek ustunlar bilan ishlashni boshlash kerak. Tayoqqa urg`u berish va u bilan xarakatlanish yurishni ritmik va baquvvat qiladi. Qo`lni oldinga yo`naltirganda, qo`l tayoqning dastasini siqib chiqaradi, orqaga harakatlanayotganda bo`shashadi, tayoqni qo`lida bog`lab tursa, barmoqlari ochilmaydi. Tayoq oldinga siljishga yordam berishi kerak. Tirsak qo`shimchasida erkin bukilgan qo`l oldinga qarab olib boriladi. Tayoq o`tkir burchak ostida tayanchga qo`yilgan, uchi dastagiga qaraganda oyoqqa yaqinroq (3 rasm). Agar siz tayoqning joylashishini aksincha bajaradigan bo`lsangiz, tayoqqa suyanish imkonsiz bo`lib qoladi.



2 – rasm. Skandinavcha yurishda qoʻl va oyoqlarning toʻgʻri xarakati

Qoʻllar, magistral va oyoqlarning harakatlari bir xil, ritmik va intensiv ravishda amalga oshiriladi. Nafas olish adashmasligi va nafas qisilishi paydo boʻlmasligi uchun toʻgʻri harakat tezligini his qilish muhimdir. Yurganda qoʻllar harakati amplitudasi qanchalik baland boʻlsa, qadam shunchalik uzun boʻlsa, qisqa harakatlar oyoqlarning harakatini cheklaydi. Orqa tomon butun mashgʻulot davomida toʻgʻri turishi kerak.

Yangi boshlanuvchilar uchun shimoliy yurish vaqti 20-30 minut. Poyabzallar mashgʻulotlar oʻtkaziladigan maydonga qarab tanlanadi. Har bir mashgʻulot boshida tanani yaqinlashib kelayotgan stressga tayyorlash uchun iqizdirish kerak. Jarayon oxirida nafasni tiklash, qoʻllar, oyoqlar va orqa mushaklarini choʻzish uchun mashq bajarish kerak. Mashgʻulotdan keyin iliq vanna va dush qabul qilish tavsiya etiladi. Agar iloji boʻlsa, siz hammom yoki saunaga tashrif buyurishingiz mumkin, mashgʻulotdan keyingi kunlarda mushaklardagi ogʻriqli hislardan xalos boʻlishingiz mumkin. [5]

Yurish tezligi va masofa uzunligi mashgʻulotchilarning jismoniy tayyorgarligi darajasi va tanasining holatiga mos ravishda tanlanishi kerak. Toʻgʻri tezlikni aniqlash uchun oddiy testlar mavjud: agar burun orqali nafas olish yetarli boʻlsa, yuk normal, agar ogʻiz bilan nafas olish qoʻshilsa, yuk ortiqcha; agar harakatlanayotganda gaplasha olsangiz, yuk normal, agar nafas qisilishi paydo boʻlsa, sekinroq yurishingiz kerak.

Nafas olish ritmini qadamlar bilan oʻlchash kerak. Nafas olish odatiy va tabiiy, tinch va bir tekis boʻlishi kerak, uning fiziologik jihatdan toʻgʻri boʻlishi muhimdir: nafas olish - pauza - nafas chiqarish - pauza. Masalan, toʻrt qadam - nafas olish, bitta - pauza, toʻrt qadam - nafas chiqarish, bitta - pauza. Har bir nafas olish davri uchun qancha qadam tashlasangiz, mashqdan shuncha koʻp foyda olasiz.

Skandinavcha yurishini haftada kamida uch marta mashq qilish kerak, bosib oʻtgan masofani va yurish tezligini asta-sekin oshirib boring. Jismoniy mashqlar yukini asta-sekin oshiring. Mashgʻulotlar ijobiy taʼsir koʻrsatishi va yoqimsiz his-tuygʻularni keltirib chiqarmasligi uchun yangi boshlanuvchilar muntazam mashgʻulotlarga muhtoj. Jismoniy faoliyatni maqbul tanlash tibbiy kuzatuv, oʻzini oʻzi boshqarish va amaliyotchilarning pedagogik kuzatuv yordamida amalga oshiriladi. Avval aytib oʻtganimizdek, Nordic yurishlariga qarshi koʻrsatmalar mavjud emas. Oʻtkir yuqumli kasalliklar, surunkali kasalliklarning kuchayishi, kuchli ogʻriq sindromi va boshqalar bilan yotish holati koʻrsatilgan boʻlsa, yurishni bekor qilish kerak. [4]

Kundalik jismoniy mashqlar yetishmovchiligi tanaga zarur jismoniy faoliyatni boshdan kechirishga imkon bermaydi, bu ruhiy holatning yomonlashishi va mushak tonusining pasayishi, chidamlilik darajasida namoyon boʻladi. Inson tabiat tomonidan harakat uchun yaratilgan. Doimiy jismoniy mashqlarsiz yaxshi funktsional holatda boʻlish mumkin emas.



Интеллектуал ва ма'naviy qadriyatlarni yaratish uchun maksimal imkoniyatlar jismonan sog'lom bo'lsak namoyon bo'ladi.

Muntazam Shimoliy yurish mashqlari yurak-qon tomir va nafas olish tizimlari holatiga, shuningdek, mushak-skelet tizimining barcha bo'g'inlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va jismoniy harakatsizlik bilan bog'liq degenerativ o'zgarishlar rivojlanishiga yo'l qo'ymaydi.

Nordik yurish - bu faol turmush tarzini olib boradigan va ko'p sayohat qiladigan odamlarga mos keladigan, uning mavjudligi bilan o'ziga jalb etadigan sog'lom turmush tarzini saqlashning muhim vositasidir. Uning yordami bilan ko'plab kasalliklarning rivojlanishiga yo'l qo'ymaslik mumkin. Jismoniy mashqlar tabiiy davolanishga yordam beradi, shuningdek, sog'liqni saqlash ustuvor ahamiyatga ega bo'lgan turmush tarzini o'zgartiradi. Ochiq havoda jismoniy mashqlar sizga yuqori darajadagi jismoniy holatni saqlashga, kundalik hayotda yuzaga keladigan stressli vaziyatlardan tezda tiklanishimizga, atrofimizdagi tabiat go'zalligidan bahramand bo'lishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. F.A.Kerimov Sportda ilmiy tadqiqotlar. T.: Ilmiy texnika axboroti-press nashriyoti, 2018 - 348 B
2. Skandinavcha yurish / М.М. Илий, Е.В. Шишина, С.О. Аверин // М.: Ridero, 2018. - 148 b.
3. Скандинавская ходьба – Википедия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://ru.wikipedia.org> / Скандинавская ходьба – Дата доступа: 08.12.2016.
4. Skandinavcha tayoq bilan yurish – qoidalar – texnikasi... [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://easy-lose-weight.info/skandinavskaya-hodba-s...> – Дата доступа: 10.11.2016.
5. Skandinaviyada yurish – yangi sport turining foydalari va zarari [elektron ma'lumot]. – Режим доступа: <http://glavvrach.com/skandinavskaya-khodba> – Дата доступа: 03.03.2017).

TALABALARDA IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI.

Qo'ziyev Shahobiddin Sobirovich va Mamayusupov Jamshid – Farg'ona Politexnika Instituti
“Oliy matematika” kafedrasida assistentlari
email: shahobiddin.qoziyev.89@mail.ru

***Annotatsiya:** Axborot uzatishning yangi texnologiyalari, o'qitishning yangi texnologiyalari, barcha yangi manbalar, vositalar, o'qitishning metodlari, shakllari va turlari va imkoniyatlari.*

***Kalit so'zlar:** texnologiya, o'qitishning yangi texnologiyalari, ijodkorlik, masofaviy talim, uning vositalari, o'qitishning metodlari.*

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСТВА УЧАЩИХСЯ.

Кузиев Ш, Мамаюсупов Ж - преподаватель Ферганского политехнического института.
Электронная почта: shahobiddin.qoziyev.89@mail.ru

***Аннотация:** Новые технологии передачи информации, новые технологии обучения, все новые источники, средства, методы, формы и виды и возможности обучения.*



***Ключевые слова:** технологии, новые технологии обучения, творчество, дистанционное обучение, его средства, методы обучения.*

THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVITY IN STUDENTS.

Kuzuev Sh. - teacher of Ferghana Polytechnical Institute.

Email: shahobiddin.qoziyev.89@mail.ru

***Abstract:** New technologies of information transfer, new technologies of teaching, all new sources, means, methods, forms and types and possibilities of teaching.*

***Key words:** technology, new technologies of teaching, creativity, distance learning, its means, methods of teaching.*

Ilmiy yoki texnik ijodda ijodkor muayyan vazifani hal qiluvchi g'oyaga qo'l urganda avvalo o'zidan oldingi ijodkorlarning shu mavzuga oid qilgan ishlarini tahlil qiladi va uning kamchiliklarini ko'rsatib so'ngra uni bartaraf qilish ustida izlanishlar o'tkazadi, kuzatishlar olib boradi, mantiqiy xulosalar chiqaradi, farazlar qiladi, tajribada sinab ko'radi, yechim noto'g'ri chiqib qolsa yangilanadi va boshqacha uslublar bilan masalani hal qilishga urinadi. Texnik ijodkorlik masalalarini yechish jarayonida, biron-bir texnik ob'yektni takomillashtirish vazifasi yoki yangi texnikani yaratish g'oyasi ustida izlanishlar olib boriladi. Bunda albatta umumkasbiy fanlaridan olingan bilimlar va shuningdek qo'yilgan masala mohiyatiga oid maxsus fanlardan olgan bilimlardan foydalaniladi. Bundan tashqari qo'yilgan masalani muvaffaqiyatli yechish ko'p jihatdan takomillashtirilishi lozim bo'lgan konkret texnikaning rivojlanishining umumiy qonuniyatlarini chuqur bilish va masalani yechish uslublarini to'g'ri tanlashga bog'liq bo'ladi. Ko'pchilik ijodkorlik masalalarida mavjud texnika nuqsonlarini bartaraf qilish uchun uni takomillashtirish emas, balki original yechimga ega bo'lgan yangi usulni topish, masalan, qo'l mehnatini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish yoki inson sog'lig'i uchun xavf tug'diradigan ishni mexanizmlar ishiga almashtirish talab qilinadi. Bunday holda yechimni to'g'ri topish ham texnikaning qonuniyat asosida rivojlanishi hisoblanadi.[1]

Ta'lim jarayonida o'qitishning yangi texnologiyalarini belgilaydigan metodik, pedagogik nashrlar bilan tanishish, darsda o'qitishning yangi texnologiyalaridan samarali foydalana olish, ta'lim sifatini oshirish, o'quvchilarning bilim faolligini shakllantirishda ijodiy izlanishning samarali usullarini o'rgatish hozirgi zamon talabi. XXI asr – axborot texnologiyalari asri. Zamonaviy jamiyatda uning ahamiyati katta. Shuning uchun hozirda ta'limni axborotlashtirish va fanlarni ilmiy-texnologik asoslarda o'qitish maqsadlari belgilanmoqda. Qobiliyatni o'quvchi tomonidan mavzu bo'yicha olgan bilimlar to'plami sifatida qabul qilmaslik kerak. Bu o'zgaruvchan muhitda o'rganish natijasida olingan bilim, ko'nikma va malakalarni amalda qo'llay olishni anglatuvchi yangi sifatdir. Axborot kompetensiyasini shakllantirishning asosiy maqsadi o'quvchilarda, o'z ishlarida kompyuter texnologiyalaridan erkin va samarali foydalanish qobiliyatini shakllantirishdir. Axborot hozirgi zamon kishisining asosiy talabi hisoblanadi. Shuning uchun o'quvchilarga axborot bilimlari asoslarini berish, mantiqiy va tizimli fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish, o'quvchilarni zamon talabiga moslashish, ya'ni axborot jamiyatiga moslashtirish lozim. Kommunikatsiya – axborot uzatish usullari, mexanizmlari va ularni yozma ravishda yetkazib berish qurilmalarini o'z ichiga olgan umumiy tushuncha hisoblanadi. Axborot texnologiyalari sharoitida umumiy o'quv jarayonining



funksiyalari: o'qitish, ta'lim, axborotni bashorat qilish va ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish bilan aniqlanadi. [2,3]

Axborot-kommunikatsion texnologiyalarini o'quv-tarbiya jarayoniga kiritishda o'qituvchi oldiga yangi yo'nalishdagi maqsadlar qo'yiladi:

- mavzu bo'yicha o'quv-uslubiy elektron majmualarni yaratish;
- umumiy kompyuter tarmoqlaridan foydalanish;
- masofali o'qitish (Internet) mashg'ulotlar davomida mustaqil ravishda qo'shimcha ma'lumotlar olishni ta'minlash;
- dasturlash muhitida innovatsion usullardan foydalangan holda dasturiy saytlarni, vositalarni ishlab chiqish (multimediya va gipermatnli texnologiyalar).


Interfaol ta'lim texnologiyasiga ta'rif beradigan bo'lsak, unda talaba jamoaviy, o'zini- o'zi to'ldiradigan barcha ishtirokchilarning o'zaro ta'siriga asoslangan, o'quv jarayonini tashkil etishni o'tkazib yubormaydi. Ayniqsa, matematikada axborot texnologiyalaridan foydalanish orqali o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga imkon beradi.

Darsda axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanishning samaradorligi:

- a) o'quvchining mustaqil ishlashi;
- b) qisqa vaqt ichida ko'proq ma'lumot olish va vaqtni tejash;
- c) bilim va ko'nikmalarni testlar orqali tekshirish;
- d) ijodiy hisobotlarni chiqarish;
- e) masofaviy ta'limning paydo bo'lishi; [3]


Ijodkorlik masalalarni yechishni asoslashning muvofiq variantlarini tanlash strategiyasi yechimlarini qabul qilishning umumiy tamoyillarga tayanadi. **(1-rasm)**

Ijodkorlik masalasi yechish strategiyasini tanlash ijodkor shaxsning individual sifati, motivi yakdilligi va ijodkorlik potentsiali, vaziyatni tanqidiy tahlil qila olish qobiliyati kabi ko'plab omillarga bog'liq. Bunda qo'llaniladigan ijodkorlik masalalari yechimini qabul qilish uslublari majmuasini evristik va analitik guruhlariga ajratib qarash mumkin. **(2-rasm)**. [4,5]



Ijodkorlik masalalari yechimini asoslash

1-rasm



Yechimni qabul qilishning evrika jarayonining umumiy shakli (a) va analitik (b) usullarini qoʻllash: T-taxlil; C-sintez; B-baholash.

2-rasm

Bugungi kunda oʻnlab yangi texnik gʻoya va yechimlarni izlash metodlari maʼlum. Zamonaviy taʼlimning asosiy shartlaridan biri, bu oʻquvchilarga oʻziga kerakli maʼlumotlarni oʻzi izlanib topishga oʻrgatib, oʻzlarining traektoriyalarini oʻzlari tanlashi hisoblanadi, axborot taʼlim muhitini loyihalashtirishning asosiy maqsadi talabalardan mustaqil oʻqishni talab qilish, yaʼni ularni izlanuvchanlikka oʻrgatishdir.

Axborot-kommunikatsion texnologiyalar asosida oʻqitishning afzalliklariga toʻxtaladigan boʻlsak, ularni quyidagicha belgilash mumkin:

- ular oʻrganilayotgan mavzu doirasida yoki maʼlum bir vaqt ichida aytib oʻtilishi kerak boʻlgan maʼlumot miqdorini koʻpaytiradi;
- taʼlimni bir-biridan juda uzoq masofada joylashgan turli xil taʼlim muassasalari-dan olish mumkin;

taʼlim tizimini koʻp bosqichda takomillashtirilishi taʼlim sifatini oshiradi.

Axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanish maqsadlari:

- axborot texnologiyalaridan foydalanish asosida oʻquv jarayonining barcha darajalarini takomillashtirish;
- fanlararo bogʻliqlikni chuqurlashtirish;
- kerakli maʼlumotni qidirishni soddalashtirish va hajmini kengaytirish.

Olimlarning tadqiqotlari asosida kompyuter dasturini qoʻllashning uchta asosiy shaklini ajratib olsa boʻladi:

- oʻquvchilarning dastur bilan mustaqil ishlashi;
- masofadan oʻqitish (oʻqituvchi va oʻquvchining kompyuter sayti orqali oʻzaro muloqoti);



- kompyuter yordamidagi darslar.
AKTdan foydalanish darslarida boshqa darslardagi kabi o'qituvchi kelgusi masalalarni yechishiga to'g'ri keladi:
- didaktik (darsning o'qitish materiallarini tayyorlash, kompyuter dasturini tahlil qilish);
- metodik (mavzuni berishda AKTni qo'llash usullarini aniqlash, darsning natijasini tahlil qilish, kelgusi maqsadni qo'yish);
- tashkiliy (talabaga ortiqcha topshiriq yuklamaslik va vaqtni behuda sarflamaslik uchun ishni tashkil etish);
- trening (talabalarning mavzu bo'yicha bilimlari va dasturni tayyorlash yoki tayyor ta'lim manbalaridan foydalanish bo'yicha o'qituvchining mustaqil ishi).

Ta'lim jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanish quyidagi maqsadlarga qaratilgan:

1. Axborot texnologiyalaridan foydalanish asosida ta'lim-tarbiya jarayonining darajasini oshirish:
 - ta'lim jarayonining ta'siri va sifatini oshirish;
 - fanlararo aloqani chuqurlashtirish;
 - soddalashtirish va kerakli ma'lumotlarni qidirish hajmini oshirish.
2. Talaba shaxsini rivojlantirish, axborot jamiyatida hayotga tayyorlash:
 - aloqa qobiliyatlarini rivojlantirish, shakllantirish;
 - kompyuterli grafika, multimediya texnologiyasidan foydalanish orqali estetik tarbiya berish;
 - axborot madaniyati, axborotni qayta ishlash qobiliyatining shakllanishi.
3. Jamiyatning ijtimoiy buyurtmasini bajarish:
 - axborot savodli odamni tayyorlash;
 - kompyuter muhitidan foydalanuvchilarni o'qitish.

O'qituvchi uchun natija, nafaqat o'quvchining bilimi, balki o'z-o'zidan bilimlarni egallash va olingan bilimlarni ehtiyojlarga tatbiq etishdir. Bugungi yosh avlod ertangi yangi olam quruvchisi hisoblanadi. Bugungi kunda axborotlar oqimi tez sur'atda o'smoqda. Axborot muhitida ishlash uchun hozirgi kunda har qanday o'qituvchi kommunikativ va axborot madaniyati rivojlangan, o'z fikrlarini tizimli ravishda bayon eta oladigan, interaktiv doskadan foydalanib, onlayn rejimda ishlashni bilishi kerak. Talabalarni zamonaviy texnologik usullar yordamida o'qitishga rahbarlik qiladigan ustozlarimiz endilikda yangi hayotga, yangi o'qishga, yangi munosabatlarga moslashishlari zamon talabi hisoblanadi. Albatta, bu jarayonda raqobatbardosh rivojlangan mamlakatlar qatoriga qo'shilish o'qituvchilar zimmasiga katta mas'uliyat yuklashini unutmashimiz kerak.

Adabiyotlar

1. Jalolova D.F. Maxsus fanlarni o'qitishda o'quvchilarning mustaqil va ijodiy ishlash faoliyatlarini rivojlantirish.: Ped. fan.nom.dis. avtoref. ... -T.: 2009. - 24 s.
2. Ismailov T.D. Научные основы подготовки будущих учителей труда к работе по развитию технического творчества учащихся.: Dis. ... kand. ped. nauk. -T.: 1995. - 184 s.
3. Nishonaliyev U. N. Formirovaniya lichnosti uchitelya trudovogo obucheniya: problemy i perspektivy – T.: Fan, 1990. - 85 s.
4. Xodjaboyev A.R. Nauchno-pedagogicheskiye osnovy uchebno – metodicheskogo kompleksa podgotovki uchitelya truda: Dis. ... dok. ped. nauk. -T.: 1992. - 406 s.



5. Sharipov Sh.S. Pedagogicheskiye usloviya formirovaniya izobretatel'skogo tvorchestva studentov.: Avtoref. diss. ... kan. ped. nauk. –T.: 2000. -20 s.
6. Alimov N.N. Kasb-hunar kollejlari o`quvchilarini texnik ijodkorlik faoliyatiga tayyorlash metodikasi. Monografiya [Matn]/-Jizzax-2019. -124 b.

TENGSIZLIKLARNI ISBOTLASHNING BA'ZI METODIK IMKONIYATLARI

Xonqulov Ulug'bek Xursanalievich

Farg'ona davlat universiteti

Falsafa doktori (PhD), dotsent

Tel: +998902559582 e-mail: u_xonqulov@mail.ru

Abdumanopov Muhammadsodiq Muhammadyusuf o'g'li

Farg'ona davlat universiteti

O'qituvchi

Tel:+998911291917

Annotatsiya: Ushbu maqolada matematika o'qitish metodikasi (xususiy metodika) ning muhim masalalaridan biri bo'lgan tengsizliklarni isbotlashning ba'zi metodik imkoniyatlari bayon qilingan. Maqolada tengsizliklarni isbotlashda foydalanish mumkin bo'lgan yondashuvlar, xususan funktsiyaning urinma tenglamasini tuzish yordamida tengsizliklarni isbotlash usuli va Jenson teoremasi yordamida tengsizliklarni isbotlash usuli va unga oid muhim tavsiyalar keltirilgan. Shuningdek, matematika olimpiadalarda berilgan ba'zi tipik misol va masalalarni yuqoridagi usullar orqali yechish imkoniyatlari ko'rsatilgan.

Tayanch so'zlar: Tartib munosabatlar, urinma tenglamasi, geometrik yondashuv, bir jinsli tengsizlik.

НЕКОТОРЫЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВА НЕРАВЕНСТВА

Ханкулов Улутбек Хурсаналиевич

Ферганский Государственный Университет

Доктор философских наук (PhD), доцент

Tel: +998902559582 e-mail: u_xonqulov@mail.ru

Абдуманопов Мухаммадсодик Мухаммадыусупович

Ферганский Государственный Университет

Преподаватель

Аннотация: В этой статье описываются некоторые методологические возможности доказательства неравенства, что является одним из важных вопросов методологии преподавания математики (частной методологии). В статье представлены подходы, которые могут быть использованы для доказательства неравенств, в частности метод доказательства неравенств путем построения экспериментального уравнения функции и метод доказательства неравенств с использованием теоремы Дженсона и важных рекомендаций по ней. В нем также показаны некоторые типичные примеры и задачи, заданные на олимпиадах по математике, и возможности их решения с использованием вышеуказанных методов.

Ключевые слова: порядочный соотношения, уравнения касательного, геометрические подходы, однородные неравенства.



SOME METHODOLOGICAL POSSIBILITIES FOR PROOF OF INEQUALITIES

Khankulov Ulugbek Khursanalievich

Fergana State University

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor

Tel: +998902559582 e-mail: u_xonqulov@mail.ru

Abdumanopov Mukhammadsodik Mukhammadyusupovich

Fergana State University

Teacher

Annotation: *This paper describes primitive approaches and methods in teaching trigonometric concepts, in particular the method of generalizing solutions of trigonometric equations, which is one of the most pressing issues in mathematics teaching methodology. The article contains important recommendations for the generalization of solutions of trigonometric equations. Here are some typical examples and solutions. It also shows the possibilities of solving problems given in the Mathematical Olympiads.*

Keywords: *ordinal relations, tangent equations, geometric approaches, homogeneous inequalities.*

Isbotlashga oid masalalar o'quvchilardan mantiqiy, nostandart fikrlashni talab qiladi. O'quvchilar avval o'rganilgan nazariy tushunchalarni amalda qo'llash va isbotlash protsedurasini anglay olmasligi natijasida muammoli vaziyatlar, ya'ni intellektual qiynalish kuzatiladi. Tengsizliklarni isbotlashga oid dastlabki tushunchalar maktab matematika kursida o'rganilsada, isbotlash usullari va unga oid mazmun o'quv dasturlarda kam uchraydi. Tengsizliklarini isbotlash usullarini chuqurroq o'rganish uchun esa qo'shimcha mashg'ulotlarni olib borish lozim. Ayniqsa maktabda elektiv kurslar, to'garaklarni tashkillashtirish va ularni olib borish uchun metodik ta'minot, didaktik vositalarni o'quvchi intellektual va jismoniy imkoniyatlariga moslashtirish talab etiladi [1]. Tengsizliklarni isbotlashning metodik imkoniyatlarini takomillashtirish, isbotlashda qo'llaniladigan ba'zi yondashuvlarni taklif etish muhim metodik muammolardan biridir.

Ma'lumki, tartib munosabatiga haqiqiy sonlar to'plamida katta - " $>$ ", kichik - " $<$ " munosabatlarini misol sifatida olish mumkin. Bu munosatalarning qat'iy chiziqli, nosimmetrik va tranzitivligi hamda har qanday ikkita turli haqiqiy x va y sonlar uchun $x < y$ yoki $x > y$ munosabatlarda faqat va faqat bittasi bajarilishi ayon. Ikkita turli x va y algebraik ifodalar berilgan bo'lsin. Bu ifodalardan $x = y$ tenglik va $x < y$ va $x > y$ tengsizliklarni tuzishimiz mumkin, shuningdek agar x va y ifodalar sonli qiymatlarga ega bo'lib, x ifodaning sonli qiymati y ifodaning sonli qiymatidan kichik bo'lsa $x < y$ tengsizlikni rost deymiz. Tengsizlikning chap va o'ng qismlari sonli ifodalar (mulohaza) bo'lgani uchunlar ustida kon'yunksiya, diz'yunksiya, implikatsiya va boshqa mantiqiy amallarni bajarish mumkin[2]. Masalan, $x \leq y$ qo'sh tengsizlik $x = y$ tenglik va $x < y$ tengsizliklarning diz'yunksiya bo'lgani uchun aqalli ulardan bittasi rost bo'lganda ham rost bo'laveradi. Umuman olgan tengsizlikni isbotlash $x < y$ yoki $x > y$ munosabatlarni rost yoki yolg'on ekanligini aniqlash demakdir.

Tengsizliklarni isbotlashda quyidagi yondashuvlar mavjud:

-sonli tengsizliklarning asosiy xossalardan foydalanish orqali isbotlash usullari;



- klassik tengsizliklar (Koshi, Bernulli, transtengsizliklar, Koshi-Shvarts-Bunyakovskiy, Chebishev, Minkovskiy, Abel, Gyolder, Karamata, kengaytirilgan Koshi va kengaytirilgan Gyolder tengsizliklar va hokazo) asosida isbotlash usullari;
- trigonometrik belgilash kiritish orqali isbotlash usullari;
- geometrik yondashuv va belgilashlar orqali isbotlash usullari;
- funksiya va uning xossalari vositasida isbotlash usullari.

Ushbu tezisda tengsizliklarni funksiya va uning xossalariidan foydalanish orqali isbotlashning bir necha usullarini keltiramiz.

1) $y = f(x)$ funksiyaning urinma tenglamasini tuzish yordamida tengsizliklarni isbotlash usuli.

$f(x)$ funksiyaning urinma tenglamasini tuzish yordamida tengsizliklarni isbotlash uchun quyidagilar bajariladi:

- tengsizlikning bir jinsli ekanligi aniqlanadi, agar tengsizlik bir jinsli bo'lsa yoki bir jinsliga keltirish mumkin bo'lsa, isbotlashning boshqa usullaridan foydalanish tavsiya etiladi;
- tengsizlik bir jinsli bo'lsa, unga teng kuchli bo'lgan bir o'zgaruvchili tengsizlik hosil qilinadi, bu yerda tengsizlikning chap qismi 1-teoremada keltirilgan munosabatlardan ixtiyoriy birini tanlanishi natijasida hosil qilingan funksiya bo'ladi;
- hosil qilingan bir o'zgaruvchili funksiyaning urinma tenglamasi tuziladi hamda funksiya va urinma tenglamasi taqqoslanadi. Buning uchun berilgan tengsizlikda qatnashgan barcha o'zgaruvchilarni funksiya va urinma tenglamasiga qo'yish va hisoblab chiqish kifoya.

1-ta'rif. Agar $\alpha \neq 0, \alpha \neq 1$ va $n \in N$ sonlar uchun $f(\alpha x_1, \alpha x_2, \dots, \alpha x_i) = \alpha^n f(x_1, x_1, \dots, x_i) \quad i \in N$ shart bajarilsa, u holda $f(x_1, x_1, \dots, x_i)$ funksiya n jinsli funksiya deyiladi.

2-ta'rif. Agar $f(x_1, x_1, \dots, x_i)$ funksiya o'zining aniqlanish sohasida nol jinsli funksiya bo'lsa, u holda $f(x_1, x_1, \dots, x_i) \nabla C$ (bu erda ∇ belgi $<, \leq, >, \geq$ belgilardan biri, $C = const$) tengsizlik bir jinsli tengsizlik deyiladi.

1-teorema. Agar $x_1, x_2, \dots, x_n \in R^+$ sonlar uchun $f(x_1, x_1, \dots, x_i) \nabla C$ tengsizlik bir jinsli bo'lsa, u holda

$$x_1 + x_2 + \dots + x_n = 1, \quad x_1 \cdot x_2 + x_1 \cdot x_3 + \dots + x_{n-1} \cdot x_n = 1,$$

$$x_1 \cdot x_2 \cdot x_3 + x_1 \cdot x_2 \cdot x_4 + \dots + x_{n-2} \cdot x_{n-1} \cdot x_n = 1$$

va hokazo $x_1 \cdot x_2 \cdot x_3 \dots \cdot x_n = 1$ munosabatlardan ixtiyoriy bittasining rost bo'lishi zarur va yetarlidir.

1-misol. $a, b, c \in R^+$ bo'lsa, $\frac{a^2}{b+c} + \frac{b^2}{a+c} + \frac{c^2}{b+a} \geq \frac{1}{2}$ tengsizlikni isbotlang.

Isbot: Berilgan tengsizlikni bir jinsli tengsizlikka quyidagicha keltirish mumkin:

$$\frac{a^2}{(a+b+c)(b+c)} + \frac{b^2}{(a+b+c)(a+c)} + \frac{c^2}{(a+b+c)(b+a)} \geq \frac{1}{2}$$

Shu sababli, $a+b+c=1$ deb

olib berilgan tengsizlikka teng kuchli bo'lgan $\frac{a^2}{1-a} + \frac{b^2}{1-b} + \frac{c^2}{1-c} \geq \frac{1}{2}$ tengsizlikni isbotlaymiz.

$f(x) = \frac{x^2}{1-x}$ funksiyani olamiz va unga $a=b=c=\frac{1}{3}$ nuqtadagi urinma tenglamasi

$y = \frac{1}{4}(5x-1)$ ekanligini topamiz. $a, b, c \in R^+$ va $a+b+c=1$ dan $a, b, c \in (0;1)$ bo'lishini va



undan $x \in (0;1)$ uchun $f(x) \geq \frac{1}{4}(5x-1)$ tengsizlikni isbotlaymiz. Bundan

$$\frac{a^2}{1-a} + \frac{b^2}{1-b} + \frac{c^2}{1-c} \geq \frac{1}{4}(5(a+b+c)-3) = \frac{1}{2} \text{ ekanligi kelib chiqadi.}$$

2-мисол. (Fransiya matematika olimpiadasi, 2007-yil) [3].

$$6(a^3 + b^3 + c^3 + d^3) \geq a^2 + b^2 + c^2 + d^2 + \frac{1}{8} \text{ tengsizlikni isbotlang: } a, b, c, d \in R^+.$$

Yechimi: $a + b + c + d = 1$ shartdan berilgan tengsizlikni bir jinsli tengsizlikka quyidagicha keltirish mumkin:

$$6(a^3 + b^3 + c^3 + d^3) \geq a^2(a+b+c+d) + b^2(a+b+c+d) + c^2(a+b+c+d) + d^2(a+b+c+d) + \frac{(a+b+c+d)^3}{8}.$$

Shu sababli, $6(a^3 + b^3 + c^3 + d^3) - a^2 - b^2 - c^2 - d^2 \geq \frac{1}{8}$ tengsizlikni isbotlaymiz.

$$f(x) = 6x^3 - x^2 \text{ funksiyaning } a = b = c = d = \frac{1}{4} \text{ nuqtadagi urinma tenglamasi } y = \frac{5x-1}{8}$$

bo'lishini osongina aniqlaymiz. $6x^3 - x^2 \geq \frac{5x-1}{8}$ tengsizlikdan ixtiyoriy $x > 0$ uchun

$$\frac{(4x-1)^2(3x+1)}{8} \geq 0. \text{ } 6x^3 - x^2 \geq \frac{5x-1}{8} \text{ dan}$$

$$f(a) + f(b) + f(c) + f(d) \geq \frac{5a-1}{8} + \frac{5b-1}{8} + \frac{5c-1}{8} + \frac{5d-1}{8} = \frac{1}{8} \text{ kelib chiqadi.}$$

2) Jenson teoremasi yordamida tensizliklarni isbotlash usuli.

Jenson teoremasi yordamida tensizliklarni isbotlash uchun quyidagilar bajariladi:

-tengsizlikni to'la aniqlaydigan funksiya olinadi va uning berilgan oraliqda botiq yoki qavariq ekanligi aniqlanadi;

-Jenson teoremasida keltirilgan shartlar asosida tengsizlikning berilishiga muvofiq $\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n \in (0;1)$ sonlar topiladi hamda funksiyaning botiq yoki qavariq ekanligiga qarab tengsizlik belgisi tanlanadi.

Teorema. (Jenson teoremasi) $(a;b) \subset R$ intervalda aniqlangan botiq $f(x)$ funksiya uchun

$$\text{quyidagi munosabat o'rinli: } f\left(\sum_{i=1}^n \alpha_i x_i\right) \leq \sum_{i=1}^n \alpha_i f(x_i).$$

Izoh: Bu yerda $x_1, x_2, \dots, x_n \in (a;b)$ va $\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n \in (0;1)$ uchun $\alpha_1 + \alpha_2 + \dots + \alpha_n = 1$. Agar $f(x)$ funksiya berilgan oraliqda qavariq bo'lsa, tengsizlik ishorasi teskarisiga almashadi.

1-misol. $a, b, c > 0$ bo'lsa, $\left(\frac{a+b+c}{3}\right)^{a+b+c} \leq a^a b^b c^c$ tengsizlikni isbotlang.

Isbot: $f(x) = x \ln x$ funksiyani olaylik. Bu funksiya $f''(x) = \frac{1}{x} > 0, x \in R^+$ bo'lgani uchun u

botiq funksiyadir. Shuning uchun Jenson teoremasiga ko'ra $\alpha_1 = \alpha_2 = \alpha_3 = \frac{1}{3}$ deb olsak,



$f\left(\frac{1}{3}a + \frac{1}{3}b + \frac{1}{3}c\right) \leq \frac{1}{3}f(a) + \frac{1}{3}f(b) + \frac{1}{3}f(c)$ ko'rinishdagi tengsizlik hosil bo'ladi. Demak,

$f(x) = x \ln x$ bo'lgani uchun $\frac{a+b+c}{3} \ln\left(\frac{a+b+c}{3}\right) \leq \frac{1}{3}(a \ln a + b \ln b + c \ln c)$ munosabatdan

$$\ln\left(\frac{a+b+c}{3}\right)^{a+b+c} \leq \ln(a^a b^b c^c) \Leftrightarrow \left(\frac{a+b+c}{3}\right)^{a+b+c} \leq a^a b^b c^c \text{ kelib chiqadi.}$$

2-misol. α, β, γ uchburchakning burchaklari bo'lsa, $\sin \alpha \sin \beta \sin \gamma \leq \frac{3\sqrt{3}}{8}$ tengsizlikni

isbotlang.

Isboti: $\alpha, \beta, \gamma \in (0; \pi)$ bo'lgani uchun $\sin \alpha, \sin \beta, \sin \gamma > 0$. Koshi tengsizligiga ko'ra

$$\sqrt[3]{\sin \alpha \sin \beta \sin \gamma} \leq \frac{\sin \alpha + \sin \beta + \sin \gamma}{3} \text{ o'rinli. } y = \sin x \text{ funksiya } (0; \pi) \text{ oraliqda qavariq}$$

bo'lgani uchun Jenson teoremasiga ko'ra

$$\sqrt[3]{\sin \alpha \sin \beta \sin \gamma} \leq \frac{\sin \alpha + \sin \beta + \sin \gamma}{3} \leq \sin\left(\frac{\alpha + \beta + \gamma}{3}\right) = \sin \frac{\pi}{3} = \frac{\sqrt{3}}{2} \text{ o'rinli.}$$

Tengsizlikni har ikkali tomonini kubga oshirsak berilgan tengsizlik isbotlanadi.

Tengsizliklarni isbotlashning bunday usullari o'quvchilarda o'z-o'zini rivojlantirish, tadqiqiy tahlil, nostandart va mantiqiy fikrlash, maqbul qaror qabul qilish kabi ko'nikmalarni rivojlantirishga muayyan darajada xizmat qiladi. Umuman olganda masalani turli tuman usullarda yechishning asosiy strategik o'quv maqsadi adekvat mezonlar asosida o'quvchilarning ijodiy va diagnostik qobiliyatlarini shakllantirish, intellektuallik va ijodiy-yaratuvchanlik kabi darajalarini shakllantirish hisoblanadi. Shu ma'noda usullar, metodlar majmuasi metodikaning asosiy didaktik quroli ekanligi bilan izohlanadi. Xulosa qilib aytish mumkinki, yuqorida keltirilgan metodik mulohazalar matematikani o'rganish jarayonida bog'langan-integrativlik (o'quv fanining ichki bog'liqligi) asosida chuqurlashtirilgan matematika ta'limining uslubiy-didaktik mexanizmlarini takomillashtirish uchun foydali imkoniyatlarni yuzaga keltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Khankulov U.Kh. About the principles of selection of teaching content of stochastic elements of mathematics. Science and world. –Volgograd, Russia, 2018. № . –P. 56-57. (Impact Factor 0,325).
2. Thompson, P. W. (2018). Images of rate and operational understanding of the fundamental theorem of calculus. *Educational Studies in Mathematics*, 26(2-3), 229-274.
3. Mathematical Olympiads, Problems and solutions from around the world, 2005-2010. Edited by Andreescu T. and Feng Z. Washington. 2012.



“ALISHER NAVOIY” ROMANIDA MUTAFAKKIR OBRAZI

Madinaxon Yusupova Egamberdi qizi

Farg'ona davlat universiteti tayanch doktranti

E-mail: madinakhonyusupova@mail.ru

Annotatsiya: Maqolada yozuvchi Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romani an’anaviylik va o’ziga xoslik tamoyili asosida o’rganilgan. Badiiy obrazning muallif badiiy-g’oyaviy niyatini ifodalashdagi roli Navoiy obrazi misolida tadqiq etilgan.

Kalit so’zlar: obraz, badiiy mahorat, Navoiy obrazi, mistika, tarixiy-ijodkor shaxs.

ОБРАЗ МЫСЛИТЕЛЯ В РОМАНЕ «АЛИШЕР НАВОИ»

Мадинахон Юсупова Эгамберди кизи

Докторант Ферганского государственного университета.

Электронная почта: madinakhonyusupova@mail.ru

Аннотация: Роман Исаджона Султана «Алишер Навои» основан на принципах традиции и оригинальности. Роль художественного образа в выражении художественно-мировоззренческих замыслов автора исследуется на примере образа Навои.

Ключевые слова: образ, художественное мастерство, образ Навои, мистика, историко-творческая личность.

THE IMAGE OF A THINKER IN THE NOVEL "ALISHER NAVOI"

Madinahon Yusupova Egamberdi qizi

He is a doctoral student at Fergana State University

E-mail: madinakhonyusupova@mail.ru

Annotation: The novel "Alisher Navoi" by Isajon Sultan is based on the principles of tradition and originality. The role of the artistic image in the expression of the author's artistic and ideological intentions is studied in the example of Navoi's image.

Keywords: image, artistic skill, image of Navoi, mysticism, historical and creative person.

Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy obrazi badiiy adabiyotda ko’p yaratilgan. Oybekning “Navoiy” romani, Mirkarim Osimning qissa va hikoyalari, Omon Muxtorning “Navoiy va rassom Abulxayr” roman-dilogiyasida Navoiy timsoli ma’naviy-estetik ideal sifatida namoyon bo’ladi. Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romani ham ayni badiyat olamiga munosib hissa bo’lib qo’shildi.

Oybekning “Navoiy” hamda Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” asari roman janrida yozilganligi, ayrim tarixiy voqealiklar tasvirida o’xshashlik borligi bilan bir-biriga yaqin bo’lsa, bayon usuli, tasvir unsurlari, obrazlar xilma-xilligida farq qiladi. “Navoiy” romanida ijtimoiy-siyosiy va ma’naviy-ma’rifiy voqealiklar keng epik planda yoritilgan, Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romanida esa diniy-falsafiy qarashlar hamda ijod jarayonining “nozik qirralari”ga ham keng o’rin beriladi. Oybek “Navoiy” romani voqealiklarini yoritib berishda asar mazmunini boblarga bo’lib hikoya qilsa, adib Isajon Sulton “Alisher Navoiy” romani voqealiklarini to’rt qismga bo’lib bayon etadi: a) “G’aroyibu-s-sig’ar”; b) “Navodiru-sh-shabob”; s) “Badoe’u-l-vasat”; d) “Favoyidu-l-kibar”, bu qismlar orqali muallifxuddi Navoiyning “Xazoyin ul-maoniy”



– “Ma’nolar xazinasini” asari kabi buyuk mutafakkirning umr mazmunini ma’noli aks ettirishni maqsad etadi.

Romanning “G’aroyibu-s-sig’ar” qismida yoshlik g’aroyibotlari, umrning bahori, bolalikning samimiyati aks etadi. Alisherning bolalik pallalari voqeliklarida uning she’riyat olamida quvvai hofizasi yuksalib boradi, “bilish va o’rganish insonlikning eng oliy vazifasi” ekanligini, “inson – o’rgana oladigan, anglay oladigan va yarata oladigan xilqat”ligini mudarris Abu Abdulloh Kulohiyning darslari orqali, ayniqsa, sevimli kitobi Fariddin Attorning “Mantiq ut-tayr” asaridan tushuna boshlaydi. Muallif yosh Alisher obrazini ochib berishda uning atrofidagi kishilar (tag’oyilari, mudarris, bo’lajak podshoh Husayn, Qutb, otasi G’iyosiddin va onasi “valida beka”) badiiy tasviridan unumli foydalanadi. Masalan, Qutb obrazi – Alisherning enagasi, asli ismi “Qutbiya bo’lmish bu qizaloqni G’iyosiddinbek Shohruh Mirzoning Iroq yurishlari vaqtida, hech kimi bo’lmagani uchun o’zi bilan olib kelib tarbiyat qilgan” edi. “Qora qoshli, oq cho’zinchoq yuzli joriya” Qutb obrazi tashqi va ichki siyrati birdek “go’zal” yosh Alisherning bolalak samimiyatini ochib berishda hamda Hiriyning o’sha davr ijtimoiy muhitida ayollar obrazining ayrim qirralarini haqqoniy aks ettirishda muhim ahamiyat kasb etadi: “Qizlar to’qqiz yoshidan chodra o’ranmoqlari shart bo’lib, shundan buyon unga (Qutbga M.Y) tashqiga chiqish taqiqlab qo’yilgan edi. Hiriya zaifalar berunga chiqsalar ham chimmat ila paranji yopinurlar. Ichki hovlida sarig’-u qizil aralash qabosi ustidan qora to’nini kiyib, chimmatini tutib tomga chiqqan Qutb, Alisherbek kechikayotgani uchun xavotirda har yonga alanglardi. Bu iroq go’zalining Alisherga mehri shoyon, bir dam ko’rmasa o’zini qo’yarga joy topolmas, uning beg’ubor muhabbatidan xonadondagi barcha xabardor edi. Shu sababli ham uni boshqa yumushlardan ozod qilib, Alisherbekka enaga qilib tayinlashdi” [1,38].

“Alisher Navoiy” tarixiy romanining ikkinchi qismi “Navodiru-sh-shabob” deb nomlanib, unda– yigitlik nodirliklari, “ilmi nujum, jug’rofiya, hisob, tib bularning barchasini mujassam aylagudek qudratga ega she’r san’ati, shuningdek, insoniyat tarixi haqidagi fanlar Alisherni dunyo ishlaridan yupatib, jilvakor fikr olamiga” olib kirgan davri voqeliklari aks etadi.

Uchinchi qism “Badoe’u-l-vasat” bo’lib, bu qismda – o’rta yosh badiolari, Navoiyning arboblikda muhrdor bo’lishi, ijodda esa so’z zohiridagi donoliklar mavjlanayotgan baytlarda aks etgan taqdir bitiklari yoritilgan:

“Ul chehra furug’i tushubon zor tanimg’a, bir nav kuyarkim,
Har kimsa ani ko’rdi, sog’indiki, yonodur o’t ichida xoshok” [1,204].

Podshoh tomonidan “bir oltin, bir shingar, bir yashil to’n” hadya etilgan ushbu g’azalni Navoiy “Abulqosim Mirzo xizmatida qishlov uchun Mashhad borilgan” kezlarida yozganligini aytadi. “She’r san’atida” mohir shoirning bu g’azallari orqali muallif obraz holatining nozik qirralarini, uning ichki-kechinmalarini to’liq aks ettiradi. Bu qismda Navoiyning muhrdor lavozimida ishlashi, bu holatni “ko’rolmay” hasad yo’lida bel-bog’lagan vaziri a’zam va ayrim beklar tomonidan uyushtirilgan fitna voqeligi keltiriladi.

To’rtinchi qism “Favoyidu-l-kibar” – keksalik foydaliklari, “kechalarning birida koinotni qorong’ulik bosib, quyosh obi hayot bulog’idek yashiringan edi. Garchi u buloq ko’zga ko’rinmasa ham, Xizr ko’k uzra undan qatralar sochardi”. Bu qismda ilmning nurli yo’llariga o’zni baxshida etgan Navoiy obrazi yanada yaqqolroq gavdalanadi, u umrning sarhisobi o’laroq shunday yozadi:

“Men ul menki, to turk bedodidur,
Bu til birla to nazm bunyodidir” [1,267].



So'nggi lahzalarda tanadagi "mafosil"ning yanada zo'rayishi "ulug' she'r quyoshining so'nishi" va oxir-oqibat mutafakkirning tildan qolishi, ammo u o'zining o'lmas asarlari orqali "umri boqiylikka" erishganligi xususida so'z boradi.

Xronologik izchillik asosida aks ettirilgan voqealiklar Navoiy yozgan asarlarining yillariga muvofiq davriy tarzda tasvirlab boriladi. Asar "Hirirud yoqasidagi o'langlar ko'z yetguncha bahor naqshlari bilan hayratomuz bezalgan edi" tasviri bilan boshlanadi, ya'ni Alisher Navoiyning umr bahori tasviridan boshlangan asarda bolalikning go'zal ko'rinishlari, yoshlikdan fitrati teran Alisherning xulq-atvori, tabiatidagi o'ziga xos o'zgachalikni ko'rsatib berish uchun "tag'oyi" bilan bo'lgan ov suhbatida ham bo'lajak arbobning qalbi pokligi namoyon bo'la boshlaydi. Turli voqealiklar orqali Alisherning ziyrakligiga ishora etib boriladi. Mutafakkirning yoshlik paytlari tasviridayoq asarning keyingi voqealiklariga ishoralar bildirib boriladi, ya'ni bu yosh bolakayning kelajagi yorug' ekanligini "dumli yulduz siri" voqeasi orqali ifoda etadi: "Dumli yulduzning ko'rinmog'i kishi o'g'liga saodat yo falokat olib kelishi kishining burji, burjlarning falak toqidagi vaziyati va yulduz dumining qay tarzda ekaniga qarab bashorat qilinishidan xabardor etadi. Iroq ahli yulduz dumining tepaga yohud pastga qaraganiga, qalin-yupqaliligiga qarab fol ochishardi. – Qarang, yuksalgandan yuksalmoqda. Barcha yulduzlarni quyida qoldirib uchmoqda!", dedi yosh Alisherning tag'oyisi(Kobuliy)". Demak, dumli yulduzni birinchi bo'lib ko'rgan Alisher "barcha yulduzlarni" yuksak tafakkuri, fikr kengligi bilan "quyida qoldiruvchi" "ilm-u urfon bo'stonlaridan durlar" terguvchi bo'lib voyaga yetadi. Asar davomida uch marta shu hol(dumli yulduz voqeasi) takrorlanadi. Yaratiqning buyuk tortig'i bo'lmish Alisher Navoiyni pirlar tomonidan duo qilinishi voqeligi ham uch marta takrorlanadi va bu bejizga emas. Yozuvchining bunday badiiy bayondan ma'lum maqsadi mavjud. Romanda "sehrli uch raqam"ining g'oyaviy ifodalanishi yozuvchi Isajon Sultonning o'ziga xosligini bildirib, uning ijodida "mistikaga moyillik"[2,135] unsurlari ko'zga tashlanishini anglatadi. Uch raqami "jang-u jadal"(hayot hamisha kurashlardan iborat bo'lgani kabi M.Y.) timsoli hisoblanadi. Eramizdan avvalgi V asrda yashagan Ion Xasskiyning "Uch karra jang" nomli asarida "sehrli raqamlar" xususida so'z boradi va unda pifagorchilarning "xosiyatli" raqami bo'lgan uch soniga quyidagicha ta'rif beriladi: "Hamma narsa bu – uchdir, uchdan katta yoki kichik narsa yo'q. Har qanday mavjudlikning mukammalligi muqaddas uchlik – aql, kuch va baxtdan iboratdir". Muallif mana shu uchlikni bir insonda jam ekanligini anglatmoqchi bo'ladi. Alisher Navoiyning "aql" "kuch"i ila insonlarga ko'makdosh bo'lishi ham aslida shaxs uchun buyuk "baxt" ekanligini asar voqealari aro aks ettirib boradi. Shuningdek, pirlarning nazaridan o'tishi voqealari dastlab go'daklik chog'ida: "Shayx Sudur G'iyosiddinbeklar oilasining piri bo'lib, taomilga ko'ra, o'g'lon tug'ilganida bir tuya va bir ot atab, huzuriga borilganida, Shayx Sudur: - Unga(Navoiyga M.Y.) go'daklik chog'idayoq hikmat va ilm ato etdik"[1,54], deyishi, keyinchalik, Mavlono Sharafiddin Ali Yazdiy duosiga musharraf bo'lishi va mavlononing "dumli yulduz siri" dan xabar berishi ham kelajakka ishorat tarzida ifoda etiladi. Yozuvchi "tug'ilish", "hayot" va "o'lim" uchligi aro o'tgan umr g'aroyibotlarida shaxsning "go'daklik", "yoshlik", "keksalik" davri o'ziga xosliklarini belgilovchi ichki va tashqi xususiyatlar mavjud ekanligini "mistik tasavvur"ning hosilalari sifatida adabiy maqsad negiziga singdiradi.

Muallif tarixiy-ijodkor shaxs Navoiy obrazini shunchaki tasvirlamaydi, balki hayot ziddiyatlarini hal etishdagi mohirona tafakkurini mutafakkirning g'azallariga murojaat etish orqali yanada ta'sirli tasvirlab beradi. Asarda "Xazoyin ul-maoniy" dagi g'azallardan ko'plab keltiradi. Tarixiy voqealikning izchilligiga hamohang g'azallar tarixiy shaxsning yana bir muhim



jihatin, ya'ni uning ijodkor shaxs sifatidagi o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiradi, Navoiyning ichki kechinmalarini ifodalashda ijod namunalaridan unumli foydalanadi. Jumladan, "Qizil, sorig', yashil..." g'azalidan hayotning turli bo'yoqlarda ekanligini, shaxs xarakterining rangorangligini ochib berishda hamda shu rangdagi tog'larning keltirilishida umrning turli past-baland cho'qqilardan iboratligi va ular har xil holatda, tusda bo'lishi o'z ifodasini topadi: "Taqdirning yana bir hadyasi mana shu safar chog'ida zuhur etdi. Ko'hsordano'tilgach, o'ng tarafda uch xil tusdagi kichik tog'lar namoyon bo'ldi. Ularning biri qizil, biri sariq bo'lib, har ikkisi ham yaydoq, ustida o't-o'lan o'smagan, uchinchisini esa yosh archalar qoplab olgan, yashilliklarga burkanib ko'zga tashlanib turardi.

Ayni chog'da shom sajdasiga yumalagan quyoshning tavbadan qizarishi, ko'k toqida uyilgan qoramtir bulutlar ostidagi sariqlik va yuksak tog' ustidagi yashillik uch rangning samoviy aksidek tuyuldi. Tangri taolo yaratgan qizil, sariq va yashil mo'jizalarning bunday ajoyib silsilasi yosh shoir shuurida rangin tasvirlar paydo qildi.

Kuzda... tevarak yoqutday tovlanardi. Quyosh nurlari qatida uchub kelgan rango-rang yog'du qushlari yonbag'irlardagi anvoyi bog'lar uzra qanot qoqib, qavs semurg'ining upkalari tushgan joylar oltin tus oldi. Bu so'zsiz jilvalar musiqaday jonli bo'lib, go'zal va g'aroyib tovlanishlari yigitcha xayolida ohang-u surat va taassurotu hayratga birlashib, matla'ga aylanaqoldi:

Xil'atin to aylamish janon qizil, sorig', yashil,
Shu'lai ohim chiqar har yon qizil, sorig', yashil. "[1,94].

Kuz tabiati manzalariga qiyosan "inson umrining kuz pallasida tafakkur va aql tiniqligi, fikrlar quyugligining yoqutga mengzanishi, "sajdaga yumalagan quyoshning tavbada qizarishi" kabi betakror tashbehlar inson ruhiyatining eng nozik pallalarini aks ettirishi bilan g'oyat ta'sirli"[3,5] ifodalangan..

Ijodkor obrazini yaratishda muallif oldida qahramonning ijtimoiy turmush bilan bevosita bog'liq bo'lgan faoliyatini va dard-u iztirobini aks ettirishgina emas, balki murakkab tabiatli o'ziga xos shaxs sifatida uning ijod psixologiyasini, asarlarida ifoda qilingan poetik mayllarning tarixiy-real ildizini ham ochib ko'rsatish vazifasi turadi. Muallif mana shu "vazifa"ning mas'uliyati o'laroq obraz mukammalligiga erishadi.

Badiiy tafakkur tarzi bo'lgan adabiyotning buyuk namoyondalari haqida yozilgan tarixiy romanlarning to'laqonli haqqoniy ko'rinishlardan iborat bo'lishida muallifning ziyrak nigohi va badiiy mahorati muhim ahamiyatga ega. V.G.Belinskiy "yozuvchi tarixiy faktlarni yozishdan voz kechadi va ularni o'z mazmunini tashkil qilgan xususiy voqea bilan bog'lanishda qabul qiladi va bu orqali u tarixiy faktlarning astarini ochib beradi, tarixiy shaxsning kabinetiga va yotog'iga bizni olib kiradi. Uning uy hayoti, atrofidagi sirlarini ko'rsatadi, uni bizga faqat tarixiy ko'rik mundirda emas, balki chopon va qalpoq ostida ham ko'rsatishi"[4,510] kerak ekanini aytadi. Romanning badiiy yuksakligi shundaki, adib voqelikning faqat ko'zga ko'rinadigan tashqi tomonini emas, balki uning bag'rida faoliyat ko'rsatayotgan qahramonlarning ichki kechinmalarini, quvonch va iztiroblarini to'liq aks ettirishga intilishida. Obrazning bunday mukammal ishlanishi, uning ruhiy dunyosining badiiy tasvirisiz amalga oshmaydi. Shu jihatdan, faqatgina yuksak badiiy-ruhiy tasvir tarixiy obrazni tarixiy shaxs bilan bog'liqligini va farqliligini aniqlashga imkoniyat beradi. Bundan ko'rinadiki, yozuvchi Isajon Sulton obrazlarning badiiy-ruhiy tasvirini aks ettirishda ham davr ruhiyatiga tayanib, ham shaxs ichki kechinmalari holatini bir-biriga uyg'un tarzda aks ettirish orqali obrazlilikka erishadi.



Xulosa qilib aytganda, “Alisher Navoiy” tarixiy romani buyuk mutafakkir timsolini yangicha, noan’anaviy tasvir tamoyillarida talqin etganligi bilan ahamiyatlidir. Unda ijodkor insonning ilm va san’at olami, jamiyat hayotidagi o’rni turli voqeliklar orqali obrazli ifodalangan. Romanda Alisher Navoiy hayoti va ijod jarayonlarita’sirli tarzda o’z aksini topgan. Yozuvchi Isajon Sulton ulug’ so’z san’atkori Alisher Navoiy ruhiyati dunyosini ijtimoiy-siyosiy hayot hamda ilm-u urfon bilan bog’liq haqqoniy voqelik tasvirlari aro yangitdan kashf etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Sultonov I. Alisher Navoiy .:Toshkent, 2021. 94.
2. Jo’raqulov U. Xos kalom xosiyati//Sharq yulduzi, 2013. B.135.
3. Muhammadjonova G. Badiiy idrok va Navoiy obrazi tadriji. Markaziy Osiyo ijtimoiy tadqiqotlar jurnali.2021, 2(3). B. 5.
4. Belinskiy V.G. Tanlangan asarlar. – T.:1955. B.510.

ОСОБЕННОСТИ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ШКОЛЬНИКОВ МЛАДШИХ КЛАССОВ СРЕДНЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ ГОРОДА АНДИЖАН

Абдувалиева Феруза Мухаматнуровна¹, Хушматов Шункор Садуллаевич²

¹ Базовый докторант (PhD) ФДУ

² Заведующий отделом магистратуры и базового докторанта, Министерство высшего и среднеспециального образования Республики Узбекистан

***Аннотация.** В данной статье приведены данные научно-исследовательской работы среди 266 учащихся 11-летнего возраста школы №1 города Андижан. Изучены соматометрические параметры физического развития школьников, в ходе которого были выявлены дети с дисгармоничным типом развития. Рассмотрены адаптационные способности учащихся к новой старшей классной учебной нагрузке, которые имели прямую корреляционную взаимосвязь с их физическим развитием.*

***Ключевые слова:** школьное образование, ученики, антропометрические показатели физического развития.*

FEATURES OF ANTHROPOMETRIC INDICATORS OF PHYSICAL DEVELOPMENT OF PRIMARY SCHOOLCHILDREN OF SECONDARY SCHOOLS IN THE CITY OF ANDIJAN

Abduvalieva Feruza Mukhamatnurovna¹, Hushmatov Shunkor Sadullaevich²

¹Preparatory doctoral student (PhD) of FSU

²Head of the Department of Master's and Basic Doctoral Student, Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan

***Annotation.** This article presents the data of research work among 266 11-year-old students of school No. 1 in the city of Andijan. The somatometric parameters of the physical development of schoolchildren were studied, during which children with a disharmonious type of development were identified. The adaptive abilities of students to the new senior school educational load, which had a direct correlation with their physical development, are considered.*

***Key words:** school education, students, anthropometric indicators of physical development.*



ANDIJON SHAHARI MAKTABLARINING JISMONIY RIVOJLANISHINING ANTROPOMETRIK KO'RSATGICHLARI XUSUSIYATLARI

Abduvalieva Feruza Muxamatnurovna¹, Xushmatov Shunkor Sa'dullaevich²

¹Tayanch doktorant (PhD), FDU

² O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi magistratura va asosiy doktorant bo'limi boshlig'i

***Annotasiya.** Ushbu maqolada Andijon shahridagi 1-maktabda 11 yoshli 266 o'quvchi o'rtasida o'tkazilgan tadqiqot ishlari ma'lumotlari keltirilgan. Maktab o'quvchilarining jismoniy rivojlanishining somatometrik parametrlari o'rganildi, uning davomida rivojlanishning uyg'un bo'lmagan turi aniqlangan bolalar aniqlandi. O'quvchilarning jismoniy rivojlanishi bilan bevosita bog'liq bo'lgan yangi boshlang'ich maktab o'quv yuklanishiga moslashish qobiliyati hisobga olinadi.*

***Kalit so'zlar:** maktab ta'limi, o'quvchilar, jismoniy rivojlanishning antropometrik ko'rsatkichlari.*

Актуальность. Физическое развитие — один из ведущих критериев состояния здоровья детей, совокупность морфологических и функциональных свойств и качеств, а также уровень биологического развития [1,2]. Чем более значительны нарушения в физическом развитии ребенка и неблагоприятных факторов учебного процесса, тем больше вероятность наличия заболевания и формирования хронической патологии, что приводит к социально-экономическому и политическому ущербу жизни страны [3].

Наблюдение за физическим развитием детей и подростков – неотъемлемая часть работы педагога любого учебного учреждения [4,7-9].

По данным научных исследований, среди всех нарушений состояния здоровья у детей наиболее частой является резкое прибавление в росте, которое особо отмечается в 10-17 лет [5-6]. Возраст от 10 лет относится к препубертатному периоду развития организма, когда происходит ускорение процессов акселерации [10-12]. Усиление развития жизненно важных систем организма приводит к повышенной чувствительности организма к действию неблагоприятных внешних факторов, что особо заметно у детей со слабым организмом.

В возрасте 11 лет дети из младших классов переходят в старшие классы. Начало обучения в старших классах характеризуется появлением новых внешних факторов таких как: добавление новых предметов, увеличение количества учителей и их различный стиль преподавания, масштаб и разнообразность учебного материала. Резкое изменение условий жизни учащихся, с переходом из начальных классов в старшие, приводит к несоответствию внешних школьных факторов и внутренних их переживаний. Новый этап обучения требует от учащихся мобильности, усидчивости и максимальных интеллектуальных и физических сил [13,14].

Зачастую, новые школьные требования превосходят возможности учащегося, и происходит процессы нарушения адаптационных способностей учащегося. Школьная дезадаптация проявляется в различных вариантах, таких как, снижение успеваемости в предметах, нарушение поведения, ухудшение здоровья [15]. В связи с этим, особым условием сохранения здоровья учащихся являются создание гармонично правильных условий совершенствования адаптационного периода учащихся к новым учебным условиям.



Данная проблема физического развития школьников является глубоко актуальной, что повело нас на проведение нашего данного исследования.

Цель исследования - оценка антропометрических особенностей учащихся младших классов при переходе в старшекласное обучение в образовательных школах города Андижан.

Материалы и методы исследования.

В исследование участвовали 266 учащихся школ №1 города Андижан среди учащихся 5 классов «А», «Б», «В», «Г» в возрасте 11 лет (рис.1). Данный эксперимент мы проводили линейным образом с 2019-2020, 2020-2021 учебные периоды (рис.2).




Рисунок 1. Распределение исследуемых школьников по классу за 2019-2021 учебные годы




Рисунок 2. Распределение исследуемых школьников по полу за 2019-2021 учебные годы

В ходе эксперимента изучили антропометрические показатели физического состояния здоровья школьников. У всех учащихся мы соматометрические признаки: определяли рост (длину тела, см), окружность грудной клетки (см), массу тела (кг) и считали индекс пропорциональности.



Длину тела измеряли деревянным ростомером в положении стоя. Окружность грудной клетки измеряли обычной сантиметровой лентой в состоянии стоя и покоя. Массу тела определяли медицинскими весами, при этом дети находились в белье и на голодный желудок. Оценку гармоничности физического развития, т.е. соответствие развития массы тела по отношению к его длине, определяем по центильным шкалам.

Результаты исследования. Анализ результатов антропометрии показывает, что у мальчиков и у девочек имеются отличительные показатели (табл.1, табл.2).

Таблица 1. Антропометрические параметры физического развития мальчиков, (M±m)

Параметры	Годы обучения	
	2019-2020	2020-2021
Рост тела, см	146,5±3,5	147,1±3,4
Окружность грудной клетки, см	71,9±2,4	73,5±2,7*
Масса тела, кг	40,4±0,1	42,8±0,2**

Примечание: * - значимость между параметрами разных годов (* - $p<0,05$, ** - $p<0,01$)

Таблица 2. Антропометрические параметры физического развития девочек, (M±m)

Параметры	Годы обучения	
	2019-2020	2020-2021
Рост тела, см	139,3±2,8	143,1±3,5*
Окружность грудной клетки, см	65,8±3,4	66,0±3,1
Масса тела, кг	31,4±0,2	31,9±0,2

Примечание: * - значимость между параметрами разных годов (* - $p<0,05$)

Оценка соматометрических параметров у мальчиков длина тела не имеет изменений по годам исследования, т.е. нет корреляционной взаимосвязи ($r=0,13$), а окружность грудной клетки и масса тела с каждым годом увеличиваются в показателях, они имеют прямую корреляционную связь ($r=0,33$ и $r=0,37$). По этим данным, мы можем сказать, что на этом этапе жизни происходит постепенное окончание периода десельрации у мальчиков.

Анализ параметров физического развития у девочек показал, что происходит статистически достоверное увеличение длины тела, в то время как показатели окружности грудной клетки и массы тела не имеют изменений по годам исследования. Это говорит, что имеет место наличия корреляционной взаимосвязи года обучения с длиной тела ($r=0,39$), и отсутствия её - с а окружностью грудной клетки и массой тела ($r=0,19$ и $r=0,18$). Эти данные, говорят о том, что на этом этапе жизни у девочек происходит период грациализации физического состояния здоровья.

Далее подробно изучили индекс пропорциональности у обеих полов, при котором выявили гендерные различия в показателях. Так у мальчиков оценка индекса пропорциональности показывает, что увеличивается группа учащихся с повышенной массой тела ($r=+0,47$) и группа учащихся с низким ростом тела ($r=+0,32$). И напротив, немного снижается группа учащихся со сниженной массой тела ($r=-0,33$) и группа учащихся с высокой массой и длиной тела ($r=+0,34$).

У девочек оценка результатов индекса пропорциональности показывает, что увеличивается группа девочек со сниженной массой тела ($r=+0,35$) и высоким ростом ($r=+0,33$). А также, группа школьниц с повышенной массой тела в количестве не меняется ($r=0,18$), а группа девочек с низким ростом уменьшается в количестве ($r=-0,36$).



Проведенный анализ, полученных результатов исследования антропометрических показателей физического здоровья школьников 11 лет, свидетельствует об отклонении в физическом развитии, об усилении их дисгармоничности развития. Это характеризуется тем, что стабильно сохраняются показатели роста и идет восстановление массы тела, но отмечается увеличение дисгармонии физического развития за счет недостатка и/или избытка массы тела школьников.

Особо изучили адаптационные способности школьников к новому этапу обучения (табл.3).

Таблица 3. Соотношение показателей физического состояния школьников к уровню их адаптационной способности при переходе на старшекласное обучение, %

Пол	Благоприятная адаптация	Трудности в адаптации	Сложная адаптация
Нормальное физическое развитие			
Мальчики	75,2	33,0	11,8
Девочки	79,3	14,4	8,3
Высокая масса тела			
Мальчики	55,3	31,2	13,5
Девочки	63,7	23,7	12,6
Низкая масса тела			
Мальчики	22,0	52,4	25,6
Девочки	35,5	34,0	30,5
Высокий рост			
Мальчики	11,3	56,6	32,2
Девочки	8,8	55,0	36,2
Низкий рост			
Мальчики	19,1	51,3	29,6
Девочки	10,0	57,2	32,8

Результаты опроса выявляют, что у школьников с гармоничным физическим развитием адаптация к новому этапу предметного обучения проходила благоприятно, а у школьников с дисгармоничным развитием физического здоровья – с определенной степенью трудностями.

Проведенный корреляционный анализ неблагоприятных показателей адаптации с показателями антропометрических параметров школьников 11 летнего возраста показывает, что неблагоприятная адаптационная способность к новому учебному типу обучения как среди мальчиков, так и среди девочек положительно коррелирует со сниженной массой тела ($r=0,65$; $r=0,85$ соответственно), высоким ($r=0,83$; $r=0,79$ соответственно) и низким ростом ($r=0,59$; $r=0,62$ соответственно). Значит, у учащихся с низким индексом пропорциональности при переходе в обучение в старшие классы отмечается неудовлетворительная адаптация.

Заключение.

По результатам исследования видно, что к 11 летнему этапу жизни происходит дисгармонизация физического развития школьников, которое развивается чаще за счет дефицита и/или избытка массы тела, за счет чего идет тенденция к ухудшению здоровья школьников.



При изучении соотношения показателей антропометрических параметров физического развития школьников, и уровня их адаптационной способности к новой учебной нагрузке было определено, что у учащихся с нормальным физическим развитием адаптационный период проходил благоприятно по сравнению с учащимися, имеющие нарушение в физическом развитии.

Все это требует разработки правильных психологических условий для создания процессов обучения, которые осуществят плавный и постепенный переход учащихся из начального этапа обучения в старшеклассный уровень образования, что, в дальнейшем, благоприятно отразится и на успеваемость и заинтересованность в учебном процессе у учащихся.

Литература:

1. Безруких М.М. и др. Возрастная физиология: физиология развития ребенка /— М.: Академия, 2002. 416 с.
2. Богус М.Б. Развитие умственных способностей у младших школьников // Майкоп (Адыгейск. гос. универст.), 2002. – С.3–127.
3. Будрина Е.Г. Специфика интеллектуального развития подростков в условиях разных моделей обучения // Экспериментальная психология. – 2010. – Т.3. – №1. – С.115–130.
4. Гайдукова С.П., Трошева А.А. Образование как процесс обеспечения физического, психологического и социального благополучия и развития ребенка // Валеология. 2001.- № 1. - С. 41 -44.
5. Горобий А.Ю. Физическое воспитание в старших классах общеобразовательных школ // Ученые записки университета им. П.Ф.Лесгафта. – 2007. – №5(27). – С.26–30. (Russian).
6. Зайцев Г.К. Время педагогики здоровьесозидающей // Народное образование. 2002. - №6. - С. 193-194.
7. Зайцев Г.К. Какой должна быть "школа здоровья"// Валеология. -2001. -№1. С. 60-62.
8. Зайцев Г.К., Зайцев А.Г. Как нужно заботиться о здоровье детей в школе: суждения учащихся и учителей // Валеология. -2001. №1. — С. 3336.
9. Занкова Л.В. Влияние обучения по программе на функциональные и адаптивные возможности учащихся 2-3 классов / М.Н.Силантьев, Т.В. Глазун и др.// Валеология. 2001. - №3. - С. 29-30.
10. Зюзин Г.М. Используя межпредметные связи // Физическая культура в школе. 2002. - №1. — С. 34.
11. Кулагина И.Ю., Колюцкий В.Н. Возрастная психология: Полный жизненный цикл развития человека. — М.: Сфера, 2001. — 464 с.
12. Лукьянова М. Учебная мотивация как показатель качества образования // Народное образование. — 2001. №8. - С. 77-89.
13. Спирин В.К. Методика оздоровительной физической тренировки индивидуальной направленности для детей школьного возраста // Великие Луки. – 2002. – С.56–176.
14. Фролов И.В. Динамика физической подготовленности учащихся муниципальных образовательных учреждений в современных условиях // Вестник спортивной науки. – 2009. – №2. – С.69–72.
15. Шаханова А.В., Хасанова Н.Н. и др. Влияние вариативных образовательных программ на уровень здоровья младших школьников / Валеология. 2001. - №3. - С. 23-29.



ПРОБЛЕМА ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГА

Мамаджанова Мохимир Рашидовна

старший преподаватель кафедры узбекского языка и литературы

Андижанский государственный медицинский институт

***Аннотация:** Статья посвящена актуальной проблеме современной педагогики – профессиональной компетентности педагога. В статье выявлено то, что внимание ученых обращено на формирование и развитие отдельных общих компетентностей. Автор доказывает, что комплекс общих компетенций является достаточным для успешной профессиональной деятельности педагога и необходимым является ряд специальных компетенций, которые формируются на основании личностных особенностей и сфер индивидуальности.*

***Ключевые слова:** педагогическая компетентность, образовательная система, обучающиеся, коммуникативная культура педагога, компонент знаний.*

THE PROBLEM OF THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF THE TEACHER

Mamadzhanova Mokhimir Rashidovna

Senior teacher of the Department of Uzbek Language and Literature

Andijan State Medical Institute

***Abstract:** The article is devoted to an urgent problem of modern pedagogy – the professional competence of a teacher. The article reveals that the attention of scientists is drawn to the formation and development of certain general competencies. The author proves that the complex of general competencies is sufficient for the successful professional activity of a teacher and that a number of special competencies are necessary, which are formed on the basis of personal characteristics and spheres of individuality.*

***Key words:** pedagogical competence, educational system, students, teacher's communicative culture, knowledge component.*

4. И.А.Каримов “Миллий мафкурамиз халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин”. “Тафаккур” журнали, 2-сон, 1998 йил.
5. М.Муродов. “Олтин сандиқ очилди”. Т., “Ўқитувчи”, 1994 йил, 35-бет.
6. А.Навоий “Маҳбуб ул-қудуб”, Тошкент, 1966 йил, 15-том, 17-бет.



7. “Ахлоқи Жалолий”. Ўзбекистон ФА, кўлёмалар фонди (Шарқшунослик институти), 146-бет.
8. Гапбаров Б.Н. “Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасидаги ютуқлари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах шаҳри, 9-10 июнь, 2017 йил. 175-179 бетлар.

**OLIV TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA IJTIMOIV-MADANIY
KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI**

Jakbarova Zarifaxon Solijon qizi,
Farg'ona Davlat Universiteti
mustaqil tadqiqotchi
Tel:+998(93)9722000 e-mail: dilik_6109@gmail.com

***Annotatsiya.** Maqolada talabalarda ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirishning ilmiy ahamiyati ochib berilgan. Talabalarda ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirishning shakl, metod va vositalari taxlil qilingan. Shuningdek, ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlari ilmiy asoslangan.*

***Kalit so'zar:** Madaniyat, ijtimoiy madaniyat, kompetentlik, pedagogik shart-sharoit, pedagogik jarayon, kasbiy faoliyat, ta'lim tizimi.*

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ У СТУДЕНТОВ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО
УЧРЕЖДЕНИЯ**

Жакбарова Зарифахон Солижон кизи,
Ферганский Государственный Университет
независимый исследователь
Тел:+998(93)9722000 e-mail: dilik_6109@gmail.com

***Аннотация.** В статье раскрывается научное значение формирования социокультурной компетентности у учащихся. Проанализированы формы, методы и средства формирования социокультурной компетентности у учащихся. Также научно обоснованы педагогические предпосылки формирования социокультурной компетентности.*

***Ключевые слова:** культура, социальная культура, компетентность, педагогические предпосылки, педагогический процесс, профессиональная деятельность, система образования.*

**PEDAGOGICAL CONDITIONS OF FORMATION OF SOCIO-CULTURAL COMPETENCE
IN STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTION**

Jakbarova Zarifaxan Solijon qizi
Fergana State University
independent researcher
Tel:+998(93)9722000 e-mail: dilik_6109@gmail.com

***Annotation.** The article reveals the scientific significance of the formation of socio-cultural competence in students. The forms, methods and means of formation of socio-cultural competence in*



students were analyzed. Also, the pedagogical conditions for the formation of socio-cultural competence are scientifically based.

Key words: culture, social culture, competency, pedagogical conditions, pedagogical process, professional activity, educational system.

Jahonda ta'lim eng noyob kapital sifatida qadrlanayotgan bugungi sharoitda «ta'limning hamma bosqichlarida, ta'lim natijalarini baholash samaradorligini oshirish va usullarini takomillashtirish mexanizmlarini joriy etish orqali barcha insonlar uchun ularning hayoti davomida sifatli ta'lim olish imkoniyatini yaratishni dolzarb vazifa qilib qo'yimoqda»[2,56]. Jahon ta'lim tizimida ijtimoiy-madaniy faollikni rivojlantirishning pedagogik-psixologik shart-sharoitlari va imkoniyatlariga oid tadqiqotlar olib boruvchi Association for Educational Communications and Technology – AECT (AQSH), Belfield pedagogical university (Germaniya), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Buyuk Britaniya); Chunang universiteti (Janubiy Koreya), Miyagi pedagogika universiteti (Yaponiya), Ta'lim akademiyasi (Rossiya), Swiss Federal Institute of Technology (Shveysariya), University of Bridgeport (Chikago), University of Warwick (London) va Edith Cowan University (Amsterdam) kabi nufuzli oliy ta'lim muassasalari va markazlarida bir qancha amaliy natijalarga erishilgan. Bu esa talabalarning ijtimoiy-madaniy va kasbiy faoliyat ko'nikmalari hamda shaxsiy sifatlarini shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayonlarni tashkil qilishda muhim ahamiyatga ega.

Mamlakatimizda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, o'quv-metodik ta'minotini yaxshilash, mutaxassis-kadrlar tayyorlash sohasida olib borilayotgan islohotlar natijasida professor-o'qituvchilarning ilg'or ta'lim texnologiyalari va o'qitish usullarini tatbiq etish bo'yicha tashabbuskorligini oshirish, talabalarning itimoiy madaniyatini oshirish, o'qitishning interfaol metodlarini joriy etish imkoniyatlari kengaymoqda. Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari o'qituvchi-talabalarining kasbiy-pedagogik faoliyati mazmunini ilg'or xorijiy tajribalar va ijtimoiy-madaniy aloqalar asosida takomillashtirish zarurati mavjud. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha "Harakatlar strategiyasida — oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini shaxs, davlat va jamiyatning dolzarb istiqboliy ehtiyojlariga muvofiqlashtirish hamda ijtimoiy-madaniy rivojlantirish asosida o'rganish" [1] kabi ustuvor vazifalar belgilanib, bu borada o'qituvchi-talabalarining o'qitishning itimoiy-madaniy, kasbiy-pedagogik shart-sharoitlari va amaliyotini tahlil qilish, o'qituvchi-talabalarning ijtimoiy-madaniy kompetentligini shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlarini o'rganish, ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirishning shakl, metod, vositalarini qo'llash samaradorligini oshirish muhim hisoblanadi.

Talaba-yoshlarda ijtimoiy faollikni rivojlantirish, yoshlarda ijtimoiy faollik mazmuni ijtimoiy-milliy ongllilik, faollik, milliy g'urur, iftixor tuyg'usi komponentlaridan tashkil topishi, yoshlar tashkilotlari misolida talabalarning ma'naviy-ijtimoiy faolliklarini rivojlantirishning pedagogik asoslari, kompetentlikning pedagogik masalalari yuzasidan B.Adizov, B.Raximov, J.Tulenov T.A.Egamberdiyeva, Q.Quranboyevlarning tadqiqot ishlarida o'z aksini topgan. Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, talabalarda ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirish masalasi yetarlicha tadqiq etilmagan.

Ijtimoiy-madaniy kompetentlikni rivojlantirish zamonaviy dunyoda alohida o'rin tutadi, bu millatlararo munosabatlar keskinlashuvini oldini oladi. Ijtimoiy-madaniy kompetentlik



zamonaviy ko'p madaniyatli dunyoda yashash va muloqot qilish uchun tayyorlik va qobiliyatni o'z ichiga oladi[4,36]. Ijtimoiy-madaniy kompetentlik talabalarni bag'rikenglik, boshqa odamlarni hurmat qilish, barcha xalqlar bilan tinchlik va do'stlikka o'rgatish uchun katta imkoniyatdir. Talabalarning ijtimoiy-madaniy kompetentligini shakllantirish o'z mamlakatining vatanparvarlarini tarbiyalashda katta rol o'ynaydi. Agar talaba boshqa mamlakatlar va xalqlarning madaniyatini, urf-odatlarini, an'analarini, tilini bilsa, qadrlasa va hurmat qilsa, u o'z xalqining yoki u yashaydigan mintaqaning madaniyati va urf-odatlarini g'urur bilan taqdim etishi mumkin bo'lsa, hech qanday dushmanlik, raqobat yoki ustunlikka o'rin qolmaydi. Ijtimoiy-madaniy kompetentlikni eng muhim tomoni ham millatlararo totuvlikka erishishlariga, shuningdek xalqlarni tinch-totuv, birdamligini ta'minlashga xizmat qiladi. Ijtimoiy-madaniy kompetentlikni tarkibiy qismlarini shakllantirish va rivojlantirish talabaga muloqot qiladigan odamlarning ijtimoiy-madaniy xususiyatlariga, madaniyatlararo muloqot sharoitida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan ijtimoiy-madaniy aralashuvni va ularni bartaraf etish usullarini taxmin qilishga imkon beradi. Boshqa mamlakatlar, xalqlar, madaniy jamoalarni mustaqil o'rganish uchun asos yaratadi; xorijiy muhitda ona madaniyatini ifodalash usullarini o'zlashtirish; bevosita va vositachilik kommunikatsiyalarining boshqa, ilgari o'rganilmagan sohalarida ijtimoiy-madaniy o'z-o'zini tarbiyalashga yordam beradi.

Madaniyat, ijtimoiy madaniyat va ijtimoiy-madaniy kompetentlik tushunchalari bir-birini to'ldiradi. Madaniyat, ijtimoiy-madaniyat va ijtimoiy-madaniy kompetentlikni o'rganadigan asosiy sohalar va uning tadqiqot obyektni quyidagicha belgilash mumkin[3,46]:

- kishilarning muomala vositasi bo'lgan tilning ijtimoiy jamiyatdagi roli;
- jamiyat boyligi va mezon bo'lgan bilimlar;
- insoniyat yaratgan udumlar, urf-odatlar, xalq og'zaki ijodi, san'at va adabiyot, dinlar;
- ijtimoiy munosabatlar va ular o'rtasidagi aloqalarning usullari, ijtimoiy tashkilotlar;
- marosim, kundalik turmush tarzidan o'rin olgan an'analar, oila, mulk;
- jamiyatda sodir bo'layotgan ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy demografik, etnik jarayonlar va hokazolar.

Ijtimoiy-madaniy kompetentlik – kommunikativ kompetensiyaning tarkibiy qismi bo'lib, mamlakatning madaniyati, tili, jamiyat tomonidan qabul qilingan ijtimoiy xulq-atvor va xatti-harakatlarining milliy-madaniy xususiyatlari haqidagi bilimlar to'plami, bu bilimlarni muloqot amaliyotida qo'llash va muayyan urf-odatlar, axloq qoidalari, xatti-harakatlarning qoidalari va stereotiplariga rioya qilish qobiliyati sanaladi.

Ijtimoiy-madaniy kompetentlikning tarkibiy qismlari:

- ijtimoiy-madaniy bilim (ma'naviy qadriyatlar, urf-odatlar va madaniy an'analar, milliy mentalitetning o'ziga xos xususiyatlarini bilish);
- aloqa tajribasi (ijtimoiy madaniyat uslubini tanlash, xorijiy madaniyat hodisalarini to'g'ri talqin qilish);
- madaniyatga (shu jumladan muloqot paytida yuzaga keladigan nizolarni hal qilish qobiliyatiga) hissiy jihatdan munosabat;
- axloq qoidalarini qo'llash usullarini bilish, ijtimoiy etiketdan to'g'ri foydalanish.

Bizning fikrimizcha, ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirish natijasida quyidagilar yuzaga keladi:

- ma'naviy qadriyatlar, urf-odatlar va madaniy an'analar, milliy mentalitetning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risidagi bilimlar hajmini kengaytirish;



- til, ilm-fan va madaniyat, tarixiy va zamonaviy madaniyatlar, jamoat arboblari, mamlakatlarning jahon hamjamiyati va jahon madaniy makonidagi o'rni haqida keng bilimga ega bo'lish;
- jamiyat tomonidan qabul qilingan ijtimoiy axloq me'yorlariga xatti-harakat qoidalarini yetarli darajada ishlatish bilan bog'liq ko'nikma va ko'nikmalarga ega bo'lish;
- jamiyat tomonidan qabul qilingan ijtimoiy xulq-atvor va xatti-harakatlarining milliy-madaniy xususiyatlari haqidagi bilimlarga ega bo'lish.

Bo'lajak o'qituvchining kreativ (ijodkorlik) qobiliyati hamda ijtimoiy-madaniy kompetentligi dars jarayonida ko'rinadi. Bu esa o'qituvchilarning talabalar bilan ishonchli hamkorlikni tashkil etish imkoniyatini yaratadi. Bunda hamkorlik imitatsiya (taqlid, o'xshatish) xarakteriga ega bo'ladi va talabalar orasida bahs-munozara vaziyati vujudga keladi, biroq ular oldiga qo'yilgan vazifalar yechilmaydi. O'qituvchi o'z oldiga qo'ygan maqsadni amalga oshirish va ta'lim sifatiga erishish uchun musiqiy ta'lim o'qituvchisi ijtimoiy madaniy kompetensiyani o'zida shakllantirishi muhim. O'qituvchida kreativlik va ijtimoiy-madaniy kompetensiyani rivojlantirish uchun quyidagi shart-sharoitlarni qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi:

- Talabalarga milliy qadriyatlar to'g'risida ma'lumot berish,
- mavzu yuzasidan hayotiy voqeani qiziqarli tarzda hikoya qilib berish,
- talabalar bilan ochiq va do'stona suhbatlashish,
- talabalar bilimlarini adolatli baholash,
- ijodiy yutuqlarini rag'batlantirish,
- shaxsiy namuna ko'rsatish,
- o'quvchilar uchun mashhur kishilar bilan qiziqarli suhbatlar uyushtirish,
- yagona muammo yechimini birgalashib izlash kabilarni keltirish mumkin.

Talaba – yoshlarning ijtimoiy-madaniy kompetentligini shakllantirish uchun o'qituvchidan o'z ustida ishlashini talab etadi. Shuning uchun har qanday pedagog ta'lim sohasida izlanishga, ijobiy yutuqlarga erishishga, o'zining uslubini yaratishga harakat qilishi kerak.

Yuqorida keltirilgan fikrlarga tayangan holda talabalarda ijtimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirish jarayonining muvaffaqiyatini ta'minlovchi texnologiya ishlab chiqildi. Unda asosiy uch bosqichli tizim (motivatsion, o'zlashtirish, o'z-o'zini anglash) o'rganildi.

Motivatsion bosqichning mazmuni: ijtimoiy-madaniy tasavvurlarning shakllanishi, kasbiy yo'nalganlik, pedagogik faoliyatga intilish. Shakl, metod, vositalari: debatlar, kastinglar, brifinglar, uchrashuvlar, seminar-treninglar, kichik guruhlarda ishlash, taqdimot boshqalar.

Faoliyat talablarini o'zlashtirish bosqichining mazmuni: ijtimoiy-madaniy va kasbiy kompetensiyalar, faoliyat talablari, qadriyatlarning o'zlashtirilishi. Shakl, metod, vositalari: axborotli ma'ruzalar, munozaralar, seminarlar, keys-stadi, rolli- ishbilarmon o'yinlar, vebinar, forumlar va boshqalar.

O'z-o'zini anglash bosqichining mazmuni: guruh va kasbiy muhitda o'z o'rnini topish, mehnat sharoitlariga faol kirishish, ijtimoiy-madaniy hamda kasbiy shakllanish. Shakl, metod, vositalari: "SWOT va TOWS-tahlil", esselar, treninglar, grafik organayzerlar va boshqalar.



Ma'lumki, talabalarda itimoiy-madaniy kompetentlikni shakllantirish jarayoni murakkab va individual jarayon hisoblanadi. Bunda talaba shaxsining individualligi, ta'lim sharoiti, muhit hamda shaxslararo munosabatlar tizimining o'zaro bog'liqlikda tadqiq etilishi maqsadga muvofiq sanaladi. Shuningdek, moslashish jarayonlarining samarali kechishi bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy faoliyatga nisbatan maqsadli yo'nalganligini hamda aksiologik yondashuvini shakllanishiga, kasbiy rivojlanishiga sabab bo'ladi. Bu esa kasbiy faoliyat samaradorligi, natijaviyligi hamda mutaxassning uzoq ijodiy umr ko'rishiga o'z ta'sirini o'tkazadi.

Jamiyatning qanchalik darajada rivojlanganligini avvalo, uning kelajagini belgilab beruvchi yoshlarning salohiyati belgilashini davrning o'zi taqozo qilmoqda. Aslida biz yoshlarni doimiy ravishda ma'naviy tahdidlardan asrab yurar ekanmiz, ularda ham ma'naviy tahdidlarga qarshi immunitetni shakllantirishga harakat qilishimiz lozim.

Muxtasar aytganda, talabalarda ijtimoiy-madaniy kompetentlik ijtimoiy madaniyatini oshirish bilan birga kasbiy rivojlanishga ham ta'sir etib, bu esa o'z navbatida talaba-yoshlarni salohiyatini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi 2017-2021 yillarda "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi PF-4947-son farmoni. 2017 y, 6-son, 70-modda. Manba: www.gov.uz
2. Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). 56-c
3. Флиер А. Я. Культурология для культурологов: учебное пособие для магистрантов и аспирантов, докторантов и соискателей, а также преподавателей культурологии /М.: Академ.проспект.2002 – 46 с.
4. Воробьев, Г.А. Развитие социокультурной компетенции будущих учителей иностранного языка (поиск эффективных путей) / Г.А. Воробьев // Иностранные языки в школе. – 2003. – №2. – С. 30-36.

ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ ВА ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТ

Назаров Анваржон Турғунбоевич,
Наманган давлат университети
Жисмоний маданият кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: мақолада олий ўқув юрти талабаларини касбий ва шахсий ривожланиши, жисмоний тарбияни ривожлантириш даражасига боғлиқлиги, "Қадрият" тушунчаси, ахлоқий, интеллектуал, ақлий, эстетик, коммуникатив ва бошқа ижтимоий-маданий салохиятини ривожлантиришининг муҳимлиги асосланган

Калит сўзлар: касбий ва шахсий ривожланиш, жисмоний тарбия даражасига боғлиқлик, "қадрият" тушунчаси, ахлоқий, интеллектуал, эстетик, ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантириш.



VALUABLE ATTITUDE IN THE PROFESSIONAL AND PERSONAL DEVELOPMENT OF STUDENTS

Nazarov Anvarjon Turgunbaevich,
Lecturer at the Department of Physical Culture,
Namangan State University

Annotation: *the article deals with the level of professional and personal development of students of higher education, the level of development of physical education, the concept of "value", the development of moral, intellectual, intellectual, aesthetic, communicative and other socio-cultural competencies.*

Keywords: *professional and personal development, dependence on the level of development of physical education, the concept of "value", the development of moral, intellectual, intellectual, aesthetic, socio-cultural competence*

ЦЕННОЕ ОТНОШЕНИЕ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОМУ И ЛИЧНОСТНОМУ РАЗВИТИЮ СТУДЕНТОВ

Назаров Анваржон Тургунбаевич,
Преподаватель кафедры физической культуры
Наманганского государственного университета

Аннотация: *в статье рассматривается уровень профессионально-личностного развития студентов вуза, уровень развития физического воспитания, понятие «ценность», развитие нравственного, интеллектуального, интеллектуального, эстетического, коммуникативного и других социально-культурных ценностей. культурные компетенции.*

Ключевые слова: *профессионально-личностное развитие, зависимость от уровня физического воспитания, понятие «ценность», развитие нравственной, интеллектуальной, эстетической, социокультурной компетентности.*

Талабаларнинг касбий ва шахсий ривожланиши, жисмоний тарбияни ривожлантириш даражасига боғлиқ, бу эса "инсоннинг жисмоний камолотининг эришилган даражаси ва кундалик ҳаётда эришилган восита фазилатлари, кўникмалари, махсус билимларидан фойдаланиш даражаси "дир.

"Қадрият" тушунчаси - жуда кенг тушунча бўлиб, нарса ва воқеалар, жамият, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини ифодалаш учун қўлланадиган тушунча.

Қадриятли оғ талабанинг ўз касбий фаолияти соҳаси субъектларини аниқлашга имкон берувчи объектив борлиқни акс эттириш шакли сифатида намоеън бўлади ҳамда янгиланган педагогик фикрларни англаб етиш, шунингдек, таълим соҳасидаги янгиликларнинг аҳамиятини фаҳмлай олиш орқали янги таълимий қадриятлар ҳақидаги тасаввур ва билимларга эга бўлинади.

Аксиологик ёндашув асосида ривожлантиришнинг қадриятли муносабатга доир таркибий қисми шахсий ва ижтимоий аҳамиятликнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи шахснинг ички позициясини ўзида ифода этади. Талабаларда жисмоний тарбияга қадриятли муносабатга доир таркибий қисми ўз ичига қуйидаги жиҳатларни қамраб олган: янгиликни ўзлаштиришга интилиш; янгиликнинг натижавийлигини кўра олиш; объектив янгиликларнинг ўз фаолияти учун аҳамиятли эканлигини баҳолай олиш;



янгиликнинг самарадорлигидан қониқиш ҳосил қилиш; янгиланган меъёрни ички ҳуқ-атвор фаолиятига айлантириш.

Қадриятли мослашув – шахснинг ўзининг ички ҳолатини англаши ва аниқ қадриятлар билан боғлиқликда фаолиятга тайёрлик даражаси. Талаба фаолиятида қадриятли мослашув унинг янгиликни ўз фаолиятига татбиқ этишга тайёрлиги; ўз ички нуқтаи назарини тўлиқ англаб етиши; янгиликка доир ахборот, билим (когнитив) ва ҳис-туйғу, эмоция (аффект)нинг уйғунлигида намоён бўлади.

Талабаларида жисмоний тарбияга қадриятли муносабатларини ривожлантиришнинг амалиётга татбиқ этишга доир шахсий тажрибани ҳосил қилиш талаба фаолиятининг қадриятга йўналганлигининг муҳим кўрсаткичидир. Чунки таълим-тарбия жараёнида қўллаш орқали амалиётга қўллашга доир тажриба ҳосил бўлиши билан бирга, унинг ўзи ҳам мавжуд қўшимча ўзгартиришлар қўшиш кўникмасига эга бўлади.

И. М. Байховнинг фикрига кўра, жисмоний тарбия идрок, талқин, унинг танаси ва унинг турли хусусиятлари (физиологик, эстетик, ифодали, коммуникатив ва бошқалар), жой ва шахсий ва ижтимоий қадриятлар, маънавий билан уларнинг бирлаштириш қўлаи жисмоний хусусиятлари аҳамияти инсонни баҳолашни ўз ичига олади. Жисмоний тарбиянинг шакланмаганлиги - инсоннинг маданий ривожланишининг "зарарсизлиги" нинг намоён бўлишидан бири, бу жараённинг етишмаслиги тарбиянинг энг муҳим асосларидан бири-инсон яхлитлигини қайта тиклашдир.

Ю. М. Николаев жисмоний тарбия, шахснинг маънавий - қадриятини шакллантиради ва унинг ахлоқий, интеллектуал, ақлий, эстетик, коммуникатив ва бошқа ижтимоий-маданий салоҳиятини ривожлантиради, деб таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, жисмоний фаолиятнинг барча турлари ўзаро боғлиқ ва жисмоний такомиллаштириш орқали шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишига қаратилган. Жисмоний тарбия фаолиятининг ҳар бир шаклида интеллектуал ва ижтимоий-психологик таркибий қисмлар билан бир қаторда турли хил эhtiёжлар, қобилиятлар, муносабатлар билан боғлиқ маънавий принциплар мавжуд. Инсоннинг жисмоний фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган нарса, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини ифодалаш, мулоқот, ижодкорлик, маданий масалалар билан боғлиқ умумий таълим, умумий маданий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Л. К. Завяловнинг таъкидлашича, жисмоний маданий биологик, маънавий ва ижтимоий мавжудлик ва шахснинг ривожланишининг турли жиҳатларини мустаҳкамлиги ва мутаносиблигига, ички ва ташқи ҳаётий ҳис-туйғуларнинг, фаолият, онг ва хатти-ҳаракатлари, сўзлар ўзаро муносабатларини самарадорликни ошириш, умуман жамият билан ўзаро муносабатларнинг уйғунлигига ёрдам беради. Унинг интеллектуал, ахлоқий ва эстетик фазилатларини ривожлантиришга сезиларли таъсир қилади. Инсоннинг жамиятда ўрнатилган меъёрлар ва қадриятлар асосида табиат ва ижтимоий муҳит объектларига нисбатан ўз хатти-ҳаракатларини кўришга, жамиятнинг ривожланишига фаол хисса қўшишга, ўз шахсиятини, турмуш тарзини, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга тайёрлигини очиб беради.

К. Баер ва Л. Счеинбергларнинг таъкидлашича, инсоннинг ахлоқий ва иродали фазилатлари, унинг маънавий дунёси ва узоқ муддатли юқори самарали фаолият



қобилияти билан боғлиқ. Бу ижтимоий фаровонлик ва шахсий бахтнинг муҳим шартидир.

М. Я. Виленский ва В. А. Петковлар профессионал ва шахсий ривожланиш талабларига жавоб берадиган психофизик тайёргарлик "жисмоний фаолият, уларнинг ҳаракатларини бошқариш қобилиятлари, янги восита муаммоларини оқилона ҳал қилиш, восита ва меҳнат фаолиятини самарали бажариш" лигини таъкидлашади.

В. К. Балсевич ва Л. И. Лубйшеваларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия ва спорт фаолияти даражаси ва шахснинг ҳаётининг фаолияти ўртасида яқин алоқалар мавжуд.

Интеллектуал жиҳатдан фикрлаш, хогира, диққат барқарорлиги жисмоний тайёргарлик даражаси ва жисмоний тарбия воситалари ва усулларини мақсадли қўллаш даражасига боғлиқ. Жисмоний тарбия-спорт фаолиятининг ўйин ва рақобатбардош технологиялари (рақобат омили ўзига хос хиссий-физиологик муҳитни яратади), фикрлаш, самарали ҳаракат қилиш ва атроф-муҳитнинг динамик ўзгарувчан шароитларида қисқа вақт ичида мақбул қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради, ташаббускорлик, ғамхўрлик, қатъият ва бошқа фазилатларни ривожлантиради.

А. С. Запесотский мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар кўпроқ интизомли, ўқиш учун жиддийроқ эканлигига эътибор беради. Замонавий сиёсатчиларнинг кўпчилиги спорт мактабидан ўтиб, спорт характериغا эга ва жисмоний тайёргарликка эга. Жисмоний тарбия инсонга куч-қувват, мураккаблик, мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан тобора мураккаблашиб бораётган меҳнат жараёнларига қўшилишга имкон беради; бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатлари билан мувофиқлаштирилган мураккаб ҳаракатларни амалга ошириш учун кўпинча санъатга айланади.

М. Я. Сараф ва В. И. Столяровлар жисмоний тарбия эстетик ривожланиш учун энг муҳим ва самарали воситалар ва шарт-шароитлардан бири, эстетик хис-туйғулар, келажакдаги мутахассисларнинг эҳтиёжлари шаклланишини таъкидлайди.

Жисмоний тарбия талабанинг психофизик ва маънавий имкониятларини билиш, қабул қилиш, ривожлантириш ва оптималлаштиришни белгилайди, ўзини табиатнинг бир қисми ва жамият аъзоси сифатида, дунё билан ўзаро алоқада бўлишга, оқилона, соғлом турмуш тарзини танлашга ёрдам беради. У талабанинг соғлиғини унга боғлиқ бўлган даражада белгилайди ва уларни ўзгартириши мумкин; ақлий етуклик, ўз-ўзини тасдиқлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз тақдирини белгилаш билан боғлиқ. Бу талабанинг шахсий ривожланишининг яхлитлигини акс эттиради ва унинг қадриятларига бўлган муносабати, унинг шакллари, воситалари ва усулларини соғлиқни сақлаш, самарадорлик, жисмоний жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш учун кенг қўламдаги ижодий фойдаланиш билан намоён бўлади. Жисмоний тарбия фаолияти орқали талабанинг психофизик, жасурлик, ҳаққонийлик, ижодий, коммуникатив ва эстетик салоҳияти, унинг ахлоқий, рефлексив, эмпатия фазилатлари ривожланади.

Ихтисослаштирилган даражада жисмоний тарбия инсоннинг ўз-ўзини намоён қилиш соҳаси бўлиб, у маҳорат, "санъат", ўйин, ҳаракат қобилиятининг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний тарбия тенг даражада кучли ақлий ривожланишни назарда тутмайди, бу даражадаги тананинг ўйинлари ўз-ўзидан қимматга тушиши мумкин. Инсон, бу ҳолатда худбин интилишларни кўрсатмасан-да,



лекин у ўзи танлаган ўз-ўзини намоён қилиш соҳаси билан боғлиқ бўлмаган бошқалар учун жуда қизиқ ва қимматли эмас. Жисмоний тарбия бошқа шахсга, ахлоқий ва эстетик маънога йўналтирилган бўлади. Тана соғлом ва чиройли бўлиши керак (шу жумладан ҳаракат эркинлиги). Сизнинг жисмоний кучингиз сиз ва бошқалар учун қувончли бўлиши муҳимдир. Бу даражадаги жисмоний тарбия ҳар қандай вазиятда инсонга ҳақиқий инсон бўлиб қолишга ёрдам беради.

Олий ўқув юрлари битирувчиларининг жисмоний тарбиясини шакллантиришнинг ҳақиқий даражаси намунали тақдиротлар ва талаблардан узоқ ва талабалар ушбу интизомга нисбатан уларнинг гуманитар тайёргарлигидаги муҳим бўшлиқларга олиб келади.

А.П.Поварнитсин талабаларнинг спорт кадриятлар ҳақида етарли фикр йўқ деб таъкидлайди ва ўқув жараёни уларнинг шаклланишига қаратилган эмас. Шунинг учун, спорт кадриятлар ҳақида етарли мувозанатли ғоялар шакллантириш бўйича мақсадли иш учун эҳтиёж бор.

В.И.Столяров, агар спорт машғулоти ва мусобақалар давомида инсонпарварлик маданий кадриятлар биринчи навбатда рағбатлантирилса - жисмоний мукамаллик, ахлоқий, эстетик, экологик тарбия, ижодкорлик, соф инсоний мулоқот ва бошқалар ривожланади. Ахлоқий ва моддий жиҳатдан биринчи навбатда юқори натижаларга эришилса, ғалаба қозонса, спортчиларнинг йўналиши ҳам мос келади.

Талабаларида жисмоний тарбияга кадриятли муносабатларини ривожлантиришнинг педагогик ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кадриятларни жисмоний шахсларга уларнинг хатти-ҳаракатининг ҳақиқий мотиватори ва ўқитувчининг ҳаётий фаолияти концепциясини шакллантиришдир.

Талабаларида жисмоний тарбияга кадриятли муносабатларини шакллантириш мезонлари унинг мазмуни ва фаолияти хусусиятлари ҳисобланади. Ушбу муносабатлар таркибий қисмлари мақсад, ҳиссий жиҳатдан қабул қилиш, контент-операцион, билим-баҳолаш, мотивационликдир. Талабаларнинг жисмоний тарбияга бўлган муносабатининг хусусиятлари ўзларининг кадриятларини фаоллаштириш, уни амалга ошириш даражаси шахсий ва профессионал ривожланишига таъсирини кўрсатади.

Талабаларнинг жисмоний тарбияга бўлган муносабатининг ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини белгиладиган асосий педагогик шартлар бўлиб, унга:

1. Шахсий ёндашувлар;
2. Жисмоний тарбия жараёнида ўқув жараёнининг профессионал йўналтирилганлиги;
3. Жисмоний тарбия соҳасида магистрлик, илмий ва амалий билим ва кўникмаларга оид фундаментал ва амалий томонларнинг бирлиги;
4. Маданий кадриятларни эгаллаш бўйича фаолиятнинг предмети сифатида педагогик таъсирнинг индивидуал ва гуруҳ шакллариининг бирлиги;
5. Жисмоний тарбия кадриятларини мазмуни ҳаётий ҳолатига айлантириш ва унга мослаштириш киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сухомлинский В.А. Сердце отдаю детям / В.А. Сухомлинский. - К.: Рад. школа, 1988.-272 с.
2. Скворцов В.Н. Социально-экономические проблемы теории непрерывного образования. – СПб.: Петрополис, 2004. – 276 с. – С.92.
3. Виленский М.Я. Методологические основы и концептуальные предпосылки процесса



- формирования физической культуры личности / М.Я. Виленский, В.А. Петьков. - М.: РГАФК, 2002. - 56 с.
4. Быховская И.М. Человеческая телесность в социокультурном измерении: традиции и современность / И.М. Быховская. - М.: ГЦИФК, ОС РАН, 1993. - 180 с.
5. Ашмарин Б.А. Педагогика физической культуры. Часть 1: учебное пособие / Б.А. Ашмарин, Л.К. Завьялов, Ю.Ф. Курамшин. - СПб: Ленинградский гос. областной ун-т, 1999. - 352 с.
6. Байер К. Здоровый образ жизни: Пер. с англ. / К. Байер, Л. Шейнберг. - М., Мир, 1997.- 368 с.
7. Бальсевич В.К. Физическая культура: молодежь и современность / В.К. Бальсевич, Л.И. Лубышева // Теория и практика физической культуры. - 1995,-№4.-С. 2-8.
8. Запесоцкий А.С. Методологические и технологические основы образовательной деятельности / А.С. Запесоцкий. - СПб.: Изд-во СПбГУП, 2007. - 452 с.
9. Поварницын А.П. Ценностные ориентации специалистов физической культуры и спорта в процессе учебы в вузе: Монография / А.П. Поварницын. - Курган: Изд-во Курганского гос. ун-та, 2004. - 300 с

FORMING A RESPONSIBLE ATTITUDE OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS TO THE ENVIRONMENT

Toshtemirova Muazzam
Fergana State University
Lecturer at the Department of Biology

Abstract: *The article is devoted to the formation of a responsible attitude of primary school teachers to the environment, reveals the essence of the concepts of "environment", "responsibility". At this stage, we investigated the stages of the formation and development of students' responsible attitude to the environment.*

Key words: *natural objects, environment, knowledge, skills, environmental problems, wildlife and inanimate nature.*

ФОРМИРОВАНИЕ ОТВЕТСТВЕННОГО ОТНОШЕНИЯ У ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ К ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЕ

Тоштемирова Муаззам
Ферганский Государственный Университет
Преподаватель кафедры биологии

Аннотация: *Статья посвящена формированию ответственного отношения учителей начальных классов к окружающей среде, раскрывает сущность понятий «среда», «ответственность». На этом этапе мы исследовали этапы формирования и развития у студентов ответственного отношения к окружающей среде.*

Ключевые слова: *природные объекты, окружающая среда, знания, навыки, экологические проблемы, живая и неодушевленная природа*



БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРНИ АТРОФ МУҲИТГА МАСЪУЛИЯТЛИ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тоштемирова Муаззам
Фарғона давлат университети
Биология кафедраси ўқувчиси

Аннотация: Ушбу мақола бошлангич синф ўқитувчиларининг ўқувчиларни атроф муҳитга масъулиятли муносабатини шакллантиришга қаратилган бўлиб, “атроф муҳит”, “масъулият” тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Шу ўринда ўқувчиларнинг атроф муҳитга масъулиятли муносабатини шакллантириш ва ривожлантириш босқичларини ўрганиб чиқдик.

Калит сўз: табиат объектлари, атроф муҳит, билим, кўникма, экологик муаммо, жонли ва жонсиз табиат

Кириш. Маълумки, ҳар бир фан асосларини муайян таълим босқичларида ўқитиш тамойилларини белгилаб берувчи асосий норматив ҳужжат Давлат таълим стандарти саналиб, унда муайян фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, таълим олувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билимлар мазмуни, улар асосида эгаллашлари керак бўлган рефлексив кўникма ва амалий малакаларнинг компетенциявий талаблари ҳам белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа ва такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғининг 14 бандига айнан ўқувчиларнинг атроф муҳитга муносабатини шакллантириш масаласига алоҳида урғу берилган [1]. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 13 июлда тасдиқланган “Таълим муассасаларида экологик тарбия ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган билимларни тарғиб қилиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси” асосида экологик тарбия ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган билимлар 1-4 синфларда “Ўқиш”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Одобнома”, ўқув предмети ҳамда “Тарбиявий соат”лар таркибида 5-11 синфлар “Биология”, “Кимё”, “География” ўқув предметлари мазмунига сингдириб ўқитилиши кўзда тутилган.

Шундай экан, ўқувчиларнинг атроф муҳитга муносабатини шакллантириш, уларда табиат ресурсларидан оқилона фойдалана олиш, табиат неъматларини қадрлаш, табиатдан рационал фойдаланиш, атроф муҳит ҳақидаги тасаввурларини таркиб топтириш бутунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Энг охириги вақтларда “табиат муҳофазаси” атамаси тез-тез турли таърифларга эга “экология” атамаси билан алмаштирила бошланди: фундаментал, умумий, идгимоий, минтақавий, табиатни муҳофаза қилиш маорифи эса ўрта таълимга нисбатан экологик таълим, ёки аниқроғи, эколого-табиатни муҳофаза қилиш таълими деб атала бошланди.

Н.Ф.Реймерснинг классификацияси бўйича, атроф муҳит тушунчасига айнан табиий муҳит (ёки “ёввойи табиат”), табиий муҳит (ёки инсон томонидан ўзгартирилган табиий ландшафтлар ва улар яратган агроценозлар) ва артетабиий муҳит (ёки фақатгина техник ва табиий элементлардан ташкил топган одамни ўраб турувчи муҳит) киради.



Табиатга маъсулиятли муносабатда бўлиш тушунчасининг ўзи эса, Н.Ф.Реймерс фикрича [2], - бу табиий-ресурсли салоҳият, яъни табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланишнинг барча шакллари ва уларни сақлаш чора тадбирларининг тўлаמידир.

Бизни ўраб турган табиий муҳит ҳолатининг инсоният жамияти ва табиатнинг ўзаро таъсири натижасида ёмонлашиши табиатдан фойдаланиш рационаллаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш заруратини келтириб чиқаради. Табиатдан фойдаланиш (амалий фаолият сифатида) – жамиятнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиий ресурсларни тадқиқ қилиш. Табиатдан фойдаланиш (фан сифатида) – билимларнинг табиатдан рационал (ақл билан) фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

Бошқача айтганда, табиатни муҳофаза қилиш – инсонлар жамияти билан табиатнинг ўзаро муносабатларини оптималлаштириш бўйича тадбирлар тизими. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти атмосферани, сувни, тупроқни, ер қаърини, ўсимликларни, ҳайвонот оламини муҳофаза қилишга бўлинади. Масъулият - тушунчаси араб тилидан таржима қилинганда «жавобгарлик», «ҳисоб бермоқлик» маъноларини англатиб, бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун жавобгарликни англатади. Ўзбек тилида «масъулият» тушунчасининг муқобили сифатида «жавобгарлик» тушунчаси бевосита қўлланилади. Масалан, давлат жавобгарлиги, ҳуқуқий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик ва ҳоказо...

«Тарбия» энциклопедиясида «масъулият» тушунчасининг ижтимоий-фалсафий, педагогик ва психологик моҳияти очиб беришга уринилган. Ишда дастлаб «масъулият» тушунчасига таъриф берилган. Яъни, масъулият — хатти-ҳаракатлар ҳамда уларнинг оқибатлари натижаси учун бўлган жавобгарлик. Айни ўринда берилган таъриф юзасидан қуйидаги фикрни билдириб ўтиш лозим: оқибат ва натижа тушунчалари моҳиятган бир хил ҳодисани, яъни хатти-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён, вазиятларнинг якуний ҳолатини ифодалайди. Шу сабаби «оқибатларнинг натижаси» иборасини эмас, балки фақатгина «оқибат» тушунчасининг ўзини қўллаб, «оқибат учун жавобгарлик» дея талқин етиш кифоя еди. Келтирилган таъриф тўлиқ ҳолда қуйидагича ифодаланган бўларди: масъулият — хатти-ҳаракатлар ҳамда уларнинг оқибатлари учун жавобгарлик».

Манбада «масъулият» тушунчаси негизида акс етувчи шахс фаолияти, хатти-ҳаракатларининг ғоявий ва амалий жиҳатлари шундай ёритилган: масъулият ғоявий тарбия (бу ўринда «ижтимоий тарбия» ибораси қўлланилиши зарур еди) мезонларидан бири бўлиб, одам (шахс) нинг ҳар бир амалий фаолияти маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда унинг ўзи ва ўзгалар учун ним наф келтиришини англай олиш қобилиятидир. Масъулият бола ҳаётининг илк йилларидан тарбияланади. Ота-оналар болага топширилган ишни у қандай бажараётганига еътибор қиладилар (вақтида ва тўлиқ бажаряртими ёки йўқми), унга ёрдам берадилар, қилган ишлари учун жавоб беришга, ҳар бир ҳаракати қандайдир оқибатга олиб келиши тўғрисида фикрлашга, ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилишга ўргатадилар. Ўқувчиларда масъулият унинг ахлоқий тарбияланганлиги даражасини кўрсатувчи барқарор хусусиятга айланиши лозим.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

“Табиатни муҳофаза қилиш” атамаси табиатни муҳофаза қилиш бўйича 1913 йилда Швейцарияда ўтказилган 1-халқаро съезддан кейин кенг тарқалди. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида, ҳали инсоннинг табиатга кўрсатадиган таъсири маҳаллий хусусиятга эга бўлган пайтларда, табиат муҳофазаси деганда алоҳида



қашшоқлашиб бораётган табиий объектларни хўжалиқда фойдаланишдан чиқариб ташлаш йўли билан сақлаб қолиш тушунилар эди. Шундан келиб чиқиб, табиатни муҳофаза қилиш асосан кўриқхоналарни, резерватларни, миллий боғларни яратишдан, камёб ҳайвонларни овлашни таъқиқлаш, табиий ёдгорликларни муҳофаза қилишдан иборат эди.

И.В.Ирхинанинг тадқиқот ишларида инсонни оламнинг ақлли, ҳам ташқи олами, ҳам ички, маънавий олами фаол ўзгартиришга қодир яшовчиси сифатида қарайди [3].

Бундан П.А.Флоренскийнинг қуйидаги мулохазаларини келтириб ўтиш мумкин бўлади: табиатни асраганда биз инсонни асраймиз, ва аксинча, олами ўзгартириш асосида инсоннинг ўзгариши ётади [4].

И.В.Ирхинанинг тадқиқот ишларида инсонни оламнинг ақлли, ҳам ташқи олами, ҳам ички, маънавий олами фаол ўзгартиришга қодир яшовчиси сифатида қарайди [3].

Шундай қилиб, инсонга, ривожланиш усуллари ва шарт-шароитларига қаратилган диний-фалсафий фикр, инсонни билишнинг фаол субъекти сифатида қаровчи табиатдан рационал фойдаланишнинг методик асоси ҳисобланади. Рус файласуф-космистлари оламнинг ҳаёт ва инсон космосдан ажратилиши мумкин бўлган манзарасини бузишди.

Жамият, инсон ва табиатнинг бирлигини англашни табиатдан рационал фойдаланишнинг методологик базаси сифатида қараш мумкин, бунда индивид ўзини индивидуал, ижтимоий ва табиий шахс сифатида ривожлантиради. Инсоннинг муаммосини «инсон-табиат-жамият» тизимида ишлаб чиқувчи коэволюция назарияси табиатдан рационал фойдаланишнинг фалсафий асоси ҳисобланади. «Коэволюция» атамасидан ўтган асрнинг 60-70-йилларида «ноосфера» атамасининг қулай талқини сифатида фойдаланила бошланди. Ноосфера ҳақидаги назарияни замонавий антропокосмизм асосчиларидан бири В.И.Вернадский асослаб берган, у космик ҳаётни ягона яхлит оламнинг бир қисми сифатида қарайди. Бунда ақлий ҳаёт биосферада жойлашган тирик модда монолитининг бир қисми сифатида қаралади» [5].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни табиат билан таништиришда ДТСда берилган табиатга оид билимларни шакллантириш мақсадида маълумотлар билан яқиндан таништирилади. Белгиланган ҳар бир синфлар учун табиатга оид билим, кўникма, малакалар ҳақида маълумотга эга бўлишди. Ўқитувчи ҳар бир фаслда олиб борадиган табиат ҳақидаги билимларини тўғри режалаштиришни, ер майдончасидаги ўсимликлар, тирик бурчакдаги хона ўсимликлари парвариш қилиш кўникмаларини, қафасдаги қушлар билан таништиришни тўғри йўлга қўйиши зарур. Таълим босқичларидаги ўқитувчиларнинг маҳоратини такомиллаштириш учун амалий тақлиф ва тавсиялар берилган. Бу борада ўзига хос педагогик методлар таълим оловчини маълум тарбиявий натижасида шаклланган бўлиб, билимларни эгаллаш, кўникмаларни ҳосил қилиш, қобилиятларни ўстириш, ахлоқий сифатни шакллантиришга йўналтирилган фаолиятдаги педагогик усулидир. Методларни танлаш ва қўллашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, психологияси, билимлари, дастур талаблари, ўз ўлкаси иқлимининг табиати, педагогик методларидан фойдаланилди.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик онгни шакллантиришга оид билимларни такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- жонли ва жонсиз табиатга мисоллар келтириш;



- табиат ҳодисаларига ўз муносабатларини билдириш;
- шамол-ҳавонинг ҳаракати эканлиги ҳақида кўникмаларга эга бўлиш;
- сувнинг асосий хусусиятлари тушунтириб бериш;
- океан, денгиз, дарё ва кўлларни бир биридан фарқлаш;
- табиатда сувнинг айланма ҳаракатининг хусусиятларини ёритиб бериш;
- атмосферадаги ҳодисалар (булут ва ёғинларнинг пайдо бўлиши);
- фойдали қазилма бойликлари таркибини тартиб билан санаб ўтиш;
- фойдали ва зарарли ҳашаротларни билиш.

Ўқувчилар томонидан сувнинг музлаши, музнинг эриши, яшаш жойидаги кенг тарқалган ўсимлик ва ҳайвонларни тавсифлай олиши, энг муҳим маданий ўсимликларни парвариш қилиш ва ҳосилини йиғишни тавсифлай олиш, манзарали дарахт ва ўсимликларнинг аҳамиятини тушуниб етиш, табиат манзараларини англай олиш муҳим ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчилари мактабларининг ер майдонларидаги ерга ишлов бериш, ўсимлик ва гул ўтказиш; гигиеник қоидаларга амал қилиш; табиатни муҳофаза қилиш, табиатда ўзини тутиш қоидаларига амал қилиш; “Қизил китоб”га кирган 5 ёки 6 та ўсимлик, 3-4 та ҳайвон турларини айтиш; гербарийларни тайёрлаш; табиий жараёнлар юзасидан мунтазам кузатишлар олиб бориш, кундалик олинган маълумотларни ўрганишни ниҳоясига етказган ҳолда ҳулосаларни умумлаштириб, ўқитувчисига топширишлари керак.

4-синфларда дарс машғулоти сифатида ўқитиладиган табиатшунослик фанидан билим даражасини мустаҳкамлашда бир қатор ўқув соҳасига оид жараёнларни амалга ошириш лозим. Коинотнинг бепоёнлиги, юлдузлар, улканлиги; ер, қуёш ўлчамлари; ярим шарлар табиий харитаси; тоғ, ўрмон, чўл, дашт табиати; уфқ томонлари; ер юзасини асосий шакллари, уларнинг табиий харитада тасвирланиши; ўсимлик ва ҳайвонлар инсон ҳаётидаги ўрни; Ўзбекистондаги йирик кўриқхоналар; глобус ернинг андозаси эканлиги; фойдали қазилмаларни харитада тасвирланиши каби манбаларни дарс давомида тизимли ташкил этиш даркор.

Бошланғич синф ўқувчиларининг 1- 2-синфлари учун “Атрофимиздаги олам” фани ўқитилиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат: фанлар ва табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш, тизимга солиш, уларнинг ахлоқий кўникмаларини бойитиш, одамлар ҳаёти ва меҳнатига қизиқиш уйғотиш, оила, мактаб, жамоат жойларида ўзини тўғри тутиш кўникмаларини шакллантиришдир. Мактаб шароитида атроф-муҳит билан таништириш ўқувчиларни самарали таълим олишларига имкон беради, чунки, бу ёшда болаларнинг етакчи фаолиятини ҳисобга олган ҳолда таълим берилади.

Назарий ва амалий кузатишлар бир неча йўналишда ташкил қилинади: об-ҳаво; жонсиз табиатнинг ҳар хил компонентларининг йил фасллари бўйича ҳолати тупроқ, сув ҳавзалари, кеча ва кундузнинг давомийлиги; ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги мавсумий ўзгаришлар; инсонларнинг мавсумий меҳнат фаолияти ва уларнинг йил фасллари бўйича ўзгариши; табиатда учрайдиган айрим турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кузатиш. Об-ҳаво ҳар куни кузатиб борилади, табиатнинг бошқа объектлари ва ҳодисалари узоқ ёки қисқа муддат давомида кузатилади.

Табиатдаги мавсумий ўзгаришларни кузатиш жараёнида ўқувчилар ўсимликлар ва ҳайвонларнинг баъзи турлари, ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган шароитлар ўсимлик



ўсишининг ташқи шароитга, яъни иссиқлик, ёруғлик, намлик, тупроқ ҳолатига боғлиқлиги, турли йил фаслларида ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан танишадилар.

- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Шундай қилиб, бошланғич мактаб табиатшунослик курсининг дастурий материали бошланғич синф ўқувчиларида табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасавурларни шакллантириш етарлича имкониятларга эга.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда табиатдан рационал фойдаланиш ҳақидаги тасавурларни шакллантиришда тарбиявий таъсир кўрсатишнинг шакллари ва методлари муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтамиз. Табиатшунослик дастурида, хусусан, экологик тарбиянинг самарадорлиги ўқитувчи бу мақсадда экскурсиялардан, тажрибалар кўрсатишдан, табиатни кузатишлардан фойдаланганида кучайиши таъкидланади. Иккинчи курсда битта жойга экскурсиялар йилининг турли фаслларида ўтказилиши таъкидланади, бунда жонли ва жонсиз табиатдаги ўзгаришлар, жонажон ўлкага муҳаббат яққол намойиш қилинади. Экскурсияларда ўқувчилар табиатда ўзини тўғри тутиш, пухта ўйланган меҳнат фаолияти малакаларини мустаҳкамлайдилар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа
2. Реймерс М.Ф. Природопользование: Словарь-справочник / Реймерс М.Ф. - Ат: Мысль, 1990- - 637 с.
3. Ирхина И.В. Развитие дидактической системы учителя в контексте антропологической парадигмы: Монография /И.В. Ирхина. Барнаул :Изд-во БГПУ, 2003. - 219 с.
4. Флоренский, ПА- У водоразделов мысли ПАФлоренский // Символ, -1992. -№ 28, - с. 188
5. Вернадский, В.И. Научная мысль как планетарное явление / В.И. Вернадский. - М.1993. - С 495-505

BENEFITS OF USING PRACTICAL PEDAGOGICAL SOFTWARE AND NETWORKED PROGRAMS FOR LEARNING DISTANCE LEARNING BIOLOGY

Жўраева Хушрўя

Фарғона давлат университети

Табиий фанлар факултети ўқитувчиси

E-mail: xushroydjuraeva@gmail.com

***Annotation:** This article includes knowledge about practical pedagogical software in distance learning biology and the benefits of using web-based programs for teaching. Such tools have come to be known as online learning programs. It is advisable to use these programs in the distance learning system. Independent work with educational networking programs can help build students' interest in learning.*

***Key words:** network programs, teaching methods and techniques, teaching materials, distance learning, game situations, video tutorials, smartphones, laptops, netbooks and tablets*



ПРЕИМУЩЕСТВА ПРИМЕНЕНИЯ ПРАКТИЧЕСКОГО ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И СЕТЕВЫХ ПРОГРАММ ДЛЯ ОБУЧЕНИЯ ДИСТАНЦИОННОМУ ОБУЧЕНИЮ БИОЛОГИИ

Жўраева Хушрўя

Аннотация: Эта статья включает в себя знания о практическом педагогическом программном обеспечении в дистанционном обучении биологии и преимуществах использования сетевых программ для обучения. Такие инструменты стали известны как сетевые программы обучения. Эти программы желательно использовать в системе дистанционного обучения. Самостоятельная работа с образовательными сетевыми программами может помочь сформировать у студентов интерес к учебе.

Ключевые слова: сетевые программы, методы и приемы обучения, учебные материалы, дистанционное обучение, игровые ситуации, видеуроки, смартфоны, ноутбуки, нетбуки и планшеты.

БИОЛОГИЯ ФАНИНИНИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ҲАМДА ТАЪЛИМГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРМОҚ ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада биология фанини масофавий ўқитишда амалий педагогик дастурий таъминоти ҳамда таълимга мўлжалланган тармоқ дастурларидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. Бундай воситалар таълимга мўлжалланган тармоқ дастурлари деб атала бошлади. Айнан шу дастурлардан масофавий ўқитиш тизимида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таълимга мўлжалланган тармоқ дастурлари билан мустақил ишлаш фаолияти ўқувчиларда билишга қизиқишни шакллантиришга ёрдам бериши мумкин

Калит сўз: тармоқ дастурлари, ўқитиш метод ва усуллари, ўқув-методик материал, масофавий ўқитиш, ўйинли вазиятлар, видео-ўқув материаллари, смартфонлар, ноутбуклар, нетбуклар ва планшетлар.

Кириш. Глобаллашув жараёнида таълимни ташкил этишда тезкорлик ва сифат кўрсаткичларига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ахборот оқими тобора шиддатли тус олаётган айни вазиятда тингловчиларни зарур билимлар билан қуроллантира олишга эришиш ҳар бир педагогнинг касбий компетентлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири саналади. Ўқув жараёнининг дидактик имкониятлари “талаба-талаба” ёки “талаба-педагог” тамойили асосида тингловчилар томонидан ўқув материалларининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан самарали ўзлаштириш имконини беради. Замонавий таълимнинг ташкил этилишига қўйилаётган талаблар орасида ОТМ талабаларининг мустақил таълим олишларига эришиш ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Масофадан ўқитиш техника ва технологияларнинг сўнгги намуналаридан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларга улар учун қулай шароит, муҳитда билимларни ўзлаштириш, касбий жиҳатдан шаклланишлари учун шароит яратишга хизмат қилади.

Айни вақтда таълим олувчиларнинг шахсий, касбий хусусиятларида сифат ва миқдор йўқотишларга йўл қўймасдан туриб, ўқитиш жараёни қандай қилиб энг мақбул тарзда ташкил этиш мумкин деган масала қўйилмоқда.



Қуйидаги вазифаларнинг ижобий ҳал қилиниши юқорида қайд этилган саволнинг энг мақбул ечими бўла олади:

- ўқитиш метод ва усулларини индивидуаллаштириш, интеллектуаллаштириш;
- ижодий қабул қилиш ва ўқув-методик материални самарали ўзлаштириш;
- дидактик воситаларнинг таълим жараёни иштирокчилари ўртасида фаол мулоқотни шакллантиришга хизмат қилиши;
- таълим олувчиларнинг билиш қобилиятини ривожлантириш.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Биологияни масофавий ўқитишда битта интерфаол муҳитга бирлаштирилган компьютерда ўргатувчи дастурлар мажмуасидан ташқари алоҳида компьютер дастурларидан ҳам фойдаланилади.

Ўқитишнинг бу воситалари 1970-йилларнинг бошларида шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиш даврида юзага келган. Амалий педагогик дастурий таъминот номли бундай воситалар энг кўп учрайди. Бироқ умумтаълим муассасаларини компьютерлаштириш ва кўп сонли компьютерлар мавжуд бўлгандан сўнг локал тармоқ тизимида (компьютерларни асосий – сервер базасида бирлаштириш) фойдаланилиши мумкин бўлган амалий педагогик дастурий таъминотлар пайдо бўла бошлади. Бундай воситалар таълимга мўлжалланган тармоқ дастурлари деб атала бошлади. Айнан шу дастурлардан масофавий ўқитиш тизимида фойдаланиш мақсадга мувофиқ (ўқувчининг иш жойи тегишли техник таъминотга эга бўлганда).

Амалий педагогик дастурий таъминот ва таълимга мўлжалланган тармоқ дастурлари деб бирор фан соҳаси акс эттириладиган, уни ўрганиш технологияси у ёки бу даражада амалга ошириладиган, ўқув фаолиятининг ҳар хил турларини амалга ошириш учун шароитлар таъминладиган воситага айтилади. Бундай дастурий воситалар одатда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда, ўқувчи шахсини ривожлантириш, ўқитиш жараёнини жадаллаштириш ва бошқа мақсадларда анъанавий ўқув-тарбиявий жараён учун мўлжалланган бўлади.

Декан факультета «Педагогическая психология» НамГУ. +998902786892

Махмудов Н.Н

Преподаватель кафедры «Физическая культура» НамИСИ .+998990390708

Nurillo.mahmudov.90@mail.ru

***Аннотации:** В данной научной статье представлена информация об изменениях в системе высшего образования во время пандемии Covid-19 и новом подходе к организации и ведению учебного процесса во время пандемии, использованию инновационных и педагогических технологий на занятиях и их эффективности..*

***Ключевые слова:** педагогическая технология, инновация, метод, интерактивный метод, дистанционное обучение.*

THE EFFECT OF THE COVID-19 PANDEMUM ON HIGHER EDUCATION AND CHANGES IN THE EDUCATION SYSTEM.

Boltaeva M. L. Candidate of Pedagogical Sciences.

Dean of the Faculty of "Pedagogical Psychology" NamSU. +998902786892

Makhmudov N.N.

Lecturer of the department "Physical culture" NamICI.+998990390708

Nurillo.mahmudov.90@mail.ru

***Annotation:** This scientific article provides information on changes in the higher education system during the Covid-19 pandemic and a new approach to organizing and maintaining the*



educational process during a pandemic, the use of innovative and pedagogical technologies in the classroom and their effectiveness.

Keywords: *pedagogical technology, innovation, method, interactive method, distance learning.*

Koronavirus pandemiyasi ko'p sohalarda insonlar hayot tarzini tubdan o'zgartirishga sabab bo'ldi. Hatto konservativ soha hisoblanadigan ta'lim tizimini ham yangi sharoitlarga tezkor moslashishga va o'zgacha tartib-qoidalar bo'yicha ish olib borishga majbur qildi. Dunyo bo'ylab 1.4 milliard o'quvchi yoshlar an'anaviy ta'lim olish jarayonidan mahrum bo'lishdi. Chunki barcha ta'lim muassasalari yangi formatga o'tib, ommaviy tarzda masofali o'qitish tajribasini qo'llashga majbur bo'lishdi. Bu esa bir qator muammolarni keltirib chiqarishi tabiiy edi. Birinchidan, internet texnologiyalaridan foydalanish uchun o'qituvchi va talabalarda raqamli savodxonlikning yetarli emasligi, ikkinchidan, internet tezligining pastligi, uchinchidan esa, ba'zi mamlakatlarda internetga ulanish imkoniyatining kamligi yoki aholining aksariyat qismi uchun deyarli yo'qligi va to'rtinchidan, aksariyat ta'lim oluvchilarda masofaviy o'qish uchun texnik vositalarning (kompyuter, noutbuk, gadjetlarning) mavjud emasligi. Shubhasiz, bunday holat ta'lim sifatiga salbiy ta'sir etmasdan qolmadi, texnik nosozliklar va boshqa omillar o'quv jarayonida uzilishlarga olib keldi. Ba'zi mutaxassis va talabalarning fikriga ko'ra onlayn ta'lim jarayonida ular qaysi qanday iqtisodiy jihatdan tejamkorlikka erishilgan bo'lsada lekin yetarlicha ta'lim sifatida va ko'plab qimmatbaho amaliyotlarning ustuvorligini shubxa ostiga qo'ydi.

Karantin davrida barcha ta'lim tizimlarining masofali rejimga o'tganligi o'z navbatida, uning qanchalik samaraliligi va davomiyligi haqida bir qator savollarni keltirib chiqarmoqda. Darhaqiqat, ta'lim, jumladan, oliy ta'lim tizimi endi o'zgacha formatda bo'ladi.

Ta'lim sohasi mutaxassislarining hisob-kitobi bo'yicha, endilikda oliygohlarning ko'pchiligi odatdagi o'qitish shakliga qaytishni xohlashmaydi. Talabalarni ham an'anaviy (klassik) ma'ruza va seminar darslar bilan qiziqitirish mushkul bo'lib qoladi. Qiziqish bo'lmasa bilim olishga motivatsiya ham yo'qoladi. Hozirgi talabalar kerakli ma'lumotlarni internetdagi ochiq manbalardan hech qanday to'siqlarsiz olish imkoniga ega, binobarin, endilikda o'qituvchi vazifasiga nafaqat bilim berish, balki ko'nikmalarni rivojlantirish va tajriba almashish kiradi. Demak, o'quv jarayonining nazariy qismini to'liq bo'lmasada, qisman (ta'lim yo'nalishlarining o'ziga xosligini hisobga olgan holda) onlayn formatga o'tkazsa bo'ladi. Biroq, ta'lim oluvchilarning o'z bilim va ko'nikmalarini amalda namoyon qilishi va rivojlantirishi uchun talaba va o'qituvchi o'rtasida o'rnatilgan doimiy aloqa hisobiga, offlayn ta'limning imkoniyatlari cheksizdir. Shu bois, onlayn va offlayn ta'limni birgalikda olib borish ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlaydigan eng maqbul yo'ldir.

O'zbekistonda ham bunday tizimda o'qitishga qisman tayyor bo'lsada ammo bir qancha qiyinchiliklar ta'lim sohasida kuzatila boshladi. Birinchi navbatda oliy ta'lim muassasalari platformalarida Moodle tizimi shakllantirilib, unga barcha o'quv predmetlari bo'yicha elektron resurslar joylashtirilgan edi. Undan tashqari ko'plab o'qituvchi va o'quvchilarda kompyuter savodxonligi yetarli darajada emasligi, va internet tezligi bilan bog'liq muammolar ta'lim olish sifatiga biroz salbiy ta'sir ko'rsatar edi.

Dunyoning yetakchi mamlakatlaridagi o'quv yurtlari o'zlarining o'quv uslublarini tubdan o'zgartirishdi va o'zlarining ta'lim va siyosat modellarini qayta ko'rib chiqishdi. Jumladan, birinchilardan bo'lib bo'lib Xitoy mamlakati pandemiya davrida 250 millionga yaqin talabalarga onlayn platformalar orqali o'qishni davom ettirishni ta'kidlagandan so'ng, 2021



fevral oyining o'rtalaridan boshlab Tencent onlayn maktabi birinchilardan bo'lib onlayn rejimda o'quvchilarga dars bera boshladi. Ushbu maktabda 730,000 yaqin o'quvchi yoshlar taxsil ola boshladi. Bu esa tarixdagi eng yirik " onlayn harakat" tashkil etgan maktab sifatida tarixga kirdi.

Biroq onlayn o'qitishning birinchi talabi bo'lmish ishonchli va tezkor internet hamda kompyuter yoki axborot texnologiyalarini almashishga ega bo'lmagan talabalar raqamli o'qitishda ko'plab qiyinchiliklarga duch kelishdi. Misol uchun, Shveytsariya, Norvegiya va Avstriya o'quvchilarining 95% kompyuterga ega bo'lsa, Indoneziyada esa bu ko'rsatkich faqat 34% ni tashkil etardi. Amerika Qo'shma Shtatlarida esa boy va kam ta'minlangan oilalar o'rtasida katta tafovut mavjud: 15 yoshli bolalarning deyarli barchasi boy oila vakillari ishlash uchun kompyuterlari borligini aytishgan, qariyb 25 foiz aholisi esa bunday imkoniyatga ega emasligini ta'kidlashgan.

Axborot texnologiyalaridan yetarlida darajada foydalana oladigan va ta'minlangan mamlakatlar o'quvchilarida onlayn o'qitishning foydali ekani to'g'risida dalillar bor. Ba'zi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, talabalar internetda o'qish paytida o'rtacha 25-60% ko'proq materialni yaxshi o'zlashtirishadi, bu ko'rsatkich esa sinfda atigi 8-10%. Elektron ta'lim an'anaviy sinflarga qaraganda 40-60% kamroq vaqt talab qiladi, chunki talabalar o'z xohishlariga ko'ra, orqaga qaytib, qayta o'qish, o'tkazib yuborish yoki o'zlari xohlagan tushunchalarni tezlashtirishlari mumkin.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek rejasiz va tezkor onlayn o'qishga o'tish, qisqa vaqt ichida o'zgina tayyorgarlik bilan ta'lim boshlash ta'lim oluvchilarni va foydalanuvchilarni tajribasining yomonlashishiga olib keldi, bu esa barqaror o'sish salbiy ta'sir ko'rsatishi tabiiy edi. Shu bilan birga, "onlayn o'qitish" atamasining o'zi har safar o'qituvchi bilan yuzma-yuz muloqotning yo'qligi sabab berilayotgan ma'lumotlarni yuzma-yuz taxlil qilish imkonini pasaytirib yubordi. Bundan tashqari talabalar semestr yakuni topshirish jarayonida o'qituvchilarning ko'magisiz va maslaxatisiz topshirganliklari ularni ushbu fanlarni to'liq tushunib yetishlari va fan to'g'risida yetarli darajada ma'lumotga ega bo'lmasliklariga olib keldi. Mavjud texnologiyalar asosida ta'lim berish va ta'lim olish ta'lim bizga xar-xil formatdagi ta'lim texnologiyalarini (onlayn o'qitish, masofadan o'qitish, aralash o'qitish, mobil o'qitish va boshqalar) taxlil qilishni ularni afzalliklari va kamchiliklarini baxolash imkonini yaratdi.

Bunday holatda, onlayn -o'qitish atamasini ommaviy ochiq kurslardan foydalanishda ham ishlatish mantiqsiz bo'lar edi, chunki o'quvchilar semestr o'rtalarida ularga oldindan tashkiliy chora -tadbirlarsiz va mualliflarning to'g'ri ko'magisiz favqulodda topshirilgan. onlayn kurslar talabalarga ushbu texnologiyaning afzalliklarini to'liq his qilishlariga imkon bermaydi.

Ammo bu sistemaning muhim afzalliklaridan biri ta'limda yangicha gibrid modelini paydo bo'lishi edi. Ya'ni ta'limda axborot texnologiyalarining integratsiyasi yanada tezlashadi va oxir -oqibat onlayn ta'lim ta'limining ajralmas qismiga aylanadi.

Bundan tashqari bu sistema pandemiya davrida suhbat guruhlari, video uchrashuvlar, ovoz berish va hujjatlarni almashish orqali talabala bilan yanada samarali va samarali muloqot qilish imkonini berdi. Ko'plab mamlakatlarda o'quv darslari "Lark" va "Zoom" platformalari orqali muloqot qilish talabalar va o'qituvchilar o'rtasidagi muloqotni osonlashtirdi.

Yuqoridagi fikrlarga quyidagi mulohazalarimni qo'shimcha qilishni o'rinli deb o'ylayman. Haqiqatdan ham, ta'lim tizimining favqulodda masofaviy va onlayn shaklga o'tishi, butun dunyoda bo'lgani kabi, respublikamiz oliy ta'lim tizimini yangi sharoitlarga moslashishiga majbur qildi. Faoliyatni raqamli formatga o'tkazishda oliy ta'lim muassasalari



asosan IT infratuzilma bilan bog'liq texnik qiyinchiliklarga duch keldi. Shu bilan birga, bu vaziyat boshqa bir muammo, joriy va oraliq nazorat ishlarida talabalar tomonidan bir-biridan ko'chirish muammosini keltirib chiqardi. Ya'ni hozirgi kunda butun dunyoda ommaviy ravishda kurash olib borilayotgan plagiat muammosi yanada bu tizimda kuchayishga olib keldi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Choriev, R. K., Khakimova, M. F., Daminov, O. O., Gaffarov, H. R., & Tuychiev, K. E. (2020). Mechanisms of professional competence development for future teachers. *Solid State Technology*, 63(2).
2. Boltaeva M. L., Mahmudov N. EMERGENCY INSTEAD OF MATERNITY EDUCATION PROCESS DEVELOPING TRAINING ACTIVITIES //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 6. – С. 456-459.
3. Umida B. Ways of Improving the Organization and Management of Socio-Spiritual Environment in Secondary Schools //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES. – 2021. – T. 2. – №. 6. – С. 98-103.

РОЛЬ УЧИТЕЛЯ В ВОЗНИКНОВЕНИИ И РАЗРЕШЕНИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНФЛИКТОВ

Суяров Нодиржон Тахирович
преподаватель (НамГУ) (suyarov81@mail.ru)

***Аннотация.** В статье описываются структура и типы педагогических конфликтов, предпосылки их возникновения; рассматриваются особенности педагогических конфликтов, а также специфика их урегулирования.*

Для того, чтобы разрешить конфликт, необходимо выбрать стратегию поведения в нем. Понимание причин возникновения конфликтов и успешное использование механизмов управления ими возможны только при наличии у будущих педагогов знаний, умений и соответствующих личностных качеств.

***Ключевые слова:** педагогический конфликт; стратегия поведения; урегулирование; конфликтант; учебно-воспитательная деятельность; компромисс; инцидент*

THE ROLE OF THE TEACHER IN THE EMERGENCE AND RESOLUTION OF PEDAGOGICAL CONFLICTS

Suyarov Nodirjon Taxirovich
Associate a teacher NamSU (suyarov81@mail.ru)

***Abstract.** The paper describes the structure and types of pedagogical conflicts, the prerequisites for their occurrence; the features of pedagogical conflicts, as well as the specifics of their settlement.*

In order to settle a conflict you must choose a strategy of behavior in it. Understanding the causes of conflicts and the successful use of mechanisms to arrange them are possible only if future teachers have knowledge, skills and appropriate personal qualities.

***Keywords:** pedagogical conflict; strategy of behavior; settlement; conflictant; educational activities; compromise; incident*



ПЕДАГОГИК ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ҲАЛ ЭТИЛИШИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ЎРНИ

Суяров Нодиржон Тахирович НамДУ ўқитувчиси. (suyarov81@mail.ru)

Аннотация: Мақолада педагогик зиддиятларнинг тузилиши ва турлари, уларнинг пайдо бўлишининг олд шартлари тасвирланган; педагогик конфликтларнинг хусусиятлари, шунингдек уларни ҳал этиш хусусиятлари.

Можарони ҳал қилиш учун сиз унинг стратегиясини танлашингиз керак. Можаролар сабабларини тушуниш ва уларни тартибга солиш механизмларидан муваффақиятли фойдаланиш фақат бўлажак ўқитувчилар билим, кўникма ва тегишли шахсий фазилатларга эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади.

Калит сўз: педагогик зиддият; хатта-ҳаракатлар стратегияси; ҳисоб-китоб қилиш; зиддиятли; таълим фаолияти; бурса; ҳодиса.

Существуют различные определения конфликта, но все они подчеркивают наличие противоречия, которое принимает форму разногласий, если речь идет о взаимодействии людей.

Слово «конфликт» происходит от латинского *conflictus* - «столкновение» и обозначает столкновение сил, сторон, мнений и интересов людей, вызывающее определенные действия [Елисеев О. П.].

Конфликт - это столкновение противоположных целей, позиций, мнений и взглядов оппонентов или субъектов взаимодействия. Английский социолог Э. Гидденс дал такое определение конфликта: “Под конфликтом я имею в виду реальную борьбу между действующими людьми или группами, независимо от того, каковы истоки этой борьбы, ее способы и средства, мобилизуемые каждой из сторон”. Конфликт - это повсеместное явление. Каждое общество, каждая социальная группа, социальная общность в той или иной степени подвержены конфликтам. Широкое распространение этого явления и обостренное внимание к нему общества и ученых способствовали возникновению специальной отрасли социологического знания - конфликтологии.

Конфликты в образовательной сфере более чем естественны, так как это чрезвычайно динамичная, изменчивая и многообразная система. Сегодня все большее внимание уделяется проблемам взаимодействия участников образовательного процесса, а именно намечается тенденция к формированию и развитию конфликтологических компетенций не только у педагогов, но и у других участников образовательного процесса. К причинам возрастающего интереса к проблеме педагогических конфликтов можно отнести следующие: снижение интереса обучающихся к учению; понижение роли нравственного воспитания в образовании; преобладание авторитарного стиля педагогического общения; упадок престижа профессии педагога; высокий уровень конкурентности в социальной сфере общества.

Разработкой и исследованием проблемы конфликтов, в общем их понимании, занимались такие ученые как А.Я. Анцупов, О.П. Елисеев, Г.И. Козырев, Д.Г. Скотт и другие. Педагогические конфликты исследовали Н.И. Бараковская, С.В. Даниленко, В.И. Журавлев, Е.В. Куприянчук, И.А. Курочкина, С.А. Мустафаева, М.М. Рыбакова, С.Ю. Темина, Р.Х. Шакуров, Н.Е. Щуркова.



Конфликты изучаются не только в рамках общей теории конфликтов, но и с учетом особенностей сферы их протекания. Так, сферой протекания педагогических конфликтов является образовательная среда. «Педагогический конфликт, - по словам С. В. Баныкиной, - можно рассматривать как возникающую в результате профессионального и межличностного взаимодействия участников учебновоспитательного процесса форму проявления обострившихся субъектно-субъектных противоречий, вызывающих чаще всего у них отрицательный эмоциональный фон общения, и предполагающую конструктивный перевод столкновения сторон конфликта в заинтересованное устранение его причин» [2, с. 11-12]. Таким образом, определяется сфера протекания педагогического конфликта (учебно-воспитательный процесс), активность участников (взаимодействие, в основе которого лежат субъект-субъектные противоречия), эмоциональный фон (отрицательные эмоции).

Представим несколько базовых классификаций конфликтов. А.Я. Анцупов и А.И. Шипилов выделяют следующие виды конфликтов: внутриличностные конфликты; социальные конфликты; международные конфликты [1, с. 10]. По результативности: конструктивные (позитивные) – отношения между членами группы сохраняются, принимают характер сотрудничества; деструктивные (негативные) – отношения между членами группы принимают характер борьбы, открытой вражды, что приводит к распаду группы. По проблемно-деятельностному признаку конфликты подразделяются на: управленческие; педагогические; производственные; экономические; политические; творческие.

Тип конфликтов, который подлежит нашему рассмотрению, относится к последней классификации. Педагогический конфликт – это «возникающая в результате профессионального и межличностного взаимодействия участников учебновоспитательного процесса форма проявления обострившихся субъект-субъектных противоречий, создающих отрицательный эмоциональный фон общения, предполагающая перевод столкновения сторон конфликта в заинтересованное устранение его причин» [2, с. 28].

Характеризуя педагогический конфликт, В. В. Базелюк обращает внимание на то, что открытое столкновение между субъектами педагогического взаимодействия обусловлено отсутствием взаимного учета образовательных целей, интересов, мотивов, потребностей, ценностей, требований каждого из них. Для установления педагогически целесообразных взаимоотношений между субъектами педагогического взаимодействия конфликт нуждается в конструктивном разрешении [2, с. 121]. А. В. Мельничук специфику педагогического конфликта видит в отсутствии «согласия в межкультурном педагогическом взаимодействии субъектов образовательного процесса, в структурных подсистемах учебного учреждения по достижению целей образования и выполнения социокультурного заказа общества» [4, с. 28-29]. Акцент при этом делается на негативных последствиях конфликтов, выражающихся в невыполнении государственных стандартов, программ, социокультурных общественных требований. Однако личностный аспект педагогических конфликтов в данном случае выпадает из поля зрения. Н. Б. Мельник подчеркивает, что «существенным в идентификации конфликта как педагогического является то влияние, которое он оказывает на формирование тех или иных качеств личности, на развитие личности» (5, с. 37).



Итак, в зависимости от взаимосвязей, описанных выше, исследователями выделяются следующие группы педагогических конфликтов [4]:

1. **профессиональные конфликты.** Причины: нарушение деловых связей, установление препятствий в профессиональной деятельности, некомпетентность педагога, низкий уровень мотивации (деловые взаимосвязи);
2. **конфликты ожиданий.** Причины: несоответствие поведения педагога нормам профессиональной этики и ожиданиям педагогического коллектива (ролевые взаимосвязи);
3. **конфликты личностной несовместимости.** Причины: личностные особенности, особенности характера и темперамента субъектов педагогической деятельности (личные взаимосвязи).

Педагогические конфликты можно классифицировать и по типам их проявления [2, с. 32]:

1. **подлинные (осознаются участниками конфликта);** в них отсутствует какой-либо изменяющийся фактор;
2. **случайные или условные** (возникают из-за наличия изменяющихся обстоятельств, не осознаваемых участниками конфликта);
3. **смещенные,** в которых воспринимаемые причины конфликта косвенно связаны с объективными причинами, лежащими в его основе;
4. **неверно приписанные,** когда конфликт причисляется совершенно другим людям, нежели тем, между которыми разгорается конфликт. Это может произойти случайно (отсутствие достоверной информации), либо специально (преднамеренное сокрытие самого конфликта или его участников);
5. **скрытые,** в которых конфликтные отношения в силу объективных причин должны иметь место, но не актуализируются;
6. **ложные,** возникающие вследствие ложных представлений или ошибки.

Мортон Дойч классифицирует конфликты по критерию истинности-ложности или реальности: (1) «подлинный» конфликт — существующий объективно и воспринимаемый адекватно; (2) «случайный, или условный» конфликт — зависящий от легко изменяемых обстоятельств, что, однако, не осознается сторонами; (3) «смещенный» конфликт — когда имеется в виду явный конфликт, за которым скрывается другой, невидимый конфликт, лежащий в основании явного; (4) «неверно приписанный» конфликт — конфликт между сторонами, ошибочно понявшими друг друга, и, как результат, по поводу ошибочно истолкованных проблем; (5) «латентный» конфликт — конфликт, который должен был бы произойти, но которого нет, поскольку по тем или иным причинам он не осознается сторонами;

(6) «ложный» конфликт — когда отсутствуют объективные основания конфликта и последний существует только в силу ошибок восприятия и понимания.

Роберт Кричевский и Екатерина Дубовская при изучении процесса коллективного образования в группах выявили противоречия между возрастающими потенциальными возможностями группы ее актуальной деятельностью, а также между растущим стремлением группы к самореализации и самоутверждению и, одновременно, усиливающимися тенденциями включения личности в групповую структуру. Развитие группы имеет скачкообразный характер, и в



результате обострения противоречий и их последующих разрешений происходит переход группы с одного уровня на другой [5].

Т.А. Полозова выделила два вида внутригрупповых конфликтов:

- личностно-прагматичные – в их основе лежит несовместимость индивидуально прагматичных намерений, в итоге появляется поверхностный слой непосредственных эмоциональных отношений в группе;
- предметно-деловые – обусловлены противоречивостью сложной системой предметно-деятельностных взаимосвязей, в связи с чем в группе есть глубинный слой активности [9].

По типу разрешения конфликты можно разделить следующим образом: - конфликты, приводящие к уничтожению одной (или одного) из противоположных тенденций, установок, стереотипов, взглядов личности или группы – при антагонистическом характере конфликта (например, отказ от асоциального поведения);

- конфликты, приводящие к модификации обеих противоположных тенденций, сторон (например, взаимные уступки, прибегание к личностным защитами и пр.);

- конфликты, приводящие к отсрочке реализации или переориентации одной из несовместимых в данной ситуации потребностей, тенденций, установок личности или группы и к утверждению, признанию и победе другой стороны (например, договор о перенесении сроков выполнения заказа);

- конфликты, приводящие к выбору в данной ситуации одного из одновременно невозможных тенденций, линий поведения, вещей, не противоречащих друг другу (например, признание правоты партнера по частным вопросам).

По форме выражения бывают:

- конфликты того или иного направления действий, поведения («сближения - удаления», «сближения - сближения», «удаления-удаления»);

- конфликты того или иного качества, интенсивности действия, поведения (взаимные или односторонние несогласуемые действия, отказ от взаимодействия, помехи, агрессивные акты, насилие);

- конфликты, выражаемые знаками вербальной или невербальной коммуникации (молчание, взгляд, поза, мимика при восприятии соперника, тон речи, резкие выражения в разговоре, прозвища, устный и письменный спор и все другие особенности манеры обращения и общения);

- конфликты скрытые и открытые, маскируемые и демонстративные [7, с.136]

От позиции педагога зависит, насколько успешным будет вмешательство в конфликты учеников. Существует четыре основных позиции: 1) сохранение нейтралитета (учитель не вмешивается в конфликт); 2) целесообразное вмешательство в конфликт (учитель рассматривает причины возникновения конфликта и принимает решение как дальше поступить); 3) избегание конфликта (учитель убежден, что конфликт является показателем его неудач в воспитании); 4) авторитарное вмешательство в конфликт (учитель стремится подавить конфликт) [1: 94].

В разрешении конфликта многое зависит от самого педагога. Иногда следует прибегнуть к самоанализу для того, чтобы лучше осознать происходящее и попытаться положить начало переменам, тем самым, проведя границу между подчеркнутым самоутверждением и самокритичным отношением к себе. Основными формами завершения конфликта являются разрешение, урегулирование, затухание, устранение, перерастание в другой конфликт.



Без конфликтных ситуаций работать с учениками практически невозможно. Они присущи процессу обучения и общению учителя и учащихся. Но в то же время конфликтная ситуация является неким сигналом, звонком какого-то нарушения. Это возникшее, обнажившееся противоречие, и нельзя его игнорировать. Основным способом бесконфликтного педагогического общения является формирование более высокого уровня педагогического профессионализма, умение выйти из конфликтной ситуации без потери собственного достоинства.

Список литературы:

- 1. Анцупов, А.Я.** Конфликтология [Текст] / А.Я. Анцупов, А.И. Шипилов. – М.: Юнити, 2000. – 551 с. – ISBN 5-238-00062-6.
- 2. Баныкина С. В.** Педагогическая конфликтология: состояние, проблемы исследования и перспективы развития // Современная конфликтология в контексте культуры мира / под ред. Е. И. Степанова. – М.: УРСС, 2001. 457 с
- 3. Базелюк В. В.** Разрешение педагогических конфликтов : учеб. пособие. – Челябинск: ЧГПУ, 2005.140 с.
- 4. Елисеев О. П.** Практикум по психологии личности. СПб.: Питер, 2000. 560
- 5. Кричевский Р. Л., Дубовская Е. М.** Социальная психология малой группы: учеб.пособие для вузов. – М., 2001.
- 6. Мельничук А. В.** Педагогические основы управления конфликтами в поликультурном образовательном пространстве : дис.... канд. пед. н. – Ростов н/Д, 2004.207 с.
- 7. Мельник Н. Б., Осипова М. В.** Учебно-методический комплекс дисциплины «Педагогическая конфликтология» [Электронный ресурс] / Федер. агентство по образованию, Урал. гос. ун-т им. А. М. Горького, ИОНЦ «Толерантность, права человека и предотвращение конфликтов, социальная интеграция людей с ограниченными возможностями» [и др.]. URL: <http://elar.urfu.ru/handle/10995/1482> (дата обращения: 25.09.2014).
- 8. Почебут Л. Г., Чикер В.А.** Организационная социальная психология. - СПб: Речь, 2000.
- 9. Полозова Т. А.** Проблема конфликта в западной социальной психологии // Психологический журнал. – Т. 1. – № 6. 1980. – С. 126
- 10. Рыбакова М. М.** Конфликт и взаимодействия в педагогическом процессе / М. М. Рыбакова. – Москва: Просвещение, 1991. 128 с.
- 11. Шакуров Р. Х.** Причины конфликтов в педагогических коллективах и пути их преодоления / Р. Х. Шакуров, Б. С. Алищеров // Вопросы психологии. 1986. № 6. С. 67–76.



**ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.**

Турсунбоева Муҳлиса Анвар қизи

Фарғона политехника институти

Инглиз тили фани ўқитувчиси

Тел: 91 130-22-93 e-mail: mukhlisaturunboeva.19.12@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълимда табиий фанлар факултетида инглиз тилини ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш мақсадида коммуникатив компетенциядан кенг фойдаланишнинг аҳамияти ёритиб берилган. Табиий фанлар факултетларининг мутахассис тайёрлаш тизимини ташкил этишида унинг тез ўзгарадиган халқаро муносабатлар талабларига мос келиши, табиёт соҳасидаги умумжаҳон ҳамкорлик йўналишлари, касбий таълим таркибидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида таъкиданган.

Калит сўзлар: коммуникатив компетенция, касбий компетенция, табиий фанлар, методология, ахборот технологиялар, компетенция.

**ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ НА ЕСТЕСТВЕННОНАУЧНЫХ ФАКУЛЬТЕТАХ.**

Турсунбоева Муҳлиса Анвар қизи

Ферганский политехнический институт

Преподаватель английского языка

Тел: 91 130-22-93 e-mail: mukhlisaturunboeva.19.12@gmail.com

Аннотация: В данной статье подчеркивается важность использования коммуникативной компетенции с целью дальнейшего повышения качества преподавания английского языка на факультете естественных наук в высшей школе. В организации системы подготовки специалистов естественнонаучных факультетов, ее соответствии требованиям быстро меняющихся международных отношений, выделены направления универсального сотрудничества в области естественных наук, особенности изменений в составе профессионального образования.

Ключевые слова: коммуникативная компетенция, профессиональная компетентность, естественные науки, методология, коммуникативная компетентность, информационные технологии, компетентность.

**FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN TEACHING FOREIGN
LANGUAGES AT THE FACULTIES OF NATURAL SCIENCES.**

Tursunboeva Mukhlisa Anvar qizi

Fergana polytechnic institute

A teacher of English language

Tel: 91 130-22-93 e-mail: mukhlisaturunboeva.19.12@gmail.com



Annotation: *This article emphasizes the importance of using communicative competence in order to further improve the quality of teaching English at the Faculty of Natural Sciences in higher education. In the system of training specialists of natural science faculties, its compliance with the requirements of rapidly changing international relations, the directions of universal cooperation in the field of natural sciences, the peculiarities of changes in the composition of professional education are highlighted.*

Key words: *communicative competence, professional competence, natural sciences, methodology, communicative competence, information technologies, competence.*

Мамлакатимизда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳар томонлама ривожланишида чет тил таълими сифатини ошириш олий таълим муассасаларининг долзарб вазифаси ҳисобланиши билан бирга олий таълимдан кейинги босқичда мутахассис тайёрлаш тизимида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Табиий фанлар факултети талабаларига хорижий тилларни ўргатиш назарияси ва лингвотехнологиясини ишлаб чиқишда чет тилларни ўрганиш фақат олий таълим тизимидаги зарурий талаблардан бири бўлибгина қолмай, коммуникатив компетенциянинг шаклланишида ҳам муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Табиий фанлар йўналишларида фаолият юритаётган педагоглар фикрига кўра, чет тил мутахассислик фанларини ўргатишда восита бўлиб хизмат қилар экан, уни билишнинг аниқ чегарасини белгилаб олиш зарур. Шу билан бирга, таълимнинг бошланғич даврида талабаларга мулоқотни ўргатиш муайян даражада устуворликка эга бўлиб, унинг асосида талаба босқичма-босқич мулоқотнинг мазмун ва моҳиятини ўзлаштириб боради. Касбий таълимни ташкил этишда чет тилда олиб бориладиган мулоқот жараёни аста-секин мураккаблаштирилиб, тадрижий ривожлантириб борилади. Айни шу босқичда, чет тил амалий машғулотларида кундалик мавзуга оид диалоглар, сўз ва ибораларни ўргатиш билан чегараланиб қолинмоқда. Бундай юзаки ёндашув кейинчалик ўрганилаётган чет тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур тилдаги оғзаки нутқ малакаларини ривожлантириш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Бундай лингводидактик тушунчани чуқур таҳлил қилиш, чет тилда оғзаки нутқ малакаларини шакллантириш асосида лингвокультурологик билимларнинг пухта эгалланиши жуда зарурдир.

Мазкур зарурат бутунги давр олий ўқув юртларининг нофилологик факултетлари хусусан табиий фанлар факултетларида ҳам чет тил ўқитиш методикасини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда.

Маълумки, илмда табиёт соҳаси ўндан ортиқ фанларни ўз ичига олади. Бу соҳага оид маълумотларни хорижий манбалардан олиш бўлажак мутахассисларда инглиз тилидаги касбий коммуникатив компетенцияни шакллантиришда аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, чет тилда касбий коммуникатив компетенциянинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Илмий тадқиқотларда келтирилган маълумотларга кўра, ифодасиз, фонетик жиҳатдан нотўғри шакланган нутқ, нутқдаги мантиқий кескинлик, нутқий фаолиятдаги ижтимоий-маданий ва этник фарқланиш, ташқи кўриниш, хулқ-атвор билан боғлиқ номутаносибликлар коммуникатив тўсиқни келтириб чиқарувчи омиллардир. Чет тилда олиб бориладиган мулоқот чоғида қўлланадиган вербал (сўз билан ифодаланадиган) ва новербал (body language - ҳатти-ҳаракатлар) воситалар шифокорларнинг касбий фаолиятидаги обрўсига ва тиббий амалиётларнинг самарали бажарилишига ҳам салбий таъсир этади [1].



Табиий фанлар факултети талабалари учун маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида чет тилни билиш бошқа йўналишлар каби замон талабига айланди. Мутахассис тайёрлаш назариясида ҳам компетенция тушунчаси марказий ўринни эгаллай бошлади. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияси, касбий компетенция доирасини аниқлаш, ривожлантириш ва баҳолашга асосланган кўплаб ёндашувлар таъсирида шаклланади. Улар нафақат ўз фаолиятлари доирасида компетенцияга эга бўлиб қолмасдан, балки ҳамкасбларининг фаолиятини яхшилашга қаратилган касбий компетенцияни ҳам эгаллашлари назарда тутилади.

Коммуникатив компетенцияни ўрганиш жараёнидаги асосий мақсад сифатида фанга оид танланган мулоқот мавзулари, соҳалари ва вазиятларига мувофиқ: ўрганилаётган тилнинг лисоний ҳодисалари, она тили ва ўрганилаётган тилда фикр ифодалашнинг турли усуллари ҳақидаги билимларни ўзлаштириш тушунилади [2].

Россиялик олим Левитаннинг фикрига кўра, коммуникатив компетентликни ўрганиш фаолиятининг муваффақияти бу тинглаш ва ешитиш, қараш ва кўриш, ўқиш ва исботлаш қобилиятини ўз ичига олган ҳолда идрок қилинган матнни етарли даражада тушуна олишдир [3].

Л.А.Арасаратнам, А.А.Кедрович ва Ф.Гандолфи каби тадқиқотчилар эса шахснинг коммуникатив компетенциясини нутқий малакаларнинг юқори даражада шаклланганлигида ва маданиятлараро алоқаларда турли эътиқод, қадрият, меъёрларни ҳисобга олган ҳолда чет тилда мулоқот юритиши олиш, мулоқот услуги, мулоқот одобининг шаклланганлигида кўрадилар. [50, 84. 522–534., 108.1-8]

Табиий фанлар факултетларининг мутахассис тайёрлаш тизимини ташкил этишда унинг тез ўзгарадиган халқаро муносабатлар талабларига мос келиши, табиёт соҳасидаги умумжаҳон ҳамкорлик йўналишлари, касбий таълим таркибидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари ва динамикасини ҳисобга олиш муҳимдир. Шу билан бир қаторда, касбий кўп тиллик компетенцияси шаклланган, дунё миқёсидаги ахборот майдонида эркин мулоқот олиб бора оладиган тиббиёт мутахассисини тайёрлаш масалалари олдинги ўринга чиқди. Бироқ нофилологик факултетлардаги чет тил ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш натижаси ўқув материалида мавзулар, матнлар, машқ турлари касбий фаолият соҳасига етарли даражада йўналтирилмаганлигини кўрсатмоқда. Айтиш керакки, табиий фанлар факултети талабалари учун мўлжалланган чет тил ўргатувчи электрон дастурлар, асосан, умумтабиий маълумотлардан иборат ва қоғозда бажараладиган машқларнинг компьютерлаштирилган варианты тарзида тузилган, ўзбек тилида сўзлашувчи талабалар учун касбий соҳага йўналтирилган инглиз тилини ўргатувчи компьютер дастурлари мавжуд эмас.

Маълумки, таълимнинг якуний мақсадига дастурда кўзда тутилган муайян вазифаларни бажариш орқали эришилади. Аммо психологик ва педагогик шарт-шароитлар етарли бўлмаса, талабаларнинг ушбу курсни ўзлаштиришлари қийин кечади. Бунда асосий муаммолар ўқув фанининг табиий фанлар соҳасида мутахассис тайёрлаш тизимидаги ўрни ва аҳамиятининг илмий ва назарий жиҳатдан нотўғри талқин қилинганлиги, педагогик фаолиятнинг яхлитлиги ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган ёндашувларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, чет тил ўқитувчиларининг бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорликдаги педагогик фаолиятининг зарур дастурларда акс этмаганлигида кўринади. Шу билан бирга, муаммонинг ижтимоий-ташқилий аспекти ҳам илмий асосланиши ва ҳал этилиши зарур.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Витошко М.И. Значимость компетентностного подхода в обновлении содержания филологического образования / М.И. Витошко, Г.Н. Тараносова // Теория и методика непрерывного профессионального образования: Сборник трудов V Всероссийской научно-методической конференции. – Том 2. – Тольятти: ТГУ, 2003. – С. 37-51.
2. Мухамеджанова, С. Д. инглиз тилини ўргатишда талабаларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш / С. Д. Мухамеджанова. - Матн: бевосита / / ёш олим. — 2016. — № 10 (114). — Пп. 1254-1257. - УРЛ: <https://moluch.ru/archive/114/29557/> (кириш: 10.08.2021).
3. Левитан, К.М. О содержании понятия "коммуникативная компетентность". Перевод и межкультурная коммуникация. / К.М. Левитан. Екатеринбург.: Издательство АБМ, 2001. вып.2.89-91с.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚИТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Тошхонов Азизбек Турсунбоевич – Наманган давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада интеграциялашган ўқитишнинг психологик асослари, махсус тил – метатилининг мавжудлиги тўғрисида муаллифларнинг фикрлари ўрганилган ва “Мен-концепсияси” ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: психология, мен-концепсияси, интеграция, морфология, метатили.

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА В ВЫСШЕМ
ОБРАЗОВАНИИ**

Тошхонов Азизбек Турсунбоевич - преподаватель Наманганского государственного университета.

Аннотация. В статье исследуются психологические основы интегрированного обучения, взгляды авторов на существование особого языка - метаязыка, даются сведения о «Я-концепции».

Ключевые слова: психология, Я-концепция, интеграция, морфология, методология.

PSYCHOLOGICAL BASIS OF INTEGRATIVE APPROACH IN HIGHER EDUCATION

Toshkhonov Azizbek Tursunboevich. – teacher of Namangan State University

Annotation. The article examines the psychological foundations of integrated learning, the views of the authors on the existence of a special language - metalanguage, provides information about the “self-concept”.

Keywords: psychology, I-concept, integration, morphology, methodology.

Педагогиканинг психология билан алоқаларини таҳлилида методологик позиция сифатида психологизмни ва фан сифатида психологияни фарқлаш керак бўлиб, психология интеграциялашган таълим жараёнининг илмий асосланишининг (В.В.Краевский), психологияда “диктаторни эмас” (В.В.Давыдов), балки педагогик амалиётни йўналтирувчи асосни кўриш муҳим манбаи ҳисобланади.



Ўқитишнинг асосий психологик концепцияси ихтиёрий ўқитишни маълум фаолиятга, яқиний натижада фикрлаш фаолиятига ўргатиш сифатида қарашдан иборатдир, чунки ҳар қандай амалий фаолият ҳам муайян фикрлаш фаолиятининг ташқи ифодаси ҳисобланади.

Ривожлантирувчи ўқитиш назарияси Л.С.Виготский томонидан илгари сурилган бўлиб, у шахс ривожланишида ўқитишнинг етакчи ролини асослаб берган. Л.С.Виготский ақлий ривожланишнинг икки даражасини: актуал ривожланиш даражаси ва яқин ривожланиш соҳасини ажратиб, шахс ривожланиши йўналишини очиб берган. Шунингдек у шахсда ҳамда таълим олувчи фаолиятида икки умумий ўзгаришлар сифатида психик янги ҳосилаларни тавсифлаган.

Маълумотни самарали ўзлаштириш учун фаол фаолият жараёнининг ҳал этувчи аҳамиятини аниқлашга Г.И.Беленький, М.Я.Голобородько, И.Д.Зверев, В.М.Коротков ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган эди.

Билишга оид фаолият натижаси билим предметларининг идеал образларини ўзгартириш билан боғлиқ. Ўқув фаолиятининг натижаси амал қилувчи субъектнинг ўзини ўзгартиришдан иборатдир. Ўқитишда иккала натижалар ажралмас, чунки идеал образларнинг ўзгариши субъект онгида содир бўлиб, унинг билимлари, муносабатлари, фаолият усулларини қайта тузади. Ўқув фаолияти муаллифлар томонидан ўзида ўқув ва билишга оид мақсадли установакаларни бирлаштирувчи синтетик ўқув-билиш фаолияти сифатида қаралади.

Фаолиятли ёндашувнинг ўқитишдаги аҳамиятини А.Н.Леонтьев кўрсатиб берган. “Инсон маданиятининг ютуқларини эгаллаш учун ҳар бир янги авлод бу ютуқлар ортида турган фаолиятга ўхшаш (айни шундай) фаолиятни амалга ошириши керак” [2].

Дж.Брунер сўзларига кўра, “ақлий фаолият фаннинг энг бошидами ёки мактабнинг учинчи сифиди бўлсин, барча жойда бир хил ҳисобланади” [1].

Ўқув фаолиятининг морфологик структураси тўғрисидаги масалани ҳал этишда онг ва фаолиятнинг умумийлиги тўғрисидаги қоида [8] ва ҳатти-ҳаракат усулларининг ўқувчилар билимлари мазмунига мувофиқлиги муҳим ҳисобланади.

Ўқув фаолиятининг морфологик структураси тўғрисидаги масалани ҳал этишда онг ва фаолиятнинг умумийлиги тўғрисидаги қоида ва ҳатти-ҳаракатлар усулларининг ўқувчилар билимларининг мазмунига мувофиқлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Фаолият турларини ажратиш асосида ҳаракатларнинг махсус усуллари ётади ва улар ўқитиш жараёнида умумлашган кўникмаларга айланади.

Билимлар мазмунига мувофиқ кўникмалар таснифи (билишга оид, амалий, баҳолаш, ўқув) функционал тасниф билан кесишади (репродуктив, изланиш, ижодий).

Ўқитишнинг интегративлигини психологик асослаш муҳим жиҳати яхлит психик тизим сифатида шахснинг ҳатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Шахснинг асосий функцияси – ижтимоий тажрибани ижодий эгаллаш ва инсонни ижтимоий муносабатлар тизимига киритишдир. Шахс – ягона биологик-ижтимоий жараён бўлиб, унда миқдор ва сифат ўзгаришлари содир бўлади.

Шахс ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи мазкур жараённинг диалектик хусусиятини очиб берувчи зиддиятлар ҳисобланади:

- *фаолият билан юзага келтирилган янги эҳтиёжлар ва уларни қондириш эҳтиёжлари ўртасида;*
- *янги имкониятлар ва ўзаро муносабатларнинг эски шакллари ва фаолият турлари*



ўртасида;

• жамият томонидан ўсиб борувчи талаблар ва шахс ривожланишининг мавжуд даражаси ўртасида.

Зиддиятларни ҳал этиш фаолиятнинг янада юқори даражаларини шакллантириш орқали содир бўлади. Ўқитишни фаолият даражалари иерархияси ва ўқитиш мазмуни ўртасидаги нисбати кўринишида ифодаланишига В.П.Беспальконинг ишлари бағишланган [3; 4]. Муаллиф “Таълим мазмуни” тизими элементларини ўзлаштиришнинг тўрт даражалари бўйича тақсимлаган: “танишиш”, “нусхалар”, “кўникмалар”, “ўзгартириш”лар ва ҳар бир даражани фикрлаш фаолиятининг мавжумлик даражаси билан тавсифлаган.

Фаолият ва мақсаднинг ўзаро алоқадорлигининг шакллантирувчи ролини аниқлашга қатор тадқиқотлар бағишланган. Педагогик тажрибани ривожланишда (динамикада) кўриб чиқиш ижтимоий тажрибанинг “қадриятлар тизимини ва оламга эмоционал-яхлит муносабатни шакллантириш усуллари таниш” каби компоненти бу ривожланиш йўналишида муҳим роль ўйнаши тўғрисидаги хулосага олиб келади.

А.Н.Леонтьев [2] таъкидлаганидек, “фақатгина субъектнинг мақсадга мувофиқ фаолиятининг предмети ҳисобланган мазмун актуал анланади, яъни у ёки бу фаолият тизимида ички ёки ташқи ҳатти-ҳаракатнинг бевосита мақсади структуравий ўрин эгаллайди”. Бу психологик назариянинг энг муҳим қондасидан бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини назарий ва амалий тайёрлаш жараёнида мос йўналишни мақсадга мувофиқ белгилаш ўқитиш мазмунини актуаллаштиришнинг ички эҳтиёжини шакллантириши тўғрисидаги хулосага келиш мумкин.

Фикрлаш жараёнида қайта алоқа механизмининг ташкилий роли олий нерв фаолияти физиологияси соҳасидаги тадқиқотлар натижаларида ва психологияда очиб берилган. Қайта алоқа механизмининг амалий аҳамияти, масалан, мазкур механизм яхлитланган дидактик бирликларнинг асосий характеристикаси вазифасини ўтайдиган яхлитланган дидактик бирликлар методини ўрганишда очиб берилади [5; 6].

Ўқув материални мантиқий ташкил этиш усули функцияларидан бири Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабаларининг билишга оид фаолиятлари жараёнида “қайта алоқа механизми”ни киритиш ҳисобланади.

Ўқитиш жараёнида психологиянинг интегратив функциясининг жиҳати қатор ишларда тадқиқ этилган (Г.Олпорт, А.Маслоу, К.Роджерс, А.В.Петровский, А.В.Мудрик ва бошқалар) шахс ижтимоийлашуви ҳисобланади. “Ижтимоийлашувнинг моҳиятли мазмуни унинг мослашув, интеграция, ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи амалга ошириш каби жараёнлар кесишувида очиб берилади ” [7].

А.В. Петровский шахс ижтимоий ривожланиши даврларини шахс ривожланиши жараёнини унинг компонентлари ривожланиши даражаларининг йиғиндиси сифатида эмас, балки ижтимоийлашувнинг яхлит тузилмаси сифатида белгилаган.

Ижтимоийлашув жиҳати “Мен-концепцияси”нинг ўзини-ўзи актуаллаштириш жараёни ҳисобланади. Ўзини-ўзи амалга ошириш муҳитнинг салбий оқибатларини бартараф этиш жараёнида содир бўлади. Бунда субъект ижтимоий тажрибани, мавжуд ижтимоий алоқалар тизимини ижтимоий муҳитга кириб бориш орқали ўзлаштирувчи ўзини-ўзи тарбиялаш маҳсули сифатида қаралади. Бу ҳолатнинг натижаси шахснинг ривожланиши ва ўзгариши ҳисобланади. Ўзини-ўзи англаш “Мен-концепцияси”



моҳиятининг жиҳати сифатида шахс шаклланишининг интеграцион жараёнларининг асоси ҳисобланади.

Психологик назариялар интегратив ўқитишнинг яна бир томони – назорат қилиш функцияси: талабанинг қўлига ўқув материални ўзлаштиришнинг ихтиёрий даражасини қайд этишга имкон берувчи, универсал ўлчагични беришнинг асоси ҳисобланади.

Н.А.Менчинская ўзлаштиришнинг фикрлаш фаолиятининг умумлашганлиги, тежамкорлик, мустақиллик, фикрлашнинг мослашувчанлиги, сўз-манتيқий ва кўрғазмали-образли фикрлаш компонентларининг алоқадорлиги, мазмунли хотира кўринишида ривожланиши мезонларини ажратган.

Ўқитишни муайян фикрлар фаолияти сифатида тушуниб, биз биринчи навбатда унинг мантиқий жиҳатини ажратамиз. Илмий билишнинг маълум формуласи: ҳиссий билиш (сезиш, идрок, тасаввур) → мавҳум фикрлаш (тушуниш, англаш, умумлаштириш) → амалиёт иккинчи босқичда (мавҳум фикрлаш) формал мантиқ тадқиқот методларининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Мавҳум фикрлашнинг унга фикрлаш фаолиятининг ихтиёрий даражасида хос бўлган асосий усуллари анализ, синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш ҳисобланади. Шунинг учун, ривожлантирувчи ўқитишнинг етакчи принципи – ўқиш жараёнини англаш тўғрисида сўз юритганимизда, биринчи навбатда санаб ўтилган усуллارни киритувчи, мавҳум фикрлашнинг таркибий қисмларидан бири сифатида англаш сўзини ажратамиз. Мавҳум фикрлаш тил – фикрни ифодалаш усули, фикрни мустаҳкамлаш ва узатиш воситаси, мулоқот воситаси, билиш воситаси билан бевосита боғланган. Махсус тил – метатилининг мавжудлиги интегратив жараёнларга қўйиладиган талаблардан биридир. Аммо ўқиш жараёнини тавсифлаш учун белгили ахборот тизимлари зарурдир. Айтилганларнинг барчаси тадқиқотда қўйилган вазибаларни муваффақиятли ҳал этиш учун билиш воситаси, тавсифлаш воситаси, ўқитиш воситаси сифатида амал қилувчи белгили ахборот тизимидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келиш имконини беради. Бундай “тил” сифатида ўқув материалининг мантиқий ташкил этилиши “тили” хизмат қилиши мумкин.

Ақлий ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш воситаси ҳисобланиб, ўқув материални мантиқий ташкил этиш тили ўқитиш жараёнида, интериоризация тўғрисидаги психологик таълим асосида ётувчи ақлий ҳатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясига мувофиқ ўзи шаклланади.

Ташқи предметли фаолиятни ички психик фаолиятга ўтиш жараёни, психиканинг ички ақлий структураларини ташқи воқеликни ўзлаштириш орқали шакллантириш мавҳумлаштиришнинг юқори даражасида содир бўлади, бунда “ташқи предметли фаолият” сифатида ўқув жараёнини амалга оширишнинг турли босқичларида уни моделлаштириш хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Брунер Дж. Процесс обучения: Пер. с англ. -М., 1962. с. 17.
2. Леонтьев А.Н. Избранные психологические произведения: В 2 т. -М., 1983. с. 102.
3. Беспалько В.П. Основы теории педагогических систем. Воронеж: изд-во Воронежского ун-та, 1997.-304 с.
4. Беспалько В.П. Программированное обучение (дидактические основы). -М.: Высш.



шк., 1970. -270 с.

5. Иванов О.А. Интегративный принцип построения системы специальной математической и методической подготовки преподавателей профильных школ. / Автореферат дисс... докт. Пед. наук. -М., 1997. -33 с.
6. Эрдниев П.М. Укрупнение дидактических единиц как технология обучения. Ч. 1. -М.: Просвещение. 1992. -175 с.
7. Педагогика: Учебное пособие для студентов педагогических заведений/ В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мищенко, Е.Н. Шия-нов. -М.: Школа-Пресс, 1997. с. 127.
8. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. 2-е изд. -М.: Педагогика, 1976. -416 с.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БЎШ ВАҚТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ибрагимова Сауле Орынбаевна

Нукус давлат педагогика институти 1-босқич таянч докторанти

Тел: +99897220-45-55, e-mail: sawle2020@umail.uz

Аннотация: Мақолада бўш вақт тушунчаси, бўш вақтнинг мазмун-моҳияти, мактаб ўқувчиларининг бўш вақти муаммоси ва унинг амалий ташкил этилишининг асосий жиҳатлари баён қилинган.

Калит сўзлар: Бўш вақт тушунчаси, мактаб ўқувчиларининг бўш вақти, қўшимча дарслар, тўғарақлар, спорт секциялари, интернет каналлари, социологик, психологик, педагогик ва гигиеник жиҳатлар

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДОСУГА ШКОЛЬНИКОВ

Ибрагимова Сауле Орынбаевна

Базовый докторант Нукусского государственного педагогического института

Тел: +99897220-45-55, e-mail: sawle2020@umail.uz

Аннотация: В статье раскрывается понятие свободного времени, сущность свободного времени, проблема свободного времени школьников и основные аспекты его практической организации.

Ключевые слова: Концепция досуга, досуга школьников, дополнительные занятия, клубы, спортивные секции, интернет-каналы, социологические, психологические, педагогические и гигиенические аспекты.

SOCIO-PEDAGOGICAL ASPECTS OF LEISURE OF SCHOOL CHILDREN

IbragimovaSauleOrynbaevna

Basic doctoral student of the Nukus state pedagogical institute

Тел: +99897220-45-55, e-mail: sawle2020@umail.uz

Abstract: The article reveals the concept of free time, the essence of free time, the problem of free time for schoolchildren and the main aspects of its practical organization.

Key words: The concept of leisure, leisure for schoolchildren, additional activities, clubs, sports sections, Internet channels, sociological, psychological, pedagogical and hygienic aspects.



Бўш вақт – инсоннинг меҳнат, таълим олиш ёки бошқа вазифаларини тугатгандан сўнг қолган ўз хоҳишига кўра фойдаланиладиган умумий вақт бюджетининг бир қисми. Социолог Г.П. Орловнинг таърифига кўра «... Бу одамларнинг эркин фаолияти ва ривожланиш соҳаси бўлган ижтимоий вақтнинг бир қисми» [1].

Ўқувчи шахсини ривожлантиришнинг асосий мезонини бўш вақт деб кўрсатиш мумкин. Сабаби у ҳаёт фаолияти сифатида қаралади.

Мактабда юқори синф ўқувчиларининг бўш вақтлари асосан, кўшимча дарсларга, спорт, мусиқа, меҳнат тўғарақларига қатнашиш, дўстлари билан кўчада юриш, уйда телевизион дастурларни, интернет каналларини томоша қилиш, футбол, баскетбол ва бошқаларда ўйнаш билан ўтади.

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини ташкил этишга оилавий таълим шароитлари ва боланинг ота-оналар билан бўлган муносабатлари таъсир кўрсатади. Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтлари асосан дарсдан ташқари вақтлар, дам олиш кунлари ва кечки вақтлар ҳисобидан жамғариб борилади. Лекин, болаларда ота-оналар билан суҳбатлашиш учун умумий манфаатлар ва мавзуларнинг йўқлиги, бир-бирларини ўзаро тушуниб этишмаслиги, таъқиқлар ва ота-оналар томонидан болаларнинг хатти-ҳаракатларидан норозиликлар сабабли, болаларнинг бўш вақтлари баъзида самарасиз кечиши ҳам мумкин.

Мактабдаги тарбиявий ишларнинг характери ҳам ўқувчиларининг бўш вақтларини ташкил этишда ката таъсир кўрсатади. Афсуски, бутунги кунда умумтаълим мактабларида ташкил этилган тўғарақларга юқори синф ўқувчиларининг иштироки паст даражада. Баъзи мактабларда куз, қиш ва баҳорги таътил пайтларида тадбирлар ташкил этилмайди. Юқори синф ўқувчиларининг бўш вақтларининг ижтимоий аҳамияти ҳам этарли даражада ифода этилмаган.

Юқори синф ўқувчиларининг аксарияти интернетларда турли каналларда вақтини ўтказишади. Уларнинг бадиий адабиётларга қизиқишининг пастлиги ёки умуман йўқлиги ачинарли ҳол. Мактаб ўқувчиларининг жуда оз қисми бўш вақтларини мактабдан ташқари муассасаларда ва яшаш жойидаги мусиқа, санъат, спорт ва бошқа кўшимча таълим ўринларида ўтказишади. Бу ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш даражасининг этарли эмаслигини, ўзларининг мойиллигини аниқлай олмасликларини, кейинги ҳаётда улар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳарқандай янги билим ва кўникмаларни эгаллаш нуқтаи назаридан ўзига хос истак ва имкониятларни аниқлай олмасликларини кўрсатади. Ўқувчиларнинг айримлари бўш вақтларини қандай режалаштиришни билмайдилар, ёки кундалик ҳаёт ҳақида оддий тасаввурга эга эмас. Улар бўш вақтларини ўта мантиқсиз ишлатишади. Ушбу кўрсаткишлар ўқув натижаларига салбий таъсир қилади ва бўш вақт соҳасида ривожланишнинг етакчи тури йўқлигидан далолат беради. Натижада юқори синф ўқувчиларининг баъзилари бўш вақтларида бузғунчи хатти-ҳаракатларни намойиш этади.

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтининг амалий ташкил этилишида социологик, психологик, педагогик ва гигиеник жиҳатлар мавжуд. Социологик жиҳат ўқувчилар шахсиятининг бўш вақтнинг энг муҳим таркибий элементлари таъсири остида шаклланидиган энг типик ижтимоий хусусиятларини аниқлаш муаммосини ўз ичига олади. Психологик жиҳат ўқувчиларнинг бўш вақтга бўлган субъектив муносабатларини,



уни идрок этиш ва англашини ўрганади. Педагогик жиҳат ўқувчини бўш вақтларида ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини ўрганишга, шунингдек, шахсга таъсир қилиш шакллари, усуллари ва воситаларини аниқлашга қаратилган. Гигиеник жиҳат учун бўш вақтни оқилона ташкил этиш ва ундан фойдаланиш ката аҳамиятга эга, Бу эса дарс жараёнида ўқувчи қобилиятини тиклашга ёрдам беради.

Бўш вақт тушунчасининг мазмуни ва ундан фойдаланиш турлича бўлиши мумкин. Илм-фанда турли хил фалсафий, иқтисодий ва социологик ёндашувлар асосида бўш вақт муаммоси ўрганилган. Сухомлинскийнинг фикрича, бўш вақтни маданиятнинг марказий элементи деб тушуниш керак, у билан чуқур ва мураккаб алоқалар мавжуд. [2]

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

- Юқори синф ўқувчиларининг бўш вақтининг ҳақиқий таркиби ва мазмунини аниқлаш;
- Ўқувчиларнинг қизиқишлари, мойиллиги ва эҳтиёжларини ўрганиш;
- Ўқувчиларнинг бўш вақтидан оқилона фойдаланишлари учун шароитлар яратиш;
- Мактабнинг ўқув ва тарбиявий ишларида ўқувчиларнинг бўш вақтларни самарали ташкил этиш тизимини яратиш;
- Мактабнинг ўқув ва тарбиявий ишлари жараёнида ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишнинг оммавий, гуруҳли ва индивидуал шаклларида фойдаланиш;
- Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш бўйича мактабдан ташқари муассасалар ва маданият муассасалари билан ўзаро алоқаларни амалга ошириш;
- Ўқувчиларнинг ота-оналарини ва жамоат ташкилотлари вакиллари тарбиявий ишларга жалб қилиш.

Бўш вақт доирасида ўқувчиларга педагогик таъсир қилиш ҳақида гапирганда, биз бўш вақтнинг йиғиндиси таърифини ҳисобга олишимиз керак. Бунда машғулотлар билан тўлдирилган, уйғун, ҳар томонлама шакллантириш учун мақбул фойдаланиладиган педагогик жиҳатдан тартибга солинган, ўз-ўзини бошқарадиган вақт назарда тутилган.

Бўш вақт жамият ҳаётининг бир кўринишидир. Бўш вақт нафақат индивидларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган қобилиятларини тиклашга бўлиб қолмасдан, балки маънавий сифатларни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ижтимоийлашувига ёрдам бериш каби ижтимоий вазифалардир. Социологияда бўш вақтни зарурий бўш вақт ва эркин бўш вақт тушунчаларига ажратилади. [3].

Кўшига тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бўш вақтдан фойдаланишнинг оқилона услубини шакллантириш пассив-репродуктив фаолиятдан фаол ижодкорликка, шахснинг маънавий ривожланишига ҳисса қўшадиган ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятга ўтишдан иборат. Илғор педагогик тажрибани таҳлил қилиш асосида биз қуйидагиларни ижтимоий аҳамиятли фаолият сифатида кўришимиз мумкин:

а) юқори синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга, ижодий тасаввурни, хотирани, ҳиссий ва эстетик ҳиссиётларни, махсус қобилият ва мойилликни, касбий йўналишни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган интеллектуал, билим ва ижодий фаолият; б) ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни, замонавий ҳаётга мослашиш қобилиятини ва юқори ижтимоий фаолликни шакллантирадиган ижтимоий аҳамиятга эга фаолият.



Интеллектуал ва когнитив, ижодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ўқувчиларнинг бўш вақтидан оқилона фойдаланиш учун асос бўлиб, бу уларнинг бўш вақтларини педагогик йўналтириш мақсадини иккинчиси учун ижтимоий қимматли ва шахсан муҳим фаолиятнинг айрим турларига туртки сифатида белгилайди.

- ўқувчининг бўш вақти чарчоқни йўқотиш, унинг ижтимоий фаоллигини очиш, қизиқиш ва ғайратни ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялашга қўшилиш, ҳаёт режаларини шакллантириш учун ката аҳамиятга эга бўлиши;

- мактаб ўқувчиларининг дарсдан ташқари бўш вақтларини ташкил этиш шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, масъулиятни тарбиялашга, шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун ўзини ўзи тарбиялашга қаратилган бўлиши керак.

Бўшвақт таълим фаолияти билан ўзаро боғлиқдир. Когнитив фаолиятни фаоллаштирмасдан, ўз билимларини тўлдириш, ҳаётий режаларини муваффақиятли шакллантириш ва амалга ошириш зарурлигини тарбиялаш мумкин эмас. [4].

Бўш вақтларда муҳим масалалар мактаб ўқувчиларининг вақт бюджетининг моҳияти ва мазмуни, дарсдан ташқари вақт ҳаракатларининг асосий турлари, шунингдек уни ташкил этишнинг айрим шакллари педагогик раҳбарлик қилиш масалалари билан боғлиқ. Яъни, мактаб ўқувчиларининг ўқув, дарсдан ташқари бўш вақтларини ташкил этишнинг барчаси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, масъулиятни тарбиялашга, ўқувчининг ўзини ўзи белгилаши учун ўзини ўзи тарбиялашга йўналтирилган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда шахсни ривожлантирувчи бўш вақт имкониятларини аниқлаш учун, дастлаб, бўш вақтнинг тузилишини, унинг мазмун-моҳиятини, ўқувчилар томонидан фойдаланишнинг ҳақиқий усулларини билиш зарурлиги тўғилади. Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтидан оқилона фойдаланиши, уларнинг бўш вақтлари давомида ўз-ўзини ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.П.Орлов Свободное время как социологическая категория: учеб. пособие / Свердлов. юрид. ин-т, 1973.
2. В.А.Сухомлинский. Духовный мир школьника подросткового и юношеского возраста. М.: Учпедгиз, 1961.
3. К.Юнусов Социология. Ўқув қўлланма. А.: 1997 й.
4. Актуальные проблемы свободного времени. /Под ред. Г.Е. Зборовского. Свердловск, 1970.



УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАРБИЯ ФАНИНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ҲАМДА ТАРБИЯ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Ҳасанбой Абдупаттаев

Кўқон Давлат Педагогика институти Миллий ғоя,
маънавий асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб халқ таълими тизимига “Тарбия” фанини босқичма-босқич жорий қилиш юзасидан берилган таклиф “тарбия” ва “миллий тарбия” тушунчаларининг илмий тадқиқ этиш масаласини кун тартибига олиб чиққанлиги ҳақида сўз боради. Унда мазкур тушунчалар илмий-педагогик, ижтимоий-мафкуравий ҳамда тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тарбия, миллий тарбия, Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси, «Тарбия» фани, академик таълим, ижтимоий алоқа, ўйин, ўз-ўзини англаш, объектив ва субъектив таъсир.

ВВЕДЕНИЕ ОБРАЗОВАНИЯ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ И СОДЕРЖАНИЕ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И НАЦИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Ҳасанбой Абдупаттаев

Соискатель кафедры национальной идеи, основы духовности и права
Кокандского государственного педагогического института

Аннотация: В статье говорится, что предложение Президента Республики Узбекистан о постепенном введении предмета «Образование» в систему народного образования с 2020/2021 учебного года поставило вопрос о проведении научных исследований по понятиям «образование» и «народное образование». «народное образование». Анализируются эти концепции с научно-педагогической, социально-идеологической и исторической точек зрения.

Ключевые слова: образование, национальное образование, концепция непрерывного духовного образования, предмет «воспитание», академическое образование, социальная коммуникация, игра, самосознание, объективное и субъективное влияние.

INTRODUCTION OF EDUCATION IN SECONDARY SCHOOL AND CONTENT OF EDUCATION AND NATIONAL EDUCATION CONCEPTS

Hasanboy Abdupattaev

Applicant for the Department of National Ideas, Basics of Spirituality and Law of the Kokand
State Pedagogical Institute

Annotation: The article says that the proposal of the President of the Republic of Uzbekistan on the gradual introduction of the subject "Education" into the public education system from the 2020/2021 academic year raised the question of conducting scientific research on the concepts of "education" and "national education". "Public education". These concepts are analyzed from the scientific-pedagogical, socio-ideological and historical points of view.

Keywords: education, national education, the concept of continuous spiritual education, the subject of "upbringing", academic education, social communication, play, self-awareness, objective and subjective influence.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2019 йил 23 август куни бўлиб ўтган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг 24-бандида белгиланган “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Дунё динлари тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, 2020/2021 ўқув йилидан ягона “Тарбия” фанини босқичма-босқич жорий қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги 22817-хх сон йиғилиш баёни асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрида “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон [1] ҳамда 2020 йил 6 июлида “Умумий ўрта таълим муассасаларида «тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сон [2] Қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қарорлар асосида барча ёш давлари учун Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қабул қилиниши қаторида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур синдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш мақсадида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ҳамда «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда ягона «Тарбия» фани 1 – 9-синфларда – 2020/2021 ўқув йилидан, 10 – 11-синфларда эса – 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб юқоридаги фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш ишлари амалга оширила бошланди.

Таъкидлаш керакки, Тарбия фани давр талаблари асосида жорий этилаётган янги фан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бугунги кунгача айнан мазкур фанга алоқадор назарий (фан методологияси, концепцияси, асосий тушунчалари, дарслик ва методик қўлланмалар мазмуни, бошқа фанлар билан алоқадорлиги) ва амалий (дарслик ва методик қўлланмалар шакли, фанни ўқитиш методикаси) масалаларни таҳлил ва тадқиқ этишга катта эҳтиёж мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда мазкур мақолада кўтарилаётган масаланинг долзарблигини кўриш мумкин.

Маълумки, “ҳар қандай нарса ва ҳодисани аниқлашдан аввал унинг моҳиятини англаувчи тушунчалар ёки у ҳақда маълумот берувчи таърифларни чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш қўйилаётган муаммони илмий амалий ечимини топишда энг қулай восита ҳисобланади” [3]. Шунга кўра, дастлаб эътиборни тадқиқотнинг асосини ташкил қилувчи “тарбия” тушунчасини таҳлилга қаратамиз.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида келтирилишича, тарбия деганда шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён тушунилади. Тарбия инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўрсатиладиган чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб, у инсоннинг инсонийлигини таъминлайдиган энг қадимги ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади [4].

Юнон файласуфи Платон фикрича, “тарбия” сўзи юнон тилида “paideia”, “ўйин” яъни “paidia” сўзига талаффузи жуда яқин” [5] ҳисобланади. “Тарбия” тушунчасини



юнонча “paidia” яъни “ўйин” тушунчаси билан яқинлиги барча миллатларга ҳам хос бўлиб, буни аксарият ҳолларда тарбия ёш авлодда турли халқ ўйинлари, кундалик уй-рўзғор юмушлари билан қоришиқ ҳолда шаклланиб боришида кўриш мумкин.

Яна бир юнон файласуфи ва тарихчиси Плутарх “тарбия” масаласида аниқ замон ва маконга оид мисол келтириб, унда қадимги спарталикларнинг таълим-тарбияси ҳақида шундай дейди: “ўқиш ва ёзиш – болаларга уларнинг фақат энг зарури ўргатилар эди, тарбиянинг қолган қисми эса битта мақсадни: ҳеч сўзсиз итоат қилдириш, чидамли бўлиш ва енгил илмини ўргатишни кўзда тутди” [6]. Бу фикрлари билан Плутарх қадимги спарталиклар тарбиясида битта мақсад: “ҳеч сўзсиз итоат қилдириш, чидамли бўлиш ва енгил илмини ўргатиш” кўзда тутганини эътироф этади. Мазкур тарбия ўз замони ва макони учун энг тўғри йўл бўлганини, буни ўша даврда юнон шаҳар-давлатлари ўртасида Спартани барқарор тараққий этганида ҳамда Спарта аскарларини мазкур тарбия сабабли тарихда қолдирган жасоратларида кўриш мумкин.

Мазкур масала бўйича Шарқ мутафаккирлари орасида Абу Али ибн Синонинг қарашлари диққатга сазовор бўлиб, “у тарбия жараёни ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ва меҳнат (хунар ўргатиш) тарбияларининг бир бутунлигини ташкил этади, деб кўрсатган эди. У мактабда ўқиш, тарбия ишларини жамоа тарзида ташкил этиш ғоясини олға сурди. Ўқитиш жараёнининг дидактик асосларини яратди. Унинг фикрича, болани бирдан китобга банд қилиб қўймаслик, ўқиш секин-аста, енгилдан оғирга қараб бориш орқали олиб борилиши керак” [7].

Тарбия тушунчасига оид ибн Синонинг қарашларининг диққатга сазоворлиги шундаки, унда тарбия бир бутунлик (ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ва меҳнат (хунар ўргатиш) каби жараёнлар йиғиндиси сифати)да олиб қаралиб, у таълим (академик таълим)дан ажратилган ҳолда талқин қилинган. Дарҳақиқат, ушбу қарашлар тарбия амалиётида тарбия ва таълим чегараларини тўғри белгилаб олишда жуда муҳим ҳисобланади. Гарчи мамлакатимиз таълим тизимида “таълим ва тарбия бир-биридан ажратилмаслиги” устувор бўлсада Япония тажрибасида тарбия ва таълим ўртасида муайян чегаралар мавжудлигини кўриш мумкин. Яъни мазкур давлатнинг таълим сиёсатида кўра мактабгача таълим ҳамда бошланғич таълим босқичларида ёш авлодга фақат тарбия берилади, академик таълим эса, бошланғич таълимдан кейин бошланади [8]. Япон халқининг бутунги кундаги тарбияланганлик ҳамда интеллектуал даражаси Ибн Синони юқорида келтирилган фикрларини қай даражада тўғри эканлигини кўрсатиб турибди.

Тарбия масаласида сўз борганда жадид мутафаккир Абдулла Авлоний фикрларини келтирмаслик мумкин эмас. У тарбия тушунчасига “тарбия – «педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур” [9], дея таъриф беради. А.Авлоний тарбияни инсон, жамият ва давлат ҳаётида қай даражада долзарб эканлигини аниқлаш учун “Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур” [10], деган фикрни илгари суради. Бу билан тарбия барча соҳадаги тараққиётнинг асоси эканлигини, айти дамда тарбиясизлик эса, барча соҳани ҳалокатга олиб борувчи оми эканлигини таъкидлайди.



Ҳозирги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан тарбия тушунчаси бўйича кўплаб таъриф ва талқинлар берилган бўлиб, Жумладан, бир гуруҳ олимлар, яъни Р.Х.Джураев, С.Т.Турғунов, Г.М.Назирова фикрига кўра “тарбия – инсонлар ривожланишида асосий роль ўйнайдиган жараён бўлиб, бир авлод ижтимоий тажрибасининг кейинги авлодлар томонидан ўзлаштирилиши ва уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишларини таъминлаб берувчи зарурий фаолиятдир” [11]. Н.Ғайбуллаев, Р.Ёдгоров ва Р.Маматқуловалар фикрича эса, “тарбия кенг маънода ёшларни, инсонларни объектив ва субъектив таъсирлар асосида ахлоқий, ақлий, амалий, жисмоний шаклланиш жараёнидир” [12].

Профессор М.Қуронов талқинига кўра, “тарбия” сўзи “миллий тарбия” тушунчасининг таркибий қисми бўлгани туфайли бу тушунчага ҳам янгича ёндашган ҳолда ҳолис илмий-педагогик таъриф бермоқ керак. Арабча “тарбия”, “тарбият” сўзлари 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; одоб ўргатиш; 2) навозиш, меҳрибонлик кўрсатиш: кўз-қулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби кўп қиррали мазмунга эга...” [13].

Юқоридаги таҳлиилардан келиб чиққан ҳолда чиққан ҳолда тарбия тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, бизнингча “тарбия бу – давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқариши учун ёш авлоднинг шахсий концепцияси ва капиталини очишига мақсадли таъсир кўрсатадиган илмий-педагогик ҳамда амалий-методик жараён” ҳисобланади.

Тарбия аввало, илмий-педагогик ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга экан албатта унинг муаллифи - эгаси ҳам мавжуд бўлади. Дунё бўйича ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарбиясининг муаллифи ҳам ана ўша миллатнинг ўзи ҳисобланади. Муайян миллатга тегишли бўлган, назарияси, услуби, усуллари ва мезонлари билан бошқа миллатлар тарбиясидан ажралиб турадиган тарбиянинг мазкур шакли миллий тарбия, деб аталади.

Миллий тарбия тушунчасини мазмун-моҳиятини “миллат” тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу тушунчани мазмунини очмай туриб “миллий тарбия” тушунчасининг мазмунини англаб бўлмайди.

Маълумки, “миллат - узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шакланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминидан таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир” [14].

Хориж адабиётларида миллат тушунчасига таъриф ва талқинлар хилма-хил бўлишига қарамай, бутунги кунда асосан “миллатнинг талқин қилишда иккита ёндошиш мавжуд. Биринчисига асосан миллат маълум давлат фуқароларининг сиёсий бирлиги (сиёсий миллат). Иккинчисига биноан миллат бу маълум давлат фуқароларининг ягона тил ва ўз-ўзини англаш асосида ташкил топган этник бирлиги (этно-миллат) назарда тутилади. Битта миллатга тегишли одамлар умумий ҳудуд, тил ва маданиятга эга бўлиши” [15]. Ундан ташқари хориж ва юртимиз олимлари томонидан ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий онги, миллий тарбия тизими мавжудлигига ҳам эътибор қаратилади. Миллат тушунчаси доирасида бундай хилма-хил фикрларнинг илгари сурилаётганлиги бежиз эмас. Чунки “миллат” тушунчасини таърифлаш қанчалик мураккаб бўлса, унинг бирлик бўлиши учун шарт бўлган мезонларни белгилаш ҳам шу даражадаги энг мураккаб масала ҳисобланади [16].



Юртимиз олимлари ёндашувларига кўра, миллий тарбия - бу умуминсоний педагогик маданиятнинг хусусий, бир халқ тажрибасида муайян намоён бўлиши ҳисобланади. Шу боис миллийлик табиий ва шу сабабдан умуминсонийлик миллийликлар орасидаги умумийлик, уйғунликдир. Зеро, умуминсоний кадриятлар миллий кадриятлар асосига қурилади[17].

“Миллий” тарбиянинг манбаи – миллийликдир! “Миллат”, “миллийлик”, “миллий ғурур”, “миллий одоб”, “миллатлараро мулоқот маданияти” тушунчаларининг ўзагини арабча “мил” сўзи ташкил қилади. Бу сўз арабчада “ўзак”, “туб моҳият”, “негиз” маъноларини англатади. “Миллат” сўзи эса бир неча маънони: 1) дин, мазҳаб; 2) уммат: бир мазҳабга мансуб аҳоли; 3) халқ маъноларини англатади. “Миллат”, “миллийлик” тушунчаларининг талқини билан танишар эканмиз, уларнинг ғарбона ва шарқона тарзлари бор эканини кўраемиз. Аниқроғи, ғарбий талқин христиан, шарқий талқин эса исломий ўзакларга бориб туташади. Яъни Оврупо халқлари тилларига миллат тушунчаси латинча “natio” – қабила, халқ сифатида христиан дини билан бирга кириб келган бўлса, Осиёга эса ислом таълимоти орқали юқоридаги уч хил маънода кириб келиб сингди” [18]. Демак, миллий тарбиянинг луғавий маъносини “ёш авлодларни ўз халқига хос миллий фазилатлар намунасида шакллантириш, таълим бермоқ” сифатида таърифлаш мумкин” [19].

Юқорида келтирилган хориж ва юртимиз олимларининг “миллий тарбия” тушунчасига оид қарашлари синтезлаган ҳолда шахсий, муаллифлик таърифимизни биён этадиган бўлсак, бизнингча, “миллий тарбия бу – аждодларнинг ижтимоий-педагогик, ижтимоий-мафкуравий, диний ҳамда иқтисодий-маданий меъроси асосига қурилган, ёш авлодни миллатнинг тарихий ва стратегик интилишларини рўёбга чиқаришга ундовчи мақсадли, умуммиллий фаолият” ҳисобланади.

Юқоридаги келтирилган таҳлиллар бўйича хулоса қиладиган бўлсак:

Биринчидан: бутунги ахборот алмашинуви жадаллашган давр талаблари ҳисобга олинган ҳолда 2019 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан умумтаълим тизимидаги “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Дунё динлари тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш таклифи берилди. Мазкур таклиф асосида аввало, фундаментал - барча ёш даврлари учун Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда шу асосда умумтаълим тизимида «Тарбия» фанини босқичма-босқич жорий этиш бошланди. Таълимдаги мазкур янгилик Тарбия фанига алоқадор назарий ва амалий масалаларни таҳлил ва тадқиқ этишни кун тартибига олиб чиқди.

Иккинчидан, тарбия тушунчаси Тарбия фанининг асосий таянч тушунчаси ҳисобланади. Шунга кўра мазкур мақолада ушбу тушунча таҳлил этилди. Унга кўра, қадимги мутафаккирлар томонидан “тарбия” сўзи юнон тилида “paideia”, “ўйин” яъни “paidia” сўзига талаффузи жуда яқинлиги (Платон); тарбия - “ҳеч сўзсиз итоат қилдириш, чидамли бўлиш ва енгил илмини ўргатиш” эканлиги (Плутарх); тарбия бир бутунлик (ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ва меҳнат (хунар ўргатиш) каби жараёнлар) йиғиндиси бўлиб, у таълим (академик таълим)дан фарқ қилиши (Ибн Сино); тарбия “эзуликка қаратилган турмуш ва амалий фаолиятга, нимаси билан ўз мамлакатига фойдаси тегиши мумкинлиги ҳақидаги эҳтиёжни ўргатиш” эканлиги (Жон Локк); тарбия “боланинг саломати ва саодати учун танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакни тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўздурмак”



эканлиги (А.Авлоний) борасида фикрлар айтилган бўлса, замонавий педагогикада тарбияга “икки авлод ўртасидаги ижтимоий алоқани таъминлайдиган восита”, “инсонни ҳар томонлама шаклланишида роль ўйнайдиган объектив ва субъектив таъсир”, “шахсга ўз-ўзини англашига мақсадли таъсир кўрсатадиган жараён” ҳамда “миллий тарбия” тушунчасининг таркибий қисми” сифатида қаралиб келинётгани аниқланди.

Учинчидан, мазкур мақолада “тарбия” ва “миллий тарбия” масалаларига муаллифлик ёндашуви асосида қуйидагича таърифлар берилди: “Тарбия бу – давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқариши учун фуқароларга шахсий концепцияси ва капиталини очишларига мақсадли таъсир кўрсатадиган ҳам педагогик ҳам ижтимоий-мафкуравий жараён” ҳисобланади. Миллий тарбия эса, “аждоқларнинг ижтимоий-педагогик, ижтимоий-мафкуравий, диний ҳамда иқтисодий-маданий меъроси асосига қурилган, ёш авлодни миллатнинг тарихий ва стратегик интилишларини рўёбга чиқаришга ундовчи мақсадли, умуммиллий фаолиятдир”.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон, 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида «тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.07.2020 й., 09/20/422/1033-сон.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашр. 8-жилд. 2004. 270-бет.
4. Афлотун. Қонунлар. Тарж. Урфон Отажон. Т.: “Янги аср авлоди”, 2008. 449-бет.
5. Плутарх. Сочинение. Перевод с древнегреческого. Составитель С.Аверенцева. М.: Художественная литература. 1983.
6. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. www.ziyouz.com кутубхонаси. 3-бет.
7. К.Преображенский. Как стать японцем. – М., 1988.
8. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз...Т.: “Маънавият”, 2014. - 132-бет.
9. Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2003 - 15-б.
10. Педагогика тарихидан Хрестоматия. Тузувчи-муаллиф: О.Ҳасанбоева. Т.: “Ўқитувчи”, 1993. 37-бет.
11. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т., Назирова Г.М. Педагогика. Т.: “Riso EZ 200 E”, 2013. 76-бет.
12. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқулова Р. Педагогика (олий ўқув юрглари учун қўлланма) Т.: “М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети”, 2005. 43-бет.
13. Абдуллаева М.Н., Гаффарова Г., Носиров Н., Шарипов А., Хайтов Ш. ва бошқ. Фалсафа: изоҳли лугат. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 227-бет.
14. Мухсиева А.Ш. Оилада миллий тарбия жараёнининг методик асослари. Автореферат. педагогика фан. ном. дисс. – Т.: 2005. - 8 - бет.



15. Норлиев Р.И. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир хусусиятлари. Автореферат. фалсафа фан. ном. дисс. – Т.: 2011. 10 - бет.
16. Kurbanov J. A. (2019) The necessity of developing intellectual culture of students by the subject of philosophy. Scientific Bulletin of European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences - Angliya, 2019. №12 (vol17) 184-187 p.
17. Қурбонов Ж.А. Интеллектуал тушунчасининг ижтимоий-педагогик мазмуни. // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси – Наманган, 2019. № 5. – Б. 436-443.
18. Turg'unoy Axmadjonovna Egamberdiyeva, Jasurbek Akmaljonovich Qurbonov. [diagnostics of formation and development of intellectual culture among students](#). Scientific bulletin of Namangan State University, 2020. № 4. –512-519 p.
19. Kurbonov Jasurbek Akmaljonovich. The content and essence of the concept of “intellectual culture”. European journal of humanities and educational advancements. 2021. №5 (vol 2) 15-18 p.
20. Қурбонов Ж.А. [Талабалар интеллектуал маданиятини ривожлантиришда фалсафа фанини ўқитишнинг педагогик жиҳатлари](#). . // Замонавий таълим (Ўзбекистон) – Тошкент, 2019. № 6 (91). – Б. 42-49.

КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ МУҲИТИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Ҳамидов Одил Абдурасулович
Жиззах политехника институти
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd)
Абдурасулова Диёра Жалиловна
ЎЗМУ Жиззах филиали талабаси

Аннотация: Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожини билим, кўникма ва малакалар ҳажмининг кескин ошиши, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассислардан шу жумладан, бўлажак муҳандисларнинг ўз касбий даражасини доимий ошириб боришни талаб этади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасалари таълим муҳитини таълим субъектларнинг тўлиқ функционал ва кўп ўлчамли муҳити сифатида қараб чиқишини тақозо этади.

Калит сўзлар: Таълим, мультимедиа, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, Уч ўлчамли плакат, виртуал таълим.

ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТИРОВАННАЯ ВИРТУАЛЬНАЯ СРЕДА ОБУЧЕНИЯ КАК СРЕДСТВО УЛУЧШЕНИЯ МЕТОДА ПОДГОТОВКИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Ҳамидов Одил Абдурасулович
Джизакский политехнический институт
доктор философии педагогических наук (PhD)
Абдурасулова Диёра Жалиловна
Студентка филиала ЖНУ



Аннотация: Быстрое развитие экономики требует резкого увеличения объема знаний, навыков и навыков, в том числе специалистов, готовящихся в высших учебных заведениях, и постоянно совершенствуя свой профессионализм. Это, в свою очередь, требует воспитания высших учебных заведений, чтобы посмотреть на образовательную среду как полнофункциональную и многофункциональную среду.

Ключевые слова: образование, мультимедиа, жизненная безопасность, трехмерный постер, виртуальное образование.

PROFESSIONAL ORIENTED VIRTUAL LEARNING ENVIRONMENT AS A MEANS OF IMPROVING PROFESSIONAL TRAINING METHOD

Hamid Odil Abdurasovich

Jizzakh Polytechnic Institute

Doctor of Philosophy Pedagogical Sciences (PHD)

Abdurasulova Diorar Zhalilovna

Cupid branch zhn

Annotation: The rapid development of the economy requires a sharp increase in the volume of knowledge, skills and abilities, continuous improvement of the professional level of specialists trained in higher education institutions, including future engineers. This, in turn, requires higher education institutions to view the learning environment as a fully functional and multidimensional environment for learning subjects.

Keywords: Education, multimedia, life safety, three-dimensional poster, virtual education.

Таълимга ахборот - коммуникация технологияларини, турли хил дастурий маҳсулотларни жорий этиш, ўз навбатида касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳитини шакллантиришга имкон беради. Дастурий маҳсулотларнинг (масалан, Austodesk 3ds Max) имкониятларидан фойдаланиб, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи йўналиши таълим амалиётига ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумкасбий фани бўйича уч ўлчовли дастурий маҳсулотлардан иборат маълумотларнинг электрон базаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди (1-расм). У уч ўлчамли дастурий маҳсулотлардан ташкил топган бўлиб, улардан бири мультимедиага замонавий ўқитиш воситасидир.

1-расмда келтирилган маълумотларнинг электрон базаси, муваффақиятли касбий фаолияти учун ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумкасбий фани бўйича муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи - йўналишида бўлажак мутахассислари учун вариатив ўқув циклини яратиш имконини беради. Техника йўналиши олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳити бу шахсинг ривожланишига, талабаларда билиш - касбий фаолликни шакллантиришга, инсон, оила, жамият ва давлат манфаатларига мос ҳолда касбий тайёргарлик сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи ярим функционал, кўп ўлчамли, таълим субъектларининг ижтимоий аҳамиятли муҳити.

Касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳитини ташкил этиш қуйидагиларга имкон бериши аниқланди:



-ўқув режада кўзда тутилган ўқув фанлари (ижтимоий - гуманитар, математика ва аниқ, умумқасбий ва касбий ихтисослик) ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ҳамда илмий - тадқиқотчилик ишлари ўртасида фанлараро боғлиқликни ўрнатиш;

-талабаларни фаолиятга касбий тайёрлаш жараёнида машғулотларни ташкил этишнинг турли шакллари (масофавий, маъруза – семинар, интегратив ва бошқа) ва методларини (тарғибот-ташвиқот ва ҳодисавий) қўллаш;

-талабаларни фаолиятга касбий тайёрлаш жараёнига мультимедиали ўқитиш воситалари ва ўқитишнинг кўргазмали воситаларини (расмлар, чизмалар, схемалар, диаграммалар, фото, видео, плакатлар, белгилар ва бошқалар) жорий этиш;

- бўлажак касбий фаолият соҳасида билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллаш бўйича талабаларнинг билиш - касбий фаоллигини ривожлантириш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумқасбий фани бўйича мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари таркибига кирувчи уч ўлчамли плакатлар ҳам давлат таълим стандартларини ҳисобга олиб, ҳам ишлаб чиқариш шароитларига мос ҳолда ва касбий хатарлиликларни огоҳлантириш, яъни хавфли вазият, авариялар (ҳалокатлар) ва ишлаб чиқариш жароҳатлар юз беришини огоҳлантириш ҳисобига касбий фаолиятга тайёрлашни амалга оширишни таъминлайди.

Уч ўлчамли плакат - қўлланмада ишлаб - чиқариш вазиятлари, техника ва механизмлар, ишларни ташкил этишнинг турли шароитлари (коммуникация тармоқларининг яқинлиги, ботқоқлашган грунтлар ва бошқалар) ҳамда ишлаб - чиқаришда иштирок этувчилар моделлаштирилган.





ктрон

- 1- расм. Муҳандислик
коммуникацияларини қурилиши ва
монтажи мутахассиси**
- 2- учун ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва
меҳнат муҳофазаси умумкасбий
фани бўйича маълумотларнинг
электрон базаси.**

Таълим амалиётида уч ўлчамли плакат - қўлланмаларнинг яратилиши ва жорий этилиши ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида касбий тайёргарликни рағбатлантириш имконини беради. Бизнинг тадқиқотимизда уч ўлчамли плакат - қўлланмалар қўидагиларга имкон беради.

1) талабаларга бўлажак иш жойларида дуч келадиган ишлаб чиқариш ҳолатини кўрсатиш ва “иштирок этиш орқали таълим олиш” ни ташкил этиш. У эса талабаларга қўидаги имкониятларни тақдим этади.

- аниқ билимларни ўзлаштириш ва ижтимоий - аҳамиятли муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш заруриятига ишончни шакллантириш ва инсонларни ҳурмат қилишга тайёрлаш;

- ҳалокат, фавқулодда ҳолатлар, табиий офатлар оқибатларидан ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича индивидуал ҳаракатларнинг кўникма ва малакаларини ўзлаштириш;

- ижтимоий (иш ўринларини эргономик қайта ташкил этиш учун жамоавий ҳаракатлар) қолади кўникма ва малакаларини, жамиятда қабул қилинган маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар асосида ижтимоий ўзаро ҳаракатга тайёргарлик, шунингдек шерикчилик, ўзаро ишончга асосланган муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун жавобгарликка тайёрликни шакллантириш;

2) қўидагиларни шакллантириш имконини берадиган касбий тайёргарлик жараёнини мулоқатлаштириш:

- ахборотни умумлаштириш, таҳлил қилиш, идрок этиш, мақсадни шакллантириш ва унга эришиш йўлларини танлашга қобилиятликни;

- ностандарт вазиятларда ташкилий-бошқарув ечимларини топиш ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қобилиятликни;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиш заруриятига ишонтиришни;

- ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини авария, ҳалокат, табиий офатлар оқибатларидан ҳимоя қилиш бўйича индивидуал ҳаракатларнинг кўникма ва малакаларни;

- ижтимоий (иш ўринларини эргономик қайта ташкил этиш учун жамоавий ҳаракатлар) ҳаракатларнинг кўникма ва малакаларини;

- ностандарт вазиятларда ташкилий – бошқарув ечимларига қобилиятликни.

Талабларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган уч ўлчамли плакат – қўлланма қўидаги имкониятларни тақдим этади.



Биринчи имконият – бу ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси учун зарур бўлган билимларни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг хавфсизлик чораларини амалга ошириш нўқтаи назаридан касбий фаолият соҳасидаги муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш (иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг техник жиҳозланиши; технологик жиҳозларни жойлаштириш ва уларнинг ишончилиги; ишончилилик ва хавфсизлик кўрсаткичларини таъминловчи конструктив материалларни танлаш)дфн иборат.

Иккинчи имконият – бу талабаларда инсонларга ҳурматни намойиш этишга тайёргарликни ва технологик фанлар қоидаларига риоя этишга ҳамда ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга ишончини шакллантириш.

Учинчи имконият – ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича талабаларнинг индивидуал ҳаракатлар кўникма ва малакаларини эгаллашини шунингдек ишлаб чиқилаётган лойиҳалар ва техник ҳужжатларнинг стандартлар, техник шартлар, ишлаб чиқариш ва ҳаёт фаолият хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазасига оид бошқа меъёрий ҳужжатларга мослигини назорат қилишни кўзда тутуди.

Тўртинчи имконият – талабаларнинг жамоада ишлашини, шунингдек ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳамда ишлаб чиқариш хавфсизлигини ташкил этиш соҳасига инновацион ғояларни жорий этиш методларини эгаллашини кўзда тутуди.

Бешинчи имконият – талабаларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида тўғри ечимларни қабул қилишга ишончини шакллантириш, шунингдек қурилиш объектлари, жиҳозларнинг техник ҳолати ва қолдиқ ресурси ҳақидаги ахборотни умумлаштириш, таҳлил қилишга қобилиятни шакллантиришни кўзда тутуди.

Олтинчи имконият - ностандарт вазиятларда ташкилий - бошқарув ечимларини топа олиш қобилияти ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёргарлик (конструкциялардаги материалга атроф-муҳит таъсирини таҳлил қилиш; ишлаб чиқаришдаги хатарларни аниқлаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш).

Уч ўлчамли плакат - қўлланма бир нечта модуллардан иборат. Ҳар бир модулда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича виртуал ишлаб чиқариш вазиятлари тақдим этилиб, улар образли - кўрғазмали фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади, шунингдек талабаларнинг касбий фаолиятга тезда киришишни таъминлайди.

Бундай модулларда жойлаштирилган ахборот машина ва механизмлар, мослама ва асбоблар кўринишидаги уч ўлчамли фазовий тасвирлардан, умумий ишлаб чиқариш вазияти, қурилиш майдончаси ва унинг элементлари, алоҳида иш турларини бажарувчи иштирокчилар ва бошқа кўринишдаги дизайн-макетдан ташкил топган.

Уч ўлчамли тасвирларни қуриш нўқтаси шундай танланганки, плакат - қўлланманинг ҳар бир алоҳида модулини яқунланган технологик жараён ёки цикл сифатида қараш ва унинг асосида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича талабларни тасвирлаш ва қуриш, касбий вазифаларни моделлаштириш мумкин бўлади. Модулларнинг махсус ажратилган компонентлари алоҳида объектларни акс эттириш ҳисобига хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда ишларни бажаришга таъсир этувчи энг характерли хусусият ва параметрларни аниқлашга имкон беради.



Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумкасбий фани бўйича мультимедиали ўқитиш воситалари таркибига оралиқ ва яқиний назоратларни ўтказишда фойдаланиладиган ўқув масалали - вазиятлар ҳам киради

Ўқув масалали - вазиятларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- касбий соҳада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича таянч билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган предметли - когнитив;

- касбий соҳада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича компетенцияларни ва ижтимоий ҳамкорлар билан касбий ўзаро алоқа тажрибасини ўзлаштиришни таъминлайдиган амалий – йўналтирилган.

Мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари таркибидаги ўқув масала-вазиятларни юқорида қайд этилган гуруҳларга ажратиш шартли. Ҳар бир ўқув масалали вазият касбий соҳада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича таянч билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, ижтимоий ҳамкорлар билан касбий ўзаро алоқа тажрибасини ва бўйича компетенцияларни ўзлаштиришга йўналтирилган.

Касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳитини ташкил этиш касбий тайёргарликнинг мустақил воситаси, шунингдек, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича мультимедиали замонавий ўқитиш воситасининг асосий компоненти сифатида ўқув фильмларни қўллашни кўзда тутуди. Ана шуни эътиборга олиб, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига оид ўқув фильмларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) ўқув фильми мазмуни шундай тузилиши керакки, у кўриб чиқилаётган технологик жараён ёки қурилиши техникаси билан ишлашнинг бутун технологик жараёни ёки таянч босқичларини тўдалигича ўзига қамраб олиши керак;

2) ўқув фильмини тамоша қилишдан олдин талабаларнинг фильм бағишланган ишларни бажариш технологияси ҳақидаги бошланғич билимларини аниқлаш мақсадида турли шароитларда ушбу турдаги ишларни бажаришда фойдаланиладиган жиҳозлар ва қурилиши машиналари ҳақида; фильм бағишланган ишларни бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлашнинг умумий талаблари, шунингдек ходимни киришишга рухсат бериши ҳақида дастлабки ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масалаларининг муҳокамани ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

3) касбий тайёрлаш жараёнида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув фильмидан фойдаланишнинг қуйидаги вариантлари мавжуд: компьютер ёрдамида ўқув фильмида тақдим этилган ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масалалари мазмунини мустақил ўрганиш: аудитория машғулотида ўқитувчи билан биргаликда ўқув фильми мазмунини ўрганиш; ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси мутахассис изоҳлари орқали амалиёт жараёнида ўқув фильми мазмунини ўрганиш; аудитория машғулотида таълим олувчиларнинг изоҳлари орқали ўқув фильми мазмунини ўрганиш;

4) ўқув фильмидан фойдаланишнинг барча вариантлари керакли масалаларни статик кадрда ўрганиш учун тўхташ имкониятга эга бўлиши керак;



5) ўқув фильми мазмунини ўрганиш жараёнида талабаларга ишларни бажариш участкасини тасвирлаб бериш ва уни ташкил этиш бўйича ўз вариантларини ундаги зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини аниқлашни таклиф этиш мумкин;

6) ўқув фильмининг тамошо қилиш якунланганидан сўнг талабаларни унда фойдаланилган асосий атама ва таърифлар билан таништириш мақсадга мувофиқ;

Шундай қилиб муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳитни ташкил этиш, ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги имкониятларни яратди:

талабаларга бўлажак касбий фаолият соҳасида ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабаларига мос келадиган хулқни шакллантириш, ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаёт ва соғлиғига хавф солувчи стандарт ва ностандарт вазиятларда самарали ҳаракатланиш имконини беради;

талабаларга ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳамда касбий хатарлиликларни бошқариш бўйича касбий вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган компетенцияларни ўзлаштиришга имконият яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бадрутдинов М.Н. Мультимедийно-обучающий комплекс по охране труда как средство профессиональной подготовки бакалавров инже-нерно-строительного профиля: автореф. канд. пед. наук. – Йошкар-Ола, 2014. – 23 с.
2. “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида” ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2008 й., 37-38-сон.
3. Хамидов О.А. “Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда мультимедиа технологияси ва воситаларнинг ўрни ва имкониятлари” // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. - Наманган. 2020. -№3. –Б. 427-732.
4. Хамидов О.А. Замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш. п.ф.ф.д.(Phd) дисс.автор. Тошкент-2021 й



O'QITUVCHINING ZAMONAVIY TA'LIM MUHITIDA SHAXSIY VA KASBIY O'ZINI O'ZI RIVOJLANTIRISH MOTIVATSIYASI

Shodiyeva Matluba Jo'rayevna

Qashqadaryo viloyat XTXQTMOHM Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrası mudiri

pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Tel: 90 325-91-72 e-mail: matlubashodiyeva82@gmail.com

***Annotatsiya.** Maqolada o'qituvchining o'zini o'zi rivojlantirishining mazmun-mohiyati, pedagogik-psixologik xususiyatlari keng yoritilgan. Shuningdek, o'qituvchining o'zini o'zi rivojlantirishida ichki va tashqi motivlarning ahamiyati ilmiy, pedagogik va psixologik jihatdan asoslab berilgan.*

***Kalit so'zlar:** kasbiy rivojlanish, o'zini o'zi rivojlantirish, ichki va tashqi motiv, motivatsiya, uzluksiz ta'lim, ehtiyoj, o'zini o'zi anglash.*

МОТИВАЦИЯ ЛИЧНОГО И ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО САМОРАЗВИТИЯ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В СОВРЕМЕННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ

Шодиева Матлуба Жураевна

Заведующая отделом дошкольного, начального и специального образования

Кашкадарьинской области

Доктор философии по педагогике (PhD)

Тел: 90 325-91-72 e-mail: matlubashodiyeva82@gmail.com

***Аннотация.** В статье раскрывается сущность педагогического саморазвития, педагогические и психологические особенности. Роль внутренних и внешних мотивов в саморазвитии учителя также научно, педагогически и психологически обоснована.*

***Ключевые слова:** профессиональное развитие, саморазвитие, внутренняя и внешняя мотивация, мотивация, непрерывное образование, потребность, самосознание.*

MOTIVATION OF TEACHER'S PERSONAL AND PROFESSIONAL SELF-DEVELOPMENT IN A MODERN EDUCATIONAL ENVIRONMENT

Shodiyeva Matluba Jurayevna

Head of the Department of Preschool, Primary and Special Education of Kashkadarya Region

Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD)

Tel: 90 325-91-72 e-mail: matlubashodiyeva82@gmail.com

***Annotation.** The article describes the essence of pedagogical self-development, pedagogical and psychological features. The role of internal and external motives in teacher self-development is also scientifically, pedagogically and psychologically justified.*

***Keywords:** professional development, self-development, internal and external motivation, motivation, continuing education, need, self-awareness.*

Xalq ta'limi sohasida faoliyat ko'rsatayotgan rahbar, mutaxassis va pedagog xodimlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini takomillashtirish, umumiy o'rta ta'limning ilmiy asoslarini yaratish maqsadida xalq ta'limi xodimlarini kasbiy rivojlantirishning



zamonaviy turlari va shakllarini keng joriy etish masalalari O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 25 yanvardagi "Xalq ta'limi sohasidagi ilmiy-tadqiqot faoliyatini qo'llab quvvatlash hamda uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4963-son qarorida ustuvor yo'nalish sifatida belgilab berildi [1]. Bugungi ta'limni modernizatsiya qilish sharoitida, o'qituvchi ijtimoiy bilimlar va madaniy qadriyatlarning yetkazuvchisi sifatida ta'limda innovatsion jarayonlarni rivojlantirishga doir yangi talablarga duch kelmoqda. Shundan kelib chiqib, umumiy o'rta ta'lim tizimi oldiga qo'yilgan ijtimoiy buyurtmani hisobga olgan holda, o'qituvchilarning kasbiy va metodik tayyorgarligidagi mavjud kamchiliklarni ularning (davriy va uzluksiz) malakasini oshirish hamda o'z shaxsi va faoliyatini anglashi, tahlil qilishi va boshqalar bilan taqqoslash, mustaqil mutolaa qilish, o'z ustida ishlash, o'zini o'zi rivojlantirish jarayonini tashkil etish orqali bartaraf qilish muhim vazifalardan hisoblanadi. Buning uchun mustaqil va uzluksiz malaka oshirish tizimi samaradorligini ta'minlashga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan pedagogik omillarni belgilash, o'qituvchilarning pedagogik innovatsiyalarni o'zlashtirish jarayonining mazmuni, shakllari, vositalari, metodlarini ishlab chiqish hamda amaliyotda tatbiq etish yo'llarini ko'rsatish orqali o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish tizimini vujudga keltirish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'qituvchilarni kasbiy rivojlantirish jamiyatning ehtiyojlari, fan va amaliyotning rivojlanishi, inson shaxsini rivojlantirishga tobora ortib borayotgan talablar, ularning o'zgaruvchan ijtimoiy jarayonlar hamda vaziyatlarga tez va adekvat javob berish qobiliyati, o'z faoliyatini qayta qurishga tayyorligi va yangi, yanada murakkab muammolarni mohirona hal qilish, o'z-o'zini rivojlantirishga tayyorligi bilan belgilanadi. O'z-o'zini rivojlantirishning ma'nosi bilim faoliyati qoniqishida, o'qituvchining ortib borayotgan ehtiyojida, uzluksiz ta'lim orqali o'zini o'zi anglashda namoyon bo'ladi. O'z-o'zini rivojlantirishning mohiyati aqliy mehnatning texnikasi va madaniyatini, muammolarni bartaraf etish, mustaqil ravishda o'z ustida ishlash, shu jumladan kasbiy mahoratni o'zlashtirishdir.

Biz ilmiy tadqiqotimiz muammosi yuzasidan o'qituvchilarning o'z-o'zini kasbiy rivojlantirish mexanizmini takomillashtirish maqsadida mahalliy va xorijiy olimlarning ilmiy tadqiqot ishlarini tahlil qildik.

Mutaxassis va shaxs sifatida o'z-o'zini rivojlantirishning mazmuni va tuzilishini aniqlash muammosi A.A.Bodalev [6], A.A.Derkach [9], E.F.Zeyer [12], V.G.Zazikin [11], V.I.Slobodchikov [24], L.N.Kulikov [14], D.A.Leontyev [16], A.K.Markova [17], S.L.Rubinshteyn [23] kabi fundamental psixologik va pedagogik asoslarni va zamonaviy nazariyani yaratishga katta hissa qo'shgan olimlar tomonidan tadqiq qilingan.

Shaxsiy rivojlanish ta'limi Y.D.Anufriyeva [4], N.V.Yegorova [10], D.M.Marochkina [18], G.A.Tsukerman [27] va boshqalarning zamonaviy ta'lim konsepsiyalarida ishlab chiqilgan yondashuvlarga asoslangan bo'lib, ular jamiyat rivojlanishining gumanistik tendensiyalariga va ustuvorligiga, mutaxassislarning pedagogik faoliyatidagi kasbiy ehtiyojlariga asoslangan.

V.I.Andreyev [3], L.V.Vedernikova [7], S.N.Usova [25], N.Sh.Chinkina [26] va boshqalarning tadqiqotlari pedagogik faoliyatda o'qituvchining ijodiy o'zini o'zi anglashga bo'lgan munosabatining shakllanishi, boshlang'ich sinf o'qituvchisining professional ijodiy o'zini o'zi anglashga tayyorligini shakllantirish, innovatsion faoliyat sharoitida o'qituvchining ijodiy o'zini o'zi rivojlantirish motivatsiyasini rag'batlantirishga bag'ishlangan. V.V.Baranov [5], N.M.Minayayeva [20], A.M.Novikov [21] va boshqalarning ilmiy asarlarida bo'lajak



mutaxassislarining o'z-o'zini tarbiyalash va rivojlantirish faoliyati manbasini faollashtirish masalalari tadqiq qilingan.

Gumanistik idealga intilayotgan o'z-o'zini rivojlantiruvchi shaxsning xususiyatlari MDH davlatlari hamda xorijiy pedagog va psixologlar B.S.Gershunskiy [8], V.P.Zinchenko [13], I.S.Kon [15], A.Maslov [19], K.Rodjers [22] tadqiqotlarida ko'rib chiqilgan.

Ilmiy tadqiqotlar tahlilidan ko'rinadiki, "o'z-o'zini rivojlantirish" tushunchasining talqini bo'yicha turli xil g'oyalar va qarashlar mavjud. O'z-o'zini rivojlantirish turli xil sifatlarda namoyon bo'ladi va tadqiqotchilar tomonidan bu atama quyidagicha ta'riflanadi:

hayot strategiyasi sifatida (K.A.Abulxanova-Slavskaya) [2];

rivojlanish shakli sifatida (M.A.Shchukina) [28];

ehtiyoj sifatida (A.Maslov) [19];

o'ziga xos faoliyat sifatida (A.G.Aseyev, L.N.Kulikov, N.A.Nizovskikh va boshqalar) [14].

D.A.Leontyevning ta'rifiga ko'ra, o'z-o'zini rivojlantirish – bu inson tomonidan o'zining asosiy kuchlarini boyitish maqsadida o'ziga qaratilgan faoliyatdir [16].

L.N.Kulikovning fikriga ko'ra, o'z-o'zini rivojlantirish ongli va muntazam ravishda amalga oshiriladigan jarayon bo'lib, u tashqaridan emas, balki ichkaridan aniqlanadi, chunki uning motivatsiyasi va harakatlantiruvchi kuchlari uning tashqarisida emas, balki shaxsiyat ichida shakllanadi [14].

Ko'rinib turibdiki, mutaxassisning kasbiy tayyorgarligi va pedagogik mahorati unda nafaqat kasbiy bilimlarni kerakli darajasini, balki, psixologik tayyorgarlikni, o'zini-o'zi va o'quv-tarbiya jarayonini boshqarish, kasbiy, ma'naviy, jismoniy va shaxsiy imkoniyatlarini kerakli sharoitda qo'yilgan masalani hal etishga to'g'ri yo'naltira olish kabi kasbiy ko'nikmalarni shakllantirishni ham nazarda tutadi. O'qituvchilarni kasbiy rivojlantirish uzluksiz malaka oshirish, mustaqil ta'lim, uzluksiz pedagogik ta'lim integratsiyasini ta'minlash orqali amalga oshiriladi.

Shunga ko'ra, o'qituvchilar o'zini o'zi rivojlantirishni shaxsan qabul qilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Agar o'qituvchi o'zgarishlarni professional faoliyatida aks ettirish asosida qabul qilishga tayyor bo'lsa, bu uning o'zini o'zi rivojlantirishi uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Demak, o'qituvchi kasbga nisbatan faol ijobiy munosabatni boshdan kechirsa, kasbiy muhim fazilatlarni, ularni rivojlantirish zarurligini anglasa, shu bilan birga kasbiy o'sishga intilsa o'qituvchining o'zini o'zi rivojlantirishi barqaror motivga aylanishi mumkin. O'z-o'zini rivojlantirish motivatsiyasi ijobiy aks ettirish va shaxsning informatsion xabardorligi natijasida paydo bo'ladi. Bu orqali pedagog o'z kasbiy o'sishining maqsadi, shakllari, vositalari hamda individual trayektoriyasini mustaqil belgilaydi. Bunda o'qituvchining shaxsiy malakasining rivojlanishiga turli darajada ta'sir ko'rsatish, shaxsiy kasbiy rivojlanishni qo'llab-quvvatlash, kasbiy qiyinchiliklarni konstruktiv tarzda yengib o'tishlari uchun shart-sharoitlarni ta'minlash uzluksiz malaka oshirishning ustuvorligini ta'minlaydi. Shu bilan birga uzluksiz malaka oshirish o'qituvchilarning kasbiy faoliyat bilan bog'liq ta'limiy ehtiyojlari (hayotiy muhim muammolarni hal qilish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma, malaka, shaxsiy sifatlar va qadriyatli yo'nalishlarni egallashga bo'lgan ehtiyoj)ni qondirish, sifatli ta'lim olish imkoniyatlarini yaratish va inson kapitalini rivojlantirishga doir metodik tayyorgarligini takomillashtirishda namoyon bo'ladi.

Biz kasbiy o'z-o'zini takomillashtirishni ma'lum bir ijtimoiy muhit bilan mutaxassisning ongli ravishda o'zaro ta'siri natijasi deb tushunamiz, mazkur jarayonda o'qituvchi kasbiy



faoliyatda va umuman hayotda muvaffaqiyat beradigan shaxsiy fazilatlarni rivojlantiradi. Shuning uchun, agar kasbiy o'z-o'zini takomillashtirish manbai ijtimoiy muhitda bo'lsa, unda bu jarayonning harakatlantiruvchi kuchlarini shaxsning kasbiy o'sishi motivlari shaklida izlash kerak. Shaxs rivojlanishining manbai tashqi va ichki motiv hisoblanadi. Tashqi motiv kasbiy faoliyat natijalarini rag'batlantirish (sertifikatlash, taqdirlash kabi) orqali amalga oshiriladi. Bu orqali ko'pincha o'z funksiyalarini to'ldirish, faoliyatlarini innovatsion yondashuv asosida tashkil etish, ta'limiy vazifalarini samarali bajarishga undaydilar. Ichki motiv o'qituvchining ijodkorlik va o'zini anglashga bo'lgan ehtiyoji bilan bog'liq. Tashqi va ichki motivlar bir-birini to'ldiradi, shu bilan birga kasbiy o'sishga intilish va qiziqishni uyg'otadi.

Mutaxassisning potensial imkoniyatlari, shaxsiy va kasbiy o'sish istiqbollari to'g'risida xabardorligi uni doimiy izlanish va ijod qilishga undaydi. Amaliyot shuni tasdiqlaydiki, mutaxassislarning o'z-o'zini rivojlantirishi uchun o'z-o'zini anglashning psixologik mexanizmlari, mazmuni, o'z-o'zini rivojlantirishning asosiy metod va usullarini bilmaslik, yangiliklardan qo'rqish va bu jarayonga psixologik tayyor bo'lmaslik, rivojlanishdagi qiyinchiliklar, shaxsiy resurslar o'sishining o'ziga xos muammolarini hal qilish bo'yicha tajribaning yetishmasligi kabi omillar to'siq bo'lishi mumkin. Shu bilan birga, turli darajadagi kasbiy rivojlanish darajalariga ega bo'lgan o'qituvchilarning o'z faoliyatining kelajagiga munosabati umuman optimistik bo'lib qolmoqda. Shu bilan birga, akme bosqichida o'qituvchilar orasida mutaxassislikni yaxshiroq egallashga intilish, kasbga qiziqish ustunlik qiladi.

Yuqoridagilardan ko'rinadiki, o'qituvchining kasbiy ahamiyatli fazilatlari shaxsiy resurslar bo'lib, bu erda asosiy rol motivatsiya, malakaga, javobgarlikka, o'zini o'zi boshqarishga tegishli. O'zining kasbiy faoliyatidan qoniqish va o'zini o'zi yetarli darajada baholashga asoslangan kasbiy o'zini o'zi rivojlantirish motivatsiyasi mazkur jarayonni shakllantiruvchi blok vazifasini bajaradi. O'qituvchilarning kasbiy ahamiyatli shaxsiy fazilatlari, xususiyatlari kasbiy o'zini o'zi takomillashtirish uchun zarur shartlar darajasida belgilanadi. Demak, o'qituvchi kasbga nisbatan faol ijobiy munosabatni boshdan kechirsa, shu bilan birga kasbiy muhim fazilatlarni, ularni rivojlantirish zarurligini, kasbiy o'sishga intilishini rag'batlantirilsa o'qituvchining o'zini o'zi takomillashtirishi barqaror motivga aylanishi mumkin.

Adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 25 yanvardagi "Xalq ta'limi sohasidagi ilmiy-tadqiqot faoliyatini qo'llab quvvatlash hamda uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4963-son qarori.
2. Абульханова – Славская К.А. Стратегия жизни. – М.: Мысль, 1991. – 299 с.
3. Андреев В.И. Диалектика творческого воспитания и самообразования. Казань. 1988. – 237 г.
4. Ануфриева Д.Ю. Саморазвитие учителя в процессе подготовки к педагогической деятельности. Дис. ... канд. пед. – М., 1996. –153 с.
5. Баранов В.В., Белоновская И.Д., Чепасов В.И. Факторный анализ как инструментарий педагогического знания о саморазвитии студента университетского комплекса // Вестник Оренбургского государственного университета. 2012. № 2. – С. 21-27.
6. Бодалев, А.А. Вершина в развитии взрослого человека, характеристики и условия достижения / А. А. Бодалев. – М. : Флинта : Наука, 1998. – 165 с.



7. Ведерникова Л.В. Формирование отношения учителя к творческому самосознанию в педагогической деятельности: Дис. канд.н. – М., 2001. – 43 с.
8. Б.С.Гершунский. Философия образования: Учебное пособие для студентов высших и средних педагогических учебных заведений. – М.: Московский психолого-социальный институт, 1998. – 432 с.
9. Акмеология: личностное и профессиональное развитие человека. Методолого-прикладные основы акмеологических исследований / А.А.Деркач. – М., 2000 г. – 391 с.
10. Егорова Н.В. Основы самообучения: учебник. – Елабуга: Товарищ, 1997. – 70 с.
11. Зазыкин В.Г. Акмеографический подход в развитии профессионализма государственных служащих: Психологическое воздействие в деловом общении: Конспекты лекций / В. Г. Зазыкин. М. : РАГС, 1999. – 87 с.
12. Зеер Э.Ф. Психология профессионального развития. – М.: Академия, 2006. – 240 с.
13. Зинченко В. П. Саморазвитие духа (памяти друга В. В. Давыдова) // «Вопросы психологии». 1998, № 5, с. 3–10.
14. Проблемы саморазвития личности / Д.Н.Куликова. – Издание 2-е, исправленное и дополненное. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2001. – 342 с.
15. Кон И.С. В поисках себя: личность и ее самопознание. – М.: Полит-издат, 1984. – 334 с.
16. Леонтьев Д.А. Очерк психологии личности: учеб. пособие для вузов по специальности «Психология» / Д. А. Леонтьев. 2-е изд. – М. : Смысл, 1997. – 63 с.
17. Маркова А.К. Психология труда учителя: Книга для учителя. М.: Просвещение, 1993. – С. 6-11.
18. Марочкина Д.М. Технология профессионального и личностного саморазвития будущих специалистов на начальном этапе обучения в вузе: Автореферат диссертации ... сахар. пед. ф. – Самара, 2006. – 19 с.
19. Маслоу А. Мотивация и личность // Курс практической психологии, или как научиться работать и добиваться успеха. – Ижевск: Издательство Удмуртского университета, 1999. – С. 85-105.
20. Миняева Н.М. Актуализация ресурса самообразовательной деятельности студента: теория и практика: монография. Оренбург: ООО «Никос», 2011.
21. Новиков А.М. Развитие «самости» студента - категориальный аспект проблемы // Высшее образование в России. 2011. № 11. – С. 130-136.
22. Роджерс К. Становление личности. – М.: Эскиммо-Пресс, 2001. – 416 с.
23. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 1998. – 720 с.
24. Слободчиков В.И. Основы психологической антропологии. Психология человека: Введ. в психологию субъективности : учеб. пособие / В. И.Слободчиков. М.: Школа-Пресс, 1995. – 383 с.
25. Усова С.Н. Формирование готовности будущего учителя начальных классов к профессиональной творческой самореализации: Автореф. дис ... кандидат педагогических наук. Казань, 2002. – 22 с.
26. Чинкина Н.Ш. Стимулирование мотивации творческого саморазви-тия учителя в условиях инновационной деятельности. – Казань: Издательство КГУ, 2000. – 284 с.
27. Цукерман Г.А. Психология саморазвития личности. –М.:1995. – 288 с.
28. Щукина М.А. Психология саморазвития личности: монография. Санкт-Петербургский государственный университет. 2015. – С 348.



ТАЛАБАЛАРНИНГ ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МУҲИМ ОМИЛЛАР

Муталов Саидакбар Хамидулло ўғли

Наманган давлат университети таянч докторанти

Тел.: +998913488010, e-mail: saidakbarmutalov@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада олий таълим муассасалари талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантиришга таъсир этувчи муҳим омиллар, уларда лидерлик кўникмаларини ошириб бориш ва унинг механизмларини модификация қилиш, жамоавий ишлаш тизимини янада кенгайтиришнинг шарт-шароитлари, таълим-тарбия жараёнларида ижтимоий-педагогик ҳамкорлик муҳитини яратиш ва ёшлар ташкилотининг аҳамиятини кучайтириш, лидер талабаларни тарбиялаб бориш ва бу борада ўқитишнинг замонавий метод ва воситаларини такомиллаштириш хусусида фикр юритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: талаба, лидерлик қобилияти, педагогик омиллар, дастур, шахс фаоллиги, ижтимоий фаоллик, таълим-тарбия, компетенция, педагогик шарт-шароит, комил инсон, жамоа, тренинг, ёшлар ташкилоти, етакчи.

IMPORTANT FACTORS AFFECTING STUDENT LEADERSHIP

Mutalov Saidakbar Hamidullo ugli

PhD researcher, Namangan State University

Annotation. This article discusses the important factors influencing the development of leadership skills of students in higher education, the development of leadership skills and modification of its mechanisms, the conditions for further expansion of teamwork, creating an environment of socio-pedagogical cooperation in educational processes and strengthening the role of youth organizations, thinking about educating leading students and improving modern teaching methods and tools in this regard.

Key words and concepts: student, leadership skills, pedagogical factors, program, personal activity, social activism, education, competence, pedagogical conditions, perfect person, team, training, youth organization, leadership.

ВАЖНЫЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЛИДЕРСТВО СТУДЕНТОВ

Муталов Саидакбар Хамидулло угли

докторант Наманганского государственного университета

Аннотация. В статье рассматриваются важные факторы, влияющие на развитие лидерских качеств студентов в высшей школе, развитие лидерских качеств и модификация их механизмов, условия для дальнейшего расширения совместной работы, создания среды социально-педагогического сотрудничества в образовательных процессах и укрепления роль молодежных организаций, думающих об обучении ведущих студентов и улучшении современных методов и инструментов обучения в этом отношении.

Ключевые слова и понятия: студент, лидерские качества, педагогические факторы, программа, личная активность, социальная активность, образование, компетентность, педагогические условия, совершенный человек, команда, обучение, молодежная организация, лидерство.



Лидерлик қобилияти мавжуд талабалар билан таълим-тарбия жараёнларини узлуксиз йўлга қўйиш ва методик қўллаб-қувватлаш муҳим ижтимоий-педагогик заруратдир. Чунки талабалардаги мазкур сифатлар асосида шакланган кўникма ва компетенциялар уларни келажакда нафақат ўз соҳалари доирасида балки, жамият ҳаётининг турли қирраларида доминантлик хусусиятларини таъминлайди. Айниқса, талаба ўз олдидagi бир муаммо ёки масала бўйича бир вақтнинг ўзida бир нечта инновацион ечимларни кўра билади. Ностандарт вазиятларга мослашиш ва вазиятни бошқариш кўникмаси шаклланиб боради.

Шу боис ҳам илмий тадқиқот иши давомида талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришда аввало жамият ва таълим тизими учун манфаатли бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда албатта таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлиги, таълим иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги ва талабалар билан ишлашда эркин-ижодий муҳитни юзага келиши учун қулай шароит яратувчи омилларни кўздан кечириш лозим. Талабалар билан ишлаш ва уларнинг шахсий баркамоллигини таъминлашга қаратилган ўқитишнинг янгича шакллари, метод ва воситаларини изчил ўрганиш ва бунга хизмат қилувчи методик таъминотни мустаҳкамлашни тақозо этади.

Маълумки, ҳар қандай талабанинг табиатида лидерликнинг турли шакллари кўзга ташланади. Баъзан эса бундай қобилият ва индивидуал сифатлар яширин ҳолатда бўлади. Талабадаги лидерлик қайси даражада бўлишидан қатъий назар, мавжуд ижтимоий-психологик билимларни ривожлантириш, зарурий кўникмаларни сингдириш, етаклаш ва бошқариш тажрибасини орттириб бориш лозим. Токи талабалар олий таълим муассасасида олган назарий билимлари ва орттирган тажрибаси асосида ихтисослашган лидер сифатида касбий фаолиятини давом эттирсин.

Талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантиришда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- талабаларнинг ижтимоий-психологик ҳолати;
- педагогик жараёнлардаги лаёқат даражаси;
- зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш бўйича эркин-ижодий муҳит ва шароит яратилганлиги;
- талабадаги ўзига ишонч, ижодкорлик ва жамоатчилик фаолиятига мойилликнинг мавжудлиги;
- маънавий-маърифий тадбирлар ва кўрик-танловларни узлуксиз ташкил этиб борилиши;
- жамоат ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйилганлиги;
- таълим муассасасидаги клуб, марказ (тўғарак) ва уюшмаларнинг замонавий фаолиятга асосланганлиги;
- ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар;
- таълим муассасаси раҳбарияти томонидан талабаларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватланиши;
- талабаларнинг лидерлик қобилиятини оширишга қаратилган стратегик дастурларнинг ишлаб чиқилганлиги;
- ихтисослаштирилган ўқув машғулоти ва тренингларни юксак билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан ташкил этилиши;



Талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантириш юзасидан юқорида кўздан кечирилган омилар доимо бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳар бир босқичда ўзига хос илмий таҳлил, методик ёндашув ва интеграцион жараёнларни амалга оширмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ёшларнинг, хусусан талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, уларнинг инновацион потенциали, лидерлик хусусиятларини ривожлантириш каби муҳим масалаларга назарий ва амалий жиҳатдан ечим топишда аҳамиятлидир.

Талабаларда ўзини-ўзи такомиллаштириб боришига қаратилган барча ҳаракатлар тизими аввало унинг хоҳиш-иродаси, ўзига бўлган ишончи ва албатта шахсий билим олиши билан таркиб топади. Кузатишлар натижасида айрим талабаларда мавжуд тор доирадаги лидерлик сифатлари уларнинг ўзларидан қониқиш ҳиссини пайдо қилади. Бу эса улардаги билим олиш ва шахсий ривожланишга бўлган майлларни чеклаб қўяди. Илмга, рефлексив билимларга асосланмаган хатти-ҳаракатлар остидаги лидер биринчидан жамият учун ҳам, таълим жараёнлари учун ҳам манфаат келтирмайди. Бу тоифадаги лидер ўз ортидан фақат ўзи каби талабаларни эргаштириши мумкин ҳолос.

Яна бир жиҳат шундан иборатки, одатда муайян бир аудитория ёки жамоада ҳамма талабаларнинг ҳам ўзлаштириш даражаси бир хил эмас. Айнан талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим педагогик шарти – объект ва субъект орасидаги узвий алоқа, когнитив компонентларни мустаҳкамлаб бориш, ижтимоий-психологик ҳамкорлик, кўпчилик орқали индивидуал таъсир этиш ҳамда фаоллик даражаси паст бўлган талабаларни ижодий фикрлаш ва яширин сифатларини юзага чиқаришларига замин яратишдан иборат.

Талабаларни лидер этиб тарбиялаш ва унинг қобилиятини ривожлантириб бориш қисқа муддатли жараён эмас. Бу жараён ўзига хос вақт ва меҳнат талаб қилгани ҳолда, муайян педагогик-психологик саъй-ҳаракат орқали кўзланган натижани юзага чиқаради. Талаба лидер сифатида жамиятнинг барча жабҳасида ўз мавқесини мустаҳкамлаб бориши учун мустақил равишда зарурий билимларни эгаллаб бориши талаб этилади.

Бинобарин, талабалардаги шахсий-ижтимоий сифатларнинг ривожига алоҳида эътибор қаратиш ва комил шахс сифатида юксалтириб бориш улардаги лидерлик қобилиятини юзага чиқаришнинг муҳим омилари сирасига киради. Бунинг учун дастлаб, инсон шахс даражасига кўтарилиши учун қуйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлмоғи даркор. Буларга умумий ҳолатда: индивидуаллик, феъл-атвор, фаоллик, мақсадга интилувчанлик, йўналганлик ва ирода киради [1].

Эътиборлиси шундаки, юқорида қайд этилган ушбу сифатларга педагогик ишлов бериш ва шахснинг таълим-тарбиясини мустаҳкамлаш олий таълимга қадар маълум маънода амалга оширилади. Тадқиқотчи М.Зуфарованинг қайд этишича, “Умумий таълим мактаб ўқувчилари ёши ва психологик дифференциацияси нуқтаи назаридан ўз истеъдодларини биринчи бор англаган ҳолда намоён этишга қодир бўлган хусусиятга эга бўлади. Айнан умумтаълим жараёнида барча ўқувчиларда етакчиликка алоқадор бўлган билим ва кўникмаларнинг берилиши уларнинг жамиятда фаол позицияда туриб яшашлари учун асос бўлиб хизмат қилади” [2]. Бир сўз билан айтганда, мактабда лидерликка тамал тоши қўйилган. Шу боис ҳам, талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантириш, таълимнинг олий даражасигача бўлган бўғинларидаги пойдевор асосида амалга ошириш янада самарали кечади. Талабадаги барча сифатлар назарий билимлар ва зарурий кўникмалар орқали бойитиб, унда чинакам лидер қиёфаси



гавдаланиши учун замин яратилади. Улар психологик ривожланиш босқичида бўлиб, ижтимоий жиҳатдан фаолликка мойил бўлади.

Талабалик ёши (ўртача 18-23 ёш) шахснинг физиологик ҳамда психологик жиҳатдан бир мунча сокин ривожланиши билан тавсифланади. Уларнинг табиатларида инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар мазмунини чуқур англашга нисбатан ингилиш ҳамда ушбу жараёнда улар мустақиллигини тўла-тўқис таъминланиши истаги муҳим ўрин тутади[3]. Ўз-ўзидан ижтимоий фаол бўлишга ингилади. Ижтимоий фаоллик эса лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Чунки ижтимоий фаоллик талабаларнинг ҳаётий позициясини белгилаб бергани ҳолда, қуйидаги унсурларни ўзида намоён этади: онглилик, лаёқатлилик, ишчанлик, мустақиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, масъуллик, ватанпарварлик, байналминаллик, инсонпарварликдан иборат[3]. Қайд этиб ўтилган сифатларни ривожлантириб бориш учун талабаларга албатта педагогик кўмак зарур бўлади.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида инсон камолотга ёлғиз эриша олмаслиги, чиникам лидер мақомига эга бўлиш учун ижтимоий-педагогик ёрдам кераклигига урғу қаратган. Мутафаккирга кўра, “Инсон олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади[4]”.

Демак, бутун нафақат олий таълим муассасалари, балки унда фаолият юритаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари, талабалар кенгаши, ёшлар марказлари ва клублар, умуман талабаларнинг ижодий, ижтимоий-маънавий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи тузилмаларнинг ҳам бу борада муҳим педагогик функциялари мавжуд. Мазкур вазифаларни бажаришда олий таълим муассасаларининг ўзаро ижтимоий-педагогик ҳамкорлик асосидаги фаолияти, талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантиришга ижобий таъсир этади. Шунингдек, бу йўналишда таълим-тарбияни нечоғли самарали бўлишига ижтимоий-педагогик муҳит ва юқоридаги тузилмалар умуммасъул саналади.

Айниқса улар томонидан талабалар ўртасида лидерликни ривожлантириб бориш ва унинг механизмини модификация қилиш борасида жамоавий ишлаш тизимига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жамоавий ишлаш лидернинг яширин қобилиятларини юзага чиқариш ва ўзгаларга намуна бўлишида муҳим оми бўлади.

Шунинг учун, талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантириш мобайнида ихтисослаштирилган ўқув машғулотлари ва тренинглари алоҳида эътибор қаратиш лозим. Тренинглари ва ўқув-семинарлар улардаги коммуникативлик сифатлари ва индивидуал компетенцияларини намоён қилишларига замин яратади. Айниқса, бу борада ментор ёки тренер томонидан кучли идрок асосида жамоадаги талабаларга инсон-инсон муносабатлари орқали самарали таъсир этиши аҳамиятли.

АҚШнинг Айдахо университети тадқиқотчиси С.Хамдан ўз тадқиқотида лидерлик машғулотлари аҳамиятини қуйидагича изоҳлаган: “Лидерлик тренинги ўз-ўзини ёрқин намоён этиш, талабанинг ҳаётий мақсадларини аниқлаштириш ва шахсий ва профессионал муносабатларни қондириш учун зарур бўлган шахслараро муносабатлар кўникмаларини эгаллаш учун замин яратади”[5].

Юқорида қайд этилганидек, таълим муассасасидаги клуб, марказ (тўтарак) ва уюшмаларнинг замонавий фаолиятга асосланганлиги талабалар ўртасида лидерлар



сонини ортишига турки берувчи омил саналади. Баъзи ҳолларда таълим муассасаларидаги клуб, тўғарак ва марказлар одатда номигагина ташкил этилиб, эски давр дастурлари билан юзаки фаолият юритишига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Бироқ бутунги кун талаби, ёшларнинг креатив дунёқарashi ва интеллектуал чанқоқлиги ҳам замон билан ҳамнафас янги форматдаги фаолиятга муҳтож. Айни ўринда бу турдаги фаолият учун тьюторлик, фасилитаторлик, менторлик ва эдвайзерлик дастурларини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Аслида, ҳар қандай педагогик метод, технология, услуб ёки восита таълим-тарбияни такомиллаштириш, таълим олувчиларга ҳар томонлама билим ва кўникмаларни бериб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишни назарда тутди. Жараённинг қай даражада фаол ҳолатда бўлиши, натижанинг нечоғли самарали бўлишини ҳеч шубҳасиз педагог ва унинг маҳорати белгилаб беради. Маҳоратли педагог ўзининг билими, касбий компетенцияси, юксак тажрибаси ва ҳар қандай педагогик воқеликни изчил идрок этиш қобилияти билан таълим жараёнига таъсир этувчи омилларни самарали баҳолай олади. Пировардида юқорида назарда тутилган лидер талабаларни тарбиялаш ва уларни мамлакат ривожига, жамиятнинг фаровон ҳаёт тарзини таъминлашга қодир моҳир кадрларни етиштиришда муносиб иштирок этади. Шундай экан, талабаларнинг лидерлик қобилиятларини ривожлантириш асосида улардаги кенг қамровли маҳоратларини, касбий компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, бу борада замонавий педагогик усуллар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, инновацион стратегиялар, интерфаол таълим методлари ва технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зиёмуҳаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Тошкент: “ТІВ-Kitob”, 2009. – Б. 183.
2. Зуфарова М. М. Умумий таълим мактаби ўқувчиларида етакчилик қобилиятини шакллантириш. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. -Б.84.
3. Қуранбоев Қ.Қ. Талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари ташкилотлари мисолида): Пед.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2000. – 155 б
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. 320 Б.
5. Hamdan Said. The effectiveness of student leadership training programs in public universities of Malaysia. Dissertation doctor of educational leadership. Idaho state university. 2006.



ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қодирова Гавхар Алишер қизи
Уринбаева Феруза Закир қизи
ЖизПИ мустақил тадқиқотчиси
Абдулла Қодирий номидаги ЖДПИ
ўқитувчиси

***Аннотация:** Ушбу иш техника йўналиши олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Мақолада чет тилини ўқитиш муаммолари техника йўналиши олий таълим муассасалари мисолида батафсил кўриб чиқилган ва уларни ҳал этиш йўллари ҳамда ўқитиш усуллари бўйича амалий тавсиялар берилган. Чет тилини ўқитишда янги технологияларга эътибор қаратилган.*

***Калит сўзлар:** Компетентлик ёндашуви, интерактив хизмат, ахборот-коммуникация технологиялари*

ОСОБЕННОСТ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ВЫСШИХ ТЕХНИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Кадырова Гавкар Алишеровна
Уринбаева Феруза Закировна
JIZPI исследователь
JDPI имени Абдуллы Qodiri
Преподаватель

***Аннотация:** Этот семинар посвящен специфику преподавания иностранного языка в высших учебных заведениях. В статье обсуждаются проблемы обучения на иностранном языке подробно описаны на примере высших учебных заведений и предоставляют практические рекомендации о том, как их преподавать. Он сосредоточен на новых технологиях на тренировке иностранных языков.*

***Ключевые слова:** компетентный подход, интерактивные услуги, информационные и коммуникационные технологии*

FACULTY OF TEACHING FOREIGN LANGUAGE IN HIGHER TECHNICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Kadyrov Zavkar Alisher
Uribbaeva Feruz Zakirovna
Jizpi researcher
JDPI named after Abdullah Qodiri
teacher

***Annotation:** This work is devoted to the technical features of foreign language teaching in higher education institutions. The article discusses in detail the problems of foreign language teaching on the example of technical higher education institutions and provides practical recommendations on how to solve them and teaching methods. The focus is on new technologies in foreign language teaching.*



Keywords: *Competent approach, interactive service, information and communication technologies.*

Замонавий жамият ҳар қандай бўлажак мутахассисга юқори талаблар қўяди, улар орасида замонавий мутахассис учун компьютер саводхонлиги ва чет тилини билиш зарур. Шу билан бирга, у муҳим бўлган репродуктив кўникмалар эмас, балки самаралидир.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ва интернет, техника олий ўқув юртлари талабаларига чет тилини профессионал тарзда ўрганиш имконини беради. Шундай қилиб, техника йўналиши олий таълим муассасалари битирувчиси учун талаблар юқори, лекин улар оқланади, чунки улар меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишга имкон беради. Техника йўналиши олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитиш бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Чет тили улкан таълим-тарбия салоҳиятига эга бўлиб, унинг яхши ўқитилиши жаҳон стандартлари даражасида ишлаб оладиган малакали, зукко, рақобатбардош мутахассислар шаклланишига хизмат қилади.

Техника йўналиши олий таълим муассасаларида тил ўргатишни аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, техника йўналиши олий таълим муассасалари битирувчиларининг аксарияти профессионал ёзма ва оғзаки мулоқот учун зарур бўлган чет тилини етарли даражада эгалламайдилар. Ёш мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос тартибини рўёбга чиқариш бевосита олий таълим тизимида ўз аксини топади. Мамлакатимизда таълим тизими ҳозирги кунда ислоҳот босқичларини босиб ўтмоқда - хизмат кўрсатиш муассасаларига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда, хизмат кўрсатиш дастурлари такомиллашмоқда, хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси ўрганилмоқда. Ҳозирги кунда олий таълим учун давлат таълим стандартларини компетентликка асосланган шаклда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда, Компетенцияларнинг таърифлари ва таснифи ҳамда уларнинг мазмуни умумлаштирилмоқда.

Замонавий таълим техника олий ўқув юртлари талабаларига чет тилини ўргатишда тизимли ёндашувдан фойдаланишни таклиф қилади. Бу тизимли ёндашув техника олий ўқув юртлари талабалари профессионал чет тилини ўргатиш имконини беради ва самарали ҳисобланади. Техника олий ўқув юртлари битирувчилари ва олий таълимнинг ўзгарувчан тизими учун тартиб-қоида деб аталиб, чет тилини ўргатишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Техника олий ўқув юртларида чет тили ўқитувчилари хизмат кўрсатиш жараёнини оптималлаштиришга йўл қўймайдиган қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Чет тилларни ўқитишда юзага келадиган муаммоларни ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқамиз. Биринчи муаммоси мактабни тугатгандан сўнг битирувчининг чет тили бўйича етарли билимга эга эмаслиги билан боғлиқ. Ўқувчиларнинг мактаб базаси йўқлиги ОТМда чет тилини ўқитиш жараёнига таъсир қилади.

Бу муаммони ҳал қилишнинг йўлларидан бири талабаларнинг мустақил иши бўлиши мумкин. Техника йўналиши олий таълим муассасаларида чет тили бўйича талабаларнинг мустақил ишлари таълимнинг махсус шакли ҳисобланади. У кўп функцияли характерга эга: чет тилини замонавий мутахассисни ташкил этувчи зарур



касбий интизом сифатида ўзлаштиришга ёрдам беради, билимларни эгаллаш кўникмаларини шакллантиришга ва ахборот маданиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Техника олий ўқув юртлари талабаларининг мустақил ишларига мисол тариқасида табақалаштирилган вазифаларга эга бўлган карточкалар хизмат қилиши мумкин. Шубҳасиз, мустақил ишлашда ўқитувчилар ўқувчиларни йўналтирадилар.

Биринчи курс талабалари орасида чет тилини билишнинг турли даражалари ўқитувчини ўртача талабага қаратади, заиф талабалар эса ишни бажариш учун етарли билимга эга эмас ва кучли талабалар тил даражасига эга бўлиб, уларнинг мотивациясини камайтиради. Бу муаммони ҳал этиш гуруҳларда мустақил табақалаштирилган иш ва интеграллашган характердаги иш ҳам бўлиши мумкин.

Мотивациянинг йўқлиги муаммоси техника олий ўқув юртларида техник йўналишдаги фанлар устуворлиги билан боғлиқ. Балки мотивациянинг йўқлиги ўқувчилар ишини холисона баҳолашга боғлиқдир. Ушбу хизматда ўқитувчилар талабаларнинг индивидуал ишларини баҳолаш, чет тилини билишларидаги бўшлиқларни аниқлаш ҳамда техника олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўз-ўзини ҳурмат қилиш имконини берувчи шакллантирувчи таълимдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бу компетентлик ёндашувининг ажралмас элементи бўлиб, режалаштирилган хизмат натижаларини уларга эришиш мезонлари ва назорат қилиш усуллари билан биргаликда ишлаб чиқишга, шунингдек, хизматни тизимли мониторинг қилиш ва тузатишга қаратилган шакллантирувчи тренингдир.

Ихтисослаштирилган адабиётлар ва интернет ресурслари билан мустақил ишлаш малакасининг йўқлиги талаба интернет ахборотларининг катта оқимидан керакли маълумотларни қандай чиқариб олишни билмаслиги билан боғлиқ. Агар техника олий ўқув юртлари талабаси луғат билан ишлаш қобилиятига эга бўлмаса, махсус дарсликлар билан ишлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Натижада мустақил равишда конференсияга тайёргарлик кўриш, берилган мавзу бўйича ҳисобот ёки реферат ёзиш чет тилида олиб борилиши мумкин эмас. Бу вазиятдан чиқиш йўли қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) синфлар учун адабиётлар рўйхатини кундалик тузиш;
- 2) ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғат; 3) ўқувчиларнинг электрон луғатлардан фойдаланишга мажбурий хизмати; 4) ўқувчи томонидан адабиётлар ва интернет ресурсларини мунтазам кузатиб бориш.

Агар чет тили ўқитувчилари ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини уйғотишга ҳаракат қилсалар, унда фаол фикрлаш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган машқлардан қочиш керак (масалан, ҳар қандай ўзгариш, тасвир билан жумлада оддиндан таълим ва бошқалар.). Бундай монотон иш диққатни бўлади, вазифаларга расмий муносабатни ривожлантиради, мавзуга бўлган қизиқишни туширади. Чет тилидаги вазифалар мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этиш ва аниқ натижаларга эришишга қаратилган бўлиши керак.

Ўқув жараёни ҳақида гапирганда, чет тили тингловчиларининг синф хоналари техник жиҳатдан етарли даражада эмаслиги муаммосига техника олий таълим муассасаларида тўхталиб ўтмаслигимиз керак. Афсуски, ОТМлар мутахасис фанлар ўқитиладиган хоналарга эътибор бериб, чет тили синфхоналарининг моддий-техник базасига унча эътибор бермайди.



Дарсларда АКТ воситаларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлган ўқитувчилар "эскича" усулда ишлашга мажбур. АКТ воситалари хизмат кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш, тизимли шаклда ахборот бериш ҳамда талабалар ўртасида мотивацияни ошириш учун мўлжалланган.

АКТ воситаларига асосланган интерактив хизмат ўқитувчиларга нафақат хизмат кўрсатиш жараёнини ўзгартириш имконини беради, балки услубий ва педагогик вазифалар мажмуини ҳам амалга оширади. Ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ҳар бир ўқувчининг фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг ижодий фаолияти учун вазиёт яратишдир. Компьютер ва кўп функцияли воситалардан фойдаланиш нафақат ускунада шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишга, балки ўқувчиларнинг билим даражасига қараб индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштиришни таъминлашга ҳам ёрдам бериши мутлақо равшан. Кўп нарса ўқитувчига, унинг чет тили дарсида ахборот технологияларидан фойдаланиш истагига боғлиқ.

Техника олий талим муассасаларида АКТ воситаларидан бири тақдимотлар бўлиши мумкин. Тақдимотнинг асосий мақсади керакли материалнинг кўрғазмасидир. Мультимедиа тақдимоти чет тилига хизмат қилиш учун бир кўринишда янги ёндашув ҳисобланади. Бундай тақдимотни тайёрлаш учун талаба илмий тадқиқот ишларини олиб бориши, кўплаб ахборот манбаларидан фойдаланиши, бу эса билимсизликдан қочиш ва бу ишни индивидуал ижод маҳсулига айлантириш имконини бериши керак. Презентацияни қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин: 1) тасвирий (у одатда янги материаллар намойиш қилади); 2) интерактив; 3) ўтилган мавзулар бўйича билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш.

Шундай қилиб, тақдимот техника олий таълим муассасалари талабаларига чет тилини ўқитишнинг асоси бўлган коммуникатив компетентликни шакллантириш имконини беради. Бугунги кунда хизмат кўрсатишнинг энг кўп томонлама техник воситалари электрон интерактив доскалар (SMART Board) ҳисобланади. Электрон интерактив доскалар янги материал ва мультимедиа материалларининг электрон мазмунини хизмат жараёнига жорий этишнинг самарали усули ҳисобланади. Дарс материали интерфаол доска экранида аниқ кўринади ва фаол бўлишга ҳаракат қилаётган барчани рағбатлантиради. Инглиз тилида махсус тайёрланган тематик матнлар, инструкторив ва тест машқлари, хилма-хил характердаги рангли расмлар, инглиз тилидаги мулмедиа дисклари, аудио ва видео материаллар дарс материални киритиш ёки фаоллаштириш, тилнинг лексик бирликлари ва грамматик тузилишини такрорлаш ёки мустаҳкамлаш, билимларни назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш учун хизмат қилади. Интерфаол доска клавиатура, ва компьютер мониторидан фойдаланмасдан ишлаш имконини беради. Барча керакли амалларни бевосита экранда махсус маркер ёрдамида бажариш мумкин. Ўқитувчи компьютерда керакли манипуляцияни амалга ошириш учун дарсдан чалғимайди. Бу янги материаларни ўзлаштириш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Интерфаол доскада, шунингдек, тақдимотда тил малакалари ривожланади, шу билан бирга, ўқувчилар мотивациясини оширади. Талабалар бундай хизмат жараёнида иштирок этишга тайёр, чунки эшитиш, кўриш ва шунга ўхшаш ҳис-туйғулар иштирок этади. Шундай қилиб, биз чет тилларни ўқитишда АКТ воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини кўрамай, аммо ОТМнинг жиҳозланмаслиги ўқитувчи олдида турган педагогик вазифаларни тўла амалга оширишга имкон бермайди.



Адабий манбалар ҳажмининг камлиги муаммосини интернет ресурслари қоплаши мумкин, бу технология соҳасида замонавий ахборот бера олади.

Юқоридагиларни жамлаб шуни таъкидлаш мумкинки, техника олий ўқув юртлари меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган мутахассисларни тайёрлашлари лозим. Техника олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитиш "оддийдан мураккабга" ўтиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барызинов Н.В. О преемственности еелей обужения иностранному языку в средней школе и вузе // Иностраный язык в школе: Сб. науч. ст. Вып. 6.1989. – С. 34 – 35.
2. Арсениев Д.Г. Современные подходы к проекти-рованию и реализации образовательных программ в вузе – СПб.: 2009. – С. 82.
3. Кодирова Г.А. Чет тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар. замонавий тадқиқотлар, инновациялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденцияларимавзусида 2021 йил 9-10 апрель кунлари ўтказилган Республика миқёсидаги илмий-техник анжумани.

ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЭРГОНОМИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаев Сафибулло Хабибуллаевич

Наманган вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази, педагогика фанлари номзоди, доцент. Тел.: + 99890 598 20 70.
safibulloa@gmail.com

Аннотация: Мактабларда янги эргономик таълим муҳитини ташкил этишнинг ва ҳозирги замон мактаб ўқитувчисининг эргономик маданиятини ривожлантиришда эргономик билим, кўникма ва малакаларнинг долзаблиги асосланган. Эргономик тизимда педагог ва ўқувчиларнинг меҳнатни тежаш, мактабда қулай ва самарали, хавфсиз таълим муҳитини яратишда ўқитувчининг иштирок этишини таъминлашга тайёрлаш кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: таълим эргономикаси, ўқитувчи эргономик маданияти, эргономик таълим муҳити, педагогик эргономика, ўқув-билиш фаолияти.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЭРГОНОМИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ У ПЕДАГОГОВ

Абдуллаев Сафибулло Хабибуллаевич

Наманганский областной центр переподготовки и повышения квалификации народного образования, кандидат педагогических наук, доцент.
Тел .: + 99890 598 20 70. safibulloa@gmail.com

Аннотация: Актуальность эргономических знаний, навыков и компетенций основана на создании новой эргономичной среды обучения в школах и развитии эргономической культуры современного школьного учителя. Эргономическая система предусматривает подготовку учителей и учеников к обеспечению трудового участия, участие учителя в создании комфортной и эффективной, безопасной учебной среды в школе.

Ключевые слова: эргономика обучения, эргономическая культура учителя, эргономическая среда обучения, педагогическая эргономика, учебная деятельность.



ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF ERGONOMIC CULTURE DEVELOPMENT IN TEACHERS

Abdullaev Safibullo Khabibullaevich

Namangan Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Education,
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor.

Tel .: + 99890 598 20 70. safibulloa@gmail.com

Abstract: *The relevance of ergonomic knowledge, skills and competencies is based on the creation of a new ergonomic learning environment in schools and the development of the ergonomic culture of the modern school teacher. The ergonomic system provides for the preparation of teachers and students to save labor, to ensure the participation of teachers in creating a comfortable and effective, safe learning environment at school.*

Keywords: *educational ergonomics, teacher ergonomic culture, ergonomic learning environment, pedagogical ergonomics, learning activities.*

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурлари асосида таълим-тарбия бериш, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришдир. Тарбияланувчиларнинг онги, ҳулқ-атвори ва дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган тизимли жараёнда муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган, таълим натижасини кафолатлайдиган педагогик жараён ташкил этиш мактаб ўқитувчиларидан педагогик эргономика бўйича билим, кўникма ва малакаларга асосланган эргономик маданиятни талаб этади.

Ўқитувчининг эргономик маданияти дейилганда биз қулай, самарали ва хавфсиз эргономик таълим муҳити ва замонавий мактаб ўқитувчисининг иш жойини яратиш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган эргономик билим, кўникма ва қобилиятларнинг умумийлигини тушунамиз. Шунингдек, "Ўқитувчи - ўқувчи - ўқув муҳити - ўқув воситаси" эргономик тизими таълим эргономикасининг таркибий қисми бўлганлиги сабабли, ўқитувчининг эргономик маданияти дейилганда ўқитувчи, ўқувчи, таълим муҳити, таълим воситалари каби омиллар йиғиндисида йўналган фаолияти унинг маданиятидан иборат деган хулосага келишимиз мумкин.


Ўқитувчининг касбий стандартга мувофиқ, эргономик жиҳатдаги ўқитувчиларнинг меҳнат функцияларининг муҳим таркибий қисми замонавий мактабнинг қулай ва хавфсиз ўқув муҳитини яратиш контекстида инсон танасининг физиологик, психофизик, антропометрик ва психологик хусусиятлари асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кераклигини аниқлатади. Фазовий йўналиш ўқитувчининг меҳнат фаолиятини қаерда (иш жойи, зона) амалга оширишини кўрсатиши, макондаги йўналиш эса ўқитувчининг меҳнат ҳаракатларини, унинг иш ва дам олиш режимини (иш қобилияти, чарчоқ ва бошқалар) ҳисобга олиниши изоҳланади[1].

Ахборот йўналиши ўқитувчининг маълумотни қаердан ва қандай олиши, таҳлил қилиши, қайта ишлаши (ҳиссий органлар, белгилар, тасвирлар, товушлар ва бошқалар) шаклида намоён бўлиши, ўқув муҳитини тўлиқ технологик ривожлантириш ва ўқитувчи



